



ШУХРАТ ЭРГАШЕВ

# ЖАХОН

# ТАРИХИ

ЯНГИ ДАВР  
1800 - 1918 йиллар

II  
КИСМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ШУҲРАТ ЭРГАШЕВ

# ЖАҲОН ТАРИХИ

ЯНГИ ДАВР  
1800 – 1918 йиллар



*Олий ўқув юртлари 5110600 «Тарих ўқитиши методикаси»  
таълим йўналиши учун ўқув қўлланма*

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2015

УЎК: 94(419)(075)

КБК 63.3(0)я73

Э-74

Масъул мұхаррир:  
тарих фанлари номзоди *Тұлқин Бобоматов*

ТАҚРИЗЧИЛАР:  
тарих фанлари доктори, профессор *Раҳмон Фармонов*,  
тарих фанлари номзоди, доцент *Равшан Сиддиқов*

XIX аср – иқтисод ва техника, аниқ фанлар ва бадий адабиёт, мусика ва тасвирий санъат жадал ривожланган давр. Индустрисал цивилизация қарор топған бу аср юксак тараққиёт асри, шу билан бирга нохуш воқеалар – құзғолонлар, урушлар ва инқилоблар ҳам асри. Бу ижтимоий зиддиятларнинг кескінлашуви, жамиятдаги мавқеларнинг қайта тақсимланиши, янги тамаддуннга қадам қўйған халқларда янгича қадриятлар ва ахлоқ меъёrlарининг шаклланиши давридир.

Бу капитализмдан унинг янги босқичи – империализмга үтиш даври. Тарихий давр сифатида XIX аср жамият тараққиётида янги босқични бошлаб берган Буюк француз инқилобидан бошланади ва жуда катта ижтимоий фожиа – Биринчи жаҳон уруши билан яқунланади.

ISBN 978-9943-28-068-7



© III. Эргашев, 2015

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2015

## КИРИШ

Маърифат асри дея ном олган XVIII аср тарихга айланаб, ўзурнини XIX асрга бўшатиб берди. Янги, XIX аср киришини европаликлар икки марта – биринчи бор янглишиб 1800 йили ва кейин 1801 йили нишонладилар. Аммо тарихий аср ҳар доим ҳам тақвимий аср билан мос тушавермайди. Тарихий давр сифатида XIX аср жамият тараққиётида янги босқични бошлаб берган Буюк француз буржуа инқилобидан бошланади ва жуда катта ижтимоий фожиа – Биринчи жаҳон уруши билан якунланади.

XIX асрни кимлардир пўлат асри, саноат асри, машиналар асри ва бошқа бирорлар эса шиддатли, шафқатсиз аср деб ҳам аташган. Индустрисал цивилизация қарор топган бу аср юксак тараққиёт, шу билан бирга драматик воеалар – кўзғолонлар, урушлар ва инқилоблар ҳам асри. Бу ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви, жамиятдаги ролларнинг қайта тақсимланиши, янги цивилизацияга қадам қўйган халқларда буржуача қадриятлар ва ахлоқ нормаларининг шаклланиши давридир.

XIX асрда иктиносид ва техника, аниқ фанлар ва бадиий адабиёт, мусиқа ва тасвирий санъат шундай жадал суръатлар билан ривожландикси, Европа қитъасида сиёсий бошқарув шаклларини, давлат ҳаёти ва халқаро муносабатлар принципларини кескин ўзгартириб юборган инқилоблар ва урушлар шунчалар тез-тез юз бердикси, илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Бутун аср давомида саноат буржуазияси жамиятда етакчи куч бўлиб келди. Индустрисал цивилизация қарор топган илгор мамлакатларда шаклланган молия капитали фақат XX аср бошига келиб иктиносидий ва сиёсий етакчиликни қўлга олди. XIX аср капитализмдан унинг янги босқичи – империализмга ўтиш жараёнини тайёрлади.

Бу жараён, жамиятда юз бераётган чукур ижтимоий-иктиносидий ўзгаришлар олимлар, публицистлар ва сиёсатчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. XIX аср охири – XX аср бошларидағи иктиносидий-сиёсий адабиётларда ва мақолаларда жамият ҳаётидаги янги ҳодисаларни тавсифлаш учун империализм атамаси кенг қўлланила

бошланди. Дастрлаб машхур инглиз иқтисодчиси Ж.А. Гобсон 1902 йили Лондон ва Нью-Йоркда нашр қилинган «Империализм» номли асарида жаҳон хўжалик тизимининг иқтисодий ва сиёсий жихатларини тавсифлаш ва баҳолашга батафсил тўхталиб, уни «империализм» атамаси билан боғлайди. Орадан саккиз йил ўтгандан сўнг, 1910 йили австриялик марксист Рудольф Гильфердинг ўзининг «Молия капитали» номли монографиясини нашр қилиб, унда «империализм» түғрисида «капитализмнинг янги босқичи» сифатида ёзди<sup>1</sup>. Кейинчалик турли сиёсий қарашлардаги тадқиқотчилар, журналистлар ва сиёсатчилар бу атамага турлича мазмун бахш этдилар. Кўпчилик (Г. Шульц, Ж. Кейнс ва бошқалар) империализм деганда Ғарбий Европа давлатлари томонидан олиб борилаётган экспансионистик ва реакцион сиёсатни тушунишарди. Чунки айнан шу даврда Европа давлатларининг Осиё ва Африкада босқинчилик сиёсати ҳамда мустамлакаларни эгаллаш учун ўзаро кураши авжига чиқди.

1917 йили Петроградда рус большевикларининг етакчиси В.И. Лениннинг «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» номли асари эълон қилиниб, муаллиф унда жаҳон капиталистик хўжалигининг ривожланиш тенденцияларини ва улар олиб келиши мумкин бўлган сиёсий оқибатларни марксистик нуқтаи назардан чукур таҳлил қиласди. В.И. Ленин империализм жаҳон урушлари ва пролетар инқилобларига олиб келади деган умумий холосага келади<sup>2</sup>. У империализмни «капитализм ривожланишининг юқори ва сўнгти босқичи» деб атайди. Бу ғоя ҳокимиятни эгаллашнинг воситаси сифатида қуролли қўзғолонни танлаган социал-демократлар сўл қаноти амалий фаолиятининг назарий асоси бўлиб хизмат қилди.

XIX асрда Европа мамлакатларининг кичик бир гуруҳи жаҳоннинг индустрiali маркази ролини ўйнади, улар армияси ва флотининг техник устунлиги ва қурдати дунёнинг исталган худудида ерларни босиб олиш ва ўзлаштириш имконини берди. Узоқ вақт бу мамлакатларнинг тарихи жаҳон тарихи сифатида ўрганилиб келинди. Бошқа ҳалқлар, улар жаҳон цивилизацияси ва маданияти тарихига қандай ҳисса қўшганлигидан қатъи назар, жаҳон сиёсати ва ҳалқаро муносабатларнинг пассив объекти сифатида қаралди.

<sup>1</sup> Қаранг: Хидаятова Г.А. Дипломатия XX века. – М., 2011. С. 9

<sup>2</sup> Шу ерда.

ХХ асрға келиб бундай ҳолат тубдан үзгәрди. Аср бошларида ёк жаҳон тараққиётіда асосий ролни европалик бұлмаган давлатлар – АҚШ ва Япония үйнай бошлади.

ХХ аср 50-йилларыда америкалиқ тарихчи Р. Палмер XVIII аср охири – XIX аср бошларида Атлантика океанининг иккала томонида юз берган инқилобий воқеалар алоҳида «атлантик инқилоб» жараёнини акс эттиради деган ғояни илгари сурди. Атлантик инқилоб натижасыда бугун биз Farb цивилизацияси деб атайдиган «Атлантик цивилизация» вужудга келди. Дунё «Farb» ва «Шарқ» деган одатдаги географик эмас, күпроқ цивилизацион мазмун касб этган томонларга булиніб кетди.

XIX аср, айниқса унинг иккінчи ярми ва ХХ аср бошлари иқтисодий ва ҳарбий құдрати юқори бүлгап Farb цивилизациясининг экспансияси даври, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг факат сиёсий ва иқтисодий эмас, цивилизацияй қарамлигининг ҳам бошланиши давридир. Европаликлар томонидан забт этилиб, үзининг сиёсий мустақиллигини йүқтөтган, иқтисодий жиҳатдан талон-торож қилинган халқларнинг үз тили, дини, урф-одатларини сақлаб қолиш учун олиб борган курашлари, йүқтөтілген сиёсий мустақилликнинг маълум даражада тикланишига олиб келди. Бу халқларнинг үзига хос маданиятлари Farbнинг илғор цивилизацияси таъсирида йўқ бўлиб кетмади, маълум трансформацияга юз тутди, холос. Айниқса, анъанавий жамиятларда диний қобиққа үралган ва диний тасаввурлар тарзида сақланиб келаётган қолоқ, тараққиёттағов бўлаётган урф-одатларнинг барҳам топиши цивилизациялар яқинлашувида катта аҳамиятта эга бўлди. Шу тарика замонавий жамиятнинг шаклланишида секуляризация<sup>1</sup> жараённи муҳим роль үйнади. Бу узоқ давом этган ва зиддиятли кечганд жараён натижасыда жамиятда эътиқод, дин ва диний ташкилотларнинг мақоми үзгәрди. Дунёвий давлат, мактаб, фан ва маданият шаклланди. Дунёвий ёндашув, секуляризм, виждон эркинлиги инсон дунёкарашининг, озод шахс сифатида үзини англашининг асосини ташкил қилди. Кишилар, анъаналар кучига бўйсунган ҳолда, бирор нарсанни эътиқод сифатида кўр-кўронада қабул килишга мажбур эмаслигини англашаб етдилар. Инсоннинг эътиқоди, динга муно-

<sup>1</sup> Секуляризация – ижтимоий институтларни дин таъсиридан озод килиш, миориф ва мәденият ташкилотларини чёрков (ёки бошқа диний ташкилот) қарамагидан чыктыруш, ҳоли килиш.

сабати унинг ўзигагина тегишли шахсий масалага айланди ва айнан шунинг негизида индивидуализм асослари шаклланиб, кишиларнинг (аввало ғарб кишисининг) фаоллиги ва эркинлиги учун кенг имкониятлар яратилди. Замонавий инсон ўз мақсадлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, муносиб яшаш шароитини яратиш учун ўзини ўраб турган оламни ўзгартиришга киришди. Албатта ҳозирги замон кишиси, унинг ҳаётга муносабати осонгина шаклланиб қолмади. У узок, мураккаб ва зиддиятли йўлни босиб ўтди. Айтиш мумкинки, айнан секуляризация жараёни замонавий жамиятнинг, шахс ва маданиятнинг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Узок давом этган қаттиқ курашлар натижасида диннинг жамиятдаги, ижтимоий онгдаги ҳукмрон мавқеини енгиб, дунёвий тараққиёт йўлига кирган халқлар фан, маданият ва иқтисодий ривожланишида юксак натижаларга эришдилар, ўзлари учун муносиб яшаш шароитини яратдилар.

XIX асрда ҳозирги замон фани шаклланди. Фанни ишлаб чиқарувчи кучга айлантиришнинг узоқ давом этган жараёни яқунланиб, XX асрда илмий-техник инқилобга олиб келди. XIX аср бошларида дунёда 1 мингга яқин олимлар фаолият кўрсатган бўлса, аср ўрталарига келиб улар сони 10 минг кишига етди, 1900 йили эса 100 минг олим илмий фаолият билан шуғулланарди<sup>1</sup>. Фан жамиятни олға ҳаракатлантирувчи қудратли кучга айланди.

Жаҳон тарихи. Янги давр деб номланган ўкув қўлланмасининг иккинчи қисми XIX аср – XX аср бошлари тарихига бағишиланган бўлиб, бу даврдаги энг муҳим воқеалар – саноат тўнтириши, буржуа инқилоблари, индустрисал давлатлар ўргасида дунёни бўлиб олиш учун, мустамлака мамлакатларда эса мустакиллик учун кураш, урушлар ва ниҳоят илгор мамлакатларда индустрисал цивилизация қарор топиши жараёни китобдан ўрин олган. Бу давр фан ва маданиятнинг шиддат билан ривожланиш даври бўлиб, уларга ўкув қўлланмада алоҳида эътибор қаратилган.

<sup>1</sup> Қаранг: Фортунатов В.В. История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012. С. 213.

# **І БҰЛІМ ИНДУСТРИАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ**

## **І БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ДУНЁНИНГ ИҚТІСОДИЙ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ**

*Иқтисодий ривожланишининг асосий йұналишилари ва оқи-  
батлары.*

XVIII аср охирларыда бошланған саноат тұнтарапиши факат саноатнегінде әмас қишлоқ хұжалигининг ҳам ривожини белгилаб, бутун XIX аср давомида күплаб мамлакатлар тараққиётининг асосий мөхиятига айланиб қолди.

Даңстлаб Англия, унинг ортидан Франция, бир оз кейинрок АҚШ, Германия, Австро-Венгрия, Италия, Россия ҳар хил тезлик билан бұлсада, шу йүлдан бордилар. XIX аср охирига келиб саноат тұнтарапиши анъанавий тараққиёт мамлакаттарини ҳам қамраб олди ва Японияда индустрлаштириш бошланди. Шундай қилиб, олимлар индустириал деб атаган, бөш қадриятлари техник тараққиёт ва инсон әркинлиги бұлған цивилизация XIX асрда Европа ва АҚШда узил-кесил қарор топди, ҳамда қарийб иккі аср жағон халқлари тараққиётининг мазмунини белгилаб берди.

XIX аср – XX аср бошлари – бу чукур үзгаришлар даври. Ҳали XV – XVI асрлардаги Буюк географик кашфиётлар ва Реформациядан бошланған, XVII – XVIII асрлардаги буржуа инқилоблари билан давом эттирилген классик капитализмнинг узоқ давом этган ривожланиш йўли шу даврда якунланди ва XIX аср 90-йилларидан тараққиётнинг янги босқичи бошланди. Янги босқич монополияларнинг шакланиши ва кенгайиши, хұжалик ҳаётига давлат ара-лашувининг кучайиши билан характерланиб, фанда империализм номини олди.

XIX аср иккинчи ярмида Фарбий Европа ва Америка мамлакатларида, баъзи Осиё давлатларида жамиятнинг күренишини кескин

ўзгаририб юборган, унинг янги сифат даражасига кўтарилишини тайёрлаган жараёнлар бошланиб кетди. Бу ўзгаришлар Италия ва Германияда сиёсий тарқоқликнинг бартараф қилиниши ва миллий давлатлар ташкил топиши, Россияда крепостной хукукнинг бекор қилиниши, АҚШда қулликнинг тугатилиши, Японияда «Мейдзи инқилоби» («Маърифатли бошқарув») каби воқеалар билан кувватланди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши кескин кучайди. XIX аср 70-йилларидан 90-йилларигача саноат маҳсулотларининг дунё бўйича ҳажми уч мартадан кўпроқ ошди, ишлаб чиқаришнинг соҳалар бўйича тизимида сифат ўзгаришлари юз берди. Агар олдинги даврлар учун енгил саноат, айниқса тўқимачиликнинг кенг ривожланганлиги характерли бўлса, 70-йиллардан бошлаб ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида оғир саноат – металлургия, машинасозлик ва бошқалар муҳим ўрин эгаллай бошлади. Ишлаб чиқаришнинг янги турлари кенг қулоч ёйиб, технологик жараёнларни тубдан қайта қуриш учун тайёргарлик бошланди.

Индустрисал жамият сари узлуксиз ҳаракат давом этди ва XIX аср 70-йилларига келиб у Ғарбийинг илғор мамлакатларида қарор топди. Бунда саноат инқилоби ҳал қилувчи роль ўйнади. У Англияда 1830-йиллари, Франция, Германия ва Австрияда 1870-йиллари амалга оширилди. Илғор мамлакатларда саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмидан ошиб кетди. Бу ҳол Англияда 1820-йилларнинг бошида, Германияда – 1865, АҚШда – 1869, Францияда – 1885 йили юз берди.

Индустрисал жамиятга қадам қўйган Европа ҳақиқий демографик инқилобни ҳам бошдан кечирди. 1800 йилдан 1850 йилгача Буюк Британия аҳолиси қарийб уч баробар, Норвегия, Швеция ва Голландияники икки баробар кўпайди. Аҳолининг мисли қўрилмаган ўсиши иқтисодиётнинг тараққий этишига олиб келди: кўплаб ишчилар ва истеъмолчилар пайдо бўлди. Урбанизация жараёни ҳам жадал ривожланиб, шаҳарлик аҳоли сони Буюк Британияда 50%, Францияда 38%, Австрия ва Пруссияда 25% га етди. XIX аср бошларида дунё шаҳарларида 20,3 млн киши (Ер юзи аҳолисининг 3% и) яшаган бўлса, 1900 йили 244,4 млн (13,6%) киши шаҳарларда яшарди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Фортунатов В.В. История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012. С.161.

Бу даврда Европа мамлакатларида аҳоли ўсишининг принциплари ҳам ўзгарди. Агар XIX аср 70-йилларигача аҳоли ўсишига туғилишнинг юқорилиги ҳисобига эришилган бўлса, 70-йиллардан кейин аҳоли асосан ўлимнинг камайиши ҳисобига қўпайганлигини кўрамиз.

**Айрим Европа мамлакатларининг 1800 йилдан 1913 йилга-ча бўлган демографик қўрсатгичлари қуйидагича (ҳар минг кишига)<sup>1</sup>:**

### Туғилиш

Мамлакат/йил	1800	1850	1870	1900	1913
Швеция	31,4	31,8	30,7	26,1	23,2
Англия	37,7	34,0	35,5	28,1	24,1
Германия	40,3	36,6	38,8	34,3	27,5
Россия	—	50,7	50,8	47,8	43,1
Франция	33,1	25,8	25,5	21,2	18,8
Австрия	40,5	36,5	39,3	36,4	29,7
Италия	—	38,6	36,8	32,6	31,7

### Ўлим миқдори

Швеция	24,4	21,7	18,3	15,5	13,7
Англия	27,1	22,5	22,0	16,1	13,8
Германия	25,8	27,1	27,8	19,5	15,0
Россия	—	36,5	37,1	31,0	27,4
Франция	30,1	23,8	24,9	19,6	17,7
Австрия	26,7	32,0	32,6	24,3	20,3
Италия	—	29,9	30,4	22,0	18,7

### Аҳолининг табиий ўсиши (%)

Швеция	7,0	10,1	12,4	10,6	9,5
Англия	10,6	11,5	13,5	12,0	10,3
Германия	14,5	7,5	11,0	14,8	12,5
Россия	—	14,2	13,7	16,8	15,7
Франция	3,0	2,0	0,6	1,6	1,1
Австрия	13,8	4,5	6,7	12,1	9,4
Италия	—	8,7	6,4	10,6	13,0

<sup>1</sup> Ливи Баччи, Массимо. Демографическая история Европы /Серия «Становление Европы» /Пер. с итал. А.Миролюбовой. – СПб.: «Александрия», 2010. С. 194.

Хўжалик хаётининг ривожланишига фан ва техника соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳам катта таъсир кўрсатди. Анилинли кристалларнинг (1856), олtingугурт ва ишқор ишлаб чиқаришнинг серунум усуслари кашф этилиши (1860-йиллар), буғ турбинаси (1884–1889), ички ёнув двигателли автомобиль (1885), дизель мотор (1896–1899) ва аэропланнинг (1903) яратилиши – буларнинг барчаси саноат ишлаб чиқаришининг ўсишига, йирик машина индустриясига ўтишнинг яқунланишига кучли таъсир кўрсатди. Саноат ишлаб чиқариши суръатларининг ўсишида айниқса тез ривожланаётган металлургиянинг салмоғи катта бўлди. Француз П. Мартен (1864) ва инглиз Г. Бессемер (1885) томонидан яратилган пўлат эритишнинг янги усуслари уни ишлаб чиқаришни кескин ошириб, таннархини арzonлаштириди. 1873 йили инглиз металлурги С. Томас томонидан яратилган суюқ чўянни тозалаш усули фосфоритли бой темир рудаларидан фойдаланиш имконини яратди ва маҳсулотнинг сифатини кескин ошириди. Натижада 1870 йилдан 1900 йилгача жаҳонда пўлат ишлаб чиқариш 56 марта ўсади. Саноатда «темир даври» ўрнига «пўлат даври» бошланди.

Пўлат эритишнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши машинасозликнинг ривожланиши учун катта имкониятлар яратди. Буғ болғаларидан прокат станларига ўтиш натижасида пўлат кувурлар, рельслар ва бошка буюмларни оммавий ишлаб чиқариш бошланди. Бунинг оқибатида темир йўллар қурилиши ва океан кемалари қатновининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. 1870 йилдан 1900 йилгача темир йўлларнинг жами узунлиги 210 минг км дан 790 минг км гача (3,8 марта) узайди. Европада темир йўллар Англия ва Германияни кенг қамраб олган бўлса, АҚШда бир нечта қитъалараро (Шимолий ва Жанубий Америка) линиялар қурилиши якунланди. Темир йўллар ривожланиб бораётган ички бозор ва ташқи савдога хизмат қила бошлади. Юк ташишнинг умумий ҳажми ошиб, нархи арzonлашди.

**1870–1900 йиллари дунёда саноат ишлаб чиқариши ва савдодаги ўзгариш<sup>1</sup>**

Соҳа	Күпайиш (марта)
Кончилик саноати	4
Нефть қазиб олиш	25
Пұлат эритиши	56
Темир йүллар узунлиги	4
Кемаларда юк тасиши	6

Техник тараққиёттинг тезлашуви, саноат ишлаб чиқариши кенгайишининг ҳар хил шароитдаги мамлакатларда турлича юз бериши давлатлар ўртасида иқтисодий тенгсизликни көлтириб чиқарди, баъзи давлатларнинг жадал ривожланиши учун шароит туғдирди. Масалан, 1870 йилдан 1900 йилгача саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми Англияда 1,8 марта ўсган бўлса, бу кўрсаткич Германияда – 3,7 мартаға тенг бўлди. АҚШда ҳам ўсиш 3,7 марта, аммо қисқароқ муддатда – 1880 йилдан 1900 йилгача юз берди.

**Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида илфор индустрисал мамлакатларнинг ҳиссаси қуйидагича ўзгариб борди: (дунёда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотларига нисбатан % ҳисобида)<sup>2</sup>**

Мамлакат/йил	1860	1870	1900	1913
Б. Британия	36	32	18	14
АҚШ	17	23	31	36
Германия	16	13	16	16
Франция	12	10	7	6
Россия	3	4	5	6
Япония	–	–	1 %дан кам	1,2

<sup>1</sup> Трецёткина И.Г. Всемирная история в таблицах и схемах. – СПб.: ООО «Виктория плюс», 2011. С. 55.

<sup>2</sup> Загладин Н.В. Всемирная история: XX век: Учебник для 11 класса общеобразовательных учреждений. – М.: ООО «ТИД «Русское слово – РС», 2006. С.38.

Юқорида келтирилган құрсақчылар шундан далолат беради-  
ки, XIX аср охирiga келиб жағонда тараққиёт лидерининг ал-  
машинуви юз берди. Бир пайтлар «денгизлар маликаси», «дунё  
устахонаси» бўлган Англия ўрнига фақат иқтисодий эмас сиёсий  
жихатдан ҳам лидерликка интилаётган давлатлар – АҚШ ва Гер-  
мания келди. Ҳали 1860 йили саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми  
бўйича Америка Кўшма Штатлари дунёда тўртинчи ўринни  
эгаллаб турган бўлса, 1880 йилларга келиб дунёда биринчи  
ўринга чиқиб олди ва ривожланган саноат мамлакатига айланди.  
АҚШнинг иқтисодий юксалиши унинг улкан табиий ресурслари,  
кулай дарё ва денгиз йўллари, Англия ва бошқа Европа давлат-  
ларидан капиталнинг кўплаб кириб келиши, доимий ишчи кучи  
билан таъминловчи эмиграция, жамиятда феодал муносабатлар-  
нинг йўқлиги, доимий ривожланаётган давлат-хукуқ тизими ин-  
ститутлари, фуқароларнинг иқтисодий ва сиёсий хукуқлари ка-  
фолатланганлиги билан боғлиқ эди. Германия саноатининг жадал  
тараққиётига эса бошқа сабаблар асос бўлаётганди. Унинг бир-  
лашуви, Франция-Пруссия урушидан кейин олинган жуда катта  
контрибуция, жағон тажрибасидан кенг фойдаланиш унга илғор  
саноатни яратиш имконини берди.

Янги лидерлар билан улардан ортда қолаётган Англия ўртасидаги  
ракобат иқтисодий ва сиёсий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб  
келди.

XIX аср охирги ўн йилларидаги капиталистик муносабатлар  
қишлоқ хўжалигига ҳам жадал кириб келди. Англиядаги ҳали 1825  
йили ёқ аграр инқилоб якунланган эди. Мамлакатда ерга ишлов бе-  
ришнинг илғор усусларини қўллаётган фермер хўжаликлари сони  
кўпайиб борди. Умуман Европа мамлакатларида хўжалик юритиши-  
нинг бир неча турлари шаклланди. Капиталистик муносабатлар  
бошқалардан олдинроқ қарор топган Англиянинг қишлоқ хўжалик  
секторида майда дехқон хўжаликлари деярли тўлиқ барҳам топди.  
Францияда эса аксинча, майда дехқон хўжаликлари кўпчиликни  
ташкил қиласиди. Польша ерлари, Германиянинг шарқий ҳу-  
дуздлари, Австро-Венгрия, Жанубий Италия, Руминия, Россиянинг  
катта қисмида қишлоқ хўжалиги ривожида помешчик ер эгали-  
ги ва ярим феодал муносабатлар сақланиб қолаётган, «пруссча»  
деб аталувчи ривожланиш йўлининг тури шакллари мавжуд  
эди. АҚШда ерга хусусий мулкчилик фермер хўжалиги кўрини-

шида хукмронлик қиласы. Бу мамлакатда капитализм алохыда тезкорлык билан ривожланди. Бунга бой хомашё ресурслари ва ғарбий ҳудудларда фермер хұжаликларини тузиш учун «әгасиз» ерларнинг мавжудлиги ҳам сабаб бўлди. Янги Дунёга интилаётган миллионлаб иммигрантлар ривожланаётган саноатни доимий ишчи кучи билан таъминлаб турди. 1800 йилдан 1914 йилгача 50 млн дан зиёд киши Европани тарк этган бўлса, шундан 35 млн га яқини АҚШга кўчиб келди. Мамлакатда фан ва техниканинг жадал ривожи, темир йўллар қурилиши, ёлланма меҳнат ва техник инновациялар фаол қўлланилаётган саноат ва қишлоқ хұжалиги тараққиётининг тезкор йўли, жамиятда демократик тартибларнинг ўрнатилиши, аҳолининг асосий қисмida ҳуқуқ ва эркинликларнинг мавжудлиги, шахсий ташабbus учун кенг шароитларнинг яратилганлиги – буларнинг ҳаммаси тараққиётининг «америкача» деб аталган йўлига асос бўлди.

Айтиш лозимки, XIX аср 30–40-йилларида Европада саноатлаштиришнинг биринчи салбий оқибатлари – қишлоқларнинг бўум-буш бўлиб қолиши, одамларнинг шоша-пиша қурилган яроқсиз биноларда тўпланиши, ишсизлик ва қашшоқлик қўрина бошлади. Айниқса, иқтисодий бўхронлар йилларида одамларнинг аҳволи янада ёмонлашарди. Саноат тўнтариши ва индустрлаштириш ўзи билан тарихан янги ҳодиса. – ишлаб чиқариш инқирозини ҳам олиб келди. Кўл меҳнати, мануфактура хукмрон бўлган даврда ишлаб чиқариш ишчилар сонининг кўпайиши ҳисобига кенгаяр эди. Бандлик дара-жасининг ўсиши аҳолининг харид қобилиятини оширади. Ишлаб чиқаришда машиналарнинг қўлланилиши ишчилар сонининг камайишига олиб келади. Мазмунан прогрессив бўлган бу ҳодиса аҳоли анчагина қисмининг (ишсизларнинг) харид қобилиятини пасайтиради. Натижада ички бозорларда маҳсулотларнинг тўпланиб қолиши юз беради. Бундай шароитда тадбиркор ишлаб чиқаришни камайтиради ёки бутунлай ёпиб қўяди.

Биринчи иқтисодий инқироз 1825 йили Англияда рўй берди. 1836–1837 йиллардаги инқироз эса Англиядан ташқари АҚШ ва Францияни ҳам қамраб олди. 1847 йилги инқироз бутун қитъани эгаллади. 1858 йили хұжаликнинг барча тармоқларига ёйилган дунё иқтисодий инқирози юз берди. Кейин инқирозлар иқтисодий ривожланишининг даврий йўлдошига айланиб қолди.

XIX аср охирги чорагидан бошлаб Европада қишлоқ хұжалигининг таракқиеті секинлашды, турғуилик ҳолати бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бири Америкадан арzon нархдаги ғалланинг күплаб келтирилиши бўлди. Бундан ташқари, дехқонлар сакланиб қолаётган феодал тартиблардан ҳам, янги кириб келаётган буржуа муносабатларидан ҳам бирдай азият чекаётган эди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган миллионлаб кишилар харид коғилиятининг пасайиши иқтисодий инқизорларнинг давомийлигига бевосита таъсир кўрсатди. XIX асрнинг сўнгти ўттиз йилида қамрови ва давомийлиги турлича бўлган иқтисодий инқизорлар тўрт марта юз берди. Бу инқизорлар қишлоқларда дехқонларнинг табақалашуви жараёнини тезлаштириди ва жамиятда жиддий ижтимоий-сиёсий зиддиятларни келтириб чиқарди.

Техник таракқиётнинг ишлаб чиқаришга кириб келиши корхоналарни жиҳозлаш учун катта маблағлар талаб қила бошлади. Фан ва техника ютуқлари асосида курилган йирик корхоналарда капитални ташкил қилишнинг янги шакллари қўлланила бошланди. Кўплаб маблағларни ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг кенг тарқалган шакли акционерлик компаниялари бўлиб қолди. XIX аср 90-йилларига келиб акционерлик компаниялари фақат илғор индустрiali мамлакатларда эмас, саноат ривожи унча юқори бўлмаган давлатларда ҳам ташкил топди ва мамлакат иқтисодида уларнинг салмоғи ва таъсири ортиб борди. Масалан, Рейн-Вестфалия кўмири синдикати ташкил топган 1893 йили ё Германияда қазиб олинадиган ва сотиладиган жами кўмирнинг 86,7% ни ўз қўлига тўплади. Ёки, 1897 йили чўян қуйишни иккита компания – Рейн-Вестфалия ва Лотарингия-Люксембург компаниялари эгаллаб олган эди. Германияда монополистик корхоналарнинг кенг тарқалган шакли картеллар бўлиб қолди. 1896 йили улар сони 250 тадан ортиқ эди.

XIX аср охирни XX аср бошларига келиб АКШ да кенг тарқалган монополия шакли трестлар эди. Трестларнинг картеллардан фарқи шунда эдики, унга бирлашган ташкилотлар ўзининг тижоратчилик ва ишлаб чиқариш мустақиллигини йўқотиб, ягона бошқарувга бўйсунадилар. Трест – бу монополистик корхонанинг Америкага хос шакли, у юридик мустақил компания ёки холдинг-компания<sup>1</sup> то-

<sup>1</sup> Холдинг компания – ўзи ҳеч нарса ишлаб чиқармасдан, бошка ишлаб чиқарувчи корхоналар акцияларининг назорат пакетига эгалик қиладиган компания.

**Монидан** бошқариладиган акционерлик жамияти булиши мумкин. Трестларда капиталнинг марказлашув даражаси юқори бўлганлиги учун ягона иқтисодий ва техник сиёсат юргазиши имконини беради. **1900 йили** АҚШ да трестлар сони 185 тага етади.

Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва саноатнинг монополизациялашуви жараёни банк ишларида капиталнинг марказлашувига олиб келди. Қаттиқ рақобат туфайли кичик банклар хонавайрон бўлиб йирик банкларнинг таркибига кўшилиб кетди. Натижада фақат молиявий қудратгагина эмас, ўз мамлакатида каттагина сиёсий таъсирга ҳам эга бўлган молиявий марказлар – банк-гигантлар вужудга келди. XX аср бошларида шундай банклар Францияда учта, АҚШда эса иккита эди. Банкларнинг саноат, транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига кириб бориши, бу корхоналарнинг, баъзан эса бутун соҳанинг шерик – мулкдорига айланиши, улар фойдасидан ўз улушини олиши оқибатида ўз мамлакатларида иқтисодий лидерлик учун курашаётган молиявий гурухлар пайдо бўлди. Банк капитали билан саноат капиталининг шу йўсинда бирлашиб кетиши капиталнинг янги шаклини – молия капиталини вужудга келтирди. Пўлат, нефть, газета ва бошқа соҳа «қиролларининг» жуда катта банк-саноат империялари вужудга келди. АҚШда мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини назорат қилиб турган 60 та оиланинг шундай империялари мавжуд эди. XIX аср охирида бу оилалар орасида «катта учлик» – Рокфеллар (нефть), Морган (молия), Карнеги (пўлат) айниқса ажralиб турарди. XX аср бошларида Карнеги ўзининг сердаромад ишини сотганидан сўнг америкаликлар нигоҳида тадбиркорликдаги омад ва бойликнинг қудрати икки кишида – Рокфеллар ва Морганда мужассамлашган эди<sup>1</sup>. Булардан ташқари Дюпон, Меллан, Гарриман, Вандербильт ва Гуггенхеймлар ҳам Америка олигархиясининг таъсирли аъзоларидан ҳисобланарди. Францияда эса молиявий қудратнинг тимсоли француз банкининг йирик омонатчилари бўлган «200 оила» эди. Германияда бўлса молия олигархиясининг тимсоллари В. Сименс, Э. Ратенау, А. Тиссен, Ф. Крупплар бўлган. Капитализм ўзининг янги босқичига ўтган бошқа мамлакатларда ҳам шундай гурухлар пайдо бўлади.

<sup>1</sup> Рокфелларнинг нефть трести мамлакатдаги нефть маҳсулотларининг 90 физини ишлаб чиқаради, Морганинг пўлат трести эса АҚШдаги пўлатнинг 66 физини куярди.

1900–1903 йиллардаги иқтисодий инкироздан сұнг монополиялашув жараёни янада тезлашды. АҚШда 1898 йилдан 1903 йилгача олдинги 50 йилдагига нисбатан 5,3 марта күп йирик трестлар ташкил қилинди. Улардан күпчилігі саноатнинг қатор соҳаларида иқтисодий сиёсатни белгилай бошлади. Масалан, 1901 йили ташкил қилинган Пұлат трести үша йилиәк мамлакатда ишлаб чиқарыладын 2/5, прокатнинг 1/2, пұлат әритишнинг 2/3 қисмими бера бошлади.

Бироқ монополияларнинг құдрати ҳам бозор иқтисодиётининг бош муаммоси – инқирозларни йүқ қила олмади. Агар XIX асрда бундай инқирозларнинг даврийлиги 9–11 йилни ташкил күлгән бўлса, 1900–1907 йиллари у 7 йилга, 1907–1913 йиллари эса 6 йилга қисқарди. 1907 йили АҚШда саноат ишлаб чиқариши 17%-га пасайиб кетдики, илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Жуда катта ишлаб чиқариш қувватлари ишламай қолди. Масалан, 1908 йили «Юнайтед Стейтс стил» компаниясининг қувватларидан ярмига фойдаланилди холос. Ишсизлик мисли кўрилмаган дараҗага етди. 1907 йили АҚШда унинг даражаси XIX асрнинг охирига нисбатан 1,5 марта ошиб, ишсизлар сони 5-6 млн кишига етди. 1907 йили инқирознинг кучли тўлқинлари деярли бутун дунёни, Нью-Йорқдан Амстердамгача, Қохира ва Токиогача ларзага келтириди.

XIX аср охирги чорагида четта товар билан бирга капитал чиқариш мухим аҳамият касб эта бошлади. Ривожланган саноат мамлакатлари ҳали ернинг нархи ва ишчи кучи арzon бўлган ўлкаларга капитал киритишда бир-бири билан рақобатлаша бошладилар. Эллик йил ичиди (1862–1914) Англияning чет элларда жойлаштирган умумий капитали 30 марта, Францияники – 6 марга, Германияники эса 44 марта ошди<sup>1</sup>.

XX аср бошларига келиб кенг тармоқли темир йўуллар ва денгиз транспортига, мукаммал коммуникация воситаларига эга бўлган жаҳон хўжалик тизими шаклланди. Телеграф линиялари бутун дунёни үраб олди. Агар Франция-Пруссия уруши тұгрисидаги хабар Австралияга 45 кундан кейин етиб борган бўлса, XX аср бошларига Европадан Австралияга бирон-бир хабарни етказиш учун бир кун

<sup>1</sup> Қаранг: Хитаятов Г.А. Дипломатия XX века. – М., 2011. С.10.

**1870–1913 йиллари жаҳон саноат ишлаб чиқаришига киритилган умумий капитал микдори қуидагича тақсимланган эди (умумий капиталга нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>:**


Йиллар	Буюк Британия	Франция	Германия	АҚШ	Россия	Бошқа мамлакатлар
1870	31,8	10,3	13,2	23,3	3,7	17,7
1913	14,0	6,4	15,7	35,8	5,5	22,6

етарли эди. Ҳали яқин масофаларда ишлаётган бўлса-да, телефоннинг пайдо бўлиши ҳам ахборот етказишни анча тезлаштириди. Булар натижасида халқларнинг хўжалик жиҳатидан бирлашуви жараённи якунланди, миллий чекланганлик ва ёпиқликка барҳам берилди, яъни халкаро меҳнат тақсимоти вужудга келди, хўжалик ҳайтининг байналминаллашуви юз берди.

Жаҳон хўжалик тизимининг ташкил топиши жараёнида дунёни иқтисодий ва ҳудудий жиҳатдан бўлиб олишнинг якунлашиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. XIX аср 80-йилларида ёқ бозорларни бўлиб олиш, ягона нарҳ сиёсатини юритиш, ишлаб чиқаришнинг чегарасини белгилаш тўғрисида келишувлар имзолаган халкаро монополиялар пайдо бўлди. Пороҳ картели, 1884 йили Англия, Бельгия ва Германия компаниялари томонидан тузилган, кейинчалик Франция ва АҚШ ҳам қўшилган Рельс ишлаб чиқарувчиларнинг халкаро картели шулар жумласидан эди. Халкаро монополистик иттифоқларнинг тузилиши эркин рақобатли капитализмнинг ўсиб, янги босқичга қутарилаётганидан далолат берарди.

Ташқи бозорнинг монополизациялашуви кафолатланган бозор ва ҳомашё базаси бўлган мустамлакаларни босиб олиш билан қўшиб олиб борилди. Дунёни ҳудудий бўлиб олишга интилиш XIX аср 70–90-йилларида кескин кучайди. Айнан шу йиллари Европа давлатлари Африка китъасини забт этдилар; 1876 йили китъанинг 19,8% и европаликларга тегишли бўлса, 1900 йили улар Африканинг 90% ҳудудини эгаллаб олдилар. 1914 йилга келиб Африканинг 35% и Францияга, 30% и Буюк Британияга, 8,5% и Германияга тегишли ва фақат 3,4% ҳудуд мустақил бўлиб қолган эди.

<sup>1</sup> Трецёткина И.Г. Всемирная история в таблицах и схемах. СПб.: ООО «Виктория плюс», 2011. С.54



Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Тинч океанидаги күпчилик оролларнинг ҳам тақдири шундай бўлди. 1900 йилга келиб Осиё қитъасининг ҳам 60% и европаликлар томонидан эгаллаб олини<sup>1</sup>. Мустамлакалар аҳолиси XVIII аср охирида Европа аҳолисининг (Россиядан ташқари) 17–19% идан ошмаган бўлса, 1830 йилга келиб Европа аҳолисига нисбатан 100% ни, 1913 йилда эса 160–165% ни ташкил қилди.

### **Мустамлакалардаги аҳоли сони метрополиялар бўйича қўйидагича тақсимланган эди (млн киши ҳисобида)<sup>2</sup>:**

Мамлакатлар/йиллар	1875	1900	1914
Буюк Британия	250,0	370,0	393,3
Франция	6,0	50,0	55,5
Россия	17,0	23,0	33,2
Голландия	25,0	38,0	40,0
Бельгия	15,0	15,0	15,6
Германия	–	12,0	12,3
Япония	–	–	19,2
АҚШ	–	9,0	9,7

Бошқалардан олдинроқ мустамлакалар босиб олишни бошлиган Англия, Франция, Голландия, Бельгия, Португалия, Россия катта-катта мустамлака империяларига эга бўлди. Бу ишга кейинроқ киришган Германия ва Италия эса унча катта бўлмаган ҳудудлар билан кифояланди. Айнан шу ҳолат бошқалардан кейинроқ индустрлашув йўлига кирган Япония учун ҳам хос эди.

АҚШ жуда катта ҳудуд, бой хомашё захиралари, кенг ички бозорга эга бўлғанлиги учун мустамлакалар забт этишга иштиёқ билдирамади. Бунинг устига, иқтисодий жиҳатдан дунёнинг лидерига айланиб олган АҚШ, очик қуролли экспансиядан кўра бошка давлатларга, биринчи навбатда Лотин Америкаси мамлакатлари-

<sup>1</sup> Қаранг: Хидаятов Г.А. Дипломатия XX века. – М., 2011. С.11.

<sup>2</sup> Загладин Н.В. Всемирная история: XX век: Учебник для 11 класса общеобразовательных учреждений. – М.: ООО «ТИД «Русское слово – РС», 2006. С. 38–39.

**Иқтисодий** кириб боришни афзал күрди. Иқтисодий жиҳатдан **шартли** булган АҚШ рақибларини ҳарбий куч ишлатмасдан **нам сиқиб** чиқариши мумкин эди. Аммо у янги ҳудудларни босиб **бутунлай** воз кечмади. XIX аср охирларига келиб АҚШ **Гавай** оролларини аннексия қилди, Филиппинни босиб олди, **Пуэрто-Рико** ва Гуам оролларини ўзининг ярим мустамлакасига айлантириди.

1820-йилларда озодликка эришган бир қатор Лотин Америкаси мамлакатларининг (масалан, Бразилия, Мексика, Парагвай) шунингдек, Мұхаммад Али ҳукмронлиги йилларида (1820–1830) Мисрнинг Европа мамлакатларидағи индустрлаштириш тажрибасига асосланиб мамлакатни автохтон<sup>1</sup> модернизациялашга уринишлари Европа давлатлари ва АҚШ томонидан ўтказилган иқтисодий **ва ҳарбий** босим остида амалга ошмай қолди.

XIX аср 60-йилларигача ўтган даврда мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларда ўта нобарқарор, ўзгарувчан ҳолат вужудга келди. Бу ҳолат Лотин Америкасидаги миллий мустакиллик учун кураш, Ява оролида голланд мустамлакачиларига қарши халқ құзғолонлари (1825–1830 ва 1840-йиллар), фуқаролик урушлари, давлат тұнтарышлари, Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларига қарши 1857–1859 йиллардаги халқ құзғолони, Хитойда камидә 20–30 миллион кишининг ўлимiga олиб келган 1850–1864 йиллардаги тайпинлар уруши каби воқеалар билан боғылқ эди. Мустамлака мамлакатлардаги күплаб халқ харакатлари ушбу мамлакатларда чуқур иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий инқизорзининг бошланғанлигидан далолат беради. Масалан, Хитойда 1800–1870 йилларда ақоли жон бошига миллий маҳсулотнинг умумий ҳажми 1/5 мартага тушиб кетди. Ҳиндистонда 1870 йилга келиб дон маҳсулотларининг умумий ҳажми ва шаҳар ишчиларининг реал ойлик даромадлари ўрта ҳисобда XVIII асрнинг ўрталарига нисбатан 1/5 мартага камайиб кетди. Индонезияда 1700–1830 йиллари соғи ички маҳсулот ақоли жон бошига ҳисоблаганда умуман ўсмади, кейинги 1840–1870 йиллардаги күрсаткич 130 йил олдингига нисбатан 5–10% зиёд бұлсада, Индонезия соғи ички маҳсулотида голландлар-

<sup>1</sup> Автохтон – бирор жойнинг ўзига хос бўлган, шу жойда юзага келган, маҳаллий.

нинг улуши 1700–1780 йиллардаги 1,2–1,4% ўрнига 1840–1870 йиллари 7,1–7,6% ни ташкил килди. Бу маҳаллий аҳолининг даромади деярли ўсмаганлигидан далолат беради.

**Кўйидаги жадвалда акс этган ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ишлаб чиқариши кўрсаткичларининг ўзгариб бориши мамлакатларнинг жаҳонда тутган иқтисодий ва сиёсий ўрнини ҳам белгилаб берди.**

**ЯММ (жаҳонда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотга нисбатан фоиз ҳисобида):**

Мамлакат/йил	1800	1830	1860	1880	1900
Европа	28,1	34,4	53,2	61,3	62,0
Буюк Британия	4,3	9,5	19,9	22,9	18,5
Австрия	3,2	3,2	4,2	4,4	4,7
Германия	3,5	3,5	4,9	8,5	13,2
Франция	4,2	5,2	7,9	7,8	6,8
Италия	2,5	2,3	2,5	2,5	2,5
Россия	5,6	5,6	7,0	7,6	8,8
АҚШ	0,8	2,4	7,2	14,7	23,6
Япония	3,5	2,8	2,6	2,4	2,4
Хитой	39,3	29,8	19,7	12,5	6,2
Ҳиндистон	19,7	17,6	8,6	2,8	1,7

*(ЯММ ҳисоблашда факат саноат ишлаб чиқарииши эмас, агарар ишлаб чиқариш, жумладан, натурал хўжалик маҳсулотлари ва хизмат кўрсатилиши қўймати ҳам киритилган)<sup>1</sup>.*

Германия ва АҚШ билан Хитой ва Ҳиндистоннинг кўрсаткичларини солишитирганда бир аср ичида юз берган ўзгаришлар яққол кўзга ташланади.

XIX аср охирги чорагига келиб бир катор мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларда иқтисодий ўсиш учун қулай шароит вужудга келди. Транс-порт харажатларининг, жумладан, денгиз транспортида ҳам (пароходларнинг кенг тарқалиши ва Сувайш канали қурилиши билан бөглиқ) сезиларли арzonла-

<sup>1</sup> Загладин Н.В. Всемирная история: XX век: Учебник для 11 класса общеобразовательных учреждений. – М.: ООО «ТИД «Русское слово – РС», 2006. С. 39.

мустамлака ва қарам мамлакатларнинг табиий ва меҳнат мурсларини ҳамда ички истеъмол бозорини ўзлаштириш минни яратди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Европа давлатлари, АҚШ Япониянинг мустамлакачилик экспансияси ўзининг юқори тасига етди. Чекка ўлкалар ҳам кенг худудларга ва таъсир оваларига эгалик қилаётган метрополиялар томонидан булиб олинди. Бу даврда бир қатор мустамлака ва қарам мамлакатларда ижтимоий ҳаётнинг барқарорлашув жараёни юз берди. Ички урушлар ва қўзғолонлар сони камайди. Маъмуриятларнинг иши мукаммаллашди. Айрим давлатларда мустамлака маъмурлари томонидан шафқатсиз урф-одатлар бекор қилинди (Хиндистонда қурбонликка одам ўлдириш, бевани ўлган эри билан қўшиб қиши, болаларни ўлдириш каби одатлар инглизлар томонидан ман қилинди).

Бир қатор давлатларда (масалан, Усмонийлар империясида) баъзи либерал ислоҳотлар амалга оширилиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камайтирилди ва хусусий мулк дахлсизлиги мустаҳкамланди. Баъзи архаик институтлар бекор қилинди (Тайландда фақат 1905 йили қуллик бекор қилинди). Айни пайдада кўпгина афро-осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида дехконларнинг ярим феодал қарамлик ҳолати сақланиб қолаётган эди.

Умуман олганда, мустамлакачилик сиёсати натижасида XIX аср охирига келиб «эгалланмаган ерларни» босиб олиш якунланди. Иқтисодий қудратли давлатларнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кам тараққий этган мамлакатларга таъсири ута кучайди. 1870–1914 йиллари ривожланган мамлакатларнинг бўлғуси учунчи дунё мамлакатлари экономикасига инвестиция қилинган капитали 5,3–5,5 марта ошди ва ушбу мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) умумий ҳажмининг 1/3 га тенглашди. Шундай шароитда мустамлакаларни ва таъсир доираларини қайтадан булиш масаласи кун тартибида кўндаланг турди. Натижада вужудга келган ракобатни куч билан ҳал қилишга интилиш кучайди. Куролланиш пойгаси авж олиб, иқтисодни милитаризациялаш мислсиз кўринишга эга бўлди.

Иқтисодий ривожланишдаги тенгсизлик, дунёни қайтадан булишга интилиш, илғор капиталистик давлатлардаги ички сиё-

сий нобарқарорлик қуролланиш пойгасининг кескин авж олиши ва иқтисоднинг милитаризациялашувига олиб келди, бу XIX аср охири – XX аср бошларида ривожланган индустрисал мамлакатлар тараққиётининг муҳим факторига айланди. Қуролланиш пойгаси орқали иқтисодни «мажбурий» инвестициялаш муҳим аҳамият касб этди. Бу сиёsat Россия ва Италия сингари феодал қолдиқлар кучли бўлган, аҳолининг яшаш даражаси паст давлатлар учун, иқтисоди жадал ривожланаётган, ўзгараётган дунёда хукмрон ўринни эгаллашга интилаётган Германия ва қисман Япония учун, иқтисодий ривожланиш суръатлари паст бўлган Франция учун айниқса муҳим эди. Милитаризациялаштириш воситасида иқтисодни ривожлантириш «илғорларнинг ортидан қувиб бораётган» мамлакатлар учун айниқса характерлидир.

Қуролланиш пойгасига катта таъсир кўrsatган омиллардан яна бири Европа давлатлари ўртасида: Франция ва Германия ўртасида Эльзас ва Лотарингия учун; Россия ва Германия ўртасида аллақачон бўлинган Польша учун; Россия ва Австро-Венгрия ўртасида Болқон ва Ғарбий Украинада таъсир учун ҳудудий баҳслар бўлди. Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирган бошқа бир сабаб уларнинг бир-биридан иқтисодий ва ҳарбий-стратегик устунликка эришиш учун кураши бўлди. Айни пайтда, XIX аср охирига келиб иқтисодий кўrsatкичлар бўйича Европада биринчи, дунёда АҚШ дан кейин иккинчи ўринни муқим эгаллаб олган Германия Англия ва Франциянинг газабини келтиради. Иқтисодий ривожланиш суръатлари бўйича юқори кўrsatкичларга эришаётган Россия (1861–1900 йиллари саноат иплаб чиқаришининг умумий ҳажми 7 баробар ошди) эса ўз навбатида Германиянинг хотиржамлигига шутур етказаётган эди. Шу сабабли Европада милитаризация жараёни тез суръатлар билан ўсиб борди. 25 йил ичида, 1883 йилдан 1908 йилгача Германиянинг ҳарбий харажатлари 2 марта, Россияники ҳам 2 марта, Англия ва Францияники эса 50% га ошди. Қуролларнинг янги турлари: пулемёт, узоққа отувчи артиллерија, аэроплан, кимёвий қуроллар пайдо бўлди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Хидаятов Г.А. Дипломатия XX века. – М., 2011. С.11.

**1913 йилга келиб баязи йирик мамлакатлар ривожланишининг асосий кўрсакчиchlари қўйидагича эди<sup>1</sup>:**

	АҚШ	Германия	Англия	Франция	Россия	Италия	Япония
Худуд, млн кв км	7,84	0,54	0,31	0,54	22,0	0,29	0,39
Аҳоли, млн киши	96,5	66,9	45,9	39,8	169,4	35,4	55,1
Темир йўл, минг км	401,9	63,4	45,9	39,8	71,7	17,6	11,4
Темир йўллар, ҳар 10 минг кишига км	41,60	9,5	8,3	10,3	4,25	5,0	2,0
Кўмир, млн тонна	517,0	277,34	292,00	40,80	35,90	1,00	21,30
Кўмир, аҳоли жон бошига, кг	5,35	4,15	6,36	1,02	0,21	0,03	0,39
Пўлат, млн тонна	31,80	17,15	7,79	4,69	4,25	0,93	0,25
Пўлат, аҳоли жон бошига, кг	329,0	256,0	170,0	118,0	25,1	26,1	4,5
Машинасозлик маҳсулотлари, млн руб	3116,5	1288,0	736,0	120,9	218,5	80,5	21,6
Машинасозлик маҳсулотлари, аҳоли жон бошига, млн руб	32,30	19,20	16,00	3,00	1,40	2,30	21,6
Ташки савдо, млн руб	8204	9664	11244	5740	2894	2308	1312
Ташки савдо, аҳоли жон бошига, млн руб	85	144	245	144	17	65	24

**Европа мамлакатларида 1820–1913 йиллари ЯИМ нинг аҳоли жон бошига тақсимланиши қўйидагича эди (1990 йилги АҚШ доллари хисобида)<sup>2</sup>:**

Мамлакатлар /йиллар	1820	1870	1900	1913
Буюк Британия	1756	3263	4593	5032
Голландия	1561	2640	3533	3950
Норвегия	1004	1303	1762	2275
Швеция	1198	1664	2561	3096
Финляндия	759	1107	1620	2050
Дания	1225	1927	2902	3764

<sup>1</sup> Фортунатов В.В. История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012. С. 254.

<sup>2</sup> Ливи Баччи М. Демографическая история Европы/Серия «Становление Европы»/ Пер. с итал. А. Миролюбивой. – СПб.: «Александрия», 2010. С.185.

Германия	1112	1913	3134	3833
Бельгия	1291	2640	3652	4130
Франция	1218	1858	2849	3452
Испания	1063	1376	2040	2255
Италия	1092	1467	1746	2507
Австрия	1295	1875	2901	3488
Чехословакия	849	1164	1729	2096
Россия	751	1023	1218	1488
Европа (Үртача)	1155	1801	2589	3101

Шу тариқа дунёning ривожланган давлатлари ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий рақобат, ҳарбий-стратегик зиддият ва куролланиш пойгаси 1914 йили улар ўртасида бошланиб кетган Биринчи жаҳон урушига олиб келди.

*Индустрнал жамият: аҳолининг янги қатламлари ва янги муаммолар.* Индустрнал цивилизациянинг шаклланиш жараёни факат ишлаб чиқаришда эмас, ижтимоий ва маданий ҳаётда, турмушда ҳам катта ўзгаришларга олиб келди.

Хўш, XIX аср кишилари ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди? Буни англашга уриниб кўрамиз.

Индустрнал цивилизациянинг белгиларидан бири шаҳарларнинг жуда тез ўсиши бўлди. Бу жараён XIX аср бошларида авжига чиқиб, бутун янги даврда давом этди. Шаҳарларнинг бундай ўсиши ниманинг ҳисобига юз берди, деган савол туғилади, албатта. Бу, биричидан, кишлок хўжалигида иш юритишнинг илгор усусларини киритиш натижасида меҳнат унумдорлигининг ошиши ва шунинг окибатида бир қисм қишлоқ аҳолисининг ошикча куч, ишсиз бўлиб қолиши, уларнинг иш излаб шаҳарларга келиши ҳисобига. Иккинчидан, аҳолиси 10 минг кишидан кам бўлган кичик шаҳарчаларда майда савдо гарлик ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг пасайиб кетиши, шунингдек, транспортдаги ўзгаришлар – қишлоқларнинг чанг йўллари темир йўлларга ўз ўрнини бўшатиб бериши, чорраҳалардаги почта бекатлари ва аҳоли пунктларининг ўз аҳамиятини йўқотиши ва саноат марказларининг янги районларга кўчиши ҳисобига эди. Шунинг учун ҳам одамлар иш ахтариб ва кун кўриш учун маблағ излаб турар жойларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Юз йиллар давомида ўз ерларида яшаб келган аҳоли ҳаракатга келди, жонажон ерларини ташлаб шаҳарларга кета бошладилар. Қишлоқдан кетиш эмиграцияни ҳам

пайдо қилди, одамлар бошқа мамлакатларга кета бошладилар. Лекин күчишнинг катта қисмини үз мамлакатлари ичидағи миграция<sup>1</sup> ташкил қиласы.

**Шаҳарларнинг ривожланиши.** Индустрисал ривожланиш жараёнда шаҳарлар алохидә аҳамият касб эта бошлади. Саноат ишлаб чиқариши деярли тулиқ шаҳарларда жойлашган, жамиятнинг асосий ғоялари, муҳим сиёсий воеалар ҳам шу ерда юз берарди. Аграр цивилизация давридагига нисбатан шаҳарлар жуда катта тезлик билан ўсди. XIX асрнинг ўрталариға келиб индустрисал давлатларда аҳолининг қарийб 50 фоизи шаҳарларда тұпланған эди. Мануфактура ишлаб чиқариши даврида шаҳарлар унча катта эмасди. XVIII аср ўрталарида Фарбий Европада аҳолиси 100 мингдан зиёд шаҳарлар сони 15 тага яқин эди холос (энг иирик Лондон ва Парижда 500 мингдан күп). Шаҳарларнинг шитоб билан ривожланиши индустрисал цивилизациянинг асосини яратған саноат тұнтарыши, фабрика-завод ишлаб чиқариши билан боғлиқ эди. Шаҳарларнинг интенсив ривожланиши ҳаммадан олдин Буюк Британияда бошланди. Бошқа жойларда кечрок, масалан Германияда XIX аср 70-йилларида авж олди. АҚШда жадал урбанизация жараёни ҳам тахминан шу даврга тұғри келади.

**XIX аср – XX асрнинг бошларыда индустрисал мамлакатларда шаҳар аҳолисининг ўсиши қуйидагича эди:** (умумий аҳолига нисбатан % хисобида)

Мамлакат /йил	1801	1851	1881	1901
Англия ва Уэльс	32,0	50,1	67,9	78,0
Франция	20,5	25,5	34,8	40,1
Германия	–	–	41,4	54,3
АҚШ	4,0	12,5	28,6	40,0
Дания	20,9	21,0	24,8	38,2
Швеция	10,0	10,8	13,0	21,5

(Таққослаш учун: шу даврда мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларда тескари жараён юз берди. Масалан, Хиндистонда шаҳар аҳолиси 1800 йили 12–13% ни ташкил қылған бўлса, 1881 йилга келиб бу кўрсаткич 9–10% га, худди шундай Хитойда 1800 йили 7–9% дан 1840 йили 6–8%га тушиб кетди<sup>2</sup>).

<sup>1</sup> Миграция – (лот. migratio, migro-күчаман, жойимни ўзгартираман) аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга күчиши.

<sup>2</sup> Қаранг: Новая история стран Азии и Африки: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений /Под ред. А.М. Родригеса: В 3 ч. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – Ч.1. С.29.

Эски шаҳарларнинг ўсиши, янгиларининг ривожланиши саноатнинг жойлашиши билан боғлиқ эди. Кўпчилик аҳоли шаҳарларга иш топиш умидида келарди. Айниқса катта, пойтахт шаҳарлар тез ўсади. Масалан, Париж аҳолиси 1800 йили 500 мингдан зиёд бўлса, 1850 йилга келиб бир миллион кишига етди, 1880 йилда у икки миллион кишидан иборат эди. Аммо шаҳар XIX асрнинг ўрталаригача ўз қиёфасини ўзгартирмади, ўзининг эски чегараларида қолаверди. Ишчилар ярим ертўлалар ва чордокларда яшаашарди. Шаҳарларнинг санитария ҳолати ёмон бўлганлиги сабабли вабо, ўпка сили каби касалликлар кенг тарқалганди, минглаб кишилар бу касалликлардан вафот этарди. Аҳолининг куйи қатламлари орасида ичкилиkbозлик, болалар орасида эса қаровсизлик ва жиноятчилик кучли эди. «Инсониятнинг барча жиноятлари болаларнинг дайдилигидан бошланади», – деб ёзган эди Виктор Гюго.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб шаҳарлар қурилишида ўзгариш юз беради. Масалан, Париж 1853 йилдан бошлаб 20 йил давомида қурилиш майдонига айланди. Сена префекти барон Османн бошчилигига шаҳар замонавий қилиб қайтадан қурилди: кенг кўчалар, катта майдонлар, хиёбонлар ва боғлар яратилди. XIX аср охирига келиб Париж ичимлик ва оқава сувлари тармоқларига, трамвай ва метрога эга бўлди. Бошқа мамлакатларда ҳам Париж сингари йирик шаҳарлар аҳолиси тез ўсади.

### **1800 йилдан 1900 йилгacha йирик шаҳарлар аҳолисининг ўсиши (минг киши):**

<b>Шаҳарлар / йиллар</b>	<b>1800</b>	<b>1850</b>	<b>1900</b>
Лондон	865	2363	4536
Париж	547	1053	2714
Берлин	172	419	1890
Нью-Йорк	79	696	3437
Чикаго	–	30	1699
Санкт-Петербург	225	487	1330
Гамбург	130	132	706
Буэнос-Айрес	40	76	821
Глазго	77	389	762

XX асрга келиб шаҳарлар тараққиёт рамзи бўлиб қолди ва улар ривожланишда давом этди.

**Эмиграция ва иммиграция.** XIX аср 20-йилларидан европа-ликларнинг бошқа қитъаларга оммавий кўчишлари бошланди. Англиядан, Германиядан, Скандинавия мамлакатларидан, Шаркий ва Жанубий Европадан одамлар Лотин Америкасига, Канадага, Австралияга, Янги Зеландияга, Жанубий Африкага ва ҳаммадан кўпроқ АҚШга кўчиб кетардилар. Нью-Йорк эмигрантлар кела-диган асосий портга айланди. Гамбургдан ёки Ливерпулдан Нью-Йоркка бориши учун 12 кун керак бўлар, Неаполдан эса 21 кунда бориларди. Нью-Йорк қўлтиғидаги Эллис оролчасида эмигрантлар рўйхатдан ўтадиган ва мамлакатга кириш учун рухсатнома (виза) оладиган вокзал ташкил қилинди. Эмигрантлар бу ерда аввало тиббий кўрикдан ўтишлари лозим эди. АҚШга келувчиларнинг 6 фоиздан 10 фоизгачаси тиббий хulosага кўра қайтарилиб юбориларди. Рухсат олганлари эса солга ўтириб Манхэттенга жўнаб кетишарди. Янги келганларнинг аксарияти қариндошлари, дўстлари ва ҳамюргларинида жойлашарди. Шаҳар ҳар бири ўз тили ва ўз одатларига эга бўлган кварталлардан иборат эди. Эмигрантлар одатда энг қийин иш шароитларига ҳам рози бўладиган арzon ишчи кучи бозорини ташкил қиласиди. Ишчи-иммигрантлар бутун мамлакат бўйлаб тарқаб кетган, аммо асосий қисми Чикаго, Нью-Йорк, Сан-Франциско каби йирик саноат марказларида қўним топганди. Бу ҳол АҚШнинг демографик ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Унинг аҳолиси 1900 йилдан 1910 йилгача 76 млн дан 92 млн кишига (21 фоизга) кўпайди. Урбанизация жараённида ҳам биринчи ўзгаришлар юз берди. Агар 1900 йили мамлакат аҳолисининг 40 фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, 1910 йилга келиб бу кўрсатгич 45 фоизга етди.

XIX асрнинг бошларида Жанубий ва Шаркий Европадан: Италиядан, Австро-Венгриядан ва Россиядан кўчиб келувчилар сони ошди. Шаркий Осиёдан иммиграция деярли тўлиқ тақиқланганига қарамасдан, асосан Хитой ва Япониядан кўчиб келувчилар сони XX асрнинг бошларида кескин кўпайди ва дастлабки 15 йилда 14,5 миллион кишини ташкил қилди. Янги давр эмигрантларининг асосий қисмини италияликлар ва россияликлар ташкил қилди. Умуман XIX аср охири XX аср бошларидағи эмиграция ва иммиграция жарайенини қуйидаги жадвалларда кўриш мумкин.

**Европа мамлакатларидан эмиграция. 1815–1930 йиллар.  
(1914 йилги чегаралар бўйича)<sup>1</sup>:**

Мамлакатлар	млн киши
Буюк Британия	11,4
Италия	9,9
Ирландия	7,3
Австро-Венгрия	5,0
Германия (Польшанинг Пруссияга қарашли қисмини ҳам кўшганда)	4,8
Россия (Польшанинг Россияга қарашли қисмини ҳам кўшганда)	3,1
Бутун Европа	51,7

**АҚШ га иммиграция (минг киши)**

Йиллар	Ҳаммаси булиб
1881–1895	7370
1896–1905	5400
1906–1914	9095

**Эски ва янги аристократия.** XIX асрга келиб аристократия ўз турмуш тарзига кўпгина ўзгартишлар киритишга мажбур бўлди, акс ҳолда жамиятда мавкеини саклаб қолиши амри маҳол эди. Шундай бўлса-да, улар бойлигининг асосини аввалгидай ер мулклари ташкил киларди. Аристократларнинг ҳаёти ҳали ҳам шаҳардан кура кўпроқ қишлоқ билан боғлик эди. Кенг ва қулай бинолардаги ўнлаб ётоқхоналар, кутубхоналар, шахсий бадиий коллекциялар, қабул маросимлари, овлар буларнинг барчаси ҳали ҳам аристократлар ҳаётининг ажralmas қисми эди. Никоҳлар коидага кўра «уз доирасида» тузилганлиги сабабли аристократ оиласиар ӯзаро кариндошлик иплари билан боғланган эди. Англиядаги бундай оиласиарда ўғил болаларни ёшлигиданоқ сиёсий фаолиятга тайёрлашар эди. Аввалига улар имтиёзли хусусий мактабларда, кейин эса Оксфорд ёки Кембридж университетларида ўқирдилар. Шундан кейин фаолият майдони парламент бўларди. XIX аср ўрталарида парламент жамоа палатасининг 652 аъзосидан 489 таси ер-мулклар эгалари

<sup>1</sup> Новая история. 1800–1918: Учеб. для 8 кл. общеобразоват. учреждений / А.Я. Юдовская, П.А. Барапов, Л.М. Ванюшкина. – М.: Просвещение, 1998. С. 35.

**Эдилар.** 1906–1916 йилларда Буюк Британия вазирларининг учдан икки қисми элитар<sup>1</sup> билим юргларининг битириувчилари эди. Бироқ аста-секин, индустрисал цивилизация ривожланиши билан аристократия ўзининг хукмронлик мавқеини йўкотиб борди. Ернинг бир қисми шаҳарлар курилишига берилди, ўрмон мулклари ҳам қисқара борди. Янги давр обруталаб кишилар олдига янги талаблар қўя бошлади. Илгари ер мулқдорлари бўлган аристократия энди банкларда, саноат компанияларида, мустамлакалар маъмуриятларида раҳбарлик лавозимларини эгаллай бошладилар. Мулкидан айрилган кўпгина эски аристократларнинг янги бойлар билан қариндош тутиниши аристократиянинг буржуазия билан кўшилиб кетишига, янги «юкори қатлам»нинг шаклланишига олиб келди.

XIX асрда давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида буржуазия тобора каттароқ роль ўйнай бошлади. Йирик саноат корхоналари ва банклар тепасида миллионлаб бойлик тўплаган буржуазия вакиллари турарди. Улар ўз ишларига жуда кўп вақт ва куч сарфларди. Уларнинг турмуш тарзи камтарона бўлсада, кўпчилиги аристократиянинг бир қисми бўлишга уринишарди ва маълум муваффакиятга ҳам эришишарди. Шундайлардан сиёсатчи Дизразли киролича Викториядан лорд Биконсфилд унвонини олди, пиво пиширувчи Гиннес ва банкир Родшильд барон бўлиб олишди, Германияда Крупп ва Сименслар ҳам дворянлик унвонига эга бўлишди.

Буржуазиянинг энг ёрқин вакиллари фақатгина катта пулларга эмас, йирик сиёсий мавқега ҳам эриша бошладилар. Инглиз руҳонийси оиласидаги бешинчи ўғил, дунёдаги энг бой одамлардан бири, «олмос кироли» ва йирик сиёсий арбоб Сесиль Родс (1853–1902) шундайлардан бири эди. Ўсмирлик пайтида у ўз кундалигига – «Мен таъкидлайманки, биз – ер юзидаги энг яхши миллатмиз ва биз дунёнинг қанча катта қисмини эгалласак, инсоният учун шунча яхши бўлади», – деб ёзиб қўйганди. Шу миллатчилик гояси уни Британия империясининг фаол яратувчисига айлантириди. У ўн етти ёшида Жанубий Африканинг олмос конларида мустақил иш бошлади, тез орада «Де Бирс» олмос компаниясига директор бўлди, кейин эса «олмос кироли»га айланди. Ўз-ўзича пул уни кизиктирмасди, у бутун Африкани Буюк Британиянинг мустамласишига айлантиришни хоҳларди. Бу унинг асосий гояси, ҳаётининг

<sup>1</sup> Элитар – энг яхши, сараланган, танлаб олинган.

мазмунига айланди. Британия империяси учун Родс улкан ерларни истило қилди. Мустамлакалардан бири унинг номи билан – Родезия деб аталди (хозирги Зимбабве). Родс ва у каби бошқа «империя маддоҳлари» матбуот орқали инглизларга уларнинг фаровонлиги мустамлакаларни босиб олиш билан боғлиқлигини уқтирадилар. Инглизлар томонидан янги ерларни босиб олиш билан якунланган инглиз-бур урушини ҳам (1899–1902) айнан Родс тайёрлаган эди. У Англияга хизмат қилишни шундан иборат деб биларди.

**Ўрта қатлам.** XIX асрда жамият хаётининг муҳим воқеаларидан бири «ўрта катлам»нинг шаклланиши бўлди. Ўрта қатламга «эркин касб» эгалари – муҳандислар, ихтиорчилар, врачлар, ўқитувчилар, офицерлар, юристлар ва шу кабилар киради. Бу қатламга мансубликнинг асосий белгиларидан бири моддий аҳволнинг тўқислиги эди. XIX аср иккинчи ярмида ўрта қатлам вакиллари орасида айниқса юристлар тоифаси ажралиб туради. Хукукий давлатнинг шаклланиши, фуқаролик жамиятининг барпо бўлиши, иқтисодий ҳаётнинг ривожланиши туфайли юристларга бўлган эҳтиёж ортиб борди. Улар конституциялар ёзиш, қонунлар ишлаб чиқиш, кодекслар тузишдан тортиб, васиятларни расмийлаштириш, банкларга, тадбиркорларга маслаҳатлар бериш ва суд жараёнларида иштирок этишгача бўлган ишларни бажаришарди. Кўпгина сиёсий арбоблар ҳам маълумотига кўра юристлар эдилар. Ўрта табака жамиятга барқарорлик бахш этди. Одатда бу одамлар ижтимоий бўхронларни маъкуллашмайди, инқилобдан ислоҳотларни афзал қўрадилар.

**Ишчилар синфи.** XIX асрда янги ишчилар синфи шаклланди. Саноат тўнтариши юз берган учта йирик мамлакат – Англия, Франция ва АҚШда 1870-йилларга келиб саноат ишчиларининг сони 12–13 млн кишини, қишлоқ хўжалигидаги ишчилар билан биргалиқда эса 20 млн кишини ташкил қиласди. Ишчилар умумий сонининг ярми Англияга тўғри келарди. Бу ерда ишчиларнинг аҳволи бир хил эмасди. Ишчиларнинг ярмидан кўпроғи ҳафтасига 20 шиллинг атрофида ҳақ олиб, қашшоқлик бусағасида турса, малакали мутахассис ишчилар 40 шиллинг ва ундан ҳам кўпроқ ҳақ олиб, шаклланиб келаётган «ишчи аристократиясини» ташкил қиласди. XX аср бошларида «ишчи аристократияси» Англияда умумий ишчилар сонининг учдан бирини ташкил қилиб, жуда яхши яшашарди. Аммо аср бошида аҳвол ўзгариб, саноат ишчиларининг сони жиҳатидан АҚШ биринчи ўринга чиқиб олди. Бу

ерда 10,4 млн саноат ишчилари мавжуд эди. Германияда ҳам саноат ишчиларининг сони сезиларли даражада кўпайди. 1907 йилга келиб улар сони 8,6 млн кишига етди. Европа ва Шимолий Америкадаги ишчиларнинг умумий сони эса 40 млн кишини ташкил қилди, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, транспорт ва бошқа соҳалардаги ишчилар билан бирга 80 млн кишига яқинлашди. Ишчиларнинг сон жиҳатидан ошиши билан бирга, улар таркибининг сифат даражаси ҳам ўсди: фабрика ва заводларда ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ишчиларнинг салмоғи ортиб борди. Фақат Англия ва АҚШда эмас Европа қитъасидаги бошқа мамлакатларда ҳам ўз даври учун жуда катта бўлган корхоналар пайдо бўлди. 1890-йилларнинг ўрталарига келиб Германиянинг шундай йирик завод ва фабрикаларида 439 минг ишчи, Францияда эса 313 минг ишчи меҳнат қиласарди. Саноат ишчиларининг концентрациялашув даражаси Россия ва Японияда ҳам анча юқори эди.

Ёлланма ишчиларнинг малакасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Саноатнинг янги соҳалари малакали ишчиларни талаб этарди. Малакали ишчиларнинг салмоғи Англия машинасозлигига юқори бўлиб, ишчилар умумий сонининг 70–75 фоизини, кемасозликда эса 50–60 фоизини ташкил қиласарди. АҚШда умумий саноат ишчиларининг 2/3 қисми малакали ишчилар эди. Германияда 1895 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра саноат, хунармандчилик ва қурилишда банд бўлган ишчиларнинг 56 фоизи маълумотли ишчилар категориясига кирган.

Ёлланма ишчилар ҳаётининг катта қисми ишлаб чиқаришда ёки иш излаб ўтарди. Болалар ёш пайтидан бир хил, оғир меҳнатга кўникишарди. Мехнат шароити ва унинг характеристи ишчиларнинг ҳаёт тарзини, унинг ритмини, истеъмолнинг даражаси ва турини белгиларди. Улар бошқа тоифа вакилларидан ахлоқнинг қаттиклиги, баъзан эса қўполлиги билан фарқланади. Чунки саноат ишчиларининг меҳнат шароити оғир эди. XIX аср 70-йилларигача иш кунининг узунлиги Англия ва АҚШда – 10 соат, Германия ва Францияда – 10–12 соат, Россия ва Японияда – 12–16 соатни ташкил қиласарди.

Ишчилар синфи шаклланишидаги миллий хусусиятлар ишчиларнинг яшаш даражасига ҳам таъсир кўрсатди. Бу ҳол турли мамлакатларда турлича эди.

**Металлургия, машинасозлик ва қурилиш соҳаларида АҚШ,  
Германия ва Францияда меҳнатга ҳак тұлашнинг фарқлари**

**Англияга нисбатан фоиз ҳисобида қуидагича эди:**

	<b>Англия</b>	<b>АҚШ</b>	<b>Германия</b>	<b>Франция</b>
Хафталик иш ҳақи	100	232	83	75
Иш кунининг узунлиги	100	96	111	117
Тенг иш вақти учун тұланадиган иш ҳақи	100	240	75	64

Аёллар ва болалар меҳнатига тенг иш вақти учун камроқ ҳак тұланарды. «Фабрика аёллари» асосан 13-14 ёшли қыздар бұлып, оиласы аёлларнинг асосий қисми уй ишлари билан банд бўлишган. Тадбиркорликнинг ривожланиши билан аёлларнинг янги касблари: телефончи, машинкачи, котибалар пайдо бўлди.

Парламентларнинг қатор қарорларига қарамасдан болалар меҳнатидан оғир ишларда ҳам фойдаланилар эди. 10-12 ёшли болалар тамаки фабрикаларидан тортиб тошкўмир шахталаригача меҳнат қилишарди. Улар меҳнати учун аёлларницидан ҳам кам ҳақ олардилар. Уларнинг кўпчилиги болалигига дейқ соғлиғидан айрилган «фабрика болалари» эди.

Бу даврда хотин-қызлар ўзларининг тенгликлари учун тинимсиз кураш олиб бордилар. Буюк француз инқилобидан бошланган бу ҳаракатда хотин-қызлар босқичма-босқич, кичик-кичик галабаларга эришиб бордилар. Улар жамиятнинг ҳамма жабхаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқлар учун ҳаракат қылдилар. XX аср бошларига келиб хотин-қызлар озодлиги ва мустақиллиги ғоялари, уларнинг тенг ҳуқуқлилик учун кураши индустрисал цивилизация жамиятининг асосий белгиларидан бўлиб қолди.

**Ижтимоий-сиёсий таълимотлар ва ҳаракатлар.** Ғарбий Европа ва Америкада юз бераётган инқилобий ўзгаришлар асосий ижтимоий-сиёсий оқимлар -- либерализм, консерватизм ва социализм ҳамда ушбу ғоялар асосида тузилган партияларнинг шаклланишига олиб келди.

Либерализм, консерватизм ва социализм мураккаб, турли оқимлар ва күринишларга зәға бўлган ҳодисалардир. Бу ҳар бир ҳодиса ўзида ғоялар, принциплар ва кўрсатмалар мажмуини мұжассам қиласиди, улар сиёсий партиялар дастурларининг асосини, у ёки бу ижтимоий-сиёсий кучларнинг, ҳукумат ва ҳукмрон коалициянинг стратегиясини ташкил қилиши мумкин. Шу билан

бирга булар баъзан сиёсий куч ёки сиёсий курс билан мос тушмайдиган, дунёни ижтимоий-сиёсий тушуниш ва ўзлаштиришнинг, тарихий имконият нуқтаи назаридан идрок қилишнинг шакллари ҳамдир. Бу айни пайтда ҳукмрон парадигмалар<sup>1</sup> асосида шаклланган назария, доктрина, сиёсий дастур деб ҳам каралмоғи мумкин. Ушбу ҳодисаларнинг кўпкірралигини назарда тутиб, биз уларни фақат ижтимоий-сиёсий ва тарихий нуқтаи назардан очиб беришга ҳаракат қиласиз.

**Либерализм.** Либерализм (лотинча *liberum* – озодликка мансуб) – шахс эркинлигини ва бу эркинликни камроқ чекладиган давлат қурилишини илмий асослайдиган гоявий-сиёсий оқим. У шахс эркинлиги ва ўз ҳаракатлари учун жавобгарлиги; хусусий мулк шахс эркинлигининг зарурий шарти эканлиги; эркин бозор, эркин рақобат ва эркин тадбиркорлик, тенг имкониятлар принципи; ҳокимиятнинг бўлининши принципи; ҳуқуқий давлат гояси, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бағрикенглик ва озчилик ҳуқуқларининг ҳимояланиши; асосий ҳуқуқ ва эркинликлар (виждон, сўз, йигилишлар, ассоциация ва партиялар тузиш); умумий сайлов ҳуқуқи каби тушунча ва категориялар орқали ифодаланади. Либерализм бошқа мулкдор табакалар билан биргаликда ҳокимият тепасида турган саноат буржуазияси гояларининг ифодаси сифатида пайдо бўлди. Аммо у бир хил кўрининшга эга бўлмасдан, турли мамлакатларда турли хил тарихий ва миллий-маданий шароитларда шаклланди. Либерализмнинг илдизлари Европа Уйғониш даврига, Реформацияга, Исаак Ньютоннинг илмий инқилобига бориб туташади. Унинг шаклланишида Ж. Локк, Ш.Л. Монтескье, М. Кант, А. Смит, В. Гумбольдт, Т. Жефферсон, Ж. Медисон, Б. Констан, А. де Токвиль каби мутафаккирларнинг хизматлари катта бўлган. Либерализм гоялари бутун XIX аср давомида И. Бентам, Ж.С. Милл, Т.Х. Грин, Л. Хобхауз ва Ғарб ижтимоий-сиёсий фикрининг бошқа вакиллари томонидан ривожлантирилди. Либерал дунёқарашнинг шаклланишига Европа ва Америка Маърифатчилигининг вакиллари, француз физиократлари, Англия Манчестер мактаби вакиллари, немис классик фалсафаси намояндалари ҳам арзигулил ҳисса кўщдилар.

<sup>1</sup> *Парадигма* – (грекча – намуна, модель) – илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган ва кўпчилик томонидан маъкулланган фундаментал илмий кўрсатмалар, тасаввур ва терминлар мажмуси.

Бу мутафаккирлар, ғоявий оқимлар ва ҳаракатлар ўртасидаги фаркка карамасдан уларнинг барчаси муҳим ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишини, эффектив фаолият кўрсатмаётган, эскириб қолган ижтимоий-сиёсий ва давлат институтларини ислоҳ қилишни, тарихий тараққиётнинг янги тенденцияларига мос равишда асосий коидалар, доктриналарни модернизация қилишни ёқлаб чиқдилар. XVII аср ўрталарида Англия буржуа инқилоби, 1688 йилги «шарафли инқилоб», АҚШ мустақиллиги учун кураш қатнашчилари кейинчалик либерал дунёкарашнинг таркибий кисми бўлиб қолган идеаллар ва принципларнинг кўпчилигига амал қилгандилар. 1776 йил 4 июль куни эълон қилинган АҚШнинг Мустақиллик декларацияси ушбу либерал принциплар эътироф этилган, давлат даражасида расман шакллантирилган ва бажариш учун қабул қилинган биринчи хужжат бўлди. «Биз, – дейилади Декларацияда, – ушбу ҳақиқатни ўз-ўзидан аён деб ҳисоблаймиз: одамлар Худо томонидан яратилган ва яшаш, озод бўлиш ҳамда баҳтга интилиш каби узвий хукуқлар билан таъминланган»<sup>1</sup>.

Аммо либерализмнинг шаклланишида бурилиш XVIII аср охиридаги Француз буржуа инқилоби бўлди. Хусусан, унинг асосий сиёсий-ғоявий хужжатларидан бири – 1789 йилги «Инсон ва фуқаро хукуклари декларацияси» кейинчалик классик либерализмнинг муҳим қадриятларига айланган гояларни мазмундор ва қатъий шаклда эълон қилди.

Декларация 17 моддадан иборат бўлиб, «одамлар озод, тенг хукуқли бўлиб туғиладилар ва шундай бўлиб коладилар», деган жумлалар билан бошланади. Ушбу модда кейинги моддалар сингари жамиятдаги юқори табақаларнинг имтиёзларига қарши қаратилган эди. Ушбу Декларация моҳиятига кўра инқилобий ва ўта прогрес-сив бўлиб, Франция ва бошқа мамлакатларнинг илғор кишилари томонидан жуда катта кўтаринкилил билан қутиб олинди. Ундаги озодлик ва тенглик гоялари кейинчалик кўплаб мамлакатларнинг конституцияларида ўз аксини топди.

XIX аср ўрталарига келиб индустрисал жамиятда ҳукмрон дунёқарашиб бўлиб олган либерализм абсолютизмга қарши фаол кураш олиб борди. Бу давр либерализмининг энг йирик намояндлари – английлик юрист Иеремия Бентам (1748–1832) ва француз файла-

<sup>1</sup> Джесефферсон Т. Автобиография. Заметки о штате Виржиния. – М., 1990. С. 34.

**суфи** Бенжамин Констан (1767–1830)лар эди. И. Бентам Британия жамиятини жиддий ҳукуқий ислоҳ килиш тарафдори бўлиб чиқади. Шу сабабли мавжуд тартибларнинг баъзи жиҳатларини танқид қиласди. Унинг фикрича ҳокимиятни амалга ошириш ва «сиёсий ўзгаришлар ўтказиш учун ягона сабаб – инсоннинг эҳтиёжлари, аникроғи – фойда ва ҳузур-ҳаловат бўлиши мумкин. Шу маънода Бентам Гелвецийга (1715–1771) эргашади: 1) ҳузур-ҳаловат ва заҳмат инсон фаолиятининг сабаблари ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб биз инсоннинг хулқига таъсир қилишимиз, ҳузур-ҳаловат ва заҳмат ўртасидаги мутаносибликни ўзгартиришимиз мумкин. 2) Айнан ҳузур-ҳаловат қонунчилик ва сиёсий ҳокимият мавжудлигининг важ-сабаблари ҳисобланади, дейди.

Либерализмнинг бош ғояси – инсоннинг ўз узвий ҳукуқлари: мулк, сўз эркинлиги, матбуот, йиғилишлар, виждан эркинлиги, давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳукуқларини амалга оширишнинг шарти сифатидаги эркинлигидир. «Мен эркинлик деганда – деб ёзган эди Констан – зўрлик йўли билан бошқаришини хоҳлайдиган ҳукмронлик устидан, кўпчилик томонидан ўзига озчиликни бўйсундириши ҳукуқини талаб қиладиган омма устидан шахснинг тантанасини тушунаман». Констан феодал абсолютизмга қарши чиқар экан, либерализм давлат фаолиятини ҳукуқ ва қонун билан чеклаш талабини шакллантиради ҳамда ҳокимиятнинг бўлиниш принципи жорий килинишини талаб қиласди. Давлатнинг олдида турган вазифаларни либерализм вакиллари ислоҳотлар йўли билан инқилобларсиз ҳал қилишга интиладилар.

Бентамнинг фикрича инсон фаолияти кўп сонли кишиларга катта фойда келтириш имконияти нуқтаи назаридан баҳоланмоғи лозим. Бентам ғоясидаги янгилик шундан иборат бўлдики, у ушбу принципни бошқалардан изчилроқ ҳукуқий ислоҳотлар учун дастуриламал сифатида эътироф этади.

XIX аср сўнгги чорагида янги либерализм деб аталмиш оқим пайдо бўлди. Бу оқимнинг йирик намояндаларидан бири А.Т. Хобхауз (1864–1928) давлат аввалгидек фақат «тунги қўрикчи» роли билан қаноатланмасдан, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишида фаол иштирок этмоғи лозим, деб ҳисоблейди. Бу йўналишнинг бошқа бир вакили Д.А. Гобсон (1858–1940) фуқароларнинг шахсий ҳукуқлари инкор этилмаган ҳолда умумнинг ҳоҳиш иродаси муҳимроқ эканлигини эътироф этади. «Асалари оиласининг ёки по-

*данинг руҳи жамиятининг ҳақиқий руҳидир*», – деб ёзган эди у. Шуннинг учун шахснинг хукуки умумий жамият манфаатларига мослашиши, бўйсуниши керак. Шундан Гобсон давлат ортиқча ва ишлаб топилмаган даромадларни эгаллаб олиш хукукига эга, деган хуло-сага қелади.

Шундай қилиб, янги либерализм вакиллари жамият ҳаётининг давлат томонидан тартибга солиниши зарурлигини тан оладилар ва бу уларни маълум маънода консерватив таълимот билан яқинлаштиради.

**Консерватизм.** XVIII асрдаёқ пайдо бўлган консерватизм (лотинча *conservatio* – сақлаб қолмоқ, қурикламоқ) мавжуд сиёсий тартиб – монархия бошқарувини сақлаб қолиш зарурлигини асослашга уринарди. Келиб чиқиши ирланд бўлган британиялик файласуф Эдмунд Беркни (1729–1797) кўпинча консерватизмнинг отаси дейишиади. Берк таълимоти кўп нарсани ваъда қилган Француз инқилобига ва маърифатпарвар-файласуфлар томонидан онгнинг улуғланишига қарши реакция сифатида пайдо бўлди<sup>1</sup>.

Маърифатчилик даври кишилари онгни анъаналардан, индивидни эса жамиятдан юкори кўяди. Э. Берк бу тушунчаларнинг жойини алмаштириди: анъаналар алоҳида интеллект томонидан яратилган назариядан устунроқ, дейди у.

**Берк консерватизми Маърифатчилик даври либерализмининг  
тескари ифодаси эквалигини схематик тарзда қуйидагича  
тасвиirlashi mumkin:**

Маърифатчилик даври либерализми:	Берк консерватизми:
Онг анъаналардан юкори туради	Анъаналар онгдан устун туради
Индивид манфаатлари устун туради	Жамият манфаатлари юкори туради

Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, агар либерализм буржуазия юкори қаглами вакилларининг мафкураси бўлса, консерватизмни аслзодалар мафкураси дейишимиз мумкин. Француз консерватизмининг кўзга қуринган намояндалари Жозеф де Местер (1753–1821) ва Луи де Бональд (1754–1840) шулар жумласидандир. Бирок XVIII аср охиirlаридағи консерватизм (Юм, Берк) буржуазиянинг ўз ичида либерализмнинг танқиди сифатида пайдо бўлган гоявий

<sup>1</sup> Берк Э. «Размышления о революции во Франции». – М., 1994.

**Әким** эканлигини ҳам таъкидлашимиз лозим. Агар буни схематик тарзда баён килсак, либерализм ва консерватизм назарий ва сиёсий қарама-қаршиликлар күринишида ифода этилади:

	Либерализм	Консерватизм
Ижтимоий илдизлари	Буржуазия	Аслзодалар ва буржуазиянинг юқори қатлами
Асосий тушунчалар	Индивид (шартнома, давлат)	Жамият, инсон
Белгилари (атрибутлари)	Нотарихийлик, индивидуалистик эгоизм (хузур-халоватни максималлаштириш, фойда, индивидуал эркинлик)	Тарихий-маданий илдизлар, ижтимоий қадриятлар. (Тарихан шаклланган имкониятларни уйғун тарзда амалга ошириш).

Бошқа мағкуралар сингари консерватизм ҳам тарихий шароитдан келиб чиққан ижтимоий фаолиятни ва айни пайтда жамиятдаги ҳақиқатни акс эттиришга даъво қилувчи назария ҳамдир.

Консерватизмнинг характерли белгиси, энг аввало, анъаналарни муқаддас деб билишdir. Анъаналарга риоя қилиш – демак донишмандлик билан ҳаракат қилиш. Ж. де Местер таъкидлайдики, факат «анъанавий ташкилотлар мавжуд булиши ҳуқуқига эга, чунки улар ўзида «илоҳий идрокни» мужассамлаштиради». Консерваторлар мавжуд синфлар ва катламлар орасидаги қатъий чегаралар жамиятдаги тинчлик ва тартибни сақлаш учун зарурлигига ишонадилар. Клеменс Меттерних (1773–1859) озодлик фақат тартибнинг бағрида булиши мумкин, барқарорлик эса давлат ҳаёти ва гуллаб-яшнашнинг энг биринчи шартидир, деб ҳисоблаган. Баъзи консерваторлар чекланган ислоҳотлардан фойдаланиш имкониятини ҳам рад этмаганлар. Масалан, Берк учун бундай ислоҳотнинг намунаси 1688 йили Англияда юз берган «шарафли инқилоб» бўлган. Зоро ушбу инқилоб йилларида «барча ўзгаришлар» қадимий анъаналарга хурмат асосида амалга оширилган эди».

XIX аср охири XX аср бошларида консерваторлар жамият тараққиётида юз берган ўзгаришлар натижасида индивидуализм, рақобат мавжудлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Баъзи консерваторлар феодал аристократия хукмронлигига қарши кураш жараёнида юз берган буржуа ўзгаришларини ҳам маъқуллашга тайёр эдилар. Бундайлар неоконсерватизм (янги консерватизм) вакиллари булиб, уларнинг кўпчилиги аввалгидек шахснинг давлатга бўй-

суниши зарурлигини тан олсаларда, бу ҳол энди уларга хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга қисман аралашиши мумкинлигини зътироф этишларига халакит берса олмасди.

**Социализм.** Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида феодал тартибларнинг барҳам топишига олиб келган XVIII аср охириларидағи инқилобий воқеалар меҳнаткашларга ҳақиқий эркинлик олиб келмади. XVIII аср маърифатчилари интилган «онг тантанаси»дан ҳафсаласи пир бўлиш, қониқмаслик, индустриал цивилизация шаклланишининг дастлабки давридаги аччиқ тажриба янги, социалистик ва коммунистик назарияларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Социализм фақатгина эски тартибни йўқ қилиш зарурати ва имконияти ҳақида эмас, инсонларнинг тўлиқ ижтимоий тенглиги мавжуд бўлган янги жамият ўрнатилиши ҳақидаги таълимот ҳам эди. «Социализм» ва «коммунизм» сўзлари XIX аср 30-йилларида француз файласуфлари, хусусан П. Леру томонидан (1834 йили «De L'individualisme et du Socialisme» номли мақоласида) муомалага киритилди.

**XIX аср биринчи ярмидаги социалистик таълимотлар.** Бу даврнинг кўзга кўринган социалистлари француз Анри Сен-Симон (1760–1825), Шарль Фурье (1772–1837) ва инглиз Роберт Оуэн (1771–1858) лар эди. Бу олимлар ўзларига замондош бўлган жамиятни танқид қилиб, ишлаб чиқаришдаги бошбошдоқлик ва инқирозлар, ишсизлар сонининг кўпайиши каби характерли белгиларига зътиборни қаратадилар. Пул ҳукмронлиги, икки юзламачилик ва алдовга асосланган жамият ўрнига Сен-Симон, Фурье ва Оуэн кишилар меҳнаткаш ва эксплуататорларга ажратилмайдиган янги жамият қуриш лойиҳасини таклиф қилдилар.

Фурье социалистик жамиятни яшаш учун зарур бўлган барча нарсаларни ишлаб чиқарадиган жамоалар ўртасидаги иттифок сифатида тасвирлайди. Жамоа ҳаётининг маркази – устахоналар, ошхоналар, мактаблар, кутубхоналар ва ш.к. жойлашган фланстер (манзилгоҳ) ҳисобланади. Жамоадаги меҳнат узоқ муддатли ҳам, бир хил ҳам бўлмайди, шунинг учун одамлар жон-жон, деб ишлайдилар. Меҳнат унумдорлиги шунчалар тез ўсадики, камбағал ҳар қандай капиталистдан бойроқ бўлиб кетади. Фурье янги жамиятда факат одамларгина эмас, ҳатто табиатнинг ўзи ҳам ўзгаради, деб чин дилдан ишонади.

Хўш, шундай жамиятни ким қуради? Сен-Симон, Фурье ва Оуэнлар зўрликсиз, қон тўкилмайдиган йўлни таклиф қиласидилар. Оуэннинг фикрича куч ишлатиб амалга оширилган тўнтариш инсониятни оркага улоктиради ва онг тантанасини кечикитиради. До-нишмандлар янги жамиятни маърифатли хукмрон қатламнинг, энг аввало буржуазия «онгли вакилларининг» ўз ихтиёри билан қуриши мумкинлигига ишонарди. Фурье ҳатто шахсий маблағларини яхши жамият қуриш учун беришни истовчиларни ҳар куни соат 12 дан 13 гача ўз хонасида кутиши ҳакида газетада эълонлар ҳам чоп килдирди. Бироқ у кўп йиллар бекорга кутди...

Сен-Симон ва Фурьедан фарқли равишда Оуэн ўз шахсий фолияти мисолида бўлажак жамиятга олиб борадиган янги йўлни кўрсатишни истади. 1824 йили у Америкага кетди. Бир йилдан сунг Индиана штатида «Янги уйғунлик» меҳнат коммунасини ташкил қилди ва унда «ҳар кимга – талабига қараб» принципи амалга оширилди. Тажрибага тўрт йиллик умр ва Оуэннинг қарийб барча маблағи сарф қилинди. 1829 йилга келиб бу ишнинг тўлиқ муваффакиятсизлиги кўриниб қолди. 1832 йилда эса Фуръенинг шогирдлари Францияда фланстер қуришга уриниб кўрдилар, лекин у ба-рибир қурилмай қолди. XIX аср 40-йилларида АҚШда Фуръенинг издошлари 40 га яқин жамоа туздилар, лекин уларнинг барчаси муваффакиятсизликка учради.

Сен-Симон Реформация ва Маърифатчиликка ҳам салбий баҳо бериб, уларни маънавий ҳаётнинг тубанлашувида, ўрта асрлардаги уйғунликни бузганликда айблайди. У тарихшунослиқда позитивизмга асос солди, биринчи бўлиб «тарихий қонуният» ва «тарихий жараён» тушунчаларини илмий муомалага киритди. Сен-Симон «ижтимоий тузум» тушунчасини асослаб, уни ижтимоий ғоялар, мулкчилик шакллари ва синфий тизимнинг мажмуи, деб асослашга ҳаракат қилди.

**XIX асрдаги коммунистик ғоялар.** XIX аср биринчи ярмидаги коммунистик ғоя тарафдорларини капитализмдан синфсиз жамиятга ўтиш имкониятига ишонч бирлаштириб туради. Комунистлар жамиятнинг барча аъзоларини меҳнаткашларга айлантириш, жамият бойликларини тенг тақсимлаш нормал инсоний эҳтиёжларнинг қондирилишини тъминлайди, деб ўйладилар. Улар инсон эҳтиёжларини яшаш минимумига тенглаштириб кўядилар.

Бу давр коммунистик оқимининг вакиллари Л.О. Бланки (1805–1881) ва В. Вейтлинг (1808–1871)лар ўз ғояларини таргиб килиш билан чекланиб қолмасдан, инқилобий тўнтаришни тайёрлаш ва амалга ошириш йўли билан бу ғояларни ҳаётга татбиқ килишга уриндилар. Л.О. Бланки капиталистик жамиятни мулкдор билан мулксиз ўртасидаги кураш сифатида характерлайди. Эзилганларнинг зулмга қарши ҳаракати мавжудлигини тан олган Бланки, шунга қарамасдан, ишчиларнинг капитализмга қарши уюшган равишда инқилобий курашга кодир эканлигига ишонмайди. Унинг фикрича коммунистик инқилобга ягона йўл – инқилобчиларнинг тил бириктириши, кўзголонга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш, меҳнаткашлар манфаатини ўфода этиб, дарҳол жамиятни коммунистик қайта куришга киришишдир.

В. Вейтлинг Л.О. Бланкидан фарқли равиша инқилобни эзилган ва хўрланган омманинг чиқиши, деб қаради. Унинг фикрича люмпен-пролетариат меҳнаткашларнинг энг барқарор, шафқатсиз курашга энг тайёр қисмидир. В. Вейтлинг коммунизмни янги жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил қилувчи меҳнаткаш оиласарнинг иттифоки сифатида тасвирлайди.

XIX аср ўрталарида мавжуд социалистик ғоялар ўнига К.Маркс (1818–1883) ва Ф.Энгельс (1820–1895) лар ишлаб чиқсан жамият қурилиши ва ривожи ҳақидаги янги таълимот келади ва марксизм номини олади. Марксизмнинг пайдо бўлиши Европанинг бир қатор мамлакатларида ишчилар ҳаракатининг ўсиши, айниқса Англия ва Франциядаги инқилобий воқеалар билан bogliq эди. Маркс ва Энгельс капитализм ўз ривожланишида меҳнат билан капитал ўртасида келишиб бўлмайдиган қарама-каршилик туғдиришига ишонарди. Маркс капитализм тараққиёти синфий зиддиятнинг ўшишига олиб келишини ҳам айтиб ўтганди. Унинг фикрича, кам сонли капиталистлар билан борган сари кўпайиб борадиган, жуда оғир ҳаёт кечирадиган кўп сонли пролетариат ўртасидаги зиддият тўхтовсиз кескинлашиб боради ва коммунистик инқилобга олиб келади. Аммо капитализм ривожланишининг кейинги босқичи Маркснинг ушбу фикрини тасдиқламади. Унинг фикрича, пролетариатнинг доимий, тўхтовсиз қашшоқлашиб бориши, яшаш учун ўз кучини сотишга мажбурлиги уни капиталистик тартибларни ағдаришга ва янги жамият қуриш учун интилишга мажбур қилади. Марксистик ғояга кўра пролетариатнинг оламшумул тарихий ва-

зифаси социалистик жамият куришдан иборат. Бу жамиятта барча тараққий этган мамлакатларда Англия, АҚШ, Франция ва Германияда бир пайтда рўй бериши мумкин бўлган коммунистик инқилоб орқали ўтилади. Янги жамиятнинг асосини ишчиларнинг сиёсий ҳокимияти (пролетариат диктатураси) ва жамоа мулкчилиги ташкил қиласди. Кейинги тараққиёт бундай жамиятда битта шахс ёки бир гурух кишилар (партия)нинг диктатураси ўрнатилишини ёки давлат ассинциал<sup>1</sup> давлатга айланисини кўрсатди.

Илмий назария сифатидаги марксизм билан ушбу назариянинг сиёсий, дастурий йўриқномаларга айланган айрим жиҳатларинингина ўзига сингдирган мафкура сифатидаги марксизм албатта бир-биридан анча фарқ қиласди. Марксистик мафкура марксизмнинг ғоявий ибтидосини ўз тажрибалари ва ўз партиясининг кундалик манфаатлари асосида илмий қайта баҳолашга уринган раҳнамолар ва функционерлар фаолиятини асослаш учун хизмат қиласди.

XIX асрнинг сўнгги ўттиз йилида марксизм энг кенг тарқалган оммавий социалистик таълимот бўлиб қолди. Бироқ марксистик оқим бир хил эмасди. У инқилоб тарафдорлари (сўллар) ва ислоҳотлар тарафдорлари (ўнглар)га бўлинарди. Агар инқилоб тарафдорлари (уларнинг ашаддий вакили В.И. Ленин (1870–1924) ва у бошчилигидаги Россия большевиклари эди) жамиятнинг капитализмдан социализмга ўтиши фақат зўрлик йўли билан, яъни инқилоб ва диктатура ўрнатиш орқали амалга оширилиши мумкин, деб ҳисоблашса, ислоҳотлар тарафдорлари эса тинч йўл билан, ислоҳотлар натижасида янги жамиятни куриш мумкин, деб ҳисобларди. Ислоҳотчилик ўналишининг энг йирик вакиллари немис социал-демоқратлари Карл Каутский ва Эдуард Бернштейнлар эди.

Карл Каутский (1854–1938) ўз гаржимаи ҳолида «қандай яшаган бўлса, шундайлигича тузалмас марксист» бўлиб ўлишини ёзган бўлса ҳам, унинг ғоялари Маркс ғояларини тақорламайди. У ўз таълимотини яратди. Бу таълимотнинг моҳияти ва Маркс таълимотидан фаркли томони шундаки, у капиталистлар пролетариатни чексиз қашшоқлаштиришдан манфаатдор эмаслигини иеботлайди. Капиталистик тузумнинг барҳам топишига ҳукмрон синфнинг ўз позицияларидан ихтиёрий воз кечиши натижасида ҳам эришиш мумкин, деб ҳисоблайди Каутский. Шунинг учун у социал-демо-

<sup>1</sup> Ассинциал давлат – яхши ниятлар оқибатида ўз фуқароларини боқимандага айлантириб қўядиган давлат.

кратияга ўз манфаатларини ҳимоя килишда парламентдан кенгрок фойдаланишни, мустақил сиёсий куч сифатида чиқишини таклиф қиласди. Айни пайтда Каутский социал-демократларнинг буржуа ҳукуматлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини ҳам таъкидлайди. Ф. Энгельс вафотидан сунг марксизмнинг энг иирик назариётчиси К. Каутский бўлиб қолди.

Шу даврда марксистик таълимотни қайта кўриб чикиш эҳтиёжи пайдо бўлди ва унга биринчилардан бўлиб киришган шахс ревизионизмнинг (reviso (лотинча) – қайта кўриб чиқмоқ) асосчиси Эдуард Бернштейн (1850–1932) эди. Марксдан кейин ўтган даврда жамият тараққиёти унинг таълимотидаги қатор қоидаларни тасдиқламади. Бернштейн ва бир қатор назариётчилар тез ривожланиб бораётган жамиятда «бошқача капитализмни», демократия мавжуд бўлган капитализмни (масалан, Англияда) кўрдилар. Бу ҳол марксизмнинг асосий принципларига мос келмас ва шу туфайли унинг ревизия қилинишига олиб келди. Бернштейн капиталистик иқтисод охир оқибатда бутун капиталистик хўжаликнинг вайрон бўлишига олиб келувчи иқтисодий инқирозларга доимий маҳкум, деган марксистик қоидани рад этди. Унинг фикрича, демократик қоидалар мавжуд бўлган капиталистик жамиятда ишчиларнинг ҳаёт даражаси доимий кўтарилиб боради. Шу билан бирга жамиятдаги янги ўрта катлам – хизматчилар, амалдорлар қатлами шаклланиб, уларнинг сони ёлланма ишчилар сонига нисбатан тез кўпайиб боради. Шунинг учун ҳам XIX аср охири – XX аср бошларида социализмга ўтиш учун шароит етилмаган, чунки саноат ишчилари ҳали аҳолининг кўпчилигини ташкил қўлмас ва жамиятни бошқаришга тайёр эмасди. Бунинг устига, социализмга қараб ривожланиш инсониятнинг ягона түғри йўли ҳам эмасди. Жамиятдаги мавжуд синфий кураш демократия ривожланган сайин сусайиб боради, деб ҳисоблайди Бернштейн.

XIX асрда социализмга яқин бўлган таълимотлардан яна бири анархизм (грекча ҳокимиятсизлик дегани) эди. Анархистлар инсонни яхши ва мукаммал мавжудот деб билардилар. Шунинг учун ҳам улар одамлар ўртасида мажбурлаш ва зулмга эмас, эркинлик ва меҳр-муҳаббатга асосланган муносабатлар бўлиши лозим деб ҳисоблайдилар. Анархистларнинг фикрича зўрлик ва зулмнинг манбаи, рамзи давлат ҳокимиятидир. Анархистик таълимот ягона бирлиқдан иборат бўлмасдан унда турли оқимлар: исёнкор ва террорчилардан тортиб кооператорлар харакатигача бор эди. Аммо

уларнинг барчасини давлатнинг зарурлигини инкор қилиш бирлаштириб туради. Анархизмнинг кўзга кўринган вакилларидан бири М.А. Бакунин (1814–1876) терроризмнинг назариётчиси эди. У бўлажак анархистик жамиятни тасаввур қилмасада, ҳозирча «эзувчи синф» вакилларига қарши террористик ҳаракатлар уюштириш ва давлатнинг вайрон бўлишига олиб келувчи инқилобни амалга ошириш лозим, деб ҳисобларди.

1840 йили французы Пьер Жозеф Прудоннинг (1809–1865) «Хусусий мулк нима?» номли асари босилиб чиқади. У асарида «хусусий мулк – ўғирликдир», деб эълон қиласди ва уни барча тенгсизликларнинг, ижтимоий кулфатларнинг сабаби қилиб кўрсатади. Аслида Прудон фақат йирик капиталистик хусусий мулкни, айниқса банкир ва даллолларнинг мулкини «ўғирлик» деб атаб, уларга қарши чиқади. Майда хусусий мулкда эса Прудон иқтисодий тараққиётнинг асосини, ишлаб чиқарувчи шахснинг эркинлигини кўради. У бир хил ҳажмдаги мулкка эга бўлган майда ишлаб чиқарувчилар жамиятини идеал, деб ҳисоблайди. Прудон бундай жамиятни ислоҳотлар йўли билан куриш тарафдори эди.

*Сиёсий партиялар.* XVII–XVIII асрлардаги буржуа инқилоблари давридан то XIX асрнинг ўрталаригача партиялар деб парламентдаги сиёсий гуруҳлар эмас, балки адабий-сиёсий йўналишлар, сиёсий клублар айтилган.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Фарбий Европанинг деярли барча мамлакатларида парламентлар пайдо бўлди. Бу давлатларнинг конституцияларига мувофиқ парламент алоҳида гуруҳлар эмас, бутун халқнинг иродасини ифода этмоғи керак. Аммо шунга қарамасдан, парламентлар жамиятдаги мураккаб реалликни бутун зиддиятлари билан ўзида акс эттиради. XIX асрда Фарбий Европа ва АҚШда сиёсий партияларнинг вужудга келиши тарихий зарурат бўлиб қолди.

Тараққиётнинг маълум боскичига эришган, аъзоларининг катта қисми сиёсий фаолиятга тортилган, турли қатламлар ўз манфаатларини аниқ ва равshan ҳис этган жамиятда сиёсий партиялар вужудга келади. Фарбий Европада бундай шароит XIX асрнинг иккинчи ярмida пайдо бўлди. Айниқса 1832, 1867, 1918 йиллари Англияда, 1848, 1875 йиллари Францияда, 1867 йили Германияда, 1882 йили Италияда ўtkазилган сайлов ислоҳотлари натижасида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари кенгайиб, сиёсий фаолият қатнашчиларининг сони ортди.

XIX аср 70-йилларигача Фарбий Европанинг асосий партиялари консерваторлар ва либераллар бўлиб қолди. Англияда тори билан виглар, Францияда республикачилар билан монархистлар жамиятдаги асосий сиёсий кучларни ифода этарди. АҚШда партиялар бошиданоқ Европадаги партиялардан бошқача принципларда курилди. Шаклланган икки партияли тизим деярли ўзгармасдан шу кунларгача етиб келди.

XIX аср охири – XX аср бошларида партиялар ва уларнинг лидерлари фаолиятида маълум ўзгаришлар юз беради. Бу пайтга келиб деярли барча индустрисал давлатларда янги сиёсий оқим – буржуа реформизми шаклланади. Бу оқимнинг ёрқин намояндлари Англияда Ж. Ллойд, АҚШда Т. Рузвельт ва В. Вильсон, Францияда Э. Комб, Ш. Кайо, Ж. Клемансо, Германияда фон Бюловлар эди. Улар туфайли ижтимоий ислоҳотларга ишонч ўша даврдаги гарбликларнинг сиёсий тафаккурида устувор қарааш бўлиб қолди.

Мустамлака ва ярим мустамлака халқларининг товар-пул муносабатларига фаол тортилиши натижасида сиёсий майдонда сиёсий партиялар куринишидаги миллий ҳаракатлар мухим роль ўйнай бошлади. Миллий онгнинг ўсиши бу ҳаракатларни янада фоллаштириди. Айнан шу даврда панславизм, пантуркизм, панисломизм, сионизм каби миллий ва диний руҳидаги ташкилотлар ҳам пайдо бўлди.

XX аср бошларидан эса фақат сиёсий эмас, миллий, диний, маданий-ахлоқий ва бошка ғоялар асосида тузилган партиялар пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири жамиятдаги мавкеи ва сиёсий ўрни учун кураш олиб бордилар. Бу кураш фақат парламент минбари воситасида тинч йўл билан амалга оширилмасдан, айрим партиялар ва гурухлар томонидан қуролли қўзғолон ҳамда қўпорувчилик усууллар ҳам қўулланилди-ки, бу баъзи халқларнинг тақдирида машъум роль ўйнади.

**Касаба уюшмалари ва ишчилар ҳаракатлари.** Ишчилар сонининг ортиб бориши уларда ўз ҳукуқларини химоя қилувчи ташкилотларга бирикиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Кўплаб мамлакатларда касабачилик ҳаракатлари кенг кулич ёйди.

XIX аср 80-йилларига келиб халқаро касабачилик ҳаракатининг мазмунини белгилаб берувчи касаба уюшмаларининг уч тури вужудга келди.

Биринчи тур – бу инглиз тилида сўзловчи давлатлар – Англия, АҚШ, Канада, Австралияда вужудга келган тред-юнионлар.

Улар ўз олдилариға мәхнаткашларнинг иқтисодий манфаатларини химоя қилишни бош вазифа қилиб қўйишади. Англиядаги дастлабки тред-юнионлар ёпик типдаги корпорациялар бўлиб, уларга аъзо бўлиш анча мураккаб эди. Касабачилик ҳаракатининг ривожланиши 1890-йилларга келиб «Тред-юнионлар Британия конгресси» деб аталувчи соҳалараро ташкилотнинг тузилишига олиб келди. АҚШда касабачилик ҳаракати Англиядаги сингари кенг кулоч ёймади. 80-йиллари Америка мәхнат федерацияси вужудга келди, аммо у консерватив йўналишда эди. 90-йиллари АҚШда мустакил касаба уюшмалари пайдо бўлди.

XIX аср охирида дунёда пайдо бўлган касаба уюшмаларининг иккинчи тури – бу «сиёсийлашган» касаба уюшмалари. Улар социализмнинг кўринишларини қабул қилган ишчилар партияларининг таъсири остидаги касаба уюшмалари эди. Бундай касаба уюшмалари Шимолий ва Марказий Европа мамлакатлари – Швеция, Германия, Австрия, Бельгия, Голландия учун характерлидир. Улар ичидаги энг кўп сонли (1900 йили 630 минг аъзоси бор эди) ва таъсирилси Германия касаба уюшмалари эди.

Учинчи тур касаба уюшмалари анархо-синдикализм таъсири остида эди. Улар асосан Италия ва Испанияда кенг тарқалган. Анархо-синдикалистлар капитализмни ағдариш ва ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликни жорий қилишни мақсад қилгандилар. Мақсадга эришишнинг йўли сифатида анархо-синдикалистлар иқтисодий стачкалар усулини танлайди.

Францияда ҳам 1895 йили тузилган Мәхнат конфедерациясида анархо-синдикалистлар бош ролни йўнайдилар.

1914 йилга келиб барча мамлакатлардаги касаба уюшмалари аъзоларининг сони 13,2 млн киши бўлиб, бу ўз даври учун жуда кўп эди. Бошқа бирорта ташкилот бундай оммавий тусга эга эмасди. Касаба уюшмалари жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда тобора мухим роль йўнай бошлади. Бу айниқса касаба аъзоларининг сони юқори бўлган Англияда – 4,2 млн киши, АҚШда – 2,7 млн киши, Германияда – 2,3 млн киши, Францияда – 1 млн киши, Италияда – 980 минг киши эди.

XIX асрнинг ўргаларидан бошлаб касаба уюшмаларидан ташқари ишчиларнинг халқаро ҳаракатлари ҳам вужудга кела-ди. Айниқса, 1857–1858 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқизози кишиларнинг аҳволини кескин ёмонлаштириди, иш ташлашлар

тұлқинининг кучайишига олиб келди, халқаро ишчилар ҳаракатини ривожлантирди.

1864 йилнинг 27 сентябрида Лондонда ўша пайтлари Россия, Пруссия ва Австрия томонидан бўлиб олинган Польшани қўллаб-кувватлашга багишланган митинг бўлди. Ана шу митингда қатор Европа мамлакатларининг вакиллари йигилишиб, кейинчалик I Интернационал номини олган Халқаро Ишчилар ўртоклигини тузишга қарор қилдилар. Бу ташкилотнинг асосий вазифаси ишчиларнинг халқаро кучларини бирлаштиришдан иборат эди. Халқаро Ишчилар ўртоклигининг олий органи ҳар йили чақириладиган Конгресс бўлди. Ишчиларнинг миллий бирлашмалари Интернационал таркибига секциялар ҳуқуки билан кирдилар. Интернационал халқаро ишчилар ҳаракатида меҳнаткаш халқ ҳаётини яхшилаш учун курашга раҳбарлик қилувчи, анархизмни, бланкизм ва реформизмни фош қилувчи, босқинчилик урушларига қарши, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг биродарлиги учун курашувчи сиёсий орган сифатида майдонга чиқди. Шу даврда Европа ва АҚШда мустақил ишчи партиялари тузиш учун кураш бошланди. Ишчилар биродарлиги ҳаракатининг аввалги шакли эскириб қолган эди. 1876 йили АҚШнинг Филадельфия шаҳрида Ишчилар халқаро ўртоклиги конференцияси бўлиб, бу йиғин I Интернационал фаолиятини тұхтатиши ҳакида қарор қабул қилди. Ишчилар халқаро ҳаракатининг янги даври бошланди.

XIX аср охирларига келиб Европа мамлакатларининг аксариетида ишчилар партияларининг шаклланганлиги II Интернационалнинг тузилишига сабаб бўлди. 1889 йили 14 июлда Бастилия олингандыккенинг юз йиллигини нишонлашга йигилган халқаро социалистик конгресс янги Интернационалнинг тузилгандыккенинг қайд этди. XX аср бошларидан социалистик ҳаракат жиҳдий кучга айланди: социалистларга миллионлаб сайловчилар овоз бердилар; ишчи партиялари парламент фракцияларининг таъсири кенгайди, сиёсий курашга касаба ташкилотлари кўшилди. Бу жараёнларнинг барчасида II Интернационалнинг роли катта бўлди. Биринчи жаҳон уруши араfasида II Интернационал анчагина катта сиёсий кучга айланган эди. Унинг раҳбарияти омманинг инқилобий ташабbusини жиловлаб турар, ишчилар ҳаракатидаги ўта сўл оқимларга қарши курашар эди. II Интернационал миллионлаб меҳнаткашларни реакцион кучлар таъсиридан асраб қолди, уларни социалистик, интернационал

ва антимустамлака шиорлар остида бирлаштириди, қуролланишга ва урушга қарши барча тинчликсевар кучлар курашида катта тажриба тұплади.

\* \* \*

Шундай қилиб Европа ва АҚШ учун XIX аср индустрисал цивилизациянинг қарор топиш даври бўлди. Фабрика-завод ишлаб чиқариши кўл меҳнатини сиқиб чиқарди. Фаннинг гуркираб ривожланганлиги ва илмий-техник кашфиётларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида юкори техник тараққиётга эришилди. Капиталистик индустрлаштириш ўзи билан янги бир ҳолатни – ишлаб чиқариш инқизорини олиб келди ва шу ҳол ишбилармонларни техник тараққиётни кўллаб-кувватлашга, техникани такомиллаштиришга мажбур қилди. Капитализмнинг нотекис ривожланиши, корхоналарнинг тез ўсиши, банкларнинг кучайиши ва рақобат монополияларининг ташкил топишига олиб келди. Капитализм ўз тараққиётида янги босқичга кўтарилди. Янги ижтимоий-сиёсий ғоялар ва ҳаракатлар пайдо бўлди.

Жамиятнинг таркиби ўзгарди, аҳолининг янги қатламлари пайдо бўлди, кишиларнинг турмуш тарзи ўзгарди. Инсоннинг ўзи, ички дунёси ҳам ўзгарди. Унинг бош қадриятлари озодлик ва шахсий эркинлик бўлиб қолди.

## I боб бўйича саволлар

1. Саноат инқилоби амалга ошган мамлакатларда ишлаб чиқариш тизимида қандай ўзгаришлар юз берди?

2. Империализм атамаси жамиятдаги қандай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни акс эттиради?

3. XIX асрда Европанинг демографик ҳолати ва урбанизация жараёнида қандай принципиал ўзгаришлар юз берди?

4. Капиталистик тараққиётнинг «пруссча» ва «америкача» деб аталувчи йўуллари ўргасидаги асосий фарқлар нимада?

5. XIX аср охирида иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида лидерларнинг алмашуви қандай жараёнларнинг бошланишига олиб келди?

6. Европа мамлакатларидан эмиграцияни көлтириб чиқарган асосий сабаблар нимада? Иммиграция АҚШ тараққиётига қандай таъсир кўрсатди?

7. XIX аср – XX аср бошларидағи ижтимоий-сиёсий таълимотлар уларнинг жамият тараққиёти ҳақидаги қарашларида қандай асосий фарқлар мавжуд эди?

**8.** Маърифатчилик даври либерализми билан Берк консерватизми орасидаги фарқ нимада?

**9.** Марксистик таълимотга кўра меҳнат билан капитал ўртасидага зиддиятларнинг доимий кескинлашиб бориши сабаблари нимада?

**10.** XIX аср 80-йилларидан касабачилик ҳаракатининг мазмунини белгилаб берган ишчилар касаба уюшмаларининг қайси турлари мавжуд эди?

## II БОБ. ФАН ВА МАДАНИЯТ

**Техник тараққиёт даври.** XIX аср техник тараққиётнинг ҳам жадал одимлаш даври бўлди. Иқтисоднинг гуркираб ўсиши эркин рақобатни, янги техникаларни яратишни, ишлаб чиқаришга жорий қилишни тақозо этди.

**Машинасозлик.** XIX асрнинг биринчи ярмида техник тараққиётнинг янги даври – машиналар ёрдамида бошқа машиналарни яратиш даври бошланди. Шу жараён тобора кўпроқ металлни талаб қилас, бу эса ўз навбатида металлургияда янги ихтиrolарга эҳтиёжни оширади. Айниқса пўлат ишлаб чиқаришнинг ҳажмига саноатнинг кейинги тараққиёти боғлиқ бўлиб қолганлиги туфайли дастлабки кўплаб ихтиrolар пўлат эритиш технологиясини мукаммаллаштиришга қаратилди. Инглиз муҳандиси Г. Бессемер 1885 йили пўлатни эритиш учун айланиб турувчи печь – конвентерни ихтиро қилди. Француз муҳандиси П. Мартин эса сифатлироқ пўлат олиш имконини берадиган печь яратди. Кейин прокат стани ихтиро қилинди ва пўлат ўзининг ғолибона юришини бошлади (аср бекорга «пўлат асли» деб аталмаган). XIX аср 60-йилларида пўлатдан ясалган биринчи кема сувга туширилди. 1800 йилга яқин Модслей томонидан ихтиро қилинган токарлик станоги металдан ясалган биринчи замонавий станок эди. Бу станок металлга катта аниқлик билан ишлов беришни талаб қиладиган жараёндаги қўл меҳнатини алмаштириш имконини берди.

Жуда катта, масалан, оғирлиги 50 тонна келадиган буг болғаси яратилди. Ундан металл уюмини эзгилаб, маълум шакл беришда қўлланилади.

Тўқимачилик корхоналарида матога гул босиш жараёнини механизациялаштириш натижасида илгари 50 киши бажарадиган ишни энди 2 киши уddyalайдиган бўлди. Лекин тўқимачилик саноат

тида энг йирик янгиликлардан бири Жаккар дастгохининг яратилиши бўлди. Ихтирочи Жозеф Мари Жаккар (1752–1834) амалда биринчи автоматик станокни яратди. Рассом чизган гул ва нақшларни матога аниқ тушириш имконини берадиган перфорирлашган<sup>1</sup> карталар станокка ўрнатиладиган бўлди. Жаккарнинг бу дастгохи гулли, нақшдор, нафис, ҳайратланарли даражада чиройли матолар яратиш имконини берди.

*Транспорт воситалари.* XIX аср темир йўллар асри ҳам дейилади. Бу бежиз эмас. Биринчи темир йўл Георг Стефенсон томонидан 1825 йили Англияning Стактон ва Дарменгтон шаҳарлари ўртасида, 1829 йили эса – Ливерпул ва Манчестер оралиғида қурилди. Бироқ ҳақиқий темир йўллар жазаваси XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланди. Саноат тўнтариши ва бошланаётган индустрлаштириш транспорт воситаларига бўлган талабни чексиз ошириб борди. Йироқ мустамлакалардан хомашё ташиб келтириш, корхоналарни ёнилғи билан таъминлаш, тайёр маҳсулотларни кўплаб микдорда чет эл бозорларига ташиб кетиш – буларнинг барчаси учун транспорт зарур эди. Ўсиб бораётган шаҳарлар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳам транспортдан фойдаланиш лозим. Хуллас, таракқиётнинг қайси жабҳасини олманг, барчасида транспорт эҳтиёжи кундан-кунга ошиб борарди. Жадаллашиб бораётган жаҳон савдоси ҳам транспорт воситаларининг ривожланишини талаб қиласди. XIX аср 80-йилларида Лондон билан Константинопол ўртасида машхур «Шарқий экспресс» қатнай бошлади. Германияда темир йўллар бўлиб ташланган немис ерлари ўртасида алоқани тиклашга ёрдам қилди. Рур ва Лотарингия конларининг темир йўллар билан боғланиши эса тош кўмир конларини темир рудаси билан боғлади.

АҚШда темир йўлларсиз ғарбий ерларни ўзлаштириш, қудратли мамлакатни барпо қилишнинг иложи йўқ эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, 1900 йили темир йўлларнинг жами узунлиги 790 минг км бўлса, 1912 йилга келиб пўлат излар 1 млн 80 минг км га чўзилди. Бу пайтга келиб темир йўллар Европа ва АҚШдан ташқари Лотин Америкаси, Осиё (Узбекистонда биринчи темир йўл Красноводск – Тошкент 1899 йили, Тошкент – Оренбург 1905 йили ишга туширилган) ва Африкада ҳам ривожлана бошлади. Биринчи жаҳон уруши

<sup>1</sup> Перфорация – қоғоз ёки картон варакдаги гулли тешиклар тизими.

арафасида темир йўлларнинг умумий узунлиги АҚШда 410,9 минг км, Буюк Британияда – 37,7, Францияда – 51,2, Германияда – 63,7, Италияда – 16,9, шунингдек, Ҳиндистонда – 55,8 минг км, Хитойда – 9,9, Индонезияда – 2,9, Мисрда – 4,3, Туркияда (Осиё кисмida) – 3,5 минг км ни ташкил қилди. Темир йўллар тараққиёт учун қанчалар фойдали бўлмасин, уларга барчанинг муносабати бир хил бўлмади, у бирданига тан олинмади. Ўша пайтнинг газеталари «Англияда қушларни тутун ўлдираяпти, сигирларнинг сути айнияпти ва ачиб қолаяпти, отлар ўлаляпти, локомотивдан чиқсан учқунлардан фермерларнинг экинларига ўт кетаяпти, далаларда боқилаётган моллар бу жирканч товуш ва хуштаклардан қўркиб ўлаляпти», – дея хавотир олиб ёзишарди.

Темир йўллар кўпайиши билан локомотивларни мукаммаллашибтириш ҳам давом эттирилди. Паровозларнинг қуввати, тортиш кучи ва тезлиги кескин оширилди. Ҳали Стефенсон қурган биринчи паровозлар шунчалар секин юарарди, уни от қувиб ўтиши мумкин эди. Паровозлар билан бир қаторда юк ва йўловчи ташувчи вагонларнинг қурилиши ҳам яхшиланди.

1908 йили Италияда Ж. Белузо буғ турбинали локомотивни яратди. Автоматик тормозлар ва ишқаланиш темир йўлларининг хавфсизлигини ошириди. 1879 йили Вернер Сименс узунлиги 300 м бўлган электр тортимили тор изли темир йўл курди. Кичкина электровоз бешта кичкина вагондан иборат поездни Берлин саноат кўргазмасида тортиб юарди. Бу ўшанда бир эрмак туюлганди, лекин 1890-йилларда ёқ АҚШда ва бир қатор Европа мамлакатларида шаҳар атрофи ҳамда шаҳарлараро қатнайдиган электр поездлар пайдо бўлди.

Пароходлар (буғ двигателли кема) қурилиши ҳам тобора кучайиб боришига қарамасдан, XIX асрнинг сўнгти чорагигача елканли флот кўпчиликни ташкил қиласиди. Р. Фультон томонидан ясалган биринчи пароход «Клермон»нинг узунлиги 40,5 метр эни 5,5 метрга яқин ва чукурлиги 2,74 метр бўлиб, дастлаб 1807 йил 17 август куни сувга туширилган эди. Ҳеч қандай елкансиз оқимга қарши ҳаракатланадиган, оғзидан тутун аралаш олов пуркаётган бу пароход одамларда ҳайрат ва кизикиш аралаш қўркинч ва даҳшат туғдираётган эди.

Шунга қарамасдан пароходлар яратилиши билан денгизда сузиш шамолга боғлиқлигидан кутилди. 1819 йили Атлантик океанидан

сузиб ўтган биринчи пароход йўлга 20 кун сарфлади. (Христофор Колумб худди шу йўлни 70 кунда босиб ўтган). Кейинчалик қўпайиб кетган пароходлар қитъалар орасидаги масофани яқинлаштиришга, жаҳон савдосини ривожлантиришга муҳим хисса кўшиди.

**Автомобилсозлик.** 1803–1804 йиллари американлик муҳандис Оливер Эванс буғ двигателли биринчи автомобилни Филадельфия қўчалари бўйлаб ҳайдаб ўтади. Худди шу пайтнинг ўзида инглиз конструктори Ричард Тревитик яратган автомобиллар Лондон қўчаларига чиқади. 1830 йилга келиб Лондонда 26 та буғ автомобили бўлган бўлса, бутун Англияда уларнинг сони 100 тага етади. Дастлабки автомобилларни ҳалойик шовкин-сурон ва ҳаяжон билан қарши олади, унинг олдига тушиб чопишади. Дастлабки йўл ҳалокатлари, баҳтсиз ходисалардан сўнг ҳокимият бу «отсиз аравалардан» 100 метр олдинда қизил байроқ – хавф-хатар белгисини қутарган одам юриши лозимлиги тўғрисида конун чиқаради. Автомобилларнинг ҳаракат тезлиги соатига 4 км қилиб чеклаб қўйилади. Кейин эса бензинли автомобилларнинг ҳукмронлиги бошланди. Бензинли автомобиль яратишнинг биринчи намунаси деб мангнеймлик немис ихтиорчиси Карл Бенц томонидан қурилган горизонтал бензин двигателли, соатига 15 км гача тезликка эга бўлган уч ғилдиракли машинани ҳисоблайдилар. 1895 йили эса унинг ватандоши Готлиб Даймлер яратган автомобиль замонавий автомобилнинг кўриниши эди. Шу йили ирландиялик Ж. Данлоп каучукдан ясалган, ичига юқори босимли ҳаво тўлдириладиган шиналарни ихтиро қилди ва бу автомобиллар қулайлигини янада оширди. Шу пайтдан бошлаб автомобиль саноатида янги давр бошланди. Бир қанча вақт автомобиль саноатининг маркази Франция бўлиб қолди. 1898 йили Парижда биринчи автомобиль кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Европа ва Америкадан қарийб 300 та автомобиль русумлари намойиш қилинди. Аммо ҳали анча вақт автомобиль ўртаҳол кишиларнинг қўли етмайдиган қиммат товар бўлиб қолаверди. Унча қиммат бўлмаган автомобилларни оммавий ишлаб чиқариш американлик ихтиорчи ва тадбиркор Генри Форд номи билан боғлиқ. У ёшлигига Эдисон компаниясида чилангар бўлиб ишлаб юрган пайтларида автомобилга қизиқади. Унинг орзуси ва ҳаракатларининг бош ғояси ҳар бир американликнинг курби етадиган арzon автомобиллар ишлаб чиқариш эди. Шу тариқа 1908 йили нархи 850 доллар турадиган «Т» русумли автомобиль дунёга келади. Машина йўлсиз ерларда ҳам ҳаракатлана

оларди. Энди Форд барча ракобатчиларини ортда колдирди. Унинг машиналари га талаб ортиб борди, Форд эса машиналар йигишни янада арzonлаштириш устида ишлади. Мухандислар К. Эвери ва У. Кланн ҳаракатланувчи йигув конвейерини ихтиро килишди. Энди ишчилар бир жода турагар, машиналар эса улар олдидан конвейерда ўтарди. Бу ишни анча тезлаштириб, автомобилларнинг нархини ҳам арzonлаштириди. 1916 йилга келиб «Т» русумли автомобилнинг нархи 345 долларгача пасайди.

Шу тариқа мамлакат «гилдиракка турди». XX аср автомобиль асри деб атала бошланди. Энди минглаб автомобиллар учун йўллар ва қўприклар куриш зарурати пайдо бўлди.

*Йўллар, қўприклар, туннеллар.* XVIII асрдан бери ривожланиб бораётган транспортни мавжуд йўллар қониқтира олмай қолганди. Франция ва Германияда йўллар анча ёмон, энг яхшиларига нари борса тош ётқизилганди. Францияда шоссе йўллар фақат 1830 йилдан кейин пайдо бўлди, Германияда эса ундан ҳам кейинроқ. Англияда ахвол анча яхшироқ, у ерда тезлик энг катта – 15 км соат эди. Англияда шоссе йўллар курилишини тезлатган буғ катокларидан фойдаланиш бўлди. Буғ машиналаридан фақат саноатда ёки йўл курилишидагина эмас, дарёларни кемалар қатнайдиган каналлар билан бир-бирига боғлашда, портларни күм босищдан тозалашда, янги портлар куришда ҳам фойдаланилади. Улардан қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланила бошланди. XIX аср 40-йилларида Англия далаларида енгил қўзгаладиган машиналар – лакомобиллар пайдо бўлди. 1870-йиллари Англияда буғ машинаси тортадиган омочлар пайдо бўлиб, кейин бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди.

XIX асрда денгиз транспорти ва савдонинг ривожланиши каналлар куриш учун туртки бўлди. Улардан энг каттаси Сувайш канали эди. Бир-биридан 15 мил<sup>1</sup> қуруқлик билан ажralиб турган иккита денгизни кўшиш фикри қадим замонлардан буён мавжуд эди. 1859 йили француз мухандиси Фердинанд Лессепе бу каналнинг қурилишини бошлади. Ўн йилдан сўнг иш якунланиб, у 437,5 миллион франкка<sup>2</sup> тушди. 1850 йили Ла-Манш бўғози тубидан сув ости кабели ўtkазилиб, Кале ва Луврни бир-бири билан боғлади.

<sup>1</sup> Мил – узунлик ўлчови. Қуруқлик мили (инглизларники) – 1609 метрга тенг.

<sup>2</sup> Франк – Франция пул бирлиги, 5 грамм оғирликдаги 999 пробали кумуш танга, 1799 йили ливрнинг ўрнига жорий килинган.

Кейин шундай кабеллар Англия билан Ирландия ва Англия билан Бельгия ўртасида ҳам ўтказилди. Янги техниканинг тобора мукаммаллашуви натижасида сув остидан фақат кабеллар эмас, тунеллар ҳам ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Шундай тунел 1843 йили Темза дарёси остидан ўтказилди.

Шу даврда кўприкларнинг ҳам янги конструкциялари яратилди. 1818–1826 йиллари Англияда муҳандис Томас Телфорд томонидан биринчи осма темир йўл кўприги қурилди. Занжирли кўприклар се-кин-аста ҳаётга кириб борди. Машхур кўприкоз муҳандис Иоҳанн Реблинг АҚШда бешта кўприк, шу жумладан сув сатҳидан 41 метр баландликдаги машхур Бруклин кўпригини ҳам курди. Кейинчалик Канадада узунлиги 550 метр бўлган Квебек кўприги қурилди. Нью-Йоркдаги Хелл-Гейт аркли кўприги тўлиқ юқори сифатли пулатдан қурилган биринчи кўприк бўлди. XIX аср охири – XX аср бошларида жуда кўп темир йўл туннеллари қурилди. Улар орасида узунлиги 20 км бўлган Симплон туннели ҳам бор эди.

*Инсоннинг дастлабки парвозлари.* Инсон доимо самога интилиб яшаган, парвоз қилиш эса одамларнинг азалий орзуси бўлган. Болалиқда учар гилам ҳақидаги эртакни ёки Дедал ва Икар ҳақидаги афсонани ким ҳам ўқимаган дейсиз? Шундайлардан франциялик aka-ука Жозеф ва Жак Монгольфье́лар ўзларининг қоғоз фабрикасида иссиқ ҳаво тўлдирилган қоғоз қоп ҳавога кўтарилишини тасодифан сезиб қолдилар. Шунда улар иссиқ ҳаво тўлдирилган катта шар ясашди (аэростат) ва 1783 йили 4 июнда бу шар ҳавога кўтарилиб (2 минг метр баландликка) 4 километрга учди. Шу йил сентябрь ойида Версалда шарга боғланган саватга турли паррандалар ва қўй солиб учириб кўришди. Кейин, декабрь ойида, дастлабки учувчилар – Пилатр де Розье ва маркиз д'Арландлар парвоз қилиши. Учишлар давом этди, бироқ монгольфье́лар учиш учун ишончли восита эмас, тез-тез ҳалокатлар бўлиб турарди. Шу сабабли физик Жак Шарль ишончлироқ восита – водород тўлдирилган аэростат моделини яратди.

Учиш тажрибалари фанга кўчиб немис муҳандиси Отто Лилиентал (1848–1896) планеризм ҳақидаги назарияга асос солди. У ўзи ясаган планерда 2 минг мартадан кўпроқ ҳавога кўтарилиди. Жасур синовчи 1896 йили ҳалокатга учради. «Ҳаводан оғирроқ бўлган жисмларнинг учиши ҳақидаги назария»ни такомиллаштириш давом этди. Инсоннинг осмонга парвоз қилиш даври бошланиши учун

француз Климент Адер ва америкалик ака-ука Уилбер ва Орвилл Райтларнинг ҳам хизматлари катта бўлди. 1902–1903 йиллари ака-ука Райтлар бензинли двигатель ўрнатилган планерда учдилар. Улар биринчи парвозида 3 метр баландликда 12 секунд ичидаги 30 метр масофага учдилар. «Учиш фақат 12 секунд давом этди, лекин бу боргида инсон жойлашган, ўз кучи билан ҳавога кутарилган инсоният тарихидаги биринчи парвоз эди», – деб ёзганди Орвилл Райт.

**Харбий техника.** Техник тараққиёт ҳарбий техникага ҳам кўпигина ўзгаришлар киритди. 1803 йили инглиз генерали X. Шрапнел унинг номи билан шрапнеллар деб аталган портловчи снарядларнинг янги турини яратди. 1862 йили швед Альфред Нобель нитроглицерин ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, кейин эса динамит тайёрлашга киришиб кетди. Шу даврда яна бир янгилик – қундок томонидан ўқланадиган ўт очувчи куроллар кенг қўлланила бошлиди. Америкалик муҳандис Сэмюэл Колт 1895 йили унинг исми билан аталган тўппончани яратди. Кейинчалик С. Колт Э. Рус билан биргаликда автоматик куроллар ишлаб чиқарадиган фабрикага асос солди.

Ўқотиш куролларини автоматлаштириш – ўша даврнинг характерли белгиси бўлди. 1883 йили Хайрем Мэксим станокли пулемёт («Максим») яратди, кейин эса бу куролнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлди. 1916 йили рус ихтирочиси В.Фёдоров хозир автомат деб аталадиган янги куролни яратди. Яна бир рус ихтирочиси В. Дегтарев бу куролни такомиллаштириш устида ишлади ва унинг янги турларини яратди.

Крупн фирмаси ишлаб чиқкан артиллерия куроли ўша пайтда энг узоққа – 39 километрга отарди. Германия армияси шундай артиллерия билан қуролланганди. Франция-Пруссия уруши йиллари (1870–1871) Париж қамал қилинганда уни немислар шундай тўплардан ўққа тутишганди. Биринчи жаҳон уруши йилларида «Катта Берта» деб ном олган немис тўплари Парижни 120 км масофадан ўққа тутганди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида «Моторлар уруши» бошлиниб кетганди. Англияда танклар тайёрлаш 1915 йили бошланди («танк» – цистерна, бак). Инглиз оғир танклари қарийб 30 тонна оғирликка, 8 метр узунликка эга бўлиб, соатига 6 км тезликда ҳаракат қиласарди. Француздар «Рено» русумли енгил ва ўртача оғирлиқдаги танкларни ишлаб чиқардилар.

Бу пайтга келиб ҳарбий ҳаво флоти ҳам яратилди. Германия ҳарбий максадлар учун дирижабллар<sup>1</sup> эскадрильясини<sup>2</sup> яратди. Ҳали 1900 йилдаёқ граф Фердинанд фон Цеппелин (1838–1917) ўзининг биринчи бошқариладиган, 128 метр узунликдаги дирижаблини (цеppелин) фазога кўтарди. Бу дирижаблдан Биринчи жаҳон уруши даврида транспорт воситаси сифатида ҳам фойдаланилди. 1916 йил 2 сентябрда немислар 12 та «цеppелин» ёрдамида Лондонга ҳужум уюштирилар. Шу йиллари ҳарбий авиация тобора кўпроқ аҳамият касб эта бошлади. Француздар ва инглизлар 1915 йилдаёқ қиরувчи самолётлардан фойдаландилар, кейинроқ эса бомбардимончи самолётлар ҳам пайдо бўлди. Урушнинг охирiga келиб Францияда 500 метр баландликда учувчи икки моторли «Farnan F-50» русумли самолётлар яратилди. Ўзининг денгиздаги устунилигини сақлаб қолишга уринаётган Англия янги турдаги линкор – броненосецлар – «ухдноут»ларни яратди. Барча флотлар сувости кемаларига эга бўлдилар. Уларнинг курилишига Германияда алоҳида эътибор қаратилди.

**Энергиянинг янги манбалари.** Катта тезлик билан ривожланниб бораётган саноатни энергия билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлди. Бу муаммони ҳал килишнинг йўлларидан бири нефть ва электрдан саноат мақсадларида фойдаланишини кўпайтириш эди. Маълумки, нефть аллақачон одамларга маълум эди, бироқ АҚШда, Россияда ва бошқа мамлакатларда йирик нефть конлари очилгандан кейингина у асосий энергия манбаларидан бирига айланди. 1890 йилдан 1900 йилгacha бўлган ўн йил ичida жаҳонда нефтдан фойдаланиш ўн мартаға кўпайиб, 10 миллион тоннага етди. Ёнилгининг бу турига қизикиш айниқса ички ёнув двигатели ихтиро қилингандан сўнг янада ортди. Нефтдан автомобиль ва самолётлар учун ёнилғи – бензин олина бошланди.

XIX – XX асрлар чегарасида электр энергияси асосан саноат корхоналарида ва йирик шаҳарларнинг кўчаларини ёритишида ишлатиларди. 1905 йилга келиб фақат инглиз корхоналарининг 10 фоизи ва немис корхоналарининг 20 фоизигина ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясини қўлларди. Аслида электр токини хоҳлаган масофага узатиш, истаган пайтда кўшиш ёки узиб кўйиш мумкинлигини ҳисобга олсак, у энергиянинг тенгсиз манбаи эди. Яна бир

<sup>1</sup> Дирижабль – бошқариладиган аэростат.

<sup>2</sup> Эскадрилья – ҳарбий ҳаво кучлари бўлинмаси.

устунлиги – электр энергияси атроф мұхитни ифлослантирумасди. XIX асрнинг охирига келиб одамлар ҳәтида яна бир янгилик – уйларни электр билан ёритиш пайдо бўлди. 1876 йили рус олим П.Н. Яблочков (1847–1894) электр ёйли чирокни («электр шамни») ихтиро қилди. Бу чироқдан жамоат жойлари – дўконлар, театрларда фойдалана бошладилар. Лондонда эса «электр шам»дан Темза дарёси қирғоқларини, Лондон докларини<sup>1</sup> ёритишда фойдаландилар. Бироқ ёйли электр чироқлари аҳоли учун хавфли эди, бунинг устига улар кутарилиб-пасайтирилиб турилмасди, барча чироқларни факат бирданига ёкиш ва ўчириш мумкин эди. Шунинг учун уйларда аввалгидек газли ёриткичлардан фойдаланаверишиди. Бироқ тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди, одамлар ҳаётни енгил ва гўзал қилиш учун тинимсиз ҳаракат қиласверадилар. Шундайлардан бири америкалик буюк олим ва ихтиорчи Томас Альва Эдисон (1847–1931) унча қучли ёнмайдиган, ёпик чироқдаги чўрганувчи ёриткичларни кашф этди. 1880 йили бундай ёриткичлардан 115 гаси «Колумбия» кемасини ёритишда синовдан ўтди ва шу йили Эдисон шундай чироқларни (ҳозирги лампочка) ишлаб чиқарадиган заводга асос солди. Келгуси йили Эдисон чироқлари Лондонда чараклади ва кейин бутун дунёга тарқалди. 1882 йили эндиғина ўтгиз беш ёшга кирган Эдисон электр «қироли» бўлиб олди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида саноат ва транспорт ривожланишининг юқори даражасига эришилди. Бу эса энергиянинг янги манбаларини талаб қиласи, янги техниканинг яратилиши, назарий ва амалий билимларнинг ривожланиши учун шароит түғдирар эди.

**Фаннинг ривожланиши.** XIX аср – XX аср бошлари фаннинг ривожланишида алоҳида давр бўлди. Биз техник ихтиrolар, фалсафа ва сиёсий фанларда юз берган янгиликлар тўғрисида қисман бўлса-да сўз юритдик. Энди индустрнал цивилизациянинг кейинги ривожланишига бевосига таъсир кўрсатган физика ва бошқа табиий фанлардаги оламшумул қашфиётлар ҳақида фикр юритамиз. Зоро бу даврда фаннинг ривожланиши инсон заковатининг улуғорлигига мадхиядир.

<sup>1</sup> Док (инглизча – *dock*) – кемаларнинг сувга ботиб турадиган кисмини сувдан чиқариб, кўздан кечириш ва таъмирлаш учун хизмат қиласиган мұхандислик иншооти.

Бу даврда шиддат билан ривожланаётган саноат механика қонунларини англашни, ишлаб чикаришда фойдаланилаётган моддалар ва материалларнинг хусусиятларини билиб олишни, тезликни, босимни ўлчаш усулларини ва шу кабиларни талаб қиласарди. Айни пайтда техник тараққиёт даражаси илмий изланишлар учун асбоблар ясаш имконини ҳам кенгайтирди. Инсон онги ва заковати табиат сирларини яшириб турган пардан очиб юборгандек бўлди. Табиатнинг кўплаб кучлари энди инсон измига тушди, давр буюк кашфиётлар даври бўлиб, кейинчалик илмий-техник инқилоб деб аталган жараённи бошлаб берди.

**Физика.** Шундай кашфиётлар қаторида электромагнитизмнинг очилиши ҳам туради. Бу кашфиётнинг муаллифи машҳур инглиз олими Майкл Фарадей (1791–1867) эди. Рус физиги А.Г. Столетов Фарадей ҳакида: «*Галилей давридан буён ҳеч қачон бир кишидан чиққан бунчалар ҳайратли ва хилма-хил кашфиётларни дунё курган эмас ва яқин орада бошқа Фарадейни кўрмайди ҳам*», – деб ёзганди. Фаолиятини китоб дўконида муқовачилиқдан бошлаган Фарадей кўплаб китобларни мутолаа қилди, олимларнинг маърузаларига қатнади, охири қироллик институтида лаборант вазифасига эришиди. У машҳур химик сэр Деви<sup>1</sup> лабораториясида ишлади. Шу ерда М. Фарадей электромагнит индукцияси ҳодисасини кашф қилди. У агар мис сим магнит кучланишли майдонни кесиб ўтса, унда электр токи пайдо бўлишини сезиб қолди. Бу кашфиёт электродвигатель яратишга киришиш имконини берди. М. Фарадей қироллик академиясига ва кўплаб чет мамлакатлар академияларига аъзо бўлди. У буюк меҳнаткаш эди, тинимсиз тажрибалар ўтказарди. Ўлимидан сал олдин тугатилган тажриба 16041-рақамлиси эди. Амалда Фарадей электр ҳақидаги фанни яратди.

Бу даврда кишиларни ҳайратга солувчи кашфиётлар давом эта-верди. Инглиз физиги Жеймс Кларк Максвелл (1831–1879)нинг кашфиёти ҳам шундайлардан эди. 1855 йили у турли мамлакатлардаги физик олимларнинг электромагнитизм, термодинамика ва ёруғлик соҳасидаги тажрибалари ҳамда назарий хуносаларини умумлаштирувчи ёруғликнинг электромагнит майдони назариясини яратди. Унинг назариясига кўра электрни бўшлиқдан ўтказувчи кўринмас электромагнит тўлкинлар мавжуд.

<sup>1</sup> Хэмфри Деви (1778–1829) – машҳур инглиз химиги ва физиги, Қироллик Жамияти аъзоси.

1887 йили немис мұхандиси Генрих Герц (1857–1894) жағонда биринчи булып электромагнит тұлқынлари пайдо бўлишини аниқлади ва ҳеч қандай моддий жисм унинг тарқалишига түсик була олмаслигини, шунингдек, электромагнит тұлқынлари Е кенглиқда 300 минг километр секунд тезлик билан тарқалишини ҳам исботлади. Бу тұлқынлар «Герц тұлқынлари» деб аталди. Гульельмо Маркони ва Александр Поповлар айнан ана шу қашфиётлар асосида симсиз телеграфни яратдилар ва кейинчалик Г. Марконига Нобель мукофоти берилди. А. Попов узатган биринчи симсиз телеграмма иккита сұздан иборат эди: «Генрих Герц».

Олимларнинг изланишлари давом этди. 1878 йили голландиялық физик Хендрик Антон Лоренц (1853–1928) Максвеллинг электромагнит майдон назарияси устида ишлаб, у моддаларни атом тузилиши нұқтаи назаридан изоҳлашга уриниб күрди. Инглиз олим Жонстон Жорж Стоней (1826–1911) эса 1874 йили электр атом зарядининг дастлабки микдорий таърифини бериб, бу зарядни «электрон» деб атади. Лекин тез орада аниқландиди, электрон атомнинг таркибий қисми экан.

1870 йилда инглиз олим У. Крукс сийраклаштирилган ҳаволи разряд найда катод нурларини қашф этди. 1897 йилда инглиз олими Ж. Томсон (1856–1940) катод нурлари манфий зарядли зарражалар – электронлар оқими эканligини күрсатди. Электр зарядларининг атом тузилиши америкалик олим Роберт Милликен (1868–1953) тажрибаларыда узил-кесил исботланди. Физика фанининг ривожланиши шу тарзда давом этиб, табиат сирларини очиб борди. Бу эса физикада янги даврнинг бошланиши эди холос. Олимларнинг бир гурухы – Анри Беккерель, Пьер Кюри ва Мария Складовская – Кюри, Эрнест Резерфорд, Нильс Бор – радиоактивлик ҳодисасини ўргандилар ва атомнинг мураккаб тузилиши ҳақидағи таълимотни яратдилар.

1900 йили немис физиги Макс Планк (1858–1947) иссиқликнинг нур тарқатишиң қонунларига асосланиб, элементар нур тарқаткичлар, яғни атомлар дискрет порциялар – квантлар билангина үз энергиясини электромагнит майдонига бера олади, деган гениал фаразни илгари сурди.

1905 йили Альберт Эйнштейн (1879–1955) квантлар назариясини ривожлантириб, ёруғлик элементар ёруғлик «заррачалари» – фотонлар, бошқача айтганда, ёруғлик квантлари мажмуудан иборат,

деган фикрни ўртага ташлади. А.Эйнштейн нурланиш майдонининг дискрет (квант) структураси түғрисидаги тушунчани киритди, бу ҳол бир қатор физик ҳодисаларнинг – фотоэффект, люминиценция қонунларининг, фотокимёвий қонуниятларнинг сабабини очиб беришга имконият яратди. Ана шу тасаввурларга асосланиб, даниялик физик Нильс Бор (1885–1962) 1913 йили атомда электронларнинг ҳаракатланишига оид янги қонунларни таърифлаб берди. Бор назарияси, унда зиддиятлар бўлишига қарамасдан, бир қатор оптик, кимёвий ва бошқа ҳодисаларнинг сабабларини очиб берди.

Умуман бу даврда бутун физика, аввало майдон назарияси ва электронлар назарияси тараққиётининг энг муҳим якуни нисбийлик назарияси бўлдики, бу назария макон, замон ва тортилиш түғрисида янги физик тасаввурларни яратди. Фанинг бутун ривожи давомида замин ҳозирлаб борилган бу янги тасаввурларнинг яратилиши юқорида тилга олинган машхур олим А. Эйнштейн номи билан боғлиқ. Бу назарияни А. Эйнштейн 1905 йили нисбийликнинг маҳсус назарияси ва 1916 йили нисбийликнинг умумий назарияси ҳақидаги мақолаларида баён этди. А. Эйнштейннинг назарияси бутун XX аср фанининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

**Кимё.** Кимё фанининг бу даврдаги ривожланишига, бир томондан, ушбу фанинг ўзида қилинган кашфиётлар, айниқса, Д.И. Менделеев (1834–1907) яратган кимёвий элементларнинг даврий системаси катта таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, физика соҳасида қилинган кашфиётлар, айниқса, рентген нурлари, радиоактивлик ҳодисалари, электрон ва атом мураккаб тузилишининг кашф этилиши катта таъсир этди.

Доимо кимёвий ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг кучли таъсири остида бўлган кимё фани, айни замонда, назарий соҳада эришилган ютуклар асосида, кимёвий технологиянинг тараққий этишига тобора кўпроқ таъсир кўрсатиб, илгаридан маълум жараёнларнинг (бўяш, металургия кабилар) такомиллаштирилишига ва янги кимёвий ишлаб чиқаришнинг (синтетик бўёқлар, дори-дармон, пластмассалар, сунъий ипак, сунъий суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш ва бошқалар) барпо этилишига ёрдам берди.

Органик синтез соҳасида ғоят катта муваффақиятларга эришилди. Француз химиги Виктор Гринъяр (1871–1935) 1900 йили хилмажил органик моддалар синтез қилиш усулини кашф этди. Бу кашфи-

ёти учун у 1912 йили Нобель мукофотига сазовор бўлди. Бўёклар синтез қилиш соҳасидаги ишлар амалий аҳамият касб этди.

Немис химиги Иоган Петер Грісс (1829–1888) кашф этган диазотлаш реакцияси азотли бўёклар деб аталган бўёкларнинг катта бир синфини ҳосил қилишга имкон берди. Бўёклар синтез қилиш соҳасидаги ишлар дорилар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ҳам ёрдам берди. 1874 йилдаёқ немис химиги Адольф Кольбе (1818–1884) салицил кислота синтез қилди.

1840 йилда рус химиги Г.И. Гесс (1802–1850) кашф этган иссиқлик қонунини (Гесс қонуни) ривожлантира бориб, бир қанча мамлакатларнинг олимлари (М. Бертео, Ю. Томсон, Н.Н. Бекетов ва бошқалар) физико-кимёвий тадқикотларнинг мустақил соҳаси бўлган термокимёни яратдилар. Кимёвий жараёнларни текширишга термодинамиканинг татбиқ этилиши натижасида кимёвий термодинамика пайдо бўлди. Худди шу даврда эритмалар тўғрисидаги тълимомт ҳам тез ривожланди. 1887 йили швед химиги Сванте Аррениус (1859–1927) электролит диссоциация назариясини таклиф этди.

1881 йили рус химиги М.Г. Кучеров (1850–1911) ацетилен углеводлари симоб оксиди тузларининг каталитик таъсири остида гидратланиши реакциясини кашф этди.

Юза ҳодисаларининг ва адсорбциянинг асосий қонунларини 1878 йили америкалик физик Жозайя Гиббс (1839–1903) топди. Кўмир ва бошқа адсорбентларда содир бўладиган ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган адсорбция жараёнларининг бир қанчаси ўрганилди.

Физик тасаввурларни татбиқ этиш асосида кимёвий реакцияларнинг тезликлари ва кимёвий мувозанат тўғрисидаги тълимомт янада ривожлантирилди. 1879 йили норвегиялик олимлар физик Максимилиан Гульдберг (1836–1902) ҳамда химик Петер Вааге (1833–1900) таъсир этувчи масалалар қонунини кашф этдилар. 1884 йилда А. Ле-Шателье (1850–1936) кимёвий мувозанатнинг ташки факторларга қараб силжишига оид умумий қонунни таърифлаб берди, Я.Г. Вантгофф 1884 йилда кимёвий реакцияларнинг тезлиги тўғрисида тўпланган материални кинетик тенглама тарзида умумлаштириди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Я.Г. Вантгофф, А. Ле-Шателье, Г.А. Тамм ва айниқса, Н.С. Курнаков ишлари туфайли физико-кимёвий анализ усули яратилди. Кимёвий боғланиш

ҳосил булишида электронлар иштирок қылса керак, деган дастлабки гипотезалар пайдо бўлди. Бундай гипотезалар электронларнинг бир атомдан бошқа атомга ўтиши тўғрисидаги тасаввурга асосланган эди.

1915 йили немис химиги Вальтер Коссель (1888–1956), 1916 йилда эса америкалик машҳур химик Гилберт Льюис (1875–1946) валентликнинг ва кимёвий боғланишнинг дастлабки электрон назариясини яратдилар. Бу назарияларнинг тавсифий томони Н.Бор тузган моделга яхши мувофиқ келарди.

*Табиатшунослик ва тиббиёт.* Инглиз олимни Жон Дальтон (1766–1844) томонидан кашф этилган барча моддаларнинг атом тузилиши ҳақидаги ва немис олимни Теадор Шванн (1810–1882) томонидан қилинган барча организмларнинг хужайрали тузилиши ҳақидаги кашфиётлар табиатшуносликнинг илмий асосини мустахкамлашга хизмат қилди. Буюк инглиз табиатшунос олими Чарльз Дарвиннинг (1809–1882) «Турларнинг келиб чиқиши» асарининг нашр қилиниши фанда тўнгариш ясади. XIX асрнинг сўнгти чорагини дарвинизмнинг тарқалиш ва қарор топиш даври дейиш мумкин. Дарвин таълимоти биология соҳасидаги тадқиқотларнинг йўналишини тубдан ўзгартириб юборди. Дунё бўйлаб қилинган беш йиллик саёҳат даврида тўпланган улкан ботаник ва зоологик материалларни умумлаштириш асосида Ч. Дарвин бутун тирик табиат Худо томонидан яратилган эмас, балки узоқ ривожланиш жараёнининг маҳсулидир, деган хulosага келди. Ўша даврда диннинг жамиятдаги ролини ва диний дунёқарашнинг кучини ҳисобга оладиган бўлсак, Дарвиннинг ушбу хulosаси фақат илмий кашфиёт эмас, илмий жасорат ҳам эканлигига амин бўламиз. «*Бу хulosам билан мен ўзимга қанчалар таъналар ортиришишни биламан, лекин мен вижданан ва ўйлаб кўриб шу хulosага келдим*», – деб ёзган эди Дарвин. Унинг навбатдаги китоби «Одамнинг келиб чиқиши» диний дунёқараш тарафдорларини янада кўпроқ ғазабга келтирди. Бу китобда одамнинг узоқ аждодлари одамсимон жонзотлар эканлиги исбот қилинарди. Барча мамлакатлардаги илғор олимлар Дарвин таълимотини қўллаб-қувватладилар ва унинг гарқалишига кўмаклашдилар.

1871 йили Ч. Дарвин инсоннинг келиб чиқиши масаласидаги ўз илмий қарашларининг баёни билан чиқди. «*Ер инсонни қабул қилишига узоқ вақт тайёрланди ва бу бир жиҳатдан ўта адолатли*

ҳам эди, чунки инсон ўз мавжудлиги учун узун занжирдан иборат аждодлар қаторининг барчасидан қарздор. Агар ана шу занжирнинг бирон-бир ҳалқаси бўлмаганда эди, ҳозирги одам бўлмасди. Эски Дунё маймуналаридан жуда қадим даврларда оламнинг мъжизаси ва шон-шуҳрати бўлган одам келиб чиққан! Буюк олимнинг: «Мен кучим етганича ўз назариямни исбот қилишига уриндим ва менимча, биз инсон ўзининг барча олийжсаноб фазилатларига, Қуёш тизимини қамраб олган илоҳий ақлига қарамасдан, ўзининг жисмоний тузилишида паст келиб чиқишнинг ўчириб бўлмас тамғасини олиб юришини тан олмогимиз керак», – деган сўзларнин ўқиган жамиятнинг ғазабини тасавур қилиш мумкин. Олим инсоннинг ўзини ўрганиш илмини ҳам янги погонага кўтарди.

Микробиология фанидаги инқилобий ўзгариш француз микробиологи ва химиги, ҳозирги замон микробиология ва иммунология фанининг асосчиси Луи Пастер (1822–1895) номи билан боғлиқ. У бижгиш жараёнини ўрганиб, вино, пиво ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига илмий асос солди. Маҳсулотларнинг ачиш жараёни микроблар келтириб чиқарадиган биологик жараён эканлигини исботлади. Унинг кашфиётлари вино пиширувчиларни хонавайрон бўлишдан куткарди. Пастернинг тажрибалари турли озиқ-овқат маҳсулотларини стерилизациялаш ва пастеризациялаш<sup>1</sup> усулларини яратиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. У одам, ҳайвон ва паррандаларнинг юкумли касалликлари – қайдирги, кутуриш, вабо, қизилча ва бошқаларни ўрганиб, уларнинг (айниқса кутуришнинг) олдини олувчи эмлаш усулларини яратди. Унинг изланишлари иммунитет ҳақидаги фаннинг яратилиши учун асос бўлди.

Шу даврда тиббиёт фани ҳам катта ютуқларга эришди. XVIII асрнинг охирида инглиз врачи Эдвард Женнер (1749–1823) сигир соғувчилар чечак касаллиги билан оғримаслигини сезиб қолди. Бу даҳшатли касаллик ўша пайтларда юз минглаб кишиларни ҳаётдан олиб кетарди. Женнер сут соғувчилар чечакни енгил шаклда сигирлардан юқтириб олишади ва уларда бу касалликка қарши иммунитет пайдо бўлади, деб мутлако тўғри тушунтириди. У 1796 йили чечакнинг олдини олувчи эмлаш ўтказишни таклиф қилди. Эмлаш

<sup>1</sup> Пастеризация – микроорганизмларни ўлдириш учун суюкликни 70–80° градусгача киздириш ва уларнинг тезда совутилиши. Л. Пастер номидан олинган.

учун материал сиғирлардан олинар ва вакцина (вакка – лотинчада сиғир) деб аталарди. Женнернинг кашфиёти одамларни даҳшатли ўлимдан сақлади ва ҳамон сақламоқда.

XIX аср бошларида врач Жан Корвизар (1755–1821) беморларни маҳсус таёқча ёрдамида «эшишиб» кўрарди. Бу ўша беморларнинг ўпка ва юрак ҳолатини аниқлашга ёрдам берарди. Корвизарнинг шогирди Рене Лазинек (1781–1826) қаттиқ жисмлар ўзидан товушни турли хил ўтказишини сезиб қолди. У қаттиқ ёғочдан трубка – стетаскоп ясади. Бу янгилик ўпка сили даҳшатли касаллигини бошланиш даврида ёқ аниқлаш имконини берди.

Физика соҳасидаги кашфиётлар ҳам тиббиётга ёрдам берди. Максвеллинг электромагнит тўлқинлар ҳақидаги назариясидан келиб чиқиб немис физиги Вильгельм Конрад Рентген (1845–1932) ҳар хил предметлардан турлича ўтувчи кўринмас нурларни кашф этди. Нурларнинг келиб чиқиши олимга маълум эмасди ва уларни «Х нурлар» деб атади. Ана шу кашфиётга асосланган ва олимнинг номи билан «Рентген» деб аталган аппарат яратилди. Энди врачлар ички жароҳатларни, сувак синишларини кўришлари мумкин эди. Бу кашфиёт учун Рентген физиклар орасида биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Жарроҳлик илми ҳам такомиллашиб борди. Наполеоннинг Россияга қарши юриши пайтида унинг ҳарбий врачлари Пьер Франсуа Перси ва Доминик Ларри жарроҳлик усуслари, биринчи навбатда яралангандан даволаб бўлмайдиган кўл ва оёқларни ампутация қилишда (кесиб ташлашда) муваффақиятга эришдилар. Бироқ бу пайтда ҳали наркоз мавжуд эмасди. Фақат 1842 йили хлороформ ва эфирнинг наркотик хусусияти кашф қилинди ва операцияларда қўлланила бошланди.

Кимё соҳасидаги кашфиётлардан ҳам тиббиётда унумли фойдаланилди. Совун олишнинг саноат усулини эгаллаш, ундан касалхоналарда, айниқса жарроҳлар томонидан фойдаланиш операциялар пайтида инфекция хавфини камайтирди.

Юқумли касалликларга қарши кураш ишига сил касаллигини келтириб чиқарувчи бациллани<sup>1</sup> кашф қилган немис олими Роберт Кох (1843–1910) улкан хисса қўшди. У эпидемияларга қарши профилактик чораларни ишлаб чиқди ва дори-дармонлар яратди. Рус

<sup>1</sup> Бацилла – «Кох бацилласи» деб аталади.

олими И.И. Мечников (1845–1916) эса организмларни микроблардан ҳимоя қилиш ҳақида янги таълимот яратди ва бу кашфиёти учун Нобель мукофоти лауреати бўлди.

Табиий фанлардаги кашфиётлар ижтимоий фикрнинг ўзгаришига, ахоли ўртасида диний дунёқараш таъсирининг сусайишига олиб келди. Француз инқилоби йилларида динни Онгга сифиниш билан алмаштиришга қилинган ҳаракатлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ Наполеон давридаёқ Францияда динга муносабат ўзгара бошлади. Унинг империяси қулагандан сўнг эса Франция, Испания, Италия каби бир қатор мамлакатларда католик черковини қайта тиклаш даври бошланди. Шунга қарамасдан давлат бошлиқлари протестант динига ҳомийлик қилаётган Пруссия ва бошқа герман давлатларида католик черковининг ахволи анча мураккаб эди. 1878 йили вафот этган Рим Папаси Пий IX нинг ўрнига келган Лев XIII католик черковининг шу мураккаб холатини тушуниб, черковни замонавийлаштириш борасида қатор тадбирларни амалга оширди. Натижада, аста-секин бўлсада, диний бағрикенглик, турли динлар вакиллари ўртасида муросасозлик, виждон эркинлиги ғоялари жамият аъзоларининг илғор қисми онгидаги ўзига йўл очиб борди.

*XIX аср – XX аср бошлиқларида адабиёт ва санъат. Адабиёт.*  
Барча тавсиф ва таърифлар ҳамда зиддиятларга қарамасдан XIX аср жаҳон маданияти тараққиётида бурилиш босқичи бўлди. Санъатда янгиланаётган дунё тасвирини имкон қадар таъсирили акс эттиришнинг янги бадиий шакллари, усул ва услубларини излашнинг мураккаб жараёни давом этди.

1789 йил Францияда бошланган воқеалар Маърифатчилик асрига хотима ясагандек бўлди. Дунё одамларнинг кўз ўнгидаги ўзгара бошлади, аммо ўзгаришларнинг моҳиятини англаш, илғаб олиш анча мураккаб эди. Инқилобнинг ўзи ҳам кўплаб баҳсларга сабаб бўлди, маърифатчилар «қақл-идрок тантанасини», Тенглик, Биродарлик ва Озодлик ғояларининг тантанасини инқилоб билан боғлаган эдилар. Янги ижтимоий тартиблар XVIII аср файласуфлари башорат қилган адолатли жамиятдан анча йироқ бўлиб чиқди. Буюк инқилоб инсониятга баҳт қелтирмади. Бу инқилобни тайёрлаган Маърифатчилик асрининг баландпарвоз ғоялари «ергача туширилди» ва реал ҳаётнинг шафқатсиз тажрибасида синовдан ўтказилди. Натижада хушёр тортиш, XVIII асрнинг маънавий пирларидан кўнгил совиши

жараёни юз берди. Бунинг оқибатида жамиятнинг ҳафсаласини пир қилган Маърифатчилик асрининг хом хаёллари ўрнига *романтизм* пайдо бўлди.

Ақл-идрок даврининг мағкурачиларидан фарқли ўлароқ романтиклар жамиятни қайта куришга интилмадилар. Бойиб кетган бақколлар билан нокас майда савдогарлар дунёсидан нафратланган романтиклар унга ўзларининг самимийлик ва эзгулик ҳукмон бўлган хаёлий дунёларини қарама-қарши қўйдилар. Ўтмишни поэтиклаштирган романтиклар борлиқдан қадимги афсоналар, халқ эртаклари дунёсига шўнгийдилар. Улар учун рицарлик ғоялари устувор бўлган ўрта асрлар ёки цивилизациянинг таъсири етиб бормаган, айнимагандек бўлиб туюлган ибтидоий халқларнинг ҳаёти идеал бўлиб кўринади. Кўпчиликнинг нигоҳи Шарқнинг экзотик мамлакатларига қаратилди – у ерда таъмагирлик, орсизлик ва сурбетлик дунёсидан қутилиш мумкиндең туюларди. Романтик қаҳрамонга фақат реал дунёдагина ўрин йўқ эди.

Романтиклар ишонардиларки, инсоннинг амалларини фақат фикрловчи ақл-идрок бошқармайди, ҳамма нарсани ҳам мантиқ нуқтаи назаридан изохлаш мумкин эмас. Романтик санъатнинг таъкидлашича, инсон қалб амрига, эзгу ҳисларига бўйсуниб яшайди, ҳақиқий санъаткорнинг вазифаси эса инсоннинг мураккаб ва зиддиятли рухий оламига кириб боришдан иборат. Оламни романтик ҳис этиш XIX аср бошларидаги бадиий маданиятда ҳукмон қараш бўлиб қолди.

XIX аср 30-йилларида янги ижтимоий тартибларнинг белгилари пайдо бўлаётган, Маърифатчиликнинг гуманистик ғоялари из-сиз йўқолиб, романтик ҳислар устидан ҳам кулиш бошланган эди. Шахснинг маънавий сифатлари аҳамиятсизланиб, инсон қадри унинг тўлов қобилияти билан ўлчанадиган бўлди, демократик эркинликлар эса бойлик тўплаш эркинлиги билан алмаштирилди. Жамиятдаги бу ўзгаришлар ижодий фаолиятда янги йўналиш – танқидий реализмнинг пайдо бўлиши учун шароит яратди.

Реалистлар замонавий жамиятни тушунишга (бу жамият романтикларда нафрат уйғотарди холос), ундаги жирканч ҳодисаларнинг сабабини очишга, оламни барча ихтилоғли томонлари ва зиддиятларнинг кёскинлиги билан акс эттиришга ҳаракат қиласаларидар. Демократик ҳаракатларнинг ўсиши, пролетариатнинг чиқишилари ҳам воқеаларга хушёр кўз билан бокиши, романтик фантазиялардан

ортга қайтиш заруратини келтириб чиқарди. Реалистлар ўз қаҳрамонларини жамиятнинг маҳсулси сифатида қарайдилар. Инсонни ижтимоий муҳитсиз тасаввур килиб бўлмайди, унинг бу муҳитни кўргани кўзи йўқ, унга қарши қурашади, аммо ундан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Реалистлар санъат кишиларнинг яширин ёки яққол камчиликларини танқид қилиши лозим деб ҳисоблайдилар, инсон маънавий оламининг соғломлашишига бўлган умидларини санъат билан бөглайдилар.

*Танқидий реализмдан натурализм сари.* 1848–1849 йиллари Европа бўйлаб қалкиб ўтган инқилоб ижтимоий муносабатларнинг янги босқичи бошлангандигидан дарак берарди. «Ёввойи» капитализм ўрнига ташкиллаштирилган, жўяли бўлиб кўринган капитализм келади. Аммо ижтимоий танглик юмшамади. Тобора кучайиб бораётган корпорацияларнинг дунёни бўйсундириш учун қилаётган харакатлари, буржуазия билан пролетариат ўртасидаги зиддият бу кескинликни янада кучайтираётган эди.

Бу ўзгаришларга санъат хам ўз муносабатини билдиради. Бадиий асарларда фош этувчи мотивлар тобора кучли жаранглаб, бутун ижтимоий тузум танқидий таҳлил қилинади. Санъат жамият тараққиётининг қонуниятларини очишга интилади, воқеликни таҳлил қилиш учун илмий билишнинг методларидан, тиббиёт, биология, ижтимоий фанлардаги ихтиrolардан кенг фойдалана бошлидии. Реалистлар XIX асрнинг биринчи ярмида инсонга, бир томондан, жамиятнинг, муҳитнинг, бошқа томондан, биологик ибтидо – ирсиятнинг шакллантирувчи таъсири ҳақидаги маданият вакилларининг қарашларини янада кенгайтирдилар. Айрим реалистлар табиат қонунларини механик равишда кишилик жамиятига татбиқ кила бошладилар. Бундай қараш тарафдорлари ўзларини *натуралистлар* деб атайдилар.

Натурализм нокулай, беадаб ва тақиқланган мавзуларни: «тубан одамлар» ҳаётининг бадбашара, баъзан ҳатто ахлоқсиз томонларини кўтариб чиқди. Натуралистлар ижодида фотографик аниклик билан чизилган ҳаётий муҳит, қаҳрамонни ўраб турган воқелик, аҳамиятсиздек туюлган майда фактлар муҳим ўрин эгалладиди. Ҳаётнинг ички, сирли, кўримсиз томонлари ҳаммага кўз-кўз қилинади. Бу мавжуд ижтимоий тузумга қарши даъват деб қаралади.

Реалистик санъатни танқид кутилмаганда санъат вакилларининг ўз ичидан чиқиб қолди. 70-йилларда Европа бошидан кечирган из-

тироб жамиятда пессимизм, умидсизлик кайфиятининг кучайишига олиб келди. Воқеликдан ҳафсалалар пир бўлди. Бундай кайфият ҳаммадан кўра декаденс (*французча decadence – тушкунлик, таназзул*) деб аталувчи оқим ижодида ёркин намоён бўлади. Тушкунлик, таназзул ғояси тараққиёт ва ривожланиш ғоясига қарама-қарши қўйилади. Декаденс – буржуа жамиятидан нафратланадиган, лекин унга қарши ҳар қандай курашдан бош тортган турли йўналишдаги талантларни ўзида бирлаштирган мураккаб ва зиддиятли ҳодиса эди. Романтиклар каби декадентлар ҳам реалликдан қочади: айримлари ўзларининг қалб дунёсидан паноҳ изласалар, бошқалари омонат, тушунарсиз образ-рамзларга тўла бўлган «сунъий жаннатни» ўйлаб топадилар. Утаётган асрни улар «барча асрлар ичиде энг майда ва зерикарлиси» деб ҳисоблашади. Кундалик ҳаётдан холос бўлишнинг ягона йўли – гўзаллик маскани. Кўпол воқелик, манфаатларнинг моддийлиги гўзалликни барбод қиласади. Санъат «соф» булиши лозим, у воқеаларга таъсир ўтказиши, улар йўналишини ўзgartириши шарт эмас. «Соф санъат» тарафдорларининг фикрича ижоднинг мақсади гўзалликни шу «гўзалликнинг ўзи учунгина» куйлашдан иборатdir.

*Мен кам яшадим, аммо чин дилдан,  
Дунё менга, мен дунёга бегона.*

Ушбу сатрлар инглиз романтизмининг йирик вакили Жорж Байрон (1788–1824) қаламига мансуб ва ўз даврининг энг машхур адабий қаҳрамони Чайлд-Харолдга тегишли. Сиёсий шароит, умидсизлик қаҳрамонни ўзга дунёни излашга чорлайди. Унинг саёҳатини баён килиб, Байрон ўз қаҳрамони билан бирга Наполеон кўшинига қарши курашаётган испанларнинг жасоратига қойил қолади, турклар томонидан асоратга солинган Грециянинг тақдирни ҳақида қаттиқ қайгуради. «Чайлд-Харолдинг зиёрати» асарининг муаллифи янада фаолроқ. У ёшлик пайтидан эркинликни севади, лордлар палатасида луддчиларни ёқлаб оташин нутклар сўзлайди, Италиядаги карбонарийларни<sup>1</sup> қўллайди ва ўз уйини бу ҳаракатнинг штабига айлантиради. Байрон ўз маблағларига 500 кишилик исёңчилар отрядини қуроллантиради, кема сотиб олиб, Греция мустақиллигини ҳимоя қилиш учун жўнаб кетади.

<sup>1</sup> Карбонарийлар – XIX аср бошларида чет элликлар ҳукмронлигига қарши Италия озодлиги учун курашган яширин ташкилот аъзолари шундай аталган.

У ўзининг сунгти шеърида халқ иши учун курашчи тұғрисида шундай әзган эди:

*Қиёс үйқодир аскар тақдирига ҳеч;  
Күз олдингда қабринг – қазиегиң доим,  
Соф ҳаво базрида ҳур, әркін ва тинч  
Тин олурсан жисм.*

Бу шеър худди бир башоратдек рост бўлиб чиқди. Байрон оғир касалликка дучор бўлди, кўзголончилар лагеридан чиқиб кетишига кўнмади. У грекларнинг миллий қаҳрамони сифатида шу ерда ҳалок бўлди. Буюк романтик шоирни устига қора плашч ёпилган, қилич ва дафна гулчамбари билан безатилган тобутда, артиллерия садолари остида кўмишди. Дағн куни Англияда мотам эълон қилинди.

Байрон XIX асрнинг биринчи ярмида жаҳон адабиётига жуда катта таъсир кўрсагди. Пушкиннинг таъбирича, Байрон бутун бир авлод «ақл-идрокининг сultonни» эди.

XIX аср 20-йиллари охирида Европа адабиётида янги ном – Виктор Гюго (1802–1885), пайдо бўлади ва санъатда янги йўлни излаётган бир гурух ёш шоирлар, рассомлар ва мусиқачилар унинг аторофида бирлашадилар. «Париж Биби Марям ибодатхонаси» романи француз романтикларининг ўзига хос манифести бўлди. Роман воқеалари ўрта асрларда, халқ ғалаёнлари билан чулғанган Парижда бўлиб ўтади. Исёнчиларнинг кудрати, жасорати ва қалб гўзаллиги нозик ва хаёлпараст Эсмеральда ҳамда олийжаноб ва меҳрибон Квазимодо образлари орқали очиб берилган. Уларга қарши турган Людовик XI ва Клод Фроллода бойлик ва кудрат бор, лекин рақибларини енгиш учун етарли руҳий куч йўқ. Виктор Гюго республикачи эди ва Наполеон III нинг деспотик сиёсий режимини қабул қила олмади. У мамлакатдан чиқиб кетди ва кувғинда туриб ўз ватанида республика тузумини тиклаш учун курашди.

Европанинг бошқа чеккасида – Германияда немис шоири Генрих Гейне (1797–1856) ўзининг қалб изҳорларини шеърларида баён қиласади:

*Майлига мен ҳолдан тойсамда,  
Кўнгил фақат кенглик истайди.  
Эзиб юбордику қалбимни ахир,  
Баққолларнинг лаънати майдадунёси.*

30–40-йиллар Германия учун оғир давр бўлди. Биқиқ сиёсий муҳит ўзига бино қўйган мешчанлар учун идеал шароит эди. 1830 йили Францияда содир бўлган инқилоб Германияга ҳам ўзгаришлар олиб келади дея қилинган умидлар пуч бўлиб чиқди. Гейне Парижга кўчиб ўтади ва кўп саёҳат қиласди. У Ватанида ҳеч нарса ўзгармаётганидан таъсиrlаниб, «Германия. Қишки эртак», дея ёзади ва ундаги сиёсий тарқоқлик, жаҳолатпарастлик, халқнинг оғир аҳволига қарамасдан эски дунёнинг қулашига ишонади. Бу ҳиссиятларини у ишчиларнинг ғалаён руҳи билан суғорилган «Си-лезия тўкувчилари» шеърида изҳор қиласди:

*Биз умрбод тўқийимиз, дастгоҳ тақиrlар,  
Иплар югуради, мокилар карахт.  
Кекса Германия, сенга кафан тўқийимиз!*

Гейне умрининг сўнгти саккиз йилини унинг ўз ибораси билан айтганда «кўрпа тўшакли қабрда» ўтказди. Аммо оғир касаллик унинг руҳини синдира олмади. Франциядаги воқеалар ва инсон зотининг жасоратига бўлган ишонч Гейнеда дунёнинг янгиланишига, зулм дунёсининг ағдарилишига умид туғдиради:

*Озодликнинг садоқатли соқчиси мисол  
Мен ўттиз йил душман билан юзма-юз турдим...  
Даҳшат ичра музлаб қолди юрагим гоҳ-гоҳ,  
(Фақат нодонларга бу ҳис ёт аён!) –  
Сергакликка чорлаб турдим, ҳамиша огоҳ –  
Нафрат тўла сатрларим билан ёнма-ён  
Кўлларимда қурол менинг, – сезгири ва ҳушёр, –  
Ким бўлмасин душман охир топажсак ўлим!*

**«Наҳотки ҳамма нарса пулга боғлиқ бўлса!»** XIX асрнинг биринчи ярмидаги француз жамиятининг ҳаёти унинг асарларида ҳар томонлама ёритилган. Ёзувчининг Париж марказидаги бронза ҳайкали ўз маҳобати билан кишини ҳайратга солади. Узоқ йиллар Оноре де Бальзак (1799–1850) 96 та роман ва повестларни ўзида жамлаган «Инсон комедияси» устида худди савдоидек ишлади. У ўз даврининг «бутун ижтимоий борлигини» акс эттиришга ҳаракат килди. Романларидан бирини ёзувчи машҳур табиатшунос олимга бағишлади. Бу ҳам ҳайрат белгиси, ҳам ҳурмат изҳори эди: олим сингари Бальзак ҳам илмий таҳлил усулини қўллаб, замонавий

жамиятнинг моҳиятини англашга ҳаракат қиласи. «Инсон комедияси» қаҳрамонлари икки мингга яқин бўлиб, жамиятнинг барча қатламларини – зодагонлар ва биржа корчалонларидан тортиб, суюқоёқ аёллару, гадоларгача қамраб олган. Бальзакнинг повест ва романларида одамларнинг шафкатсизлик ва жиноятлар йўли билан қандай қилиб бойлик туплаганликлари усталик билан тасвирланган. Миллион-миллион пули бўла туриб, ҳар бир чақмоқ қандни сархисоб қиласидиган очкўз бой ва ҳаром-ҳариш йўллар билан бойлик орттирган, лекин соф вижданли кишиларнинг ҳурматидан маҳрум бўлган шуҳратпаст йигит, жиноятлар йўли билан ўз бойлигини кўпайтириб олган банкир – Бальзак тасвирлаган асосий қаҳрамонлардир. Улар дунёда ўз ўринларига эга бўлиш учун курашда адолат ва адолатсизлик деган тушунчаларни йўқотадилар, қалблари куриб, совиб қолган. Янги буржуазиянинг ҳаётий позицияси – «бошқаларнинг эзишига йўл қўйгандан қўра, яхшиси ўзим бошқаларни эзаман». Соддадил ва ҳалол иш бошқарувчи Дервиль ҳаётнинг барча икир-чикирларини англаб, кўркинч билан ҳайқиради: «Наҳотки ҳамма нарса пулга боғлиқ бўлса!»

Дунё шиддат билан ўзгариб борди, қалбга яқин анъаналар қайтмас бўлиб унутилиб кетди, на маърифатпарварларнинг гоялари билан, на романтикларнинг назариялари билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган янги давр руҳи илдам қарор топиб борди. Замондошларга бальзан индустрисал жамият ўзгаришларининг кўламини кўриш ва англаш осон эмасди.

Реализмнинг бошқа бир таникли намояндаси инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенс (1812–1870) эди. Диккенс болалик чоғларидаёқ отаси хонавайрон бўлиб, қарздорлар турмасига қамалди. Ёш Чарльз фабрикага ишга киришга мажбур бўлди. У фабрикада банкаларга этик мойи жойлаш билан шугулланарди. Диккенс муҳтоjлиknи ҳам, фабрикалардаги эксплуатацияни ҳам ўз танасида синаб кўрди. «Пиквик клуби хотиралари» номли ҳажвий романи унга катта шуҳрат келтиради. Соддадил ва ишонувчан мистер Пиквик реал ҳаёт билан дуч келади ва унинг бутун икир-чикирларини англаб етади: муттаҳам, обрусиз судялар ўз коидаларини ўрнатадилар, фирибгарлар, товламачилар ва қаллоблар хўжайинлик қиласидилар, ҳамма жойда қонунлар оёқ ости қилинади.

«Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари» романида у ишчилар уйини тасвирлайди ва «бечораҳол кишиларга ё ишчилар уйи-

да аста-секин ўлиб кетиш ёки ундан ташқаридан тезгина ўлиб қўя қолиш ихтиёри бериб қўйилган» деб аччиқ заҳарханда билан таъкидлаб ўтади. «Николас Никльбининг ҳаёти ва саргузаштлари», «Дэвид Копперфильд» романларида Диккенс болаларни чаласавод, кўпол ва тошбағир мураббийлар қўл остига бериб қўйган инглиз мактабларининг жирканч ахлоқини кўрсатиб беради. У қарздорлар турмасининг мудхиш шароитини баён этади. Англия давлат муасасаларини аччиқ кулги остига олиб, «Жажжи Доррит» романида уларни «қочириклар вазирликлари» деган сатирик ном билан тасвирлайди.

Кудратли реалист-сатирик истеъдодига эга бўлган Диккенс буржуя воқелигининг қатор тоифаларини: шафқатсиз олғирлар, лаганбардор амалдорлар, лўттивоз парламент арбоблари, мунофиқ ва ўзига бино қўйган янги бойлар образларини яратди. Диккенснинг ҳамма асарлари эзилган ва ҳак-хукуқдан маҳрум этилган кишиларга чукур ҳамдардлик руҳи билан суғорилган.

XIX аср 60-йиллари охирларида Европа адабиёти осмонида Эмиль Золянинг (1840–1902) юлдузи балқиди. Ёзувчи, публицист, сиёсий арбоб бўлган Золя доимо француз жамиятининг эътибор марказида бўлган. Ёш муаллифнинг дастлабки романлари ёк уни реализм анъ-аналарининг давомчиси ва Бальзакнинг вориси сифатида машҳур қилди. Бальзак сингари Золя ҳам Франция ҳақида кенг қамровли асар ёзишни орзу қиласиди. Аммо янги давр замон саҳнасига янги қаҳрамонларни олиб чиқди. Гобсек ва отахон Горио сингари ёрқин, улкан шахслар ўрнига соддароқ, маънавий қашшокроқ аммо янги даврга яхшироқ мослашган бошқа қаҳрамонлар келади. Ёзувчи жамиятни «натуралистик метод» асосида акс эттиришга аҳд қилди. Иккинчи империя давридаги француз жамиятини таҳжил қилиш истаги ёзувчини улкан бир оилавий воқеа тарихини яратишга ундали. «Ругон-Маккарлар» сериясини ташкил қилувчи йигирмата романларнинг воқеалари темир йўлда ва биржада, шахтёрлар посёлкасида, «Аёл баҳти» деб аталган замонавий дўконда ва ҳатто «Париж қорни» деб аталган машҳур бозорда бўлиб ўтади.

Бальзакнинг «Инсон комедияси»даги сингари Золя ҳам жамиятнинг барча қатламлари вакиллари: олий мақом жаноблар, йирик молиячилар, олибсотарлар, бақколлар, руҳонийлар, хунармандлар ва ишчилар ҳаётини, жамиятдаги мураккаб муносабатларни очиб беради.

1936 йили Лондонда дабдабали мотам маросими бўлиб ўтди. Вестминстер аббатлигига катта ҳурмат билан Виктория даврининг «унутилган машхур» ёзувчиси Жозеф Редъярд Киплингни (1865–1936) сўнгти йўлга кузатиб қўйдилар.

Киплинг адабиётда 80-йилларнинг охирида пайдо бўлди ва ўзи кўп йиллар яшаган узок Ҳиндистон хақидаги ҳикоялари билан тезда машхур бўлиб кетди. Ёш журналистнинг донадона ва қатъий сўзлари декадентларнинг нафис услубидан ибраторумуз фарқ қиласарди. У жаргон сўзларни, оддий халқ ибораларини ва ёрқин тафсилотларни муомалага киритишдан чўчимади. Декадентлар уни дарҳол беадабликда айбладилар, фақат О.Уайльд «Киплинг – катта талант» дея тан олди. Киплинг адабиётдаги мавҳум рамзларга мардлик ва жасоратни куйловчи «ҳаракат адабиётини» қарши қўяди. Империя яратилаётган бир пайтда шинам меҳмонхонада ёки «фил суюгидан ясалган минорада» кутиб ўтириш ярамайди. Британия ўз ўғлонларидан қаҳрамонликларни: дунёнинг нариги чеккаси га бориш, у ердаги маҳаллий аҳолини бўйсундириш, шифононалар, мактаблар, йўллар қуришини кутади. «Маданиятдан орқада қолган» халқларга фақат оқ танлилар ёрдам бериши мумкинлигига Киплинг чин дилдан ишонади. Ёзувчининг ҳаёт фалсафаси унинг «Оқ танлилар юки» деб маънодор номланган шеърида ўз ифодасини топади.

Киплинг ўзининг бу шеъри, ҳаётий фалсафаси ва инглизларнинг цивилизациячилик миссиясига қатъий ишончи билан Чарльз Дилк, Жон Сили ва Сесил Родс сингари империя маддоҳлари қаторидан жой олади.

Ёзувчининг севимли қаҳрамони унчалик маълумотли бўлмаган, биринчи даъватдаёқ йўлга чиқишига тайёр турган ёқимтой хизматкор Томми Аткинс бўлади. Қуий иркларни цивилизацияга жалб қилишига маҳкум бўлган Томмини бурч ҳисси ва жасурлик ажратиб туради.

Йиллар ўтди ва Киплинг берилиб куйлаган, «ҳеч қачон қуёши ботмайдиган» Империя тарихнинг мулкига айланди. Бироқ инсоният «темир Редъярдинг» китобларини эсдан чикармади. Вақт ўтиши билан асарларнинг сиёсий долзарблиги йўқолиб, «Чангальзорлар китоби», «Оддий эртак» сингари роман ва қиссалардаги донолик энди ёрқинроқ намоён бўлади. Ким ҳам эсламайди қалин териси тугмалар билан қадалган кичкинагина ажойиб бегемотни ёки түянинг ўркачи ва филнинг хартуми қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги ҳи-

кояни? Ёки бўрилар боқиб олган инсон боласининг саргузаштлари кишини хайратга солмайдими? Одил тұдабоши Акела, гўзал қора қоплон Багира, кекса айиқ Балу, хаммаси бир бўлиб Мауглига ёввойи табиат қонунларини ўргатиши ҳозирги замон ўқувчисида ҳам катта қизиқиш уйготади.

XIX асрда яратилган, бир-бирига ўхшамаган бу китоблар ўз даврининг бадиий кашфиёти, кейинги асрда яратилажак буюк асарларнинг даракчиси эди.

**Тасвирий санъат.** Буюк француз буржуа инқилоби Европа устидан яшиндек чақнаб ўтди-ю, аммо унинг таъсири Испанияга деярли етиб келмади. Бу ерда абсолют монархия ўзгармасдан қолди, унинг таянчи бўлган католик черков ва инквизиция худди ўрта асрларда гидек ҳар қандай эркин фикрни буғиб ташлашга тайёр эди. Ана шу оғир муҳитда буюк рассом Франческо Гойянинг (1746–1828) ижоди шаклланди.

У хунарманд оиласида туғилди, ёшлигига кўп саёҳат қилди. Италияда рассомликка ўқиш учун пул йигиши мақсадида ўта хавфли матадорлик касбини эгаллашига ҳам тўғри келди. Унинг дастлабки асарлари «назокатли аср» руҳида чизилган қувноқ картиналар бўлиб, бежирим рангларнинг нозик товланиши билан киши кўзини қувонтиради. Аммо аср охирига келиб Гойя ижодида кескин ўзгариш юз беради, унинг асарларидағи ғамсиз қувноқлик йўқолади. «Кирол Карлос IV оиласининг потрети» шу ўзгариш ёрқин акс этган дастлабки асарларидан ҳисобланади. Асарда афсунгар рангларнинг товланиб ялтираши ҳам персонажларнинг такаббурлиги, маънавий ва ақлий қашшоқлигини яшира олмайди.

Бир неча йил ўтиб Испания Европадаги янги жанжалга жалб қилинади. Французлар испан армиясининг қаршилигига деярли учрамайдилар, аммо халқнинг мардонавор қаршилигига дуч келадилар. Бу воқеалар Гойянинг «Уруш мусибатлари» деб аталган офортлар<sup>1</sup> сериясида ва «1808 йил 2 майдан 3 га ўтар кечаси қўзғолончиларнинг отилиши» номли картинасида акс эттирилган. Асар сюжети оддий: шаҳар чеккасидаги яланглиқда, ерда турган фонуснинг хира ёруғида кечаси амалга оширилаётган қонли жазолаш ҳолати. Қора булутли осмон ва жазоловчиларнинг харакатсиз қатори рангсизгина берилган. Исёнчилар гуруҳи ёрқин акс эттирил-

<sup>1</sup> Оформт – кислота билан ўйиб ишланган нақш ва ундан босилган сурат.

ган: баъзилари қўллари билан юзини ёпган, бошқалари эса мардлик билан ўлимга тик боқиб турибди. Уларнинг барчаси ўлимга маҳкум этилганлар, аммо тирик, зеро эрк учун курашаётган одам ҳеч қачон ўлмайди.

Гойяning замондоши ва Давиднинг<sup>1</sup> энг иқтидорли давомчиси бўлган Теодор Жерико (1791–1824) инсоннинг ички дунёсига катта қизиқиш билан қарайди. Жериконинг бош асари «Медуза соли» – «Медуза» фрегати ҳалокатга учрагандан сўнг океаннинг ўртасида қолиб кетган одамлар тарихи ҳақида. Романтиклар ўз асарларида тез-тез қаҳрамонларни маънавий ва жисмоний қудрати жўш уриб турган пайтида, инсон моҳияти тўлиқ акс этган ҳолатда ифодалашга ҳаракат қилганлар. Рассом атайлаб майда майший ҳолатларни акс эттиrmайди, асосий эътиборни юз берадиган инсон драмасига қаратади.

Жерико санъатининг таъсири остида унинг дўсти Эжен Делакруа (1798–1863) қарашлари шаклланади. Бу рассомнинг асарлари саросима ва хавотирга тўлиқ. Делакруа ёшлигида Байроннинг ҳавасманди эди. «Чайльд Ҳарольднинг зиёрати» уни грек-турк урушидан лавҳа тасвирланган «Хиосдаги қирғин» картинасини яратишга илҳомлантиради. Салонга<sup>2</sup> кўйилган бу асар ҳаммани ҳайратга солди.

Романтик мавзулар излаб рассом Жазоир ва Марокашга саёҳат килади. Шарқнинг кувнок, бой ранглари, экзотик ҳаёт тарзи унинг тасаввурини ром этади. Делакруа ўз асарларида ҳаракатни акс эттиришни энг муҳим жиҳат деб ҳисоблайди. Унинг асарларидаги динамизм замондошлари томонидан куч-қудратнинг инъикоси сифатида қаралади.

1830 йили рассом барча замонлар учун инқилобий бўхронларнинг романтик рамзи булиб қолган «Халқни бошлаб кетаётган Озодлик» асарини якунлайди. Қўлларига инқилобнинг уч рангли байрогини маҳкам тутган аёл кон кечиб, азоб-укубат ва ўлим хавфини енгиб халқни ғалаба сари бошламоқда. Оломон орасида куролланган камбағалларни, гарибларни, қўлларида тўппонча тутган кичик Гаврошни куриш мумкин. Замондошлари асарни «Фран-

<sup>1</sup> Жак Луи Давид (1748–1825) – француз рассоми, у ҳақда Ш.Эргашев, «Жаҳон тарихи» I қилем VII бобга қаранг.

<sup>2</sup> Салон (бу ерда) – замонавий санъатнинг даврий кўргазмаси маъносида қўлланилган.

цуз тасвирий санъатининг марсельезаси» деб атадилар, ҳокимият эса Делакруани «хавфли рассом» деб эълон қилди.

Аммо Оноре Домье (1808–1879) ундан ҳам исёнчи рассом бўлиб чиқди. У фаолиятини карикатурачи сифатида бошлади, турли журналлар учун сиёсий арбоблар ва ҳатто «бақколлар кироли» Луи Филиппнинг ҳам сатирик расмларини чизиб берарди. Унинг расмлари жуда тез тарқалар ва ҳалқ орасида машҳур эди. «Қонун чиқарувчи қорин» шундай асарлардан бири. Унда чексиз ўриндиқларнинг маъюс қаторлари узра эътиқодсиз, ахлоқсиз ва қарсакбоз депутатлар жойлашган – мутаассиб ва жоҳил Июль монархиясининг рамзи ифодаланган.

Домье биринчилардан бўлиб ишчи образини жафокаш ва камси-тилган эмас, қадр-қимматли ва мағрур инсон сифатида тасвирлайди. Ҳукумат томонидан 1834 йилги ишчилар исёни бостирилганидан сўнг «Транснонен кўчаси» гравюраси пайдо бўлди. Нимкоронғу хонада ўлдирилган қўзғолончиларнинг жасадлари, тартибсиз агдариб ташланган мебель ётибди, йиртилган чойшабларда ва полда кон излари қотиб қолган. Витринага қўйилган литографияни полиция олиб қўймагунча минглаб одамлар ҳайрат ва ғазаб билан томоша қилдилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида тасвирий санъатдаги реалистик анъаналар ва «реализм» атамасининг ўзи ҳам Густав Курбе (1819–1877) номи билан бөглиқ. Якобинчининг набираси, сохибкор-дехконнинг ўғли бўлган Курбе Франциянинг жанубида туғилган. У француз тасвирий санъатига шиддат ва жанжал билан кириб келди. Салон 1848 йили ёш рассомлар учун эшикларини ланг очди. Унда намойиш қилинган кўплаб асарлар орасида Курбенинг ҳам ишлари бор эди. Томошибинларнинг бир қисми унинг асарларини ахлоқсиз деб ҳисоблаб, муаллифни сўксалар, бошқа бир қисми уни зўр искеъдодли даҳо деб, унинг буюк келажагини башорат қиласидилар. Рассом туғма жангчи бўлиб, янги реалистик санъат учун курашни ўз хаётининг мақсади деб билади. Асарларининг қаҳрамонларини жуда қўпол деб, уни айблашганларида, Курбе: «Санъагни эркаклаштириш лозим!» дей хитоб қиласиди. «Тош майдаловчилар» картинасида қўпол тўқилган кийимли, ёрилиб кетган ёгоч бошмоқлар кийган кекса ишчи чўкка тушган ҳолатда болға билан тошларни булакламоқда. Жулдор кийинган ўсмир қўлидаги оғир юкни зўрга кутариб турибди. Буржуа газеталари рассомни ҳаётнинг беўхшов, бадбаша-

ра томонларини улуғлашда айблайди, аммо бу түгри эмасди. Рассомнинг «Дон совурувчи аёллар», «Орнанда тушдан кейинги дам олиш» асарлари меҳнат кишисига самимий хурмат билан йўғрилган.

Салонда Курбенинг «Тош майдаловчилар»и билан бир вақтда француз реалисти Жан Милле (1814–1875) асарлари ҳам намойиш қилинади. Реалистик санъат ҳакида баҳс юритган замондошларининг образли қилиб айтганларидек, «Курбе эшикларни бузиб очди, Милле эса унинг ортидан кирди». Жан Милле улғайган, яхши билган ва севган дехқонларнинг ҳаёт муҳити унинг учун битмас-туганмас илҳом ва ижод манбаи эди. Ҳатто машҳур ва тан олинган рассом бўлгандан кейин ҳам Милле дехқончилик меҳнати билан шуғулла-нишни тарк этмади, расм чизиш билан эса кечалари, ишдан кейин шуғулланди. Унча катта бўлмаган лирик асарлари қишлоқ ҳаёти, у ердаги одамлар, меҳнат завки ва яшаш учун оғир кураш ҳакида ҳикоя қиласиди. Унинг «Бошоқ терувчилар» асари шу туркумдаги энг машҳур асарлариданadir.

XIX асрнинг ўрталарида ҳам Францияда эски бир одат сақланиб қолган эди: ҳўжайнинг ерида ғалла ўриб олингандан сўнг ерга тўкилган бошокларни териб олиш учун дехқонларга рухсат берилар эди. Рассом асарида жазирама қуёш тафтидан қизиган бепоён далаарни, мўл ҳосил берувчи унумдор ерларни ва бир хил, энгашиб қилинган оғир меҳнатдан буқчайиб қолган аёлларни акс эттиради. Уларнинг ҳаракати жудаям сокин, қарашларида норозиликдан, ғазабдан асар ҳам йўқ, фақат жуда толиққанлиги шундайгина сезилиб турибди. Асар қаҳрамонлари муаллифга жуда яқин, уларга чин дилдан ачинади. Дехқонларнинг оддий ҳаёт тарзи, патриархал урф одатларида Милле жаҳолат дунёсидан халос бўлиш йўлини кўради.

1863 йили ҳар йили ўтказиладиган Салонга ҳавола қилинган асарларнинг кўпчилиги жюри томонидан рад этилди. Рассомларнинг шикоятларидан хабар топган император Наполеон III рад этилган асарлар кўргазмасини ташкил қилишни буюрди ва уни «Рад этилган асарлар салони» деб атадилар.

Салонга кўйилган асарларнинг кўпчилиги томошабинлар томонидан масхара қилинган ва газетачиларнинг ғазабига учраган эди. Айниқса «Майса устидаги нонушта» асари қаттиқ танқид қилинди. Унинг муаллифи Эдуард Мане (1832–1883) нинг ижоди классик санъат тараққиётини якуnlайди ва тасвирий санъатда янги даврни бошлаб беради.

Мане анча обрули ва фойдали бўлган адвокатлик касбидан рассомликнинг мешақкатли йўлини афзal кўради. Аммо машҳурлик

йўли анча узоқ ва огир бўлиб чиқди, Салон жюриси Мане асарлари ни муттасил рад килди ва фақат бир гуруҳ журъатли кишиларгина уни ҳимоя килдилар. Шундайлар орасида Бодлер ва Золя ҳам бўлиб, улар газетада: «Жаноб Мане асарлари аллақачон Луврдан ўрин билан таъминланган», – деб ёздилар.

«Золя портрети» деб аталган асарида Мане дўстининг ишхонасида, қоғозлар, қўлёзмалар ва китоблар бетартиб ётган ёзув столи ёнида тасвирлайди. Хонанинг безатилиши Золянинг дидидан далилат беради: фантастик пейзаж тасвирланган япон пардаси, Мане асарларининг репродукцияси. Ёзувчи сиймосида кучли шахсни, ёрқин ўзига хосликни англаш мумкин.

Мане фақат умрининг поёнида қисман тан олинди. Яна 30 йил ўтгандан сўнг эса Золянинг башпорати рўёбга чиқиб, Мане асарлари жаҳон музейларидан муносиб жой эгаллади.

Санъатда янги йўл излаётган ёш рассомлар Мане атрофида бирлашдилар. Салон томонидан асарлари рад этилган, ўзларини «номаълумлар» деб атаган, унча таникли бўлмаган бир гуруҳ рассомлар 1874 йил баҳорда Парижнинг марказидаги Капуцинлар хиёбонида жойлашган уйда ўз асарларини оммага ҳавола килдилар. Бироқ уларнинг расмлари ташриф буюрувчиларнинг масхараомуз кулгисига сабаб бўлди, газеталар эса: «Масхарабозлик», «Нўноқ расмлар» каби сарлавҳалар остида рассомларни танқид қилди. Улдабурон журналистлар рассомларнинг устидан кулиш учун уларга импрессионистлар дея лақаб бердилар. Бунга Э. Маненинг «Таассурот. Куёш чиқиши» асари сабаб бўлди (таассурот – французчаси impression).

Импрессионистлар ўзига хос иқтидор эгалари бўлиб, олам гўзаллигининг ўзгарувчанлигини акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Улар нарсаларнинг ранги ва ҳажми ёргуликка, кун ёки тунга, ёнидаги предмет рангига қараб ўзгариши мумкинлигини сезиб қолдилар. Импрессионистлар ўз асарларида ана шу ўзгарувчанликни асраб колишга, олам кўринишини иложи борича «табиий» акс эттиришга уриндилар. Улар санъатга янги мавзу ва янги қаҳрамонларни олиб кирдилар.

Импрессионистлар билан бир пайтда «Париж тасвирчиси» номини олган Камил Писсарро (1831–1903), «Баҳт куйчиси» Огюст Ренуар (1841–1919), ўз санъати билан импрессионистларга жуда якин турган Эдгар Дега (1834–1917) ижод қилдилар.

Янги оқим ҳайкалтарошликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ҳайкалтарош Огюст Роден қаҳрамоннинг ички дунёсини очиш

га ёрдам берадиган нафис усулларни топишга интилади. У Бальзак даҳосини мармарда акс эттиради. Барча иккинчи даражали тафсилотлар олиб ташланади, асосий эътибор ёзувчининг юзига қаратилади. Худди шерникдай йирик бош, шунга муносиб тушган ўsicк соchlар, юзидан фавқулодда ўткир қобилият ва ижодга мужас-сам фикр уфуриб турибди.

1880-йилларнинг ўрталарига келиб импрессионистлар ҳали тан олинмаган бўлсаларда, ҳар қалай анчагина танилиб қолган эдилар. Уларнинг кўргазмалари ташкил қилиниб, баъзи асарлари яхшигина сотила ҳам бошлади. Постимпрессионистлар уларнинг янги усулларини кизиқиши билан ўргандилар.

Поль Сезан (1839–1906) «рад этилганлар» билан шахсан дўст бўлиб, ҳали тан олинмаган пайтида биргаликда кўргазмалар ташкил қилар эди. Сезаннинг ўзига хос истеъодини биринчи бўлиб импрессионистлар сездилар ва муносиб баҳоладилар. Аммо Сезан ўзгарувчан табиат лаҳзасини акс эттиришга интилмади. Унга олам ўзгармас, монументал, тартиблашган бўлиб кўринди. У импрессионизмга қандайдир доимиийлик, муқимлик олиб киришга ҳаракат қилди. Рассомнинг севган жанри – натюроморт. У оддий нарсаларни кўп мартараб чизади: турли хил идишлар, гижимланган дастурхон ёзилган стол, олма, апельсин, нок. Бу оддий нарсалар рассом тасаввурда жуда аҳамиятли бўлиб кўринади ва у шу тасаввурни томошабинга етказишга уринади.

Бошқа бир постимпрессионист – Поль Гоген (1848–1903) ҳам ижодини импрессионистлар анъаналари руҳида бошлайди. Ишлари юришган 35 ёшли биржа маклери ва баҳтли оила бошлиги, ўзига хос катта иқтидор соҳиби Гоген буржуача реалликни қабул қила олмаслик туфайли Францияни ташлаб кетади. У қандайдир бошқача, адолатлироқ қонунлар асосида қурилган дунёни излайди ва узок саргардонликдан сўнг Полинезия оролларига етиб келади. Бу ерда, Таити оролида, Гоген ўзи излаган табиий ҳислар ва табиатнинг сахий гўзаллигини топгандай бўлади. У «ибтидоий жаннатнинг» мафтункор гўзаллигини тўлалигича акс эттириш учун тасвирининг алоҳида усулини каşф этади. Буюмларнинг шакли умумлашади, истиқбол ўзгаради, соялар мутлақо ўчиб кетади. Ранглардаги нозик фарқлар ўрнини ҳошиялар билан чегараланган катта рангдор текисликлар эгаллайди. «Таити пастораллари» картинаси таитиликларнинг гўзал хаётини, буюк табиат билан жондош бўлиб қўшилиб кетганлигини

ажойиб бир тарзда тасвирлайди. Асарда ифодаланган аёлларнинг ҳаракати сирли ва жозибадор бўлиб туюлади.

Импрессионистларнинг охирги кўргазмасидан (1886 йил) сал олдинроқ Парижда ғалати бир рассом пайдо бўлади. Камгап, ўта таъсирчан, мактаб кўрмаган аммо жуда иктидорли бу рассом голландиялик Винсент Ван Гог (1853–1890) эди.

Ван Гог кичикроқ шахтёрлар шаҳарчасида ваъзхонлик килади. Аммо ундаги рассомлик санъатига бўлган муҳаббат диний хизмат эҳтиёжидан устун келади. У расмлар орқали «музиқадай тасалли берувчи» оҳангда сўзлашни истайди. «Картошкахўлар» полотноси дехқон оиласидаги кечки овқат пайтини тасвирлайди. Пастаккина ертула, кўпол ясалган стол, ғарифона идишлар. Бесунакай гавдадар, ёрилиб кетган дағал қўллар, бу одамларнинг чексиз ғариф ва нажотсиз ҳаётидан далолат беради. Кишиларнинг юзлари, кийимлари, хона деворлари кўримсиз, заҳил рангда ишланган бўлиб, одамларнинг уларни боқаётган, айни пайтда ҳаётий кучини сўриб олаётган, танасини бадбашара қилаётган, миясини қуритаётган Ер билан алоқасини ифода этади.

Ван Гог савдойи одамдай ишлайди, кечалари шам ёруғида чизади. Бир йилда 190 дан ортиқ асарлар яратади: гуллаётган боғлар, олтин ранг бошоқли далалар, кўзни қамаштирувчи ёрқин юлдузларга тўла тунги осмон остидаги кафе айвончаси. Аммо ҳаёт Ван Гогнинг бошини силамади, унинг тириклигига сотилган ягона асари «Арлдаги кизил узумзорлар» бўлди. Рассомлар ичida ҳеч ким табиат қалбини Ван Гогчалик ҳис эта олмайди, уни инсонийлаштиrolмайди. Унинг асарларида ҳаётга чанқоқлик, гўзалликдан ҳайратланиш, ёруғликка, эзгуликка, уйғунликка интилиш ҳисси уфуриб туради.

Ҳаётининг сўнгги ойларида у жуда зўриқиши билан ишлади. Улими олдидан ёзган номасида: «Мен ўз ишм учун ҳаётимни тикдим», дейди. Унинг асарларида ғам-ғусса ва ёлгизлик сезила бошлидай. Ван Гогни ҳаётининг сўнгги дамларида тушунмаслик ва нафрат муҳити ўраб туради. Оила йўқ ва энди ҳеч қачон бўлмайди. Рассомнинг дўстлари ҳам Винсентдан ўзларини олиб қочишади, расмлар билан савдо қилувчилар эса: «Бу суратлар ҳеч қачон муваффакият қозонолмайди!», – дея уларни сотиб олишдан бош тортадилар. Жуда чарчаган ва иложсиз қолган Ван Гог ўз жонига қасд килишдан бошқа чора тополмайди.

**Мусика.** Романтизм санъатга фақат янги мавзулар ва янги қаҳрамонлар эмас янги шакллар ҳам олиб кирди, мусикий шакл-

лар янгиланди. Австриялык композитор ва созанда Франц Шуберт (1797–1828) Венада буюк Бетховен билан бир пайтда яшади. Тортинчоқ ўспирин Бетховенниң истеъдодига таъзим килади, узокдан уни кузатади, танишишга эса журъат килолмайди. Лекин Бетховен унинг мусиқаси ҳақида: «Дарҳақикат, бу Шубертда Илохий учқун бор», – дейди. Моцарт сингари Шуберт ҳам қиска ва оғир умр кечирди. Маблағ топиш учун мусиқани ўргатди, черков мактабида дарс берди ва фақат кечалари мусиқа ёзди. Айтишлирича, кечаси тўсатдан янги куй туғилганда кўзойнакни ахтариш ва тақишига вакт сарфламаслик учун Шуберт уни тақиб ухлар экан. Каравот ёнида доим нота қоғози ва қалам тайёр турган.

Композитор йирик асарларни кам ёзарди, фортепиано жўрлигига айтиладиган қўшиқлар (айниқса Шиллер ва Гёте шеърлари га) ёзишни маъқул кўради. Қўшиқлар қаҳрамонлари шарманкачи, балиқчи, тегирмончи, мусоғир, қашшоқ шоир, севишганлар бўларди. Қўшиқларнинг оҳангдорлиги, пинҳоний қалб оламига нозик кириб бориши бу «кичик дурдоналарни» жуда машҳур қилиб юборди. Унинг мусиқасига шайдо бўлиб қолмасликнинг иложи йўқ эди. Шуберт 32 ёшга ҳам етмасдан вафот этди. Дўстлари уни Бетховен қабри ёнига кўмдилар.

XIX асрнинг биринчи ярмидаги ёркин истеъдодли мусиқа даҳолари каторидан поляк композитори Фредерик Шопен (1810–1849) муносиб ўрин эгаллайди. Композиторнинг ёшлиги жаҳон мусикасининг пойтахти Венада, кейин эса Парижда ўтди. 1830 йилнинг кеч кузида Польшада бошланган миллий-озодлик кураши ҳақида Шопен шу ерда хабар топади. У уйига кайтиш ва жангларда иштирок этишни орзу қилади. Аммо йўлдаёт қўзғолон бостирилганлиги, унинг раҳбарлари қамоққа олинганлиги ҳақидаги даҳшатли хабарни эшигади. Шопен гушкунлик, дарду-алам ва руҳий укубатларини мусиқада ифода этади. «Инқилобий этюд» – композиторнинг дил изҳоридир.

Шопеннинг яхши қўрган жанри ракслар бўлиб, кўпинча миллий славян мотивлари асосида яратиларди ва шу сабабли композиторни «мазуркалар<sup>1</sup> кироли» деб аташади. Халқ мотивлари билан йўғрилган ўйноқи пьесалар барҳаёт, меҳрибон, баъзан эса маъюс Она Ватан тимсолини яратади, унинг озодлиги учун курашга чорлайди.

Шопен ўзининг сўнгти концертини муҳтоҷ поляк эмигрантлари га ёрдам учун ижро этиб берди. Композиторни кўмиш маросимида

<sup>1</sup> Мазурка – полякча миллий ракс шундай аталади.

Моцартнинг «Реквием»и ижро этилди. Шопеннинг жасади унинг васиятига кўра Парижда кўмилди.

Мусиқадаги романтик анъаналарнинг кейинги ривожи Жузеппе Верди (1813–1901) ижоди билан боғлиқ. 1848 йилги воқеалар арафасида композиторнинг опералари ватан озодлиги йўлида курашашётган итальян ватанинварварлари учун қаҳрамонликнинг қудратли воситасига айланди. Италияга хуннларнинг бостириб келиши ҳакидаги тарихий сюжетга курилган опера премьерасида римлик саркарда хуннлар йўлбошчисига қаратса: «Бутун дунёни ол, фақат Италияни менга қолдир», дея хитоб килгандা, залдаги томошабинлар: «Бизга, бизга Италияни!», деб қичқиришади.

Верди бир неча марта Гюго ва Шиллер асарларига мурожаат қиласди. «Эрнанлар», «Дон Карлос», «Риголетто» опералари унга оламшумул шухрат келтирди. Бироқ композиторни инсоннинг мураккаб ички дунёси қизиқтиради, уни очиш учун интилиб ижод қиласди. Унинг «Травиата» («йўлдан озган», «фоҳиша» маъносини беради) операси шундай асар. Маиший қўшиклар ва ариялар дадил қўшилган бу операни томошабин бирданига қабул қилмади. «Беадаб мавзудаги» операни саҳнадан олиб ташлашни талаб қилганлар ҳам кўп бўлди.Faқат вақт ўтиши билан «Травиата» жаҳоннинг мумтоз опералари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

1875 йил 3 март кечқурун Париждаги «Опера комик» театрининг тулиб тошган биносида «Марварид қидиувчилар», «Пертлик нозанин» каби опералари билан таниш бўлган ва танқидчилар томонидан яхши қабул килинган 37 ёшли композитор Жорж Бизенинг янги операси премьераси бўлди.

Композиторнинг «Кармен» опера-драмаси унинг янги севимли асари бўлиб, комик операга унчалик ҳам ўхшамасди. Саҳнада тамаки фабрикасининг аёл ишчилари, аскарлар ва шаҳарликлар ҳаракат қиласидилар. Маиший комедиялардаги жўнгина арияларга мусиқа чалиб ўрганганд оркестр бу сафар жиддий симфоник мусиқанинг оҳангларини зўрга илғаб оларди. Хуллас, муаллиф кутганидек, премьера муваффакиятсизлик билан яқунланди. Умумий хулоса шундай бўлди: «Қандай ҳакгўйлик, бироқ нақадар шармандалил!». «Кармен» театр репертуаридан олиб ташланди. Орадан бир неча йил ўтиб «Кармен» дунёнинг энг машҳур операларидан бирига айланди, аммо буни кўриш Бизега насиб этмади. «Кармен» бугун ҳам жаҳон театрлари саҳнасидан тушмасдан, одамларни эзгуликка чорлаб келмоқда.

**Ўзгараётган дунёда инсон: моддий маданият ва турмуши тарзи.** Техник таракқиёт қундалик ҳаётга ҳам шитоб билан кириб келди, инсоннинг яшаш муҳитини кескин ўзгартириб юборди. Транспорт ўзгарди, вақт тезроқ югурга бошлиди. Радио, телефон ва телеграф ақл бовар килмас қисқа вакт ичида исталган мамлакат ва қитъя билан алоқа ўрнатиш имконини берди. Уйларга замонавий ёритичлар, иситкичлар, қулай мебель кириб келди. Ҳаёт қизиқарлироқ бўлиб қолди, эрмаклар олами кенгайди. Кўпгина ихтиrolар янги касбларни, шу жумладан аёллар касбларини ҳам келтириб чиқарди.

**Алоқа воситаларидағи инқилоб.** Морзе алифбоси ҳақида ким ҳам билмайди? Лекин тарих учун талантли америкаликтининг ихтироси дунёда биринчи телеграф линиясини яратиш имконини берганлиги билан муҳим. 1843 йилда Вашингтон билан Балтимор орасида телеграф алокаси ўрнатилди. Масофа энди тўсик бўла олмай қолди ва тез орада барча китъалар телеграф линиялари билан боғландилар. XX аср бошларига келиб уларнинг умумий узунлиги 8 млн км га яқинлашди. Сўнгра жамият ҳаётига радио ва симсиз телеграф кириб келди. Россиялик олим А. Попов ва итальян олими Г. Маркони бир пайтда радиони ихтиро қилдилар. Маркони ўз ихтиросини Англиядаги патентлашга аввалроқ улгурди ва ўша ернинг ўзида «Симсиз телеграф ва сигналлар компанияси» фирмасини тузди. 1898 йилнинг июнида биринчи радиограмма берилди. 1876 йили 14 февралда эса икки америкалик ихтирочилар М. Грэй ва А. Белл бир пайтнинг ўзида телефон аппаратини амалда қўллаш учун ариза бердилар. Грэй аризани икки соат кечикиб берди ва патентни Белл олди. Ана шундай қилиб уй ва идораларга телефон кириб келди. Телефон станцияларида (ҳали автоматик алоқа йўқ эди) одатда аёллар – «телефон хонимлари» ишлардилар. Аёлларнинг янги касби ана шундай пайдо бўлди.

**Шаҳарнинг рельсли йули.** Шаҳарлар саноат марказларига айланётган пайтда янги бир муаммо пайдо бўлди – қандай қилиб одамларни ишга олиб бориш ва уйларига қайтиб келишларига ёрдам бериш керак?

Биринчи марта жамоат транспорти Парижда XIX асрнинг бошларида ёқ пайдо бўлди. Шаҳар кўчаларида омнибуслар қатнай бошлиди (инглизчи omnibus – ҳамма учун машина). Бу маълум бир йўналиш бўйича қатновчи катта экипаж (кулай арава) эди. Бирок ёмон об-ҳаво пайтида лой кўчалардан юришнинг имкони йўқ, тош

түшталган күчадан юриш эса бир талай нокулайликларга эга эди. Ана шунда шаҳар йўлларига рельс ўрнатиш ғояси пайдо бўлди. Энди омнибусни отлар рельс бўйлаб тортиб юардилар. Транспортнинг бу янги турини Россияяд «сконка», Америкада эса «трамвай» деб атай бошладилар. 80-йилларнинг бошларида биринчи электр трамвайлар пайдо бўлди. Бу ихтиро ҳам Т. Эдисон номи билан боғлиқ. Трамвай рельслари шаҳардан унинг чеккаларига қадар чўзилар, рельсларнинг орқасидан янги кварталлар пайдо бўларди. Шаҳарлар ўсар ва ўз қиёфасини ўзгартирар эди. Йил сайин ер усти транспорти кўпайиб борар, эски кўчалар транспорт оқимига дош беролмасди. Ана шунда рельслар ернинг тагига кўчирилди. 1863 йили Лондонда жаҳонда биринчи ер ости йўли очилиб, уни курган компаниянинг номи билан «Metropoliten» деб аталди. Кейинчалик бундай йўллар бошқа мамлакатлар пойтахтларида ҳам курилди (Тошкентда метрополитен 1977 йили ишга туширилган).

**Барча янгиликлар газетадан.** Янгиликларни қичқириб айтаётган газета сотувчи боланинг қомати XIX аср охиrlари XX аср бошларида кўча кўринишининг ажралмас кисмига айланиб қолди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг қизғин ривожланиши жамиятда газета ва журнallар ададининг оширилишига олиб келди, ахолининг ўсиб бораётган саводхонлиги эса китобга талабни келтириб чиқарди. Нашр қилиш иши бутун XIX аср давомида ривожланиб борди. Босмахона дастгоҳлари мукаммаллашди, қўлда ҳарф териш дастгоҳи ўрнига механик дастгоҳлар пайдо бўлди. Ёғоч ва унинг чиқиндисидан арzon қоғозлар ишлаб чиқарishни ўргандилар.

Газета XIX аср кишиси турмушига, маънавий оламига жадал кириб борди. Матбуот эркинлиги амалда таъминланган давлатларда газеталар шакланаётган янги жамиятда аҳоли фикрини уйғотиш ва йўналтиришнинг, ижтимоий онгга таъсир кўрсатишнинг қудратли қуролига айланди, вужудга келаётган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда, кишиларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жуда катта роль ўйнади. Бу давлатлар тажрибаси демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ҳақиқий эркин матбуотсиз қуриш мумкин эмаслигини кўрсатди.

**Яшаш қулайроқ бўлди.** XIX асрда уйлар қулайроқ қурила бошланди. Албатта, камбағаллар тифиз хоналарда қийналиб кун кўришарди. Лекин аҳволи дуруст одамларнинг ўз уйлари бўлар ёки

кулай квартираларга эга здилар, жуда машхур ва ута бой одамлар эса күрғонларда ва саройларда яшашарди. Уйларни режалаштириш ҳам яхши томонга ўзгарди – оралаб ўтилувчи хоналар камайди: ётоқхона, болалар хоналари, кабинетлар алоҳида ажратилди. Аср интиҳосида кўпгина уйлар лифт билан таъминланди.

Мебель ҳам ўз кўринишини ўзгартириди. Наполеон Бонапарт империяси даврида ампир (империя) усули модада эди. Мебель тұғри бурчакли, катта бўларди, стол ва креслоларнинг оёқлари колонналар, ҳайвон панжалари ва шу кабилар кўринишида ясаларди. Барча предметлар дафна гулчамбари, йўлбарслар, сфинкслар, оккушлар, вазалар шаклидаги бронза безаклари билан безатиларди. XIX аср 30-йилларидан кейин мебелнинг янги – қулай, ортиқча безакларсиз, эргономик<sup>1</sup> шакли пайдо бўлди. Унинг асосий фазилати – қулайлиги. Бу шароитнинг кўпгина предметлари бутун ҳам ўзгармасдан турибди.

XIX аср 80-йилларидан Биринчи жаҳон урушигача бўлган даврни Belle Epoque – («Нафосат даври») деб аташган. Бу даврда Европада санъатни янгилашга, замон рухига мос услублар яратишга ҳаракат қилинади. Янги санъатнинг асосий концепцияси ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини ва майший турмушни ягона услугуга бирлаштириш учун уринишдир. Унга кўра бинонинг архитектураси, ички безатилиши (интерьер) хоналарнинг ҳолати битта архитектор ёки рассом томонидан яратилган ягона лойиҳа бўйича ишланиши лозим эди.

«Нафосат даври»нинг асосий мавзуси ўсимлик олами бўлиб, дизайн ва санъатнинг барча услубларини ўзида бирлаштирган ва гўёки тирик табиатдаги ҳаёт мавжларини акс эттираётгандек, «оқувчан» шакл ҳамда чизгилардан иборат ўзига хос декоратив услубда намоён бўлади. Ўша даврда асосий йўналиш бўлган бу услубни L'art nouveau («Арт Нуво») ёки «модерн» деб аташган. У кишилар ҳаётига жуда тез кириб борди, уни давр номига мос – нафосатли қилишга ёрдам берди.

Хозирча, XIX аср ўрталаригача, уйлар печка ва каминлар ёрдамида иситилар, ўтин ва кўмир ёқиларди. 70-йиллардан бошлаб буғли ёки сувли марказлашган иситиш тизими таркала бошлади. Биринчи буғ билан иситиш тармоғи 1877 йили Американинг Лакпорт шаҳрида яратилган эди.

<sup>1</sup> Эргономика – бир канча таърифларга эга. Халқаро Эргономика Ассоциацияси томонидан 2010 йили қабул килинган таърифга кўра, инсон билан уни ўраб турган олам ўртасидаги муносабатларда инсон учун энг қулай шароитларни яратиш.

XIX аср 50-йилларида шам ва мойчиrok ўрнига керосинли чироқлар, кейинроқ эса газли чироқлар келди. Лекин газ билан ёритиш хавфсиз эмасди. Эдисон томонидан электр лампочкасининг ихтиро килиниши инсон ҳаётида ўзгариш бўлиб қолди. Тутмачанинг бир буралиши билан хонани ёритиш ва айни пайта газдан нафас олмаслик имконияти туғилди.

Одамларнинг турмуш тарзи ва соғлиги учун водопровод ва канализациянинг аҳамияти айникса катта эди. Тоза сув катта шаҳарлар учун ҳамиша муаммо бўлиб келган. XIX аср 70-йилларида Европанинг йирик шаҳарларида сув таъминотининг марказлашган тизими қурилади ва сув тўппа-тўғри хоналарга келадиган бўлади. Ана шу йиллари, секинроқ бўлса ҳам, канализация мукаммалластирилди. XX аср бошларига келиб ватер-клозетларнинг замонавий лойихалари пайдо бўлди. Аммо яна узоқ вактлар ванна хоналари жуда камлигича қолаверди, улар фақат жуда бой кишилардагиия бор эди. Ҳатто Даунингстрит 10 да, инглиз бош вазири қароргоҳида ҳам ванна фақат 1914 йили пайдо бўлди.

Техник тараққиёт кундалик турмушни ўзгартирди, шахсий гигиена ва уй-жойни тоза тутиш учун шароит яратилди, кўпгина касалликлар чекиндилар, ўртacha умр узайди. Кишиларнинг турмушни енгилроқ, ҳаётни мазмунлироқ қилишга интилиши яна кўплаб қулайликларни олиб келган ихтиrolарни келтириб чиқарди.

1850 йили америкалик Исаак Зингер томонидан тикув машинасининг ихтиро қилиниши кийим тикиш жараёнини тезлаштирди. Кўплаб тайёр кийимлар дўконлари пайдо бўлди. Одамлар яхшироқ кийина бошладилар. 1870 йилга келиб ҳар йили 700 минг тикув машинаси ишлаб чиқариладиган бўлди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига таъсир кўрсатган янги икки ихтиро телефондан кейин ёзув машинкаси бўлди. Америкалик газета мұҳаррири ва ношир Летэк Шоулс 1867 йили ёзув машинкасини ихтиро қилиб уни машинасозлик фабрикасининг эгаси Фредерик Ремингтонга сотди. Катта талабга эга бўлган биринчи ёзув машинкаси Ремингтон компанияси томонидан ишлаб чиқилди. Янги техниканинг харидорлари ёзувчилар, мұҳаррирлар, бизнесменлар бўлишди. Машинкада ёзилган биринчи адабий асар Марк Твеннинг «Том Сойернинг саргузаштлари» романи бўлган, деб ҳисоблашади. Кейинчалик машинкаларнинг 40 та тури пайдо бўлиб, минглаб қизлар янги касб эгалари бўлиб олдилар.

Цивилизация ривожланиши билан инсоннинг ички дунёси ҳам ўзгарди, ўз аждодлари, ўз оиласи тарихига бўлган қизиқиши ортди. Шу эҳтиёжга жавоб сифатида фотография пайдо бўлди. 1839 йили Парижлик рассом ва физик Луи Дагер биринчи марта суратга олишнинг техник усулини яратди. Шундан сўнг фотография тез ривожланиб, ўртаҳол кишиларда ҳам оилавий альбомга эга бўлиш имконияти пайдо бўлди.

Кишиларнинг мъянавий дунёсини бойитган, ҳаётни гўзал қилган бошка бир ихтиро – граммафон бўлди. 1877 йили Томас Эдисон фотограф – инсон нуткини ёзиб оладиган аппарат яратди. Граммафон ана шу фонограф асосида яратилди. Тез орада одамларнинг севимли мусиқа ва қўшиқлари ёзилган пластинкалар кенг тарқалди. Мусика омманинг кўнгил мулкига айланиб қолди.

XIX аср кишилар ҳаётига жуда кўп янгиликларни олиб келди, ҳаётнинг мароми ўзгарди, у тезлашди. Юз бераётган ўзгаришлар ҳар бир жабҳада сезиларди. Бу ўзгаришлар айниқса кийиниш маданиятида, модада яққол акс этади. Ўша пайтда одамларнинг кийимиға қараб унинг иқтисодий аҳволи ва ҳатто сиёсий қарашларини ҳам билиб олиш мумкин эди. Наполеон даврида мода даврнинг улуғворлигини таъкидлашга уринарди. Унинг номи ҳам шунга мос – amp; – империя деб аталарди. Наполеон инқирозидан кейин ҳам мода даврнинг барча ўзгаришларини ўзида акс эттириб борди. Энди унда улуғворликдан кўра ишчанлик руҳи қучлироқ эди. Одамлар ошиқча деб – ясама баşшангликдан холос бўлиб бордилар. Кийимлар ихчам, гўзал, давр руҳига мос қилиб тикиладиган бўлди. Энди инсонлар яхшироқ кийина бошладилар.

Бутун XIX аср давомида кўнгилочар томошалар ҳам кўпайиб борди. Улар энди моддий жиҳатдан яхшиланиб бораётган турмушнинг янада кўркам булишига хизмат қиларди. Театр санъатининг ривожланиши унча бой бўлмаганлар – хизматчилар, талабалар, майда савдогарлар ва ишбилармонларнинг ҳам спектаклларни кўришига имконият яратди. Пойтахтлар ва йирик шаҳарларда театрлар ва бошка кўнгилочар масканларнинг сони ортиб борди. Эндиликда театр томошалари ва карнавалларда минглаб одамлар иштирок этадиган бўлди.

Велосипед ёки қайиқда сайр қилиш, дарё ва денгизда чўмилиш, айниқса спорт мусобақалари оммавийлашиб кетди. 1892 йили Пьер де Кубертен турли мамлакатлар спортчиларининг ўзаро

мусобақалари бутун дунёда тинчликка ажойиб кафолат бўлади, деб хисоблаб, Олимпия ўйинларини қайта тиклаш таклифи билан чиқди. Биринчи ўйинлар 1896 йили Афинада очилди. Спортнинг 43 тури бўйича мусобақаларга 80 минг томошабин йиғилди. Навбатдаги ўйинлар 1900 йили Парижда ўтказилиб, ўн минглаб ишқибозларни тўплади.

XX аср бошига келиб автопойгалар ҳам оммавий томоша бўлиб қолди. Биринчи марта бундай мусобақалар Францияда, Париж билан Руан ўртасидаги трассада ўтказилди. Лекин XX асрда миллионлаб томошабинлар илохийлаштирган, чинакам томошалар кироли кино бўлди. Бу санъат тури пайдо бўлгандан сўнг каттаю-кичик, барчани ўзига ром этди.

\* \* \*

Шундай килиб, индустрисл даврда яратилган адабиёт, тасвирий санъат ва мусиқа асарлари кишиларда эзгу хислатларни шакллантиргди, килинган илмий кашфиёт ва техник ихтиrolар кундалик турмушга ҳам кириб борди, уни қизиқарлироқ ва янада қулайроқ қилди, иш топиш имконияти кенгайиб, муносиб яшаш учун шароит туғилди.

## II боб бўйича саволлар

1. Металлургиядаги қайси ихтиrolар машинасозликнинг ривожланиши ва XIX асрнинг «пўлат асли» деб номланиши учун асос бўлди?
2. Транспорт воситаларининг ривожланиши савдо ва саноат тараққиётида қандай ўзгаришларга олиб келди?
3. Сизнингча қайси техник ихтиrolар шаҳарларнинг ўсишига бевосита таъсир қилди?
4. Табиий фанлар ва тиббиётдаги қандай ихтиrolар илмий-техник инқилобга олиб келди?
5. Адабиёт ва санъатдаги романтизм, натурализм, реализм йўналишлари ўртасидаги фарқ нимада? Бу йўналишларнинг кўзга кўринган намояндаларидан кимларни ва қайси асарларни биласиз?
6. XIX асрдаги ихтиrolар ва техник таракқиёт кишиларнинг кундалик ҳаётида ва маънавий оламида қандай ўзгаришларга олиб келди?

## II БҮЛИМ

# ЕВРОПА: САНОАТ ДАВРИНИНГ ҚИЁФАСИ ВА ЗИДДИЯТЛАРИ

### III БОБ. ЯНГИ ЕВРОПАНИ ҚУРИШДА ФРАНЦИЯНИНГ РОЛИ

*Францияда консуллик ва империянинг ўрнатилиши.* XVIII аср охири – XIX аср бошларида таъсири бутун Европага ёйилган асосий воқеалар Францияда бошланди. Ўн йиллар давомида олиб борилган тўхтовсиз урушлар натижасида Франция ўз худудини анча кенгайтириб олди. У Фарбий Европанинг энг катта ва дунёнинг энг қудратли давлатига айланди. Бу муваффақиятларнинг барчаси Наполеон Бонапарт номи билан боғлиқ. Аммо унинг даврида олиб борилган урушлар француз халқига жуда кимматга тушди. 1800 йилдан 1815 йилгача бўлган урушларда бутун Европа давлатлари 1 млн га яқин одам йўқотган бўлса, шунинг 600 мингга яқини французлар эди.

1789 йилдан бери француз халқи ёки хукмдорлари томонидан шунчалар кўп тўнтаришлар амалга оширилдики ва кейинчалик III йил ичидан конституцияси<sup>1</sup> шунчалар кўп ва қўпол бузилдики, 18 брюмер (9 ноябрь 1799 й.) куни Сен-Клуда Конун чиқарувчи корпус устидан қилинган зўравонлик, Директориянинг бекор қилиниши ҳамда собиқ аббат Сиейес, Роже Дюко ва Бонапартдан иборат Консуллик ижро комиссиясининг тузилиши одамларни ғазабдан кўра кўпроқ хайратга солди. Бу на ички ва на ташқи жиддий хавф билан окланмайдиган давлат тўнтариши эди. Фуқароярнинг кўпчилиги монархияга қайтиш ғояларини маъкулламасаларда, энди республикачиликнинг ўтмиши бўлган генерал Бонапартни ҳукумат бошлиғи сифатида хотиржам қабул қилдилар. Бонапарт ҳарбий диктатура тузумини ўрнатиб, иқтисодни, давлат бошқаруви ва ҳукуқ тизимини тиклаш ва тартибга

<sup>1</sup> Республиканинг 3-йилида (1795 йил 22 августда) кабул қилинган конституция.

солиши билан шуғулланди. 18 брюмердан кейин ҳокимият тепасига келган мувакқат консуллар (Сиєйес, Дюко ва Бонапарт) аввалги тұнтарапшылар ғолибларидан фарқли равишда секинлик билан әхтиёткорона сиёсат юритдилар. Аммо бу ҳол Наполеон әхтиросларини қондира олмади.

*III йил конституацияси. Консулликнинг үрнатилиши.* 19 брюмер давлат тұнтарапши куни Мұваққат консуллик жорий қилиниши билан бирга декрет эълон қилиниб, унга биноан иккى палатанинг (Оқсоқоллар кенгашы ва Бешюзлар кенгашы) үз сағидан 25 кишидан иборат комиссия сайлаши ва бу комиссия III йил конституациясига (1795) киритиладиган үзгаришлар режасини ишлаб чикиши лозим эди. Комиссия томонидан таклиф қилинган лойиха Сиєйеснинг монархия ва демократия ғояларини келиштиришга қаратылған режасини асос қилиб олганлиги ва унда Наполеоннинг иззатталаб ва шұхратпарат әхтиросларига үрин қолмаганлиги сабабли консуллар (асосан Бонапарт) томонидан қабул қилинмади. Наполеон үз құзурида Сиєйес, Редерер ва Буллэдан иборат гурух тузиб, конституциянинг янги лойихасини ишлаб чиқди. Бу конституация жамиятга Наполеон томонидан мажбуран тиқиширилған бўлиб, аслида 19 брюмердагидан мұхимрок давлат тұнтарапши эди, чунки унинг асосий натижаси Наполеон якка ҳокимлигининг үрнатилиши бўлди. 1799 йил 13 декабря (22 фример) қабул қилинган, «хотиржамлик, тартиб-интизом, қонунийлик»ни үз принциплари деб эълон қилган янги Конституция ижро ҳокимиятини учта консулга топширди. Энг катта ҳукуқ Биринчи консулга берилди. 1799 йил 24 декабря қабул қилинган қонунга кўра конституция амалга киритилди ва 25 декабрян бошлаб консуллар ишга киришдилар. Биринчи консул Конунлар лойихасини ишлаб чиқиши ва Сенат мұҳомасига киритиш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш, вазирлар ва бошқа амалдорларни тайинлаш каби асосий ҳукуқларни қўлга киритди. У 1791 йилги Конституция бўйича қирол Людовик XVI эга бўлган ҳокимиятдан ҳам кўпроғига эга эди. Иккинчи ва учинчи консуллар фақат маслаҳат овозига эга эдилар. Қонунчилик ҳокимияти кескин чекланган эди. 1801 йил 4 январь куни эълон қилинган ва Сенат томонидан тасдиқланган ҳукумат қарорига биноан 130 нафар республикачи мамлакатдан кувғин қилинди. Ҳужжатда айтилишича, улар «レスpubликанинг Европадан ташқаридаги ҳудудларида

алоҳида назорат остида» ушланмоғи лозим эди. Улар Гвиана ва Сейшель оролларига сургун қилиниб, кўпчилигига Францияни бошқа кўриш насиб этмади. Республикачиларга қарши ҳаракат бу билан чекланмади. Яна 52 фуқаро демократик ҳаракатлари учун ноконуний равишда турмаларга ташланди. Улар орасида француз инқи lobchilarinинг бевалари ҳам бор эди. Бундан ташқари 1801 йил 7 февралдаги қонунга биноан ҳукумат ўзи лозим топган департаментларда фавқулодда судлар жорий қилиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди. Наполеон яккаҳокимлигини ўрнатиш йўлида қилинган тадбирлардан яна бири Трибунат ва Қонун чиқарувчи корпусни либераллардан тозалаш бўлди. Иккала палатада ҳам Наполеонга муҳолифатда бўлмайдиган муросасоз депутатлар қолди, холос.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳам деярли йўқ қилинди. Департаментларга бошқариш учун ҳукумат амалдорлари – префектлар юборилди. Шаҳарларда сайланадиган коммуналар ўрнига мэрлар тайинланадиган бўлди. Мамлакатда шахсий ҳукмронлик тартибини ўрнатишга ҳалақит берадиган барча тўсиқлар бартараф қилинди. Энди шундай тартибни қонунлаштириш қолди холос. 1802 йил 2 август куни умрбод консулликни жорий қилиш масаласи бўйича ўтказилган плебесцит<sup>1</sup>нинг натижалари эълон қилинди. З млн 568 минг 885 фуқаро розилик билдириб, 8 минг 374 фуқаро қарши овоз беришди. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг катта қисми умуман бетараф қолдилар. Шу куни Сенат қуидагича мазмунда декрет эълон қилди:

Наполеон Бонапартни француз халқи умрбод Биринчи консул этиб тайинлайди ва Сенат шуни эълон қилади.

Бир қўлида ғалаба гулчамбари ва иккинчи қўлида мазкур декретнинг матни тасвирланган Тинчлик ҳайкали авлодлар олдида миллатнинг миннатдорчилигидан далолат беради.

Сенат француз халқини рухлантирувчи ишонч, меҳр ва ҳайратланиш ҳиссини Биринчи консулга билдиради.

Шундай қилиб «инқи lob ўғлони» Наполеон Бонапарт Франциянинг бош сиёсий арбоби бўлиб қолди. Мамлакат фуқаролараро тинч-тотувлик ва барқарорлик йўлига ўтди.

1802 йили 4 август куни Конституцияга Сенатнинг шархи деб аталган хужжат ишлаб чиқилди. Бу аслида янги конституция бўлиб,

<sup>1</sup> Плебесцит – умумхалқ овоз бериши.

ундан асосий мақсад Наполеон ҳокимиятини мустаҳкамлаш эди. У энди ўзига ворис тайинлаш ҳуқуқини ҳам олди.

Умуман 1802–1804 йиллари Консуллик Франциясининг ички ҳолатини учта сўз билан ифодалаш мүмкин: Бонапартнинг шахсий бошқаруви. Бу йиллари мамлакатда баркарорликни саклаш, иқтисодни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, хусусий мулкдорлар манфаатларини кўзлаб инқилоб йилларида қўлга киритилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи конунлар қабул килинди. «Озодлик, Тенглик, Биродарлик» шиорининг ўрнини «Озодлик, Тенглик ва Хусусий мулк!» шиори эгаллади. Ҳукумат тадбиркорлик фаолиятини хар томонлама қўллаб-кувватлади. Йирик буржуазияга фойдали давлат буюртмалари берилди. 1801 йилнинг март ойида Парижда 150 та заводнинг маҳсулотларини намойиш қилган саноат кўргазмаси ташкил этилди.

Наполеон француз банкини<sup>1</sup> ташкил этиш ва янги пул бирлиги – франкни мустаҳкамлашни ўз ичига олган молия тизими ислоҳотини ҳам ўтказди. Мамлакатда катта қурилиш ишлари бошланди. Франциянинг пойтахти Париж янада кўркам ва маҳобатли бўлиб борди.

Бу сиёsat мамлакатда саноат ривожланишини, саноат тўнтиришини тезлаштириди, янги иш жойлари ташкил қилинди. Иш ташлашлар ўтказиш ва ишчи иттифоқларини тузиш тақиқланди. Биринчи Консул ўз сиёsatини қаттиққўллик билан амалга ошириди. Ҳукумат ёчки бозорни чет эл рақобатидан, асосан инглизлардан ҳимоя қилди. Француз иқтисоди катта ўсиш даврига чиқиб олди. Саноатда мануфактура билан бир қаторда янги фабрика ишлаб чиқариши вужудга келди. Қишлоқ хўжалиги ҳам, айниқса узумчилик, пиллачилик ва зифир етиштириш муваффақиятли ривожланди.

Бонапарт ҳукумати миллий ҳамжиҳатлик сиёsatини олиб борди. Наполеон эмигрантларга амнистия<sup>2</sup> эълон қилиб эски дворянлар билан ҳам муносабатини яхшилашга ҳаракат қилди. Қатор задагонлар муҳим давлат лавозимларига тайинланди. Диндорлар орасида ўз обрусини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, Рим Папаси Пий VII билан конкордат (келишув) имзолади ва католик динини кўпчилик французларнинг дини деб эълон қилди.

<sup>1</sup> Француз банки 1800 йили ташкил қилинган.

<sup>2</sup> Амнистия – авф этиш, кечириши.

Биринчи Консул полицияни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор каратди. Кучли ва кенг тармоқли полиция аппарати тузилди ва унинг раҳбари қилиб Ж. Фуше қолдирилди. У полиция изқуварлари ва айғоқчиларининг кучли машинасини яратдики, бу машинадан мухолифатни йўқ қилишда, фуқароларни тинчлантиришда унумли фойдаланилди. Бу шундай даҳшатли машинага айландики, у билан солиштирганда гильотина қўпол ва унумсиз бир асбоб эди. Бу тадбирлар Наполеоннинг шахсий ҳокимиятини шунчалар мустаҳкамладики, энди монархияга ўтиш шунчаки расмиятчилик бўлиб қолди. Бундан ташқари Бурбонлар хонадонининг таҳтга қайтиш даъвосини камайтириш мақсадида шу хонадон вакили шаҳзода Энгриенский Бонапартга сунқасд уюштиришда айбланиб ҳибсга олинди ва 1804 йил 21 март куни отиб ташланди. Бегуноҳлиги маълум бўлган ёш герцогнинг ўлдирилиши бутун Европа бўйлаб даҳшат ва қўрқинч ҳиссини уйғотди.

*Империянинг ўрнатилиши. Тож кийган инқилобчи.* Республика ўзининг якунига қараб борарди. Консуллик режимини ағдариш ва Бурбонлар монархиясини тиклашни мақсад қилиб олган роялистларнинг фитнаси инқилоб йилларида қўлга киритилган мулкларидан айрилишдан хавфсираган «янги бойлар»ни қўрқитарди. Улар «ҳозирги Биринчи Консул Наполеон Бонапарт император деб эълон қилинишини ва ана шу лавозимда унга Франция республикасини бошқариш юкланишини» талаб қиласдилар. Эмигрантларнинг ерларини сотиб олган дехқонлар ҳам бу таклифни маъқуллардилар. 1804 йил 27 март куни Ж. Фуше таклифига биноан Сенат «буюк инсонга» мурожаат қилиб, «ўз ишини ҳам шуҳрати каби ўлмас қилишни», яъни ҳокимиятини меросий қилишни таклиф қилди. Сенат ва Трибунатда бир қанча тортишув ва баҳслардан сўнг 1804 йил 18 май куни Сенат фармони қабул қилинди. Бу фармон аслида империя конституцияси бўлиб, халқ муҳокамасига қўйилиши лозим эди. Аммо шу куни ё Наполеонга «француздар императори» деган унвон тақдим этилди. Республика бекор қилинмасдан яна бир қанча вақт бу сўз муомалада бўлди. Сенат фармони «Республикани бошқариш императоргага топширилади» деган мантиқсиз сўзлар билан бошланиб, 142 та моддадан иборат эди. Шу конституция кичик ўзгаришлар билан 1814 йил 1 апрелгача амалда бўлди.

Уша 1804 йили декабрь ойида Парижнинг Биби Марям ибодатхонасида француздар императорига тож кийдириш тантанали маросими бўлиб утди. Францияни яна бир оз вақт «республика» деб атаб

юрдилар, кейин эса «империя» сўзи уни сикиб чикарди. Францияда буржуа монархияси империя кўринишида шу йўл билан ўрнатилди. Конунчиллик ҳокимияти тўлиқ ижро ҳокимиятига бўйсндирилди, у эса император қўлида мужассамлашди.

*Наполеон Кодекси ва қонунчилик.* Тахтдан туширилиб, Муқаддас Елена оролига сургун қилинган Наполеон шундай деганди: «Менинг ҳақиқий шуҳратим киркта жангда ғолиб бўлганлигимда эмас: Ватерлоо бу ғалабалар ҳақидаги ҳамма хотираларни учириб юборди. Аммо бир нарса борки, у ҳеч қачон унудилиши мумкин эмас, у абадий яшайди – бу менинг Фуқаролик кодексим».

Фуқаролик кодекси барча камчиликларига қарамасдан жуда катта меҳнат ва жасорат маҳсулидир. У бир йил ичиди – 1803 йил март ойидан 1804 йил марта гача қабул қилинди ва жами 2281 та моддани ўзида мужассамлаштирган ўз даврининг мукаммал кодексига айланди. У Қадимги Рим хукуқини усталик билан янги капиталистик муносабатлар шароитига мослаштириди. 1807 йили иккинчи нашридан сўнг ҳужжат Наполеон Кодекси деб атала бошланди. Бу кодекс турли йилларда Европанинг қатор давлатларида, Осиё ва Лотин Америкасининг Францияга алоқаси бўлган худудларида (мустамлакаларда) жорий қилинди. Наполеон империяси барҳам топгандан кейин ҳам кодексдан амалда фойдаланиш тўхтамади.

Фуқаролик кодекси билан бошланган хусусий хукуқни Янги давр руҳига мослаб тартибга солиш 1807 йили эълон қилинган савдо қонунлари билан давом эттирилди.

Консуллик ва Империя йилларида суд ишлари ҳам янги шароитга мослаб ислоҳ қилинди. 1801 йил 18 марта қабул қилинган қонунга кўра судлар иккига – фуқаролик ва жиноят судларига ажратилди. Ислоҳотлар натижасида 1807 йили Фуқаролик судлов ишлари устави, 1811 йили эса Жиноят судлов ишлари устави кучга кирди. Фуқаролик кодексида эълон қилинган фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахс ва мулк дахлизлиги, виждан ва бошка эркинликлар Фуқаролик ва Жиноят судлов уставларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Фуқаролик судлови уставида айбисизлик презумпцияси принципи кўлланилган.

*1800–1815 йилларда Франция иқтисоди. Қишлоқ ҳужалиги.* 1815 йили Франциянинг умумий ерлари 52 миллион гектар<sup>1</sup> бўлиб,

<sup>1</sup> Фақат Франциянинг ўз ерлари, Империяга қўшиб, олинган, босиб олинган ерлар бунга кирмайди.

шундан 23 млн гектарини хайдаладиган ерлар, 3,5 млн ни – яйловлар, яна шунчани – ўтлоқлар, 2 млн ни – узумзорлар ташкил қилган. 7 млн гектар ўрмонзорлардан 1,5 млн ни давлатга қарашли эди.

1790 йилдан 1812 йилгача дон маҳсулотларини етиштириш ўн фоизга ўсади. Айнан шу йиллари қишлоқ хўжалигида алмашлаб экиш жорий қилиннб, ҳосилдорлик анча ошди. Ғалла асосий экин бўлиб, 1811–1812 йиллардаги очарчиликкача бошқа экинлар, хусусан картошкага катта эътибор берилмасди. Очарчилик йиллари ва ундан кейин картошка кенг тарқалди.

Узумчилик асосан вино тайёрлашга мослашган эди. Вино қишлоқ хўжалиги экспортида катта ўрин тутади. 1790 йилдан 1808 йилгача вино етиштириш 25–30 фоизга ошган. Экспорт маҳсулотларининг ичидаги ўсимлик ёғининг ўрни ҳам катта эди. 1812 йилги тадқиқотларга кўра бу маҳсулотнинг катта қисми экспорт қилинган, айни пайтда йилига 20 млн франккача маблағ шу маҳсулотнинг четдан сотиб олишга сарфланган. Шу йиллари кунжут, каноп, лавлаги каби ўсимликлардан олинадиган ҳосил ҳам анча ўсади. 1791 йилдан тамаки эркин етиштириладиган бўлди, аммо 1808 йилдан уни етиштириш давлат назоратига олинди. Қитъа қамали даврида жанубий худудларда пахтани нқлимлаштиришга ҳам ҳаракат қилиб кўрилди.

Чорвачиликда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Айниқса меринос зотли қўйлар сонининг ошиши катта даромад келтирди. Қўйлар сони табиий ўсиш билан бирга Наполеон Испанияни босиб олгандан кейин у ердан кўра-кўра қўйларнинг келтирилиши хисобига ҳам тез ўсади. Натижада тўқимачилик саноати сифатли мато ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ингичка толали жунга эга бўлди. 1812 йили 9 миллион килограмм ингичка толали жун етиштирилган.

Йирик шохли моллар сони ҳам ўсиб борди. Уларни четта сочишдан 1790 йили 4,5 млн франк даромад қилинган бўлса, 1812 йили бу кўрсаткич 9 миллион франкни ташкил қилди. Шу йиллари импорт 6 млн франқдан 2 млн франккача камайди. Тўғри, бу ерда қитъа камалининг ҳам таъсири бор. Умуман 1812 йили йирик шохли моллар сони 6 млн 650 минг бош бўлган. Қишлоқ хўжалиги ишларида 1 млн 700 минг ҳўқиз ва 1,5 млн отлардан фойдаланилар эди.

Империя йилларида энг тез ўсан соҳалардан яна бири ипакчилик эди. 1812 йили Франциянинг 12 та департаментида ипак курти боқилиб, 5,25 миллион килограмм пилла етиштирилган ва 14 мил-

лион франк фойда олинган. 1789 йили бу фойда факат 2 млн франкни ташкил қилган эди.

Консуллик ва Империя йилларида кишлок хўжалиги соҳасини тартибга солиш, янги ижтимоий муносабатларга мослаш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 1803 йили янги ерлар очиш мақсадида ўрмонларни тозалашни 25 йилга такикловчи қонун қабул қилинди. XVIII аср давомида ўрмонларнинг режасиз кесилиши натижасида айниқса давлатта қарашли ўрмонларга катта зарар келтирилган эди. Шу йили каналлар, кема қатнамайдиган дарёларни тозалаш ва дамбаларни тузатиш ишларини тартибга келтириш тўғрисида ҳам қонун қабул қилинди. 1804 йили жамоа ерларини булиб олиш такикланди. 1807 йили ботқоқ ерларни қуритиш тўғрисида қабул қилинган қонун ҳозиргacha ҳам ўз кучини йўқотмаган.

**Саноат.** Консуллик ва Империя йиллари саноат тараққиётида ҳам катта ютуқлар даври бўлди. Айтиш мумкинки шу ўн беш йил ичидаги, айниқса инқилоб йилларида бой берилган ҳамма имкониятлар тикланди. 1801 йили «Миллий саноатни рафбатлантириш жамияти» тузилиб, бу жамият ишлаб чиқариш учун фойдали бўлган ихтиrolарни йигиш, техник таълимни ва ишлаб чиқариш тажрибалирини қўллаб-куватлаш билан шуғулланади. Хукумат ҳам бу мақсадлар учун кучини аямайди. Пасси шаҳрида намунали тўкимачилик устахонаси ташкил қилиниб, унда барча департаментлардан келган энг яхши тўкувчилар илғор техникани ўрганишади. Тўкимачилик саноатида етакчи ўринни ип йигириш ва мато тўкиш эгаллади. 1812 йили мамлакатда 200 дан зиёд ип йигириув фабрикалари, 70 минг тўкув станоклари мавжуд эди. Ип-газлама буюмлари билан савдо қилиш 190 миллион франкка етган. Ип йигиришнинг механик усули, станоклардан фойдаланиш ҳали Франция учун янгилик эди. Четдан келтирилган станоклар француз ихтирочилари – Пуни, Лафонтен, Альба ва бошқалар томонидан такомиллаштирилди. Тўкимачилик соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Тўкилаётган матоларнинг сифати яхшиланиб, ҳажми ошиди. Шу йиллари факат жун матолар ишлаб чиқаришнинг ўртacha йиллик ҳажми 200 млн франк миқдорини ташкил этган.

Шойи матолар тўкиш ҳам ривожланиб, уни четга сотишдан йилига ўртacha 30 млн франк фойда олинади. Энг кўп ишчи ўринлари ҳам айнан тўкимачилик саноатида мавжуд эди. Лион, Ним, Тур каби

түкимачилик марказларида ўн минглаб ишчилар шу соҳада банд эдилар.

**Металлургия.** Саноатнинг бу соҳаси ҳам жудатез ўсди. 1802 йили ўтказилган кўргазмада 150 дан зиёд заводлар ўз маҳсулотларини на-мойиш қилдилар. 1812 йили Францияда 230 та домна печлари мав-жуд бўлиб, 99 минг тонна чўян эритилар эди. Бу ва тошкўмирдан фойдаланишнинг ўсиши (у 929 минг тоннани ташкил қилган) ме-таллургиянинг анча ривожланганлигидан далолат беради. Шу йил-лари чўян эритишнинг янги усуслари ўзлаштирилиб, йилига 69 минг тонна сифатли пўлат олишга эришилди.

Илгари маҳсулот ишлаб чиқаришга кўйилган турли чеклаш-лар империя йилларида бекор қилинди. 1803 йил 12 апрелда қабул қилинган қонун тадбиркорлар ва ишчилар ўртасидаги муносабат-ларни тартибга солиш, шартномаларнинг хукуқий нормаларини ўрнатиш кабиларга қаратилган эди.

**Савдо.** Қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги ютуқлар савдонинг ҳам шундай ривожланишига олиб келмади. Шу қисқа вақт, 15 йил ичида учта (1804, 1810, 1815 йиллари) савдо инқирози юз берди. Бу инқирозларнинг асосий сабаби ҳарбий харажатларнинг ҳаддан зиёдлиги бўлиб, қимматбаҳо қоғозлар билан молия бозорида чайқовчилик қилиш ҳам бу сабабга қўшимча бўлди. Бундан ташқари 1801 йили қабул қилинган Савдо кодексида биржадаги воситачилар ва маклерларнинг имтиёзлари сақланиб қолинганлиги (бу имти-ёзлар 1791 ва 1795 йилги қонунларга мувофиқ жорий қилинган эди) ҳам савдонинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Ташқи савдо сиёсати ҳам асосан бошқа давлатларнинг савдо компанияларини хонавайрон қилишга қаратилган бўлиб, бу усул Людовик XIV давридан бери сақланиб келаётган эди. Англия ва унинг мустамлакалари билан олиб борилган савдо уруши айниқса ташки савдога салбий таъсир кўрсатди. Тақиқ ва бож ҳаққининг ҳаддан оширилганлиги сабабли товарларга бўлган эҳтиёж контра-банда йўли билан қондирилди ва бу ҳол Англия ҳамда Франциянинг иқтисодига катта зарар келтириди.

**Консуллик ва империя даврида армия ва урушилар.** 1798 йили ёқ Англия Францияга қарши янги ҳарбий коалиция тузишга киришди. Наполеонга эса мамлакатнинг иқтисодини тиклаш, молия тизимини мустаҳкамлаш учун тинчлик керак эди. У ўзининг бош мақсади халқнинг кўпроқ арzon молларга эга бўлиши экан-

лигини кўп такрорларди. «Мен сиёсатчини ҳам, ҳарбийни ҳам алдашим мумкин, бироқ ҳар куни бозорга борадиган уй бекасини алдай олмайман», – дерди Наполеон.

**Армия.** 1802 йили одамлар император олдидаги хизматлари учун аъзо бўлиш мумкин бўлган «Хурмат легиони» тузилди. Янги асл зодалар шу тариқа яратилди. Аммо императорнинг таянчи, асосий ишончни қўшин эди. Мавжуд тузум ва император ҳокимиятини сақлаб туриш учун кучли қўшин кераклигини Наполеон яхши тушунарди. Қўшинга 20 ёшдан бошлаб ёш, уйланмаган йигитлар чақирилади. Зарур бўлганда (1798 йилги қонунга биноан) рекрутлик йигини ўтказилади. Ҳарбий хизмат муддати 6 йил қилиб белгиланди. Амалда қўшинга ҳаммани олишар эди, 155 сантиметр бўйи ва мустаҳкам қомати бўлса етарли эди. 1805 йилдан 1815 йилгача ҳарбий хизматга 2 миллион 200 минг киши чақирилди.

Наполеон армияси пиёдалар, отликлар, артиллерия, тартиби-ни сақлаб туриш учун жандармерия, шунингдек, муҳандислик қисмлари ва аравалардан иборат эди. Қўшингнинг ўзаги, унинг фахри Наполеонга шахсан содик бўлган, энг кучли ва чаққон аскарлардан танлаб олинадиган император гвардияси эди.

Қўшинга қўмондонликни маршаллар ва генераллар амалга оши-рарди. Улар ўзларининг ажойиб қобилиятлари билан обрў қозонган бўлсада, кўплари ҳали жуда ёш кишилар эди. Наполеон армиясида офицер ва аскарлар ўртасида табақа тўсиқлари йўқ эди, ундаги интизом жисмоний жазога асосланган эмасди. Аскарлар ва офицерлар тенг ҳукукли Франция фуқаролари эдилар. Бу ҳол армияда ватан-парварлик руҳининг юкори бўлиши учун жуда муҳим эди. «Бунда энг камбағал дехқоннинг ўғли ҳам худди қадимий дворян уруғининг вакили сингари юкори лавозимга эришиши мумкин», – деб ёз-ган эди Франция қўшини ҳақида немис шоири Генрих Гейне. Наполеоннинг ўзи ҳам имкониятлар тенглиги принципига амал қиласади. «Оlamda, – деган эди у, – иккита кудратли куч мавжуд холос: қилич ва рух. Охир-оқибатда рух қилични енгади».

1805 йили Англияга қарши курашиб учун қўшин тузилиб, Наполеон уни «Буюк» деб атади. 1808 йилнинг октябрида тарқатиб юборилган Буюк қўшин 1812 йили Россияга қарши юриш учун янгидан йиғилди. Империя ағдарилгандан сўнг Наполеон аскарлари тарқатиб юборилди, уларни Эски Гвардиянинг фахрийлари, деб атай бошладилар.

*Австрияга қарши уруши.* 1799 йил 25 декабрь куни Наполеон Бонапарт Англия кироли ва Австрия императорига деярли бир хил мазмундаги хат билан мурожаат қилди. Бу мурожаатнинг мазмуну Европада тинчлик ўрнатиш мақсадида музокаралар бошлишни таклиф қилишдан иборат эди. Аммо Наполеон монархларнинг жавобини олдиндан билар ва ўзи ҳам урушни давом эттириш тарафдори эди. Фақат урушгина 1799 йилги мағлубият ўчини олиш ҳамда шахсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш имкониятини берарди. Австрия императори Франц II ҳам ўз иттифоқчиларидан холи музокаралар олиб бормаслигини маълум қилди ва урушга тайёрлана бошлиди.

Уруш 1800 йил баҳорида бошланиб, Моро қўмондонлигидаги француз армияси шу йили май-июнь ойларида Маренго (Шимолий Италия) ёнида катта ғалабага эришди. Массена бошчилигидаги иккинчи армия ҳам ғалабали юришларини давом эттирди. Шу тариқа 1800 йили иккинчи итальян юришлари бошланди. Наполеон армиясининг асосий қисми Сен-Бернар довони орқали Алъын тоғларидаи ошиб ўтиб, Маренго ёнида ҳал қилувчи ғалабани қўлга кирилди. Александрияда имзоланган яраш сулҳига биноан уруш ҳаракатлари беш ойга тўхтатилди. Австрияликлар Минчиогача бўлган Италия ерларини бўшатиш мажбуриятини олдилар.

Қиши кампанияда Тревизо ва Фолинъо ҳамда Гогенлинден (Бавария) ёнидаги французлар ғалабаларидан сўнг Австрия монархияси ҳалокат ёқасига келиб қолди. 1801 йил 9 февраль куни Люневиль (Франциядаги шаҳарча) тинчлик сулҳи имзоланиб, унга кура Франция чегараси Рейнгача чўзилди. Сулҳ қитъада тинчлик ўрнатди ва Австрия империясининг батамом тушкунлигини бошлаб берди. «Менинг монархиям, – деб ёзган эди Франц II, – шунчалар кўп одам ва пул йўқотдики, у энди Европанинг ғувозанат тизимида ўзига мос ўрин эгаллай олмайди; шу билан бирга мен ўзимнинг барча сиёсий алоқаларимни йўқотдим ва ҳозирги оғир ҳолатимда бирорта ҳам ҳақиқий иттифоқчига умид қила олмайман».

Австрия урушдан чиқди.

*Англияга қарши уруши.* Люневиль тинчлик сулҳи Франциянинг қитъадаги ҳукмронлигини ўрнатди. Аммо Англия ўз оролида ва Мартиника, Санта-Лючия, Хиндистондаги бешта француз шаҳарлари, Гвиана, Кап ерлари ва Цейлон (голландлардан тортиб олинган), Минорка ва Тринидад (испанлардан тортиб олинган) оролларига эгалик қиласар ҳамда денгизлар ҳукмрони ҳисобланади.

Наполеон диктатураси ўрнатилган 1799 йилда Франция 2-коалиция (Россия, Англия, Австрия, Туркия, Неаполитан қироллиги ва бошқалар) билан уруш ҳолатида эди. Инглизлар томонидан Мальта оролининг эгалланиши Рус императори Павел I (1754–1801) нинг ўз иттифоқчилари билан муносабатини мураккаблаштирги. У Францияга қарши коалициядан чиқиб, Пруссия, Швеция ва Дания билан бирга нейтрал давлатлар лигасини тузди. Французларнинг Маренго ёнидаги жангда қозонган ғалабасидан кейин (1800 йил 14 июнь) 2-антифранцуз коалиция амалда тарқалиб кетди. Урушни фақат Англия давом эттирги. Қатор жанглардан кейин 1801 йил 30 августда Александрияда сулҳ тузилиб, французлар Мисрни ташлаб чиқишига мажбур бўлдилар.

Лекин Англиянинг ахволи ҳам жуда яхши эмасди. Кўп йиллик урушдан халқ ҷарчаган, давлатнинг қарзи ҳам ўн икки миллиарддан ошганди. Бунинг устига қитъадаги давлатларнинг ҳаммаси (янги рус подшоси Александр I ҳам) Франция билан сулҳ тузиб бўлганди. Наполеон эса Ла-Манш орқали Англиянинг бевосита ўз худудига хужум қилиш хавфини солаётган эди. Шундай ҳолатда, 1801 йил Кичик У. Питт истеъфога чиққандан сўнг унинг ўрнига келган Эддингтон сулҳ тузиш учун музокараларни бошлаб юборди. Натижада 1802 йили 27 март куни Амьен тинчлик сулҳи бир томондан Франция, Испания, Батав республикаси (Голландия), иккинчи томондан Англия ўртасида имзоланди. Сулҳга биноан Англия Мальта оролидан ўз қўшинини олиб чиқиб кетишини ҳамда бундан кейин Батав ва Гельветик (Швейцария) республикаларнинг, Аппенин яримороли ва герман давлатларининг ички ишларига аралашмасликни ўз зиммасига олди, Цейлон ва Тринидаддан ташқари босиб олган ерларидан воз кечди. Франция ўз навбатида Эльба оролидан, Рим ва Неаполдан ўз қўшинини олиб чиқди, Мисрни Усмонийлар империясига қайтарди. Умуман, энди Европада бўлаётган ишларга Англия аралашмайди, деган гап билан баробар эди ушбу сулҳ. Ҳали Юз йиллик уруш давридан бери Англия қироллари ўз унвонларига қўшиб келаётган французлар қироли мақомидан Георг III воз кечди.

Люневиль ва Амьен тинчлик сулҳларини барча хурсандчилик билан кутиб олди, келажакка катта умид билан қарай бошладилар. Бутун инсоният учун янги, тинч-тотувлик ва хотиржамлик даври бошлангандек туюларди.

Аммо Амъен сулҳи кисқа муддатли тинчлик эди, холос. 1803 йил май ойидаёқ Англия билан Франция ўртасида уруш янгидан бошланиб кетди. Наполеон армиясида қўтаринки рух, олтмиш олтига ҳарбий кема мавжудлигига қарамасдан ҳақиқий флот ҳам, офицер ва матросларда катта тажриба ҳам йўқ эди. Денгиздаги ҳал қилувчи жанг 1805 йил 21 октябрда Испания якинидаги Трафальгар қўлтиғи ёнида бўлди. Француздар ва испанларнинг катта иштиёқ билан жанг қилишига қарамасдан галаба машҳур адмирал Нельсон бошлиқ инглизлар флоти томонида бўлди. Иттифоқчиларнинг йигирмата кемаси чўқтирилди ёки асрга олинди. Бу жангдан кейин Англия денгизларнинг шубҳасиз хўжайини бўлиб қолаверди. У Пруссиядан катта чидами билан, Россиядан сиёсатда субутлилиги билан, Австриядан моддий ресурсларнинг кўплиги билан фарқ қилиб, Наполеонга қарши урушни давом эттириди. Охир оқибатда Наполеоннинг ҳарбий генийсидан айнан Англия устун келди. Трафальгар ёнидаги мағлубиятдан кейин Наполеоннинг маҳсус экспедицион армияни (Бульон лагерида тузилган) Англияга ташлаш режаси барбод бўлди.

**Учинчи коалиция.** Аммо Наполеоннинг қуруқлиқдаги ишлари муваффақиятли кетарди. 1805 йилнинг 20 октябрида француздар Австрия армиясини Ульма ёнида куршовга олди ва қаттиқ мағлубиятга учратди. Наполеон Венага юриш бошлади. Шу йил 2 декабрь куни Аустерлиц (хозир Чехияда) ёнида руслар ва австрияларнинг қўшини устидан катта ғалабани қўлга киритди. Бу жангда иттифоқчиларнинг 15 минг аскари ўлдирилди ва ярадор қилинди, 20 минг асир тушди, 45 та байроғи ва 146 та артиллери қуроли қўлга олинди. 26 декабрда имзоланган Пресбург (Венгрия) шартномасида Австрия француздар кўйган барча талабларни қабул қилишига мажбур бўлди. Энди Австрия Наполеонга Италия ва Германияда эркин ҳаракат қилиш имкониятини берди, Венециянинг олиб қўйилганлигини тан олди. Наполеон Мукаддас Рим империясининг йўқ қилинганлигини эълон қилди. Францияга қарши учинчи коалиция шу тариқа тугалланди.

**4-коалиция.** Урушни давом эттираётган Россия ва Англияга Пруссия ҳамда Швеция қўшилиб, 4-антифранцуз коалицияси ташкил топди (1806 йил сентябрь). Наполеон томонидан тузилган Рейн иттифоки Германия олдида Австрияни батамом обрўсизлантирган бўлса, худди шу воеа Пруссиянинг обрўсига ҳам путур етказаётган эди. Европанинг марказида жойлашган Пруссия стратегик

нукгаи назардан Франциянинг таянчи сифатида Наполеонга зарур эди. Шуларни ҳисобга олиб Наполеон прусс қироли Фридрих-Вильгельм III га Шимолий герман князликлари иттифоқини ташкил қилишпи таклиф қилди ва бу иттифоқда Пруссиянинг етакчилик ролини эътироф этди. Бунинг устига Рейн бўйидаги, Бавария ва Швейцариядаги бир қатор кичик ерларни ўзига олиб, ўrniga Англиядан тортиб олинган Ганновер ерларини Пруссияга берди. Ушбу ҳаракатлари билан Наполеон прусс жамоатчилигининг кескин газабини уйғотди.

Англия одатдагидек Россия ва Пруссияга пул субсидияси таклиф қилди. Англия ва Россия билан иттифоқда Францияга қарши урушга киришган Пруссия армияси Фридрих II давридагидан анча кучсиз, унда факат ташки қўриниш қолган эди, холос. Бу декорацияни вайрон қилиш учун Наполеонга бир кун етарди. «Наполеон пуф деганди, Пруссия йўқ бўлиб кетди», – деб ёзганди Генрих Гейне.

Йена ёнида ва Ауэрштедтда 1806 йил 14 октябрида бўлиб ўтган жангларда француз маршаллари Ней ва Ожеро корпуслари ва Мюрат кавалерияси томонидан прусс армияси йўқ қилинди. Пруссия француз қўшини томонидан оккупация қилинди. Орадан 13 кун ўтиб Наполеон Пруссиянинг пойтахти Берлин шаҳрига ғолибона кириб келди ва бургомистрдан шаҳар қалитини тантанали қабул қилиб олди. Бу шаҳарда у 1806 йил 21 ноябрь куни Францияга тобе бўлган барча давлатларга Англия билан савдо қилишни тақиқловчи, «қитъа камали» деб аталмиш сиёsatини эълон қилди. Бу ҳужжат Францияни, аслида амалга оширишга курби етмайдиган, Европа ва жаҳонда хукмронлик учун кураш домига ташлади. Бусиз бошқа давлатларни Англия билан савдони тўхтатишга мажбур қилишнинг иложи йўқ эди. Ҳатто француз хукуматининг ўзи ҳам инглиз матосини яширинча сотиб олар эди. 1807 йил февралида Наполеон Прейсиш-Эйлау (ҳозир Россиянинг Калининград областидаги Багратионовск шаҳри) ёнидаги жангда рус қўшинини ҳам йўқ қилмоқчи эди, аммо бунинг уддасидан чиқолмади. Шунга қарамасдан Эйлау жангидаги 30 минг рус солдатлари ўлдирилди, французлар эса 10 минг кишидан ажралди. Ҳал қилувчи жанг 1807 йил 14 июнда Шаркий Пруссиядаги Фридланд қасри атрофида юз берди. Жангда руслар 25 минг қўшини ва 80 та артиллерия куролларидан ажралди. Французлар Кённингсберг (ҳозирги Калининград) шаҳрига кириб келдилар.

**Тильзит сұлқи.** Тильзит сұлқи (1807 йил 7 июль) натижасыда тұртғинчи коалиция ҳам бархам топди. Англия коалицияға Францияға қарши навбатдаги қурол сифатидагина қараган зди. Александр I (1777–1825) Англияга буни кечирмади. Энди Наполеон I билан Александр I ни Англияға қарши умумий душманлық бирлаштириб турады. Улар бириңчи марта 25 июнь куни учрашдилар. Кейин эса Тильзитта (хозир Россияның Калининград обласындағы Советск шаҳри) тез-тез учрашиб, үзаро Европани бўлиб олиш режасини туздилар. Наполеон Швецияға қарашли Финляндия ерларини ва Туркияға қарашли Молдавия ва Валахия князликларини Россияга кўшиб беришни вайда қилди. Россия императори ўз навбатида Франция Европада босиб олган ҳамма ерларни ва Наполеон тузган барча қиролликларни тан олди. Шартноманинг маҳфий пунктига биноан Россия Англияға қарши қамал шартларини қагъий бажариш, үзига қарашли портларни инглиз кемалари учун батамом ёпишни ҳам ўз зиммасига олди. Шу тариқа Александр I ўзининг кечаги иттифоқчиси Англиядан воз кечди.

Пруссияни Наполеон даҳшатли жазолади. Ундан Польша ерлари олиниб, Варшава буюк герцоглиги ташкил қилинди, ғарбий Прессия ва бир катор немис князликлари қўшилиб Вестфаль вассал қироллиги ташкил қилинди ва Наполеоннинг укаси Жером Бона-парт (1784–1860) қирол қилиб ўтказилди. Прессия Францияға 100 миллион франк контрибуция ҳам тұлайдыган бўлди.

Шундай қилиб Италия, Германия, Австрия, Прессия ва Польша бутунлай Наполеон хукмронлиги остида қолди. У рус императори билан бирга дунё устидан хукмронликни бўлиб олмоқчи зди. Аммо тез орада Наполеон якка хукмронликни истаб қолди. Тильзит учрашувидан кейин Наполеон шароитни реал баҳолашдан тобора узоқлашиб борди. Француз тарихчиларининг ёзишича Тильзит учрашуви Наполеонни иложсиз нарсага ишонтирди, уни амалға оширишга чорлади ва шу билан унинг ҳалокатини бошлаб берди.<sup>1</sup>

1807 йили Португалияни забт этиш учун қилинган харакатлар Наполеонга муваффақият келтирмади. У Португалияни эгаллаш учун яна икки марта – 1809 ва 1810 йиллари харакат қилиб кўрди. Аммо А.Уэльсли қўмондонлигидаги инглиз қўшинининг қўмаги

<sup>1</sup> Қаранг : История XIX века. Под ред. Лависса и Рамбо. – М., 1938. Т.1. С. 144.

туфайли Португалия ўз мустақиллигини саклаб қолди. Шундай бўлсада, мамлакатнинг кисман босиб олиниши ва олиб борилган уруш харакатлари Португалияни хонавайрон қилди. 7 йил ичида (1807–1814) мамлакат аҳолиси 500 минг кишига камайди.

Наполеоннинг Болтиқ денгизини тўлиқ эгаллаш учун шимолда олиб борган уруш харакатлари ҳам қутилган натижани бермади. Швецияга қарши урушни энг қудратли Болтиқбўйи мамлакати бўлган Россия қўлламади.

1808 йили француз қўшинлари Испанияга бостириб кирдилар. Наполеон испан таҳтига ўзининг акаси Жозеф Бонапартни (1768–1844) ўтқазди. Аммо босқинчиларга қарши бутун ҳалқнинг кўтарилиши Жозеф ҳокимиётини Мадрид ва унинг атрофи билан чеклаб қўйди. Французларга 4 ой қаршилик қўрсатган Сарагоса шаҳри аҳолиси ўз жасоратлари билан донг таратди. Қамал 54 минг аҳолининг ўлими билан якунланди, аммо французлар ҳам 10 минг кишини йўқотдилар.

**Бешинчи коалиция. Австрия билан уруш.** 1809 йилги Австрия билан урушнинг сабаблари ҳали Пресбург тинчлик сулҳидаёқ ўз аксини топган эди. Наполеон Австрияни мағлуб қилди, аммо батамом таслим қилмади. Бу билан Австрияга ўч олиш, урушга тайёрланиш имкониятини яратиб берди. Австрияning норозилигига қарамасдан Наполеон Пруссияни талади, Германияда ўз қариндошлари учун бир неча давлатлар ташкил қилди, Италияни ўзига бўйсундирди, Тосקנה ва Пармага қарашли ерларни ўзига қўшиб олди, Испания ва Португалия қиролларини таҳтдан туширди ҳамда Дунай князликларини беришни ваъда қилиб, Россия билан келишувни сотиб олди. Буларнинг ҳаммаси Австрия манфатларига тўғридан-тўғри зид эди. Наполеон Австрияниг урушга тайёрланаётганидан нолишига қарамасдан унинг ўзи бу урушни муқаррар қилиб қўйган эди.

Австрияни урушга даъват этаётган сабаблар мамлакатнинг ичкарисидаги ватанпарварлик руҳидан ташкари учинчи даражали давлат бўлиб қолишни хоҳламаётган Пруссия, ўз ерларидан ажralган ва Наполеонга тўлиқ қарам бўлиб қолган немис князликлари ҳам бор эди. Бунинг устига Франция билан иттифоқлик шартномаси мавжудлигига қарамасдан (Эрфурт шартномасининг 10-моддаси Франция билан Австрия ўртасида уруш чиқса Россия Наполеон томонидан урушга қўшилишини кўзда тутарди),

Россия ўз позициясини аниқ баён қилмаётган эди. Хуфия учрашувда Австрия элчиси Шваценбергни руслар «Австрияга ҳужум қилмаслик учун барча чораларни күрамиз», – деб ишонтиришган ҳам эди.

Австрия ва Франция ўртасидаги уруш ҳаракатлари 1809 йил апредида Бавариядан бошланди. Ёз ойларига келиб ҳарбий ҳаракатлар Чехия, Италия ва Польшада ҳам давом эттирилди. Бу урушнинг (умуман Наполеон урушларининг) энг даҳшатли кирғинбарот жанги 5–6 июль кунлари Ваграм шаҳарчаси (Куйи Австрияда, ҳозир Дойч-Ваграм шаҳри) ёнида юз берди. Бу жангда ҳар икки томондан 45–50 минг одам ҳалок бўлди. 1809 йил 14 октябрь куни Альтенбургда Наполеон кўйган шартлар асосида сулҳ имзоланди. Австрия жануби-ғарбий ва шарқий провинцияларининг ҳаммасидан ажралди. (Бу ерларнинг аҳолиси қарийб 3,5 млн киши эди). Армиясини 150 минг кишигача камайтириш, 85 миллион франк контрибуция тўлаш мажбуриятини ҳам олди.

1810 йилга келиб Наполеон мисли кўрилмаган қудратга ва шон-шуҳратга эришди. Франциянинг атрофини Наполеоннинг қариндошлари бошқараётган кўғирчок давлатлар ўраб турарди.

*Россияга юриши. Буюк армиянинг ҳалокати.* Наполеоннинг Александр I билан Тильзитда тузган шартномасидан кейин Эрфуртдаги (Германия) учрашувда мустаҳкамланган иттифоқи узоққа бормади ва иккала император ўртасида кескин ажралиш билан якунланди. Бу ажралишнинг бош сабаблари куйидагилар эди: **биринчидан**, 1809 йили Франция билан Австрия ўртасидаги урушда Россиянинг ўз иттифоқчилик мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлиги ва Наполеонга етарлича ёрдам кўрсатмаганлиги; **иккинчидан**, Наполеоннинг рус буюк княгинайларидан бирига уйланиш режасининг амалга ошмай қолганлиги<sup>1</sup>. Бунга императрица Мария Фёдоровна (императорнинг онаси) ва Франция ташқи ишлар вазири Шарль Морис Талейран (1754–1838) зимдан қаршилик қилишганди; **учинчидан**, қитъа қамалининг Россия учун салбий оқибатлари, яъни Буюк

<sup>1</sup> Бу воқеалардан бир ой кейин рус буюк княгинаси Екатерина шахзода Ольденбургскийга турмушга чиқади. Подшонинг бошқа бир синглиси Анна ҳали 14 ёшда эди. Шундан сўнг Наполеон Австрия императорининг қизи Мария-Луизага уйланади. Австрия императори ўзининг 18 ёшли қизи билан Наполеон ўртасидаги никоҳга розилик берар экан, бу никоҳ Австрия империясини ва Габсбурглар хонадонини муқаррар ҳалокатдан саклаб колади, деб умид боғлаган эди.

Британия билан савдо алоқаларининг узилғанлигидан Россия катта зарар кўраётган ва қийин ахволга тушиб қолган эди. Бунинг устига Буюк Британия билан савдо алоқаларини тиклаш тарафдорлари бўлган доираларнинг император Александр I га таъсири ҳам кучли эди; **тўртингчидан**, Наполеон империясининг муттасил кенгайиб бораётганлиги Александрни ташвишга солаётган эди; **бешингчидан**, 1810 йили Голландия қироллигининг, Валлиснинг, 1811 йили Ольденбург герцоглигининг, Сальм ва Аренбург князликларининг, Берг буюк герцоглигининг ва Ганновернинг бир кисми Францияга қўшиб олинди, деб эълон қилиниши, рус императорининг қаттиқ норозилигини келтириб чиқарди; **олтингчидан**, иккала империя ўртасида жанжал чиқиши учун энг муҳим сабаб Польша масаласи эди. Наполеон томонидан тикланган Варшава герцоглиги аслида Польшанинг барча ҳудудини эгаллаган ва Россия чегаралари билан туташиб турган эди. Ана шу ва бошқа бир қатор майдада сабабларнинг мавжудлиги Франция билан Россия ўртасида урушнинг келиб чиқишини муқаррар қилиб қўйди.

Уруш бошлишдан олдин Наполеон Пруссия ва Австрия билан Александр эса Швеция, Англия ва Туркия билан ҳамкорлик түғрисида келишиб, битим имзоладилар.

1812 йил 9 май куни Наполеон рафиқаси билан Париждан чиқиб, 17 май куни Дрезденга келади. Бу ерда уни Буюк Карлнинг вориси сифатида катта тантана билан кутиб олишади. Наполеон сўнгти бор бутун маҳобати билан намоён бўлди. 30 май куни Наполеон Польшага келиб, у ерда Россияга юриш бошлишдан олдин ўз армиясиги кўздан кечирди. Армия жудаям қудратли эди: унда французлардан ташқари немислар, итальянлар, испанлар, поляклар ва бошқа халқлардан иборат жами 11 та корпус, император гвардияси ва захирадаги кавалерия корпуси мавжуд бўлиб, 1812 йил 1 июнда Германия ва Польшада жойлашган, Россияга юриш учун тайёр турган кучлар 678 минг кишидан иборат эди. Булардан ташқари Наполеон Фарбий Европада ҳам каттагина қўшинга эга бўлиб, армиясининг умумий сони 1 млн 178 минг кишидан иборат эди.

1812 йил 23 июнь куни Буюк армия Россиянинг ўша пайтдаги чегараси бўлган Неман дарёсидан ўтди. Наполеон 400 мингдан зиёд қўшин билан Россияга юришни бошлиайди. Унга қарши турган рус қўшинларининг сони 267 минг кишидан иборат эди. Уларга М.Б. Барклай де Толли (1761–1818), П.И. Багратион (1765–1812),

М.И. Кутузов (1745–1813), П.В. Чичагов 1767–1849), А.П. Толмасов (1752–1819) каби тажрибали құмандоилар бошчилік килади.

1812 йил 23 июль куни Могилев (Беларуссия) останаларидан жанглар бошланиб, русларнинг чекиниши то Москвагача давом этади. Урушнинг энг катта жанглари Смоленск останаларидағи (17–18 август) ва Бородино жанглари бұлды (7 сентябрь). Бородинода французлар 40 минг, руслар эса 45 мингта яқын аскарларидан ажралди. Ҳалок бұлғанлар орасыда Багратион ҳам бор эди.

Бородино жанги ҳақида Наполеон: «Менинг барча жангларим ичида энг дахшатлиси Москва останасидагиси бұлды. Бу жангда французлар ғолиб булишга лойиқ эканликларини күрсатдилар, руслар эса мағлуб бұлмасликка ҳақын эканликларини намойиш этдилар»<sup>1</sup>, – деб ёзған эди.

Шу жангдан кейин рус армиясининг құмандони Кутузов чекиниши давом эттириб, 13 сентябрь куни Москвани ҳам жангсиз ташлаб чиқди. 14 сентябрь куни Наполеон Москвага кириб келди. Рус подшоларининг пойтахти бұлган Москва факат Кремль ва унинг атрофини ҳисобға олмаганда асосан ёғоч уйлардан иборат эди. Наполеон босқини араfasыда бу шаҳарда 250 мингдан зиёдрек ахоли яшарди. Ёғочдан қурилған имаратлар 16–19 сентябрь кунлари бұлган ёнғинда деярли түлиқ ёниб кетди. Бу ёнғинда күплаб одамлар, жумладан, Бородино жангига ярадор бұлған ва госпиталларда даволанаётган 15 минг рус солдатлари ҳам ёниб кетди. Шундан сүнг Наполеон армиясида ҳам тартиб йүқолиб, солдатлар талончилик ва мародёрлик билан ётпасига шуғулдана бошлади. Армияда жанговар рух йүқолди. Энди катта ғалабасиз Москвани ташлаб кетиши Наполеоннинг сиёсий обрусига ҳам путур етказарди. Шунга қарамасдан, ахволининг ёмонлашаёттегилегини сезган Наполеон 19 октябрь куни Москвани тарк этди. Буюк армиянинг чекиниши Россияга кириб келишига қараганда анча мураккаб кечди. Ҳар қадамда рус армияси пойлаб турар, казаклар ва партизанлар ҳолдан тойған, совуқдан қирилаётган француз қүшинларига дахшат солиб, уларнинг жанговар рухини сұндиради. Бир қанча жанглар ва табиий қийинчиликтер туфайли катта талафот күрган Наполеон армияси 1812 йил декабрь ойда Неман дарёсидан ғарбға қараб үтди. Аммо йүқотиши шунчалар катта эдикі, Буюк армиядан асар ҳам қолмаганди. 1812 йил июнида

<sup>1</sup> История XIX века. Под ред. Лависса и Рамбо. – М., 1938 . Т.1. С.264.

Россия чегараларидан 420 минг киши ўтган ва кейин яна 150 мингга яқин аскар Россия худудида уларни қувиб етган бўлиб, қўшиннинг умумий сони 570 мингга яқин киши эди. 1812 йил декабрда борйўғи 18 минг киши Немандан ортга қайтиб ўтди. Фақат ўлганлар сони 250 минг кишидан зиёд эди. Буюк армия бундай йўқотишдан сўнг бошқа ўзини ўнглай олмади. Кечагина Европанинг барча тилларида «Яшасин император!», деб қичқиришни ўрганган, император учун жонини тиккан юз минглаб одамларнинг жасадлари рус текисликларида қолиб кетди. Европада Наполеоннинг обрўси ҳам шунчалар тушиб кетдики, энди Александр Наполеонни ҳалоскор деб олқишилаган кўплаб ҳалқларни бирин-кетин унга қарши урушга бошлади. Бу охир оқибатда империянинг ҳалокатига олиб келди.

**Наполеон империясининг тор-мор қилиниши.** Неман қирғоқларида қўшинни қолдирган Наполеон Парижга келиши билан янги қўшин тузишга киришиб кетди. Шарқда эса Буюк армиянинг қолдиклари чекинишни давом эттиради. Энди Францияга қарши Россия, Англия, Пруссия, Австрия, Швеция, Испания ва Португалиядан иборат кучли ҳарбий коалиция вужудга келганди. Наполеон юлдузининг сўнаётганлигини кўрган немис князликлари ва бошқа майда давлатларда ҳам энди кайфият яхши эмасди. Ҳатто Франциянинг ўзида ҳам тўхтовсиз ҳарбий чақириклар, доимий урушлардан аҳоли чарчаганди. Буюк армиянинг Россиядаги ҳалокатидан сўнг Германия, Пруссия каби мамлакатларда Наполеонга қарши озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди.

1813 йил ҳарбий чақириқ бўйича Наполеон жами 500 минг қўшин тўплашга муваффак бўлди. Аммо янги армиянинг кўпчилиги жуда ёш, тажрибасиз жангчилар эди. Армияни куроллантиришга жамоа ерларини сотишдан олинган 300 миллион франкдан ташқари Наполеон ўзининг шахсий жамғармаси – 160 миллион франкни ҳам сарфлади. У ўзига хос жасорат ва самимилик билан қўшинни айланар экан, ҳамманинг қалбини ларзага келтирадиган нутклар сўзларди. Ҳали зўрга милтиқ кутара оладиган ўсмиirlар эса «Яшасин император!» – деб қичқиришар, Франция ва император учун жонларини тикишар эди. Айтиш лозимки, Россиядаги катта талафот, Европадаги умумий душманлик кайфиятига қарамасдан, Наполеон жанговар руҳга ва қаҳрамонлик хусусиятларига эга бўлган янги армияни туза олди. Аммо барибир бу жангларда тобланган Буюк армия эмасди.

Шунга қарамасдан Наполеон унинг битта бўйруғи билан юз минглаб одамларнинг жангта отланганидан руҳланиб, ўзини яна енгилмас ҳис этди. Аслида 1813 йили ҳали сулҳ тузиш, урушни тўхтатиш имконияти бор эди. Иттифоқчилар қўйган талабга биноан Наполеон бутун Францияни Рейнгача ва Италияни ўзида сақлаб коларди. Россияда ҳам урушни Висла қирғокларида тўхтатиш тарафдорлари анчагина эди. Ҳатто Кутузов ҳам армиянинг ҳолдан тойганлигини айтиб, урушни тўхтатиш лозимлигини Александр I га уқтираётган эди. Аммо Наполеон ён бермасди. Унда шароитни реал баҳолашдан кўра мағурурлик ва уч олиш ҳисси устунлик қилди.

Урушнинг дастлабки даврида – ёзги кампанияда француздар бир нечта ғалабаларни қўлга киритди. Люцен ва Бауцен жангларидаги ғалаба янги француз армиясига шон-шуҳрат келтирди. Иттифоқчи давлатлар билан Франция Прагада музокаралар бошлишга келишиб олдилар (Прага конгресси). Аммо қўйилаётган талабларнинг иккала томонни ҳам қаноатлантирумаслиги туфайли бу конгресс деярли очилмасдан ҳам тарқалиб кетди. Томонлар қисқа танаффусдан сўнг яна жангга киришдилар.

Кузги кампанияда Европа давлатлари Наполеонга қарши 1 миллиондан зиёд қўшин ташлашди. Асосий жанг Лейпциг текисликларида бўлиб ўтди. Бу ерда янги армиянинг, Наполеоннинг ва у бунёд этган империянинг тақдирни ҳал бўлди. Бу ерда Саксония қироли, 15 та француз генерали ва яна 15 минг киши иттифоқчи қўшинлар томонидан асир олинди. Умумий курбон бўлганлар 130 минг киши бўлиб, шундан 50 минги француздар эди. Лейпциг жангидан кейин Наполеоннинг биронта ҳам иттифоқчиси қолмади. 1813 йилнинг охирига келиб Франциядан бошқа ҳеч жойда энди француз байроғи ҳилпирамасди: Голландия ўзини мустақил деб эълон қилди; Италиядаги Мюрат<sup>1</sup> иттифоқчилар билан келишган ҳолда ҳаракат қила бошлади. У иттифоқчилар ёрдамида Италия таҳтини эгалламоқчи эди. Бундан ташқари Рейн иттифоқи барҳам топди, Германиядаги француз ва яримфранцуз давлатлар бекор қилинди. Саксония ва Вестфалия киролликлари, жанубий-гарбий немис давлатлари ҳам Франция таъсиридан чиқди.

<sup>1</sup> *Иоахим Мюрат (Murat)* (1767–1815) Франция маршали, Берг ва Клев герцоги, Неаполитан кироли. Майда трактир (ошхона) эгасининг ўғли, Бонапартнинг синглиси Каролинага уйланган. Наполеон таҳтдан ағдарилгандан сўнг Австрия ҳарбий суди томонидан ўлимга ҳукм қилиниб, отиб ташланган.

**Иттифоқчиларнинг Парижга кириши. Бурбонларнинг таҳтага тикланиши.** Франция худудидаги бир қатор жанглардан сўнг 1814 йил 31 март куни иттифоқчилар қўшинлари Парижга кириб келдилар. Анчагина давом этган музокаралардан сўнг Наполеон 6 апрель куни таҳтдан воз кечганлик ҳақидаги актга имзо чекди. У эски гвардия билан хайрлашиб, 20 апрель куни Италия кирғоклари якинидаги Эльба оролига фахрий сургунга жўнаб кетди. Хотини Мария-Луиза эса ўғлини олиб Вена томон – отаси Австрия императорининг саройига йўл олди.

Инқилоб йиллари таҳтдан туширилиб, қатл қилинган қирол Людовик XVI нинг укаси Людовик XVIII Франция қироли деб эълон қилинди. Францияда Бурбонлар ҳокимияти тикланди. Ғолиблар эски ҳокимиятни тиклашга ҳарақатни бошлаб юбордилар. Қайтиб келган эмигрантлар инқилоб йилларида мусодара қилинган ўз мулкларини қайтариб олишни, мутлақ монархияни тиклашни истардилар. Янги бойлар эса бундан хавотирлана бошлидилар. Бурбонлардан норозилик кучайиб борди. Давлат казинасининг бўшаб қолганлиги сабабли армия қисқартирилди; Наполеон армиясида хизмат қилган 12 минг зобит яrim маоши сакланган ҳолда хизматдан бўшатилди; 10 мингдан зиёд киши истеъфога чиқарилди. Буларнинг ҳаммаси Бурбонлардан норози қатламларнинг сафларини тўлдирди.

**«Бургут парвози».** Француз тарихчиларининг ёзишича Наполеон Эльба оролида тақдирга тан бериб яшаётган эди. Аммо бир нечта сабаблар уни Францияга қайтиш ҳақида қарор қабул килишга мажбур қилди. Бу сабаблар, биринчидан, Фонтенблода Наполеоннинг таҳтдан воз кечиши ҳақида келишув шартларининг бажарилмаганлиги, яъни Наполеоннинг хотини билан ўғли унинг олдига, Эльба оролига жўнатилиши керак эди. Улар эса Меттернихнинг маслаҳатига кўра Венада қолдирилди; иккинчидан, Наполеоннинг Эльба оролида хаёт кечириши учун йилига икки миллион франк тўланиши лозим эди. Бу ҳам бажарилмади; учинчидан, Реставрация давридаги Франциянинг ачинарли ахволи бу ерга Наполеонни чорлаётган эди. Эски гвардия ва Корсика батальонидан ташкил топган 1100 қўшин билан 26 февраль куни Эльба оролидан чиқсан Наполеон 1 март куни Франция жанубидаги Жуан бухтасига келиб тушди ва Париж томон йўл олди. «Ҳар бир дақиқа ғанимат. Учиш керак, учиш», – дерди Наполеон.

Людовик XVIII «Корсика маҳлуқига» қарши 30 минг қўшин юборди. Қархисида турган ҳукумат қўшинларини кўрган Наполеон уларга мурожаат қилиб: «Аскарлар, сизлар мени танияпсизларми? Қайси бирингиз ўз императорингизга ўқ узишни истайсиз? Мен ўқларингизга туриб бераман», деганда «Яшасин император!», дея қичқиришиб, қирол қўшинлари тўлиқ Наполеон томонга ўтдилар. Пойтахтга борадиган йўлдаги аскарлар ҳам у тарафга ўтдилар. Аскарлар, дехқонлар ва шахарлик қашшоқлар уни «Йўқолсин дворянлар ва поплар», деган хитоблар билан кутиб олдилар. Император армияси Парижга кирди, аскарлар Наполеонни қўлларида кўтариб Тюильри саройига олиб кирдилар. Шу куни, яъни 20 марта сарой узра яна инқилоб ва империя байроғи ҳилпиради.

**«Юз кун».** *Ватерлоо*. Тюильри саройига кириб келганда Наполеон ўзи ўтиб келган учта департаментдагина тан олинган эди. Аммо унинг триумф билан кириб келиши ҳақидаги хабар тезда бутун Франция бўйлаб тарқалди. Ҳамма жойда оқ байроқ ўрнига яна инқилобнинг уч рангли байроғи кўтарилди. Армияда генераллар ҳам Наполеоннинг ҳокимиятини тан олдилар.

Наполеон ижтимоий фикрни ўз фойдасига ўзгартириш учун жуда эҳтиётлик билан иш тутди. У Бурбонлар томонидан тайинланган амалдорларни ҳам ишдан бўшатмади. Шунга қарамасдан амалдорларнинг катта кисми императорга қарши душманлик кайфиятида эди. Улар Франциянинг ҳозирги ачинарли ҳолати учун Наполеонни, унинг деспотизмини айблашарди. Императорни олқишилар билан кутиб олган Франция тезда янги урушлар ҳавфидан ҳавотирга туша бошлади. Натижада мамлакатни бошқаришда ва армияни мустахкамлашда муаммолар пайдо бўлди. Буларни ҳисобга олган Наполеон файласуф Бенжамин Констанга (1767–1830) Империя конституциясини либераллаштириш буйича таклифлар ишлаб чикишни топширди. Б. Констан конституцияси жамиятнинг руҳий ҳолатига мос келарди, аммо кўпчилик зодагонлар Наполеоннинг конституцион монархга айланишига ишонишмасди.

Шундай ички вазиятда Франция бирлашган бутун Европага қарши урушга тайёрлана бошлади. Жанглар бошланиш арафасида Наполеон империяси охирги армиясининг умумий сони 275 минг солдатдан иборат эди. Иттифоқчилар Наполеонга қарши 1 миллиондан зиёд қўшин йигишиди. Асосий жанг Ватерлоо ёнида (Бельгия) юз берди. Бу ерда Наполеон армияси тор-мор қилинди. Фран-

цузлар 32 минг, иттифоқчилар эса 22 минг аскардан ажралдилар. Наполеон эса иккинчи бор таҳтдан воз кечиб, Атлантик океанида жойлашган Мукаддас Елена оролига сургун қилинди ва 1821 йил 5 май куни у шу ерда вафот этди. Унинг ўлими узоқ вақт баҳсларга сабаб бўлди. 1995 йил АҚШнинг ФРБ лабораторияларидан бирида Наполеоннинг соч қолдиқлари таҳлил қилиниб, у маргимуш билан заҳарланган, деган хulosага келдилар. Қандай бўлгандан ҳам Янги Европанинг қурилишига катта ҳисса қўшган улкан ҳарбий талант ва катта иктидор соҳиби, буюк бир инсоннинг умри ана шундай тарзда ўз интиҳосига етди. У тарихда Франциянинг буюк инсонлари қаторидан ўзининг улуғвор ўрнини эгаллади.

### **1801–1815 йиллари Европадаги урушларда ҳалок бўлганлар сони (минг киши)**

Франция	1206
Россия	579
Герман давлатлари	396
Испания	318
Буюк Британия	266
Австрия	184
Туркия	155
Италия	153
Европанинг бошқа давлатлари	150
Польша (Наполеон томонида)	50
<b>Жами</b>	<b>3457</b>

**Вена конгресси. «Муқаддас иттифоқ»нинг тузилиши.** Вена конгресси унда ҳал этилган масалаларнинг кенглиги ва муҳимлиги жиҳатидан ўша даврнинг барча конгресслари ичida энг аҳамиятлиси бўлди. 1815 йил 9 июнда қабул қилинган Конгресснинг Якунловчи акти ўз замонасининг энг муҳим ҳужжатига айланди. Европанинг саккизта давлати – Англия, Австрия, Пруссия, Россия, Испания, Швеция, Португалия ва Франция томонидан имзоланган ҳужжат Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида қўйилган биринчи жиддий қадам бўлди. Ҳар бир давлатнинг хукуқи барча учун тенг мажбуриятлардан келиб чиқадиган Европанинг бу янги ҳолатига эски тузум хукмдорларининг кўнизиши қийин эди. Аммо шундай ҳолатнинг зарурлигини англаш учун йигирма беш йиллик урушда ҳолсизланиш, юз минглаб курбонлар бериш зарур бўлди. Аслини

олганда (кейин тарих буни бир неча марта исботлайди) Европа монархлари томонидан тинчликнинг зарурлигини англаш моддий бойликлар ва инсон ресурсларининг ўта ҳолсизланганини оқибатида келиб чиқсан вактинчалик ҳолат эди.

Вена конгрессида Италия масаласи Бурбонлар фойдасига, уларнинг Шимолий Сицилия қироллигида таҳтни эгаллаши билан ҳал этилди. Бу Италия масаласига оид бошқа муаммоларнинг ечимини осонлаштириди. Папа ўз ерларини қайтариб олди, Сицилия қироли Генуяни қўшиб олди ва х.к.

Миллий федерация шаклида Германия империясининг тикланишини истаётганларнинг орзулари ушалмади. Бунинг ўrniga ўзаро тенг ҳукукли ҳисобланган ўттиз тўртта давлат ва тўртта эркин шахарлар бирлашиб, «Германиянинг ички ва ташки хавфсизлигини, иттифоққа кирган давлатлар мустақиллиги ва дахлсизлигини тъминлаш учун» иттифоққа бирлашдилар. Иттифок ишларини юритиш Австрия бошчилигидаги сеймга топширилди.

Бельгия ва Голландиядан ташкил қилинган Нидерландия қироллиги шаҳзода Оранский-Нассауга берилди. Швейцария, Валлис, Женева ва Невшатель қўшилиб 19 та озод, мустақил ва нейтрал кантонлардан иборат конфедерацияси ташкил қилинди. Вена конгресси дарё ўйларининг келишаётган давлатлар кемалари қатнови учун очиқлиги тўғрисида декларацияни ҳам қабул қилди.

Яқунловчи актга илова қилинган декларация негр-куллар савдосини тақиқлади.

Францияга қарши ҳамма коалицияларда қатнашиб келаётган Англия охир оқибатда ўз мақсадига эришди. У Европада ўзининг чегарасини тиклади ва Француз инқилоби ҳамда Наполеон урушлари даврида босиб олинган ҳамма ерларини ўзида қолдирди. Буларнинг энг асосийлари Кап ерлари, Цейлон, Британия Гвианаси, Тринидад, Тобаго, Мальта эди. Англия Ион ороллари устидан ўз протекторатини ўрнатди ва Шимолий денгиздаги Гель-голланд ерларини ўзига қўшиб олди.

Вена конгресси давом этаётган бир пайтда, 1815 йил 1 март куни Наполеоннинг Эльба оролидан Парижга қайтганлиги ҳақида хабар тарқалди. Конгресс қатнашчилари зудлик билан янги (еттинчи) коалицияни туздилар. Уруш қайтадан бошланди. 1815 йил 18 июнь куни Брюссель яқинидаги Ватерлоо деган жойда еттинчи коалиция қўшинлари Наполеон армиясини тор-мор қилди.

Наполеоннинг Ватерлоодаги мағлубиятидан кейин 1815 йил ноябрда Россия, Франция, Англия, Австрия ва Пруссия ўртасида Иккинчи Париж тинчлик сұлхы деб аталувчи янги шартнома им-золанди. Франциянинг ҳудудини 1792 йилги чегараларигача қисқартирган биринчи шартномага нисбатан буниси Франция учун янада нокулайрок эди. Унинг ҳудуди таҳминан 1792 йилги чегарасигача қисқарди ва беш йил ичида 700 млн франк олтин ҳисобида товон (контрибуция) тўлаши, ҳамда шу пул тўлангунча иттифоқчиларнинг Францияда қолдирилган оккупацион қўшинларини бокиши лозим эди.

Вена конгресси томонидан ўрнатилган халқаро сиёсий тизимнинг таянчи ғолиб давлатларнинг иттифоқи бўлди. Европада миллий-озодлик ва инқилобий ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишига қарши бирлашиб кураш олиб боришни кафолатлаш мақсадида Муқаддас иттифоқ тузилди. Иттифоқ тўғрисидаги шартнома матни Россия императори Александр I томонидан тузилган бўлиб, 1815 йил 1 ва 26 сентябрь кунлари Австрия императори ва Пруссия қироли томонидан имзоланди ҳамда шу учта монарх номидан бошқа Европа давлатларига жўнатилди. Муқаддас иттифоқ шартнома матни диний-мистик рухда ёзилган бўлиб, унинг мазмуни ўта тарқоқ ва тушунарсиз эди. Ундан ўта инқилобийдан ўта анархистиккача бўлган хulosаларни чиқариш мумкин эди. Бу хulosалар иттифоқнинг асосий мақсадига – инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатларини бостиришга жавоб берса бўлгани. Масалан, грекларнинг қўзғолони пайтида Александр I Муқаддас иттифоқнинг аъзоси ва христиан сифатида шундай дейди: «Мен шунинг учун Грецияни ташлаб чиқаяпманки, грекларнинг бу урушида инқилобий рухни кўрдим. Мен Муқаддас иттифоқнинг аъзоси сифатида динни, ахлоқни ва адолатни ҳимоя қилмоғим керак». Александр I грекларнинг туркларга қарши миллий-озодлик курашида фуқароларнинг ўз қонуний хукмдорига қарши қўзғолонини кўрди.

Муқаддас иттифоқка Англия, Туркия ва Рим Папасидан бошқа барча Европа давлатлари бирлашди. Англия ҳукумати иттифоқка хайриҳоҳлигини билдирысада, парламентдаги дебатлардан хавфсираб унга расман қўшилмади. Турк сultonи эса мусулмон бўлганлиги учун христиан монархларининг иттифоқида қатнаша олмасди. Рим Папаси ҳам ҳар эҳтимолга қарши бу иттифоқка қўшилмади.

Муқаддас иттифоқнинг ҳаммаси бўлиб тўртта конгресси ўтказилди. Уларда иттифоқнинг асосчилари бўлган учта давлатдан ташқари Англия ва Франциядан ҳам вакиллар қатнашди. 1818 йили Аахенда бўлиб ўтган биринчи конгрессда Франция иттифоқнинг тенг аъзоси бўлиб қўшилди ҳамда Франциядаги оккупацион қўшинларни муддатидан олдин олиб чиқиб кетиш масаласи ҳам ҳал қилинди. Шунингдек, конгресс Муқаддас иттифоқнинг асосий мақсадини белгиловчи декларацияни ҳам қабул қилди. Унга кўра «бизнинг нотинч замонимизда таъсири бўшашиб бораётган маънавият ва диний ишонч ҳамда халқаро ҳукуқни» ҳимоя қилиш Муқаддас иттифоқнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Аммо Англия вакили лорд Кестлърининг талабига кўра бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш шу давлатларнинг илтимосига кўра ва музокара жараёнларида уларнинг иштироки билан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

1820 йил октябрда Троппауда (Силезия) ўтказилган навбатдаги конгрессда Австрия канцлери Меттернихнинг талаби билан ушбу ҳолат ўзгартирилди. Бунга сабаб Неаполитан қироллигидаги инқилоб ва бунинг натижасида Австрия ҳукуматининг Венеция ва Ломбардия устидан ўз ҳукмронлигини йўқотиш хавфи бўлди. Айни пайтда Россия, Австрия ва Пруссия ҳукуматлари Польшадаги миллий-озодлик ҳаракатларининг ҳам олдини олмоқчи эди. 19 ноябрь куни Россия, Австрия ва Пруссия ҳукуматлари бошқа давлатларнинг ички ишларига у ердаги ҳар қандай озодлик ҳаракатларини бостириш мақсадида шу давлатлар ҳукуматларининг илтимосисиз ҳам ҳарбий аралашиш ҳукуки тўғрисида протокол имзоладилар. Англия ва Франция ушбу протоколни имзоламадилар аммо унинг қабул қилинишига қаршилик қилмадилар.

Италиян давлатларининг ҳукуматлари билан музокаралар олиб бориш қулаги бўлиши учун конгресс 1821 йил январда Лайбах (Люблин, Польша) шаҳрига кўчиб ўтди. Бу ерда Россия ва Австрия императорлари, Прусс қироли ҳамда Англия ва Франция вакиллари Неаполитан қироли ва бошқа италиян монархлари билан учрашдилар. Тез орада Пъемонтдаги инқилоб ва Грециянинг туркларга қарши қўзғолони ҳақида хабар таркалди. Юқорида айтилганидек, Александр I грекларга ёрдам қилишдан бош тортди. Австрия қўшинлари эса Муқаддас иттифоқнинг розилиги билан Италиядаги инқилобий ҳаракатни бостириди.

Муқаддас иттифоқнинг охирги конгресси Веронда 1822 йил 22 октябридан 14 ноябргача бўлиб ўтди. Унда иттифоқ қатнашчилари фақат битта масалада яқдиллик билдирилар – Грекиядаги кўзғолон барча қатнашчилар томонидан қораланди. Қолган масалалар бўйича қаттиқ тортишувлар бошланди. Айниқса иқтисодий ривожланган Англия билан ҳали яримфеодал муносабатлар устун бўлган бошқа давлатлар ўртасидаги келишмовчиликлар Муқаддас иттифоқнинг кейинги фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташкари Англияда ва камроқ бўлсада, бошқа мамлакатларда ҳам мавқеи ошиб бораётган либерал буржуазия ҳам иттифоқка қарши эди. Иттифоқнинг ғоялари ва у қабул қилган қарорлар ҳам Европа жамиятининг илғор қисмида норозилик уйғотаётган эди.

Лотин Америкаси халқларининг миллий-озодлик ҳаракатларига аралashiш, уларни бостиришга уриниш айниқса Муқаддас иттифоқнинг обрусига катта путур етказди. Россия, Австрия ва Пруссия Францияга Испаниядаги инқилобни бостириш ва Лотин Америкаси мустамлакаларидағи миллий-озодлик ҳаракатларига қарши курашда Испания ҳукуматига ёрдам бериш ваколатини бердилар.Faқат 1823 йили АҚШ президенти Монро<sup>1</sup> томонидан Америка қитъасини европаликлардан ҳимоя қилишга қаратилган баёнот берилиши (Монро доктринаси) ва бунинг Англия томонидан қўллаб-қувватланиши Лотин Америкасида француз қўшинлари пайдо бўлишининг олдини олди. Аммо 1823 йил 7 июнь куни 100 минг кишилик француз қўшинлари Испанияга кирди ва инқилобни бостириди. Верон конгресси ва Испанияга қарши интервенция Муқаддас иттифоқ аъзолари томонидан биргалиқда амалга оширилган охирги акт бўлди. 1824 йил январда Англия томонидан Испания мустамлакалари бўлган Лотин Америкаси мамлакатлари мустақилларининг тан олиниши (1824 йил 31 декабрь) Муқаддас иттифоқнинг бирлигини тўлиқ барбод қилди. 1825–1826 йиллари Россия Грекия масаласи бўйича ўз фикрини ўзгартирди ва грекларга ёрдам кўрсатди. Австрияликларнинг бу масалага муносабати салбийлигicha қолаверди. Европа мамлакатларида тобора ёйилиб бораётган либерал ҳаракат, бошланиб келаётган инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатлари Муқаддас иттифоқнинг асосларини бузиб ташлади. 1830 йили Франция ва Бельгияда инқилоб

<sup>1</sup> Жеймс Монро (1757–1831) – 1801–1809 йиллари АҚШ президенти.

юз берди. Англияда консерваторлар ҳукумати 1832 йили сайлов ислоҳотларини ўтказишга мажбур бўлди. Герман давлатларида буржуа-конституцион ҳаракат авж олиб кетди. 1830 йили Польшада рус чоризмига қарши қўзғолон бўлди. Барча воқеалар Муқаддас иттифоқнинг инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатларини бутунлай тутгатицга қаратилган уринишлари хом хаёллигини кўрсатди. 1833 йили Мюнхенгрецда Россия, Пруссия ва Австрия Муқаддас иттифоқнинг принципларини янгилашга ҳаракат килиб кўришиди, аммо унинг аҳамиятини тиклашнинг энди иложи бўлмади.

*1815–1847 йилларда Франциянинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши. Францияда саноат түнтаришининг бошланиши.* XIX асрнинг дастлабки ўн йилликларида капиталистик ишлаб чиқариш аста-секин асосий ўрин эгаллай бошлади. Майда мануфактура ишлаб чиқаришини фабрика-завод саноати сикиб чиқара бошлади. Саноат инқилоби тезлашиб, бу жараён айниқса тўқимачилик саноатида кенг кўламда амалга оша бошлади. 1847 йилги тадқиқотларга кўра, тўқимачилик саноатида 116 минг станок мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг йиллик қиймати 416 миллион франкга teng эди. Ёки 1812 йили тўқимачилик саноати 10 миллион кг пахта хомашёси истеъмол қилинган бўлса, 1845 йилга келиб бу кўрсаткич 416 млн кг га етди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлиги ҳам ошди.

Париж тайёр кийимлар ва пойафзал ишлаб чиқаришнинг ҳам марказига айланди. 1844 йили Лианкурда биринчи пойафзал фабрикаси ишга тушди.

Металлургия саноатида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. 1815–1830 йиллари тошкўмир қазиб чиқариш уч баробар ошди ва унинг йиллик микдори 5 миллион тоннага етди. Бу эса 1840 йилдан бошлаб чўян эритища тошкўмир қўлланилишининг натижаси эди. 1820 йилгача Францияда чўян эритища факат ўсимлик ёғидан фойдаланилган бўлиб, бу пайт Англия тошкўмирдан фойдаланаётган ягона давлат эди. Кўмир қазиб чиқаришнинг кескин ўсишига қарамасдан у саноат эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмас ва Франция йилига 2–2,5 миллион тонна тошкўмирни четдан келтирас эди. Шунга қарамасдан чўян эритиши 6 марта га ошди ва Франция чўянга бўлган ўз эҳтиёжини (бу йилига 700 минг тонна) қондира бошлади. Чўяннинг баҳоси ҳам анча тушди. Агар 1825 йили 1 тонна чўян 540 франк турган бўлса, 1845 йилга келиб 142 франк турарди.

Машинасозлик саноати ҳам ривожланди. 1850 йили саноатнинг ушбу тармоғида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот 27,5 млн франкга тенг эди. Айниқса буғ машиналарини қўллаш тез ортиб борди ва 1820 йилдан 1830 йилгача саноатда уларнинг сони 10 марта кўпайди.

Шу йиллари кимё саноати, қофоз ишлаб чиқариш ва нашриётчилик ҳам фаол ривожланди.

1847 йилги расмий маълумотларга қараганда, 1815 йилдан 1847 йилгача Францияда саноат ишлаб чиқаришнинг умумий қиймати икки баробар ошиб 4 млрд франкни ташкил қиласди. Кўрсаткичларнинг анча юқорилигига қарамасдан Францияда саноат тўнтариши Англияга қараганда секироқ бораётган эди. Ҳали кичик устахоналар ва мануфактураларнинг сони фабрикаларни кидан кўпроқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги ҳамон иқтисоднинг етакчи соҳаси бўлиб келаётган эди. 1815 йили умумий ҳайдаладиган ерлар 23 млрд гектар бўлса, 1847 йилга келиб 26 млрд га етди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий қиймати шу даврда 3 млрд франқдан 5 млрд франкка ошиди ва ўсиш 60 фойзни ташкил қилди. Шу йиллар ичida Франция аҳолиси ҳам 5 млн кишига кўпайди. Асосий экин ғалла бўлса-да картошка, қанд лавлаги каби экинлар ҳам кенг тарқалди. Уч далали экишдан кўп далали экишга ўтиш ерларнинг маҳсулдорлигини оширди. Қишлоқларда мулкий тенгсизлик кучайди. Бу асосан дехконларнинг ердан ажралиши ва йирик ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлиши оқибатида юз берди. Умуман қишлоқдаги ўзгаришлар дехконлар ахволининг яхшиланишига олиб келмаган бўлсада, ер эгаларининг сони 6,5 млн кишидан 7,5 млн кишига ошиди.

*Ички ва ташқи савдо.* Ички савдонинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган омилларидан бири Францияда йўлларнинг яроқсизлиги эди. Наполеон I даврида йўллар курилишига кўплаб аҳоли ва маблағнинг жалб қилингандигига қарамасдан, биттагина умуммиллий йўл қуриб битказилган, департаментларнинг йўлларидан фақат 20 минг км ҳаракат учун яроқли эди, холос. Савдони ривожлантириш учун йўлларнинг муҳимлигини тушунган ҳукумат бу ҳолатдан чиқиш учун ҳаракат бошлади. Натижада 1815–1847 йиллари 7 минг км миллий йўллар ва 22 минг км департаментларга қарашли йўллар таъмирланди ва ҳаракат учун очилди. Йўлларнинг умумий узунлиги 75 минг км га етказилди. Сув йўллари ҳам таъмирланиб, сунъий ка-

наллар қуриш эвазига уларнинг узунлиги ва кемалар қатнови учун кулайлиги оширилди. Натижада секинлик билан бўлсада, савдо ривожлана бошлади. Айниқса, бу жараён 1817 йил иттифоқчилар қўшинлари Францияни тарқ этгандан сўнг тезлашди. Савдонинг ривожланишида банклар етакчи роль ўйнай бошлади. Аммо Француз банки 1806 йили йўқотган мустақиллигини тиклай олмади. 1867 йилгача банк бошқарувчиси ҳукумат томонидан тайинланар ва деярли чекланган ваколатларга эга эди. Бу ҳол Францияда банкларнинг фаоллашувига салбий таъсир кўрсатди. Аҳолининг ишлаб чиқариш ва савдо фаоллигининг ошиши омонат кассаларининг ривожланишига олиб келди. 1818 йили Парижда биринчи шундай касса очилган бўлиб, у бор-йўғи 1 франк жамғармадан бошлаб устама фоиз тўлар эди. 1845 йилга келиб шундай кассалар сони 345 тага етди.

Саноат ривожланишининг юқори суръатлари туфайли Франция ташқи савдода уруш йиллари йўқотган обрўсини тезда тиклаб олди. Умумий савдо айланмаси 1827 йилги 818 млн франқдан 1847 йили 2 млрд 437 млн франкгacha ошиди. Францияга четдан хомашёнинг асосан пахта толаси, ипак, жун, ишлов берилмаган тери ва ёғоч маҳсулотлари олиб келинар эди. Мамлакат саноати ривожланган сари импорт маҳсулотлари ҳажмида ҳам ашё салмоғи ортиб борди. Экспорт салоҳиятининг асосини тўқимачилик маҳсулотлари ташкил қиласди. 850 миллион франк умумий экспорт ҳажмининг 420 миллиони шу соҳага тегишли эди. Айниқса ипакдан тўқилган матолар жуда қиммат бўлиб, асосан АҚШ, Англия ва Германияга жўнатилар эди. Жундан тайёрланган матолар ҳам экспортнинг анчагина қисмини ташкил килар ва улар АҚШдан ташқари Испания ва Сардиния қироллигига экспорт қилинар эди. (1850 йили Францияда 600 минг центнер жун тайёрланган бўлиб, шунинг ярмиси ингичка толали жун эди).

Франциянинг ташқи савдосида вино ва ароқ ҳам алоҳида ўрин тутади. Айниқса винонинг машхур навларига Англия, АҚШ каби бойиб бораётган мамлакатларда эҳтиёж катта эди.

Наполеон I ҳукмронлиги йилларида амалга оширилган сиёсат натижасида ички бозорда монопол ҳуқуқка эга бўлган ишлаб чиқарувчилар кейин ҳам шу ҳолатнинг сақланиб қолиши учун ҳаракат килдилар. Натижада бутун XIX асрнинг I ярмида Франция ҳукумати протекционизм сиёсатини олиб борди. Бу эса савдонинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатга олиб кирила-

ётган саноат маҳсулотларидан тортиб чорва молларигача 70%дан 120% гача бож түловлари ўрнатилган эди. Француз портларига кирган савдо кемаларига алоҳида солик жорий қилинган эди.

**Сиёсий тузум.** Ватерлоо яқинида Наполеон армияси тор-мор қилингандан сўнг тахтга инқилоб йилларида қатл қилинган Людовик XVI нинг укаси Людовик XVIII қайтиб келди. У билан барча рақибларидан ўч олишни истаётган минглаб зодагон-эмигрантлар ҳам қайтиб келдилар. Эмигрантлар феодал имтиёзларнинг ва йўқотилган мулкларнинг қайта тикланишини талаб қилдилар. Мамлакатда «оқ террор» бошланди. 70 мингта яқин одам қамоқقا олинди, судлар сиёсий ишлар бўйича тўққиз мингдан ортиқ айблов хукмлари чиқардилар. «Юз кун» даврида Наполеон томонига ўтган маршал Ней ва бошқа кўпгина офицерлар отиб ташланди.

Бироқ Бурбонларнинг ҳокимиятга қайтиб келиши Францияда инқилобгача бўлган тартибларнинг қайта тикланишига олиб келмади. Вена конгрессининг қарорлари Людовик XVIII га мамлакатда конституцияни қўллаш, инқилоб ва Наполеон империяси даврларида ўрнатилган ижтимоий тузум асосларини сақлаб қолиш мажбуриятини юклаган эди. Тахтга қайтган Бурбонлар ва ғолиб аристократия ҳам эски тузумга қайтиш учун уриниш янги инқилобий портлаш келтириб чиқариши мумкинлигини тушунишар эдилар.

Буни Людовик XVIII ҳам яхши тушунарди. 60 ёшли қиролнинг ортиқча ташвишларга тоби йўқ ва бунинг устига касаллик туфайли ҳаракат қилишдан ҳам маҳрум эди. У ўз ҳокимиятининг шахсий эканлигига ва ҳукуқларининг қонунийлигига ишонарди ҳамда шу асослар туфайли тахтда тинчгина ўтиргиси келарди. Қувғинлик йилларидағи давлатсиз қиролнинг саёз ҳаёти ҳам Людовикнинг жонига тегиб кетганди. Аммо ўша қувғин йиллари ҳам у ўз ҳокимиятининг қонунийлигига астойдил ишонарди. 1814 йил 5 апрель куни Наполеон Бонапарт тахтдан воз кечгандан сўнг яrim тунда Людовикни ўйғотишиб, «жаноб, сиз бундан буён қиролсиз», деганларида у ҳайратланиб, «нима мен аввал қирол эмасмидим», деган сўзлар билан уйқуга кетган экан. Бу ўзининг тахтга бўлган ҳукуқига қаттиқ ишонган одамнинг сўзлари эди. Людовик XVIII Бурбонларни билмайдиган янги авлод дунёга келган мамлакатни бошқариш қанчалар қийин бўлишини тушунарди. У шундан келиб чиқиб билардик, монархия энди ё конституция билан тўлдирилади ёки умуман бўлмайди. Шунинг учун у янги Франция вакиллари билан

келишувга борди, кирол ўзининг хукуқига кўра подшолик қиласи, фуқароларга эса у ўз хукуқларини инъом этади. Людовик XVIII барча фуқароларнинг тенг хукуқлигини ва инқилоб йиллари кўлга киритилган янги мулк эгаларининг хукуқларини ҳам тан олди. «1814 йил картияси» деб ном олган янги конституция Францияда конституцион монархия режимини ўрнатди. У кирол ҳокимиятини икки палатадан иборат қонунчилик корпуси билан чеклади. Бу кирол томонидан тайинланадиган пэрларнинг юқори палатаси ҳамда ёш ва мулк тўсиги асосида сайланадиган қўйи палатадан иборат эди. Сайллов хукуқига 30 ёшга етган ва йилига 300 франк солиқ тўлайдиган эркаклар эга бўлдилар. Депутат бўлиб сайланиш ҳукуки эса 40 ёндан ошган ва йилига камида 1000 франк солиқ тўлайдиган эркакларга берилди. Ўша пайтда Францияда 80–100 минг киши сайланниш ҳукуқига эга эди.

Францияда асосан дворян ва буржуазиянинг юқори қисмидан иборат йирик ер эгалари ҳокимиятда туради. Бу узоқ йиллик урушлар ва инқилоблардан сўнг бутун Бурбонлар монархияси ва фуқаролар тинчлигини мустаҳкамлаш сари қўйилган бир қадам эди. Наполеоннинг узоқ йиллик шахсий хукмронлигидан сўнг Франция ўз давлат тузуми бўйича ўша даврнинг илғор давлатлари – Англия ва АҚШ даражасига яқинлашди. Мамлакатда тинч эволюцион жараён учун имкониятлар кўпая борди. 1818 йили давлат бюджети устидан парламент назорати ҳақида қонун қабул килинди, 1819 йили матбуот ҳақида либерал қонун чиқарилди.

Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашда Людовик XVIII эришган муваффакиятлар асосан хукумат аъзоларини тўғри танлаш туфайли юз берди. Дастлаб киролнинг маслаҳатчиларига айланган Талейран ва Фуше тез орада истеъфога чиқдилар. 1816–1820 йиллари Франция сиёсатига катта таъсир кўрсатган шахслардан герцог Ришелье ва Деказ истеъфога чиққанларидан сўнг, хукуматда ультрапоялистларнинг таъсири кучайди. Улар орасида хукумат бошлиғи Монморанси ва молия вазири граф Веллер катта кучга эга бўлди.

**1830 йилги июль инқилоби. «Шарафли уч кун».** 1824 йили Франция кироли Людовик XVIII вафот этди. У фарзандсиз эди, шунинг учун Франция таҳтига Карл X номи билан унинг укаси, 67 ёшли граф д'Атрур келди. Енгилтак ва ўжар, илмга унчалик қизиқмайдиган бу шахс эмигрантлар кироли бўлишга сўз берди ва бўлди ҳам. Карл X дастлаб француз жамияти, хусусан парижликлар

томонидан илиқ кутиб олинди. Унинг дастлабки тадбирларидан сиёсий жиноятлар учун азият чеккан шахсларни авф этиш, цензуранинг бекор қилиниши кабилар одамларнинг олқишига ҳам сазовор бўлди. Аммо Карл X аста-секин эски тартибларга қайта бошлади. У жамиятнинг кенг қатламлари, шу жумладан юқори қатламларнинг ҳам манфаатларига зид бўлган қарорлар қабул қила бошлади. 250 та генераллар армиядан истеъфога чиқарилди; шаккоклик ҳақида қонун қабул қилиб, унга кўра муқаддас тухфаларни ҳақорат қилганлик учун ўлим жазоси белгиланди; «эмигрантлар учун миллиардлар» деб аталувчи қонун инқилоб йўлларида йўқотган мулклари учун собиқ эмигрантларга товон тўлашни кўзда тутди; Миллий гвардия тарқатиб юборилди. Натижада қиролга муҳолифатда бўлган либералларга консерваторларнинг ҳам бир қисми қўшилди.

1827–1830-йилларда депутатлар палатасига ўтказилган сайловларда муҳолифатдаги либераллар қаторасига икки марта ғалаба қозонди. Муҳолифатнинг норозилигини қиролнинг шахсий дўсти, «оқ террор»нинг илхомчиларидан бири герцог Жюль де Полиньякнинг ҳукумат бошлиғи бўлганлиги айниқса кучайтирди. Депутатлар палатаси вазирларнинг истеъфосини талаб қилди. Мамлакатда сиёсий инқизорз кучайиб бормоқда эди. Депутатлар палатасининг 145 аъзосидан фақат 42 таси Полиньяк тарафдорлари эди. Ана шундай шароитда Карл X конституцияга зид бўлган тўртта фармонни имзолади ва бу билан аслида давлат тўнтишини амалга оширеди. Депутатлар палатаси тарқатиб юборилди, сайлаш ҳукуки фақат катта ер эгаларигагина қолдирилди, матбуот эркинлиги бекор қилинди ва газета нашр қилиш учун олдиндан рухсат олиш тартиби киритилди. Карл X жараённинг тинч ўтишига умид қилган эди. Аммо эртаси куниёқ газеталардан бирида буржуазия вакиллари томонидан тузилган норозилик хати эълон қилинди. Унда: «Хукуқий фаолият тартиби узиб кўйилди, зулм тартиби бошланди. Хукумат қонунчиликни бузди ва бу билан бизни бўйсуниш бурчидан озод килди», – дейилади.

26 июль куни кечқурун Пале-Роялда намойиш бошланди. «Яшасин партия! Йўколсин вазирлар!», деган қичкириқлар эшитилди. Ўша куниёқ ишчиларнинг галаёни бошланди. Босмахона эгалари бўлган республикачилар ўз корхоналарини ёпиб қўйишиди, ишчиларга Карл X амалга оширган давлат тўнтиши ишни давом эттиришга имкон бермайди, деб тушунтирдилар. Шаҳар кучалари бар-

рикадалар билан түсила бошланди. Ишчилар, ҳунармандлар, майда дүкондорлар, талабалар хукумат қўшинлари билан жангта кирдилар. 28 июль куни эрталаб қўзғолончилар қурол-аслаҳа омборини, Ратушани, Париж Биби Марям ибодатхонасини эгалладилар, минораларда уч рангли байроқлар ҳилпирай бошлади.

29 июль куни қўзғолончилар киролнинг Тюильри саройини жанг билан ишғол қилдилар. Инқилоб уч кунда ғалаба қозонди. Карл X таҳтдан воз кечди ва Англияга қочиб кетди. Аммо инқилоб тепасида турган буржуазия монархияни бекор қилишга шопшилмади. Чунки инқилоб туфайли вужудга келган ҳолатда Франциянинг Европадаги йирик монархистик давлатлар, биринчи ўринда Англия ва Россия билан муносабатларининг кескинлашувини ҳеч ким ҳоҳламас эди. Шунинг учун 30 июль куни Париж кўчаларида манифест пайдо бўлди: «Карл X энди Парижга қайта олмайди, у ҳалқ қонини тўқди, республикани эълон қилиш эса бизнинг Европа билан муносабатларимизга раҳна солади... Герцог Орлеанский – қирол-фуқаро, у уч рангли байроқ тарафдори... Француз ҳалқи таҳтни унга топширади».

Шундай қилиб Францияда ҳокимият қироллик сулоласининг кичик бўғин вакили Луи Филипп Орлеанскийга ўтди. Либераллар унинг киёфасида Людовик XVIII бошлаган келишув сиёсатини давом эттиришга қодир одамни кўрдилар. 1830 йил 9 август куни Луи Филипп Орлеанский французлар қироли, деб эълон қилинди. Бурбонлар реставрацияси даврида пайдо бўлган либерал мухолифат вакиллари банкир Лаффит, Тьер ва Гизо хукумат тепасига келдилар. Булар асосан «молия аристократияси» – банкирлар, биржা «қироллари», кон, ўрмон ва катта ер эгалари эдилар.

Франциядаги 1830 йил июль инқилоби Европадаги инқилобий ҳаракатларнинг юксалишига таъсир қўрсатди. Ундан кейин Бельгияда, Италияда, баъзи герман давлатларида инқилоблар бўлиб ўтди.

Янги қирол, йирик ўрмон эгаси ва молиячи Луи Филипп бекорга «буржуа қироли» деб аталмас эди. У Орлеан герцоги Луи Филипп Жозефнинг ўғли бўлиб, француз инқилоби йилларида отаси сингари инқилобий қўшинлар қаторида туриб жанг қилган ва Филипп I Эгалите (Тенглик) лақаби билан машҳур бўлган, Вальми ёнидаги жангда қатнашган эди. Кейинчалик хиёнатда шубҳаланиб у ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлди, лекин ҳеч қачон унга қарши қурол кўтартмади. Луи Филипп Швейцарияга қочди, у ерда гимназия

ўқитувчиси бўлиб ишлади, кейин Англияга ўтди ва у ерда инглиз ҳукумати томонидан унга ажратилган нафақага яшади. Реставрация йиллари у Францияга қайтиб келди. Унинг оиласига тегишли бўлган ва ҳали сотиб улгурилмаган қасрлар унга қайтариб берилди. Луи Филипп тўлиқ буржуача ҳаёт кечирарди: мухолифат вакилларини қабул қиларди; ўз болаларини «Генрих IV коллежи»га ўкишга берди; ўзи Париж кўчаларида ёлғиз сайд қиларди, тўхтаб йўловчилар, оддий кишилар билан сухбат қиларди, ишчилар, дўкондорлар билан қўл сиқишишни яхши кўтарар ва ҳатто улар билан бир қадаҳдан май ичишдан ҳам қайтмасди. Бироқ буларнинг ҳаммаси ташки ифодаларгина бўлиб, у қалбининг тубида ўта ҳукмронликни севувчи шахс эди ва инглизларнинг «қирол ҳукмронлик қилади, лекин бошқармайди», деган принципига ҳеч ҳам қўшилмасди. Луи Филипп ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ўзининг асл мақсадларини яширган бўлса-да, амалда қиролнинг шахсий ҳукмронлигини ҳар тарафлама мустаҳкамлашга уринди. Янги қабул қилинган конституцияда кирол халқнинг таклифи билан ҳукмронлик қилиши кўрсатилган эди. Энди пэрлар палатаси ҳам куйи палата аъзолари каби сайланишлари лозим эди. Сўз, матбуот, мажлислар эркинлиги эълон қилинган, сайловчилар учун ёш ва мулк тўсиғи пасайтирилганди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётига Июль монархияси киритган ўзгаришлар кирол ҳукмронлигини камайтириб, парламент тузумини мустаҳкамлади.

**Июль монархиясининг инқирози.** 1830 йилги Июль инқилоби фитналар кўринишини олган фуқаролар келишмовчиликлари ни бошлаб берди, холос. Саноат тўнтариши, баҳтга қарши, аҳоли ўртасида қашшоқликнинг кучайиши билан бирга амалга ошди. Французларнинг турмуш шароитларини ўрганиш натижасида юзага келган хужжатлардан бирида шундай жумлалар бор: «Тўқимачилик фабрикаларининг ишчи аёлларига вайрона чордоклар уй ўрнини босади, у ерга ёруғлик деярли тушмайди, нам, коронғу. Оилали шахтёрлар одатда битта ифлос хонада бутун оиласи билан яшайдилар. Энг биринчи навбатда арzon хоналарни излаганликлари учун улар кўпинча ёмон ёритилган, аксарият ҳолларда заҳ биноларда яшайдилар».

Франциянинг саноати энг тараққий этган шаҳарлари – Шел, Руан, Амъяк ва бошқаларда аҳоли яшайдиган кварталлар ачинарли ахволда эканлиги замондошлари томонидан жуда кўп марта айтиб

үтилгандар. Фабрикаларда иш куни одатда 12–16 соат давом этарди. Ишчи арзимаган айби учун ёки шунчаки бозорда ахвол ўзгарганлиги туфайли (масалан, ишчи кучига талаб камайғанлиги) исталган пайтада күчага ҳайдалиши мүмкін еди. Ёлланма ишчиларнинг ахволи даҳшатли тус олган 30–40-йиллар энг оғир бўлди. Шу йиллари айникса ишчилар онгидаги кўзғолон ғояси кучайди. Ишчи шоир Берто шундай деб ёзган еди:

*Тўланг оғир меҳнат ҳаққини,  
Ахир очдан ўлмоқда-ку халқ.  
Ёки сизлар яна жанг куни,  
«Яшамоқ ё курашиб ўлмоқ»,  
Деган олов туркалган гапни  
Истайсизми дангал туришин.*

Лион ва Парижда инқилобий ҳаракатга отланган ишчилар меҳнатга ҳақ тўлашнинг яҳшиланиши ва йиғилишлар эркинлигини талаб килиб чиқдилар. Айниқса, 1831 ва 1834 йиллари Лиондаги кўзғолончилар билан ҳукумат қўшинлари ўртасидаги жанглар шиддатли бўлди. 1831 йил 21 ноябрь куни Лион тўқимачилари кўчаларда баррикадалар қурдилар, қуролландилар ва кўтарилилган кора байроқларга «Ишлаб яшамоқ ёки курашиб ўлмоқ!», деган шиорни битишиди. Уч кун давом этган жанглардан сўнг Миллий гвардия ва ҳукумат қўшинларини чекинишга мажбур килиб, ишчилар шаҳарни эгалладилар. Энди шаҳардаги тартиб ишчи назоратчилар томонидан қўриқланарди.

Ушбу воқеалар хусусида Лион прокурори Париждаги ўз бошлиғига «Бизнинг аҳолимизга барча – оқ-у кора фарқсиз кўринмоқда. Аҳоли оч, лекин босқинчилик қилмаяпти, у ғазабланган, лекин ўз газабидан фойдаланмаяпти... У уч олишдан воз кечди ... Агар бузилган битта уйни ҳисобга олмасак, шахс ва мулк ҳурмат қилинмоқда». 26 ноябрда ёқ шаҳарда бир меъёрдаги ҳаёт тикланди, 27 ноябрда театрлар очилди.

Аммо 3 декабрь куни шаҳар префекти томонидан кўзғолонни бостириш учун Париждан 20 минг кишилик қўшин чакирилди. Армия шаҳарга қаршиликсиз кирди. Кўзғолончиларни жазолаш масаласи кўндаланг бўлганда, судьялар хайраттага тушдилар. Суд жараёнида тўқимачилар муҳтоҷлигининг шундай тафсилотлари очилди, судланувчилар оқлаб юборилди.

Лион қўзғолонидан кейин Гренобль, Сент-Этьенн, Марсель каби бошқа шаҳарларда ҳам қўзғолонлар бошланиб кетди. Бу қўзғолонлар республикачилик ҳаракатининг кенг ёйилишига турти бўлди.

Инқилобий мафкурининг шаклланишида матбуотнинг роли жуда катта бўлди. Июль монархияси йилларида Францияда 700 номдаги газета ва журналлар нашр қилинаётган эди. Ҳукумат эркин матбуотга қарши ростакамига кураш бошлади. 1830 йили хартия билан кафолатланган «Матбуот эркинлиги» амалда йўқ қилиб ташланди. Илфор журналларни камоқка олиш, таъқиб қилиш доимий ҳол бўлиб қолди. Бир йил ичida журналистлар устидан 23 та суд процесси ўтказилиб, 3 киши қамалди, 7 минг франк жарима олинди, «Каликатюр» журналининг масъул муҳаррири Карл Филипп 13 ой қамоқда ёғди, бу эса журналистнинг обрўсини янада ошириб юборди. Республика тузуми ва умумий сайлов ҳуқуки учун кураш зарарлигини эълон қилган ҳукуматга қарши бўлган «Трибюн» газетаси 4 йил ичida 111 марта суд процессига тортилди, 157 минг франк жарима тўлади. Айниқса 1835 йил «сентябрь қонунлари» демократик матбуот учун катта таҳдид бўлди. Унга биноан қирол ва вазирларни ҳақорат килганлик учун жуда катта жарима ўрнатилган эди. Шунга қарамасдан, чакириқлар ва қўзғолон давом этди.

1834 йилнинг апрелида лионлик тўқимачилар яна бош кўтардилар. Бу сафар баррикадалар устида қизил байроқлар хилпиради ва ишчилар факат иш эмас, республика тузумини ҳам талаб қилдилар.

Қизғин жанглар олти кун давом этди. Ҳукумат қўшинлари артиллериядан фойдаланиб қўзғолонни бостириди. Лекин Лион тепаликларида яна узоқ вақт ишчи кварталларига қаратилган тўплар турди.

Лион қўзғолони ортидан бошқа шаҳарларда ҳам ишчилар қўзғолони бўлиб ўтди ва ҳамма жойда улар шафқатсиз бостирилди. Лионда 350 киши ўлдирилди. 1834 йилнинг апрелида генерал Бюто Парижнинг Маре кварталидаги исённи бостириш жараёнида бир уйнинг барча аҳолисини ўлдиришга буйруқ берди. Бечораларни ухлаб ётишганларида, тўғридан-тўғри тўшақда ўлдирилар. Болалар ва аёллар ҳам ўлдирилди.

Ҳокимиятнинг халқчил эмаслиги мамлакатда республикачилик ҳаракатининг кучайишига олиб келди. 1837 йили «Йил фасл-

лари» яширин жамияти тузилди. Унинг раҳбарларидан бири қобилиятли журналист, ажойиб ташкилотчи Огюст Бланки эди. У ўз дунёкарашига қўра коммунист-хаёлпаратлардан бўлиб, фитна йўли билан капиталистик тузумни йўқотиш мумкинлигига ишонарди. 1837 йили у бошчилигидаги бир гуруҳ фитначилар кўзғолон кўтаришга ва Парижда ҳокимиятни эгаллашга уриниб курдилар. Халқ бехабар бўлганлиги ва қўллаб-куватламаганлиги учун полиция бу ҳаракатни осонгина бостириди. Суд Бланкини умрбод қамоқ жазосига хукм қилди.

Шу йиллари француз ишчиларига Прудон таълимоти ҳам катта таъсир кўрсатди. Майда хунарманднинг ўғли Пьер Жозеф Прудон (1809–1865) аввал ҳарф терувчи, кейин хизматчи даражасига кўтарилиди ва 1840 йили «Хусусий мулк нима?» деган машҳур китобини нашр қилдирди. У буржуазияни қаттиқ танқид қилди ва капиталистик мулкни талончилик деб эълон қилди. Прудон майда хусусий мулкчиликда адолатли жамиятнинг асосларини кўради. У ўзининг «Кашшоқлик фалсафаси» (1846) номли асарида коммунизмни қоралади ва пролетариатнинг инқилобий, синфий курашини, стачкаларни ва касаба уюшмаларининг ҳаракатларини кераксиз деб ҳисоблади. У капиталистик эксплуатацияни тинч йўл билан, соғ иқтисодий ислоҳотлар орқали йўқ қилиш мумкин, дейди. Прудонизм ўз даврида Европада кенг тарқалган гоялардан бири бўлиб, коммунистик инқилобий ҳаракатга қарши курашда маълум роль ўйнади.

*Июль монархиясининг инқирози.* Мамлакатда тобора кучайиб бораётган тартибсизликларни бостириш мақсадида Луи Филипп жазо қонунчилигини кучайтирди. 1840 йили амалда ҳукумат бошлиги қилиб тайинланган тарихчи ва сиёсий арбоб Гизо бутун ички ва ташки сиёсатини мамлакатда бошланаётган инқилобнинг олдини олишга қаратди. Халқаро майдонда Франциянинг яқкаланishiiga барҳам бериш учун Австрия империяси билан яқинлашишга ҳаракат қилди. Бунинг учун француз дипломатияси 1846 йилги Краков кўзғолонининг бостирилишини маъқуллади, итальян халқининг миллий-озодлик ҳаракатини бостиришда Габсбурглар империяси билан ҳамкорлик қилди. Англия билан иттифоқ тузишга уриниб, Миср, Сурия ва Марокашда инглизларга ён берди. Айни пайтда Франция Жазоирни босиб олишни давом эттириди. 1847 йилга келиб Жазоир французлар томонидан тўлиқ

забт этилди. Аммо жазоирликларнинг миллий-озодлик ҳаракати тұхтамади.

1840-йилларда ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати мұваффақиятли бўлди. Бош вазир Гизонинг «Меҳнат ва тенг ҳамкорлик йўли билан бой бўлинг, шунда сизлар ҳам сайловчи бўласизлар!», деган сўзлари империянинг шиорига айланди. Бироқ саноатнинг юксалиши, мавжуд тузумни мустаҳкамлай олмади, аксинча унга хос бўлган қарама-қаршиликларни кучайтирди. Халқ орасида инқилобий ҳаракатнинг, норозиликнинг ўсишини тұхтатишнинг иложи бўлмади.

*1848–1849 йиллардаги инқилоб. Иккинчи республика.* Умуми Европа, хусусан Франция тарихида Наполеон урушларидан то 1848–1849 йиллардаги инқирозгача бўлган даврда ҳукуматнинг инқилобларга қарши туришда бунчалар лаёқатсизлиги очик намоён бўлган бошқа ҳолатни топиш қийин.

XIX аср 40-йилларида Франция саноат тараққиётида маълум ютукларга эришди. Мануфактура ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ўрнига капиталистик фабрикалар пайдо бўлди. Йирик машинали ишлаб чиқариш даври келди. Бу жараён чуқурлашган сари унинг асосий оқибатлари кўзга ташланба бошлади:

а) ишчилар билан буржуазия ўргасидаги зиддият кучайиб борди;

б) ишчилар ҳамда буржуазиянинг Июль монархиясидан умумий норозилиги кучайди.

Саноат буржуазияси молия аристократиясининг сиёсий монополиясига, ишчилар эса йўқчиликка бошқа чидай олмасликларини билдирилар. Мамлакатни инқилобга олиб келган икки фалокат 1847 йили бирлашди: биринчи фалокат қурғоқчилик, иккинчиси эса жаҳон савдо- саноат инқирози эди.

Шундай мураккаб шароитда мухолифатдаги буржуазия вакиллари сайловчилар учун ўрнатилган мулкий чегарани пасайтиришни талаб қилиб чиқдилар. Улар шу йўл билан қуйи палатани эгаллаб олишни мақсад килган эдилар. Ҳукумат ҳам бу мақсадни яхши тушунарди ва шу сабабли ҳеч қандай ислоҳотларга рози бўлмади. Мухолифатдаги буржуазия норозилик билдириди, бироқ иш газетадаги танқид ва маҳсус уюштирилган зиёфатлардан нарига ўтмади. Навбатдаги зиёфат 1848 йил 22 февралга белгиланган эди. Ҳукумат мухолифатчиларнинг зиёфати халқнинг эътиборини ўзига тортиши ва норозиликларга сабаб бўлиши мумкин, деб ҳисоблаб, зиёфатга

рухсат бермади. Кейинги воқеалар эса тұлық кутилмаганда юз берди.

22 февраль – бекор қилинган зиёфат куни Париж атрофидаги ишчилар сайлов ислоҳотини талаб қылдилар ва Гизо ҳукуматига қарши намойишга чиқдилар. Бундай намойишларни бостиришнинг ҳадисини олган ҳукумат яна қўшинга буйруқ берди. Отлиқ ва пиёда аскарлар нон ва ислоҳот талаб қилаётган қуролсиз намойишчиларга қарши ҳужум уюштирилар. Бунга жавобан бутун Париж барикадалар билан ўраб олинди. Кураш кейинги кун тўлиқ давом этди. Ўз тахтини сақлаб қолишга умид қилган Луи Филипп Гизони истеъфога чиқаради ва ислоҳотларга розилик беради. Аммо энди жуда кеч бўлган эди. Қонли тўқнашувлардан сўнг қўзғолончилар Тюильрини, қирол саройини эгаллаб оладилар. Қирол тахтдан воз кечиб, қочиб қолган эди. Унинг тахтини ҳовлига олиб чиқиб, катта гулханда ёкиб юбордилар. Франция иккинчи бор республика бўлиб қолди.

Қўзғолончиларнинг тазиики остида депутатлар палатаси аъзолари муваққат ҳукуматни сайладилар. Ўнга буржуа республикачилари, майда буржуа демократлари ва социалистлар кирдилар. Ҳукуматдаги асосий раҳбар лавозимлар буржуа республикачилари-га насиб этди. Адвокат Дюпон муваққат ҳукумат раиси, шоир ва тарихчи Ламартин ташқи ишлар вазири, амалда ҳукумат бошлиғи лавозимларини эгалладилар. Майда буржуа демократи Ледрю-Роллен ички ишлар вазири бўлди. Социалистлар Луи Блан ва Альбер порт-фелсиз вазирлар лавозимлари билан кифояландилар.

25 февраль куни эрталаб Муваққат ҳукумат йиғилган шаҳар ратушаси олдида тўпланган оломон ва демократ-социалист доктор Распайль раҳбарлигидаги ишчилар вакилларининг талабига биноан Франция расман республика деб эълон қилинди. Бир неча кундан кейин маҳсус декрет билан 21 ёшга тўлган барча эркакларга умумий тенг сайлов ҳуқуқлари берилди. 26 февраль куни «ишчилар учун ҳукумат комиссияси» тузилганлиги эълон қилинди. Комиссия раиси Луи Блан, унинг муовини этиб Александр Альбер тайинланди. Комиссия ишчиларнинг аҳволини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши билан шугуланиши лозим эди.

Муваққат ҳукуматнинг декрети билан 2 мартдан бошлаб иш куни 1 соатга қисқартирилди (Парижда 11 соатдан 10 соатга, бошқа жойларда 12 соатдан 11 соатга қисқартирилди). Ишсизларни иш билан таъминлаш мақсадида миллий устахоналар деб аталган гурухлар

ташкил қилинди. Бу устахоналарда ишчилар кунига 2 франкка ободонлаштириш ишлари билан шуғулланар эди. Аммо иқтисодий инқироз шароитида ишсизлар сони борган сари ошиб борди ва бундай устахоналар бу ердаги меҳнат унумдорлигининг ўта пастлиги туфайли ўзини оқламади.

Республикачилик тузумига эришган ишчилар ўша даврнинг таъбири билан ижтимоий республикани, яъни, муносиб ҳаёт кечириш учун етарли даражада ойлик маошга эга бўлишни, таъминланган кексаликни, болалари учун умумий таълимни ва шу кабиларни орзу қилишганди. Аммо орзулар сароб бўлиб чиқди. 1848 йил 4 май куни очилган Таъсис мажлиси февраль инқилобининг ижтимоий орзуларини оқламади. У республиканинг фақат буржууча бўлишини тўғридан тўғри эълон қилди.

Ишчилар яна қўзғалди. Аммо энди февралдагидек буржуазия билан бирга эмас, унга қарши қўзғалди. Июнь қўзғолонининг тарихий аҳамияти шундаки, унда биринчи марта буржуазия билан пролетариатнинг қарама-қаршилиги яққол намоён бўлди. Бу икки синф бугунги кунда илғор Европа давлатларида, Шимолий Америкада ва бальзи Осиё давлатларида бўлганидек, иккаласини ҳам қаноатлантирадиган ижтимоий тузумнинг мумкинлигига ишонч ҳосил қилишлари учун бу қарама-қаршилик яна юз йиллар давом этиши, қанча жанглар бўлиши ва қанча қурбонлар берилиши лозим эди.

Франциядаги июнь қўзғолони ҳали бу қарама-қаршиликнинг бошланиши эди. Қўзғолонга сабаб минглаб ишсизларнинг кун кўришини таъминлаб турған миллий устахоналарнинг ёпилиши бўлди. Бунга қарши 23–26 июнь кунлари бўлган қўзғолонда 50 минг киши ўлдирилди, 15 мингдан кўпроқ киши судсиз сургун қилинди. Қўзғолонни бостиришга масъул бўлган генерал Кавенъяк ҳеч кимни, болалар ва аёлларни ҳам аямасликни буюрди. Қўзғолон якунлангандан кейин ҳам 3 мингдан зиёд киши шафқатсизларча отиб ташланди, мурдалар эса Сена дарёсига улоктирилди. Таққослаш учун шу йил февраль инқилоби кунларида 5 минг киши ҳалок бўлган эди.

Таъсис мажлиси янги конституция лойиҳасини муҳокама қилишни қайтадан бошлаганда ҳали террор давом этаётган эди. 1848 йилги конституция Францияни республика деб эълон қилди ва унинг шиори қилиб «оила, меҳнат, мулк ва ижтимоий тартиб»

деган иборалар олинди. II Конституция бошқарувнинг барча эски усууларини, муниципалитет, суд ва армияни сақлаб қолди. Киритилган қандайдир ўзгаришлар жамиятнинг мазмунига эмас, кўпроқ шаклига тегишли эди.

Киритилган янгиликлардан энг муҳими февраль инқилоби эълон қилган эркакларнинг, умумий тенг сайлаш хукуқининг қонунлаштирилгани бўлди. Таъсис мажлиси уни бекор қилишга журъат қилмади, аммо унга бир жойда яшашнинг олти ойлик муҳлати билан чегара ўрнатди. 1850 йили бу чегара уч йил қилиб белгилангандан ва уни аниқлашнинг турли хил бюрократик усуслари ўрнатилгандан сўнг уч миллионга яқин киши, асосан баграклар, кунлик ва мавсумий ишчилар сайлов жараёнидан чиқариб ташланди.

Таъсис мажлиси конституциянинг ҳар бир моддасини тантанали демократик жумлалар билан бошлаб, шу жумладан, кейинроқ ўрнатилган чеклашлар ҳақида огоҳлантиришни унутмайди. Масалан, 2-боб 9-моддасида: «Таълим бериш эркин. Таълим беришнинг эркинлигидан қонунда қўзда тутилган шартлар асосида ва давлатнинг назорати остида фойдаланиш мумкин», дейилади.

Ҳокимиятнинг бўлиниш принципига амал қилган Таъсис мажлиси қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни бир палатали Миллий мажлисга, ижро ҳокимиятини эса президентга топширади. Президент ва Миллий мажлисни сайлаш учун бир хил тартиб-умумий сайлов ўрнатилди. 1848 йил декабрда ўтказилган президентлик сайловларида 7 миллион 300 минг сайловчиidan 5 миллион 400 мингтаси Луи Наполеонга овоз беришди ва у Франция президенти этиб сайланди. Дехқонлар Наполеон номи билан Франциянинг аввалиги буюклиги қайтишига, соликларнинг камайтирилишига умид боғлаб унга овоз бердилар. Ишчилар эса президентликка бошқа бир номзод – қонхўр Кавинъяк сайланмаслиги учун Наполеонни кўлладилар. Иирик буржуазия «монархияга ўтиш учун бир боскич» сифатида Наполеонни кўтлади.

Конституцияга кўра президент тўрт йил муддатга сайланади ва қайта сайланиш хукуқига эга эмас. Тўрт йиллик муддат тутагандан кейин Наполеоннинг президентлиги, улуғворлиги, мамлакатдаги таъсири ва обрўси ҳам йўқолиши керак эди. Наполеон бундай тақдирдан кутилишга ва «беймани» конституцияни ўзгаришишга қарор қилди.

Үйланган давлат тұнташига қаршилик қилиши мүмкін бўлган барча кишилар ҳокимиятдан узоклаштирилди ва ўзининг принципсизлиги, таъмагирлиги ва баднафслиги билан ишга кўмаклашадиганлар ҳокимиятга яқинлаштирилди. Айниқса, бу ишга ҳарбийларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Париж гарнizonи тўлиқ янгиланди. Полициячилардан тузилган махсус отрядга 78 кишини қамоққа олиш буйруғи берилди, улардан 16 киши Миллий мажлисдаги мухолифатчиларнинг йўлбошчилари эди.

1851 йил 2 декабрь куни эрталаб президент «француз халқи номи билан» Миллий мажлисни тарқатиб юборганлиги эълон қилинди.

Яна бир прокламациядан шунун уқиши мүмкин эди, тұнташи давлат тузумидаги қуйидаги ўзгариш учун амалга оширилган экан: президент 10 йил муддатга сайланади; давлат кенгаши қонунлар ишлаб чиқади; вазирлар президентнинг хоҳиши билан тайинланади ва ишдан олинади.

Умумий сайлов ҳуқуқи билан безатилган республика кўриниши остида битта шахснинг диктатураси эълон қилинган эди. Янги диктатуранинг бошланиши қонли тўқнашув билан нишонланди: пиёда ва отлиқ қўшинлар йиғилган оломон устига бостириб борди, икки мингга яқин киши ҳалок бўлди. Бутун Франция бўйлаб республикачиларга ана шундай зарба берилди.

1852 йил январда янги конституция тасдиқланди. Унга биноан бошқарув тизимининг марказида президент бўлиб, у ҳам қонунчилик, ҳам ижро ҳокимиятларининг устида турарди. Суд ҳукми унинг номи билан ўқиларди, армия ва полиция унинг измида эди, у декретлар чиқарар ва қонунларни тасдиқларди. 1852 йил ноябрда Наполеон лавозим билан ҳокимият ўргасидаги ному-таносибликни бартараф қилди. Аввал сенат, кейин плебисцит уни Наполеон III номи билан Франция императори деб эълон қилди. Реал ҳокимият молия ва саноат буржуазиси қўлига ўтди. Ҳали ҳеч қачон улар учун бундай қулай шароит яратилмаган эди.

*Франция-Пруссия уруши. Францияда Учинчи республиканинг таъсис этилиши.* Иккинчи империя 1870 йилгача мавжуд бўлди. 1870 йил 19 июлда бошланган Франция-Пруссия уруши дастлабки жангларданоқ Франция ҳукумати ва армиясининг яроқсизлигини курсатди. Франция ҳукумати Пруссияга қарши уруш эълон қиласкан, ташқи душман устидан қозонилган ғалаба тобора чуқурлашиб

бораётган ички сиёсий инкирозни бартараф этади, дея режалаштирган эди. Ҳукумат урушга деярли тайёрланмади ва у Пруссия устидан ғалаба қозониш учун ҳали Наполеон Бонапарт замонидан бери келаётган Франция армиясининг обўсигина етарли, деб ҳисоблашган шекилли. Аслида Германиянинг бирлашиши йўлида ягона тўсиқ деб Наполеон III бошчилигидаги Франция ҳукуматини билган Бисмарк бошчилигидаги Пруссия ҳукумати ҳам урушга интилаётган эди. Бўшаб қолган испан таҳтига шаҳзода Леопольд Гогенцоллерн номзодининг кўрсатилиши урушнинг бошланишини тезлаштириди. Август ойида бўлиб ўтган дастлабки учта жангдаёк немислар Эльзаснинг бир қисми ва Лотарингияни эгаллаб олдилар. Парижда эса Наполеон III сиёсатидан ва урушнинг боришидан норози бўлган мухолифатнинг чиқишилари бошланиб кетди.

Бир неча ғалабалардан сўнг немислар Мез дарёсига чиқдилар ва у ерда қаршилик қилаётган маршал Мак-Магон армиясини тормор қилди. Французлар орқага, Седан атрофига улоқтириб ташланди. 1870 йил 1 сентябрда бу ерда XIX асрнинг энг йирик артиллерия жанги бўлиб ўтди. Седан остоналаридағи жангда француз қўшинларидан 3 минги ўлдирилди, 14 минг ярадор бўлди, 3 минги Бельгия худудида қуролсизлантирилди, 83 минг солдат ва офицерлар Наполеон III бошчилигига асир олинди. 2 сентябрь куни император топширигига биноан оқ байроқ кўтарилиб, генераллар Вимпфен ва Мольтке французлар армиясининг таслим бўлганлиги ҳақидаги актни имзоладилар. Бу ҳалокат бутун Парижни оёққа турғазди. Халқ Қонун чиқарувчи мажлис биносига бостириб кирди. Халқнинг бевосита тазиики остида империяни бекор қилиш ва республикани тиклаш ҳақида декрет қабул қилинди. Бу воқеа 1870 йил 4 сентябрда юз берди. Францияда Учинчи республика таъсис этилди.

Ҳокимият ўзларини «миллий мудофаа» ҳукумати деб атаган бир гурух сиёсатчилар ва ҳарбийлар қўлига ўтди. Янги ҳукумат ўзининг бутун эътиборини Пруссия билан келишишга қаратди, чунки иқтисодий вайронгарчилик, омманинг қашшоқлиги натижасида вужудга келган инқилобий ҳолатдан қўрққанидан у ҳар қандай ён беришлар эвазига бўлса ҳам келишишга тайёр эди. Айтиш лозимки кейинчалик ҳукуматнинг бекорга қўрқмаётганлиги маълум бўлди.

*Париж Коммунаси.* Олти ойдан бўён прусслар армияси томонидан қамал қилинган Париж шахрининг ишсизлик ва очликдан

азоб чекаётган ахолиси 1871 йил 18 март куни қўзғолон бошлади. Миллий гвардияга бирлашган пролетариат Коммунани таъсис қилди ва унда 1848 йилги инқилобда амалга ошмай қолган орзулари – ижтимоий республика принципларини ўрнатмоқчи бўлдилар.

Мувакқат ҳокимият Миллий гвардия Марказий қўмитаси қўлига ўтди. Шароитнинг мураккаблигини охиригача англаб етмаган Тьер хукумати кўшни Версалга қочиб ўтди. Икки куч: бир томондан, пролетариат қўлига ўтган Париж, иккинчи томондан, буржуа Францияси фуқаролик уруши ҳолатига тушиб қолди. Ўзларининг социалистик тамойиллари тантана қилишини истаган Париж пролетариати уларга душман бўлган давлатнинг асосларини буза бошлади. Коммуна доимий армияни йўқ қилди. Буржуа суди ҳам бекор қилинди. Черков давлатдан ажратилди. Раҳбар органларнинг сайлаб қўйилиши ҳақидаги декрет билан Коммунани тан олмаган эски амаддорларнинг ҳаммаси лавозимларидан бўшатилди. Кун тартибига Коммуна томонидан вайрон қилинган давлат аппаратини нима билан алмаштириш масаласи қўйилди. Миллий гвардия Марказий кенгаши ишни Коммуна кенгашига сайловлар ўтказишдан бошлади. Бу сайловлар шаҳар округлари бўйича, умумий тенг сайлов хукуки асосида ва фикрларнинг мутлақо эркинлиги ҳолатида ўтказилди. Депутатларнинг ярмини ишчилар ташкил қилди. Коммуна кенгашида бош ролни илгари ҳақиқий инқилобчи бўлган, аммо мамлакатни социалистик қайта қуриш муаммоларини жуда мавхум тасаввур қиласидиган бланкичилар ўйнади. Коммуна кенгаши, ўша давр кишиларининг образли қилиб айтишича, парламентар эмас ишчи корпорация эди. Коммуна фақат қонун чиқарувчи ёки ижро ҳокимияти эмасди, у иккала ҳокимиятни ҳам ўзида мужассамлаштирган орган эди. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Конунларни ижро килиш, Коммуна кенгашининг сиёсатини юргазиши 10 та комиссияга топширилди, шулардан 9 таси қатъий белгиланган ваколатларга: молия, маориф, адлия, ташқи алоқалар, меҳнат, ижтимоий хизматлар, мудофаа, ижтимоий хавфсизлик кабиларга эга эди. Мувофиқлаштирувчи марказ роли барча комиссиялар вакилларидан тузилган маҳсус Ижро комиссиясига топширилди. Айни пайтда Коммуна бошқарувнинг энг маъқул усулини излашда ва ўз аппаратини такомиллаштиришда давом этди. Охир-оқибатда қўйидаги принцип ўрнатилди: муҳокама жараёни коллегиал, жа-

вобгарлик эса бир кишида. Щунинг билан бирга бюрократизм ва амалдорларнинг зўравонлигига йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилди. Декретлардан бирида айтиладики, амалдорларнинг ойлик маоши юкоридан пастигча ишчининг ойлик маошидан ошмаслиги керак. Сайланиб қўйиш, ҳисобдорлик, лавозимдаги шахсларнинг алмашинуви давлат қурилишининг муҳим принциплари бўлиб қолди.

Коммуна Франциянинг давлат тузилишини қайта қуриш режасини ишлаб чиқди ва эълон қилди. Режа «Француз халқига декларация» деб аталди. Бу жуда қисқа, аммо принциплари аниқ ҳужжат эди. Унга кўра Франция Париж Коммунаси типидаги эркин коммуналарни бирлаштирган республика бўлиши лозим, шаҳарлар ва энг кичик қишлоқлар ҳам ўз-ўзини бошқаришнинг тўла хукуқига эга бўлиши ва бу хукуқлар қўшни коммуналарнинг шундай хукуқлари ва мамлакат манфаатлари билангина чегараланиши мумкин. Коммуна бир декрет билан умумий фаровонликка эришиш мумкин эмаслигини яхши тушунарди. Ўзгаришларнинг бутун бир даври олдинда турганди.

Коммуна 16 апрелдаги декрети билан Меҳнат ва алмашинув комиссиясига капиталистлар томонидан ташлаб кетилган корхоналарни ишчиларнинг кооператив жамиятлари қўлига топширишнинг усусларини белгилашни топширди. Бунда компенсация тўловлари истисно қилинди. Бошқа бир акт – Лувр устахоналарининг устави билан ишлаб чиқариш устидан ишчи назорати ўрнатилди. Ишчилар манфаатларига хизмат қилган бошқа тадбирлар ичida новвойларнинг кечаси ишлашини бекор қилиш, ойлик маошдан жарима ва чегирмалар ушлаб қолишини такиклаш, ломбардларга қўйилган мебель, кийим-кечак ва меҳнат қуролларини қайтариш кабиларни айтиш мумкин.

Тадбирларнинг алоҳида гурухи судлар фаолияти ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Реакцион матбуотни ёпиш тўғрисидаги Коммуна декрети қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Кечагина матбуотнинг тўла ва чекланмаган эркинлигини ёқлаб чиқсан кишиларга бу декретни қабул қилиш осон эмасди. Улар бунда «принципларга хиёнатни» қўришди.

Тараққиёт шу тариқа Коммуна арбоблари олдига инқилоб ва демократия, демократия ва диктатура муаммоларини қайта-қайта қўяверди.

Сиёсат ва тактика масалаларида Коммуна аъзолари кўрсатган қатъиятсизлик ва иккиланишлар марксистик адабиётда кўплаб ма- ротаба таҳлил қилинган ва қаттиқ танқид остига олинган. Аммо бу- гун айтиш лозимки, бундай ҳолатлар ҳақиқий озодлик ҳаракатининг юксак маънавий идеаллар ва ахлоқий принципларга содиклигини ҳам кўрсатиб туради.

Коммунанинг қайғули интиҳоси барчага маълум. 72 кунлик қизғин фаолиятдан сўнг 28 май куни у қулади. 30 минг киши ўлдирилди. 50 минг киши қамалди, сургун қилинди. Умумий ҳисобда Париж ўзининг 100 минг ўғил-қизларидан айрилди.

Коммуна ғалаба қилиши мумкинми? Албатта йўқ. Иккита ар- мия – француз ва немис армиялари томонидан ўраб олинган Ком- мунанинг ҳалокати муқаррар эди.

Коммунадан нима қолди? Хотира ва озодлик учун курашнинг аччиқ тажрибаси.

*Францияда Учинчи республиканинг ўрнатилиши.* 1870 йилда- ги инқилоб ва айниқса Париж Коммунасининг 72 куни Франция- да республика тузумини узил-кесил ўрнатди. Монархияга қайтиш энди мумкин эмасди; ҳалқ ва буржуазиянинг катта қисми бирон бир шаклдаги монархияни бошқа хоҳламасди. Аммо 70-йиллар бошида- ги Франция сиёсий ҳаётидаги ўзига хос мантиқсизлик шундан ибо- рат эдики, монархияга қарши кайфиятдаги мамлакатда ҳокимият амалда монархиячилар қулида эди. Улар Францияда монархия ре- жимини тиклаш ниятларини яшириб ҳам ўтирумасдилар.

1870 йил февралда сайланган Миллий мажлиснинг ваколати жуда тор сиёсий масалани – ғолиб Германия томонидан таклиф қилинаётган тинчлик сулҳини тасдиқлаш билан чегараланганди. Германияга Эльзас ва Лотарингияни бериб, беш миллиардлик кон- трибуция тўлаш мажбуриятини олиб, Миллий мажлис шармандали бўлсада, тинчликка эришди. Шундан сўнг унинг асосий вазифаси янги конституцияни ишлаб чиқиш бўлди. Бу ишга тўргт йил вакт сарфланди. Кўпчилик депутатлар конституциявий бўлса-да, мо- нархияни тиклаш тарафдорлари эди. Лекин улар ишчилар, умуман республикачиларнинг бунга муносабатидан чўчир эдилар. Бундан ташқари учта даъвогар: легитимистлар, орлеанистлар ва бонапарт- чиларнинг мавжудлиги ҳамда ўзаро кураши шароитни янада му- ракаблаштираётган эди. Охир оқибатда ҳукумат бошлиғи Тъер ҳам республикани ёқлашга мажбур бўлди. «Бир вақтда учта даъвогарни

тахтга чиқаришнинг иложи бўлмагандан сўнг» майли республика бўлсин, деди у. 1873 йил 24 майда Тъерни истеъфога чиқаришиди ва ўрнига ҳукумат бошлиғи этиб генерал Мак-Магон сайланди. Кекса генерал на ўткир аклга ва на ҳарбий иқтидорга эга эди. «Франциядаги энг буюк эшак», дейишганди у хақда замондошлари.

1875 йилнинг бошига келиб Мак-Магон ва ўнг партияларнинг ҳаракатига қарамасдан Миллий мажлиснинг қўпчилик аъзолари республикани тан олишга хоҳиш билдираётган эди.

Республикани эълон қилиш таклифи яна рад этилгандан сўнг, эртасига, 29 январь куни Миллий мажлис тарихчи Валлон томонидан киритилган «конституциявий тузатиш»ни қабул қилди. Унга биноан: «Республика президенти... 7 йил муддатга тайинланади». Валлон ўз нутқида: «Мен республикани эълон қилишни таклиф қилмаяпман, мен ҳозир мавжуд бўлган республикачилик ҳукуматини давом эттиришни таклиф қиласяпман» холос, деди. Валлон монархистик тўнтариш учун ўрин қолдирган эди. Умуман 1875 йил конституциясини қабул килганлар уни вақтинча деб ўйлашганди. Шунга қарамасдан 30 январда фақатгина битта овоз устунлик билан (353 овоз рози, 352 овоз қарши) қабул қилинган Учинчи республика конституцияси то Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар, 60 йилдан зиёдроқ амалда бўлди.

### XIX асрда Франциянинг давлат тузилиши

<b>Бошқарув шакли</b>	<b>Даври</b>	<b>Ўзгариш сабаби</b>
Биринчи республика	1792–1804	Наполеон I тўнтариши
Биринчи империя	1804–1815	Наполеон I мағлубияти
Абсолют монархия	1815–1830	Вена конгресси
Чекланган монархия	1830–1848	Инқилоб
Иккинчи республика	1848–1852	Инқилоб
Иккинчи империя	1852–1870	Наполеон III тўнтариши
Учинчи республика	1870–1940	Инқилоб

Учинчи республика конституцияси Биринчи ва Иккинчи республикаларнига нисбатан камроқ демократик эди. Бу ҳол конституция қабул қилинган шароитдан, уни ишлаб чиқсан ва қабул қилган Миллий мажлис таркибидан, конституцияни ишлаб чиқиш жараёнида халкнинг иштироки чекланганлигидан келиб чиқсанди. Конституция икки палатали парламентни ва умрбод сенаторлик институтини қисман жорий қилди, ижро ҳокимиятининг ролини оширди,

парламент ва хукуматнинг ўрнашган жойи қилиб Версални белгилади.

**Иқтисодий тараққиёт.** 1875 йилги Франция конституциясининг характеристи охир окибатда мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган ўзгаришлар билан белгиланади.

Улар орасида йирик машина саноатига ўтишнинг якунланганлиги (ёки деярли якунланганлиги) алоҳида аҳамият касб этиб, у янги тарихий даврнинг кириб келаётганлигидан дарак берарди.

### Францияда саноат тўнтириши натижалари

Соҳа / йиллар	1830	1870
Аҳоли сони (млн киши)	32	38
Темир йўлларнинг узунлиги (км)	37	17929
Буғ двигателлари сони (дона)	2000	27000

Бутун XIX аср давомида Франция саноат ишлаб чиқаришнинг даражаси бўйича Англиядан кейин иккинчи ўринни эгаллаб келди. Аср охирига келиб эса ёш капитализм мамлакатлари бўлган АҚШ ва Германиядан ҳам ортда қолиб кетди. Тараққиёт даражасининг секинлашуви XIX аср охиридаги Франция иқтисодиётининг белгиларидан бирига айланди.

Расмий статистика маълумотларига қараганда, аслида XIX аср охирида ҳам Франция аграр-индустриал мамлакат бўлиб қолаётган эди. Унинг қишлоқ аҳолиси 1876 йили 67,9% ни, 1896 йили эса 60% ни ташкил қилган. Франция нисбатан қолок қишлоқ хўжалиги ва тараққиёт суръатлари секинлашган саноатга эга бўлишига қарамасдан, XIX аср охирида жуда катта молия капиталига эгалик килаётган эди. Ҳали аср ўрталаридаёқ сезиларли қудратга эришган француз банклари аср охирига келиб жуда катта капитал ва аҳоли турли қатламларининг жамғармаларини саклаётган эди. Француз капиталистларига қарашли қимматбаҳо қоғозларнинг умумий қиймати 1869 йили 33 млрд франк бўлган бўлса, 1906 йилга келиб улар қиймати 85–100 млрд франкка етди. Француз капиталистлари маблағларини унга муҳтож бўлган Франция саноатига эмас, чет элларда жойлаштиришни афзал кўтарди. 1869 йилдан 1890 йилгача ўтган 20 йилда четга чиқарилган француз капитали икки карра орди ва 20 млрд франкни ташкил қилди.

Франция иқтисодининг ривожланишидаги бу ўзига хослик мамлакатнинг ижтимоий тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди ва

Учинчи республикада сиёсий курашнинг йўналишини белгилаб берди.

**XX аср бошларида Франция (1900–1914 йиллар).** XX аср бошларида Франция узил-кесил монополистик капитал ҳукмрон бўлган, капитализм тараққиётида империализмга хос белгилар асосан шаклланган мамлакатга айланди. Бу йиллари Францияда ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви тезлашди, монополиялар сони ўсади. Монополиялар мамлакат хўжалик ҳаётининг асосига айланди. «Шнайдер-Крезо» концерни ҳарбий саноатнинг асосий корхоналарини бирлаштирди. Кимё саноатида «Сен-Гобен» йирик монополистик компания бўлиб олди. Саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам йирик монополистик бирлашмалар пайдо бўлди.

Айни пайтда янада жадалроқ суръатлар билан банкларнинг концентрациялашуви, уларнинг саноат билан қўшилиб кетиши жараёни ва молия капиталининг шаклланиши юз берди. Молия олигархияси мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида асосий кучга айланди. Четта товар эмас капитал чиқаришнинг устуворлик тенденцияси XX аср бошларида янада жадаллашди. Француз молия олигархияси чет эл бозорларини бўлиб олишда, унинг учун курашда, ҳарбий-сиёсий иттифоқлар тузишда ва бевосита урушни тайёрлашда фаол иштирок этди.

1897 йили бошланган иқтисодий ўсиш саноатнинг ҳамма жабҳаларини, айниқса металлургияни қамраб олди. Томаснинг чўян эритиши соҳасидаги ихтироси туфайли Лотарингия саноат райони тез ривожланди, чўян қўйиш ва металл прокатининг янги заводлари пайдо бўлди. Ҳукумат томонидан юргизилган протекционистик сиёсат ҳам Франция саноатининг ривожланишига катта таъсир курсатди.

1900 йили бошланган инқироз француз иқтисодиётининг ўсишини вақтинча тұхтатиб қўйди. Инқироз биринчи навбатда металлургия соҳасига таъсир кўрсатди. 1900 йилдан 1901 йилгача чўян ишлаб чиқариш 12% га, темир рудасини қазиб олиш 11,1% га, пўлат ишлаб чиқариш эса 9% га тушиб кетди. Инқироз умумжаҳон миқёсида бўлганлиги учун Франция товарларига, ҳатто чет эл бозорларида деярли рақобатга эга бўлмаган енгил саноат маҳсулотларига ҳам талаб пасайиб кетди. Парижнинг энг харидоргир товарлари – зеб-зийнат ва ҳашам буюмларини (Париж модалар маркази эди), бежирим шиша ва чинни

маҳсулотларини, сунъий гуллар ва санъат асарларини четга чиқариш ҳам кескин камайди.

Қисқа муддатли депрессиядан сўнг 1905 йили иктиносидётда янги кутарилиш даври бошланди: француз металлургия саноатини қайта жиҳозлаш жараёни ва корхоналарнинг янги техникадан фойдаланишга ўтиши жадаллашди. XX аср бошидаги иктиносидий юксалиш ташки савдонинг, айниқса молия операцияларининг ошишига олиб келди.

1907 йили бошланган жаҳон иктиносидий инқирози Францияга бошқа йирик капиталистик мамлакатларга қараганда камроқ таъсир кўрсатди. 1909–1914 йиллари эса Францияда саноат, хусусан, металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсади. У куйидагича эди (минг тонна ҳисобида):

	1909 йил	1913 йил
чӯян	3 574	5 207
пӯлат	3 040	3 600
алюминий	6,1	13,5

Саноатни электрлаштириш жадал ривожланди. 1913 йилга келиб Альп водийсида қатор электрометаллургия ва электрокимё заводлари барпо қилинди. Саноатдаги ривожланиш ва концентрация жараёнига қарамасдан Франция ҳали бу борада бошқа капиталистик мамлакатлардан ортда қолаётган эди. У аграр-индустриал давлат булиб, 1911 йили аҳолисининг 56% и қишлоқ жойларда яшарди, 40% аҳоли қишлоқ хўжалигида, 35,8% и эса саноат соҳасида фаолият юритарди. Қишлоқ хўжалиги анча секин ривожланаётган булиб, 1914 йилги уруш арафасида буғдорий ҳосилдорлиги бўйича Франция Европа мамлакатлари орасида ўнинчи ўринда эди. Чорвачиликда ҳам худди шундай ортда қолиш ҳолати кузатилаётганди. Бундай қолоқликнинг, айниқса саноатга, сабаби юкорида айтилганидек, Францияга хос бўлган четга капитал чиқаришнинг юкори даражаси эди. 1908 йили Франция иктиносига йўналтирилган умумий маблағ 9,5 млрд франк, чет эл облигациялари ва қимматбаҳо қоғозларига қўйилган маблағ эса 104,4 млрд франкни ёки 10 баробардан кўпроқни ташкил қилди. 1914 йили четга чиқарилган француз капиталининг умумий ҳажми 60 млрд франкни ташкил қилди.

Франция иктиносидётига ҳарбий харажатларнинг ўсиши ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бундан айниқса аҳоли қаттиқ азият чекди.

Агар Франциянинг ҳарбий харажатларини аҳоли жон бошига 100% деб оладиган бўлсак, бошқа давлатларнинг харажатлари унга нисбатан куйидагича: Англияда – 82%, Германияда – 72%, Италияда – 40%, Австро-Венгрияда – 22% ва Россияда – 32% ни ташкил килади. Аҳолидан олинадиган солиқлар ҳам Европанинг бирорта давлатида Франциядагичалик катта эмасди. Бу ерда солиқлар Англиядагидан 1/5 марта, Германиядагидан эса 1/3 марта юқори бўлиб, бундай юқори солиқларнинг сабаби тўхтовсиз ўсиб бораётган ҳарбий харажатларда эди. Табиийки ушбу ҳолатдан норози бўлган қатлам 1902 йилги сайловларда сўл партияларга овоз берди ва Эмиль Комб бошчилигидаги радикаллар<sup>1</sup> ҳукуматга келдилар. Комб ҳукумати ўзининг асосий вазифаси қилиб клерикализмга<sup>2</sup> қарши курашни белгилади. Католик ташкилотларнинг фаолияти анчагина хавфли миқёс касб этаётганлиги жамиятни ташвишга солаётган эди. Уларга қарашли кўчмас мулклар сўнгги йигирма йил ичida 350 млн франкка кўпайди ва 1900 йили 1 млрд франкдан ошиб кетди. Дунёвий мактабларга нисбатан диний мактабларда ўқувчилар сонининг ошиб кетаётганлиги ҳам ҳукуматни ташвишлантираётган эди.

1902 йил 27 июнда ҳукумат конгрегациялар<sup>3</sup> томонидан асос солинган 125 та мактабни ёпиш ҳақида декрет зълон қилди. Бу асосан роҳибалар томонидан бошқариладиган қизлар мактаблари эди. 10 июлда диний ташкилотларнинг яна 3000 мактабини 8 кун ичida ёпиш тўғрисида қонун қабул қилинди. 54 та эркаклар конгрегациялари тарқатиб юборилди. 1904 йил 7 июлда Комб ҳукумати мамлакатда конгрегационистик таълимни бутунлай тутатиш тўғрисида қонун қабул қилди. Шу йил октябрда эса ҳукумат черковни давлатдан ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини киритди.

Амалга оширилган тадбирларнинг жамият учун нечоглиқ фойдалигига қарамасдан, реакцион кучлар томонидан танқидга учраган Комб ҳукумати 1905 йил январда истеъфога чиқди.

Айтиш лозимки, Учинчи республиканинг характерли жиҳатларидан бири кўппартияйилик ва парламентда муқим устун-

<sup>1</sup> Радикал – туб ва кескин чора-тадбирлар кўриш тарафдори. Қисман демократик ислоҳоғлар утказинши талаб қиласиган сўл партиялар тарафдорлари.

<sup>2</sup> Клерикализм (лотинча clericalis-черковга оид) – ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида черковнинг ролини оширишга интилувчи ҳаракат.

<sup>3</sup> Конгрегация – (лотинча congregation – иттифоқ, уюшма) – католикларда орден мақомига эга бўлмаган монахлик уюшмаси. Ҳозирги кунда Рим куриясида 9 та конгрегациялар мавжуд.

ликка эга партиянинг йўқлиги. Шунинг натижасида ҳукуматда ҳам барқарорлик йўқ эди. Ҳукуматларнинг ўртacha фаолият муддати 8 ой бўлган. 1875 йилдан 1914 йилгача бўлган 39 йил ичида 48 та ҳукумат алмашди.

Аср бошида бир неча ҳукуматлар таркибида ташки ишлар вазирлигини Теофиль Деллассе бошқарди. У мұтадил республикачилардан эди. Деллассе ўзининг бутун фаолияти ва маҳоратини (у яширин дипломатиянинг устаси саналарди) Англия ва Россия билан муносабатларни яхшилашга, Германиянинг тобора кучайиб бораётган даъволарига қарши кучларни сафарбар килишга қаратди. Унинг даврида Антантанинг асоси яратилди. 1904 йил 8 апрелда Англия билан шартнома имзоланиб, унга кўра Миср устидан Англия, Марокаш устидан эса Франция назорати эътироф этилди (Миср ва Марокаш ҳақида декларация) ва Сиам (Тайланд) Менам дарёси буйлаб Англия ва Франция таъсир зоналарига ажратилди (Сиам, Мадагаскар ва Гибралорд ороллари ҳақида декларация). Ушбу ҳолатдан Германиянинг норозилиги туфайли ва унинг талаби билан 1906 йил 15 январдан 7 апрелгача Альхесирасс конференцияси бўлиб ўтди. Унда 11 та Европа давлатлари, АҚШ ва Марокаш вакиллари иштирок этишди. Конференция Марокашнинг формал мустақиллигини тан олди ва барча давлатлар учун иқтисодий очик зона деб таъкидлади. Бироқ Россия ва Англия томонидан қўллаб-куvvatланган Франция «молиявий ва ҳарбий ишларда устун ва раҳбар ролга» ҳамда Марокаш полициясига раҳбарлик қилиш ҳукуқига эга бўлди.

1906 йил октябрда Франция президенти Арман Фалльер бош вазир этиб 65 ёшли «кекса дебютант» Жорж Клемансони тайинлadi. Клемансо ўша даврда Франциянинг энг йирик сиёсий арбоби эди. Ишчилар ҳаракатининг юксалиши ва ишчилар намойишларининг бостирилишлари ҳам унинг даврига туғри келади. 1909 йил июлда Клемансонинг ўрнига ҳукумат бошлиғи лавозимига келган Аристид Бриан ҳам социалистлардан эди. Унинг даврида бошланган Марокаш масаласидаги Германия билан келишмовчиликлар 1911 йил 4 ноябрда Берлинда имзоланган икки томонлама келишув билан якунланди. 1912 йили Испания билан ҳам Марокаш буйича келишув имзоланди. Шундан сўнг 1911 йили Брианнинг ўрнига келган Кайо ҳукумати ҳам истеъфога чиқиб, ҳокимиятта Раймон Пуанкаре келди. У бевосита Францияни урушга тайёрлаш билан шуғулланди. 1912–1913 йиллари армия қайта ташкил қилиниб, унинг сони оширилди. 1913 йили Франция армиясининг сони 31,6%

га ошди, ҳарбий ҳаражатлар ҳам 1910 йили 936 млн франк бўлган бўлса, 1913 йили 1 млрд 200 млн франкни ташкил қилди. Бу пайтга келиб урушнинг муқаррарлиги энди ҳеч кимда шубҳа уйготмай кўйган эди.

\* \* \*

XIX асрда ҳеч бир ҳалқ француздарчалик кўп урушларда катнашмади, бошқа бирорта европалик миллат француздардек кўп инқилобни амалга оширгади. Натижада XX аср бошларига келиб Франция дунёнинг энг қудратли давлатлари қаторига кирсада, инқилоблар ва урушлардаги жуда катта йўқотишлар туфайли ривожланиш суръатлари тобора пасайиб бораётган эди. Бу ҳол айниқса Биринчи жаҳон урушида яққол кўзга ташланиб қолди.

### III боб бўйича саволлар

1. 1799 йил Наполеон томонидан амалга оширилган давлат тўнтишишининг моҳияти нимада?
2. Буюк француз инқилоби давридаги «Озодлик, Тенглик, Биродарлик» шиорларининг «Озодлик, Тенглик, Хусусий мулк» шиорлари билан алмаштирилиши Наполеон ички сиёсатида қандай ўзгаришларни англатарди?
3. Наполеон даврида қабул қилинган қонунлар Франциянинг иқтисодий ривожланиши учун қандай аҳамиятга эга бўлди?
4. Наполеон армиясида ватанпарварлик рухининг юкори булишини қандай омиллар таъминлади?
5. Наполеон империясининг ички ва ташқи сиёсатини таҳлил килиб, 1809 йилдан кейинги кучсизланиш сабаблари нимада дейиш мумкин?
6. Наполеон мағлубиятининг асосий сабаблари нимада эди? Вена конгрессининг қарорлари асосан нималарга қаратилди?
7. Вена конгресси Европада ўрнатган сиёсий тизимнинг асосий таянчи нимада эди?
8. Франциядаги саноат тўнтишишининг қандай ўзига хос жиҳатлари мавжуд ва Англиядаги саноат тўнтишидан қайси жиҳатлари билан фарқ киласди?
9. Францияда Реставрация даври сиёсий тизимишининг Империя даври сиёсий тизимидан қандай фарқли томонлари бор?
10. 1848 йилги инқилобнинг асосий сабаблари нимада? Инқилоб қандай оқибатларга олиб келди.
11. Франция-Пруссия уруши қандай оқибатларга олиб келди? Париж коммунаси ва Францияда Учинчи республиканинг ўрнатилишига нималар сабаб бўлди?
12. XX аср бошларида капитализм ривожланишининг қайси жиҳатлари Францияга хос эди?

## IV БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА БУЮК БРИТАНИЯ

*XIX асрнинг I ярмида Буюк Британия. Иқтисодий таракқиётнинг асосий ўйналишлари.* XIX асрнинг дастлабки ўйили Англияда капитализмнинг жадал тарақчиёт даври бўлди. Авваллари енгил саноат, биринчи навбатда тўқимачилик ва айниқса унинг янги соҳаси бўлган ип газлама саноати жадал суръатлар билан ривожланган эди. Эндиликда саноатнинг бошқа соҳалари, жумладан, оғир саноатда муваффакиятларга эришилди. Армия учун артиллерия қуролларига давлат буюртмалари металлургия соҳасининг ривожи учун катта туртки бўлди. Механик кучдан кенг фойдаланиш тобора оммалашиб борди: 1810 йили Англия саноатида 5 мингта буғ машиналари ишлатилган бўлса, кейинги 15 йилда улар сони уч баробарга ошди. Машинасозлик, айниқса 1824 йили парламент Англиядан ташқарига машиналар олиб чиқишига қисман рухсат бергандан сўнг, жадал ривожланди. 1811 йилга келиб савдо ва саноат соҳасида Англия ахолисининг 44% и банд эди. Саноат пролетариатининг сони ҳам тез ўсиб борди. Машинали ишлаб чиқариш билан рақобатга бардош бера олмаган, хонавайрон бўлган майда ишлаб чиқарувчилар ишсизларнинг сонини тўлдириб борганлиги натижасида ишчиларнинг иш ҳақи ишлаб чиқаришга пропорционал равишда ўсиб бормади. Кам иш ҳақи тўланадиган аёллар ва болалар меҳнатидан фойдаланиш кенг тарқалган эди. Ҳукумат ҳали ҳамон давом этаётган луддчиликка қарши кескин кураш олиб борди. 1813 йили машиналарни бузганик учун ўлим жазоси белгиланди.

1820-йилларнинг бошларига келиб Англия Наполеон урушлари оқибатида келиб чиқсан иқтисодий қийинчиликларни енгуб, саноат тараккиёти даврига чиқиб олди. Англия товарлари учун кенг маҳсулотлар бозорига айланган Лотин Америкаси мамлакатлари хисобига экспорт анча ўсади.

Иқтисодий конъюктуранинг яхшиланиши мамлакатда сиёсий вазиятнинг ҳам юмашшига олиб келди. Сўл кучлар, айниқса уларнинг асосий вакили бўлган, 1822 йилдан ҳукуматда ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаган Жорж Каннинг (1770–1827) баъзи ислоҳотларнинг амалга оширилишига эришиди: ғалла ва саноат хомашёсига бож тўловлари пасайтирилди, товарларни четга олиб

чиқиши коидалари енгиллашди. Жиноят қонунчилиги ҳам қайта күриб чиқилиб, баъзи жиноятлар учун жазо енгиллаштирилди.

Шу даврдаги муҳим ислоҳотлардан бири ишчиларнинг турли хил иттифоқларга бирлашишларини катъиян тақиқловчи 1799 йилги қонуннинг бекор қилиниши бўлди. Янги қонун касаба уюшмалари – тред-юнионлар фаолиятига рухсат берди. Бу ишчилар ҳукуқларини ҳимоя килиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида катта қадам бўлди.

1825 йили Англияда капитализм тарихида биринчи марта саноатнинг цикли инқизози юз берди. У Англия иқтисодиётининг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Натижада мамлакатдаги сиёсий вазият яна кескинлашди. Сиёсий курашлар марказида парламент ислоҳоти масаласи туарарди. Бу талаб умумий сайлов ҳукуқлари ва бошқа сиёсий эркинликлар учун кураш олиб бораётган сўл радикал кучлар томонидангина қўйилаётган эмасди. Парламент ислоҳотларини, албатта радикалларникига нисбатан чекланганроғини, саноат буржуазияси вакиллари ҳам талаб қилаётган эдилар. Феодал аристократиянинг ҳукмронлиги, буржуа инқилобидан сўнг шаклланган тузум манфаатларини ҳимоя қилаётган бўлса-да, жамиятнинг янги ҳолатига аллакачон мос келмаётган эди. Саноат буржуазияси энди мамлакатни бошқаришда бевосита иштирок этиш талаби билан чиқди. Бу талабга кўра мамлакатдаги сайлов тизими шундай ислоҳ қилиниши лозимки, натижада парламент устидан назорат тўлиқ буржуазия қўлига ўтиши керак эди. Каннинг бошчилигидаги ҳукумат ўтказган ислоҳотлар бу асосий масалани ҳал этмаганди. Унинг ўлимидан сўнг ҳокимиятга келган Артур Веллингтон (1769–1852) бошчилигидаги ўнг тори вакиллари Англиядаги тизимни мукаммал деб ҳисоблаб, хеч қандай ўзгаришларни лозим топмади. Натижада парламент ислоҳотлари учун кураш янада кескин тус олди.

*Буржуазия мафкураси ва унинг вакиллари.* Буржуа сиёсий иқтисодининг йирик вакилларидан бири Давид Рикардо (1772–1823) ўз асарларида капиталистик жамиятнинг асосий қонунларини таҳлил қилишга ҳаракат қилди. У ҳар қандай қийматнинг асосида товар ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат ётади, деган назарияга асосланиб, ишчиларнинг иш ҳақини пасайтириш капиталистнинг даромадини оширади дея таъкидлайди. Шу сабабли ишчилар билан капиталистлар манфаатлари бир-бирига зиддир, дейди у. Ри-

кардо капиталистик жамиятни ислоҳ қилиш орқали уни мукаммал-лаштириш, зиддиятларни йўқотиб бориш лозим, чунки бу абадий жамият, зеро унинг асосини ташкил қилувчи шахсий манфаат тараққиётнинг ягона ҳаракатлантирувчи кучидир, дейди.

Ўша пайтда жамиятнинг катта қисмини, айниқса сўлларни газабга келтирган фикрлар Томас Мальтус (1766–1834) асарларида пайдо бўлади. У 1798 йили нашр қилинган «Аҳоли кўпайиши қонуни ҳақида тажриба» асарида капиталистик жамиятда кўпчилик аҳолининг қашшоқлиги жамиятдаги иктиносидий ва сиёсий тенгизлик оқибати эмас, табиий шароитнинг натижаси эканлигини исботлашга ҳаракат қилди. Мальтус томонидан таклиф қилинган «табиий» биологик қонунга кўра аҳоли сони геометрик прогрессия бўйича (яъни, 1,2,4,16 ва х.к.), яшаш воситалари ёса арифметик прогрессия бўйича (1,2,3,4,5 ва х.к.) кўпайиб боради. Натижада аҳолининг ҳаддан ошиб кетиши ва табиий равишда катта қисмининг қашшоқлашуви юз беради. Унинг таълимотидан ўнглар ҳам сўллар ҳам ўз назарияларини исботлаш учун фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Натижада турли даврларда «аҳолининг мутлак кўпайиб кетиши», «ҳаётий кенглик»нинг зарурлиги, «аҳолининг оптимал сони», «геокенглик» ва «геосиёсат» каби тушунчалар пайдо бўлди. Мальтусчилик ва ундан келиб чиқадиган ғайриинсоний хуносалар ўз даврида Ш. Фурье, П. Леру, П. Прудон, К. Маркс, Д.И. Менделеев сингари олимлар томонидан танқид қилинган.

**Виктория даврининг бошланиши.** 1837 йили ганноверликлар сулоласининг сўнгти эркак вакили вафот этди ва таҳтга ўн тўққиз ёшли Виктория (1819–1901) ўтиради. Ўшанда бу тортичоқдай бўлиб кўринган қизча 64 йил таҳтда ўтиради деб ҳеч ким ўйламаган эди. Тарихга «Виктория Англияси», «Виктория даври», «викторианча ахлоқ» ва ҳатто «викторианча архитектура» тушунчалари кириб, фақат Британияда эмас, Канадада, Австралияда, Ҳиндистонда ва ҳатто АҚШда ҳам кенг қўлланилади. Шу камгап, тўладан келган, унча чиройли бўлмаган аёл Англия ўз қудратининг энг чўққисига чиққанда унинг рамзига айланади деб ким ҳам ўйлабди?

Тажрибасиз қизча бўлиб таҳтга келган Виктория унга ҳомийлик қилган лорд Мелборн раҳбарлигига парламент анъаналарини ва конституция одатларини жуда тез ўзлаштириб олди. Аста-секин унинг ҳарактеридаги қатъиятлик, ҳукмини ўтказа олиш ва шаддодлик сингари сифатлари намоён бўла бошлади. У қироллик

хокимияти ҳукукларини жуда юқори кўйди ва ҳеч кимга унга таҳдид қилиш имконини бермади. У парламент билан зиддиятта бормади, отаси Георг III ва амакиси Георг IV сингари унинг ваколатларига таҳдид килмади, бир неча бор қаттиқ хўрсиниш билан ўзига унчалик ҳам ёқмаган Гладстонни давлатнинг энг юқори лавозимиға тайинлади; аммо барча бош вазирлар унга хатини «Тавозе билан бўйсуниб, ўз бурчимни бажарган холда...», деб бошлишарди ва тик туриб ҳисобот берардилар. У турмуш ўртоғи Альберт Саксен-Кобург-Готскийни ҳам ўзи танлаганди. Улар кўп фарзандли, намунали инглиз оиласи бўлишди. Эри вафот этгандан кейин Виктория қирқ йил мобайнида мотам тутди.

Қиролича фуқаролик ва оилавий энг яхши фазилатларнинг рамзига айланди. У амакиси даврида дарз кета бошлаган монархликнинг обрў-эътибори ва нуфузини юқори кўтарди. Унинг образи империянинг қудрати ва буюклигига намоён бўла бошлади. Қиролича Европанинг деярли барча монархлик уйлари билан фарзандлари ва жиянларининг никоҳлари орқали қариндош тутинди. Унга, туғилганида Наполеон урушларидан кейин Европада обруси жуда юқори бўлган рус подшоси Александр I шарафига Александрида-Виктория дея исм берилган эди. Бу исм охирги марта Викторияга тож кийдириш маросимида айтилди. Кейин қиролича Россияни Англиянинг асосий рақиби деб ҳисоблаб, бу исмни бутунлай учириб ташлади. У таҳтга оғир пайтда, ташки савдо масаласи бўйича сиёсий мунозаралар кучайган, мамлакатда капитализм ўз ривожининг жадал палласига кирган пайтда келди ва мамлакат олдида турган вазифаларни муваффакият билан ҳал қилиб борди.

*XIX аср ўрталарида Англия. Саноат тўнтишишининг якунланиши.* XIX аср 30–40-йиллари Англия тарихида капитализмнинг жадал ривожланиш даври ҳисобланади. Бу ерда бошқалардан олдинроқ саноат тўнтиши ўзининг якунловчи босқичига ўтди ва шу ҳол Англияни капиталистик дунёнинг энг ривожланган мамлакатига айлантирди. Бу даврга келиб Англия саноатининг асосий тармоқларида фабрикали ишлаб чиқариш узил-кесил галаба қозонди. Ҳали 1830 йилда ҳатто энг ривожланган тўқимачилик саноатида ҳам қўл кучига асосланган станоклар сони механик станоклар сонидан уч баробар зиёд эди. Кейинги 20 йил ичида қўлда мато тўқиши мутлақо йўқ бўлиб кетди. Худди шундай жараён ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида ҳам юз берди. Бунга бирин-кетин

амалга оширилган техник ихтиролар имконият яратди. Жумладан, тўқимачилик саноатида ип йигириш жараёнини механизациялаш имконини берувчи сельфактор (автомат) деб аталувчи мослама катта роль ўйнади. Тўқимачилик саноатида 1834–1850 йиллари буғ двигателларининг умумий қуввати 3,5 мартаға ошди. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви жадаллашди, фабрикаларнинг майдони кенгайди. Шу йиллари Англияда саноат ривожланишининг бошқа бир муҳим жиҳати оғир саноатнинг жадал ўсиши бўлди. 1830 йилдан 1847 йилгача металл ишлаб чиқариш 3 мартаға кўпайди. 1828 йилдан бошланган рудаларни эритишда иссиқ ҳаво пуркаш усулини қўллаш 1 тонна металл олиш учун сарфланадиган ёқилгини 3 мартаға камайтириди ва Англияда кўп бўлган паст навли тошкўмирдан ҳам фойдаланиш имконини яратди. Шу пайтгача четдан келтириладиган металлга боғлиқ бўлган Англия саноати энди уни кўплаб четта чиқара бошлади. 1826 йилдан 1846 йилгача, 20 йил ичиди Англиядан четта темир ва чўян чиқариш 7,5 мартаға ошди. 1839 йили Франция, Бельгия ва Пруссияда олинганидан Англияда 4 хисса кўпроқ кўмур қазиб олинди.

Англияда саноат ривожланишининг бу даври учун машинасозлик ва станоксозликнинг тез ривожланиши характерлидир. Аниқ ва юқори унумли рандаловчи, токарлик, фрезерлик, штампловчи ускуналарнинг яратилиши меҳнат шароитини яхшилаб, маҳсулот сифатини оширишга хизмат қилди. Сифати ва нархининг арzonлиги бўйича Англия станоклари ва машиналари билан рақобатлашадигани йўқ эди. Англия бутун дунёга машина ва станоклар етказиб берувчи давлатга айланди.

Англия иқтисодиёти учун транспорт коммуникацияларининг, айниқса темир йўлларнинг қурилиши катта аҳамият касб этди. 1830 йилдан кейин темир йўллар қурилиши тезлашди. 1850 йилга келиб темир йўлларнинг умумий узунлиги деярли 10 минг км га етди. Темир йўллар Англия иқтисодиётининг бир бутун бўлиб бирлашишида муҳим роль ўйнади ва мамлакатнинг чекка ҳудудларини ҳам жаҳон савдосига жалб қилди.

Саноат тўнтаришининг якунланиши Англияни жаҳон саноат ишлаб чиқариши ва савдосида биринчи ўринга олиб чиқди. 1830 йилдан 1850 йилгача четта товар чиқариш 4 марта ошди. Четта олиб чиқилаётган товарларни тўлиқ фабрикада тайёрланган тайёр маҳсулотлар ташкил қилса, мамлакатта олиб кирилаётган товарлар

фабрикалар учун хомашё ва аҳоли учун озиқ-овқат махсулотларидан иборат эди. Англия «дунё устахонаси»га айланди.

Саноат тараккиёті шаҳар аҳолиси сонининг ўсишига олиб келди. 1851 йили Англия аҳолисининг 1/3 қисми йирик шаҳарларда яшарди. Шу даврда Франция аҳолисининг фақат 10,5 фоизини йирик шаҳарлар аҳолиси ташкил қиласынан айланды.

Кишлоқ хўжалигида ерларнинг лендлордлар кўлида концентрациялашуви юз берди. Натижада 30-йилларнинг ўрталариға келиб 35 минг йирик ер эгалари кўлида умумий ерларнинг ярмига яқини тўпланди.

Саноат тўнтариши якунланган сари унинг ижтимоий оқибатлари ҳам кўзга ташланиб борди. 1800 йили бошланган аҳолини муттасил рўйхатга олиб бориш жараённада унинг тез ўсиб бораётганлиги аниқланди: Англия аҳолиси 1801 йили 10,9 млн кишини (Ирландиясиз), 1831 йили 16,5 млн, 1851 йили эса 21 млн кишини ташкил қиласынан айланди.

Машиналарнинг кенг кўлланилиши ҳунармандчиликни тўлиқ сиқиб чиқарди. Аммо бўшаб қолган ишчи кучларининг ҳаммаси ҳам саноатда ўз ўрнини эгаллай олмади. Натижада жуда кўп сонли ишсизлар армияси пайдо бўлди. Бу эса ишчиларнинг иш куни ва иш ҳақига бевосита таъсир қиласынан айланди. Саноатда иш куни 12-14 соатни ташкил қиласынан айланди. Сондай ишчи кунини 12-14 соатни ташкил қиласынан айланди.

Парламент ислоҳотлари учун курашаётган саноат буржуазияси ҳам ишчиларни сиёсий фаолиятга жалб этишдан манфаатдор эди. 1830 йилги Франция инқилоби таъсирида Англиядаги парламент ислоҳотлари тарафдорлари ҳам фаоллашиб қолдилар. Узок курашлар ва тортишувлардан сўнг 1832 йил июнда ислоҳот тўғрисида билль тасдиқланди. 1832 йилги парламент ислоҳоти натижасида инглиз саноат буржуазияси «сиёсий жиҳатдан ҳам хукмрон синф сифатида тан олинди». Бу ислоҳотнинг асосий натижаси, Англия буржуазиясининг йирик ғалабаларидан бири эди.

**Чартистлар ҳаракати.** 1836 йили бир гуруҳ ишчи ва ҳунармандлар «Ишчиларнинг Лондон ассоциацияси»ни ташкил қиласынан айланди. Бу ассоциация ишчилар ҳаракатининг сиёсий дастурини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олди. «Халқ хартияси» (хартия

инглизчесига – «чартер») ном олган ушбу дастур Англияда сиёсий тузумни босқичма-босқич демократизациялашни назарда туттган эди. Хартия олтига талабни олдинга сурди: умумий сайлов хукуки (эркаклар учун), парламентнинг ҳар йили қайта сайланиши, депутатларни сайлашда ёпик овоз бериш, вакилларнинг түғри тақсимланишини таъминлаш учун мамлакатни тенг сайлов округларига бўлиш, сайловлардаги мулкий чегарани ва депутатларга маош тўлашни бекор қилиш. Кенг жамоатчилик хартия талабларини кўллаб-куватлади.

1839 йил 7 майда чартистларнинг талаблари кўриб чиқиш учун парламентта топширилди. Парламент чартистларнинг талабларини қабул қилишни маъқул топмади. Бунга жавобан Бирмингем ва Ньюпорт шахарларида уюштирилган ғалаёнларнинг ташкилотчилари хукумат томонидан қаттиқ жазоланди: суд уларни қамоқ жазосига, сургунга ва каторгага хукм қилди.

#### **Чартистларнинг 1838 йилги «Халқ хартияси» талаблари:**

21 ёшга тўлган эркаклар учун умумий сайлов хукуки
Тенг сайлов округлари
Парламент аъзоларининг ҳар йили қайта сайланиши
Парламент аъзоларига ойлик маош тўланиши
Сайловларда ёпик овоз берилиши
Сайловларда мулк чегарасининг бекор қилиниши

Унча узоқ давом этмаган жимликтан сўнг 1842 йили апрелда парламентта чартистларнинг 3,3 млн киши томонидан имзоланган иккинчи петицияси топширилди. У мазмунига кўра биринчисидан аникроқ ва талабчанроқ руҳда эди. Хусусан, «Жаноби олиялари, – дейилади петицияда киролича Виктория хакида, – бир кунда 165 ф.ст. даромад олади, айни пайтда минглаб ишчилар оиласлари кунига жон бошига 3,7 пенс билан кифояланмоқда».

Парламент бу сафар ҳам петиция талабларини қондиришини рад этди.

1843 йилга келиб инқизорзининг чекиниши, иқтисодий конъюктуранинг яхшиланиши натижасида чартистлар ҳаракати ўзининг оммавий характеристини йўқотди.

**Эркин савдо ва фабрика қонунлари.** 1846 йилдан хукумат эркин савдо дастурини ҳаётга татбиқ этишни бошлади. Мамлакатга олиб келинадиган товарлардан, биринчи навбатда, озиқ-овқат ва

хомашё маҳсулотларидан олинадиган божларнинг тариф ставкалари кескин туширилди. Мустамлакалардан товар олиб келишни қийинлаштираётган ва қимматлаштираётган навигация акти ҳам бекор қилинди. Бу тадбирлар Англия фабрика маҳсулотларининг нархини пасайтириб, четга товар чиқаришни рағбатлантириди. Натижада Англия капиталнинг фаолият доираси кенгайиб, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан янги-янги бозорларни забт этиш ва Англияни жаҳоннинг савдо марказига айлантириш имконияти пайдо бўлди. Эркин савдони жорий этиш натижасида хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг пасайиши Англия саноат буржуазиясига жуда катта фойда келтирди. Озиқ-овқатлар нархининг пасайиши аҳолининг барча қатламлари учун фойдали бўлди ва чартистлар ҳаракатини янада сусайтириб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни анча юмшатди. Бу ва бошқа бир қатор тадбирлар ишчиларнинг меҳнат шароитларини ҳамда аҳолининг яшаш тарзини янада яхшилаш имконини яратди. Хусусан, 1844 йили парламент акти билан 13 ёшгача бўлган болаларнинг иш куни, уларга ўқиш учун имконият яратиш мақсадида, 6,5 соат қилиб белгиланди. 1842 йили 10 ёшдан кичик болалар ва аёллар учун ер ости шахталарида ишлаш тақиқланди. 1847 йили аёллар ва балофатга етмаганлар учун ўн соатлик иш кунини ўрнатувчи қонун қабул қилинди. Шу йиллари ушбу қонунларнинг бажарилиши устидан назорат ҳам кучайтирилди: фабрика инспекторларининг сони оширилди, уларнинг функция ва хукуқлари анча кенгайтирилди.

*Мустамлакачилик сиёсати.* XIX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Англия Ер шарининг барча қитъалари ва барча денгизларида фаол босқинчилик сиёсатини олиб борди. Ҳиндистонда ўзининг мустамлакачилик фаолиятини кенгайтириб, 1843 йили Синд водийсини, 1846 йили Кашмирни босиб олди. Шу йиллари инглиз мустамлакачилари Афғонистонга қарши босқинчилик урушини олиб бордилар, аммо афғон ҳалқининг мардонавор қаршилигига учраб, 1842 йили Афғонистон амири билан сулҳ тузишга ва вақтинча бу мамлакатни босиб олишдан воз кечишга мажбур бўлдилар. Хитойда биринчи афюн урушлари (1839–1842) натижасида инглизлар Гонконгни босиб олдилар ва Хитойдаги Цин ҳукуматини чет эл, аввалио Англия савдоси учун (жумладан, афюн олиб кириш учун) қатор портларни очишга мажбур қилди. Дунёнинг бошқа жойларида ҳам Англияга қарашли ҳудудлар кенгайиб борди: 1840 йили Янги Зе-

ландия, 1842 йили Борнео оролининг шимолий қисми, 1843 йили Жанубий Африкадаги бир қатор худудлар босиб олинди. XIX аср ўрталарида келиб Англия дунёнинг энг катта мустамлакачи империясига айланди. Унинг мустамлакалари худуди 2 млн кв км дан зиёд, аҳолиси эса 100 млн кишини ташкил қиласиди.

Британия империяси таркибида мустамлакаларни уч турга ажратиш мумкин.

Биринчисига Канада, Австралия ва Янги Зеландия киради. Буларнинг аҳолиси асосан Англиядан қўчиб келганлардан иборат. Дастреб бошданок бу ерлар бошқа мустамлакаларга нисбатан анча қулай шароитда бўлиб, бошқалардан олдин аввал маъмурий, кейин эса сиёсий автономия режими ўрнатилди. Бу типдаги мустамлакалар ичида Канада биринчи бўлиб ўзини ўзи бошқариш хукуқини олди.

Иккинчи тип мустамлакалар ичида Ҳиндистон ўзининг қадимиий маданияти, дини, урф-одатларига ва кўпмиллионли ҳалқига эга бўлган мамлакат бўлса-да, унинг ҳолати бошқача эди. Бу ерда Ост-Индия компанияси тўла ҳокимиятга эга бўлиб, ундан мамлакатни, ҳинд ҳалқини талашда кенг фойдаланди. 1857 йилдаги сипоҳилар кўзголони ва ҳинд ҳалқининг мардонавор кураши натижасида Англия хукумати Ҳиндистонни бошқариш тизимини ўзгартиришга мажбур бўлди. Ост-Индия компанияси тутатилди. Ҳиндистондаги маъмуриятнинг ягона бошлиғи Ҳиндистон ишлари бўйича вазирлик томонидан тайинланадиган генерал-губернатор деб эълон қилинди. Аслида деярли ҳеч нарса ўзгармади. Аксинча, Англия кироличаси Викториянинг «Ҳиндистон императори» деб эълон қилиниши (1877) қадимиий ҳинд ҳалқи учун ҳақоратли бўлди.

Жанубий Африкадаги инглиз мустамлакалари ҳам ўзига хос равишда ривожланарди. Инглизлар XIX аср бошларида французлар билан уруш жараёнида бу ерлардаги Голландияга қарашли худудларни эгаллаган эди. Ўша пайтдаги номи Эзгу Умид бурни бўлган бу мустамлака ўзларини бурлар деб атовчи (бур-голландчасига «дехқон» дегани) голландияликлар томонидан ўзлаштирилган эди. Бурлар маҳаллий қора танли аҳолининг ерларини забт этиб, ўзларини қулларга айлантиришганди ва асосан чорвачилик билан шуғулланувчи фермаларда ишлашга мажбур қилишганди. Бурлар дастреб инглизлар хукмронлигини қаршиликсиз қабул қилди, аммо бурларнинг ерлари устидан назорат ўрнатишга ва бу ерда Англия қонунларини жорий қилишга бўлган уринишлар бурларнинг кучли

норозилигига сабаб бўлди. Улар 1836 йили ёппасига шимолга, Оранж дарёси ортига кўчиб ўтиб, у ерда Оранж республикасини, кейин эса Вааль дарёсидан ўтиб, Трансвааль республикасини ташкил қилдилар. 1838 йил 16 декабрда бурлар маҳаллий зулу қабиласини қирғин қилди («Қонли дарё ортидаги жанг» деб номланади тарихда). Бурларнинг кўчишидан инглизлар янги ерларни эгаллашда фойдаландилар. Улар Ҳинд океани қирғокларида бурлар томонидан тузилган Наталь республикасини 1843 йили аннексия қилди. Оранж республика бурлари жиддий қаршилик кўрсатганликлари туфайли 1852 йили Англия унинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди.

Англия мустамлакаларининг учинчи типига Ирландия киради. XII асрда забт этилган ва Кромвель қўшинлари томонидан иккичи бор забт этилиш жараёнида оммавий қирғиннинг даҳшатларини бошдан кечирган бу мамлакат 1800 йилдан буён «Буюк Британия Бирлашган Қироллигининг» ажралмас кисми ҳисобланади.

**XIX асрнинг иккинчи ярмида Англия.** XIX аср 70-йилларидан Англия жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги монопол ўрнини йўқота борди. Дунё устахонаси мақомини йўқотаётган бўлса-да, Англия ҳали жуда катта мустамлакаларга эга, денгизда хукмронликни, жаҳон савдосида воситачиликни, сугурта ва банк ишларида етакчиликни эгаллаб келаётган эди. Бу ҳол мамлакатни аввалгидек катта фойда билан таъминлаб турарди. Жаҳон иқтисодиётида Англия макомининг ўзгариши, у ўзининг саноатдаги гегемонлигини йўқотишидан анча олдин бошланган эди. Бу ерда иқтисодий тараққиётнинг суръати сусайди; 70-йиллардан бошлаб Англия капиталидан мамлакат ичкарисида кам фойдаланилди, энг фойдали соҳа капитални четга жойлаштириш бўлиб қолди.

Айни пайтда бир қатор Европа мамлакатлари ва АҚШда саноат тўнтириши якунланди. Ушбу мамлакатлардаги саноат тўнтириши Англиядагидан анча кеч бўлганлиги сабабли юқори техник асосда амалга оширилди. XIX асрнинг ўрталарида кўплаб Европа давлатларида олиб борилган фритредер<sup>1</sup> сиёсат протекционизмнинг янги тўлқини билан алмашди ва бу ҳол ушбу мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришини ошириди, натижада инглиз товарларига талаб пасайиб кетди. Чет эл тадбиркорлари ўз мамлакатларида саноатни

<sup>1</sup> Фритредер сиёсат – (ингл. Free trade – эркин савдо) – савдо эркинлиги ва давлатнинг хусусий тадбиркорлик соҳасига аралашмаслигини зълон қилувчи иқтисодий сиёсат, иқтисодий назария ва хўжалик амалиётининг йўналиши.

яратиш учун Англия ускуналарини инглизларнинг ўзидан олган қарзлар эвазига сотиб олишар эди. 70–80-йилларда ҳали ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва маҳсулотнинг мутлақ ўсиши бўйича Англия устуңликни сақлаб турган бўлсада, ривожланиш суръатлари бўйича АҚШ ва Германия ундан олдинлаб кетган эди.

Бунинг асосий сабабларидан бири Англиянинг завод ва фабрика-ларидаги ускуналар анча эски, илгари катта маблағ сарфланганлиги учун тадбиркорлар уларни янгилаш эҳтиёжини ҳали сезмаётган эди. Бошқа мамлакатларда эса йирик саноат янги ва шунга яраша энг сўнгти русумли ускуналар билан таъминланганди. Техникадаги қолоқлик тез орада ишлаб чиқаришнинг ҳажмида ҳам акс этди. АҚШ пўлат эритиш, чўян ишлаб чиқариш ва кўмир қазиб олиш бўйича Англиядан олдинлаб кета бошлади, Германия савдо соҳасида катта рақобатни вужудга келтирди. 90-йилларга келиб немисларнинг арzon товарлари Англия ва унинг мустамлакалари бозорларига кириб келди.

1878–1879 йиллардаги инқироз ўзининг миёси ва давомийлиги билан Англия бошдан кечирган инқирозлар ичидаги энг оғири бўлди. Бу инқироздан кейин ҳали одатдаги кўтарилиш юз бермасдан туриб, 1882 йил охиридан Англия иқтисоди навбатдаги инқирозга тортилди ва у 1883 йили умумий инқирозга айланди. 1888 ва 1889 йиллар иқтисоднинг кўтарилиши ва жонланиши таъсири остида ўтди, аммо 1890 йили жаҳон молия инқирози бошланиб, ортидан Англияда янги иқтисодий инқироз бошланди ва 1892–1893 йиллари энг оғир тус олди; 1894 йили депрессияга айланди. Ҳатто иқтисод яхшилана бошлаган 1889 йили фақат Лондон шахрида расмий рўйхатга олинган 1 млн 300 минг ишсиз бор эди.

### Англия экспортининг структураси қўйидагича эди (млн ф.ст. ҳисобида)<sup>1</sup>

	1875	1894	1914
Умумий ҳажми	223	216	431
Кўмир	10,1	18,6	42,2
Темир ва пўлат	25,8	18,7	41,2
Машина ва ускуналар	4,3	1,8	6,5
Пахта ип	13,2	9,3	12,0
Пахта газлама	58,6	57,3	103,3

<sup>1</sup> Трецёткина И.Г. Всемирная история в таблицах и схемах. – СПб.: ООО «Виктория плюс», 2011. С.41.

Йигирма йил (1875–1895) давом этган аграр инқироз даврида Англияда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи икки баробар тушиб кетди. Бу кўплаб майда ва ўрга ҳол фермерларнинг хонавайрон бўлишига, қишлоқ аҳолиси даромадларининг қескин камайиб кетишига олиб келди. Ишсизларнинг янги оқими шаҳарларга келиб, у ердаги харобаларни тўлдириди. Аграр инқироз 90-йилларнинг иккинчи ярмида, лендлорлар рента ҳакини 25% га кисқартиргандан, ғаллачилик эса интенсив ривожланаётган чорвачилик ва паррандачилик учун ем-хашак базасига айлантирилгандан сўнг енгиб ўтилди.

Англия саноат ишлаб чиқаришида ортда қолган сари четта капитал чиқариш катта аҳамият касб этиб, фойда олишнинг муҳим манбаларидан бирига айланиб борди. Англиянинг чет элларга қилган инвестицияси 70-йиллари йиллик ўртacha 22 млн ф.ст. бўлса, 80-йилларнинг охирига келиб 103 млн ф.ст. га етди. Бу ҳол Англияда капитализмнинг судхўрлик тенденциялари ривожланиб, техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг ортда кошлишига олиб келди.

*Янги мафкуранинг пайдо бўлиши.* Иқтисодда империалистик белгиларнинг кучайиши жамиятнинг мафкурасида ҳам ўз аксини топди. 60-йилларнинг охиридан бир қатор олимлар жамиятнинг янги иқтисодий ҳолатига мос мафкуравий тизимларни таклиф қила бошладилар. Шундайлардан бири Чарльз Дилк (1843–1911) ўзининг «Янада Буюк Британия» номли асарида кўчкинчи инглизлардан ташкил топган мустамлакаларда (Канада, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка) буржуазиянинг ҳукуқларини кенгайтиришни, амалда уларни мустамлакаларни бошқаришга шерик қилишни таклиф қилди. Дилкнинг фикрича бу Англиянинг дунёдаги етакчилик ролини сақлаб қолишга ёрдам берар экан. Шу билан бирга Дилк «эркин савдо» ўрнига Англияни ва бутун Британия империясини чет давлатлар рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган «адолатли савдо»ни жорий қилиш зарур деб ҳисоблайди.

1883 йили Жон Силининг (1834–1895) «Англия экспансияси» номли китоби нашр қилинди. Бу китоб мустамлакачилик ғояларини («Империя федерацияси» каби) тарқатиш мақсадида тарғибот жамиятларининг ташкил топиши учун туртки бўлди. Бу даврнинг идеологлари мустамлакачилик ғояларини «империяни кутқариш», «ишчиларнинг ижтимоий ҳукуклари» каби шиорлар билан қўшиб

олиб бордилар. XIX аср охирида Англия мустамлакачилик экспансиясининг фаолларидан бири Сесил Родс (1853–1902) ўз мафкурасининг мақсадини очиқ билдириб: «Империя – қорин масаласи. Агар фуқаролар урушини хоҳламасангиз, сиз империалист бўлишингиз керак», – деган эди.

**Партиялар ўртасидаги кураш.** 1868 йилдан 1874 йилгача ҳокимиятда Уильям Гладстон (1809–1898) бошчилигидаги либераллар партияси турди. Улар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатларини Англияниң иқтисодий гегемонлиги абадийлигидан келиб чиқиб қурдилар. Либераллар Англия ягона йирик саноат мамлакати ва ҳалқаро сиёсатда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаши керак, деб ҳисобладилар. Шундан келиб чиқиб, Англия бошқа давлатлар билан узоқ муддатли иттифок тузмаслиги ва ҳеч қандай блокларга аъзо бўлмаслиги керак. Бундай ташқи сиёсат кейинчалик «ажойиб изоляция» сиёсати номини олди.

Гладстон ҳукумати бир қатор ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларни ҳам амалга оширди. 1871 йили қабул қилинган қонун касаба уюшмалариға юридик шахс ҳуқукини берди. 1872 йилдан жамоа палата-сига сайловлар ўтказишда ёпиқ овоз бериш усули жорий қилинди.

### Буюк Британияда ўтказилган сайлов ислоҳотлари

1819 йил	«Питерлоодаги жанг»	Манчестер яқинидаги полиция парламент ислоҳотини талаб қилган демонстрацияни ҳайдаб юборди, 15 киши ҳалок бўлди
1832 йил	Парламент ислоҳоти ҳақидаги 1- билль	Сайловчилар сони 2 марта оширилди, аммо кўпчилик сайлов ҳуқукини олмади
1867 йил	Парламент ислоҳоти ҳақидаги 2- билль	Сайловчилар сони ишчилар ҳисобига 1 млн кишига оширилди
1887 йил	Парламент ислоҳоти ҳақидаги 3- билль	Ишчиларнинг энг куйи қисми – шахтёрлар ва багракларга ҳам сайлов ҳуқуки берилди

Аммо бу чекланган ислоҳотлар либералларга жиддий муваффакият келтирмади. 1874 йилги парламент сайловларида либерал партия маглубиятга учради ва ҳукуматга Бенжамин Дизраэли (граф Биконсфилд; 1804–1881) бошчилигидаги консерваторлар келди. Консерваторларниң ички сиёсати либералларнинг «масъулият-

сиз индивидуализм»ига қарши кураш шиори остида олиб борилди. Консерваторлар ижтимоий қонунчилик борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Ишчилар учун ҳақоратли бўлган «хўжайинлар ва хизматкорлар» ҳақидаги қонун 1875 йили «тадбиркорлар ва ишчилар» тўғрисидаги қонун билан алмаштирилди. Унга биноан энди ёлланма ишчи билан иш берувчи ўзаро шартнома имзолаб, томонлар teng ҳуқуқий муомалага киришадилар. Шу йили 10 ёшдан кичик болаларни ишга ёллашни тақиқловчи қонун қабул қилинди, ҳафталик иш куни барча учун 57 соатдан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Айни пайтда хукуматнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш борасида ҳам қатор қонунлар қабул қилинди, янги вазирликлар ташкил этилди, барча масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси хукумат қўлида тўпланди.

Ташки сиёsatда мамлакат манфаатларидан келиб чиқиб фаолият олиб борилди. 1875 йили Миср ҳукмдори Исмоил I (1830–1895) Англия хукуматига Сувайш каналининг 45% акцияларини сотишга мажбур қилинди ва майда акциядорлардан олинган акциялар билан қўшиб инглизлар Сувайш каналининг назорат пакетини қўлга киритдилар.

Дизраэли Виктория шахсини «демократик торизм» сиёsatининг муҳим элементига айлантириш, Англиянинг халқаро обрусини ошириш сари йўл тутди. Бундай ташки сиёsat жиддий ҳаракатдан ташқари катта маблағ ҳам талаб қилас эди. Шу муносабат билан танқидга учраган консерваторлар 1880 йилги сайловларда ютқазиб қўйди. Ҳокимиятга яна Гладстон бошчилигидаги либераллар келди. Улар фаолиятидаги оғир муаммо Ирландия масаласи бўлди. 70-йилларнинг охирига келиб умумевропа аграр инқизози сабабли Ирландиядаги аҳвол жиддий кескинлашди. Лендлордлар томонидан арендаторларнинг оммавий қувилиши янгидан бошланди. 1879 йили ирланд дехқонлари «Ер лигаси» деган ташкилот туздилар. Бу ташкилотга 250 мингдан зиёд киши аъзо бўлиб, улар арендаторларнинг қувилишига жавобан помешчикларнинг мол-мулкларига ўт қўйиш, уй ҳайвонларини йўқ қилиш, баъзан эса помешчик ёки унинг ёрдамчисини ўлдириш билан шуғуландилар. Помешчик капитан Чарльз Бойкот (1832–1897) номидан олиниб бойкот деб аталаётган қаршилик кўрсатиш усули кенг тарқалди.

Бу даврда Ирландиядаги либерал буржуазиянинг тан олинган йўлбошчиси уларнинг парламентдаги етакчиси Чарльз Пар-

нелл (1846–1891) булиб қолди. Парнеллнинг дехқонлар орасидаги обруси унга миллий-озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилиш имконини берди. Парнелл Британия империяси доирасида Ирландия учун ўзини ўзи бошқариш хукукини талаб қила бошлади.

Гладстон ҳукумати эса илгари берган ваъдасига биноан Ирландияга ўзини ўзи бошқариш хукукини бериш ўрнига асосан помешчиклар учун фойдали бўлган ер тўғрисида янги қонун лойиҳасини таклиф қилди. Бунга жавобан «Ер лигаси» ташкилоти бойкот қилишни кучайтирди. 1881 йил кузида Гладстон ҳукумати келишув таклиф қилди. Унга биноан ирландлар рента тўловини давом эттирадилар ва бойкот қилишни тўхтатадилар, эвазига Англия ҳукумати Ирландиянинг камал ҳолатини бекор қиласди, помешчиклар эса арендаторларнинг қарзларидан воз кечадилар. Парнелл ушбу шартлар асосида келишувга розилик билдириди. Гладстон ва Парнелл келишувидан сўнг Ирландияда террористик гурухлар фаолияти яна жонланди. 1882 йили Ирландия ишлари бўйича вазир Фредерик Кавендиш (1836–1882) ва унинг ёрдамчиси Бэрк ўлдирилди. Ҳукумат эса оммавий жазолашларни бошлади. Натижада «Ирландия масаласи» фақат Гладстон ҳукуматини эмас, умуман либерал ҳаракатнинг ҳам обрўсини тушириб юборди. Бу ҳол 1885 йили либераллар партиясининг бўленишига олиб келди. Жозеф Чемберлен (1836–1914) бошчилигидаги либерал-юнионистлар консерваторлар билан бирлашди. Натижада ҳукуматга келган консерваторлар йигирма йил уни бошқардилар.

### XIX – XX аср бошларида Буюк Британиядаги сиёсий партиялар

	Либераллар	Консерваторлар
Таркиби	Саноат ва савдо буржуазияси	Йирик ер эгалари
Сиёсий дастури	Мамлакат сиёсий тизимида либерал ислоҳотлар ўтказиш, сайлов хукуқларини кенгайтириш	Ўз иқтисодий манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида мамлакатдаги мавжуд сиёсий тузумни сақлаб қолиш
Ижтимоий-иқтисодий дастури	Либерал ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш	Мавжуд тузумни консервация қилиш

Англия мустамлакачилик экспансиясининг янги тури бошланди. Британия империясининг ҳудуди 1884 йилдан 1900 йилгacha 9,6 млн кв қм га, ёки 30% га кенгайди, аҳолиси бир ярим марта кўпайди.

**Иичилар ҳаракати.** XIX аср 60-йиллари охири – 70-йиллари бошидаги иқтисодий юксалиш ишчиларга ўз аҳволларини яхшилаш учун курашип имконини туғдириди. Касаба уюшмаларининг иш вактини қисқартириш ва ўз фаолиятларини легаллаштириш учун кураши улар сафларининг сезиларли кенгайишига олиб келди. Ўша даврда ишчиларнинг фаолиятига катта таъсир кўрсатган ижтимоий фикрнинг йўналишларидан бири «фабианлик»<sup>1</sup> эди. Фабианлик жамияти 1884 йилнинг бошида ташкил топди. Фабианлар инқилобий ҳаракатга кескин қарши чиқиб, кўплаб ишчиларни ҳам бу йўлдан қайтаришга ҳисса қўшдилар. Фабианлар жамиятининг аъзолари орасида Беатриса (1858–1943) ва Сидней (1859–1947) Вебблар ва таникли ёзувчи Бернард Шоу (1856–1950) каби машхур кишилар бор эди. Фабианлар жамиятдаги муаммоларни ҳал қилиш йўлларини инқилобий ҳаракатдан эмас, ислоҳотчиликдан излаш лозим, деб ҳисоблашардилар.

1881 йили Лондонда «Демократик федерация» деб номланган ташкилот вужудга келди. У дастлаб зиёлиларнинг кичик гурухи сифатида фаолият юритиб, 1884 йилдан «Социал-демократик федерация» номини олди. Бу ташкилот ҳам социал-демократик гояларни тинч ислоҳотлар йўли билан амалга ошириш тарафдори эди.

1893 йили Мустақил ишчи партия ташкил топди. Янги партия ташкилотчилари уни Европадаги марксистик позицияда турган социалистик партиялар билан адаштирмасликлари учун партия номига «социалистик» сўзини қўшмасликни маъқул кўрдилар. Партияниң раҳбари кончи Жеймс Гарди (1856–1915) бўлди. Партияниң кучи касаба уюшмалари билан алокаси яхшилигига эди. Уларнинг йирик ғалабаларидан бири тред-юнионларнинг 1893 йилги конгресси томонидан сайловолди кураши учун пул маблағлари ажратиш ҳақидаги қарори бўлди.

XIX аср охири – XX аср бошларидағи инқирозлар, континентал Европа давлатларида инқилобий ҳаракатнинг юксалишига қарамасдан Англия ишчилари ўзларининг анъанавий тред-юнионистик қарашларини саклаб қолдилар.

**«Ажойиб давр».** 1901 йили 64 йил хукмронлик қилган қиролича Виктория вафот этди. 1901–1914 йилларни Англия тарихида «Ажо-

<sup>1</sup> *Фабианлик* – бу йўналиш ўзининг жангда кутиш тактикаси билан машхур бўлган Қадимги Рим саркардаси Фабия Кунктатор («Сусткаш») номидан олинган.

йиб давр» дейишади. Вафот этган киролича ўрнига унинг катта ўғли, 60 ёшли Эдуард VII таҳтга келди. Инглизлар ўз қиролларини ёқтириб қолдилар. Уни «қиролларнинг яхшиси, марҳаматлиларнинг энг сараси» деб агадилар. Эдуард VII инглиз дипломатиясида ҳукмронлик қилган «ажойиб изоляция» сиёсатини тугатди. Қирол сиёсатининг муваффақияти деб Англия билан Франция ўртасидаги муносабатларнинг илиқлашувини айтиш мумкин.

1903 йили Парижга ташриф буюрган Эдуард VII французларни маҳлиё қилди ва бу ташриф 1904 йили Англия билан Франция ўртасида ҳарбий иттифоқ тұғрисида имзоланған ва Антанта<sup>1</sup> номини олган шартноманинг тузилишида катта роль ўйнади. 1907 йили Англия билан Россия ўртасида бу икки давлатнинг Ўрта Шарқдаги муносабатларини тартибга солувчи келишув имзоланди. 1908 йили эса Россия билан Германия ўртасидаги якинлашувнинг олдини олиш учун Эдуард VII Николай II билан учрашды. Европанинг ҳукмрон сулолалари билан кариндошлиқ алоқалари ва қиролнинг шахсий хислатлари күплаб муаммоларни Англия фойдасига ечиш имконини берди.

Эдуард VII 1910 йили вафот этди. Қиролни сўнгги йўлга минглаб лондонликлар билан бирга 9 та европалик монархлар кузатиб қўйдилар. Тобут ортидан Буюк Британиянинг янги қироли Георг V ва Германия кайзери Вильгельм II борди. Орадан тўрт йил ўтиб улар фронтнинг икки томонида бир-бирига қарши турадилар.

1906 йили бўлиб ўтган сайловларда консерваторлар мағлубиятга учради. Шу вақтдан то 1916 йилгача ҳокимиятда либераллар бўлиб, улар «синфли жамият» куриш мақсадида мұтадил ислоҳотларни амалга оширдилар. Бу ислоҳотларнинг муаллифи ва ташаббускори истеъододли сиёсатчи Дэвид Ллойд Жорж (1863–1945) бўлди.

Қандай ислоҳотлар синфий жамият қуришда ёрдам бериши мумкин эди? Тадбиркорларга тред-юнионлардан стачкалар пайтида келтирилган заарни коплаш талаби тақиқланди; ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалардан заарар кўрганлар учун тадбиркорлар ҳисобидан нафақа, шунингдек, 70 ёшга етган кексалар учун қариллик нафақаси тайинлаш жорий қилинди ва шахтёрлар учун 8 соатлик иш куни ўрнатилди. 1911 йилги қонунга кўра касаллик ва ишсизликни сугурта қилиш татбиқ этилди.

<sup>1</sup> Антанта – французча entente – самимий розилик сўзидан олинган.

Ллойд Жорж лордлар палатасининг «veto» хуқуқини чекловчн қонуннинг қабул қилинишига эришди. Энди лордлар палатаси жамоа палатаси томонидан қабул қилинган қонунни фақат икки марта рад этиши мумкин эди. Агар жамоа палатаси шу қонунни учинчи марта қабул қилса, у ўз-ўзидан кучга киради. Айни пайтда урушга тайёрланаётган ҳукумат куролланишга катта маблаг ажрата бошлади.

Шу йиллари Ирландияда «Ирландия – ирландияликлар учун» шиори остида ўтган гомруль учун ҳаракат бошланди. Либераллар ҳукумати 1912 йили парламентга гомруль ҳакида қонун қабул қилиш таклифини киритди. Лордлар палатаси таклифни рад этди. Ольстерлик протестантлар ҳам гомрулга қарши курашдилар. Ирландия куролли лагерга айланди. Фуқаролар уруши етилиб келаётган эди.

Шу пайтда Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Мамлакат ичкарисидаги зиддиятларни енгиш лозим эди. Жамоа палатаси гомруль тұғрисидаги қонунни қабул қилди ва у кучга кирди.

Британия халки катта уруш хавфи олдида бирлашды.

\* \* \*

XIX аср күп жиҳатдан Буюк Британия асри бүлди. Бу ерда биринчи булиб ҳуқукий давлат ва фуқаролик жамияти асослари яратылди. Фан ва техник тараққиёт саноат тұнгаришига олиб келди ва Англия «дунё устахонасига» айланди. Тұхтовсиз урушлар олиб берган инглизлар Ер юзи ахолисининг чорак қисмини бирлаштирган улкан империяни яратдилар.

#### IV боб бўйича саволлар

1. XIX аср биринчи чорагида Англия саноатида юз берган тизимли ўзгаришлар қандай оқибатларга олиб келди?
2. Шаклланган инглиз буржуа мағкурасининг қандай алохida хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин?
3. Виктория давридаги Англия тараққиётининг қайси жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин?
4. Англияни «дунё устахонасига» айлантирган саноат тұнташыши ички ва ташки савдонинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?
5. Чартистларнинг асосий талаблари жамиятда қандай ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган эди? Эркин савдо сиёсати деганда нимани тушунасиз?

6. Британия мустамлакаларини қайси турларга ажратиш мумкин ва уларнинг метрополия билан муносабатларида қандай фарқлар мавжуд эди?

7. XIX аср иккинчи ярмида Англияning иқтисодий лидерликни йўқотиши унинг ташқи сиёсатида қандай ўзгаришларга олиб келди?

8. XIX асрда Буюк Британияда ўтказилган сайлов ислоҳотлари ижтиёмий-сиёсий тизимда қандай ўзгаришларга олиб келди? Англияда шаклланган конституциявий монархиянинг моҳияти нимада?

9. XIX асрда Англияда шаклланган сиёсий партиялар – либераллар ва консерваторларнинг сиёсатидаги асосий фарқлар нимада? Партиялар ишчилар ҳаракатида қандай роль ўйнади?

10. Кирол Эдуард VII сиёсати Англияning халқаро ахволига қандай таъсир кўрсатди? Бу давр нима учун «ажойиб давр» деб аталади?

## В Б О Б . XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ГЕРМАНИЯ<sup>1</sup>

**Вена конгрессидан сўнг Герман иттифоқидаги ҳолат.** 1815 йил 8 июня Вена конгрессида имзоланган акт 34 та мустакил давлат ва 4 та эркин шахарлар – Бремен, Гамбург, Любек, Майн бўйидаги Франкфуртдан иборат Герман иттифокини тузишни кўзда тутган эди. Учта чет эл монархлари – Англия, Данія ва Нидерландия қироллари ҳамда уч герман давлатлари – Ганновер, Гольштейн ва Люксембург князлари Герман иттифокининг аъзолари деб тан олинган эди. Иттифоқнинг энг катта давлатлари Австрия билан Пруссия бўлиб, ушбу давлатлар ерларининг бир қисми – Австрия таркиби-га киравчи Венгрия қироллиги, Ломбардо-Венециан қироллиги ва Галиция ҳамда Пруссияга қарашли Шарқий Пруссия ва Познань янги ташкил қилинган Иттифоқ таркибиға киритилмади. Масаланинг бундай ҳал қилиниши Австрия билан Пруссиянинг Герман иттифоқидан мустакиллигини ошириб, Германиянинг бирлашиши йўлида қўшимча кийинчиликлар туғдирап эди. Иттифокнинг олий органи Иттифоқ сейми бўлиб, у Майн бўйидаги Франкфурт шахрида жойлашди. Герман иттифоки мустакил давлатларнинг конфедерацияси кўринишида бўлиб, иттифоқقا киравчи давлатлар орасида узвий боғлиқлик йўқ эди. На умумий қонунчилик, на умумий армия, на умумий молия, на дипломатик ваколатхоналар мавжуд эмасди. Австрия вакили Герман иттифокининг доимий раиси саналарди. Шу тариқа Германиянинг бирлашиши масаласи узечимиини топмади.

<sup>1</sup> Герман давлатлари, 1871 йилдан кейин Германия империяси.

**Иқтисодий ривожланиши.** Мамлакатнинг сиёсий тарқоқлиги, феодал ва ярим феодал муносабатларнинг хукмронлиги капиталистик муносабатлар асосларининг шаклланиши ва ривожланишига тўсқинлик қилаётган эди. Германиядаги эски зодагонлар 1848 йилги инқилобгача ўз имтиёзларининг асосий қисмини сақлаб қолдилар. Деярли барча герман давлатларида ерга эгалик қилишнинг феодал тизими устувор эди. Фақат француз инқилоби таъсири остида феодал тартиблар бекор қилинган Пруссиянинг Рейн вилоятида, Гарбий ва Жануби-Гарбий Германиянинг кичик давлатларида деҳқонлар феодал мажбуриятларни деярли бажармасдилар. Феодал тартиблар ҳали кучли сақланиб қолаётган давлат Пруссия бўлиб, бу ердаги феодал тартиблар капиталистик муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига тўсқинлик қилаётган эди.

Герман иттифоки давлатлари ўртасидаги мавжуд божхона тўсиклари, ягона валюта тизими, ўлчов бирликлари ва тадбиркорлик туғрисидаги қонунчиликнинг йўклиги миллий бозор ва саноатнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан, 1816–1847 йиллари Германия капитализм тараққиётида маълум ютуқларга эришди. 1822 йили бутун Германияда бор-йўғи иккита буғ машинаси ишлаган бўлса, 1847 йили улар сони 1139 тага етди. Тоғ-кон ва кимё саноати айниқса катта ютуқларга эришди ва муҳим техник ихтиrolар бунга ижобий таъсир кўрсатди. Немис капиталистлари инглизлар ва французларнинг кўплаб техник ютуқларидан унумли фойдаландилар.

Саноатнинг ривожланиши шаҳар аҳолисининг ўсишига олиб келди. 1816 йилдан 1848 йилгача Берлин аҳолиси 85% га, Золинген аҳолиси эса 130% га ўсди. Капиталистик тараққиёт учта худудда: Рейн-Вестфалия, Силезия ва Саксонияда катта муваффакиятларга эришди. Капиталистик ишлаб чиқариш ривожланган сари унинг Германия тарқоқлиги ва реакцион, монархистик тартиблар билан зиддияти кучайиб борди.

**Бирлашиш учун кураш.** Наполеон урушларининг якунланиши Германияга узоқ кутилган тинчликни олиб келганлигига қарамасдан, немис ҳалқининг турли қатламлари норозилик учун етарли асосга эга эдилар. Немис давлатларининг иқтисодиёти ҳамма ерда издан чиқсан, 1816 йилги курғоқчиликдан сўнг кимматчилик, 1817 йили эса айрим жойларда очарчилик бошланган эди. Бозорлар инглиз моллари билан тўлдирилган, чунки ёмон жиҳозланган фаб-

рикалар чет элларники билан ракобатлаша олмасди. Феодал тузумни йүқотишга қаратилган аграр қонунчилик тадрижий равища амалга оширилмаганлиги сабабли немис қишлоғидаги ракобатлашаётган синфларни келиштира олмади. Германиянинг бирлашуви ва демократизациялашуви йўлидаги асосий тўсиқ Пруссиядаги феодал-монархистик тузум эди. Пруссия кироли Фридрих-Вильгельм III 1815 йил 22 майда, Наполеон Эльба оролидан қайтган пайтда, эълон қилган декларациясида баён этилган конституция инъом этиш ҳақидаги ваъдасини бажармади. Сиёсий ислоҳотлар таркиби олиймаком амалдорлардан иборат Давлат Кенгашини ва жойларда дворянларнинг ландтагларини ташкил килиш билан чекланди. Ландтаглар жуда тор ваколатларга эга эди. Уруш даврида ўзини кўрсатган Штейн, Гнейзенау, Бойен сиёсий фаолиятдан четлатилдилар.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда кўпчилик немислар Иттифоқ сейми мамлакатни иқтисодий бирлаштириш учун, Иттифоқ таркибига кирувчи давлатларда либерал конституциялар қабул қилиниши учун ҳаракат қиласди, деб ишонган эдилар. Аммо бундай бўлмади. Мамлакатни бирлаштириш йўлида биринчи қадамни 1818 йили Пруссия қўйди. Қиролликда шу йили ички божхоналар йўқ қилинди, аммо бу Германияни бирлаштириш муаммосини ҳал қила олмасди. Германияни бирлаштириш ва демократизациялаштириш тарафдорлари муаммонинг бошқа ечимини излай бошладилар. Дастрас майда буржуазия орасидан чиқсан талаба ёшлиаргина демократик талаблар билан чиқдилар. Ёшлиар орасида монархлар, амалдорлар ва полициячиларнинг ўзбошимчалигидан халос бўлган бирлашган ва кучли демократик Германия ҳақида орзулар кенг тарқалди.

1817 йил кузида талаба-ёшлиар Реформациянинг 300 йиллигини ҳамда яқингинада французлар зулмидан озод бўлинганликни нишонлаш мақсадида 17 октябрь, Лейпциг жанги куни йиғилиш қилдилар. Ташкилотчилар полицияга намойишни тарқатиш учун божхона яратмаслик мақсадида сиёсий мавзуларни кутармасликка ҳаракат қилдилар. Аммо талабалар полициянинг ўзбошимчалигига қарши йиллар давомида йигилган норозиликларини ҳар қандай йўл билан изҳор қилишга тайёр эдилар. Шу куни ярим тунда ташкилотчилар учун мутлақо кутилмаган ҳолда гулхан ёқилиб, унда реакциянинг турли тимсоллари – австриялик капраллар қуроли бўлган таёк,

гессен аскарларининг қамчилари, офицерлар корсети ва улар кетидан турли реакцион ёзувчиларнинг асарлари ҳамда «Жандармерия кодекси» ёкиб юборилди. Бу воқеалар ва булар ортидан юз берган реакцион драматург Коцебунинг ўлдирилиши, вазир Ибелга карши суиқасд қилиниши Австрия бош вазири Меттернихга табалалар орасидаги «ҳаддан ташқари либерализм» ва «исён рухига» қарши кампания бошлаш учун асос бўлди. 1819 йил августда Карлсбадда (Карлови Вари) герман давлатлари бошликлари ва вазирларининг йиғилиши инқилобий ҳаракатларга қарши тадбирлар режасини ишлаб чиқди. «Карлсбад қарорлари» деб аталган ушбу хужжат барча герман давлатларига татбиқ қилиниб, ваҳшиёна террор кўринишини олди. 1824 йили Карлсбад қарорларининг муддати номаълум вақтгача узайтирилди.

*Немис тарих фалсафаси мактаби. Г. Гегель.* Немис тарих фалсафаси мактаби дунёга И. Гердер, В. Гумбольдт, Г. Гегель, И. Кант, А. Шопенгауэр, Г. Риккерт, Ф. Шлейермахер, В. Дильтей, В. Виндельбанд, Э. Трельч каби бир қатор ажойиб олимларни етишириб берди. Немис мактаби вакиллари француз ва инглиз Маърифатчилигида маданий ўзликни йўқотишнинг хавфини кўрганлиги учун асосан унга қарши ғоялар таъсири остида шакланди. Немис мактаби ўзининг диний-мистик характеристи билан ажralиб туради ва шу сабабли маданиятнинг «индивидуаллик мистерияси<sup>1</sup> олдинги ўринга чиқади»<sup>2</sup>. Немис классик фалсафасининг энг юқори чўққиси Гегель ижоди ҳисобланади.

Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770–1831) Штутгарт шаҳрида йирик амалдор оиласида дунёга келган. Тюбинген теология институтида ўқиган. Бир муддат оилавий ўқитувчи бўлиб ишлаган, Нюренбергдаги гимназияда директорлик қилган. 1801 йили Йен университетига ўқитувчи бўлиб ишга ўтади. Бу пайтда у Шеллинг билан ҳамкорликда «Танкидий фалсафий журнал» нашр қилди. Гегель 1816 йилдан Гейдельберг университети, 1818 йилдан эса Берлин университети профессори, бир қанча вақт унинг ректори бўлиб ишлайди. Гегель ўз ижодида Кант, Фихте, Шеллинг томонидан илгари сурилган диалектик ғояни давом эттируди. У биринчи бўлиб бутун табиий, тарихий ва маънавий оламни тўхтовсиз ривожланиш жараёнида тасвирлаб берди. Гегель диалектикасининг асосий қонун ва

<sup>1</sup> Мистерия – ўрга асрларда диний мавзудаги драма шундай аталган.

<sup>2</sup> Қаранг: Философия истории. // Под ред. А. С. Понарина. – М., 1999. С. 161.

категорияларини очди ва уларни объектив идеализм позициясидан асослаб берди. У диалектикани билишнинг усули сифагида метафизикага қарши кўйди.

Гегель Кант агностицизмига<sup>1</sup> ва априоризмига<sup>2</sup> қарши чиқди. У моҳият ва ҳодиса ўргасида метафизик узилиш борлиги ҳақидаги Кант фикрига қўшилмади. Гегельнинг фикрича ҳодиса моҳиятдан кам бўлмаган даражада объективдир. Гегель ўзининг қарашларини «Рух феноменологияси», «Мантиқ фани», «Фалсафа фанлари энциклопедияси», «Хуқук фалсафаси», «Фаласафа тарихидан маърузалар», «Эстетикадан маърузалар», «Тарих фаласафасидан маърузалар» каби асарларида асослаб берди. Унинг дунёкараши кўп жиҳатдан француз буржуа инқилоби таъсири остида шаклланди ва буржуа жамиятининг асосий зиддиятларини ўзида акс эттириди.

Гегель фалсафаси XVIII аср охири – XIX аср бошларидаги немис классик фалсафасининг якуни ва чўккиси бўлди.

*Франциядаги 1830 йил шюль инқилобининг Германияга таъсири.* Реакция кучларининг вактинча ғалабаси Герман иттифоқида инқилобий-демократик ҳаракатнинг асосларини йўқ қила олмади. Шу сабабли Франциядаги инқилоб, Бурбонларнинг кувилиши ва янги буржуа монархиясининг ташкил қилиниши Германияда ҳам кенг ҳалқ оммасини ҳаракатга келтириб юборди. Кургессен ва Бранешвейгда омманинг сиқуви остида монархлар тахтларидан воз кечиб, ўрнига янгилари келдилар. Ганноверда ҳукумат қўзғолонларни бостиришга эришди, аммо конституциявий тартиблар жорий қилишга мажбур бўлди. Ҳалқ чикишлари Саксонияда ҳам қиролни маълум ён беришларга мажбур килди.

Июль инқилобининг таъсири айниқса Эльзас билан чегарадош бўлган Бавариянинг Пфальц ҳудудида алоҳида намоён бўлди. 1832 йил 27 майда демократик мухолифат вакиллари Гамбах шахрида оммавий сиёсий намойиш ўюштирдилар. Унда Германиянинг турили вилоятларидан 30 мингдан зиёд киши ҳамда поляк ва француз эмигрантлари иштирок этдилар. Сўзга чиқувчилар Германиянинг бирлашишини, республиканинг эълон қилинишини ва Европада федератив республика тузишни талаб қилдилар. Худди шундай на-

<sup>1</sup> Агностицизм – объектив дунёни ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини инкор этувчи идеалистик фалсафий таълимот.

<sup>2</sup> Априоризм – тажрибага, фактларга асосланмаган, тажрибадан қатъи назар олинганояни онгда азалдан мавжуд ҳисобловчи таълимот (лотинча a priori – азалдан мавжуд дегани).

мойишлар Жануби-Фарбий Германиянинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. Гамбахга кўшин киритилиб, намойишнинг фаол иштирокчилари қамоққа олинди. 1832 йил 28 июнда Иттифоқ сейми матбуот эркинлигини, сиёсий иттифоқлар, ҳалқ йигинларини ва бошқа бир қатор эркинликларни бекор қилиш ҳакида қарор қабул қилди. Иттифоқ сеймининг реакцион тадбирлари демократик зиёлилар ва талабалар томонидан кескин норозиликлар билан кутиб олинди. Тъқиб ва қатагонлар натижасида инқилобий элементларнинг Германиядан эмиграцияси бошланди. Улар чет элларда ҳам инқилобий фаолиятларини тўхтатмадилар ва у ердан туриб Германиядаги ҳолатга тъсирир ўтказишга уриндилар. 1834 йили Швейцарияда «Ёш Германия» ташкилоти тузилиб, улар Германияни бирлаштириш ва республика тузумини ўрнатишни мақсад қилиб қўйдилар.

Франциядаги Июль инқилобидан ва Англияда 1832 йилги ислоҳотдан кейин буржуазия эришган иқтисодий ва сиёсий муваффакиятлар немис буржуазияси орасида, айниқса Пруссияда мухолифатчилик кайфиятининг ўсишига туртки бўлди. Пруссия буржуазиясининг раҳбарларидан бири фабрикант Давид Ганземан эди. Немис буржуазиясининг сиёсий платформаси мўтадил бўлиб, уларнинг дастурида умумпрусс вакиллик органининг йигилишини чакириш, Германия божхона иттифоқини ташкил қилиш, юнкерларнинг<sup>1</sup> хуқуқий ва бошқа имтиёзларини бекор қилиш каби талаблар олға сурилган эди. Ганземан ва бошқалар монархияни бекор қилиш тарафдори бўлмасдан, аксинча, мамлакатни бирлаштира оладиган қудратли монархия тарафдори эдилар.

Буржуа мухолифатчиларининг сикуви остида Пруссия 1818 йили тўққизта немис давлатлари билан Божхона иттифоқини ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзолаган эди. 1834 йилга келиб Иттифоқ 23 млн аҳолига эга бўлган 18 та давлатни бирлаштириди. Шимолий дengизга чиқиш йўлига эга бўлган ва Англия билан саводдан катта фойда оладиган давлатлар Иттифоқ таркибиға кирмади. Иттифоқда асосий роль Пруссияга тегишли эди. Божхона иттифоқининг ташкил килиниши ички бозорнинг кенгайиши ва немис саноатининг ривожланишига катта тъсирир кўрсатиб, Германиянинг бирлашуви жараёнини тайёрлади. Аммо бу ҳол радикал кайфиятдаги майда буржуазия ва зиёлиларни қаноатлантирмас эди.

<sup>1</sup> Юнкер – йирик феодал, помешчик.

Уларнинг қарашлари айниқса Людвиг Берн ва Генрих Гейне ижодида ўз аксини топган.

1848 йилнинг баҳорига келиб Германия 38 та майда мустақил давлатларга булиниб кетган эди. Шулардан 20 тасининг орасида божхона чегаралари мавжуд бўлиб, улардан товар олиб ўтиш шу товарни Америкага элтишдан қиммат турарди. Иқтисодий инқироз немис халкининг ахволига оғир таъсир кўрсатди. 1847 йилга келиб Пруссиянинг давлат хазинаси бўм-бўш эди. Қирол Фридрих Вильгельм IV пул сўраш учун асосан дворянлардан иборат бўлган ландтаг<sup>1</sup> йиғилишини чакиришга мажбур бўлди. Қирол йиғилганларға мурожаат этиб: «Мен бизнинг самодаги худомиз билан мамлакатимиз ўртасида қандайдир ёзиб ташланган қоғоз вараклари бўлишига (конституцияни назарда тутиб – Ш.Э.) йўл қўймайман», – деди. Йиғилганлар қиролга кредит беришдан бош тортдилар ва йиғилиш шу куни тарқатиб юборилди.

Франция ва Италиядаги инқилобий жараёнлар Берлинда ҳам қўзголонни тезлаштириб юборди. 18 март куни шаҳарда баррикадалар кад кўтарди. Кўнғироқ чалиниб, Берлин атрофидан минглаб ҳунарманд ва ишчилар шаҳар марказига йиғилдилар. Йиғилганларга қарши қўшин ташланиб, жангларда 400 дан зиёд киши ўлдирилди, мингдан зиёд киши ярадор бўлди.

Қирол либерал буржуазия вакиллари билан вактинчалик келишувга рози бўлди. Ушбу келишувнинг маҳсули сифатида янги ҳукумат тузилди: Ганземан молия вазири, рейнлик либераллар раҳбари Кампгаузен эса бош вазир этиб тайинланди. Бундан ташқари, қирол қўшинларни пойтахтдан чиқарди ва миллий гвардиянинг тузилишига розилик берди. Шу тариқа Берлинда қўзголон ғалаба қозонди. Германиянинг кўплаб бошқа шаҳарларида ҳам бошланган қўзғолонлар ғалаба билан якунланди. Айрим қишлоқ жойларда ҳам дехқонлар қўзғолон кутариб, феодал мажбуриятларни бажаришдан бош тортдилар. Мамлакатнинг жануби-гарбida дехқонлар феодал ҳуқуқларнинг бекор қилинишига эришдилар. Силезия ва Познанда дехқонлар қўзғолонлари миллий-озодлик ҳаракати тусини олди.

*Франкфурт парламенти.* 1848 йилги немис инқилобининг асосий муаммоси Германияни бирлаштириш масаласи эди. Мухолифатчи томонлар ўртасидаги кураш ҳам шу масала атрофида бўлди.

<sup>1</sup> Ландтаг – табакали – вакиллик органи.

Либерал буржуазия вакиллари Германияни иккита кучли немис давлатлари – Австрия ва Пруссиянинг бири атрофида бирлаштириш режасини таклиф қилдилар. Бу йўл ижтимоий иқтисодий соҳаларда катта ўзгаришларга олиб келмасдан, конституциявий монархиянинг ўрнатилиши билан чекланишни кўзда тутарди.

Шундай ҳолатда 1848 йил 18 май қуни Муқаддас Павел ибодатхонасининг қўнғироқлари жаранги остида Майн бўйидаги Франкфурт шаҳрида Германиянинг барча аҳолиси томонидан сайланган умумгерман парламенти – Франкфурт миллий мажлисининг биринчи йиғилиши очилди. Парламент депутатлари фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари эълон қилинган умумгерман конституциясининг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Империя таҳтига Пруссия қироли Фридрих-Вильгельм IV ни таклиф қилишди, аммо у писанд қилмасдан бу таклифни рад этди. Обрусини йўқотган парламент 1849 йил июнда қувиб юборилди. Қирол март воқеаларидан сўнг ташкил қилинган прусс Миллий мажлисини ҳам тарқатиб юборишни буюрди.

Шунга қарамасдан, қирол Фридрих-Вильгельм IV фармон эълон қилиб, унга қўра мамлакатда табақавий тизимни ва қиролнинг veto ҳуқуқини мустаҳкамловчи, юкори мулкий ценз билан чегараланган сайлов ҳуқуқини жорий қилувчи конституция «инъом» этилди.

Германияда инқилоб ўз олдига қўйган вазифа – немис давлатларини бирлаштиришни амалга ошира олмади. Инқилоб мағлубиятга учраган бўлсада, унинг таъсирида мамлакатда капитализмнинг ривожланишига олиб келган ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилди.

*Иқтисодий ривожланиши.* Инқилоб немис давлатларининг кейинги иқтисодий ривожланишига анчагина таъсир кўрсатди. Буржуа инқилоблари ғалаба қозонган бошқа Европа мамлакатларига нисбатан Германияда капитализм, айниқса қишлоқ хўжалигида, ўзгача йўл билан қарор топди. Бу йўл тарихда капитализм ривожланишининг «пруссча» йули номини олган. Пруссча йўлнинг характерли жиҳати шундаки, крепостной помешчик хўжалик шакли капиталистик хўжаликка жуда секинлик билан ўсиб ўтади. Хукumat қатор ислоҳотларни амалга ошириб, уларда феодал имтиёзларнинг бекор қилиниши помешчиклар учун ҳам маъқул бўлган иқтисодий ва сиёсий компенсациялар орқали амалга оширилди. 1850 йилги «Помешчиклар ва деҳқонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш тўғрисида»ги фармон фақат иккинчи даражали феодал

қарамликларнигина бепул бекор қилди. Асосий қарамликлар эса со-тиб олиниши керак эди. Бу ислоҳотлар, арzon ишчи кучи ва кулай конъюнктура шартлари, юнкер хўжаликларининг мусаҳкамланиши-га олиб келди.

Инкилобдан кейинги ўн йил саноат учун ҳал қилувчи йил-лар бўлди. Ёш буржуазия бутун ўзининг кучини ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириди. Халқаро доирадаги саноатчилар пайдо бўлди. Улардан XIX аср 50–60-йилларида дунёда энг йирик ҳисобланган локомобиль заводининг эгаси Борзиг, кўплаб давлатларни курол билан таъминлаб турган Альфред Крупп, денгиз кабеллари ва телеграф симларининг эгалари Сименс ва Гальске, темир йўллар қурувчиси фон Унру ва бошқалар жуда машҳур эди. Бироқ немис давлатларининг саноат тараққиётидаги муваффақиятлари анча нисбий эди. Пруссияда 1852 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижалари бўйича 17 миллион мамлакат аҳолисининг 12 миллио-ни қишлоқларда яшарди, 984 та шаҳарнинг фақат 12 тасида 100 мингдан зиёд аҳоли яшарди, 500 та шаҳарлар аҳолиси ҳар бири 2,5 мингдан ошмасди. Провинцияларда ҳам саноат ишчилари сони 11% дан 37% гачани (бу фақат Бранденбургда, йирик машинасозлик марказига айланган Берлин шахри ҳисобига) ташкил қиласди.

*Пруссия ва Австрия ўртасида Германия иттифоқида етакчилик учун кураш.* Немис давлатларининг бошликларида Германияни бирлаштиришнинг уч хил режаси мавжуд эди. Биринчиси, «кичик герман иттифоқи» деб аталган, немис ерларининг Пруссия етакчилигида Австриясиз бирлашуви, иккинчиси, «буюк герман иттифоқи» деб аталган ва Австрия етакчилигида барча немис давлатларининг бирлашуви ва ниҳоят, учинчиси, Австрия, Пруссия ва қолган немис давлатлари иттифоқининг мустақил мавжудлиги.

Миллий қарама-қаршиликлар ва миллий-озодлик ҳаракатлари гирдобида қолган Австрия-Германия иттифоқи монархлари ичида етакчилик ролини йўқотиб борди. Ўз ҳудудида қаттиқ тартиб ўрнатган Пруссия эса аксинча, немис давлатлари орасида ўз таъсирини ошириб борди. Австриянинг ичкиси ва ташки қийинчиликларидан фойдаланган Пруссия 1849 йили майда ўз ташабbusи билан Берлинда Германия иттифоқини қайта ташкил қилиш масаласи бўйича Австрия, Бавария, Саксония ва Ганновер вакиллари иштирокида кенгаш чакирди. Пруссия томонидан таклиф қилинган лойиҳага кўра унга ҳарбий ишлар ва ташки алоказалар олиб бориш хукуки берилади, қолган функциялар эса немис давлатлари монархларининг

йиғилиши томонидан олиб борилади. Австрия ва Бавария вакиллари ушбу лойиҳага кескин қарши чиқдилар ва норозилик рамзи сифатида Берлинни тарқ этдилар. Пруссия Саксония ва Ганноверни юқоридаги лойиҳа шартлари асосида «уч қирол униясини» имзолашга рози қилди. Франкфурт йиғилишида ушбу уния дастури умуммиллий дастур сифатида қабул қилинди ва унга яна 28 та немис давлатлари қўшилдилар. 1850 йил марта парламентга сайлов ўтказилди ва депутатлар иш бошладилар. Аммо Пруссия томонидан ташкил қилинган сиёсий тизимни Австрия бузиб ташлашга эришди. 1850 йили майда Майн бўйидаги Франкфурт шаҳрида немис давлатларининг вакиллари энди Австрия етакчилигига йиғилдилар ва эски сеймни тиклашга қарор қилдилар. Франкфурт кенгаши бундан буён сеймда Австрия ва Пруссия навбатма-навбат раислик қиласи деб қорор қилди.

Бу келишувчанлик руҳидаги қарор Пруссияни қаноатлантиргомади ва Фридрих-Вильгельм сафарбарлик эълон қилди. Бирок Россия ўтказган босим натижасида 1850 йил ноябрда Пруссия ташки ишлар вазири барон Мантейфель Пруссиянинг тўлиқ таслим бўлишини англатувчи Ольмюц келишувини имзолади. Унга кўра Пруссия ўз қўшинини тарқатиб юбориш, униядан воз кечиш ва эски сеймни тан олиш мажбуриятини олди. Икки йилдан кейин Шлезвиг-Гольштейн муаммоси ҳам ҳал қилинди. Англия, Россия, Франция ва Швеция томонидан имзоланган Лондон протоколига кўра бу ерда таҳтга ворислик хуқукини Дания шаҳзодаси Христиан Глюксбургский олди; Пруссия қўллаб-кувватлаган герцог Августенбургский 2,5 млн талер пул эвазига ўз даъвосидан воз кечди. Аммо Пруссия масалани охиригача ҳал қилинган деб ҳисобламади.

Пруссиянинг Германияда етакчилик қилиш учун ҳаракати амалга ошмай қолди. Ольмюц келишуви узоқ вақт прусс юнкерлари учун хўрлик ва ҳақорат рамзи бўлиб қолди, фаол ташки сиёсат юритиш истагини сўндириди. Бунинг устига, 1856 йилги Париж конгрессида барча қарорлар қабул қилингандан кейин барон Мантейфелнинг конгресс йиғилишига таклиф қилиниши Пруссиянинг иккинчи даражали давлат эканлигига яна бир ишора бўлди.

**Вильгельм I ва Бисмарк.** XIX аср 60-йилларида мамлакат бошқарувига янги кучлар келади. 1858 йили Фридрих-Вильгельм IV вафот этгандан сўнг таҳтга унинг укаси Вильгельм I (1797–1888) келади. Янги қирол 60 ёшга кирган, сиёсий зийрак бўлмасада, яхшигина

амалиётчи эди ва барча масалаларни Пруссия учун фойдалилигига қараб ҳал қиласади. Пруссиянинг буюклигини барча масалалардан юқори қўйган Вильгельм I кучли армияни яратишга интилди. Ёшлигидан ҳарбий хизмат учун тарбияланган қирол армияга алоҳида муҳаббат билан қаради. Ўз сиёсий қарашларига кўра ўта реакцион бўлган Вильгельм I Германияни бирлаштириш масаласини фақат қуролли йўл билан ҳал қилиш мумкин, деб ҳисобларди.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун қиролга кучли канцлер лозим эди ва у ўз нигоҳини Бисмаркга қаратади.

Бисмарк, Отто Эдуард Леопольд фон Шёнхаузен (1815–1898) (кейинчалик граф, князь ва герцог) бранденбурглик қадимий дворянлар авлодига мансуб эди. У иккита университетда ҳуқуқшунослик таълимини олган ва агрономия курсини тинглаганидан кейин дастлаб ҳарбий хизматга кирди, сўнгра қишлоқда жойлашиб помешчик бўлди, хўжалик билан шахсан шуғулланди. У жўшқин мижозли, саркаш ва жанговар характеристерили киши эди. Баланд бўйли, бақувват, ўз қарашларини ҳимоя қилиш учун дарҳол муштини ёки қуролини ишга солишга қодир бу одам замондошларида кучли таассурот қолдирган. Бисмарк 1848 йилги инқилоб пайтида қиролни ҳимоя қилиш учун ўз дехқонлари билан исёнчиларга қарши чиқишга чоғланганлиги ва ўзининг консерватив қарашлари билан ҳукмрон доираларнинг эътиборини жалб қилди. У реал ҳолатни туғри баҳолай оларди. Бисмарк дехқонлар, ҳунармандлар ва майдада саводгарлар консерватив сиёsatнинг таянчи ҳисобланади, улардаги ғайрикапиталистик кайфиятдан империя душманларига қарши курашда фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Бирлашгай ва қудратли Германияни яратиш учун Бисмарк ўзи ёқтирган ва қадрлаган нарсалардан воз кечиши, буржуазия ва ҳатто демократлар билан ҳам вақтинча келишувга бориши, фойдаси тегмай қолганда ҳеч қандай хижолатсиз ўзининг кечаги иттифоқчиларидан юз ўгириши мумкин эди.

Шундай қарашларга эга бўлган 47 ёшли сиёсий арбоб Бисмарк 1862 йил 23 сентябрда Пруссиянинг вазир-президенти лавозимига тайинланди.

Бисмарк амалдорларни ёқтиրмас, зиёлиларга нисбатан эса қалбининг тўрида нафрат туйиб юради. Ўз сиёсий фаолиятини буржуазияга қарши юнкерлар тарафдори булиб бошлаган Бисмарк, буржуазия реал кучга айлананаётганлигини англагандан сунг у билан

келишишни лозим топади. У жамоатчилик кенг қатламларининг кўллашига эришишни зарур деб ҳисобларди. Бисмарк канцлер бўлгандан сўнг ўзининг бош мақсади – Германиянинг бирлиги сари дадил қадамлар ташлади ва «темир иродали канцлер» лақабини олди.

**Германиянинг бирлашиши.** Бисмарк Пруссия ҳукуматининг бошлиғи бўлгандан кейинги биринчи оммавий чиқишида ўзининг дастурини эълон қилиб, Вена трактати томонидан ўрнатилган чегара Пруссияни қаноатлантираслигини билдириди ҳамда «буғун даврнинг буюк муаммолари нутқлар ва қўпчиликнинг қарорлари билан эмас, қурол ва қон билан ҳал қилинади», деди. У шунингдек, Пруссия ва Австрия ўргасидаги муносабатлар ҳам қониқарли эмаслигини билдириб, агар бу муносабатлар яхшиланмаса, Пруссия Австриянинг душманлари билан келишишга мажбурлигини айтди. Бу шунчаки сиёсий ўйин эмаслиги тезда маълум бўлди.

1862 йили Польшада қўзғолон кўтарилиди ва Европа давлатлари рус-поляк муаммоларига аралаша бошладилар. Австрия Англия ва Францияни қўллаб Россияга қарши чиқди. Пруссия эса намойишкорона Россия билан Альвенслебен сулхини имзолаб, ўзининг кейинги ҳаракатлари Россия томонидан қўлланилишини кафолатлаб олди.

Бисмаркнинг кейинги ҳаракати Данияга қарши қаратилди.

1863 йил ноябрда Дания қироли ўз конституциясининг Шлезвиг ва Лауенбургта ҳам татбиқ этилишини эълон қилди ва бутун Германияни жазавага солган ушбу қарордан икки кун кейин оламдан ўтди. Унинг ўрнига 1852 йилги Лондон протоколига биноан шаҳзода Глюксбургский келди. Тахтга бўлган ўз ҳукукларини енгилтакларча сотган герцог Августенбургскийнинг ўғли ҳам энди ўз даъвосини янгилади. Бисмарк вужудга келган ҳолатдан зудлик билан фойдаланишга қарор қилди. У 1849 йилги хатони ҳисобга олиб, бу сафар ёлғиз ҳаракат қилмаслик учун Австрияни ҳам Шлезвиг ва Гольштейнни биргалиқда босиб олишга кўндириди. 1863 йил февралда австро-прусс қўшинлари Шлезвиг ва Гольштейн худудига бостириб кирди. Дания қўшинлари маглубиятта учради. 1864 йил 30 октябрда имзоланган тинчлик сулҳига кўра Шлезвиг, Гольштейн ва Лауенбург Австрия ва Пруссиянинг ҳамкорликдаги мулки деб эълон қилинди. Ерларга эгалик қилиш бўйича иккала давлат ўтасида вужудга келган келишмовчилик 1865 йил 14 августда Гольштейн конвенцияси орқали ҳал қилинди: Шлезвиг худуди Пруссия

томонидан, Гольштейн – Австрия томонидан бошқариладиган бўлди; Лауенбургни эса Пруссия 2,5 млн талерга сотиб олди; Килда Пруссия бошқаруви ўрнатилди.

Кейинги ярим йилни Бисмарк Австрияга қарши уруш бошлаш учун мамлакат ичкарисида ва чет элларда қулай мухит яратишга сарфлади. Иттифоқчи ҳам топилди – Италия. У Австрия таркиби-га киравчи Венецияни эгаллаш иштиёқида эди. 1866 йил 8 апрель куни Пруссия билан Италия ўртасида шартнома имзоланди ва унга кўра Пруссия уч ой ичидаги уруш бошлайдиган бўлди. Берлин билан Вена ўртасидаги муносабатлар борган сари чигаллашиб бир-бирига таҳдидли ноталар юборишгача бориб етди. 1866 йил 28 февралда Пруссия давлат кенгашида сўзга чиққан қирол Вильгельм ҳар қандай йўл билан, ҳатто уруш билан бўлса-да, Австрияга ўз ўрнини кўрсатиб кўйишини айтди. Австрия императорининг атрофидаги-лар худди шу гапларни Пруссияга нисбатан айтдилар.

1866 йил 10 март куни Австрия, 24 март куни эса Пруссия герман давлатларига мурожаат қилиб, бир томоннинг ҳарбий тайёргарлиги қарши томонни ўз қўшинларини жанговар ҳолатга келтиришга мажбур қиласди, дейиши. 12 июнда Австрия томони дипломатик муносабатларни узганлигини эълон қилди. Бу ҳол Бисмаркни уруш эълон қилишдек оғир ҳолатдан кутқарди. 14 июлда Иттифоқ сеймида Австрияниң Пруссияга қарши иттифоқ қўшинларини сафарбар қилиш ҳақидаги таклифи кўпчилик томонидан қувватланди. 16 июль куни Пруссия Саксония, Ганновер ва Гессенга қўшин киритди. Факат ганноверликлар жиддий қаршилик кўрсатишди, холос. Шу тариқа кечаги икки иттифоқчи, икки немис давлати ўртасида уруш бошланди.

Урушнинг асосий жанги Садова кишлоғи ёнида бўлиб, унда австрияликлар армияси тор-мор қилинди. Французлар воситачилигида 1866 йил 26 июлда Никольсбургда яраш, 23 августда Прагада тинчлик сулҳи имзоланди.

*Шимолий герман иттифоқининг ташкил топиши.* Бисмарк Австрия билан бир пайтда герман давлатлари билан ҳам музокаралар олиб борди. Бу музокараларнинг натижаси сифатида 1866 йил августда 22 та немис давлатлари Пруссия билан Шимолий герман иттифоқини тузиш түғрисида шартнома имзоладилар. Берлинга йиғилган ушбу давлатларнинг вакиллари икки ой ичидаги янги конституция лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Умумий сайлов ҳукуқи

асосида сайланган Таъсис мажлиси конституцияни маъқуллади ва у 1867 йил 1 июлдан кучга кирди. Иттифоққа кирган барча давлатлар ўзларининг монархияли тузилишини, сулоласини, хукуматини, армия, қонунлар ва суд тизимини саклаб қолдилар. Шимолий герман иттифоқининг давлат бошлиғи президент бўлиб, бу лавозимга доимий равишда Пруссия қироли тайинланади. Шимолий герман иттифоқи ўзининг конституцияси, парламенти ва вазирлар ҳамда давлатлар вакилларидан ташкил топган Иттифоқ кенгашига эга эди. Пруссиянинг аҳолиси қолган немис давлатлари аҳолисидан тўрт марта кўп бўлганлиги сабабли парламент депутатларининг ҳам кўпчилигини пруссияликлар ташкил қиласиди ва бу ҳол Пруссиянинг Иттифоқдаги етакчилик ролини таъминларди.

Бисмаркнинг муваффакиятлари жамиятнинг барча қатламлари орасида унинг обручини ошириб юборди. Либералларнинг бир қисми Миллий партияни ташкил қилдилар. Миллий-либераллар эса Германияни «курол ва қон» билан бирлаштириш ўзини оқлади деб ҳисоблаб, Бисмаркни қўллаб-куватлашга қарор қилдилар. Энди «темир иродали канцлер» консерваторларга ҳам, либералларга ҳам таяниши мумкин эди.

Гогенцоллернларнинг қизил ҳошия билан безатилган оқ-қора байроғи остида Шимолий Германия бирлаштирилди. Ягона немис миллатининг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланди, иқтисодий ва маданий тараққиётга тўсиқ бўлаётган феодал тарқоқлик энди йўқ қилинди. Бу масала «курол ва қон» билан ҳал қилинганлиги, бу ишнинг тепасида демократиянинг ҳар қандай кўринишига қарши бўлган Бисмарк турганлиги сабабли Европа-нинг марказида агресив кайфиятдаги ҳарбий-бюрократик монархия вужудга келди дейиш мумкин бўлади.

Франция-Пруссия уруши пруссияликларнинг ғалабаси билан якунлангандан сўнг (уруш ҳақида Францияга багишланган бўлимда танишгансиз) 1871 йил январда Пруссия императори Вильгельм I Версалъ саройининг серҳашам ойнабанд залида Германия императори деб эълон қилинди. Мамлакатни бирлаштириш учун олиб борилган узоқ кураш якунланди ва уни Бисмарк якунлади.

**XIX аср охири – XX асрнинг бошлирида Германия империяси. «Қуёш остидан жой» учун кураш.** Немислар тантана қиласиди. Бисмарк мамлакатни бирлаштиришни уddyалади. Жанубий герман давлатлари билан шартномалар имзоланди. Германия империя-

си таркибига ўз автономияларини сақлаб қолган 22 та монархия ва эркин шаҳар мақомларини сақлаб қолган 3 та шаҳар кирди. Агар Германия империясининг харитасига назар солсак, империя ҳудудининг 2/3 қисмини, аҳолининг эса 60% ини Пруссия ташкил қиласди. Бу ҳолат Пруссиянинг империядаги етакчилик ролини таъминларди. Бироқ Вильгельм I Бисмаркка ёзганидек, Пруссия фақат «худудининг катталиги ёки қудрати билангина эмас, аввало маънавий ривожи ва ўз армиясининг кучи билан империяга бош бўлди».

1871 йил баҳорда биринчи империя рейхстаги конституция қабул қиласди. Конституция Пруссиянинг империядаги етакчилик ролини мустаҳкамлади. Унга биноан фақат Пруссия қиролигина Германия империясининг императори бўлиши мумкин эди. Император катта ҳукуқларга эга бўлди. У қуролли кучлар бош қўмондони ҳисобланади, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қиласди, ҳукумат бошлигини (канцлерни) тайинлайди ва ишдан олади ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимият ҳам унга тегишили.

Империянинг олий вакиллик органлари Иттифоқ Кенгаши ва Рейхстаг эди. Рейхстаг «умумий сайлов ҳукуқи» асосида 5 йилга сайланади. Ҳарбий хизматчилардан ташқари 25 ёшга тўлган барча эркаклар сайлов ҳукуқига эга эдилар. Иттифоқ Кенгаши сайланмасди, у барча немис монархиялари ва эркин шаҳарларининг вакилларидан ташкил топганди. Канцлер Кенгаш раиси ҳисобланарди.

Рейхстагга барча сиёсий партияларнинг вакиллари ҳам кирган бўлиб, улар орасида кўплаб келишмовчиликлар мавжуд эди. Бундан ташқари кўплаб немис давлатларининг бошликлари бирлашишга охирги имкониятларигача қарши турдилар, шу сабабли Рейхстаг ва Иттифоқ Кенгашини бошқариш ва тегишили қарорларни қабул қилдириш учун Бисмаркнинг маҳорати ҳамда қатъяти жудаям зарур эди. Бу даврга келиб Бисмарк уста сиёсатчи даражасига кўтарилиган, сиёсий нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаган ва «Кучли ҳамма вақт ҳақ!» деган сўзларни ўз ҳаракатининг шиорига айлантирган эди.

1871 йидан 1878 йилгacha «либерализм даври» деб аталди. Бу янги шароитда ҳаётни қайтадан куриш учун фаол ҳаракат даври эди. Бу даврда темир йўлларни бошқаришнинг ягона тизими, ягона валюта – марка жорий қилинди, империя банки ва империя суди иш бошлади.

Империя армиясини яратишга катта аҳамият қаратилди. Армиянинг умумий сонини аниқлаш борасида кескин баҳслар бўлди. Мольтке<sup>1</sup> 400 минг кишилик армияни талаб қилди, рейхстаг депутатлари бундай катта армия жуда кўп маблағ талаб қиласи деб, бу сонга рози бўлмадилар. Аммо Мольткедек обрўли киши ўз айтганини қилмасдан қўймасди.

Шу тариқа Германия империясининг армияси вужудга келди. Янги «туғилган» армия энди империя учун «куёш остида жой» эгаллаши лозим эди.

*Империянинг жадал иқтисодий тараққиёти.* 70–80-йилларда Германиянинг жадал ривожланганлиги, унинг саноат моллари барча қитъалардаги бозорларга кириб борганлиги яхши маълум. Хўш, бундай муваффакиятнинг сири нимада эди?

Энг аввало бу мамлакатнинг бирлаштирилиши ва натижада ягона ички бозорнинг шаклланишидир. Божхона чегаралири йўқ бўлди, ягона пул бирлиги, оғирлик ва узунликнинг ягона ўлчов тизими жорий қилинди. Аммо Францияни таламаганда эди, иқтисоднинг бундай тез ривожланиши юз бермаган бўларди. Гап шундаки, француз-prusс уруши даврида Германия Франциянинг энг ривожланган 35 та департаментини босиб олди ва у ердаги корхоналарнинг ускуналарини ва транспорт воситаларини олиб кетди. Мағлуб бўлган Франция Германияга жуда катта контрибуция – 5 млрд франкни бор-йўғи уч йил ичида тўлади. Тинчлик сулҳи шартларига кўра Германия темир рудаларига бой бўлган Эльзас билан Лотарингиянинг бир қисмини ҳам олди. Лотарингия рудаси Саар тошкўмири билан қўшилиб оғир саноатнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Бундан ташқари немис тадбиркорлари бошқа мамлакатларнинг тажрибасини муваффакиятли қўллади, энг илғор технологияларни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий қилди. Саноатнинг жадал милитаризациялаштирилиши<sup>2</sup> ҳам саноат тўнтишишининг якунланишини жадаллаштириди. «Биз ўз даржамизга ақлимизнинг эмас, қиличларимизнинг ўткирлиги билан

<sup>1</sup> Граф Мольтке Хельмут Карл (1800–1878) – фельдмаршал, ҳарбий идеолог, Бисмаркнинг сафдоши, Вильгельм I нинг устози ва дусти. Унинг қўмондонлигигида Пруссия армияси Садова ёнида австриялларни, Седанда эса французларни мағлуб этган.

<sup>2</sup> Милитаризация – иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг босқинчиллик ташқи сиёсатга бўйсундирилиши.

эришгандын», – деб ёзган эди фельдмаршал фон дер Гольц. Фақат ҳарбийлар эмас, күпчилик сиёсатчилар ҳам шундай үйлашардилар. Франциядан олинган контрибуциянинг ҳам катта қисми корхоналарга берилген ҳарбий буюртмаларни тұлашға сарфланды.

Аммо хұжалик ҳаётида салбий жиҳатлар ҳам мавжуд эди.

**Грюндерлик ёки қаллоблик даври.** Жадал иқтисодий үсіш даврини олимлар «грюндерлик»<sup>1</sup> даври деб аташған. 1871 йилдан 1875 йилгача мамлакатда жуда күплаб саноат компаниялари ва банклар пайдо бўлди. Худди немисларни капитал жамғариш, енгил бойлик ортидан қувиш жазаваси камраб олгандек тууларди. Янги қабул қилинган қонунга кўра акциядорлик жамиятини ташкил қилиш учун давлатнинг лицензияси<sup>2</sup> талаб қилинmas эди. Ҳар бир немис, Францияни мағлуб этдикми, демак, омад бизга бир умрга келди, деб хисоблашарди. Бойлик кўпчиликни – миллионерлар ва хизматчиларни, банкирлар ва нафақачиларни, помешчиклар ва камбағалларни қўзини кўр қилиб қўйганди. Биржа хабарлари кўпчилик немисларнинг доимий китобига айланди. Ҳамма, ҳатто бой уйларнинг хизматчилари ҳам «қора кунга» йигиб қўйган пулларини яқинда жойлашган банкларга олиб бориб, қайсиdir компаниянинг акцияларини сотиб олишга интиларди (улар шунинг ўзи «қора кун» эканлигини тушунмасдилар). Арzon кафеларнинг мижозлари ҳам бир финжон қахва устида темир йўл компанияларининг ишларини муҳокама қилишарди. Кўплаб акциядорлик компаниялари учар қаллоблар, товламачи фирибгарлар томонидан ташкил қилинган бўлиб, 1873 йили мамлакатни қамраб олган инқироз пайтида буларнинг барчаси касодга учради. Юз минглаб немислар ўз жамғармаларидан айрилдилар. Берлинда ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кескин ошиб кетди. Кўпчилик енгил бойликни орзу қилган кишилар ҳатто бошпанасиз қолдилар. Аммо йирик корхоналар хонавайрон бўлган майдалари хисобига янада кучайди. 15 йиллик турғунликдан кейин саноатнинг жадал ривожланиши бошланди.

**Иқтисодий ривожланишининг янги белгилари.** XIX аср 90-йиларида Германия катта иқтисодий сакрашни амалга оширди. Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича агар 1870 йили жаҳонда тўртинчи үринда бўлса, 1880 йили учинчи, 1913 йили эса АҚШдан

<sup>1</sup> Грюндерлик (немисча *grunden* сўзидан олинган) – ташкил килмоқ, асос солмоқ.

<sup>2</sup> Лицензия – бирон бир фаолият тури учун олинадиган хукук, рухсатнома.

кейин иккинчи ўринга чиқиб олди. 1876–1913 йиллари саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш индекси 4,2 марта ошди<sup>1</sup>. Йирик саноат банклари ва корпорацияларни ташкил қилиш жараёни давом этди. Улардан баъзилари монополияларга айландилар. Йирик корпорациялар энг аввало оғир саноатда ташкил килинди. 1886 йили Рейн-Вестфалия чўян қуийш картели тузилди, 1893 йили Рейн-Вестфалия тошкўмир синдикати пайдо бўлди.

1904 йили тузилган Пўлат картели ва 1911 йили ташкил қилинган Чўян картели 1914 йилга келиб мамлакатда ишлаб чиқилган қўмири ва пўлатнинг 98% ини назорат қиласади. Саноатнинг янги – кимё ва электротехника соҳалари ривожланди. Иккита гигант корпорациялар – ЯЭЖ (Ялпи электрлаш жамияти) ва «Симменс, Гальске ва Шукерт» ўзаро келишув имзолаб, электротехник ишлаб чиқаришни тўлиқ назорат қиласади. 1913 йилга келиб мамлакатда 600 га яқин картеллар мавжуд эди. Ҳатто Крупнинг қурол-аслача, локомотивлар, темир йўл рельслари ишлаб чиқаришга эгалик қилган қуратли фирмаси ҳам 1903 йили акциядорлик жамиятига айлантирилди ва кайзер Вильгельм II нинг ўзи ҳам унинг пайчиси бўлди. Йирик корпорацияларни ташкил қилишда банкларнинг роли катта бўлиб, улар катта фирмаларга узок муддатли кредитлар берар ва бу фирмаларни ўз назоратига оларди. Банклар орасида ҳам концентрациялашув жараёни кетарди. 1910 йилга келиб Берлиннинг 9 та йирик банклари мамлактдаги пул жамғармаларининг ярмини ўзларидан жамлаган эди. Ички савдо ривожланиб, бунга темир йўллар ва кемалар қатнови катта туртки бўлди. Немис товарлари ва капитали чет элларга йўналтирилди. Дастреб немис товарлари харидорларни жалб килмасди ва тадбиркорлар алдов йўлига ҳам ўтганди – ўз молларига инглизларнинг товар белгиларини қўядилар. Аммо аста-секин товарларнинг сифати яхшиланиб, улар ўз харидорларига эга бўлиб борди. Германия тадбиркорлари ва банкирлари чет элларда темир йўллар қурилишига, масалан, Бағдод темир йўли қурилишига маблағ киритдилар. Саноатнинг битта ёки бир нечта соҳасини назорат қилювчи саноат магнатлари ва уддабурон банкирлар пайдо бўлдилар.

**Қишлоқ ҳўяжалиги.** Мамлакатда ҳайдаладиган ерларнинг деярли учдан бир қисми прусс юнкерларининг қўлида жамланган эди. Ҳар бир помешчик ерларининг ўртача ҳажми 100 гектарни ташкил қилса, 154 та оиланинг ҳар бири 5 минг гектар ерга эгалик

<sup>1</sup> Қаранг: Хидаятов Г.А. Дипломатия XX века. – М., 2011. С.12

қиларди. Албатта бундай ҳолатда миллионлаб дехқонлар жуда кам ер парчаси билан қаноатланишга мажбур эди. Дехқонларнинг учдан бир қисмини «мустақил хўжайинлар» ташкил қиларди. Улар орасида, айниқса Германиянинг жануби ва жануби-ғарбида бой дехқонлар ҳам бор эди. Албатта бундайлар кўп эмасди, «мустақил хўжайинлар»нинг асосий қисми бутун оиласи билан қилинадиган оғир меҳнат эвазига зўрға кун кечиришарди. Кўплаб дехқонлар эса кўшимча ишсиз кун ҳам кечира олмасди. Қишлоқда табақалашув жараёни жадал кетаётган эди. Кўплар шаҳарга кетишга мажбур бўлди. Агар 1871 йили Германия аҳолисининг 1/3 қисми шаҳарларда яшаган бўлса, 1910 йилга келиб 2/3 қисми шаҳарларда яшарди.

Германия индустрисиал мамлакатга айланди.

*Мухолифатга қарши кураш.* Империянинг ташкил қилиниши айрим муаммоларни ҳал қилган бўлса, янгиларини пайдо қилди. Мамлакатда кўплаб норозилар бор эди. Бундайлар биринчидан, майда немис давлатларининг дворянлари бўлиб, улар даромад келтирувчи амалларни эгаллай олмаганларидан норози эдилар. Иккинчидан, мамлакатнинг жануби ва ғарбида катта таъсирга эга бўлган католик черкови Пруссияда шундай таъсирга эга эмасди. Албатта мухолифатнинг асосий қисмини социалистлар ташкил қиларди.

Бисмарк биринчи зарбани католик черкови руҳонийларига қарши қаратди. Бу кураш «культуркампф» (маданият учун кураш) номини олди. Католик черковига қарши қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди: черков амалларига тайинлашни давлат тасдиқлайдиган бўлди, католик руҳонийлари бошланғич мактабни назорат қилиш ва унда дарс бериш хукуқидан маҳрум этилди, уларга сиёсий ташвиқот билан шуғулланиш тақиқланди, никоҳни, туғилиш ва ўлимни қайд қилишининг фуқаролик усули жорий қилинди, иезуитлар ордени Германиядан қувиб чиқарилди. Аста-секин католик черковига қарши қувғин сусайди, католик черковининг ўзи ҳам марказий ҳокимиятга қарши чиқмай қўйди.

*Германия социал-демократик партиясининг (ГСДП) ташкил топиши.* Саноатнинг ўсиши ишчилар сонининг ошишига ҳам олиб келди. XIX аср 70-йилларида касаба уюшмаларининг фаоллиги ошиди ва уларнинг асосий қисми социал-демократлар таъсири остида эди. Касабачилик ҳаракатининг энг қизғин даври 90-йилларга, иқтисодий юксалиш даврига тўғри келди. Бу ҳаракатга 1869 йили Эйзенах шаҳрида ишчиларнинг умумгерман съездиде Вильгельм

Либкнект ва Август Бебель раҳбарлигида ташкил қилинган Германия социал-демократик ишчи партиясининг таъсири кучли эди. Бундан ташқари 1863 йили Фердинанд Лассаль томонидан ташкил қилинган Умумгерман ишчилар иттифоқи ҳам маълум таъсирга эга эди. 1875 йили Тюрингиядаги Гота шаҳрида бўлиб ўтган бирлаштирувчи съездда ягона Германия социал-демократик партияси ташкил қилиниб (ГСДП), унда «Гота программаси» деб аталган, тинч йўл билан, ишлаб чиқариш ишчилар бирлашмаларини ташкил қилиш оркали, «озод ҳалқ давлатини» тузишни мақсад қилиб қўйган дастур қабул қилинди. Партияning таъсири ортиб борди ва 1877 йили рейхстагга ўтказилган сайловларда 12 та депутатлик ўринларини эгаллади.

Бисмарк социал-демократлар жамоат тартибига хавф солади деб ҳисоблаб, уларни ёмон кўрарди. Уларга қарши кескин курашни бошлаш учун 1878 йили Вильгельм I га қарши уюштирилган иккита суиқасд баҳона бўлди. Иккинчи суиқасд натижасида кекса қирол оғир ярадор бўлди ва бу кўплаб немисларни ғазабга келтирди. Аслида қиролга қарата ўқ узганлар ГСДП аъзоси бўлмасаларда, қандайдир социалистик рисолаларни ўқиган бўлиб чиқдилар. 1878 йил октябрда рейхстаг Бисмарк томонидан таклиф қилинган «Социал-демократларнинг ижтимоий хавфли интилишларига қарши қонун»ни қабул қилди. Конун вақтинча 2,5 йилга қабул қилинган эди. Аммо у бир неча марта узайтирилиб, ГСДП 12 йил тақиқ остида бўлди. Конун Германияда социал-демократларнинг фаолиятини ҳеч қандай истисносиз тақиқлаганлиги сабабли уни «Социалистларга қарши истисносиз қонунлар» деб атадилар. Конундан фақат социал-демократларга қарши эмас, умуман ишчилар ҳаракатига қарши фойдаланилди. ГСДП чет элларда фаолият юрита бошлади. Партияning газетаси «Социал-демократ» Цюрихда (Швейцария) нашр қилиниб, Германияга яширинча олиб келинар эди.

**Янги курс.** Социал-демократларга қарши фақат репрессив усуллар билан кураш мамлакатда тинчлик ўрнатилишига олиб келмаслигини Бисмарк яхши тушунарди ва у ишчилар тўғрисида қонунлар жорий қилиш, ислоҳотлар ўтказиш лозим деб ҳисобларди. Бироқ рейхстагда ўтирган тадбиркорларнинг қаршилигини енгиш ҳам осон эмасди. Ҳар қалай Бисмарк буни улдалади. XIX аср 80-йилларида учта асосий қонун – ишчиларнинг касал бўлиш ҳолатларини, ишлаб чиқаришда олинган жароҳат ҳолларини ҳамда кариллик ва

мехнатта яроксизлик ҳолларини суғурталаш тұғрисида қонунлар қабул қилинди. Охирги қонун бүйіча 70 ёшга еттан ишчиларға давлат ҳисобидан қарылған нафакаси тұлаш күзде тутилади. Ҳали ишчилар тұғрисида қонунлар учун кураш бораётган пайтда рейхстагда император Вильгельм I мурожаати үкиб эшилтирилді. Унда давлат жамиятнинг барча қатламларига хизмат қиласы, дейилгандың зорлығынан салынған қарылған көзінен көрсетілді.

1888 йил 9 март куни император Вильгельм I вафот этди ва бу билан бутун бир давр – Германияни бирлаштириш учун кураш даври тугади. Императорлық курсисига Вильгельм I нинг набираси Вильгельм II (1859–1941) үтирди. Замондошларининг айтишларига қараганда у баландпарвоз гапларни ва кериліб туришни ёқтиарди, доимо эътиборда бўлишга ҳаракат қиласы. Саройда тарқалган гапларга қараганда, бунинг учун у «тактда император, тўйда куёв ва мотам маросимида мархум бўлишга ҳам тайёр эди». Вильгельм II ҳаммага ўргатишни ва насиҳат қилишни ёқтиарди. Унинг қарашлари анча реакцион зорлығынан салынған. Бир сафар у рекрутларга қарата, агар мен буюрсан оталарингиз ва ака-укаларингизга қарата ҳам ўқ отишингиз лозим, деган зорлығынан салынған. Конституцион давлатнинг бошлиғи бўлишига қарамасдан «Қандай хоҳласам шундай буюраман!», деган шиорга амал қиласы. Фуқаролар императорга ҳадиксираб қарашар ва «таваккалчи одам» деб ҳисоблашарди.

*«Янги курс»дан «эсаҳон сиёсати» сары.* Янги императорнинг қарашлари анча реакцион зорлығынан салынған. Бисмарк билан ишлаб кета олмайды. Император ўзини «худонинг марҳаматига кўра» давлат бошлиғи деб ҳисоблаб, бу ҳокимиятни ҳеч ким билан, ҳатто ўзи ҳурмат қиласы Бисмарк билан ҳам бўлишишни хоҳламасди. Унга «шахсий бошқарув» тизими зарур зорлығынан салынған. 1889 йили Бисмаркнинг рейхстагта киритган «социалистларга қарши истисноли қонунларни» доимийга айлантириш тұғрисидаги таклифи депутатлар томонидан рад этилди ва император ҳам уни қўлламади. Бундан ўзини ҳақоратланган деб ҳисоблаган Бисмарк истеъфога чиқаришларини сўради. Унинг истеъфоси қабул қилинди.

Кекса канцлер истеъфога чиққанидан кейин империя фаол мустамлакачилик сиёсатини юрита бошлади. 80-йиллари, ҳали Бисмарк даврида ёк узоқ ерларни босиб олиш бошланган зорлығынан салынған. Бу пайтда Англия ва Франция катта мустамлака худудларига эгалик қиласы.

XIX аср 80-йилларида Германия Африка қитъасидаги Тогони, Камеруннинг катта қисмини, Жануби-Фарбий ва Шарқий Африканинг бир қисмини босиб олди. Гвинеянинг шимолий қисмидаги Германия байроғи ҳилпиради, кейин эса Маршалл ороллари босиб олиниди.

Мустамлакачиликнинг кейинги йўналиши Узоқ Шарқ бўлди. Хитой императорининг ҳукумати Германия билан Шаньдун вилоятини 99 йилга ижарага бериш ҳақидаги шартномани имзолашга мажбур қилинди.

90-йилларнинг бошларига келиб Германиянинг мустамлакалари 2,9 млн кв км ҳудудга ва 12 млн аҳолига эга бўлиб, бу унинг ўз ҳудудидан беш марта катта, аммо Англия мустамлакаларидан қарийб 12 марта кичик эди. (Англия мустамлакалари 33 млн кв км ҳудудга ва 393 млн аҳолига эга эди)<sup>1</sup>. Вильгельм II бундай «адолатсизликдан» қаттиқ изтироб чекарди. Саноат корпорациялари хомашёга, империя эса эътибор ва нуфузга муҳтож эди.

Вильгельм II нинг «янги курси» бу Европада ҳукмронликка интилиш, Африка, Осиё ва Океанияда таъсир доираларини қайта бўлиш, Болқонда, Якин, Узоқ ва Ўрта Шарқда мустаҳкам ўрнашиб олиш учун кураш курси эди. Бу сиёsat «Дранг нах Остен» (Шарққа шиддатли юриш) номини олди. 1900 йили кайзер ўз аскарларини Хитойдаги ҳалқ қўзғолонини бостириш учун жўнатди. У Марокани эгаллашга даъво қилди, бу эса Франция билан келишмовчиликларга олиб келди. Ҳарбий флотнинг шиддат билан яратилиши Англия билан муносабатларни кескинлаштиргди. Ташки сиёsatни олиб бориша Вильгельм II 1900 йилдан 1909 йилгача канцлер лавозимини эгаллаб турган фон Бюловга таянади. Канцлернинг вазифаси фаол ташки сиёsat юритишдан ташқари мамлакат ичкарисида таъсири кучайиб бораётган социал-демократларга қарши курашдан ҳам иборат эди.

1912 йили 250 минг кончиларнинг иш ташлашлари бўлиб ўтди. Шундан кейин бутун мамлакат бўйлаб шахтёрларнинг намойишлари бошланиб кетди. Ишчиларнинг катта қисми касаба уюшмаларига бирлашдилар. ГСДП Европа қитъасидаги энг оммавий ва катта таъсирга эга социал-демократик партияга айланди. 1913 йили партия аъзоларининг сони 1 млн кишига етиб, уларнинг катта қисми социал-реформизм ғоялари таъсири остида эди ва Эдуард Бернштейн таълимотига эргашардилар. 1912 йилги парламент сайловларида

<sup>1</sup> Қаранг: Хидаятов Г.А. Дипломатия XX века.- М., 2011. С.12.

социал-демократлар сайловчиларнинг 4,5 млн овозини олди ва бу уларга рейхстагда 110 та ўринни таъминлади. Бу социал-демократиянинг жуда катта муваффақияти эди.

Германиянинг консерватив доиралари социализм ғояларига пангерманизм<sup>1</sup> ва шовинизмни<sup>2</sup> қарши қўйдилар. Империяда яҳудийлар, поляклар каби кам сонли миллатлар ҳам яшарди. Германия бошдан кечираётган барча қийинчиликларда яҳудийларни айловчи маколалар пайдо бўлди. Поляк миллатига нисбатан мажбурий немислаштириш сиёсати юритилиб, поляк тилидаги мактаблар ва костёллар<sup>3</sup> ёпилди. Бу айниқса Пруссияда кучли намоён бўлди. Эльзас ва Лотарингияга қарши фитна ва иғволар кучайди. Немис халқига Франциянинг асосий душман эканлиги, шу сабабли куролланиш зарурлиги ҳар куни сингдириларди.

Германия империяси катта урушга тайёрлана бошлади.

\* \* \*

300 дан зиёд майда давлатларга бўлиниб кетган ва бир-бирига «қумдан тўқилган арқон» билан боғланган «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» XIX асрда немис миллатининг катта қисмини бирлаштирган замонавий давлатга айланди. Аср охирига келиб Германия энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллади ва мустамлакалардан ўз иқтисодий кудрати ва сиёсий мавқеига мос улуш талаб қила бошлади. Буни эса катта урушсиз ҳал килишнинг иложи йўқ эди.

### V боб бўйича саволлар

1. Вена конгресси натижасида Германиянинг бирлашиши учун қандай кўшимча тўсиклар пайдо бўлди?
2. Герман давлатларини бирлашиш сари йўл тутишга мажбур қилаётган қандай объектив сабаблар мавжуд эди?
3. Немис буржуа мафқурасининг шаклланишида Гегель фалсафаси қандай роль ўйнади?
4. 1830-йиллардаги инқилобий воқеалар натижасида Герман давлатларида қандай ўзгаришлар юз берди?

<sup>1</sup> Пангерманизм – дунёда герман ирки хукмронлигининг ўрнатилишини, Германия империяси ҳудудинини бошқалар ерлари ҳисобидан кенгайтирилишини талаб қилувчи реакцион таълимот.

<sup>2</sup> Шовинизм (фр. chauvinisme) – бир миллатининг бошқалардан устунлигини тарғиб қилувчи ўта миллатчилик таълимоти.

<sup>3</sup> Костёл – полякларда католик черков биноси шундай аталади.

5. Германияда 1848 йилги инкилоб қандай натижа билан якунланди?
6. Капитализм тараққиётининг «пруссча» йўли қандай жиҳатлар билан характерланади?
7. Пруссиянинг юксалиши ва Германиянинг бирлашишида Бисмарк қандай роль ўйнади?
8. Австрия ва Пруссия ўртасидаги уруш қандай натижа билан якунланди ва у Герман давлатларининг бирлашишига қандай таъсир кўрсатди?
9. Шимолий Герман иттифоқининг ташкил килиниши ягона немис миллиатининг ривожланиши учун қандай аҳамиятга эга бўлди?
10. XIX аср охири – XX аср бошларида Германия жадал иқтисодий ривожланишининг омиллари нимада эди?
11. Вильгельм II нинг «янги курси» империя олдида турган қандай муаммоларни ҳал килишга қаратилган эди?

## **VI БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА АВСТРИЯ ИМПЕРИЯСИ**

**XIX аср биринчи ярмида империянинг сиёсий ҳолати.** Габсбурглар империясини инқилобий бўхронлар ва Наполеон урушлари қаттиқ титратганига қарамасдан, кўпчилик кутганидек парчаланиб кетмади, империя сақланиб қолди. Деярли ҳамма жангларда мағлубиятга учраган Габсбурглар тинчлик сулҳига эришдилар ва ҳатто XIX асрнинг иккинчи ўн йиллигига Европа давлатларининг инқилобга қарши харакатларига бошчилик ҳам қилди. Ҳали ҳеч қачон Австриянинг ҳалқаро аҳволи Вена конгресси ва «Муқаддас иттифоқ» давридагидек мустаҳкам бўлмаганди. Империя Европадаги феодал-монархияли тартиблар ва абсолютизм режимларининг асосий таянчларидан бирига айланди. Меттерних бошчилик қилган Австрия дипломатиясининг асосий вазифаси империя ичкарисида ва ундан ташқарида мавжуд тартибларни саклаб қолишдан иборат бўлиб қолди. Шунга қарамасдан на сиёсий, на иқтисодий ва на молиявий жиҳатдан Австрия урушдан олдингига караганда кучаймаган эди. 1815–1847 йиллари Европадаги ҳалқаро муносабатларда империя ўйнаган роль феодализмдан капитализмга ўтишнинг жуда оғир таназзулини бошдан кечирган мамлакатнинг ички имкониятларига мутлақо мос келмасди. Габсбурглар империясида феодализмнинг инқирози ва капиталистик ишлаб чиқариш шаклларининг пайдо бўлиш жараёнида айниқса Шимолий Италия ва Венгрияда миллий-озодлик ҳаракатлари янада кескинлашди. Янги инқилоб

хавфидан қўркиб қолган ва ҳар қандай ислоҳотларга душманлик кайфиятида бўлган ҳукмрон доиралар қандай қилиб бўлсада мавжуд тартибларни саклаб колишга интилдилар. Ана шу асосда Меттерних тизими номини олган, моҳияти империянинг бўйсундирилган битта ҳалқини бошқаси ёрдамида итоатда ушлаб туришдан иборат бўлган бошқарув тизими шаклланади.

1835 йили император Франц I вафот этиб таҳтга Фердинанд I келиши билан Меттернихнинг ҳокимияти янада кучайди. Агар Франц даврида Меттерних ҳокимиятни у билан бўлишган бўлса, янги император даврида амалда Меттернихнинг ўзи якка ҳукмронлик қилди. Унинг саъй-харакатлари билан Австрия полициячилик режими ўз такомилига етди. Полиция таъқиби, хуфия судлар, хусусий ёзишмаларнинг назорати (хатларнинг очиб ўқилиши) Австрия ҳаётида оддий ҳол бўлиб қолди. Узоқ йиллар империяда сиёсий ва маънавий зулм мухити ҳукмрон бўлиб қолди. Шуни айтиш лозимки, ҳатто император Иосиф II нинг ёзганлари ва у ҳақда ёзилган асарлар ҳам полиция амалдорларига шубҳали туғилганда уларни нашр қилиш тақиқланарди. Венгрияда мухолифатдаги кучлар очиқ ҳаракат қилаётган, мухолифатчи партиялар йўлбошчилари Давлат кенгаси минбаридан дадил нутқлар сўзлаётган, газеталар саҳифаларидан очиқ чақириклар билан мурожаат қилаётган бир пайтда, Австрияning ўзида қатъий полициячилик режими ҳукмронлик қиласарди. Меттерних Австрияси на сиёсий партияларга, на мухолифатчи матбуотга, на ижтимоий фикрга ва на ижтимоий сиёсий ҳаётга эга эмасди.

*Иқтисоднинг ривожланиши. Санаот тўнтаришининг бошланиши.* 1811 йилдан 1825 йилгача Австрия иқтисодиёти чукур инқирозни бошдан кечириб, бу инқироз Наполеон урушлари ва китъя қамали якунлангандан кейин Австрия товарлари учун бозор конъюктурасининг кескин ёмонлашуви билан боғлиқ эди. 1830 йилдан секин иқтисодий кўтарилиш бошланди.

XIX асрда Австрияning Европадаги сиёсий таъсири ошганлиги унинг иқтисодий салоҳияти кучайишига олиб келмади. Аксинча, унинг капиталистик тараққиёт йўлига кирган илғор мамлакатлардан ортда қолиши тобора сезиларли бўлиб борди. XIX асрнинг биринчи ярмида империя тўлиқ аграр мамлакат бўлиб қолаверди. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалиги билан банд бўлиб, феодал муносабатлар ва дехқонларнинг қарам ҳолати капитализм

тараққиётига түсиқ бўлаётган эди. Мануфактуралар ва савдонинг ўсишига цехлар тизими ҳамда кўплаб ички божларнинг мавжудлиги ҳам халақит берарди. Франц I норозилик ва ғалаёнга мойил бўлган ишчиларнинг бирлашишидан қўрқиб, пойтахтда янги мануфактуралар ва фабрикалар очишни тақиқлади. Миллатнинг маънавий тараққиётига эса қатъий цензура йўл қўймасди. Лессинг, Шиллер, Гёте асарлари ва бошқа кўплаб жаҳон мумтоз адабиётининг намуналари тақиқ қилинган эди. Мактаб тўлиқ руҳонийлар назорати остига қўйилганди. Империянинг кенг ҳудудидаги ҳалқлар устидан сиёсий ва маънавий зулм қўп жиҳатдан Меттернихнинг сайд-харакатлари оркали ўрнатилган булиб, у айникса Фердинанд I (1835–1848) даврида чексиз ҳокимиятга эришган эди.

Шунга қарамасдан капиталистик муносабатларнинг шаклланиши Австриядаги қолок давлатчилик асосларини аста-секин емириб борди. 30–40-йилларда империянинг нисбатан ривожланган қисми – Кўйи Австрия ва Чехияда саноат тўнтириши бошланиб кетди. Брнодаги рўмол тўқиётидан фабрикада 1816 йили Англиядан келтирилган дастлабки буғ машинаси ўрнатилди. 20-йиллар охирида жами машиналар сони 11 та, 40-йилларда 30 та бўлса, XIX аср ўрталарига келиб улар сони 900 тага етди. 30–40-йилларга келиб кўмир қазиб олиш 20-йилларга нисбатан 4 марта, чўян эритиш эса 2 марта ошди. Австрияда темир йўллар қуриш Англиядаги билан деярли бир пайтда, яъни 1828 йили бошланган бўлсада, 1846 йилга келиб бор-йўғи 148 км ни ташкил қиласди. 1830 йили Венани Венгрияниг Пешт шаҳри билан боғловчи империядаги биринчи доимий пароход линияси ишга туширилди.

Худди шу йиллари ноқулай шароитга, иқтисодий қолокликка қарамасдан Венгрия, Трансильвания ва Словакияда иқтисодий ўсиш кузатилади. Венгрияниг Трансильвания ва Хорватия билан биргалиқда саноат ишлаб чиқаришида жами аҳолининг 5% га яқини банд эди. Картошка, тамаки сингари техник экинлар майдонининг кўпайиши, агротехника шароитларининг яхшиланиши, янги экин майдонларининг очилиши қишлоқ хўжалиги капиталистик тараққиёт йўлидан бораётганлигини билдирап эди. 40-йилларда пайдо бўлган дастлабки банклар ва омонат кассалари қишлоқ хўжалигининг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. Айнан шу ҳолат қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатнинг пайдо бўлишига, помешчик ерларида техника ва механизmlарнинг жо-

рий қилинишига тўсқинлик қилаётган эди. Ерга эгаликнинг феодал мулкчилик шакли мавжудлиги помешчик-дворянларга ўз ерларида интенсив ишлаб чиқаришни жорий қилиш учун кўчмас мулқка ссуда олиш имкониятини бермасди. Натижада дехқонларни феодал эксплуатация қилиши кучайди.

**«Март арафаси даври».** Францияда Июль монархияси афдарилгандан сўнг Австрияда ҳам феодал-монархия тузумининг инқирози яққол сезилиб қолди. Австрия тарихида «март арафаси даври» деб аталган 1848 йилги инқилобдан олдинги икки ўн йиллик ижтимоий-сиёсий кўтаринкилик ва жамият маънавий ҳаётининг фаоллашуви даври бўлди. Хукмрон доиралардан ташқари жамиятнинг барча қатламлари чукур ижтимоий ўзгаришлар ва кескин сиёсий ислоҳотлар зарурлигини ҳис этишаётган эдилар.

Париждаги Июль инқилобидан сўнг ва Польшада бошланган кўзғолон таъсирида унга туташ бўлган Шимоли-Шарқий Венгрияда ғайрифеодал ғалаёнлар бошланиб, бунга вабо тарқалиши бевосита баҳона бўлди. Словак, русин ҳамда влаш дехқонлари қатнашган «вабо ғалаёни» билан бир пайтда поляк кўзғолончиларига ёрдам ҳаракати ҳам авж олди. Венгрияда миллий буржуазия ролини ўз қўлига олган ўргача ер эгалари бўлган помешчиклар кўп миллионли дехқонларни озод қилиш орқалигина мамлакат мустақиллигига эришиш ва буржуа ислоҳотларини амалга ошириш мумкинлигини яхши тушунардилар.

30-йиллар бошларида Венгриядаги «ислоҳотлар даври»нинг (1830–1840) ёрқин намояндаларидан бири Иштван Сечени буржуа ислоҳотларининг кенг дастурини ишлаб чиқсан бўлиб, бу дастур крепостнойликни бекор қилиш, барщинани ёлланма меҳнат билан алмаштириш, цехлар тизимини тугатиш, миллий саноатни кўллаб-куvvatлаш, кредит ташкилотларининг кенг тармоғини ва Миллий банкни ташкил қилиш каби дадил ўзгаришларни кўзда тутарди. Айни пайтда у аристократия ва йирик ер эгаларининг иқтисодий позициясини ҳамда венгер дворянлари билан Габсбурглар хона-дони иттифоқини сақлаб қолиш зарур деб ҳисобларди. 40-йилларда ҳаракатнинг тан олинган йўлбошчиси камбағал дворянлардан чиқсан адвокат Лайош Кошут бўлиб қолди. У Сеченига қараганда қатъиятли ва журъатли бўлиб, Вена саройидагилар ва аристократия билан муносабатларнинг кескинлашувидан чучимасди. Шоир Шандор Петефи ва крепостнойнинг ўғли, меҳнаткаш халқнинг ашад-

дий химоячиси, француз инқилобининг ихлосманди Михай Танчик бошчилигига ҳаракатнинг инқилобий-демократик қаноти шаклланди.

Венгрияда ислоҳотлар учун ҳаракатнинг кучи ва кўлами, самарадорлиги унинг яхши ташкил қилинганлиги, мустакиллик ва эркесварлик тарихий анъаналарига таянганлигидагина эмас, сиёсий ташкилот ва сиёсий фаолиятнинг ошкор шакллари – инқилоб арасида ғайриавстрия ва ғайрифеодал ҳаракатнинг ошкор шакллари га иланган Давлат кенгаши ва комитетлар йиғилишларидан ҳам фойдаланганликларида эди. 40-йилларда ҳаракат Давлат кенгаши томонидан қатор буржуа ислоҳотларини жорий килишга, жумладан, венгер тилига расмий тил мақомини беришга эришди. Албатта бунда мамлакат аҳолисининг ярмини ташкил қилган румин ва славян халқларининг манфаатлари инобатга олинмади.

*Австрия империясидаги славян халқларининг «Миллий уйгониши» даври.* Империя таркибига киравчи халқлар борган сари қатъйлик билан буржуа эркинликлари ва миллий тенгликни талаб қила борди. XIX асрнинг биринчи ярми, айниқса 30–40-йилларда капиталистик муносабатларнинг шаклланиши, аҳоли саводлилик даражасининг ошиши айrim халқларнинг замонавий миллат бўлиб шаклланишини тезлаштиргди. Австрия ва Венгриядаги жанубий славянлар, чехлар, руминлар, словаклар тарихида Миллий уйғониш деб аталган давр келди. Моҳияти билан феодал тартибларга қарши бўлган миллий ҳаракатлар бошланиб кетди. Миллий ғоялар асосида шаклланган Уйғонишга Европа Маърифатчилиги, «маърифатли абсолютизм» ва унинг австрияча кўриниши бўлган «йозефинизм» катта таъсир кўрсатди.

Миллий уйғонишнинг биринчи даврида (XVIII аср охири – XIX аср 20-йиллари) чехларда ҳам, словакларда ҳам миллий ҳаётга қизиқиши уйғонди: миллий адабий тил ривожланди ва кенг тарқалди, миллий адабиёт, театр, умуман миллий маданият гуллаб-яшнади. Бунда бир қатор маърифатпарварлар – чехлар ва бошқа славянларнинг тили ва маданиятига бағишлиган асарлар муаллифи Йозеф Домбровский (1753–1829), файласуф-олим, чехча-немисча лугат ва чех адабиёти дарслклари муаллифи Йозеф Юнгман (1773–1847) каби олимларнинг хизматлари катта бўлди.

Маърифатпарварларнинг фаолиятида умумславян бирдамлиги ғоясини тарғиб қилиш муҳим ўрин тутади. Улар славянликнинг

кучи ва кудратига чин дилдан ишонардилар, Россиянинг ёрдамига умид боғлардилар (аммо бу ёрдам доим ҳам беғараз эмасди). Словак маданиятининг энг йирик намояндаси Ян Коллар (1793–1852) ўзининг чех тилида ёзилган (чунки ҳали словак адабий тили йўқ эди) «Шон-шараф қизи» асарида славянларнинг шонли ўтмиши, Ян Гус, Жижка, Костюшко, Минин ва Пожарский каби қаҳрамонларни қуйлайди. У ягона «славян халқи» ғоясини ҳимоя қиласди, словакларни «чехословак халқи»нинг ажралмас қисми сифатида қарайди, словаклар ва бошқа славян халқларининг мустақил миллий-маданий тараққиёт ҳуқуқини тан олмайди. Коллар капитализм даврида халқлардан замонавий миллатлар шакллананаётганлигини, ўз халқи словаклар ҳам шу йўлга кирганлигини тушуна олмайди. Шундай бўлсада 40-йиллари мустақил словак адабий тилини яратиш борасида бир қадар олға силжиш юз берди, католиклар билан протестантлар ўртасида ҳамкорлик қўзга ташланди. Миллий ҳаракат сиёсий жиҳатлар кашф эта бошлади.

Людовит Штур (1815–1856) лаёқатли миллий йўлбошчига айланди ва ўз маслақдошлари билан бирга словак адабий тилини яратиш учун ҳаракат бошлади. Штур ва унинг сафдошлари ўртасловак халқ тилида китоблар нашр қила бошладилар, 1845 йилдан эса «Словак миллий газетаси»ни чиқариб, унда пайдо булаётган словак буржуазиясининг миллий дастури шакллантирилди. Словаклар ва империядаги бошқа халқларнинг миллий ҳаракатига можорларнинг улар тилини мажбуран немислаштиришга қарши чиқишилари, айниқса, ўрта аср лотин тили ўрнига қиролликнинг расмий тили сифатида венгер тилининг қабул қилиниши катта таъсир кўрсатди. Бироқ бу жараёнда можорлар ўз она тилларининг тақдирни учун курашаётган бошқа халқларнинг манфаатларини инобатга олмади. Энди можорлаштириш хавфи олдида славянлар, валахлар ва бошқаларнинг миллий ҳаракатларида жипслашиш ҳамда ўзларини можорлар ҳаракатига қарши қўйиш жараёни бошланди. Бу ҳол уларни Австрия империясидаги барча халқларнинг асосий душмани – габсбургларнинг феодал абсолютизмига қарши ягона фронт булиб бирлашишига халакит берди.

1848–1849 йиллардаги инқилоб арафасида миллий маданият ривожида, миллий ўзликни англашда, миллий савдо-саноат буржуазиясии жипслаштиришда катта муваффакиятларга эришган чех ерларида ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолат мавжуд эди. Бироқ Чехия ва

Моравияда аҳолининг анчагина қисмини немислар ташкил қилиб, уларнинг манфаатлари иқтисодий соҳада, тил ва маданиятда чехларники билан зид келди ва иккала халқ либерал-демократик кучларининг феодал-абсолютизм режимига қарши бирлашишига халақит берди.

*Австрия ва Венгрияда 1848 йил инқилоби.* 1846 йилги инқироз ва уч йил қаторасига (1845–1847) давом этган қурғоқчилик империя учун ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Пулнинг қадрсизланиши, қимматчилик, нон ва асосий маҳсулотга айланган картошка нархининг ошиши, мисли кўрилмаган ишсизлик империяда жуда қалтис вазиятни вужудга келтирди. 1848 йил февралда Парижда бошланган инқилобий воқеалар ҳақидаги хабар 29 февраль куни Венага етиб келди ва кўп марта бўлгани сингари бу сафар ҳам Австрия жамиятини жунбишга келтирди. Март ойининг бошида Куйи Австрия ландтаги (парламенти) ва «Саноат иттифоқи» буржуа ташкилоти ислоҳотлар ўтказиш, цензурани бекор қилиш, умумавстрия парламентини чақириш талаби билан чиқди. Австрияда инқилоб 13 март куни веналик камбағаллар, талабалар ва бюргерларнинг стихияли намойишлари ва митинглари билан бошланди. Парламент атрофидаги кўчаларни тўлдирган минглаб одамлар Меттернихнинг истеъфога чиқишини ва конституция эълон қилинишини талаб қилдилар. Сўзга чиққан Лайош Кошут ва бошқалар империяга конституция ва буржуа ислоҳотлари зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

13 март куни ҳукумат Венага қўшин киритди ва тўқнашувлар бошланиб кетди. Кечга яқин ишчилар ва талабалар томонидан баррикадалар қурилди. Талабалар кейинчалик машҳур бўлиб кетган Академик легионни ташкил қилишга киришдилар. Аскарларнинг бир қисми халққа қаратса ўқ отишдан бош тортдилар. Императорнинг ўзи ҳам иккиланиб қолди. У талабаларга курол тарқатишга рози бўлди, Миллий гвардиянинг тузилишига каршилик қилмади ва Меттернихни истеъфога жўнатди. Бутун Европа учун нафрат рамзи бўлган реакцион режим бир кунда ағдарилиди. Инқилоб дастлабки муҳим ғалабани қўлга киритди. Қайта ташкил қилинган ҳукумат таркибига либерал буржуазия вакиллари ҳам кирди.

Турли хил ижтимоий кучларнинг инқилобий лагерда вақтинчалик бирлашуви жуда тез ўтиб кетди. Буржуазия, айниқса унинг мулқдор қисми эришилган ютуқлардан қаноат ҳосил қилиб, энди шу ютуқларни ҳамда «қонунийлик ва тартибни» асрашга ҳаракат

қилди. Ғалабадан рухланган қуйи қатlam вакиллари эса меҳнат килиш хукуки, билвосита солиқларни бекор қилиш, 10 соатлик иш кунини үрнатиш, иш ҳақини ошириш каби талаблар учун курашни давом эттириди. Дехқонлар эса бекор қилинган мажбуриятлар учун помешчикка тұланадиган бадални бекор қилиш учун курашдилар. Ҳукумат конституция лойихасини тайёрлаган бўлиб, унда буржуа (матбуот, йиғилишлар, сўз) эркинликларини эълон қилиш, икки палатали парламент ва унга масъул бўлган ҳукуматни тузиш кўзда тутилган эди. Императорда муҳим хукуқ ва имтиёзлар: қуролли кучлар олий бош қўмондони, рейхстаг (парламент) қарорига вето қўйиш хукуки сақланиб қолди. Сайлов хукуки катта мулкий ценз билан чегараланган эди.

Абсолютизмни тиклашга қилинган бу ҳаракатга қарши веналик демократлар инқилобий орган – Миллий гвардия Сиёсий қўмитасини ташкил қилдилар. Ҳукумат қўмитани тарқатиб юборишни истаганда, халқ яна қўчага чиқди ва баррикадалар кура бошлади. Ҳукумат чекинишга мажбур бўлди. Эртаси куни қўмитани тарқатиш тўгрисидаги қарор бекор қилинди ва қўшинлар шаҳардан олиб чиқилди. Император кечаси яширин равишда пойтахтдан чиқиб кетди ва Альп тогларининг баланд қисмида жойлашган, аҳолиси ўзининг художўилиги ва қиролга содиқлиги билан машхур бўлган Тироль провинциясига йўл олди. Вақтинчалик юзага келган кучлар тенглиги 26 май куни ҳарбий вазир граф Латур томонидан Академик легионни қуролсизлантиришга қилинган ҳаракат туфайли бузилди. Ён атрофдаги ишчилар талабаларга ёрдамга келдилар. Аскарларнинг бир қисми кўзғолончиларга ўқ отишдан бош тортди. Венада ҳокимият Адольф Фишхоф бошчилигидаги Ижтимоий хавфсизлик қўмитаси қўлига ўтди. Империя армиясининг асосий кучлари инқилоб билан қамраб олинган Венгрия ва Италияда бўлганлиги ҳам Венада инқилобнинг ғалабасини енгиллаштириди.

Демократия ва реакция кучлари ўртасидаги тортишув минбарига айланган Австрия рейхстағи июлда ўз фаолиятини бошлади. Рейхстаг феодал-крепостной муносабатларни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мажбуриятларнинг катта қисми бекор қилинди. Бироқ улардан энг оғирлари – оброк ва барщина тўлов орқали бекор қилиниши лозим эди ва бу тўловнинг факат 1/3 қисмини давлат ўз зиммасига олди. Ҳукумат тарафдорлари дехқон депутатлар ёр-

дамида инқилобий Италия ва Венгрияга қарши урушни молиялаш тұғрисидаги қарорни қабул қилишга әрнәдилар.

Инқилоб күплаб мураккаб муаммоларни, жумладан, немис миллий масаласини кун тартибига қўйди. Австрия буржуазиясининг Германия бирлашиши масаласига ҳам муносабати зиддиятли эди. Австрияликларнинг немисча сўзлашувчи катта қисми ўзларини умумгерман этносоциал бирлигининг ажралмас қисми сифатида ҳис қиласдилар. Австрия буржуазияси Габсбурглар сулоласи сингари янги бирлашган Германияда раҳбарлик ролига даъво қилас, у ердаги немис халқларининг хоҳиш-иродасига қарамасдан уларни кўпмиллатли империя таркибига қўшиб олишга тайёр эдилар. Шу сабабли Паульскирхда фаолият кўрсатаётган Франкфурт йигинида австриялик делегатларнинг иштироки чехлар ва бошқа славян халқларининг норозилигини келтириб чиқарди. Австрияning анъ-анавий рақиби – Пруссия ва бошқа герман давлатлари ҳам эътиroz билдирилар.

1848 йил июнда Прагада империя славян халклари вакилларининг съезди бўлиб, улар империяни сақлаб қолиш учун, аммо унинг Германия таркибига киришига карши овоз бердилар. Чех халқининг атоқли йўлбошчиси либерал Ф.Палацкий (1798–1876) Австрияning чех ерлари билан бирга бўлгуси герман республикасига қўшилиши чехларнинг немис мухитига бирикиб кетишига ва миллий ўзлигини йўқотишига олиб келади деб ўйлайди. Шу сабабли у славянлар монархияни қўллаб-куватлаши, уни барча душманларидан, герман ва венгер инқилобидан ҳимоя қилиши зарур деб ҳисоблайди. Австрославизм доктринаси шундай туғилади. Австрия аскарларининг тинч намойишчиларга хужуми Прага қўзғолонига сабаб бўлди. Қўзғолон 1848 йил 17 июнда шафқатсиз бостирилди. Прагадан кейин қўзғолон Венада бошланиши керак эди. Италия шимолида инқилобнинг бостирилиши, Сардинияга қарши урушдаги муваффакиятлар хукumatнинг қатъиятини оширди. Австрия бош қўмондонининг ғалабалари Иоганн Штраусни «Радецкий марши»ни ёзишга илҳомлантирди, Австрия шеъриятининг классиги Франц Грильпарцер эса қўмондонни мадҳ этувчи шеър ёзди. Бу ҳол жамиятнинг кайфиятида бурилиш юз берганлигидан далолат берарди. Венада ҳам кучларнинг аник бўлиниши юз берди. 23 август куни Миллий гвардиянинг буржуа қисми ижтимоий ишларда банд бўлган камбағалларнинг иш ҳақини пасайтиришдан норози

бўлиб чиққан ишчилар намойишига қарши ўт очди; либерал буржуазия буржуа инқилобидан тўлиқ воз кечди. Аммо инқилоб ҳали маглуб бўлмаган эди. Унинг охирги кўтарилиши империя пойтахти – Венадаги воқеалар билан боғлиқ бўлди.

Октябрнинг бошида веналик талабалар, ишчилар ва хунармандлар қўзғолон кўтарган Венгрия билан ҳамдардлик белгиси сифатида қўзғолонни бостириш учун жўнаб кетаётган қўшинларнинг олдини тўсдилар. Веналиклар ҳарбий вазирликнинг биносини эгалладилар, ёриткич симёғочга ҳарбий вазир граф Латурни осиб кўйдилар. Император саройи яна пойтахтни ташлаб чиқди ва бу сафар чехларнинг Ольмиоц шаҳрида яширинди. Исён кўтарган Вена 22 октябр куни Прага жаллоди генерал Виндишгрец ва хорват Бани Елаич қўшинлари томонидан қуршаб олинди. Шаҳар қаттиқ жанглардан сўнг 1 ноябрь куни таслим бўлди.

Венадаги қўзғолончиларга ёрдамга келаётган инқилобий Венгрия армияси тор-мор қилинди. Австрия инқилоби мағлуб бўлди, Венгриядан ўч олиш навбати келди. Бу вазифани енгилластириш учун 2 октябрь куни кичкина сарой тўнтариши амалга оширилди: қатъиятсиз Фердинанд истеъфога чиқарилиб, ўрнига ўн саккиз ёшли жияни Франц Иосиф (1848–1916) ҳокимиятга келди.

**1848 йилги Венгрия инқилоби.** «Қўзгол, можор! Ватан чорлайди!», венгер шоири ва инқилобчи Шандор Петефи шундай ёзган эди.

Венгрия буржуа инқилоби Венадаги ҳалқ ҳаракатидан бир кун кейин, 1848 йил 15 марта бошланади. Пештдаги воқеалар Шандор Петефи бошчилигидаги бир гурух радикал ёшлар раҳбарлигига юз берди. Уларнинг чакириғига кўра пештлик талабалар, ишчилар, хунармандлар нашриёт биносини эгаллаб, Петефи томонидан ёзилган «Миллий қўшикни» ва унинг иштирокида инқилобчи демократлар томонидан тайёрланган дастурий хужжатни («12 банд») босиб чиқардилар. «12 бандда» буржуа эркинликларидан ташқари барщинани бекор қилиш, миллий банкни жорий қилиш, империя қўшинларини мамлакатдан олиб чиқиш, венгер полкларини ватанига қайтариш, мустақил ҳукуматни тузиш, Венгрия билан Трансильванияни бирлаштириш талаблари ҳам олға сурилди. Намойишчилар инқилобчи-демократ Михай Танични турмадан озод қилдилар ва инқилобий ҳокимиятнинг органи сифатида Ижтимоий ҳавфсизлик кўмитасини туздилар. 17 март куни Венгрия давлат кен-

гашига бўйсунувчи биринчи мустакил ҳукумат шакллантирилди. Ҳукуматни мухолифат йўлбошчиларидан бири граф Лайош Баттяни бошқарди, Лайош Кошут молия вазири лавозимини эгаллади. Австриядагига нисбатан радикал бўлган дехқонларга оид ислоҳот амалга оширилди: баршчина ва черков десятинаси (черковга бериладиган ўндан бири) бекор килинди, ҳайдаладиган ерларнинг ўндан бири дехқонлар ихтиёрига берилди. Дехқонларнинг 40% ини ташкил киладиган собиқ крепостнойлар ҳеч қандай тўловларсиз тенг ҳукукли мулкдорларга айландилар. Улар учун бериладиган товон пули тўлиқ давлатнинг зиммасига юкланди. Аммо ерсиз ва кам ерли дехқонлар агарар ислоҳотларнинг чукурлаштиришини, илгари помешчик томонидан олиб қўйилган ўз ерларининг қайтарилишини талаб қилдилар. Март-апрель ойларида бутун мамлакатни қамраб олган ғалаёнлар вактида помешчикларнинг ерларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш холлари ҳам юз берди. Ҳукумат дехқонларнинг битта, аммо фавқулодда мухим талабини қондирди, яъни узум хосилидан олинадиган ўндан бир солигини бекор қилди.

Март ойининг охирларида Вена саройи Венгрияни инқилоб туфайли қўлга киритган ютуқларидан маҳрум килишга уриниб кўрди. Аммо Пешт аҳолисининг қатъий қаршилиги императорни инқилобий конунларни тасдиқлашга мажбур қилди. Киролликнинг барча аҳолиси буржуа эркинликлари ва ерга эга бўлдилар, аммо венгер бўлмаган аҳолининг миллий ҳукуқлари тўғрисидаги масала кун тартибига ҳам қўйилмади. Шу сабабли венгер инқилоби тез орада ўз иғтифокчиларидан ажралди, австриялик реакционерлар эса миллатлараро уруш оловини ёқиш учун қўлларидан келган барча ҳаракатларни қилдилар. Натижада асосан серблар яшайдиган мамлакат жанубида қуролли тўқнашувлар бошланди. Серблар, трансильваниялик руминлар ва хорватларнинг миллий ҳаракатига раҳбарлик ўнг ёки мўттадил кучлар қўлига ўтиб, улар австриялик аксилинқилобчиларнинг иттифоқчиларига айландилар.

Венгрия ҳукуматига словакларнинг миллий ҳукуқларини ҳурмат килиш ва маҳаллий сеймни тузиш ҳақида мўттадил талаб топширилгандан сўнг ҳукумат словак миллий ҳаракатининг раҳбари, австрославизмнинг раҳнамоси Людовит Штурни ва ҳаракатнинг бошка раҳбарларини қамоқقا олишни буюрди. Охир оқибатда словак йўлбошчилари габсбургчи аксилинқилобчилар билан бирлашдилар. Сентябрда улар томонидан ташкил қилинган Миллий кенгаш

Венгрия доирасида Словакиянинг мустақиллигини эълон қилдилар. Худди шу пайтда Венада кенгаши томонидан ҳарбий экспедициялар ташкил қилинди, аммо словак деҳқонлари миллий-ватанпарварлик тарғиботига учмадилар. Ундан ҳам муҳими улар венгерларнинг армиясини қўллаб-қувватладилар, сафларида чехлар кўпчиликни ташкил қилган ҳарбий экспедиция отрядлари эса осонлик билан тарқатиб юборилди.

Венгрияга қарши аксилинкилобий уруш 1848 йил сентябрда хорват Бани Елаич қўшинларининг Венгрия ҳудудига бостириб кириши билан бошланди. Аммо мамлакат бошига тушган ҳалокатли хавф инқилобий кучларнинг янгидан кўтарилишига сабаб бўлди. Ташкилий ишларни Кошут бошчилигидаги Мудофаа қўмитаси ўз зиммасига олди. Инқилоб энди миллий-озодлик урушига айланди. Кошутнинг саъй-ҳаракатлари билан жуда қисқа муддатда ташкил қилинган ва қуроллантирилган янги армия сентябрнинг охирида хорватлар армиясини тўхтатди, кейин эса Австрия ҳудудига улоқтириб ташлади. Қишлоғи кампаниянинг баъзи муваффакиятсизликларидан кейин 1849 йил баҳорда венгерлар армияси император қўшинларига қатор талафотлар етказиб, яна Австрия чегараларига чиқдилар.

Империянинг ахволи ҳалокатли бўлиб қолди. Чор Россиясининг қуролли интервенцияси Австрияни ҳалокатдан сақлаб қолди. Инқилобий Венгриянинг тақдирини фельдмаршал Паскевич бошлигидаги 200 минг кишилик рус армияси ҳал қилди. Венгер қўшинларининг асосий қисми 1849 йил 13 август куни Вилағош деган жойда қуролларини ташладилар.

*Австрия империяси 1849–1867 йиллари.* Инқилоб бостирилгандан сўнг империяда неоабсолютизм номини олган режим ўрнатилди. Бироқ феодал-абсолютистик режим тикланмади, «эски тартибларга» қайтиш юз бермади. Неоабсолютизмнинг тўлиқ шаклланиши 1851 йили, император томонидан 1849 йили «инъом қилинган» Конституция бекор қилингандан сўнг амалга ошиди. Крепостнойлик тикланмади. 50-йилларнинг бошларида қабул қилинган қонунлар умуман инқилобий ислоҳотларни тасдиклади, аммо уларнинг амалга оширилиши деҳқонларнинг манбаатларига зид равишда асосан помешчикларнинг фойдасига олиб борилди, уларга ҳукумат томонидан жуда катта товоң пуллари кафолатланди. Қишлоқ ҳўжалигини капиталистик ишлаб чиқариш усулига ўтказиш, ташқи савдо ривожланишига ҳалакит бераётган чек-

ловларнинг бекор килиниши, темир йўл ва пароход компанияларига ер участкалари, кон ва шахталарни сотиб олишда имтиёз берилishi иқтисоднинг жонланишига олиб келди. Кенг миқёсда темир йўл курилиши бошланиб кетди. Натижада 60-йилларнинг охирига келиб уларнинг узунлиги 6 минг км га етди. Бироқ империянинг ички сиёсий ҳолатида, халқаро ахволида барқарорлик етишмасди. Қrim уруши (1853–1856) кампаниясида Вена саройининг Россияга душманлик муносабати урушдан кейин унинг халқаро майдонда як-каланниб қолишига олиб келди. 1859 йили Австрия Франция ва Пье-монт билан бўлган урушда мағлубиятга учради ва ўзининг энг бой провинцияларидан бири – Ломбардияни беришга мажбур бўлди. Бу мағлубиятдан сўнг неоабсолютизм режими ҳам барбод бўлди.

Австрия конституциявий тажрибалар даврига кирди. Аммо 1860 ва 1861 йиллари эълон қилинган конституциялар лойиҳалари жудаям мўътадил бўлиб, либерал буржуазияни қаноатлантирумас эди. Лойиҳалар Венгрияда ҳам кескин қаршиликларга учради. Мўътадил сиёсатчи Ференц Деак бошчилигига венгер дворянлари «суст қаршилик» эълон қилиб, Австрия ҳукумати билан ҳамкорлик қилишдан бош тортдилар ва 1848 йилги конституциянинг тикланишини талаб қилдилар. 1866 йилги австро-прусс уруши натижасида Австрия Германиядан тўлиқ чиқиб кетишга мажбур бўлгандан сўнг ҳукумат Деак таклиф қилган шартлар асосида венгер мухолифати билан музокаралар бошлашга рози бўлди. 1867 йили февралда австро-венгер келишуви имзоланиб, империя давлатнинг ички ишларида мустақил Австро-Венгрия дуалистик монархиясига айлантирилди.

**1871–1900 йилларда Австро-Венгрия.** Австро-Венгриянинг сиёсий тараққиётида 1871 йилдан учта ҳолатни аниқ ажратиб курсатиш мумкин. 1878 йилгача мавжуд конституция мухолифлари эҳтиёжга бўйсунадилар, Венгрия бу конституцияни қабул қиласди: дуализм мустаҳкамланади. 1879–1896 йилларда Австрияда ҳукумат бошқаруви тизими ўзгариши натижасида Венгриянинг устуворлиги яққол кўриниб, дуализм узилишларсиз фаолият юритади. 1896 йилдан ҳукумат йўл қўйган қатор хатолар бутун империяда инқирозий ҳолатни юзага келтирди.

**XX аср бошларида Австро-Венгрия.** Мамлакат иқтисодиётининг нисбатан сустлиги молия олигархиясининг шакланишига халакит бермади. 1910 йилга келиб мамлакатда 4,4 млрд крон капиталга эга

бўлган 585 та акционерлик жамиятлари мавжуд эди. Банкларнинг даромади 1913 йилга келиб 1909 йилга нисбатан 41% га ўсди. Саноатнинг кўплаб соҳаларини монополистик капитал эгаллаб олди. Ташкил қилинган икки юзта картелларнинг олтиласи Ротшильд банкирлар уйига тегишли бўлиб, улар мамлакатда чўян ва пўлат ишлаб чиқаришни деярли тўлиқ эгаллаб олганди. Шкода акционерлик компанияси эса Чехиядаги барча ҳарбий, металлургия ва машинасозлик корхоналарини ўз қўлларида бирлаштирган ва Австро-Венгрия армиясини курол-яроқ ва ўқ-дори билан тўлиқ таъминлар эди. Бироқ Австро-Венгрия иқтисодиёти кўп жиҳатдан чет эл капиталига, биринчи навбатда Германияга бөглиқ бўлиб қолаётган эди. 1905 йили мамлакат иқтисодиётидаги чет эл, биринчи навбатда немис ва француз, капиталининг умумий ҳажми 9 млрд 900 млн кронни ташкил қилди.

Бу даврда мамлакатда ижтимоий ва миллий зиддиятлар ҳам кучайди. Агар ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашувига соғ иқтисодий муаммолар сабаб бўлса, миллий муносабатлардаги кескинлашувга миллий онгнинг ўсиши, мамлакатни бошқаришдаги миллий тенгсизлик сабаб бўлаётган эди. Узок курашлар натижасида 1907 йили умумий сайлов ҳукуқи тўғрисида қонун қабул қилинган бўлсада, амалда бу қонун миллий тенгсизликни ҳал қилмади. Масалан, австрияликлар мамлакат аҳолисининг 33% ини ташкил қилсада, рейхстагдаги умумий ўринларнинг ярмига яқинини, яъни 233 та ўринни эгаллади. Улар 40 минг сайловчидан битта депутат сайлагани ҳода, поляклар – 52 минг, чехлар – 55 минг, украинлар – 102 минг сайловчидан битта депутат сайлар эдилар.

Австро-Венгрия ҳукмрон доираларининг фикрига кўра, мавжуд ички зиддиятларни ҳал қилишнинг муҳим йўлларидан бири Болқонда агрессив сиёsat олиб бориш ва жаҳон урушига тайёр-гарлик кўриш эди. Бу сиёsatнинг энг ашаддий тарафдорлари таҳ вориси эрцгерцог Франц Фердинанд, бош штаб бошлиғи Конрад фон Гетцендорф ва ташки ишлар вазири Эрентал раҳбарлигидаги ҳарбий партия деб аталувчи гурух эди. Бу гурухнинг режасига кўра Болқон давлатларини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тўлиқ Австро-Венгрия империясига бўйсундириш лозим эди.

Шу режага мувофиқ Австро-Венгрия 1908 йили Босния, Герцеговина ва Санжакни босиб олди. Қолган барча Болқон давлатлари Германиянинг сиёсий таъсирига бўйсундирилди. Ҳали XIX аср

80-йилларида шакллантирилган ва Болқонни тұлиқ әгаллаб олишга қаратылған Германия ва Австрияning «Дранг нах Остен» режаси амалға оширила бошланды.

Империя жадал куролланишни ҳам давом эттириди. 1911 йили ҳарбий хизматта чақирилувчи контингент 40% га оширилди ва бүннинг учун құшымча 100 млн крон маблағ ажратылды. 1912 йил ёзда қабул килинған ҳарбий қонун армиянинг сони ва құшымча харажаттарнинг янада оширилишини құзда туттган эди. Умуман 1900 йилдан 1913 йилгача Австро-Венгрияning ҳарбий харажатлари 70% га ошиб, 1913 йили 583 млн кронни ташкил қылды.

Болқон урушлари йилларида бир гурух ҳарбийлар Сербия-га қарши «чекланған» уруш олиб боришни таклиф қилдилар. Гап шундаки, 1903 йили бир гурух серб офицерлари Германия тарафдори бұлған қирол Обреновични тақтдан ағдариб, уннинг бутун қариндош-уруғларини қириб ташлади. Таҳтта Россия ва Франция томонидан құллаб-құвватланған Петр Қорагеоргиеевич келди. Россиянинг минтақадаги мақоми ҳам үзгарды: у пассив кузатувчидан Болқон сиёсатининг фаол иштирокчисига айланды. Натижада Германия томонидан құллаб-құвватланған Австро-Венгрия Сербия чегараларыда құшын тұплай бошлады.

1914 йилга келиб Австро-Венгрияning ҳукмрон доираларыда империяни мустаҳкамлашнинг энг яхши йүли Болқонда агрессив уруш олиб бориш, деган фикр устивор бўлиб қолди.

\* \* \*

XIX асрдаги урушлар ва инқилобларга, миллий-озодлик ҳаракатларига қарамасдан, құплада халқларни бирлаштирган Австро-Венгрия империяси Европа давлатлари тизимида үз үрнини саклаб қола олди. Иқтисодий ислоҳотлар, саноат тұнтарыши мамлекатнинг иқтисодий курдатини мустаҳкамлаб, уруш арағасида анча кучли армияни яратыш имконини берди.

## VI бөб бўйича саволлар

1. Меттерних дипломатиясининг асосий вазифаси нималардан иборат эди?
2. Меттерних даврида Австрияда шаклланған полициячилік режими давлатнинг сиёсий тараққиётiga қандай таъсир күрсатди?

3. XIX асрнинг биринчи ярмида Австро-Венгрия империясида иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос томонлари нималардан иборат эди?

4. «Март арафаси даври»даги ислоҳотчилик ҳаракатлари ўз олдига кўйган максадларига кўра қандай характеристга эга эди?

5. Империядаги славян халқларининг миллий уйғониши ва миллий манфаатларини ҳимоя қилишларида қандай муаммолар мавжуд эди?

6. 1848–1849 йиллардаги инқилобнинг сабаблари ва вазифалари нималардан иборат эди?

7. 1848–1849 йиллардаги инқилобдан кейин ўрнатилган неоабсолютизм режими империянинг ички ва ташқи сиёсатида қандай ўзгаришлар ва оқибатларга олиб келди?

8. XX аср бошларида империя ташқи сиёсатида Болқон муаммоси қандай ўрин эгаллайди?

## **VII БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ИТАЛИЯ**

**XIX асрнинг бошларида Италия.** XVIII асрнинг охиридан бошлаб итальян жамиятининг илғор қучлари янги, ягона ва мустақил Италия учун очиқ сиёсий курашга киришдилар. XVIII охиридан 1870 йилгача давом этган ва Рисоржименто (Уйгониш) номини олган бутун бир давр бошланди. Рисоржименто учун бошланиш нуқтаси Буюк француз инқилоби бўлди. Айнан инқилоб йиллари Апеннин яриморолининг турли қисмларида бошланган, республикачиллик, феодал тартибларга ва австрияликларга қарши шиорлар остида бирлашган озодлик ҳаракатларига италиялик ватанпарварлар бошчилик қилдилар.

1790-йилларнинг иккинчи ярмидан Италияга қўшни Франциянинг таъсири кучайди. 1796 йили Францияга қарши коалиция қучларига зарба бериш учун Италия худудига Наполеон Бонапарт бошчилигидаги француз қўшинлари киритилди. 1797–1799-йиллари французларнинг ёрдамида ва уларнинг қўллаб-куватлаши билан Италия худудида тўртта мустақил республика эълон қилинди. Бироқ босқинчилар томонидан Италияни талаш ҳам бошланди: итальянлар француз қўшинларини боқишлиари ва таъминлашлари лозим эди. Италиядан Францияга санъат асарлари ва бошқа маданий бойликлар ташиб кетилди. 1799 йили антифранцуз коалиция қўшинлари французларни Италиядан ҳайдаб чиқди, кўп вақтга бўлмаса-да ҳамма жойда монархия тузумлари тикланди.

1800 йили француз интервенциясининг янги даври бошланиб, натижада Италия ўн беш йилга Наполеон империясиииг хукмронлиги остида қолди. Шимолий худудларнинг бир қисми бевосита империя таркибиға қўшиб олинди, қолган худудларда, Наполеон ташкил қилган давлатларда, унинг қариндошлари ва яқинлари хукмронлик қилдилар. Франция таъсири остида Италияда капитализм ривожини тезлаштирган муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Саноат, ҳунармандчилик ва савдога тусиқ бўлиб турган цех чеклашлари ва ички божхона солиқлари бекор қилинди, ўз даври учун илғор бўлган Наполеон қонунлари, биринчى навбатда, Фуқаролик кодекси жорий қилинди, дворянлар ва рухонийларнинг феодал имтиёzlари бекор қилинди, черков ерлари секуляризация қилинди ва сотилди. Булар албаттага француз истилосининг салбий оқибатларини камайтирмади, унинг оғирлиги аввало дәҳқонлар, шаҳар камбагаллари, шакланаётган буржуазия вакиллари, ватанпарвар ва прогрессив кайфиятдаги дворянлар зиммасига тушди. Тўғридан-тўғри иқтисодий талашдан ташқари Италия мажбуран қитъа қамалига қўшилди, аҳоли Наполеон армиясига оммавий сафарбар қилинди, француз Маърифатчилиги ва инқилобий мафкура таъсирида уйғонган иғалъян зиёлиларига қарши полициячилик усуллари қўлланди. Француз истилочилик режимидан норозилик, Италияning үзидағи миллий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга интилиш асосида XIX асрнинг бошларида Апеннин яриморолида, айниқса Неаполитан қироллигига, карбонарийларнинг ҳаракати вужудга келиб, Рисоржименто тарихига арзигулик хисса қўшдилар. Карбонарийлар 1812–1813 йиллари Неаполитан қироллигининг Калабрия ва Абронца провинцияларида қўзғолонлар уюштирилар. Бу қўзғолонлар ўзининг антифранцуз ва антибонапартчи йўналиши ҳамда қўлами билан ҳукмдорларни талвасага солиб қўйди.

Наполеон ҳокимиятининг ағдарилиши билан карбонарийлар ҳаракати Жанубий Италия чегараларидан чиқиб, бутун Апеннин яриморолига тарқалди. Реставрация даври Италия учун жиддий ортга чекиниш бўлди: яриморолдаги барча давлатларда монархларнинг абсолют ҳокимияти тикланди; барча жойларда реакцион тартиблар ўрнатилди; инқилоб ва Наполеон даври олиб келган барча янгиликларни йўқ қилишга интилаётган дворянлар ва рухонийлар яна ҳукмрон кучга айланди. Наполеоннинг ағдарилиши Италияга миллий-озодлик олиб келмади, французлар зулми австрияликлар

зулми билан алмашди холос. Барча итальян давлатлари Австрияга маълум даражада қарам бўлиб қолди, Италияning энг бой Ломбардо-Венеция вилояти Вена конгрессининг қарорига кўра автономия хукуки билан Австрия империясининг таркибиға киритилди.

1815 йили эълон қилинган Ломбардо-Венеция қироллиги амалда ҳеч қандай автономияга эга бўлмасдан, тўлиқ империя ҳукмронлигига бўйсунган эди. Мамлакатни австрияликлар бошқарар, Италия худудида жойлашган австриялик қўшинлар ва ҳар нарсага қодир Австрия полицияси италиялик фуқаролар ҳаётининг ҳамма жабхаларига кириб борган эди. Шу билан бирга, айтиш лозимки, қироллиқда, айниқса Ломбардиянинг пойтахти Миланда, Наполеон ағдарилган дастлабки йилларда аҳоли ўртасида австрияликларга қарши кайфият шаклланмади, аҳоли узоқ давом этган урушларнинг тўхтаганидан енгил тортди, холос. Аммо тез орада австрияликлар ҳукмронлигининг салбий томонлари кўзга ташлана бошлади. Италияликлар на судларда, на маъмурий органларда ва на армияда бирон бир арзигулик мансабларга эга бўлолмасди. Матбуотда қатъий цензура ўрнатилган бўлиб, ҳар қандай миллий-либерал ғоялар таъқиб килинар эди. «Аввало ломбардияликлар итальянлар эканликларини унутмоги керак», деган эди Австрия императори Франц I. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, Ломбардияда миллий-озодлик ҳаракати бошқа вилоятлардагига қараганда кучлироқ ривожланди ва ўз сафларига либерал кайфиятдаги маданият арбобларини ҳамда маҳфий инқилобий ташкилотларнинг иштирокчиларини бирлаштирди.

Шимолий Италияда карбонарийлар ҳаракати кенг қулоч ёймади. Жанубий ва Марказий Италияда аҳоли австрияликлар зулмидан қаттиқ азият чекканлиги сабабли карбонарийлар бу ерда машхур бўлиб, муҳолифатнинг асосий кучини ташкил қиласарди.

*XIX аср 20–30-йилларида инқилоблар.* XIX асрнинг учинчи ўн йиллиги Испания ва Португалиядан Россиягача – бутун Европада инқилобий ҳаракатнинг юксалиши билан бошланди. Испаниядаги инқилоб кетидан Жанубий Италияning кичик бир шахарчаси Нолада кўзголон бошланди. Инқилоб бир ҳафта ичидаги Неаполитан қироллигининг қитъада жойлашган қисмидан зафарли одим билан ўтди. «Истибодд ағдарилди, золимлар ҳалок бўлдилар, зодагонлар зулми энди йўқ!», деб қуйланувчи карбонарийлар гимни остида ҳамма жойда 1812 йилги Испания ва 1791 йилги Франция консти-

туцияларига асосланган конституциялар эълон қилинди. Қирол Фердинанд конституцияни тасдиқлашга мажбур булди. Айни пайтда мамлакатда ҳокимият карбонарийларнинг радикал қисми қарашларига қўшилмайдиган мўътадил кучлар қулида тўпланган эди.

Шундай шароитда, 1821 йил февралда, австрияликларнинг интервенцияси бошланди. Бу пайтда неаполликлар армияси ҳимояга ҳали яхши тайёр эмасди. Бундан ташқари ҳалқ оммасининг инқилоб тақдирига энди бефарқ бўлиб бораётганлиги ҳам ҳимоянинг муваффакиятига халақит бераётганди. 7 март куни Риет шаҳри яқинидаги жангда неаполликлар армияси мағлубиятга учради, 23 март куни эса Неаполга австрияликлар армияси кирди ва абсолют монархия тикланди. Инқилоб қатнашчилари, биринчи ўринда, кўзга кўринган карбонарийлар даҳшатли жазоланди.

Неаполь воқеаларидан сўнг Италияning шимолида – Сардиния қироллигининг маркази бўлган Пъемонтда инқилобий ҳаракатлар бошланиб кетди. Агар Неаполь қўзғолонининг асосий талаби конституция жорий қилиш бўлса, бу ерда аввало бутун Шимолий Италия учун миллий мустақиллик талаб қилинди. 1821 йил 9 марта 10 га ўтар кечаси Александрия шаҳрида ҳам қўзғолон бошланди. Унга карбонарийлар – Пъемонт армиясининг офицерлари бошчилик қилдилар. Конституция эълон қилинди, муваққат ҳукумат тузилиб, у Пъемонтнинг пойтахти Турин шаҳрида жойлашди.

Пъемонтдаги инқилоб ўз ҳарактерига кўра ҳарбий тўнтаришга яқин эди. Ҳаракатда ҳалқ оммаси деярли иштирок этмади. Неаполда бўлгани сингари туринлик раҳбарлар ҳам мамлакатни австрияликлар босқинидан ҳимоя қила олмадилар, ҳатто армия ҳам уларни қўлламади. Қирол Виктор Эммануиль I га содиқ қолган ҳарбий қисмлар австриялик қўшинлар билан биргаликда Новар шаҳри яқинида конституция кучларини мағлубиятга учратди ва 1821 йил 10 апрель куни ҳеч қандай қаршиликларсиз Туринга кириб келдилар. Шу куни австрияликлар Александрияни ҳам эгалладилар.

1820–1821 йиллардаги инқилобдан кейин расман тарқатиб юборилганлигига ва қаттиқ таъқибларга қарамасдан карбонарийлар ҳаракати яна авж олди. 1830 йилги Франциядаги Июль инқилобидан сўнг жонланган Марказий Италия карбонарийларининг инқилобий ҳаракати жуда тезда сўнди. Марказий Италиядаги мағлубият энди карбонарийлар ҳаракатининг мақсадлари

янги шароитдаги кураш талабларига жавоб бермаслигии кўрсатди. Айниқса, Италияning бир қисмидаги ҳаракат бошқа қисмидаги муҳолифат кучлар билан боғланмаган ҳолда муваффақиятга эриша олмаслиги аён бўлиб қолди. Буни генуялик ёш юрист ва филолог Жузеппе Мадзини яхши тушунди ва тез орада умумиталия демократик ҳаракатининг лидерига айланди. У карбонарийлар ташкилотининг фаолиятида қатнашганлиги учун 1831 йили Италиядан сургун қилинди. Франциянинг Марсель шаҳрида жойлашган Мадзини «Ёш Италия» деб аталган ягона умумиталия инқилобий ташкилотини тузди. Ташкилотнинг энг муҳим талаби ягона Италия давлатини тузиш бўлиб, Мадзинининг фикрича, бусиз италияликларни бир миллатга бирлаштириш ва австрияликлар зулмидан озод қилиш мумкин эмасди. Бўлгуси ватанини Мадзини республика тарзида тасаввур қиласди ва унда сиёсий эркинликлар, фуқаролар тенглиги ва умумий сайлов хукуки жорий қилинган бўлиши лозим.

Мадзини ва сафдошларининг фикрича, бу дастурни «халқ билан ва халқ учун» амалга ошириладиган инқилоб орқалигина ҳаётга татбиқ этиш мумкин. Айни пайтда халқ оммасига муносабатда Мадзини қарашларидағи зиддият ёрқин намоён бўлади: бир томондан, мамлакатни бирлаштириш учун курашда асосий куч сифатида халқ оммасига таянади, бошқа томондан, миллий кураш куйи табақаларнинг ижтимоий тенглик учун курашига айланиб кетишини истамайди. У Италия инқилобининг асосий вазифаси бўлган аграр масалани ҳал қилишда ўзининг аниқ фикрига эга эмасди. Мадзини томонидан халқ манфаатлари йўлида киритилган деярли барча тақлифлар шаҳарликларнинг ахволини енгиллаштиришга қаратилган бўлиб, қишлоқ аҳолиси манфаатларини назарга олмасди.

Мадзинининг Италияни озод қилиш ва бирлаштириш ишига чексиз садоқати, фидокорлиги ва тарғиботчиликдаги усталиги «Ёш Италия» таъсирининг бутун Апеннин яримороли бўйлаб тез ёйилишига имконият яратди. Мадзини ва унинг сафдошлари маҳаллий фаолларни умумиталия инқилобини тайёрлаш ишига йўналтирди. Бироқ 1833–1834 йилларда кўзғолонга уринишнинг барбод бўлиши, 40-йиллар бошларидағи инқилобий ҳаракатларнинг амалга ошманлиги Мадзини ва бошқа итальян демократларини Италияда яқин орада инқилобни амалга ошириб бўлмаслигига ишонтирги.

30-йилларнинг ўрталаридан итальян миллий-озодлик ҳаракатида мўътадил-либерал оқим олдинги ўринга чиқади. Мўътадил либе-

раллар Италия учун ягона маъқул йўл юкоридан амалга ошириладиган ислоҳотлар деб ҳисоблайдилар.

**Иқтисодий тараққиёт.** Либералларнинг дастурларида асосий эътибор иқтисодий соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ўзгаришларга қаратилади. XIX аср 20–30-йилларида Апеннин оролининг айрим вилоятларида, биринчи навбатда Шимолий Италияда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бир қадар жадаллашиши юз берди. Ломбардия ва Пьмонтнинг серхосил далаларида анъана-вий дехқон хўжаликлари ва помешчиклар ерлари билан бир қаторда янги агротехникаларни қўллаётган тадбиркорларнинг йирик хўжаликлари ҳам пайдо бўлди. Бу хўжаликларда доимий қишлоқ хўжалигига банд бўлган ёлланма ишчилар қатлами шаклланди. Қишлоқ хўжалигига ҳам товар ишлаб чиқариш аста-секин етакчи ўринга чиқиб борди. Шимолий вилоятлардаги дехконларнинг аҳволи жанубдагиларнидан кўп ҳам фарқ қиласди: уларнинг тақдирига қашшоқлик, очлик, эпидемиялар ва жаҳолат битилган эди.

Шимолий Италияда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши бу ерда саноатнинг, айниқса ипак, жун ва пахтадан газламалар тўқийдиган корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳали ҳам ўз ўрнини сақлаб келаётган тарқоқ мануфактура билан бир қаторда марказлашган корхоналар шаклланди, техник янгиликлар жорий қилинди, машинасозликнинг куртаклари пайдо бўлди. XIX аср 30–40-йилларидағи ушбу янгиликлар Италияда саноат тўнтишишининг бошланиши бўлди.

Асосан қашшоқлашган дехқонлар ва хунармандлардан ташкил топган пролетариат ҳали кам сонли эди. Шаҳар аҳолисининг кўпчилигини хунармандлар, кичик устахоналарнинг ишчилари ва майда сотувчилар ташкил қиласди. Уларнинг меҳнат ва яшааш шароитлари жуда оғир бўлиб, ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларида болалар ва аёллар меҳнатидан кенг фойдаланилар эди. Шимолий Италиянинг шаҳар ва қишлоқларида капиталистик муносабатларнинг ривожланиши саноат доираларининг ва ўрга қатламнинг, айниқса эркин касб эгаларининг кўпайишига ҳамда мавқеининг мустаҳкамланишига олиб келди. Дворянларнинг ҳам киёфаси ўзгарди: улардан бир қисми касодга учраб, мол-мулки бўлинниб кетди. Аммо кўпчилиги янги шароитга муваффақиятли мослашиб олдилар.

Марказий ва Жанубий Италияning иктиносидиёти шимолникига қараганда анча қолок эди. Бу ерда феодал қолдиклари шимолдагига қараганда күпроқ сақланган бўлиб, капитализм тараққиётiga тўсқинлик қилаётган эди. Ишлаб чиқариш асосан касабачилик даражасида қолаётган бўлсада, товар-пул муносабатлари айнан кишлоқда ўзига йўл очиб борди.

*XIX аср 30-йиллар охири 40-йиллар бошларида мўътадил либераллар фаолияти.* Италияning жадал иктиносидий ривожланишига халақит берётган қолоқлик ва тарқоқликка барҳам бериш эҳтиёжини мўътадил-либераллар оқимининг узоқни кўра олган арбоблари тушунардилар. Уларнинг кўпчилиги ўзлари катта ер эгалари ва тадбиркорлар эдилар. Масалан, итальян либералларининг етакчиси, кейинчалик мамлакатни бирлаштиришда катта роль ўйнаган граф Камилло Кавур 30–40-йилларда ўзининг Пъемонтдаги ер мулкларида илғор агротехникага асосланган кўптармоқли товар хўжалиги ташкил қилиб, бозорга жун, шоли, майин жунли қўйлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб беради. У эркин савдо тамойилининг толмас тарғиботчиси бўлиб, бу тарқоқ Италия шароитида давлатлар уртасида божхона чегараларини йўқ қилиш учун курашни англатарди. Кавур бутун Италия бўйича ягона узунлик, оғирлик ўлчов бирликлари, ягона пулни жорий қилиш тарафдори эди. 30-йиллар охирида мамлакатда биринчи темир йўл линияси пайдо бўлди. Кавур бошқа акциядорлар қатори темир йўл курилишига капитал жалб қилиш билан фаол шуғулланди.

Халқ оммасининг қашшоқлиги, қолоқлиги ва билимсизлиги Италия иктиносидининг ривожланиши учун катта тўсиқ эканлигини тушунган мўътадиллар, уларнинг фикрича, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган бир қатор тадбирларни амалга оширидилар. Жумладан, Пъемонтда, Тосканада кишлоқ ва шаҳар меҳнаткашлари учун мактаблар очилди; бир қатор районларда камбағаллар учун омонат кассалари, камбағалларнинг болалари учун меҳрибионлик уйлари очилди. 1839 йилдан 1847 йилгacha тўқиз марта бўлиб ўтган олимларнинг умумиталия конгресслари мўътадил-либерал оқим дастурларининг шаклланиши жараённада муҳим роль ўйнади. Бу конгрессларда сиёсий муаммолар муҳокама қилинмаганлигига, баҳс фақат иктиносидни ва табиий фанларни ривожлантириш устида бўлганилигига қарамасдан, олимларнинг бу учрашувлари мўътадил-либерал кучларнинг жипслашувига олиб келди.

Мұтадил либералларнинг матбутда, олимларнинг конгрессларда чиқишилари, божхона иттифоқини тузишга, умумиталия темир йүл тармоғини яратишига ва бошқа иқтисодий үзгаришларни амалға оширишга қаратылған ҳаракатлари аслида бош сиёсий мақсад – миллий бирлашиш мақсадини күзлагай эди. Итальян либераллари миллий муаммони, итальяиларнинг миллий онгини юксалтириш муаммосини ҳал қилишни миллий давлатни тузишнииг мұхим шартларидан бири деб ҳисоблардилар. Ушбу мавзу итальян либералларининг йирик намояидаси Винченцо Жоберти асарларыда кенг ёритилиб, у бирлашган Италияни «қои тұкишларсиз, галаёнларсиз, инқиlobларсиз», монархларнинг үз хохиши билан тузилған алоҳида давлатларнииг федерацияси тарзидә тасаввур килади.

Бу даврда Австрияга қарши чиқишиларнииг сони ортиб, уларнинг оғанги тобора қатъий ва жанговар бўлиб борди. 1846–1847 йиллари либерал йўналишдаги рисолалар, газета ва журналлар Австрияга қарши умумиталия урушига чакириқлар билан чиқади.

1846 йил ёзида Папалик таҳтига Пий IX нинг келиши билан либерал кучларнинг ислоҳотларга бўлган умидлари қайта уйғонди, чунки олдинги жаҳолатпаст Папа Григорий XVI нинг сиёсати мамлакатни тўлиқ иқтисодий тушкунлик ҳолатига олиб келган эди. Янги Папа ислоҳотлар йўлини танлашга мажбур бўлди.

**Италияни бирлаштириш учун кураш. 1848–1849 йилларда Апеннин яримороли.** 1846 йилдан итальян давлатларида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқироз 1848–1849 йиллари инқиlobий тўлқинга айланди ва Европадаги инқиlobнинг мұхим бўғини бўлиб қолди. Миллий-озодлик ва мамлакатни бирлаштириш учун кураш деҳқонлар оммаси ва шаҳар камбағалларииинг чиқишилари билан кўшилиб кетди. Шу билан бирга феодал-мустабид кучларга қарши матонатли курашда либерал ва демократик доиралар парламент сиёсий органларини тузишни, фуқаролик хукуқлари ва сиёсий эркинликлар берилишини талаб қилдилар. Жамиятнинг барча кучлари – либерал дворянлар ва тадбиркорлар, талабалар, хунармандлар ва пролетар омма, деҳқонлар ва қашшоклар ҳаракатга келдилар. Үз хошишларидан қатъи назар монархлар ҳам мамлакатни озод қилиш учун курашга кўшилдилар. Шу сабабли инқиlobий лагерда ички зиддиятлар кучайиб, ҳаракатда мантиқсизлик, поймапойлик, курашнинг турли шаклларини танлаш ва шунга мос натижага кўзга ташланади.

Апеннин яриморолидаги вазият Европа давлатларининг аралашуви ва тұғридан-тұғри интервенцияси оқибатида янада мураккаблашди. Германиядаги сингари мамлакатнинг тарқоклиги, турли ҳудудлардаги инқилобий кучларнинг ҳар хил пайтда чикишлари уларни бириң-кетин бостиришни осонлаштириди.

Инқилоб 1848 йил 12 январь куни Сицилияning маъмурий маркази Палермо шаҳрида халқ қўзғолони билан бошланиб, кейин оролнинг бошқа шаҳар ва қишлокларига тарқалди. Деярли куролсиз аҳолининг кучли қирол аскарлари билан қоюли тўқнашувлари армияга озиқ-овқат етказишни бойкот қилиш, телефон тармокларини ишдан чиқариш ва йўлларни тўсиш кабилар билан қўшиб олиб борилди. Ҳамма жойда дехқонларнинг ҳукуматга, шунингдек, катта ер эгаларига қарши кураши бошланиб кетди. Неаполлик қўшинлар январнинг охирида оролдан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Сицилияда Муваққат либерал ҳукумат тузилди ва у амалда Бурбонларнинг таъсиридан чиқди.

Сицилиядаги воқеалар Неаполь қироллигига, айниқса Калабрия ва Неаполь шаҳрининг ўзида ҳам қўзғолон ва намойишлар бошланиши учун туртки бўлди. Қирол Фердинанд II 1848 йил 29 январь куни конституция инъом этишга мажбур бўлди ва унга биноан икки палатали парламент тузилди ҳамда Сицилияning чекланган автономияси тан олинди. Неаполь қироллигидаги бу ўзгаришлар Пъемонт, Папа вилояти ва Марказий Италия герцогликларидаги либералларни тўлқинлантириб юборди. Ҳамма жойлардаги чиқишларда либераллар мустақиллик ва мамлакатни бирлаштириш учун курашга чорлаб, фуқаролик эркинликлари ва конституцияни жорий қилиш талабларини олға сурдилар. Бу кураш натижасида 1848 йил февраль-март ойларида Папа вилояти, Тоскана ва Пъемонтда конституция жорий қилиниб, парламентлар сайланди ва либерал ҳукуматлар тузилди.

1848 йил марта Венада юз берган инқилоб ҳақидаги хабар Ломбардия ва Венеция вилоятида австрияликларга қарши халқ ҳаракатига катта туртки бўлди. 1848 йил 17 марта Венецияда кучли норозилик намойиши билан австрияликларга қарши бошланган кураш, март ойининг охирида Венеция республикасини эълон қилиш ва муваққат ҳукумат тузиш билан якунланди. Ҳукумат бошлиги этиб Рисоржиментонинг кўзга кўринган намояндаси Д.Манин таъинланди. Бутун Венеция вилояти бўйлаб бошланган кучли халқ

ҳаракати натижасида австрияликларнинг қуролли кучлари шимолга, Австрия чегараларига чекинишга мажбур бўлди. Австрияликларнинг Шимолий Италиядаги асосий таянчи – Милан шаҳри ахолиси ҳам инқилоб солномасига ўз қаҳрамонликларини битдилар. 18–22 март кунлари (Миланнинг «беш куни») бутун шаҳар баррикадалар билан ўраб олинди. Австриялик Габсбургларнинг содик хизматкори кекса маршал Радецкий қўмондонлигидаги кўпминг кишилик гарнizon катта талафот кўрди ва 22–23 март кунлари шаҳарни ташлаб чиқди, Милан озод килинди. Шунингдек, ҳалқ ҳаракатининг кучли босими остида ва қонли жанглар натижасида австрияликлар Ломбардия, Парма ва Моденани ҳам ташлаб чиқдилар. Австрия зулмига қарши курашдаги бу муваффакиятлар бутун Италияни тўлқинлантириб юборди. Италиядаги воқеалардан хабар топган Жузеппе Гарибальди Жанубий Америкадан ўзининг ишончли сафдошлиари – «қизилкўйлаклилар» отряди билан етиб келди. Ниццада тугилган, касби бўйича денгизчи Гарибальди ёшлигидан инқилобий ҳаракатга қўшилди. 1834 йили республика ўрнатиш учун Генуяда бошланган қўзғолон муваффакиятсизликка учрагандан сўнг у ватанини тарқ этишга мажбур бўлди ва сиртдан ўлим жазосига маҳкум этилди. Анча сарсонгарчилик ва машаккатлардан кейин Гарибальди ўн йилдан кўпроқ ваqt Жанубий Америкада мустақиллик ва озодлик учун курашди. 1848 йилга келиб унинг номи таникли ва машхур эди. У ўзини икгидорли саркарда, партизанлар урушининг устаси, ўта жасур ва айни пайтда жозибали шахс сифатида намоён қилди. Оташин ватанпарвар, Италияни чет элликлар зулмидан озод қилишга қатъий аҳд қилган Гарибальди, ватанига қайтгандан сўнг бир пайтлар уни ўлим жазосига ҳукм қилган монархия билан ҳамкорлик қилишни мумкин деб ҳисоблади.

Италия монархлари, биринчи навбатда Пьемонт қироли Карл Альберт мураккаб ҳолатда қолган эди. Озодлик учун курашдан четда туриш обрўни тўкиш ва Савойя сулоласининг орзу қилиб кутилган мақсади – Пьемонт етакчилигига бутун Шимолий Италияни бирлаштириш имкониятини йўқотиш дегани эди. Карл Альбертни «иккиланувчи қирол» деб атай бошлагандилар, у Австрияга уруш зълон қилишга қарор қилди. 1848 йил 24 март куни у Ломбардия ва Венеция ахолисини Пьемонт қўшинлари «уч ранги Италия байроғи ва Савойя герби остида» миллий бирлашиш иши учун ушбу вилоятлар ҳудудига кириши ҳақида огохлантириди. Биринчи мустақиллик

уруши шу тариқа бошланиб, 1848 йил августгача давом этди. Австрия империясига қарши уруш ҳаракатларида Пьемонт қироллик құшинлари билан бирга Папа вилояти, Тоскана, Неаполь қироллиги ҳарбий күчләри ҳам иштирок этдилар. Ҳар томондан келиб құшилған құнғиллилар, айниңса машхұр генерал Гарибальди бошчилигидаги сицилияліклар ҳамда Ломбардия ва Венеция республикаси ҳарбий кисмлари урушда сезиларлы роль үйнади. Куролли күчләрга умумий құмандонникни Пьемонт раҳбарлари амалға оширдилар.

Бирок уруш ҳаракатларининг бориши итальян коалицияси учун нокулай келди. Пьемонт армиясининг урушга тайёр эмаслиги ва құмандонникнинг қатый ҳаракатлар учун укувсизлиги қўриниб қолди. Кўнғиллиларнинг ўзбошимчалигидан хавфсираган пьемонтлик генераллар Гарибальди отрядларини ҳал қилувчи жанглардан узокроққа, тоғли худудларга жұнатыб юборди. Шунга қарамасдан гарибальдичилар душманнинг сон жиҳатидан устун күчләрини мағлубиятга учратдилар. Аммо Австрия құшинларини тор-мор қилиш ва Италиядан қувиб чиқиш учун қулай шароит бой берилди.

Бу вақт ичида Радецкий Австриядан құмак олиб, фаол ҳарбий ҳаракатларга киришди. 1848 йил 22 июль куни Кустоцца яқинида қироллик құшинлари жиддий мағлубиятга учрадилар. Тушкунликка учраган қўшинлар тартибсиз равища Миланга чекиндилар. Карл Альберт ҳеч ким күтмаган ҳолда шаҳарни жангсиз топширишни маъқул кўрди, 8 августда эса Австрия құмандонлиги билан фойдасиз сулҳ имзолади. Шу тариқа мустақиллик учун биринчи уруш шармандаларча яқунланди. Фақат Венеция республикаси сулхни тан олмасдан курашни давом эттириди. Ҳамма жойда инқилобчиларни жазолаш авжига чиқди. Неаполь қироллигига конституцион ислоҳотлар амалда бекор қилинди. Ахвол яна шу билан мураккаблашдик, қатор Европа мамлакатларида инқилобий ҳаракатлар сўниб бораётган эди. Демократик лагерда эса инқилоб ишини ўз қўлларига олиш учун интилиш кучайди. Бунга Ж. Мадзини ва Ж. Гарибальди, тосканиялик демократ Д. Монтанелли, федерализм тарафдори К. Каттанео ва бошқалар хайрихоҳ эдилар. 1848 йил октябрда Тосканада қўпчилиги демократлар бўлган ҳукуматнинг тузилиши инқилобнинг янги босқичини бошлаб берди. Ҳукуматга анчагина обрўга эга бўлган, умумиталия таъсис мажлисини чакириш учун курашаётган Монтанелли бошчилик қилди.

Шу даврдан то 1849 йил кузигача Тосканада демократик кучларнинг таянчига айланди. 1849 йил февралда Тосканада триумвират кўринишидаги Муваққат ҳукумат тузилиб, унга ёзувчи Ф. Гуэррацци (Гверрацци), ҳукук профессори Д. Монтанелли ва публицист К. Манцини кирдилар.

Папа Пий XII нинг мустақиллик учун урушга қарши чиқиши, ислоҳотлар йўлидан воз кечиши Рим ва Папа вилоятининг ватанпарвар қайфиятдаги аҳолиси ўртасида унинг обрусини тушириб юборди. Вокеалар оқими унинг назоратидан чиқиб кетаётганлиги ни сезган Папа пойтахтни яширин равишда тарк этди ва Неаполь қироллигидаги Гает кўргонидан ўзига жой топди. У мамлакатнинг сиёсий бирлашишига қарши чиқди ва бу билан ватанпарвар кучларнинг душманига айланди.

Пий XII қочиб кетгандан сўнг Мадзини Римда республиканинг эълон қилинишига эришди. Римга етиб келган Ж. Гарибалди ҳам шу позицияни эгаллади. Шу билан бирга у Австрияга қарши уруш ҳаракатларини қайта бошлишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Демократларнинг босими остида Таъсис мажлисига сайловлар ўtkазилди. 1849 йил 8 февраль куни депутатлар биринчи мажлисдаёқ Папани дунёвий ҳокимиятдан маҳрум этиш тўғрисида қонун қабул қилиб, Римни республика деб эълон килдилар. Кейин 1849 йил февраль-апрель ойлари ичida қатор прогрессив ислоҳотлар ўтказди, жумладан, черков ерлари национализация қилиниб, бир қисми кичик арендаторларга ва камбагал оиласаларга бўлиб берилди, саноатчи ва саводгарлар учун прогрессив солик ўрнатилди, туз ва тамаки монополияси бекор қилинди, мактабни черковдан ажратиш тўғрисида декрет қабул қилинди ва шу кабилар. Бироқ Римда ижтимоий-иктисодий аҳволнинг борган сари оғирлашиши, айниқса Папа вилоятидаги вокеаларга чет давлатларнинг очиқ-ойдин аралашуви демократик лагерь фаолиятини мураккаблаштириди.

Айни пайтда Пьемонт ҳукумати яраш сулҳини бекор қилиб, 1849 йил 20 март куни Габсбурглар империясига қарши янгидан уруш бошлиди. Аммо бу сафар ҳам муваффакият австрияликлар томонда бўлди. 23 март куни Новар ёнидаги жангда пьемонтликлар армияси маглубиятга учради. Қирол Карл Альберт тахтдан воз кечди ва ҳокимиятга унинг ўғли Виктор Эммануил келди. Факат янги қиролнинг «инқилобчи демократлар партиясини жиловлашга» берган ваъдаси туфайли Австрия Пьемонт учун яраш сулҳи шартларини

енгиллаштириди, аммо ўзи учун назоратдаги Апеннин худудларида ҳаракат эркинлигини амалда таъминлади.

Урушнинг якуни Италияning кўплаб вилоятлари учун фожиага айланди. 1849 йил 11 апрель куни Флоренцияда (Тоскана) аксиликобий тўнтириш амалга оширилди. Австрия хукумати бу герцогликни эгаллаб олиб, тахтга ўз одами Леопольд II ни утқазди. 1849 йил май ойига келиб Сицилиядаги озодлик ҳаракати бостирилди ва неаполлик Бурбонлар ҳокимияти тикланди.

1849 йил баҳоридан бери қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг охирги ўчоқлари бўлиб Рим ва Венеция қолаётган эди. Рим республикаси тўла қуршовда қолган бўлиб, унга қарши Неаполь қироллиги, Австрия, Испания ва Францияning қуролли кучлари турарди.

Римда фавқулодда ваколатларга эга бўлган триумвират (Ж. Мадзини, А. Саффи, К. Армеллини) тузилди. Май-июнь ойларида шаҳарни ҳимоя қилиш учун шиддатли жанглар бўлиб, уларда Ж.Гарибалъди ўз отряди билан жонбозлик кўрсатди. Шундай бўлсада, 1849 йил 3 июль куни Удино армияси шаҳарга кириб келди ва француз милтифининг кучи билан Папа ҳокимияти тикланди. Венеция ҳам оғир қамал шароитида 1849 йил августгача Австрия кўшинлари ва флоти билан жанг олиб борди. 22 август куни Венеция таслим бўлди – инқилобнинг охирги таянчи қулади. Ҳамма жойда ҳарбий-дала судлари ва сиёсий трибуналларнинг газаблари авжига чиқди. Инқилобнинг кўплаб кўзга кўринган арбоблари, шу жумладан, Ж.Мадзини ва Ж.Гарибалъди ҳам чет элларга чиқиб кетишига мажбур бўлдилар. Тинчлик шартномасига кўра Австрия ўзига Ломбардия ва Венеция вилоятини қайтарди, шунингдек, Тоскана ва Папа вилоятининг шимолида ўз таъсирини тиклади.

Инқилоб ўз олдига қўйган вазифалар – мамлакатни озод қилиш ва бирлаштиришни, ижтимоий ўзгаришлар ва демократик тартиблар ўрнатишни амалга оширмасдан мағлубиятга учради. Аммо у феодал тартиблар ва абсолют режимлар асосларини анча заифлаштириди.

*Рисоржиментонинг ҳал қилувчи жсанглари. Италия қироллигининг ташкил қилинishi.* Сиёсий ва маънавий ҳаётдаги зўравонлик иқтисодий қийинчиликлар билан қўшилиб кетди. Ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган кўплаб вилоятлар вайроналар остида қолган эди. Ҳамма жойда соликлар оширилиб, бу ижти-

моий зиддиятларни янада кучайтириди. Дехқонларнинг норозилик чиқишилари деярли тұхтамади.

1848–1849 йиллардаги инқилоб сабоқларини танқидий таҳлил қилиш жараёнида демократлар билан мұytадиллар үrtасида миллий мустақиллик ва мамлакатни бирлаштириш учун курашнинг усуулари, бу жараёнда черков, монархия ва халқ оммасининг роли, миллий ва ижтимоий вазифаларнинг мутаносибилиги тұғрисида баҳс-мунозара авж олиб кетди. Янги инқилоб тұғрисида орзу қилаётган Ж.Мадзини, үзининг құzғолоичилик тактикасыга содик қолди. Унинг саýý-харакатлари билан 1853 йили Миланда бошланған құzголон тұлиқ мағлубият билан яқунланды. 1857 йили Сицилияга уюштирилған ҳарбий экспедиция ҳам муваффақиятсизликка учради. Мадзини мустақиллик ва мамліакатни бирлаштириш иши либераллар ва монархиячи доираларсиз, фактадемократлар раҳбарлигидагина муваффакият қозониши мумкин, деб ҳисоблайди. Шу даврдан бошлаб у энди шаклланиб келаёттан ишчилар ҳаракатига ҳам қизиқиши билдиради ва ундан мустақиллик учун кураш үйлида фойдаланишни режалаштиради.

Мадзинизмдан ҳафсаласи пир бұлған демократларнинг бир қисми Италияда инқилобий ҳаракатнинг истиқболига турлича ёндөшиб, сенсимонизм, анархизм, федерализм йұналишларини маъқул күрдилар. Демократларнинг бошқа бир қисми, жумладан Ж. Гарibalды, миллий мустақиллик ва мамлакатни бирлаштириш ишига биринчи даражали масала деб қарайдилар. Улар Мадзини ва унинг тарафдорларидан фарқли равишда, демократларнинг либераллар ва Савоя монархияси билан яқын иттифоки зарурлигини тушуниб етдилар. 1857 йили Пьемонт либералларининг ташаббуси билан ташкил қилинған «Миллий жамият» вице-президенти этиб Ж. Гарibalьди сайланды.

XIX асрнинг 50-йиллари либерализмнинг асосий маркази Пьемонт бўлиб қолди. Инқилобий ғалаёнларнинг тақрорланишидан чўчиган кирол Виктор Эммануил ҳам либераллар билан ҳамкорлик қилишни маъқул курди. Либерал оқимнинг қўзга кўринган вакили Бензо Камилло Кавур 1852 йилдан то умрининг охиригача (1861 йил) Пьемонтнинг премьер-вазири бўлди. Ажойиб сиёсатчи, парламент келишувларининг устаси бўлған Кавур, парламентдаги либерал кўпчиликка таяниб, реакцион кучларнинг қиролга босимини тұхтата олди. Италияning үша даврдаги бошқа арбобларига нис-

батан у давлат учун кучли иқтисодиётнинг муҳимлигини тушуниб етди. 50-йиллари Пъемонтда темир йуллар, ирригация каналлари ва порт иншоотлари қурилиши бошлаб юборилди. Савдо флоти, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун қулай шароит яратилди. Пъемонтнинг ташки савдо алоқалари кучайди.

Савойя монархиясининг сулолавий манфаатларини миллий-озодлик ва Италияни бирлаштириш иши билан мувофиқлаштиришга интилган Кавур, ташки сиёсатда Австрияга қарши курашда кучли давлатларнинг қўллаб-кувватлашига эришиш учун ҳаракат қилди. Шу мақсадда Пъемонт 1853–1856 йиллардаги Крим урушида Англия, Франция ва Туркия томонида ўзининг 15 минг кишилик қўшини билан Россияяга қарши урушда қатнашди. Кавур Париж конгрессида сўзга чиқиб, Италия масаласини ҳал қилиш борасида ўз дастурини баён қилди. Шу пайтдан бошлаб Пъемонт Европада ўз таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилаётган Франция билан яқинлашди. 1859 йил июлда Пломбьерада Кавурнинг Луи Наполеон билан махфий учрашуви бўлди. Учрашувда Луи Наполеон Австрияга қарши урушда қатнашишга, Пъемонт етакчилигига Шимолий Италияни бирлаштиришга ва Папа бошчилигига Италия конфедерациясини тузишга розилик билдириди ва қўллаб-кувватлашга ваъда берди. Бунинг эвазига Пъемонт ўзига қарашли Ницца ва Савойяни Францияга бериши лозим эди. Шу тариқа урушга тайёрлана бошланди. Сардиния армияси жанговар тайёргарлик ҳолатига келтирилди. Пъемонт билан Австрия муносабатлари кескин ёмонлашди. 1859 йил 23 апрель куни Австрия қатъий оҳангда Пъемонт армиясини куролсизлантиришни талаб қилди ва бу билан урушнинг бошланиши учун баҳона яратиб берди. Навбатдаги Италия-Австрия урушида ҳам Пъемонтга бутун Италиядан келган кўнгиллилар ёрдам берди. Кўнгиллилар қисмларига жамиятда катта обруға эга бўлган Ж. Гарibalди бошчилик қилди. Кўнгиллиларнинг жасоратлари туфайли Альп олди ҳудудидаги бир қатор истеҳком шаҳарлар олинди. 1859 йил 4 июнда француз ва пъемонтликлар қўшинлари Мажента ёнидаги жангда австрияликларга қаттиқ талафот етказди. 8 июнь куни Милан озод килинди, 24 июнда эса Соль-Ферино ва Сан-Мартино остоналарида йирик жанглар бўлиб, бу сафар ҳам австрияликлар мағлубиятга учрадилар. Иттифокчи қўшинларнинг Венеция вилояти томон юришлари учун имконият пайдо бўлди.

Австрияга қарши ҳарбий ҳаракатлардаги муваффакиятлар Тоскана ва Эмилиядаги халқ құзғолонларини илхомлантируды. Бу ерларда муваққат ҳукуматлар тузилиб, улар үз хохиши билан Пьемонтта құшилишга тайёр эканликларини билдирилдилар. Ҳамма жойда ватанпарварлық кайфияти юксалиб борди. Шундай шароитда Франция императори Наполеон III Италияни бирлаштириш ишига қаттық талафот еткәзди. У 1859 йил 11 июль қуни Австрия императори билан бўлган учрашуvida яраш сулҳи таклиф қилди ва Виллафранки деган жойда вақтингча сулҳ имзолади. Ушбу сулҳга биноан Австрия Ломбардияни, кейинчалик Пьемонтта берини учун Франция ихтиёрига ўтказди, аммо Венеция вилоятини ва бошқа таъсир зоналарини ўзида сақлаб қолди. Мустакиллик учун навбатдаги (учинчи) уруш шундай якунланди.

Мамлакатда Австрияга қарши ҳаракат янги куч билан бошланди. Ж. Гарибальди курол сотиб олиш учун «Минг милтиқ» деб аталган хайрия фондини ташкил қилди. Мадзини зудлик билан эмиграциядан қайтиб келди. Сицилиядаги құзғолончиларни қўллаб-куватлаш учун демократик кучлар ҳарбий экспедиция ташкил қилдилар. Экспедиция тайёрланаётганлиги ҳақидаги хабар Виктор Эммануилни шошириб қўйди. Жанубдаги мавжуд ҳолатнинг (статус-кво) бузилиши Англия ва Франция билан дипломатик мураккаабликларни келтириб чиқарса, Гарибальди ва демократларнинг фаоллашуви монархия учун реал хавф туғдирар эди. Гарибальдининг Савойя сулласига хайрихоҳлигини билдириб, экспедицияни «Италия ва Виктор Эммануил» шиори остида уюштирганлиги ҳам қиролни тинчлантира олмади.

1860 йил майда 1200 нафар кўнгиллилар Сицилияга келиб тушди. Уларга кавалерия қисмлари, артилерия ва полициядан ташқари 5 минг кишилик Неаполь қироли қўшинлари қарши турарди. Шунга қарамасдан жангчиларнинг шижаоти, маҳаллий аҳолининг ёрдами ҳамда Гарибальдининг ҳарбий таланти туфайли кўнгиллилар Калатафима ёнидаги жангда ғалаба қозондилар (Бу ғалаба билан Гарибальди умрининг охиригача фахрланиб юрган). Кейин кўнгиллилар Сицилияning маркази Палермо шаҳрини эгаллади. Тез орада бутун орол қирол қўшинларидан озод қилинди, Гарибальди у ерда инқиlobий диктатура режимини ўрнатди.

Сицилиядаги воқеалар Неаполь қироллигидаги инқирозни янада чукурлаштируди. Франческо II нинг вафотидан сўнг тахтга келган

қирол ислоҳотлар лозимлигини ҳис қилмаётган эди. Қиролликда черков ва абсолютизм тарафдорларигина катта фаоллик билан ҳаракат қилишарди. Айни пайтда либераллар ва демократларнинг маҳфий ташкилотлари ҳам фаолият юритаётган эди. 1860 йил ёзда Гарибальди қўшинлари Калабрияга келиб тушди, ҳолдан тойган қирол қўшинлари деярли каршилик қўрсатмади ва қўнгиллилар Неаполга йўл олишди. Уларга шимолдан, Сицилиядан, Неаполь қироллигининг барча вилоятларидан қўнгиллилар келиб қўшилди. Неаполь жангиз эгалланди, кейин эса Вольтурно ёнидаги жангда ҳукумат қўшинларининг қолган қисми тор-мор қилинди. Бу ғалаба Бурбонларнинг ва қиролликнинг тақдирини ҳал қилди.

Ж. Мадзини ва демократик лагернинг бошқа вакиллари Гарибальдига диктаторлик ваколатларини сақлаб туришни ва пайтдан фойдаланиб Папа вилоятини, кейин эса Венецияни озод қилишни қатъий маслаҳат бердилар. Айни пайтда Пьемонтнинг тутган позицияси туфайли вазият ниҳоятда кескин эди. Гарибальди қўшинлари олға силжишнинг олдини олиш мақсадида Пьемонтнинг мунтазам қўшинлари Папа вилоятига бостириб кириб, Марка ва Умбрияни озод қилдилар, сўнгра шимолдан Неаполь қироллиги худудига кирдилар.

Гарибальдининг қатъий талабига кўра плебисцит ташкил қилинди ва 1860 йил 21 октябрь куни Неаполь қироллигининг кўпчилик ахолиси Пьемонтга қўшилиш учун овоз бердилар. Виктор Эммануил Гарибальди ҳамроҳлигида Неаполга тантанали кириб келди, Франциск II эса Папа вилоятига қочиб кетди. Гарибальдининг Жанубий Италияда ўзини Виктор Эммануилнинг ноиби этиб қолдириш тўғрисидаги илтимоси Кавур томонидан рад этилди. Шундан сўнг таклиф қилинган барча унвон ва мукофотлардан воз кечиб, Гарибальди 1860 йил ноябрда кичик бир орол Капрера га жўнаб кетди. Гарибальди қўшинлари қирол томонидан тарқатиб юборилди.

1861 йил февралда Турин шаҳрида Италия парламенти иш бошлади ва 14 март куни Виктор Эммануил Италия қироли деб зълон қилинди. Бу билан Рисоржиментонинг асосий вазифаларидан бири – мамлакатни бирлаштириш ҳал қилинди. Тўғри Папа вилояти ва Венеция ҳали бу давлат таркибиға кирмай қолди. Германиядан фарқли равишда Италия озодлиги учун курашаётган кучларда ички қарама-қаршиликлар катталиги сабабли Рисоржиментонинг

ижтимоий вазифалари бажарилмай қолди ҳамда Папа вилояти ва Венецияни озод қилиш масаласи ортга сурилди.

**Италияни бирлаштиришининг якунланиши.** 1866 йили Европада вужудга келган шароит Италия учун жуда қулай бўлди: Пруссия билан Австрия ўртасида Шлезвиг ва Гольштейн ҳудудлари учун уруш бошланди. 1866 йил ёзида Пруссия армияси Австрияга бостириб кирди, айни пайтда итальянлар армияси ҳам австрияликларга қарши уруш бошлади. Австрияликлар Садова кишлоги ёнидаги жангда прусслар армиясидан мағлубиятга учради ва Франц-Иосиф Венециядан воз кечишга мажбур бўлди.

Римда Папанинг дунёвий ҳокимиюти фақат француз солдатлари ёрдамида сақланиб турганди, холос. 1870 йил ёзида француз-прусс уруши бошланди. Урушда Наполеон III армияси мағлубиятга учради, унинг империяси қулади, Римга йўл очилди. Италия армияси, унинг ортидан қирол Виктор Эммануил II «Мангу шаҳар»га кириб келдилар. Италияни бирлаштириш якунланди. 1871 йил 3 октябрда ўтказилган референдум натижаларига кўра Рим Италия таркибига кўшилди ва бирлашган қиролликнинг пойтахти бўлиб қолди.

1874 йили парламент депутати бўлган Гарибальди тантанали равища Римга кириб келди. Афсонавий қаҳрамонни шаҳар аҳолиси муносаби тутиб олди.

Италияни бирлаштириш жараёнида иккита масала – мамлакатнинг шимоли-шарқини австрияликлардан озод қилиш ва миллий давлатни ташкил қилиш ҳал қилинди.

**Исплоҳотлар ва мустамлакачилик даври.** Бирлашган Италия анча камбағал давлат эди. Оғир саноат деярли мавжуд эмас, қишлоқларда феодал муносабатлар хукмрон, аҳолининг катта қисми саводсиз, сиёсий ҳаётда эса абсолютизм, черков ва аристократия ҳукмрон эди.

Италия ҳукмдорлари мамлакатни Англия ва Франция сингари «буюк давлат» қилишни, худди улардагидек давлат ташкилотларига, армия, флот ва албаттга мустамлакаларга эга бўлишни истар эдилар. Буни амалга оширишнинг йўллари тўғрисида кўпгина қарама-қарши фикрлар мавжуд бўлсада, гоя ўзига барчани бирдай жалб қилганди.

Шундай қилиб, империяни «қуриш» бошланди.

Италияда сиёсий тузум конституцион монархия тарзида шаклланган эди. Конституцияга кўра қирол Виктор Эммануил II икки

палатали парламент – Сенат ва депутатлар палатаси билан бирга ҳокимиятга эгалик қиласы. Депутатлар палатаси 25 ёшдан катта бүлган, үкиш ва ёзишни билген ҳамда маълум мулкка (мулкий ценз) эга бүлган эрқаклар томонидан сайланарди. Шу сабабли мамлакат-нинг 27 миллионлик аҳолисидан факат 2% игина (60 мингта яқин) сайлаш ҳуқуқига эга эди.

Конституцияда барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахсий эркинликларнинг кафолатланганлиги, яшаш жой дахлсизлиги, матбуот эркинлиги, тинч йигилиш ҳуқуқи тұғрисида қоидалар акс этганди. Ижро ҳокимияти тұлиғича монархга тегишли бўлиб, кўшинларга қўмондонлик қилиш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш ҳуқуқларига факат у эга эди.

Италияда ягона дин христиан динининг католик мазҳаби эди. 1871 йил қирол имзолаган қонунга қўра Папа шахси муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилинган, унинг саройи харажатлари учун давлат хазинасидан маблағ ажратилиши кўзда тутилган ҳамда Папага бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлар үрнатиш ҳуқуқи ҳам берилган. Папанинг мулки Ватикан ва Латеран саройлари билан чегараланди. Бироқ Папа худудий чекланганлик тұғрисидаги қонунни тан олмади ва ўзини «маҳбус» деб эълон қилди.

Италияда сиёсий партияларни ташкил қилиш жараёни бошланди. Сиёсий йўлбошчилар орасида илгари қизғин инқилобий фаолият билан шуғулланган Франческо Криспи (1818–1901) айниқса машҳур эди. У ўшлигига республикачи бўлган, 60-йиллари эса Гарибальдининг сафдошига айланганди. Аммо кейинчалик унинг сиёсий қарашлари яна ўзгариб, монархия тарафдорига айланди. Шунга қарамасдан Криспи кенг ислоҳотлар тарафдори бўлиб қолаверди. У аҳолининг сайлаш ҳуқуқини кенгайтиришни, депутатларга маош тайинлашни, ўлим ҳукмини бекор қилишни таклиф қилди. Ички ишлар вазири бўлгандан кейин Криспи қуролланиш пойгасини авж олдириди. У Франция ва Рим Папасини Италиянинг душманлари деб ҳисоблар ва Германия билан яқинлашишга ҳаракат қиласы. Бош вазир бўлгандан сўнг у Бисмарк билан учрашди ва 1888 йили бу собиқ гарибальдичи Пруссиянинг олий мукофоти – «Қора бургут» орденига сазовор бўлди.

**Капитализм тараққиёті.** Италия бирлашгандан кейин ҳам капитализм тараққиёті жуда секин кечди. Бунинг бир қатор сабаблари бор эди.

Мамлакатда йирик ер эгалиги ва деҳқонларнинг ерсизлиги сингари феодал қолдиклар сақланиб турганди. Аҳолининг аксариятини ташкил қиласидиган деҳқонларнинг харид қобилияти жуда пастлиги сабабли саноат молларига эҳтиёж ҳам кам эди. Саноат буржуазияси жуда кучсиз бўлиб, Италия моллари Англия, Франция ва Германия товарлари билан рақобатлаша олмасди. Бу сабабларга яна табиий манбаларнинг етишмаслигини ҳам кўшиш мумкин. Иқтисодиётнинг ривожланишига сиёсий бекарорлик, халқнинг камбагаллиги, саводсизлиги ва умумий ғазаби оқибатида келиб чиқадиган қонли қўзғолонлар ҳам тўсиқ бўлаётган эди.

**Қишлоқ ҳўжалиги ривожи.** Агар қишлоқ ҳўжалигига капитализм тараққиёти ҳақида гап кетса, аввало бу жараён Шимолий Италияда юз бераётган эди. Йирик арендаторлар батраклар ва ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланаарди. Ерларидан айрилиб арендаторларга айланган деҳқонлар ҳосилнинг 3/4 қисмигачасини ер эгаларига берардилар. Батраклар меҳнатидан кенг фойдаланилар эди. Камбағал деҳқонлар даҳшатли қашшок шароитда, уй ҳайвонлари билан бирга ертўлалар ва ғорларда яшашарди. Кейинги ўн йилликда қишлоқда капитализм тараққиёти деҳқонларнинг тўлиқ касод бўлишига олиб келди. Еридан, яшаш жойидан айрилган деҳқонларни шаҳар ҳам иш билан таъминлай олмасди. Кўичилиги эмигрант бўлиб чет элларга кетишга мажбур бўлдилар.

Шунга қарамасдан, 1896 йилдан 1914 йилгача қишлоқ ҳўжалиги ривожида баъзи муваффакиятларга ҳам эришилди. Қишлоқ ҳўжалигига учта асосий йўналиш ажralиб чиқди: ғалла етиштириш; зайдун, узум, цитруслар етиштириш ва қайта ишлаш; чорвачилик ва у билан боғлиқ ҳунармандчилик.

Аста-секинлик билан қишлоқ ҳўжалигига банд аҳолининг сони камайиб, 1901 йили умумий аҳолига нисбатан 60% дан 1911 йили 55% га тушди.

**Индустрлаштириш жараёнида давлатнинг роли.** Давлат бюджетининг тақчиллиги саноатнинг ривожига тўсиқ бўлаётганлигига қарамасдан, XIX аср 90-йиллари охирига келиб ривожланиш қўзга ташланди. Маълумки, бу давр умуман капиталистик дунёнинг жадал ривожланиш даври бўлиб, бу жараёндан Италия ҳам четда қолмади. Индустрлаштириш жараёни давом этди. Чет эл капитали ёрдамида ва протекционистик бож соликлари натижасида оғир саноат жадал

ривожланди. Милан, Генуя, Турин каби саноат марказлари вужудга келди. 1900 йилдан Биринчи жаҳон уруши бошланишига кадар саноат корхоналари ва ишчилар сони икки марта ошди. Биржа ва банклар ҳам кўпайди. Италияда капитализм ривожининг ўзига хос томони давлатнинг иқтисодий ҳаётга фаол аралашуви бўлди. Давлат тамакини қайга ишлаш, туз қазиб олиш ва хинин (безгак дори) сотиш, темир йўллар куришни ўз монополиясига айлантирган ҳамда давлат суғуртасини жорий қилган эди. Ҳарбий ва денгиз ишлари вазирлиги бир қатор ҳарбий заводлар фаолиятига раҳбарлик қиласарди. Хусусий тадбиркорларда маблағ етишмаслиги давлатнинг иштиро-ки билан қопланарди.

Халқаро корпорациялар билан ракобат Италияда ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва акционерлик жамиятлар ту-зилиши жараёнини тезлаштириди.

**Саноат тараққиёти.** Саноатнинг жадал ривожланиши авва-ло шимолда юз бераётган эди. Бу ерда металлургия, машинасоз-лик, кемасозлик ва тўқимачилик саноати ривожланди. Энг йирик пўлат қўйиш заводлари «Фалк» фирмасига қарашли эди. 1908 йили аниқ приборлар, тикув машиналари ва шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи «Оливетти» фабрикаси ўз фаолиятини бошлади. Италия ўз турбиналарини ишлаб чиқара бошлади. 1907 йили 300 га яқин кемалар сувга туширилди.

XX аср бошларида йирик корпорациялар тузиш давом этиб, уларнинг кўпчилиги ўз соҳаларида монопол ўринни эгалладилар. Шундай корпорациялар машинасозликда – «Терни» ва «Орлан-до», электротехникада – «Эдисон», кимё саноатида – «Пирелли» ва «Монтекатини», автомобилсозликда – «Фиат», «Спа», «Ланча» эди.

Мамлакатнинг йирик банклари иқтисодиётнинг илгор со-ҳаларини ўзига бўйсундириб, банк капитали билан саноат капи-тали бирлашишига ва молия олигархиясининг пайдо булишига кўмаклашди («Италия тижорат банки», «Рим банки» ва бошкалар).

Машинасозликдаги янги ҳодиса автомобилсозлик саноати бўлди. Бу соҳа жаҳон бозорида ҳали катта рақобатга эга бўлмаганлиги са-бабли италиялик тадбиркорлар олдида кенг имкониятлар эшиги очилаётган эди. Агарар буржуазия орасидан чиқсан Жованни Аньел-ли буни биринчилардан бўлиб тушунди. У ўзининг барча имкони-ятларини, орзу умидларини шу соҳа билан боғлаб, 1899 йили Ту-рин шаҳрида «Фиат» автомобилсозлик фирмасига асос солди. 1904

йили «Фиат» 250 дан ортиқ автомобиллар ишлаб чиқарди ва жаҳон бозорига чиқди.

Мамлакатда йирик буржуазия билан акционерлик жамиятлари ни тузишда иштирок этаётган феодал аристократия ўртасида ишчан ҳамкорлик вужудга келди. Италияда оёққа туралётган ёш буржуазия учун ташқи бозорни эгаллаш ҳаёт-мамот масаласи булиб колганди. Мамлакатга кўплаб миқдорда дон, кўмир, саноат ускуналари олиб кирилаётган, четта товар чиқариш эса кескин ортда қолаётган эди. Шу сабабли ҳукумат ва саноат корпорациялари XX аср бошида «тинч иқтисодий кириб бориш» шиорини илгари сурдилар. Италия товарлари ва капиталининг асосий қисми Шимолий Африкага, Болқонга, Кичик Осиёга ва Фарбий ярим шардаги мамлакатларга йўналтирилди.

1914 йилга келиб Италия илғор капиталистик мамлакатларни қувиб етишдан анча йироқ бўлсада, ҳар қалай 1900 йилдан 1914 йилгача саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш икки марта кўпайди. Италия индустрисал мамлакатга айланади.

«Ўзи хоҳламаган ҳолда унга етказган заарлар» учун кечирилиб, Рим черкови билан ярашган Виктор-Эммануил 1879 йили вафот этди. Папа уни барча гуноҳларидан фориғ қилди. Янги кирол Умберто I (1844–1900) мамлакатни бошқаришга яхши тайёр эмасди, аммо отаси сингари унинг ҳам янги худудларни босиб олишга иштиёқи баланд эди. Франциядан Савойя ва Ниццани тортиб олиш мақсадида Германия ва Австрия билан Учлар иттифоқига бирлашди, бу эса жаҳон уруши сари ташланган катта қадам бўлди.

1900 йили Умберто I отиб ўлдирилди. Унга ўқ узган анархист Гаэтано Бреши «кўплаб адолатсизликлар учун ўч олиш мақсадида» атайлаб АҚШ дан келган эди. Судда у: «мажбурий эмиграциядаги оғир ҳаётим учун ўч олдим», – деди. Италияда ўлим жазоси бўлмаганлиги сабабли Брешини суд умрбод қамоқ жазосига хукм қилди. Брешининг сўзларини тушуниш учун Италияда ишчиларнинг ахволига эътибор қаратмоқ лозим. Италия аҳоли жон бошига даромад даражаси бўйича Фарбий Европада охирги ўринлардан бирини эгалларди. Иш куни эса 12–13 соатни ташкил қиласарди. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатнинг жануби илғор шимол учун хомашё базасига, ўзига хос «мамлакат ичидаги мустамлакага» айланди.

Италияда иш ўринлари етишмаслиги сабабли итальян жамиятнинг ўзига хос хусусияти оммавий эмиграция бўлиб қолди. 1901 йилдан 1914 йилгача АҚШ, Бразилия, Аргентина ва бошқа давлатларга 7,5 млн киши мамлакатдан чиқиб кетди. Лекин ҳамманинг ҳам кетиш имконияти йўқ эди. Қолган аҳоли орасида норозилик кучайди, дехқонлар кўзғолонлари, иш ташлашлар, намойишлар бутун мамлакатни тўлқинлантириб юборди.

Янги келган қирол Виктор-Эммануил III мамлакат ва жаҳон тарихидаги энг буронли даврда Италияни 46 йил бошқарди. Тахтга келганда у ёш, маълумотли ва ақл-фаросатли бўлиб, мамлакатда ижтимоий тенгсизлик хавф солиб турганини яхши тушунар эди. Шу сабабли тахтга ўтиргандан бир неча кун ўтгач, қирол мамлакатда тинчликни тиклаш ва «яхши ниятли барча кишиларни бирлаштириш»га эришмоқчи эканлигини маълум қилди.

Биринчи жаҳон уруши арафасидаги Италияning сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаганлардан бири Жованни Жолитти (1842–1928) бўлди. У 1901–1903 йиллари ташки ишлар вазири, 1903–1914 йиллари Вазирлар Советининг раиси лавозимларини эгаллаган. Унинг мамлакат ҳаётидаги ўрни шунчалар катта эдик, тарихда «Жолитти даври» умумий қабул қилинган атамага айланди. 1882 йили парламентга депутат қилиб сайланган Жолитти, Италияни индустрнал давлатга айлантирадиган сиёсий ислоҳотлар даври келди, деб хисоблайди. 1903 йили хукумат бошлиғи бўлган Жолитти кейинги фаолиятини ана шу ғояни амалга оширишга бағишилади. У савдо ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун энг кулай шароитларни яратишга, шу билан бирга хужалик ҳаётида давлатнинг ролини оширишга (давлат хусусий компаниялардан темир йўлларни сотиб олди) интилди. Жолитти давлат бюджетини мустаҳкамлашга ва чет эллардан қарзни камайтиришга эришди. Жамиятни демократлаштиришда ҳам Жолиттининг хизматлари катта эди.

Ташки сиёсатда Жолитти хукумати «бошқалардан кам бўлмаслик» учун харакат қилди. Ички бозорнинг торлиги инглиз, француз ва немис товарлари билан рақобат итальян саноатчилари ни мустамлакалар босиб олишга чорлади. Ҳали XIX аср 70-йилларида Италия хукумати Тунисни босиб олишга харакат қилган эди, аммо уни Франция эгаллаб олди. Италияning хукмрон доиралари кучли мустамлакачи империяларга, уларнинг жаҳон бозоридаги таъсирига ҳасад билан қарашардилар. Улар Италияни «бошқа-

лардан кам бұлмаган» мустамлакачи империяга айлантириши хоҳлаб, уруш йүлини тутдилар. Уларнинг мақсади – мустамлака, ҳар қандай йўл билан мустамлакага эга бўлиш. Тезлик билан армия ва флот мустаҳкамланди, қўшинлар сони оширилди, жуда катта «Дулио» ва «Лепанто» броненосецлари қурилди.

1880-йиллари мустамлакачилик урушларининг асосий йўналиши Шимоли-Шарқий Африка бўлди. 1885 йили итальянлар Африканинг Қизил денгиз кирғоқларидаги Массая шаҳрини босиб олди. Шу тариқа биринчи мустамлака – Эритрея эгалланди. Яна уч йилдан сўнг Италия Сомалини ўз протекторати деб эълон қилди. Бу ҳали бошланиши эди. Босқинчиларни энди Эфиопия (Абиссиния) жалб қиласади. 1895 йили Италия Эфиопияга бостириб кирди ва узоқ давом этган мустамлакачилик уруши бошланди. Криспи бошчилигидаги ҳукумат қатъий ҳаракат қилди. Экспедицияга Эритрея губернатори генерал Баратъери қўмондон қилиб тайинланди. 1896 йил 1 август куни Адуя яқинидаги жангда Италия армияси эфиопияликлардан қақшатқич мағлубиятга учрадилар. Беш минг киши халок бўлди, кўплаб жангчилар яраланди ва асирга тушдилар. Бу мағлубият Италиядаги жуда катта миллий шармандалик деб қабул қилинди. Баратъери судга берилди, Криспи истеъфога чиқди.

Италия қўшинлари Хитойда «боксчилар қўзғолони»ни бостиришда катнашдилар. Аммо энди Шарқий Ўрта ер денгизи давлатлари – Албания, Черногория, Ливия, кейин Туркияга «тинч кириб бориш» (иктисодий) сиёсати юритилди. Бу мамлакатларда ўз таъсирини оширишга ҳаракат қилаётган Германия ва Австро-Венгрия ҳукуматлари Италияning ушбу режасидан норози эди. Шу сабабли иттифоқчилар билан муносабатлар кескинлашди. Виктор-Эммануил III Германияни ва Вильгельм II ни ёқтирамасди.

Қирол Учлар иттифоқида иштирокини сақлаб қолди, аммо Англияга қарши ҳаракатларда қатнашмаслигини таъкидлади. Шу пайтда Учлар иттифоқига қарши Антанта тузилади. Италия Россия, Франция ва кейин Англия билан Ўрта Ер денгизи кирғоқларидаги «бўш ерларни» бўлиб олиш тўғрисида келишувни имзолади. Виктор-Эммануил III Антанта давлатлари билан яқинлашар экан, Германия ва Австро-Венгрия билан ҳам иттифоқчилик муносабатларини узишни истамасди. Бу жуда оғир дипломатия эди.

Айни пайтда миллатчилар мустамлака ҳудудларни босиб олишга чакирадилар. Бу аслида урушга чакирик эди. 1911 йили Италия

хукумати Ливияни босиб олишга карор қилиб, Усмонийлар империясига уруш эълон қилди (Ливия Усмонийлар империяси таркибиди эди). Турклар музокаралар бошлини таклиф қилди. Аммо Жолитти хукумати, Италия маданиятли мамлакат бўлганлиги учун босиб олинган ерларга «цивилизация олиб келади» деб ҳисоблаб, урушни давом эттириди. Бир йилдан сўнг Туркия Ливияни Италияга беришга мажбур бўлди. Мустамлақачилик уруши мамлакатнинг молиявий ҳолатига ёмон таъсир қилди, иқтисодий аҳвол оғирлашди. Бу 1913–1914 йиллари меҳнаткашлар ғалаёнларининг янги тўлқинини бошлаб берди. Энди Жолиттининг либерал, ислоҳотчилик сиёсати халқни ҳам, буржуазияни ҳам каноатлантирумас эди. 1914 йили баҳорда у истеъфога чиқди. Италия либерализми даври, «Жолитти даври» шундай якунланди.

1914 йил ёзида бошланган ғалаёнларда 1892 йили ташкил қилинган Італия социалистик партияси етакчи роль ўйнади. Аммо 1914 йил 7 июнда Анкондаги ишчилар намойиши ўқка тутилгандан кейин бошланган умумий иш ташлашларда бу партияning ташкилотчилик роли етишмади. Натижада ишчилар ҳаракати стихияли йўлга ўтиб, ҳарбийлар билан тўқнашувда кўплаб одамлар ҳалок бўлди. Ҳаракатта бошчилик қилган Умумий меҳнат конфедерацияси тўполонларни тўхтатди. Ҳарбий трибуналлар ишчилар устидан суд жараёнларини бошлади. 1914 йил 1 августда Биринчи жаҳон уруши бошланганда Италияда ички ҳолат ҳам анча нотинч эди.

\* \* \*

Мамлакат бирлашгандан сўнг Италия конституцион монархия йўлини танлади. Италия капитализми бир қатор ўзига хос жиҳатларга, биринчи навбатда, иқтисодда давлат секторининг кучли ролига эга эди. Ички бозорнинг суст тараққий этганлиги ҳукмрон доираларни босқинчиликка, мустамлақа империясини тузишга чорлади. Бу интилиш мамлакатни Биринчи жаҳон урушида фаол иштирок этишга олиб келди.

## VII боб бўйича саволлар

1. Наполеон тахтдан ағдарилгандан сўнг Италия миллий-озодлик ҳаракатида қандай ўзгаришлар юз берди?
2. 1820–1830-йиллардаги инқилобий ҳаракатлар муваффақиятсизликларининг сабаблари нимада?

3. Италия қишлоқларида капиталистик тараққиётнинг қандай ўзига хос томонлари мавжуд эди?

4. Итальян мұytадил либераллари мамлакатни бирлаштириш, миллий давлат ташкил қилиш учун қандай ислоҳотларни зарур деб ҳисоблардилар?

5. 1848–1849 йиллардаги инқилобнинг бостирилиши Италияда миллий-озодлик ҳаракатига қандай таъсир қўрсатди?

6. 1861 йил Италия қироллигининг эълон қилинишида Гарибальди ва Кавур қандай роль ўйнади? Улар ўртасидаги келишмовчиликнинг сабаби нимада эди?

7. Италияни бирлаштиришнинг якунланиши қандай асосий масалаларни ҳал қилди?

8. Мустақилликдан кейинги қандай тадбирлар Италияни иқтисодий юксалишга олиб келди?

## VIII БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ИСПАНИЯ

XIX аср Испания тарихини қизиқарли, айни пайтда зерикарли фитналар занжиридан, комедия ва драмалардан иборат деб ҳисоблашади, баъзи испан тарихчилари<sup>1</sup>. Бунга асос бўлган воқеалар ва уларнинг ҳарактерли томонларини қараб чиқамиз.

*Испания француз босқини ва унга карши кураши йилларида.* 1807 йилга келиб Испаниядаги француз қўшинларининг сони 50 минг кишига етди. Воқеаларнинг кейинги ривожидан хавфсираган қирол оиласи ва биринчи вазир Мануэль Годой Жанубий Америкага қочишга чоғланди. Аммо бундан хабар топган халқ 1808 йил 19 март куни испан қиролларининг ёзги қароргоҳи Аранхуэсда кўзғолон кўтарди. Натижада қирол Карл IV ўғли Фердинанд фойдасига таҳтдан воз кечди. Таҳтга Фердинанд VII келди.

Бу орада (апрель ойида) Наполеон Испанияга ташриф буюрадиган бўлди ва қирол оиласи Годой ҳамроҳлигига унга пешвоз чиқиш учун Франция ҳудудидаги чегара шаҳар Байоннага келди. Бундай кулай вазиятдан айёrona фойдаланган Наполеон аввал Фердинанднинг таҳтга келишини қонунсиз деб эълон қилди ва таҳтга Карл IV нинг ўзини қайтарди. Аммо у ҳам ўша куни ёқ Наполеон фойдасига таҳтдан воз кечганлиги түғрисидаги ҳужжатни имзолашга мажбур қилинди. Наполеон укаси Жозеф Бонапартни Испания қироли деб эълон қилди.

<sup>1</sup> Карапнг: Пьер Вилар. История Испании. – М., 2006. С. 91.

Испан киролларининг розилиги билан мамлакат устидан Наполеон назоратининг ўрнатилиши испан халқи учун маъкул тушмади. Байоннага Испаниянинг бутун қироллик оиласини тўплаган Наполеон ҳали Испанияда қолган Карл IV нинг кичик ўглини ҳам олиб келишни буюрганида, минглаб халқ унинг олдига чиқди ва 2 май куни французларга қарши қўзғолон бошланди. Қўзғолонни бостиришда Мадриддаги 25 минг кишилик француз қўшинлари қатнашди. З май куни қўзғолон бостирилди. Даҳшатли ўч олиш бошланди. Минглаб кишилар отиб ташланди. Мадриддаги Пуэтра дель Соль («Куёш дарвозаси») майдонида қўзғолончиларни отиш жараёни буюк испан рассоми Ф.Гойянинг машхур асарида тасвирланган.

Ҳали мағлубият нималигини билмайдиган Наполеон Мадриддаги воқеаларга катта эътибор бермади. У Испаниянинг юқори доира вакилларини Байоннага йиғиб, уларга испан конституциясини ёздириди. Конституция Наполеон тафаккурининг маҳсулӣ бўлиб, унда парламент тузиш, ички божхоналарни бекор қилиш, қонунлар кодексини жорий қилиш, қийноққа солишларни бекор қилиш каби бир қанча ўзгаришлар кўзда тутилган эди. Конституция катта прогрессив аҳамият касб этсада, кўплаб испанларнинг диний-монархистик қарашларига мос келмас эди. Фердинанднинг таҳтдан ағдарилиши, чет элликнинг қирол деб эълон қилиниши, ҳарбий оккупация ва испан анъаналарининг бузилиши шунга олиб келдики, халқ мамлакат мустақиллигини тиклаш ва Фердинандни таҳтга қайтариш учун босқинчиларга қарши қўзғолонга кўтарилди. Испан провинциялари бирин-кетин халқ лашкарларини тузиб, босқинчиларга қарши мардонавор кураша бошладилар. Ватанпарварлик ҳисси ва жасорат шу даражада кучли эдики, ёмон қуролланган ва тайёрланмаган халқ лашкарлари бутун Европани эгаллаган француз қўшинларидан устун кела бошлади. Сарагоса шаҳрининг ҳимояси афсонага айланиб кетди. Унинг ҳимоячилари ҳакиқатдан охирги тирик одам қолгунча курашдилар. Француз маршали Ленн Наполеонга юборган ахборотида Сарагоса ҳимоячилариdek жасоратли жангчиларни ҳали ҳеч қачон кўрмаганман, деб ёзган эди. Испаниянинг жанубида ҳам Жерон шаҳрини ҳимоя қилганлар шундай жасорат билан курашдилар. Байлен шаҳри яқинида йирик француз гарнизони таслим бўлди.

Үз маршаллари ва генералларининг ҳаракатларидан норози бўлган Наполеон Испанияга қарши қўшинларини шахсан ўзи бошқаришга қарор қилди. У Испания пойтахтини эгаллашга муваффақ бўлди. Наполеон шу ерда инквизицияни ва помешчикларнинг хукуқларини бекор қилиш, монастирларни ёпиш тұғрисида декрет имзолади. Аммо халқ ўз душманлари қўлидан ҳеч қандай енгиллик олишни истамади ва урушни давом эттириди. Уруш Испанияда герилья деб аталган партизанлар уруши кўринишини олди. Французлар Испанияга 300 минг кишилик қўшин жўнатди, аммо халқ руҳини синдира олмади. Кейинчалик Россияда яқунланган «Буюк армиянинг» ҳарбий мағлубияти Испанияда бошланган эди.

**Кадис конституцияси.** Мустақиллик учун уруш билан бир вақтда мамлакат тарихида биринчи инқилоб ҳам бошланиб кетди. Қироллик оиласининг барча аъзолари французларда асирда эди. Мамлакатни бошқараётган Марказий хунта<sup>1</sup> душманга қарши курашда қатъият кўрсатмади ва мамлакатда кутилган ўзгаришларни амалга оширмади. Натижада ундан халқнинг норозилиги ортиб борди. Монархияни конституцион режим билан алмаштиришни истаган прогрессив кучлар 1810 йили кортесларга (парламент) сайловлар ўтказди ва конституцияни ишлаб чиқиб, 1812 йил март ойида қабул қилди. Парламент Кадис шаҳрида йигилганлиги учун (пойтахт Мадрид французлар қўлида эди) конституция Кадис конституцияси номини олди.

Кадис конституцияси халқни ҳокимиятнинг бирдан бир ва олий манбаи деб эълон қилди. У ҳокимиятнинг бўлинишини кўзда тутган бўлиб, бир-биридан мустақил – қонун чиқарувчи орган (парламент), ижро ҳокимияти (қирол ва хукумат) ҳамда суд ҳокимиятини белгилаб берди. Қоинчилик ҳокимияти бир палатали кортесларга тегишли бўлиб, улар 25 ёшга тўлган барча эркаклар томонидан сайланар эди. Хукуматни қирол шакллантиради, аммо у парламентдаги қўпчиликнинг ишонч вотумини олиши керак бўлади. Кортеслар бир йилда камида уч ой йиғилиш ўтказадилар, қирол муддатидан олдин парламентни тарқатиб юбора олмайди, бироқ парламент қабул килган қарорлар ҳам қирол тасдигидан ўтиши лозим эди. Қабул килинган конституция прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, узоқ йиллар

<sup>1</sup> Хунта – Испания ва Лотин Америкаси мамлакатларида турли бирлашмалар ва гурӯхлар шундай аталади.

күплад мамлакатларнинг инқилобчилари учун намуна бўлиб хизмат қилди.

Наполеон Россияга ҳужум қилиши билан Испаниянинг иттифоқчисига айланди. 1812 йили Великие Луки шаҳрида икки давлат ўртасида Наполеонга қарши урушда иттифоқчилик ва дўстлик тўғрисида шартнома имзоланди. 1813 йили француз кўшинлари испанлар ва уларнинг иттифоқчиси бўлган инглизлар томонидан тор-мор қилинди. Испания ерлари босқинчилардан озод қилинди. Мустақиллик учун олиб борилган қаҳрамонона кураш якунланди. Франциядаги асирикдан қирол Фердинанд VII қайтиб келди. Испанлар уни ҳалқ ҳимоячиси деб атаганди, аммо тез орада улар хато қилганлиги маълум бўлди.

*Испанияда XIX асрдаги ички сиёсий курашлар.* Фердинанд VII нинг (1814–1833) сиёсати золимона ва омадсиз эди. У таҳтга қайтиши билан кортесларни тарқатиб юборди, 1803–1813 йиллари Испанияда қабул қилинган барча қонунларни ва Конституцияни бекор қилди, ўзини абсолют монарх деб эълон қилди, инквизиция ва барча монастирларни тиклади, мамлакатга иезуитларни қайтарди, инқилобчиларни қатл эттириди ва турмаларга ташлади. Унинг режими мамлакатда нафрат уйғотди. 1812 йилги яратувчанлик ҳарака-тининг барбод бўлганлиги очиқ-ойдин кўриниб қолди; Испания мустамлака империяси мақомини узилкесил йўқотди.

Мамлакатда аҳолининг турли қатламларини бирлаштирган либерал партия тузилиб, ҳукуматга қарши энг асосий куч армия бўлиб қолди. Аммо уларнинг чиқишилари 1820 йилгача бирон бир натижа бермади.

1814–1820 йиллари амалда мамлакатни сарой камарильяси<sup>1</sup> бошқарди. Генераллар ва партизанлар доимий қўзголон кўтаарарди. Богоғани даҳшатга солган генерал Морильо Колумбиянинг озод бўлишига каршилик қила олмади. Машхур «либерал уч йиллик» 1820 йилдан 1823 йилгача давом этди. Одатда тинч бўлган Кадис шаҳрида исён етилиб келаётган бўлиб, унинг ўчоги мустамлакачи экспедицион корпуси эди. Унинг бошлиғи полковник Рафаэль Риего

<sup>1</sup> Камарилья (испанча camarilla, camarра – сарой) – катта сиёсий таъсирга эга бўлган бир гурух сарой аъёнлари. Ушбу термин Фердинанд VII даврида муомалага киритилган бўлиб, ўша пайтда амалда мамлакатни бошкарган бир гурух сарой аъёнларига нисбатан салбий маънода қўлланилган.

Андалусияда Миллий армия тузиб, 1812 йилги конституция тикланганлигини эълон қилди. 1820 йил 7 март куни Мадрид ахолиси курашга қўшилди. Бу ердаги ҳарбий қисмлар ҳам қўзғолончиларни кўллаб чиқдилар. Қуркиб кетган қирол 10 март куни конституция тикланганлиги тўғрисидаги декретга имзо чекди. Буржуазия «1812 йил кишилари» қайтганлигини қизғин кутлади. Улар инквизиция трибунали биносида қамоқда ётган кишиларни озод қилди ва қиролни бир қатор прогрессив декретларни имзолашга мажбур қилди.

Аммо Мадридда «эксальтадос»<sup>1</sup> тарафдорларининг фаол ҳаракати туфайли «модерадос»<sup>2</sup> хукумати инқизозга учради. 1822 йил июлда қирол Мадридда мустабид, келишмайдиган «апостоллик» регентлик жорий қилиб, монархияни тиклашга уриниб кўрди. Қирол бу билан Европани чўчитмоқчи эди, холос. Бу иш амалга ошмагандан сўнг у чет элнинг ёрдамисиз инқилобни бостириш мумкин эмаслигига амин бўлди. Вена конгрессида Шатобриан Испанияга бостириб киришнинг зарурлиги ҳақида гапириди. Муқаддас иттифоқнинг қарорига кўра француз қўшинлари (тахминан 100 минг киши) Испания худудига киради. Босқинчилар ёрдамида ўзининг барча хукуқларини тиклаган қирол Фердинанд VII либерал қонунларни тўлиқ бекор қилди.

1823 йилдан 1833 йилгacha бўлган воқеалар Испания тарихида «шармандали ўн йиллик» деб аталади (испан либераллари шундай агашибган). Рафаэль Риего ва унинг тарафдорлари қатл қилинди. Риего ўлимни матонат билан қабул қилди. «Мен, – деди у, – ҳаётдан рози бўлиб ўляяпман, чунки биламанки, ватанпарварларнинг тўкилган қони келажакдаги қаҳрамонликлар учун ўзининг ижобий таъсири ни кўрсатади».

1825 йили халқ орасида жудаям машхур бўлган партизан Эм-песинадо, 1826 йили Басан, 1831 йили Фердинанд VII хукуматига қарши қўзғолонга тайёрланаётган грух топшириғига кўра «Қонунийлик, Озодлик, Тенглик» шиорини олға сурган Торрихос ва Мариана Пинеда ҳам отиб ташланди.

<sup>1</sup> Эксальтадос (испанча *exaltados* – завқли, қувнок) – 1820–1823 йилларда ҳаракат қилган испан сўл либераллар партияси.

<sup>2</sup> Модерадос (испанча *moderados* – мўътадиллар) – 1820–1868 йиллари зода-гонларнинг бир қисми ва буржуазияни бирлаштирган ўнг либераллар партияси.

XIX аср бошларида Испанияда бўлиб ўтган инқилоблар унинг ижтимоий-иктисодий тизимида жиддий ўзгаришларга олиб келмади. 1823 йилнинг охирида француз қўшинлари ёрдамида мамлакатда феодал-мустабид тузум тикланди. Инқилоб йилларида амалга оширилган барча прогрессив ислоҳотлар бекор қилинди. Испания аввалгидек қолоқ аграр мамлакат бўлиб колаверди. Кучли феодал қолдиклар саноат ва савдонинг ривожланишига тусик булаётган эди. Айрим ҳудуларда қадимги *фуэрос* (маҳаллий эркинликлар), уларга бириктирилган иктисодий ва сиёсий имтиёзлар сақланиб қолаётган эди.

1833 йили қирол Фердинанд VII вафот этди. Унинг васиятига биноан кортеслар унинг уч ёшли қизи Изабеллани қиролича, онаси Мария-Кристинани эса регент дея тан олдилар. Бироқ марҳум қиролнинг укаси Дон Карлос бурбонларнинг қадимги анъаналарига ва «Сали ҳакикатига» асосланиб, васиятни тан олишдан бош тортди ҳамда ҳокимиятни эталлаш мақсадида қўзғолон кўтарди. Тарихда карлосчилар уруши деб ном олган ўзаро уруш бошланди. Мария-Кристина ҳукумати капиталистик тараққиёт билан боғланган зодагонларнинг манфаатларини ҳимоя қилди. Дон Карлос атрофида абсолютизм тарафдорлари бирлашди. Биринчи карлосчилар уруши етти йил давом этиб, асосан Испаниянинг шимолини ҳамда Наварра, Каталония ва Валенсияни қамраб олди. Қўзғончилар Мадридга фақат бир марта, 1838 йили хавф солдилар. Бундай шароитда Мария-Кристина либераллар билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлди. 1834–1835 йиллари ҳукуматни Мартинес де Ла Роса бошқарди. У 1834 йили Мария-Кристинанинг ҳокимиятини мустаҳкамловчи «Қироллик статути» деб аталувчи консерватив конституцияни жорий қилди. 1835 йили ҳукумат бошлиғи этиб Риегонинг сафдоши Хуан Мендисабаль тайинланди. У бир қатор прогрессив ислоҳотларни амалга оширди. 1836 йили бир гурӯх катта офицерлар 1812 йилги Кадис конституциясини қабул қилишига эришдилар. Бироқ Мария-Кристина 1837 йили уни мўътадил «статут» билан алмаштирилди. Аммо бутун ҳалқнинг талабига кўра Мария-Кристина барча ваколатларидан маҳрум қилинди ва 1839 йили Францияга қочиб кетди. Регент қилиб генерал Эспарtero тайинланди.

Бу орада 1843 йили қиролича Изабелла II балогат ёшига етади. Бундан модерадос ҳукумати фойдаланиб қолди. Гонсалес Браво ва

Нарваэс «фуқаролик гвардияси» (1843) ва 1845 йил Конституцияси каби ҳокимиятни бошқаришнинг шундай воситаларини яратдики, улар ижро ҳокимиятига жуда катта имкониятлар берди. Натижада ҳокимиятда турган гурухнинг таниш-билиш ва порахўрликка берилиши, маънавий тубанлашиш жараёни юз берди. Улардан кейин ҳокимиятга қайтган Эспарtero ва «Либерал иттифоқ» лидери О’Доннели Андалусиядаги ҳалқ ғалаёиларии бостира олмаганликда айбланиб, ҳокимиятдан четлатилди. Шундан сўнг бирин-кетин ҳокимиятга келиб кетган турли партия вакиллари мамлакатдаги аҳволни ўзгартирмади. Амалда ҳокимиятни қироличанинг кўплаб жазманлари бошқарди. Улардан бири, ҳукуматни бошқарган Сан Луис 1854 йили декрет имзолаб, хазина бўшаб қолганлиги туфайли аҳолидан солиқларни олти ой олдин йигишни буюрди. Илгари ҳеч қачон бундай бўлмаганди. Бунинг устига ўзининг жўшқин ва беҳаё шахсий ҳаёти туфайли эл оғзига тушган қиролича кўпчилик томонидан таҳт учун «номаъқул» деб топилди. Мадрид, Барселона, Валенсия ва мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларида инқилобий хунталар ташкил қилиниб, конституция жорий қилиш учун кураш бошланди. Қиролича 1868 йил 30 сентябрь куни Францияга қочиб кетди. 18 октябрь куни Муваққат ҳукумат ташкил қилиниб, унга раҳбарлик қилган Серрано ва Прим кортеслар йиғилишини чақиради. Анчагина демократик бўлган ва айни пайтда монархияни маъқуллаган янги конституция ишлаб чиқилди. Таҳтга Италия қиролининг ўғли Амадей Савойский таклиф қилинди. Амадей Испанияга келган куни генерал Прим ўлдирилди. Қарама-қарши гурухлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш, фитна ва иғволар билан кўшиб олиб борилди. Чет эллик қиролни карлосчилар тан олишни истамадилар, таҳтга дон Карлоснинг ўғли – кичик дон Карлосни ўт-қазиш учун 1872–1876 йиллари кураш олиб борди. Республикачилар бўлса, монархия ўрнига республика эълон қилинишини талаб қилдилар. Оқибатда ёлғизланиб қолган Амадей Савойский 1873 йил февралда таҳтдан воз кечиб, Италияга қайтиб кетди. Кортеслар олдида қандай давлат тузумини ўрнатиш масаласи турарди. Депутатларнинг аксариятини монархистлар ташкил қилсада, парламент биносини ўраб олган ҳалқ босими остида 1873 йил 11 февраль куни Испания республика деб эълон қилиниб, федерализм сари йўл тутилади, каталониялик Пи-и-Маргалль президент қилиб сайланди. Бироқ кучсиз марказий ҳокимиятдан норози бўлган ва мамла-

катнинг булиниб кетишидан хавфсираган кучлар генерал Павия бошчилигига 1874 йил 3 январь куни кортесларни тарқатиб юборди. Муваккаг диктатура Реставрация учун асос тайёрлади. Изабелланинг ўғли Альфонс XII тажрибали устози, «либерал консерватор» Кановас дель Кастильо ҳамроҳлигига 1874 йил декабрда Англиядан етиб келди ва Испания кироли деб эълон қилинди.

Реставрация даври (1875–1917) «turno político» билан характерланади: ҳокимиятда икки партия – консерваторлар ва либераллар бир-бирини алмаштириб турди. Мухолифатда бўлган карлосчилар ва республикачилар реал кучга эга эмасдилар. Сўзсиз ўта қобилиятли бўлган Кановас инқилобий бўхронли олти йилдан сўнг Испанияда демократик бўлмасада, барқарор ва бардавом сиёсий тизимни жорий қила олди. 1885 йили ёш қирол вафот этди. Қиролича қирол вафотидан сўнг туғилган ўғлига регент бўлиб қолди.

Икки йирик партия вакиллари келишувга эришиб, либерал Сагаста ҳукуматга бошлиқ бўлди. Аммо ҳукуматнинг барча ҳаракатлари ҳалокатнинг олдини ололмади. Испания Кубанинг ўз мустақиллигини эълон қилишига ва Филиппиндаги қўзғонлага қаршилик қилолмади, АҚШнинг аралашуви эса аслида Испаниянинг қанчалар кучсиз ва иложсиз эканлигини намойиш қилди. Қачонлардир энг йирик бўлган мустамлака империясининг шармандаларча барҳам топиши Испанияда зиёлилар мухолифатининг ҳамда Каталония аҳолиси ва баскларнинг фаоллашувига олиб келди. Катта ўзгаришлар даври келди.

Альфонс XIII ҳукмронлиги даврида (1902–1917) ҳам ҳамлакатда ижтимоий ва сиёсий танглик сақланиб қолди. Бир-бирни алмаштирган кўплаб ҳукуматлар мамлакатнинг асосий муаммоларини ҳал қила олмадилар. Испания шундай ҳолатда Биринчи жаҳон урушига кириб келди.

**Демографик ва иқтисодий муаммолар.** XIX асрда Испания катта ўқотишларга олиб келган урушларда қатнашмади; бу доимий демографик ўсишга оғир мослашиш даври бўлди. 1808 йили Испания аҳолиси 11 млн киши бўлса, 1857 йили – 15,5 млн, 1900 йили – 18,5 млн ва 1914 йили 21 млн кишига етди. Испаниядай камбағал мамлакат учун бу жуда юқори ўсиш эди. XIX асрда мамлакат аҳоли зичлиги даражаси шундай нуқтасига етдики, энди янги техник ва иқтисодий ёндашувларни жорий қилиш талаб қилинди. Аммо жорий қилиниши лозим бўлган капитализмнинг янги босқичи –

қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, саноатни индустриализациялаш катта моддий, ҳуқуқий ва психологик түсиқларга дуч келди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида эришилган бир қатор муваффақиятларга қарамасдан, муаммо охиригача ҳал қилинмади. XIX асрнинг биринчи чорагида ҳайдаладиган ерлар 3 млн гектардан 5 млн гектарга етказилди, 1829 йилга келиб Испания донни экспорт қилувчи мамлакатга айланди.

XIX асрнинг ўргаларига келиб Испанияда иқтисодий ривожланишнинг суръати жадаллашди. Биринчи навбатда кончилик ва қайта ишлаш саноатини қамраб олган саноат тўнгариши бошланди. Енгил ва озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, терига ишлов бериш, тамакчилик ва қанд пишириш соҳалари ҳам жадал ривожланди. 1848 йилдан бошлаб темир ва шоссе йўллари курилиб, ташки савдо ҳажми ҳам анча ўсади. Четта вино, цитруслар, зайдун ёғи, рангли металлар рудаси кабилар чиқарилиб, четдан кўмир, пахта ва машиналар олиб келинарди. Испаниянинг асосий савдо ҳамкорлари Франция, Англия, Германия, Португалия ва Куба эди. Ўсиш суръатларининг жадаллашуви ва прогрессив жараёнларга қарамасдан, Испанияда феодал муносабатлар ҳукмрон бўлиб, у ҳамон Европанинг энг қолоқ давлатларидан бири бўлиб қолаётган эди: 70% ҳайдаладиган ерлар ишлов берилмасдан қолаётган бўлиб, ҳосилдорлик ҳам жуда паст эди. Помешчик ер эгалигини йўқ қилиш, ҳеч бўлмаса камайтириш масаласини ҳал этмай туриб, мамлакатни қолоқлиқдан чиқариб бўлмасди.

Мамлакатда ишчилар сони ҳам ўсиб борди: 60-йилларнинг ўргаларида уларнинг сони 230 минг киши бўлиб, шундан 50 минг киши кончилик саноатида, 30 мингдан зиёд огир саноатда ва 180 минг киши енгил саноатда банд эди. Қишлоқ хўжалигида 2,5 млн ёлланма ишчилар меҳнат қиласди. Уларнинг меҳнат шароити ўта огир бўлиб, иш куни 14–16 соат давом этарди, ойлик маош минимум яшаш даражасини ҳам таъминламасди, аёллар ва болалар меҳнатидан ҳамма соҳаларда фойдаланиларди.

Испанияда буржуа инқилоблари ва буржуача ислоҳотлар охирига етказилмаганлиги сабабли капитализм жуда секин ва нотекис ривожланди. Капитализм тараққиёти пруссча йўлдан борди. Саноат жуда нотекис ривожланди: агар 1864 йилдан 1900 йилгача темир рудаси қазиб олиш 43 марта ошиб, 8,7 млн тоннага етган бўлса, уни қайта ишлаш саноати турғун ҳолатда қолаверди. Саноат ривожла-

нишининг бундай нотекислиги Испанияга чет эл, асосан Англия ва Франция сармоясининг кириб келиш оқибати бўлди. Чунки Испанияда казиб олинадиган руданинг 90% и мамлакатдан ташқарига олиб кетилар эди. Испания борган сари Англия, Франция ва Германиянинг хомашё базасига айланиб бораётганди. Шунга қарамасдан, XX аср бошларида Испанияда ҳам йирик монополистик корхоналар пайдо бўлди: Испания металл конструкциялар жамияти (1902), Испания кемасозлик жамияти (1907), енгил саноатдаги қатор картеллар шулар жумласидан эди. Испания капитализмининг ўзига хос томони, унинг борган сари чуқурроқ кириб келаётган чет эл капиталига қарамлигига эди. 1915 йилга келиб Испания иқтисодиётига тұғридан-тұғри киритилган чет эл инвестицияларида инглизларнинг улуши 54% ни, французларники эса 34,5% ни ташкил қилган. Бу капиталларнинг асосий қисми кончиллик саноатига ва темир йўлларга сарфланган эди.

\* \* \*

XX аср бошларидан Испанияга Германия капитали ҳам кириб кела бошлади ва асосан қайта ишлаш, кимё саноати ва энергетика соҳаларига йўналтирилди. Кўзга ташланаётган шундай ўзгаришларга қарамасдан Биринчи жаҳон уруши арафасида Испания Европанинг аграр ва қолоқ, жаҳон сиёсатида учинчи даражали роль ўйнайдиган давлати бўлиб қолаверди.

### VIII боб бўйича саволлар

1. Наполеон истилоси Испанияда буржуача муносабатлар ривожланиши учун қандай имкониятлар яратди? Истилочиларга қарши халқ жасоратининг манбаи нимада эди?

2. Кадис конституциясининг прогрессив жиҳатлари нимада эди? У испан халқининг мустақиллик учун курашида қандай роль ўйнади?

3. XIX аср бошларидаги халқ кўзголонларининг муваффакиятсизлиги сабаблари нимада?

4. XIX асрдаги ички сиёсат, партиялар ўргасидаги кураш энг биринчи ва катта мустамлака империясининг барҳам топишига олиб келди. Бунинг асосий сабаблари нимада?

5. Испанияда капитализм ривожланишининг ўзига хос томонлари ва муаммолари нимада эди?

6. Нима учун XIX асрга келиб Испания Европанинг энг қолоқ давлатларидан бирига айланиб қолди?

## **IX БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ПОРТУГАЛИЯ**

1793 йили Португалия Испания ва Англия билан Францияга қарши шартнома имзолади ва португал қўшинлари Франция худудидаги жангларда иштирок этди. Аммо Испания Франция билан сепарат сулҳ имзолади ва Португалияга оғир шартлар билан ультиматум қўйилди: португаллар Англия билан муносабатларини узиши, инглиз кемалари учун барча портларини ёпиши ва уларни испан ҳамда француз кемаларига очиб бериши, ўз провинцияларидан бирини гаров тариқасида Испанияга бериш ва бошқа шу каби талабларни бажаришлари шарт эди. Бу шартларни бажаришдан бош тортганлиги учун Португалияга испан ва француз қўшинлари бостириб кирдилар. Қирол оиласи ва сарой аъёнлари Бразилияга жўнаб кетди.

Француз инқилоби таъсирида Португалияда ҳам озодлик ғоялари кенг тарқала бошлади. Франциянинг босқинчи қўшинлари Португалияни талаш билан бирга бу ерга инқилобий эркинлик рухини ҳам олиб келдилар. Масонлик ташкилотлари сони ошиб, сиёсий адабиётлар оқими кўпайди. XIX аср 20-йилларига келиб Бразилия иқтисодиётининг қўлдан чиқиши, Португалия саноати ва виноси учун Бразилия бозорининг йўқотилиши ҳамда уруш ҳаракатлари қўшилиб, иқтисодий аҳволни оғирлаштириди. Испаниядағи инқилобий воқеалар ҳам сиёсий ҳолатга салбий таъсир кўрсатди.

1820 йил 24 августда Порту шаҳридаги артиллерия полки исён кўтариб, конституцион тузум жорий қилишни талаб қилди. Уларни Лиссабондаги қисмлар ҳам қўллаб-кувватлади. Муваққат ҳукумат – жунта – конституция қабул қилиш учун умумпортугал кортесларининг чақирилишини эълон қилди. 1822 йили қабул қилинган конституция Португалияда конституцион монархия тузумини ўрнатди ва барча португалларнинг эркинлигини ҳамда қонун олдидаги тенглигини тантанали эълон қилди. Унинг бош принциплари ичидаги миллатнинг суверенитети ғояси ҳам бор эди. Бразилиядан қайтиб келган қирол Жуан VI қасамёд қилган 1822 йилги конституция, Португалия тарихида конституционализмнинг энг дадил куриниши бўлди.

«Либерализм якунларидан» норози бўлган қиролнинг кичик ўғли Мигель (1802–1866) бошчилигидаги бир гуруҳ абсолютчилар 1823 йил баҳорда исён кўтардилар. «Мигелчилар уруши» деб

аталган, 11 йил давом этган фуқаролар уруши шу тариқа бошланди. Мағлубиятта учраган Мигель қирол томонидан қувғинга ҳукм қилинди, аммо абсолютизм тарафдорлари ўз гояларидан воз кечмадилар.

**1826 йилги Хартия. 1828–1834 йиллардаги фуқаролар уруши.** 1826 йили қирол Педро IV нинг (1798–1834) таҳтга келиши Конституцион хартия эълон қилиниши билан нишонланди. Хартия 1822 йилги конституциянинг кўплаб принципларидан воз кечди ва асосан қирол ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Конституция жамият томонидан маъқулланмади ва уни жисплостиришга хизмат қилмади. Уни абсолютизм тарафдорлари ҳам, либераллар ҳам тан олмадилар. Педро IV етти ёшли қизи фойдасига таҳтдан воз кечиш, агар Мигель Хартияни тан олса қизини унга турмушга бериш эвазига қарама-қарши томонларни келиштираман деб ўйлаган эди. Мигель рози бўлганди, аммо Испания томонидан пул, курол ва сиёсий ёрдам билан таъминланаётган унинг тарафдорлари ҳеч қандай шартларсиз қиролнинг абсолют ҳокимиятига қайтишни талаб қилдилар. 1828 йили Мигель Португалияга қайтиб келди ва қонуний қирол деб тан олинди. Либераллар мамлакатдан қочиб кетдилар ва ўз кучларини эмиграцияда бирлаштира бошладилар. Шу иили ёк қиролга қарши барча Шимолий Португалия шаҳарларини бирлаштирган йирик марказ – Порту шаҳри бош кўтарди. Кўзғолонни бостириш Мигель тарафдорлари томонидан даҳшатли террор билан қўшиб олиб борилди. Мигель урушлари давомида мамлакат иккига – маркази Лиссабон бўлган Мигель тарафдорлари ва маркази Порту бўлган Хартия тарафдорларига бўлинди.

Португалия қирғоқларига 1832 йили 8 июль куни эмигрант-либераллар келиб тушиши билан фуқаролар уруши янгидан авж олди. 1834 йил 16 майда Ассейсейра ёнидаги жангда мигелчиларнинг мағлубияти билан фуқаролар уруши якун топди. Мигель яна мамлакатдан қувғин қилиниб, бошқа қайтиб келмади.

**«Хартиячилар» ва «сентябрчилар» ўртасидаги зиддият.** Конституция тарафдорларининг ғалабаси тўлиқ бўлмади, чунки 1822 йилги конституция жуда кескин деб ҳисобланиб, унинг ўрнига сайловчиларнинг ҳуқуқлари юқори мулк цензи билан чекланган янги конституция қабул қилинди. Конституционалистлар ичидаги келишмовчиликларга ва унинг натижасида юз берган

сиёсий нобарқарорликка қарамасдан, ижтимоий тараққиётда анча олдинга силжиш юз берди, эски тузумнинг қўплаб қолдиқлари бекор қилинди. 1834 йили феодал қолдиқларга қарши жиддий ислоҳотлар амалга оширилди.

1836 йил сентябрда Лиссабон гарнizonи исён кўтарди. Уни сўл конституционалистлар, 1822 йилги Конституция тарафдорла-ри қўлладилар ва шундан кейин уларни «сентябрчилар» деб атай бошладилар. Исён янги инқилобга айланиб кетди. «Сентябрчилар» ҳукумат ташкил қилиб, уларнинг раҳбари Пасуш да Силва унга бош бўлди. Аммо либераллар даври узоққа чўзилмади: 1837 йил июлда «сентябрчилар» ҳукумати ағдарилди. Бир қатор исёнлар ва қўзғолонлардан кейин 1842 йили Порту гарнizonининг ҳарбийлари ҳокимиятга конституционалист, 1826 йилги Хартия тарафдори, «хартиячи» Кошта Кабрални чиқаришди ва у қатъий бошқарув ре-жимини ўрнатди.

Кабрал диктатурасидан норозилик 1846 йил баҳорда очиқ на-моён бўлди. Ҳукумат соликларни оширишга ҳаракат қилди ва бу Португалияning шимолида дехқонлар қўзғолонига олиб келди. Қўзғолонни қўплаб жойларда олқишиладилар ва у бутун мамлакатга ёйилиб, 1846–1847 йиллардаги иккинчи фуқаролар урушига айла-ниб кетди. Кабрал ҳокимияти ағдарилиб, ўрнига келган «сентябрчилар» халқни тинчлантириш учун бир қатор либерал ислоҳотларни амалга оширилар.

**XIX аср ўрталарида Португалия.** 1849–1851 йиллари Каб-рал яна ҳокимиятга келди. Аммо ҳарбийларнинг 1851 йилги чиқишлиаридан сўнг ҳокимиятга Салдана бошчилигидаги мұътадил либераллар келди. Молиячилар ва тадбиркорлар томонидан қўллаб-қувватланган бу ҳукумат қашшоқлашган мамлакатни тик-лашга киришди. «Тикланиш» ҳаракати ўнг «сентябрчилар»ни ва сўл «хартиячилар»ни бирлаштириди. Улар огир шароитда фаолият юритдилар. Халқда соликларни тўлаш учун ҳам имконият йўқ эди. Ҳукумат четдан, асосан Англиядан қарз кўтариб, давлат қарзларини чексиз ошириди. Конституция маҳаллий ҳокимият органларининг ҳукуқларини кенгайтириш, сайловчилар учун мулк цензини пасай-тириш каби бандлар билан тўлдирилди. Уларнинг ҳаракатлари ўз натижаларини берди.

1854 йили Португалия аҳолиси 3,5 млн киши бўлса, 1870 йили 4 млн кишигача кўпайди. 1856 йили Португалияда биринчи темир

йўл қурилиши якунланди. Паспортлар бекор қилинди, 1868 йили мустамлакаларда куллик бекор қилинди. Тўпланиб қолган давлат қарзлари иқтисодий ўсишга тўсиқ бўлаётганига қарамасдан, айнан шу даврда бошланган ишлар Португалия иқтисодининг XIX аср охирги чорагидаги жадал ривожини таъминлади. Бу даврда ҳам текис ривожланиш давом этганига қарамасдан, Португалия иқтисодининг Англия капиталига боғлиқлиги кучайиб борди. 1890 йили Мозамбикда ҳудудий ён бериш тўғрисида Англиянинг қатъий талабига рози бўлган Португалия ҳукумати мамлакат ичидаги обруйизланиб қолди. Натижада бундан фойдаланган республикачилар 1891 йил 31 январь куни Портуда кўзғолон кўтариб, мамлакатни республика деб эълон қилди. Аммо халқнинг кенг қатламларида таянчга эга бўлмаганлиги учун тезда мағлубиятга учради. Шундан сўнг мамлакатда сиёсий барқарорлик йўқолди, ҳокимият тез-тез алмасиб, армияда исёнлар бўлиб турди.

1910 йил кузида республикачилар янги қуролли кўзғолонга тайёргарликни якунладилар. 4 октябрь куни кечаси улар кутарган кўзғолон ҳарбий қисм ва флот томонидан қўллаб-қувватланди. Лисабонда уларга халқ оммаси қўшилди. Қирол қочиб кетди. Португалия инқилоби бошланди. 1910 йил 5 октябрда республика эълон қилинди. Муваққат ҳукуматни Т.Брага бошқарди. 1911 йил июнда Таъсис мажлиси йиғилиб, республика конституциясини қабул қилди. Черков давлатдан ажратилди, мустамлакаларга автономия ҳуқуқи, саноат ишчиларига 8 соатлик иш куни эълон қилинди. Республика йилларида ишчилар ҳаракатлари ҳам кучайди. Бир қатор кўзғолонлар бўлиб ўтди. Республикачилар ҳукумати ташқи сиёсатда Англияга эргашди ва бу ҳол уни 1914 йил Биринчи жаҳон урушида иштирок этишга олиб келди.

\* \* \*

Бир пайтлар Буюк географик кашфиётларни ва жаҳон мустамлака тизими шаклланишини бошлаб берган Португалия аллақачон жаҳон сиёсий тизимида арзигулик аҳамиятта эга бўлмаган давлатга айланиб қолган эди. Шунга қарамасдан, XIX аср охирларида қилинган ҳаракатлар мамлакатда капитализмни ривожлантириди.

1. 1822 йилги конституция Португалияning кейинги таракқиёти учун қандай аҳамиятга эга бўлди?
2. 1822–1834 йиллардаги фуқаролар урушида либералларнинг ғалаба қозониши мамлакатни сиёсий барқарорликка олиб келмади. Бунинг сабаби нимада эди?
3. XIX асрнинг ўргаларида Португалияда капитализм ривожланиши қандай даражада эди?
4. 1910 йили Португалияда республика эълон қилиниши ва конституция қабул қилиниши капиталистик таракқиёт учун янги имкониятлар очдими?

### Х БОБ. XIX – XX АСР БОШЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ

*XIX асрнинг биринчи ярмида Россия: ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг янги йўналишлари.* Европадаги инқилоблар тарихидан сўнг бу драматик ҳодисаларнинг энг кучли факторларидан бири бўлган Россия империясини таърифлашни лозим топдик. Европанинг энг катта ва энг қолоқ империяси янги даврга қандай қадам қўйди? Александр I хукмронлигининг охирги йиллари ва Николай I подшолигининг бошланишида Россия қандай аҳволда эди?

XIX асрга Россия мустабид давлат тузуми ва феодал-крепостной хўжалик тизими сақланган ҳолда келди. Худуди, аҳолисининг сони ва ҳарбий қудрати жиҳатидан Европада сўзсиз биринчи бўлган Россия иқтисодий жиҳатдан қолоқлигича қолаётган эди. Факат 5% помешчик ер хўжаликларида кўпдалали алмашлаб экиш, машиналардан фойдаланиш каби хўжалик юритишнинг замонавий усулларидан фойдаланилмоқда эди. Мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қиласидан дехқонлардан олинадиган солиқлар помешчикларнинг асосий даромадини ва давлат бюджетининг ҳам асосий қисмини ташкил қиласди. 1800 йилга келиб Россия таракқиёт индекси бўйича Фарбнинг илғор мамлакатларидан икки-уч марта орқада қолаётган эди. XIX аср бошларида Россияда урбанизация даражаси 5–7% дан ошмасди. Айни пайтда бу курсаткич Фарбий Европа мамлакатларида 11–13%, Хитойда 7–8%, Ҳиндистонда 9–13%, Яқин Шарқда 14–16% ни ташкил қиласди. Саводлилик даражаси Фарб мамлакатларидан 8–10 марта, Япония ва Хитойдан

3–5 марта паст эди<sup>1</sup>. Шуларга қарамасдан XIX аср давомида Россия янги күрииши касб эта борди.

Ғарбнинг илғор мамлакатларидан келаётган янги тояларнинг таъсири жамиятда борган сари кўпроқ сезила борди. Бунинг натижасида Россиянинг иктисади кўпукладли характер касб этди, ижтимоий муносабатлар эса XVIII асрдагига нисбатан мураккаброқ, зиддиятлироқ тус олди. Янги синф – буржуазия тез ўсди. Дворянларнинг ерга бўлган монополияси сусайди. 1801 йилдан ернинг эркин савдосига рухсат берилди. 1803 йили эса помешчикларга дехқонларни пул эвазига озод қилиш, 1818 йили эса дехқонларга завод ва фабрикалар куришга рухсат берилди. Кейинчалик Россияда савдо уйларининг асосчилари, фабрикантлар ва саноатчилар бўлган машхур кишилар дехқонлар орасидан чиқкан эди. Масалан, Троица-Сергиеv монастирининг дехқони И.П. Прохоров машхур Прохоровлар сулоласига асос солди. Россиянинг энг яхши фабрикаларидан бири бўлган «Трехгорная Мануфактура» уларга қарашли эди. Машхур «Никольская Мануфактура»нинг асосчиси Савва Морозов ўз эркини 17 минг рублга сотиб олган крепостнойлардан эди. Рябушинскийлар, Тучковлар, Вишняковлар ҳам келиб чиқиши дехқонлардан эди. А.С. Вишняков XIX аср бошларида «Тадбиркорлик билимларини оммалаштириш» жамиятини тузди. Бу жамият аввал Москвада ҳисобчилар курсини, кейин тижорат билим юртини ва сўнгра эса тижорат институтини ташкил қилди. Бу институт ҳозирда машхур Г.В. Плеханов номидаги Россия иктисадиёт академияси. Бироқ XIX аср бошларида ерга ва дехқонларга помешчик эгалиги мамлакатда саноат тараққиётига тўсиқ бўлаётган эди. Шахсан озод бўлмаган дехқонларнинг меҳнати саноатда жуда унумсиз бўлиб, техник тараққиётни кийинлаштираётган эди.

Иктисадиётнинг ривожланишига йўлларнинг ёмон аҳволи ҳам тўсиқ бўлди. Масалан, Волга бўйида етиштирилган дон фақат иккинчи йилигина Москвага етиб келарди. «Елизавета» деб аталган пароход 1815 йили пайдо бўлди. Петербург билан Царское Село ни боғловчи темир йўл эса 1837 йили курилди, холос. 1861 йилги ислоҳот арафасида Россияда 1500 чақирим темир йўллар мавжуд бўлиб, бу Англиядагидан 15 марта кам эди. Пароходлар сони ҳам 400 та бўлиб, булар жуда катта ҳудудга эга бўлган Россия учун ал-

<sup>1</sup> Қаранг: Фортунатов В.В. История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012. С.253.

батта етарли эмасди. Аммо шунга қарамасдан XIX аср бошларида мамлакатда саноатнинг ўсиши кузатилади. Россия учун янги бўлган ишчилар сони ҳам 1 млн га яқинлашди. Ички савдо, айниқса империянинг миллий ўлкалари билан алоқалар кучайиб борди. Рус савдогарлари ўзлари учун янги бозорлар: Камчатка, Чукотка, Курил ва бошқа оролларни очдилар, Сахалин ва Ўрта Осиё билан савдо алоқалари кучайди.

Хуллас, XIX аср бошларида Россияда капиталистик уклад шакллана бошлишига қарамасдан, у қолоқ аграр мамлакат бўлиб қолаверди. Шу билан бирга жамиятда янгиланиш зарурати тобора яққол сезила борди.

Шундай ҳолатда 1801 йили тахтга келган Александр I ёш, мағур, либерал ғояларга хайриҳоҳ ҳам эди. У 1808 йили ярмаркаларда дәхқонларни сотишни, 1809 йили эса уларни каторга қилишни тақиқлади.

1812 йилги уруш ҳам ислоҳотлар зарурлигини кўрсатди. Фолиб Россиянинг феодал-крепостной ҳолати билан Ғарб мамлакатлари ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланиб қолди. Бунинг устига урушдаги ғалаба аҳоли орасида ва иқтисодда жуда катта йўқотишлар эвазига қозонилди. Оқибатда молиявий инқизор юз берди.

Жамиятда кескин ўзгаришларни истаётган қатламнинг кайфияти ҳукуматда ҳам ўз аксини топади. Император ва унинг баъзи вазирлари янги сиёсий йулларни излай бошлайди. Натижада ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида, келажакка мўлжалланган режаларида буржуя жамиятига хос белгилар пайдо бўлади. Айнан шу сабабли дастлаб Эстландия, Лифляндия ва Курляндияда крепостной ҳуқуқ бекор қилинади. 1817–1819 йиллари ўта маҳфий ҳолатда крепостной ҳуқуқни бутунлай бекор қилиш режаси ишлаб чиқилди. Жамиятни ислоҳ қилиш режалари устиди Александр I га яқин ва либерал кайфиятдаги сиёсатчилардан А.А. Аракчеев, Д.А. Гурьев, Н.С. Мордвинов, М.М. Сперанскийлар шуғулландилар. Бироқ улар томонидан тақдим этилган, кўп жиҳатдан буржуача характерга эга бўлган ислоҳот лойиҳаларидан бирортаси ҳам амалга оширилмади. XIX аср бошларида жаҳон цивилизациясига тезроқ қўшилиш учун Россияда пайдо бўлган имконият бой берилди. Аслида ислоҳотлар учун реал имкониятлар мавжуд бўлсада, ҳукумат ҳам, жамиятнинг ўзи ҳам ҳали кескин ўзгаришлар учун тайёр эмасди.

*XIX аср 2-ярмида Россияда капитализмнинг ривоэлжаниши ва ижтимоий муносабатларининг ўзига хос томонлари.* XIX асрнинг ўрталарида келиб Россиянинг Ғарб мамлакатларига нисбатан қолоқлиги янада яққол кўзга ташланди. Бу пайтда капиталистик тараққиётнинг асоси бўлган акционерлик жамиятлари ва банклар Россияда амалда йўқ эди. Аммо буржуача тараққиёт йўлидаги бош тўсиқ ҳамон крепостной ҳукуқ бўлиб қолаётган эди. Буни айниқса Россиянинг мағлубияти билан якунланган Қrim уруши (1853–1856) яна бир бор ошкор қилди.

Самодержавие олиб борган иқтисодий ва ҳарбий сиёсатнинг бевосита натижаси шу бўлдики, ҳалқнинг яшаш даражаси пасайиб кетди, иқтисод турғунликка юз тутди. Жамиятда ижтимоий ихтилофлар кучайди. Демократик интеллигенция дехқонлар ғалаёнларига хайрихоҳлик билдириди. Қrim урушидан кейин Россиянинг ҳалқаро обрўси тушиб кетганлигидан азият чеккан илгор дворянлар савдо-саноат буржуазияси билан бирлашиб, самодержавие ва крепостной ҳукуқга асосланган анъанавий рус жамияти тарафдорлари бўлган консерватив кучларга қарши мухолифатни ташкил қилдилар. Улар ўртасидаги кураш тобора кескин тус ола борди, чунки охир-оқибатда ҳокимиёт масаласи ҳал қилинаётган эди. Александр II Москва дворянларининг вакиллари олдида нутқ сўзлаб, дехқонларга нисбатан ислоҳот ўтказиш ниятини асослар экан: «Яхши бўларди, бу ислоҳот пастдан бошлангандан кўра, юқоридан амалга оширилса», – деган эди.

Шундай шароитда гарбчилар билан славянофиллар ўртасидаги эски тортишув, Европа цивилизациясига муносабат ва.унинг тажрибасини Россияда қўллаш масаласида баҳс янгидан авж олди. Мамлакатда ислоҳотлар зарурлигини тушуниш ва уни қўллаб-куватлаш кайфияти кучайди. Россиядаги тарихий жараёнларнинг ўзига хос томонларидан бири давлатнинг кучли ташкилотчилик ва ҳал қилувчи роли бўлди. Шу сабабли ислоҳотларни ўтказиш учун барча объектив асослар мавжуд бўлса-да, бу жараёнга давлатнинг қўшилиши ва ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим эди. Николай I нинг катта ўғли Александр II таҳтга ўтирган пайтда 37 ёшда бўлиб, давлат ишларига яхши тайёрланган эди. У бир неча йил дехқонлар иши билан шуғулланувчи қўмита ишида қатнашган, реалист бўлганлиги учун ислоҳотлар зарурлигини тушунар эди. У крепостнойлик муаммосини ҳал қилиш бўйича тўпланган тажрибани тўғри баҳолай

олди ва шундан келиб чиқиб крепостной ҳуқуқни бекор қилиш тұғрисидаги қонун матнини ишлаб чиқиши учун Тахрир ҳайъатини тузди. Ҳайъат иппининг натижалари Россияда крепостной ҳуқуқни бекор қилиш тұғрисида 1861 йил 19 февралда чиқарылған подшо «Манифести»да үз аксини топди. Ислоҳот дәхқонлар, помешчиклар ва ҳукумат манфаатларини бирдай ҳисобга олган келишувчанлик рухини ифода этди.

XIX аср 60–70-йилларида үтказилған бошқа ислоҳотлар билан бирга (ер ислоҳоти, молия ислоҳоти ва бошқ.) крепостной ҳуқуқ-нинг бекор қилиниши мамлакатнинг янги – буржуача стратегик курсини белгилаб берди.

Ислоҳотлардан кейинги Россияда товар ишлаб чиқарышга мүлжалланған дәхқончиликнинг кенгайиши билан бирга эркін ишчи кучи бозори ҳам жадал ривожланды. Эски, патриархал дәхқон жамоаси үрнига қишлоқ ахолисининг иккита типи: буржуазия ва пролетариат пайдо бўлди. Аср охирига келиб йирик буржуазия, помешчиклар, юқори амалдорлар ва ҳарбийлар мамлакат ахолисининг 2% ини, бадавлат ва ўртаҳол хўжаликлар эгалари – 18% ни, камбағал майда хўжалик эгалари – 29% ни, пролетар ва ярим пролетарлар – 51% ни ташкил қиласди. Ишчилар сони жадал суръатлар билан ўсди: 1863 йилдан 1908 йилгacha 750 мингдан 1 млн 800 минг кишигача, ёки уч баробарга яқин ошди.

Тадбиркорлик кенг қулоч ёди, хусусий саноат, савдо, темир йул курилиши ривожланды. Ички бозорнинг ривожланишида, мамлакатнинг янги худудларини ўзлаштиришда, Россиянинг бепоён худудларини ягона хўжалик тизимиға бирлаштиришда темир йўлларнинг роли бекиёс бўлди.

Ислоҳотлардан кейинги Россиянинг характерли томонларидан бири тижорат тизимларининг ривожланиши бўлди. Акционерлик жамиятлари, биржалар тузиш жараёнлари жадал давом этди. Шу тариқа Россия ўзгара бошлади. Тарихий тараққиётнинг ўзига хослиги рус капитализмida ҳам үз аксини топди.

Россияда саноат худудий тақсимланиш бўйича ҳам, соҳалар бўйича ҳам нотекис ривожланганлиги ва ишлаб чиқарышнинг концентрациялашув даражаси юқорилиги билан характерланар эди. 70-йилларнинг охирига келиб Россияда 4,5% йирик корхоналар умумий саноат маҳсулотларининг 55% ини берарди. 1866 йилдан 1890 йилгacha 1000 ва ундан зиёд ишчига эга бўлган йирик корхо-

налар сони 2 марта, улардаги жами ишчилар сони 3 марта, умумий маҳсулот ҳажми эса 5 марта ошиди. Бунда албатта Россия иқтисодидаги чет эл инвестициясининг роли катта эди. Бу ердаги арzon ишчи кучи, бой хомашё ресурслари, фойданинг юқори даражаси ва 80–90-йиллари чор ҳукумати томонидан олиб борилган сиёсат чет эл капиталини жалб қилиш учун қулай мухит яратди. 1887 йилдан 1913 йилгача Россия иқтисодига киритилган чет эл капиталининг умумий ҳажми 1 млрд 783 млн рублни ташкил қилди, аммо унинг мамлакат хўжалигига кўрсатган таъсирини бирдай ижобий деб бўлмайди. Бир томондан, чет эл капитали ҳақиқатдан ҳам Россиянинг капиталистик тараққиётини тезлаштириди. Аммо бу қатор иқтисодий ён беришлар: паст бож тарифлари, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун яхши шароитлар яратиш орқали амалга оширилди. Бироқ чет эл капитали Россия иқтисодини ўз манфаатларига тўлиқ мослаштира олмади: мамлакат мустамлака ҳам, ярим мустамлака ҳам бўлмади. Бу Россияда капитализм ривожланишининг нисбатан юқори даражаси ва рус тадбиркорларининг яхши тарихий илдизга эга эканлигидан далолат беради.

Ислоҳотдан кейин Россия қишлоқ хўжалигида ҳам капитализм ривожланиши тезлашди. Жаҳон тажрибаси бу жаённинг иккита асосий варианти мавжудлигини намойиш қилди. Биринчиси – феодал тизимларнинг аста-секин капиталистик ишлаб чиқариш усулига мослашиши; иккинчиси – фермер хўжаликларини, эркин тадбиркорларни шакллантириш. Россияда иккала вариант ҳам мавжуд эди, аммо қишлоқ хўжалигига капитализмнинг ривожланишига кўплаб феодал қолдиқлар тўсиқ бўлаётган эди. Ривожланаётган капиталистик саноат билан қолоқ қишлоқ хўжалиги ўртасидаги қарама-қаршилик Россия капитализмининг ўзига хос томони хисобланади.

Россияда капиталистларнинг иккита асосий типи шаклланди. Биринчиси оиласиб фирмадаги монополистлар бўлиб, бу тур вақти келиб тор доирадаги катта улуш эгаларининг акционерлик жамиятига айланган. Уларнинг эгалари Россияда машҳур бўлган тадбиркорларнинг сулолаларини ташкил қилди. Буржуача тадбиркорликнинг бу тури айниқса Москва савдо-саноат буржуазияси ўртасида кенг тарқалган эди.

Капиталистларнинг яна бир кўп сонли гурухи мавжуд бўлиб, уларнинг вакиллари асосан чекка ўлкаларда савдо фаолияти билан шуғулланганлар.

Саноат тұнташы жараёнида XIX аср 80-йиллари охирига келиб Россияда капиталистик жамиятнинг асосий икки синфи – ишчилар ва йирик саноат буржуазияси шаклланды ва шу пайтгача иқтисодда устувор бўлиб келган савдо капиталининг вакиллари ни ортга суриб қўйди. XX аср бошларига келиб Россиянинг 125,6 млн кишилик аҳолисидан 1,5 млн ни йирик савдо-саноат буржуазияси вакиллари ташкил қиласди. Йирик корхоналар фойдасининг 70% и уларга тегишли бўлиб, бу буржуазиянинг иқтисодий ҳукмронлигидан далолат беради. Аммо унинг жамиятдаги сиёсий роли ҳали етарли даражада муҳим эмасди. Россияда сиёсий ҳокимият ўз имтиёзларини ашаддий ҳимоя қилаётган абсолютизм вакиллари ва дворянлар қўлида эди. 1861 йилги ислоҳотдан сўнг помешчик хўжалиги аста-секин бўлсада ўзининг патриархал характеристини йўқотиб борди.

Дворянларнинг наслий ижтимоий қатлам сифатидаги ўрни бўшашиб борди. Бошка қатлам вакилларининг ҳам дворянлик унвонига эга бўлиш ҳуқуки билан наслий дворянлар ўзларининг ҳокимиятга бўлган монопол ҳуқуқини ҳам йўқотди. Дворянларнинг крепостной деҳқонлар устидан ҳукмронлиги бекор қилиниб, жойларда маҳаллий бошқарув ташкилоти – земстволар ташкил топгандан сўнг улар маҳаллий ҳокимиятда ҳам ўз мавқеларини йўқотдилар. Таълимнинг ислоҳ қилиниши шу пайтгача дворянларгагина хос бўлган билим олиш ҳуқуқини энди оммалаштириб юборди.

Россияда буржуазия жуда катта иқтисодий қудратига қарамасдан ўзларининг Ғарбдаги сафдошларига нисбатан сиёсий суст ва абсолютизмга бўйсунувчан эди. Бунинг сабаби нимада?

Россиядаги абсолютизм шароитида савдо-саноат тадбиркорлиги давлат тизимларига қарам эди. Капитализмнинг узоқ ривожланиш жараёнида улар бир-бирига мослашиб ҳам бўлган эди. Россия буржуазиясини ўз корхоналарининг давлат буюртмалари билан таъминланиши, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати натижасида маҳсулотларни сотиш бозорига, арzon хомашёга, арzon ишчи кучи ва катта фойдага эга булиши тўлиқ қаноатлантирар эди. Бундан ташқари чоризм ўзининг кучли репрессив аппарати билан рус буржуазиясини тобора ўсиб келаётган инқилобий ҳаракатдан ва мустамлакалардаги миллий-озодлик ҳаракатидан ҳимоя қиласди. Бу ҳол Россияда буржуазиянинг жипслашув жараёнини, унинг жамиятдаги ўз ролини англаш жараёнини кечикирди, сиёсий консерва-

тизм ва сиёсий сусткашликка олиб келди. Рус буржуазияси Гарбдаги сингари мамлакатда демократик ривожланиш жараёнининг лидерига айланмади. Бу эса Россиянинг кейинги тақдирида машъум роль ўйнади.

## XIX асрда Россиянинг сиёсий тараққиёти

*XIX аср бошларида Россиянинг давлат тузуми ва уни янгилаш учун қилинган ҳаракатлар.* Россия абсолют монархия тузуми билан XIX асрга кириб келди. Ҳокимият пирамидасининг чўққисида император тураг эди. У қонунлар чиқарар ва уларнинг ижросини назорат қиласиди, олий ҳакам эди ва молия тизимини ўз қўлида ушлаб турарди.

Бироқ мамлакатнинг ривожланиши, капиталистик тараққиёт элементларининг кўпайиши, феодал-крепостной тузумнинг инқирози ҳокимият тизимини ислоҳ қилиш масаласини олдинга сурди. Мамлакатнинг энг юқори ҳукмрон доиралари ҳам буни яққол ҳис эта бошладилар. 1801 йили Александр I ҳокимиятга келиши билан баъзи ислоҳотларни тайёрлаш бошланди.

1802 йили ҳокимиятни ташкил қилиш тизимида айrim ўзгаришлар қилинди: Петр I давридан бери мавжуд бўлган коллегиялар ўрнига бошқарувнинг янги органи – вазирликлар жорий қилинди: ташқи ишлар (1832 йилгача ташқи ишлар коллегияси сақланиб қолди); қуруқликдаги қўшинлар; ҳарбий-денгиз ишлари, молия, савдо, адлия, ички ишлар, халқ таълими ва бошқалар. Вазирликлар ижро ҳокимиятининг марказий органи бўлиб қолди. Вазирлар император томонидан тайинланар ва амалда факат унга бўйсинарди. Александр I даврида шаклланган вазирликлар тизими айrim ўзгаришлар билан 1917 йилгача сақланиб қолди.

Мамлакат сиёсий тизимини ислоҳ қилишни тайёрлашда М. Сперанский лойиҳасининг алоҳида ўрни бор. У Александр I нинг топшириғига кўра мамлакатни буржуача қайта қуриш режасини ишлаб чиқди. У ҳокимиятнинг бўлиниш принципини жорий қилишни, вакиллик органи – Давлат Думасини ташкил қилиш орқали самодержавиени чеклашни, жойларда губерниялар думаларини тузишни таклиф қилди. Унинг лойиҳасига биноан Россия парламентининг юқори палатаси Давлат Кенгаши булиши лозим

эди. М. Сперанский таклифларидан император фақат биттасини – Давлат Кенгашини қабул қилди.

Давлат Кенгаши 1810 йили таъсис этилган бўлиб, 1917 йил февраль инқилобигача фаолият кўрсатди. Давлат Кенгашининг жорий қилиниши Россия давлат қурилишининг асосларини ўзгартирмади. 1802 йили вазирлар комитети пайдо бўлди, аммо унинг функциялари аниқ белгиланмаганлиги сабабли у доимий органга айланмади. Россиянинг давлат ташкилотлари тизимида Пётр I томонидан олий бошқарув ва суд органи сифатида тузилган Сенат муҳим ўрин эгаллади. Александр I даврида Сенатнинг ҳукуклари анча қисқариб, у давлат бошқаруви масалалари билан шугуулланмайди ва фақат юқори суд инстанцияси сифатидагина сақланиб қолади.

XIX асрнинг биринчи чорагида жойлардаги тўлиқ ҳокимият император томонидан тайинланадиган губернаторлар қўлида мужассамлашади. Александр I подшолигининг дастлабки йилларида амалга оширилган давлат аппарати ислоҳоти самодержавие тузумнинг моҳиятини ўзгартирмади. Наполеон билан бўлган урушда қозонилган галаба, француз инқилоби ғояларининг ижтимоий фикрга таъсири, Европадаги қатор давлатларнинг конституциявий тузумга ўтиши Россия олдига ҳам ислоҳотлар вазифасини қўйди.

1815 йили Польша қироллигига конституция инъом этилди. Варшавада биринчи Польша сеймининг очилишида нутқ сўзлаган Александр I конституцион тартибнинг келажакда бутун Россия ҳудудига жорий қилиниши ҳақида гапирди. Н. Новосельцов бошлигидаги гурӯҳ томонидан ўта махфий ҳолатда Россия конституциясини тайёрлаш бошланди. Лойиха 1820 йили тайёрланиб «Россия империясининг устав ёрлиғи» номини олди. Бу самодержавие давлатининг конституция лойиҳаси эди. Унинг 12-моддасида «Подшо барча фуқаролик, сиёсий, қонунчилик, ҳарбий ҳокимиятларнинг бирдан-бир манбаидир», дейилади. Айни пайтда моҳиятига кўра буржуача бўлган икки палатали парламент тузиш эълон қилинган бўлиб, монарх унда кўриб чиқилмаган қонунларни имзолаши мумкин эмасди.

Конституция лойиҳасининг ижтимоий масалалар бобида Россия империясининг фуқароларига инъом этиладиган фуқаролик ҳукуклари тўғрисида гапирилади. Лойиха Россия фуқароларига конституцион ҳукукларни бериш ҳақида эълон қилиш ва шуни амалга ошириш учун тайёрланган эди, аммо у эълон қилинмасдан

қолди. Ислоҳотлар ўрнига крепостнойлик ва мустабид тузумни мустаҳкамлаш йўлига ўтилди. Декабристлар қўзғолони бостирилгандан сўнг император Николай I абсолютизмни янада мустаҳкамлаш йўлини тутди. Николай I ҳукмронлиги даврида давлат ҳаётининг барча жабхаларида бюрократлашув кучайди, давлат аппаратининг ҳажми кенгайиб, таъсири ошди, мамлакат ҳаётини милитаризациялаш кучайди, Давлат кенгаши ва Сенатнинг аҳамияти сусайди.

1856 йили Николай I вафот этди ва таҳтга Александр II келди. Шу йилни замондошлари «илиқлик» йили деб агадилар. Ҳақиқатдан ҳам цензура сусайиб, ошкоралик жамият ҳаётининг муҳим факторига айланниб қолди. Университетларда жорий қилинган турли тақиқлар бекор қилинди, чет эл паспортларини эркин олишга рухсат берилди (1856 йилдан 1859 йилгача чет элга чиқиш тўрт марта ошди), армия қисқартирилди. 1856 йил августда Александр II таҳтга ўтириши билан амнистия эълон қилиниб, барча сиёсий маҳбуслар – тирик қолган декабристлар, петрашевскийчилар, 1831 йилги поляк қўзғолони қатнашчилари – жами 9 минг киши озод қилинди. Александр II ислоҳотларни тайёрлаш ва дехқонларни озод қилиш лозимлиги ҳақида эълон қилди.

1861 йил 19 февралда Россияда крепостной ҳукуқ бекор қилиниб, мамлакатни бошқаришда қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар ичида энг муҳими маҳаллий бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бўлди. Н.А. Милютин бошчилигидаги комиссия томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида 1864 йил 1 январда император Александр II «Губерния ва уездлар земство ташкилотлари ҳақида қоидалар»ни тасдиклади. Земство ислоҳоти аҳоли барча қатламларининг иштирокига асосланган вакиллик органини жорий қилди. Ташкил қилинган маҳаллий бошқарув органларининг ўзига хос томони шунда эдики, улар ҳар қандай сиёсий фаолиятдан маҳрум қилиниб, фақат маҳаллий миқёсдаги хўжалик ишлари билан чегараланганди. Шунга қарамасдан земстволар мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнади, уларда либерал қарашлар кенг кулоч ёйди.

Земство ислоҳотидан сўнг, 1870 йили шаҳарлар ислоҳоти бошлаб юборилди. Россиянинг 509 та шаҳрида янги ўз-ўзини бошқарув органлари – шаҳар думалари ташкил қилинди. Сайловчилар учун маълум мулкий тўсик ўрнатилган бўлишига қарамасдан, аҳолининг кўпчилик қисми сайлов ҳукукига эга бўлишди. Думалар фаолияти

соғликини сақлаш, халқ таълими ва шаҳар ҳаётининг бошқа масалалари билан чегараланган эди.

Энг аҳамиятли буржуа ислоҳотларидан бири 1864 йилги суд ислоҳоти бўлди. Бир қатор ҳукуқшунослар томонидан тайёрланган янги уставга биноан судларнинг табақасизлиги ва нисбатан мустақиллиги таъминланди, судловнинг ошкоралиги ва суд жараёнидаги музокараларда томонларнинг тенг иштироки жорий қилинди. 1864 йилги суд уставлари адвокатура, суд терговчилари институтларини киритди. Округ судларининг раислари ва аъзолари ҳамда суд терговчилари олий юридик маълумотга эга бўлишлари шартлиги белгилаб қўйилди.

Мамлакат ҳаёти учун 1863 йилги университет, 1864 йилги мактаб ва 1865 йилги матбуот ислоҳотлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Масалан, университет ислоҳоти уларнинг маъмурӣ-хўжалик фаолиятини кенгайтириш, академик муаммоларни ҳал этишда профессор-ўқитувчилар ва талабаларга мустақиллик бериш билан бирга ижтимоий фаолликнинг ҳам ошишига олиб келди, талабаларнинг турли хил тўгараклар, ассоциациялар ва клубларга бирлашишлари учун имконият яратди.

Матбуот ислоҳоти эса катта ҳажмдаги китоблар ва «қалин» журналлар учун дастлабки цензурани бекор қилди ва уни фақат энг оммавий матбуот учунгина сақлаб қолди. Бу либерал матбуотни ривожлантириш учун катта туртки бўлди.

1874 йили либерал ислоҳотларнинг сўнгиси – ҳарбий ислоҳот бошланди. Мамлакатда умумий ҳарбий мажбурият жорий этилиб, ҳарбий бошқарув тизими қайта қурилди. Армияда тан жазоси бекор қилиниб, 1864 йилги суд ислоҳотининг руҳига мос ҳарбий судлов устави қабул қилинди. Ислоҳот офицерлар тайёрлаш тизимига ҳам қатор ўзгаришларни киритди: кичик офицерлар тайёрлайдиган юнкерлар билим юртлари ҳамда ўрта ва олий қўмандонлар тайёрлайдиган ҳарбий академиялар ташкил қилинди. Энг асосий ўзгаришлардан бири 1874 йили кўп йиллик рекрутчилик хизмати ўрнига умумий ҳарбий мажбурият эълон қилинди. Унга биноан 20 ёшга тўлган соғлом йигитлар қайси табақага мансублигидан қатъи назар ҳарбий хизматга чақирилиши белгилаб қўйилди. Оиладаги ёлғиз ўғил фарзанд, оиланинг ёлгиз боқувчиси ва акаси ҳарбий хизматда бўлганлар ҳарбий мажбуриятдан озод этилди.

Бу ислоҳот Россияни буржуача монархияга айлангириш йўлида ташланган катта қадамлардан бўлди. Аммо либерал тузум жамиятда инқилобий қайфиятнинг кучайишига ҳам сабаб бўлди. Натижада 1881 йили 1 март куни «Халқ эрки» ташкилотининг аъзолари томонидан Александр II ўлдирилди. Бу аянчли ҳодиса Россияда ислоҳотлар йўлининг узилишига олиб келди. 1881 йил 8 март куни Вазирлар кенгаси Харьков губернатори М.Т. Лорис-Меликов бошчилигидаги комиссия томонидан тайёрланган конституция лойиҳасини рад этди. Шу йили 29 апрелда эса «Самодержавиенинг мустаҳкамлиги тўғрисида» манифест эълон қилинди. Мамлакатда шу пайтгacha ўтказилган ислоҳотлардан ортга чекиниш жараёни бошланди. 1881 йил 14 августда «Давлат хавфсизлиги ва жамият осойишталигини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида коидалар» эълон қилиниб, унга биноан исталган ҳудудда фавқулодда ҳолат жорий қилиниши, ҳар қандай фуқаро қамоққа олиниши, судсиз беш йилгача сургун қилиниши ва ҳарбий судга топширилиши мумкин эди. Маҳаллий ҳокимият ўкув юртларини, савдо ва саноат корхоналарини, матбуот органларини ёпиш, земство ва шаҳар думаларининг фаолиятини тұхтатиши хукуқини олди. Уч йилга «вақтингча» деб эълон қилинган бу «коидалар» ҳар уч йилда янгиланиб, то 1917 йилгача амалда бўлди.

Хуллас, XIX асрнинг охиrlарида амалга оширилган тадбирлар, ислоҳотларга қарши ҳаракатлар Россияда демократик ўзгаришлар йўлини йўққа чиқарди. Россия Европанинг демократик ҳамжамиятияга қўшилиш учун яна бир имкониятни бой берди. Мамлакат мустабид монархия бўлиб қолаверди. Россия империясининг асосий қонунлари 1-моддасида шундай ёзилган эди (1892 йил): «Бутунrossия императори мустабид ва чекланмаган монархdir. Унинг олий ҳокимиятияга фақат қўрқинч учун эмас, балки вижданан бўйсуниш худонинг иродасидир».

**Ижтимоий ҳаракатлар.** Россиянинг ижтимоий фикр тарихида XIX аср алоҳида ўрин тутади. Бу даврда феодал крепостной тузумнинг бузилиши ва айниқса капиталистик муносабатларнинг ўрнатилиши тезкор суръатлар билан олиб борилди. Мамлакатда қатъий ўзгаришлар зарурлигини англаш, уларни амалга ошириш йўлларини излаш жараёни бошланди. Аммо ўзгаришларни амалга ошириш йўллари тўғрисида самодержавие билан бошқа кучларнинг тасаввурлари турлича эди. Шунинг учун бу даврда Россия-

даги ижтимоий фикр ва ижтимоий ҳаракатларнинг учта оқимини ажратиб кўрсатиш мумкин: консерватив, либерал ва инқилобий оқимлар.

Консерваторлар мавжуд тузумнинг асосларини ўзгаришларсиз сақлаб қолишга интилсалар, либераллар ҳукуматни ислоҳотлар ўtkазишга мажбур қилиш учун унга тазийик ўтказади ва инқилобчилар эса куч ишлатиш йўли билан мавжуд сиёсий тузумни ўзгартириш орқали мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш пайида эдилар. XIX асрнинг бошларидағи ижтимоий ҳаракатларнинг ҳарактерли томони шуки, бутун либерал ва инқилобий ҳаракатда дворянлар асосий роль ўйнайдилар. Россияда ислоҳотлар ўтказишнинг тарафдорлари ва унга қарши кучлар ўргасидаги кураш ҳам шу дворянлар қатлами доирасида юз бераётган эди. Рус буржуазияси бу давр ижтимоий ҳаракатида фаол иштирок этмайди, чунки капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида буржуазия асосан бойлик ииғиши қайғуси билан банд эди.

**Декабристлар ҳаракати.** 1812 йилги урушдан кейин дворянлар орасида шаклланган ижтимоий-сиёсий оқим тарихда декабристлар ҳаракати деб ном олди. Декабристлар ўзларини «1812 йил фарзандлари» деб атаганлар, чунки уларнинг аксарияти 1812 йилги уруш қатнашчилари эдилар ва ғалабанинг қимматини жуда яхши билишарди. Бундан ташқари урушда улар Фарб мамлакатларидағи илғор ҳаёт тарзи, француз маърифатпарварларининг инсонпарварлик ғоялари билан танишдилар. Бу уларни Россияда ислоҳотлар ўтказиш зарурлигига яна бир бор ишонтирди. 1816 йили ёш дворян офицерларнинг биринчи маҳфий ташкилоти – «Қутқарув иттифоқи» тузилди. Бу ташкилот кам сонли бўлиб, ўз олдига крепостной тузумни йўқ қилиш, мустабид тузумга қарши курашишни мақсад қилиб қўйган эди. 1818 йили Москвада «Қутқарув иттифоқи» негизида «Фароғат ҳаёт иттифоқи» тузилди. Бу ташкилот жамиятда крепостной ҳукуқ ва мустабид тузумга қарши фикрни шакллантириш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ушбу вазифани амалга оширишга ўн йил ажратилган бўлиб, декабристлар француз инқилобининг даҳшатли хатоларини такрорламаслик учун тўнташибни қон тўкишларсиз амалга ошириш лозим, деб ҳисоблашарди. Аммо ҳукуматнинг ислоҳотлар йўлидан воз кечиши декабристлар тактикасининг ўзгаришига олиб келди. 1821 йили Москвада бўлиб

ўтган съездда подшо ҳокимиятини инқилобий йул билан ағдариб ташлашга келишиб олинди.

Декабристлар ҳаракати негизида 1821–1822 йиллари Жанубий ва Шимолий ташкилотлар тузилди. Шимолий ва Жанубий жамиятлар аъзоларининг қарашларидаги фарқ П.И. Пестель томонидан ёзилган «Рус ҳақиқати» ва Н. Муравьёв томонидан ёзилган «Конституция» деб аталган дастурларда намоён бўлди. Н. Муравьевнинг «Конституция»сига биноан Россияда конституцион монархия ўрнатилиши, ижро ҳокимияти императорга, қонун чиқарувчи ҳокимият эса икки палатали парламентга берилиши лозим эди. П.И. Пестелнинг «Рус ҳақиқати» бўйича эса Россия республика деб эълон қилиниши ва ҳокимият Мувакқат инқилобий ҳукумат кўлига ўтиши кўзда тутилган эди.

1825 йил 14 декабря Санкт-Петербургнинг Сенат майдонида ва 20 декабря Чернигов пиёдалар полкида кўтарилиган қўзғолонлар ҳукумат қўшинлари томонидан бостирилди. Чор ҳукумати қўзғолончиларни қаттиқ жазолади. Аммо декабристларнинг ғоялари бир неча авлод онгида эркин тафаккурнинг шаклланишига хизмат қилди. Декабрчилик ижтимоий ҳаракатнинг турли йўналишлари – либерализмдан то ультраинқилобийгача бўлган турларини ўзида мужассамлаштириди ва Россияда ижтимоий ҳаракатнинг кейинги тараққиётiga катта таъсир кўрсатди.

Декабристлар қўзғолони бостирилгандан сўнг уларнинг ишини давом эттиришга уриниш муваффақият қозонмади. 1820–1830-йиллардаги талабалар тўгараклари кам сонли эди ва тезда барбод қилинди. XIX аср 40-йилларида иккита ғоявий оқим вужудга келди: ғарбчилар ва славянофиллар. Бу икки оқим тарафдорлари ҳам подшо Николай I замонини танқид қиласар, ўзларини ватанпарвар ҳисоблаб, Россиянинг буюк келажагига ишонар эдилар. Улар айниқса крепостной тузумга ашаддий қарши эдилар.

Славянофиллар Россия ўзига хос тарихий тақдирга эга деб ҳисоблашар, уни Ғарб цивилизациясига қарши қўйишарди. Уларнинг таълимоти расмий халқчиликнинг учта принципига асосланади: православлик, самодержавие, халқчиллик.

Ғарбчилар славянофиллардан фарқли ўлароқ, рус ҳаётининг ўзига хослигини қолоқлик деб ҳисоблашарди. Уларнинг нуқтаи назарларича, Россия узоқ вақт гўёки тарихдан ортда қолди. Пётр I нинг асосий хизмати Россиянинг қолоқликдан цивилизацияга ўтишини

тезлаштирганлигидадир. Фарчилар учун Пётр I ислоҳотлари Россиянинг жаҳон цивилизациясига қўшилиш жараёнининг бошланиси бўлди.

**1840–1890-йиллардаги инқилобий – демократик ҳаракат.** XIX аср 30–40-йиллари рус ижтимоий-сиёсий ҳаётида инқилобий – демократик мафкуранинг шаклланиш даври бўлди. Унинг асосчилари В.Г. Белинский ва А.И. Герцен бўлдилар. Улар славянофилларнинг қарашларига кескин қарши чиқдилар, Фарбий Европа билан Россиянинг тарихий тараққиётидаги умумийликни исботлашга ҳаракат қилдилар, Фарб билан иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга чақирдилар, Фарбнинг фан, техника ва маданий тараққиётидаги илғор ютуқлардан Россиянда фойдаланишни муҳим деб ҳисобладилар.

XIX аср 60–70-йилларида Россиянда «народниклик» деб ном олган ҳаракат шаклланади. Бу ҳаракатнинг асосий йўлбошчилари М.А. Бакунин, П.Л. Лавров, П.Н. Ткачёв бўлиб, улар народникликдаги учта асосий оқимни: анархистик, ташвиқотчилик, фитначиликни акс эттирадилар. М.А. Бакунин дехқонлар инқилобга тайёр, фақат зиёлилардан чиқсан қаҳрамон уларни инқилобга чақириши лозим, деб ҳисоблайди. П. Лавров эса дехқонлар инқилобга тайёр эмас, шунинг учун маълумотли кишилардан ташвиқотчиларни бу ишга жалб қилиш керак, улар эса узок тушунтириш орқали дехқонларни инқилобга тайёрлашлари лозим, деб ёzáди. П.Н. Ткачёв фитна йўли билан озчилик томонидан инқилобни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайди. XIX аср 80–90-йилларида народниклик ҳаракатида ислоҳотчилар кучаяди, либералларнинг таъсири ошади. XIX аср охирига келиб народниклар билан марксистлар ўртасидаги тортишув авжига чиқади. Народниклар марксизмни Россия шароити учун татбиқ этиб бўлмайди, дейдилар. 1901 йили народникларнинг вориси сифатида социал-революционер (эсер)лар партияси тузилади. Эсерлар дехқонлар ва ишчилар орасида сезиларли ишлар олиб бордилар, давлат вакилларига қарши индивидуал террор тактикасини кўлладилар.

**XIX асрда Россия ташиби сиёсатининг асосий босқичлари.** XIX асрда ҳам Россия Пётр I замонидан бошланган империя худудини кенгайтириш ва атрофдаги давлатларга ўз таъсирини ўтказиш сиёсатини фаол давом эттирди. 1801 йили император Александр I манифестига биноан Грузия Россия таркибига қўшиб

олинди ва у ердаги хукмрон Багратионлар сулоласи таҳтдан маҳрум қилинди. 1803–1804-йиллари бутун Грузия худуди Россия империяси таркибиға қўшиб олинди. Грузиянинг қўшиб олиниши Россиянинг Эрон ва Усмонийлар империяси билан тўқнашувига олиб келди. 1804 йили Россия билан Эрон ўртасида бошланган уруш натижасида 1804–1806-йиллари Озарбайжоннинг ҳам асосий қисми Россияга қўшиб олинди. Уруш 1813 йили Озарбайжоннинг Россияга қўшилган қисмини Эрон томонидан тан олиниши билан якунланди. Бундан ташқари Россия Каспий денгизида ҳарбий кемаларга эга бўлиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

1806 йили Усмонийлар империяси билан Россия ўртасида уруш бошланди. Шу йили рус қўшинлари Молдавия ва Валахияни эгалладилар. 1812 йили Бухарестда тинчлик шартномаси имзоланиб, унга биноан Молдавиянинг шарқий қисми Россияга қўшиб олинди, Сербияга эса автономия берилди. Молдавиянинг ғарбий қисми усмонийларга васссал қарамлиқдаги князлик бўлиб қолди. Россиянинг сулҳ тузишига асосий сабаблардан бири шу даврда Европада ҳам вазият оғирлашган, Наполеоннинг босқинчилик урушлари бошланиб кетган эди. Наполеон империяси тор-мор қилингандан сўнг Россиянинг Европадаги мавқеи ошиб кетди ва у ўз ерларини Европадаги мамлакатлар ҳисобига кенгайтириш имкониятига эга бўлди. 1832 йили Польша қироллиги Россия империясининг таркибий қисми деб эълон қилинди. 1848–1849-йиллар Россия Дунай князликларида бошланган инқилобий ва озодлик ҳаракатларини бостиришда фаол қагнашди. 1849 йили Венгриядаги инқилобий ҳаракат 150 минг кишилик рус қўшинлари томонидан бостирилди.

XIX асрнинг бошларида Кавказортининг Россияга қўшиб олиниши бутун Шимолий Кавказни бўйсундириш муаммосини келтириб чиқарди. Чоризмнинг Кавказни бўйсундириш истаги Догистон, Чеченистон ва Адигей халқларининг кучли қаршилигига учради. 1817 йили бошланган Кавказ уруши 1864 йили якунланди ва Россияга жуда қимматга тушди.

Крим уруши (1853–1856) ва Париж тинчлик сулҳи (1856 йил март) Россиянинг ташқи сиёsat борасидаги барча муваффакиятларини амалда йўққа чиқарди. Мамлакат жанубий Бессарабиядан, шунингдек, Карсдан ва рус қўшинлари томонидан Кавказда эгалланган бошқа худудлардан маҳрум бўлди. Россияга (Туркияга ҳам) Қора денгизда ҳарбий флотга эга бўлиш ва кирғоқ истеҳкомларини

куриш тақиқланди. Бу сулҳ шартлари оғир бўлмасада, Россия учун ҳакоратли бўлиб, бир ярим аср давомида катта қийинчиликлар билан эришилган унинг халқаро обрусига қаттиқ путур етказди. Мамлакат халқаро яккаланиш ҳолатига тушиб қолди. Ана шу яккаланиш ҳолатидан чиқиш XIX аср 60–70-йилларидаги Россия ташқи сиёсатининг асосий мазмунини ташкил қиласди.

Россияга Қора денгизда ҳарбий флотга эга бўлишни тақиқловчи Крим тизимининг кафолатлари бўлган Англия ва Францияга қарши Россия Пруссия билан тил бириктириди. Германияни бирлаштириш учун кураш олиб бораётган Бисмарк Дания (1864) ва Австрияга (1866) урушда Россиянинг нейтралитети эвазига Париж тинчлик сулхининг шартларини қайта кўриб чиқишига розилигини билдириди. 1870 йили Лондонда йигилган конференция Россиянинг Париж тинчлик сулҳи шартларини бажармаслигини маъкуллади.

XIX асрнинг I ярмида Қозоғистон Россияга қўшиб олингандан сўнг Ўрта Осиёдаги учта давлат – Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлигини забт этиш учун тайёргарлик бошлаб юборилди. 1854 йили Сирдарё ва Сибирь ҳарбий линиялари ва Верний қалъаси (ҳозирги Алмати шаҳри) барпо қилинди. Натижада 60–70-йиллари Ўрта Осиёга бостириб кириш учун истеҳком яратилди. 1895 йили Помирдаги таъсир доиралар чегарасини ажратиш тўғрисида Россия билан Англия ўртасида битим тузилди. Бу битим Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги чегарани белгилаб берди. Чор Россияси ҳукумати ана шу чегарадан жануб томонда «ҳар қандай сиёсий назорат ёки таъсир ўтказишдан ўзини тийиш» мажбуриятини олди. Англия эса шу чегарадан шимолдаги ҳудудларга нисбатан худди шундай мажбурият қабул қиласди.

«Уч император иттифоки»га таяниб Россия ўзининг Болқондаги мавқенини тиклашга ҳаракат қиласди. Бу эса 1877–1878 йиллардаги Россия – Туркия урушига олиб келди. Уруш русларнинг ғалабаси билан якунланди. 1878 йил 3 марта Сан-Стефанода имзоланган сулҳ Россия ва мустақилликни қўлга киритган Болқон халқлари учун фойдали бўлди.

*Россиянинг Узоқ Шарқдаги сиёсати.* Сибирь ва Байкаортининг эгалланиши русларга Амурбўйини қўшиб олиш имкониятини яратди. Крим уруши Узоқ Шарқни мудофаа қилиш ва унда жиддийроқ жойлашиб олиш зарурлигини кўрсатди. Амур бўйи ва Приморье ўлкаси Хитайдаги Цин давлати таркибига киарар-

ди. Аммо унда этник хитойлар деярли яшамасди. Маҳаллий аҳоли, яъни удэгейлар, нанайлар ва бошқалар жуда сийрак жойлашган бўлиб, патриархал ҳаёт кечиришарди. Англия ва Америка экспансияси муносабати билан оғир ахволда бўлган Хитой хукумати чор хукумати қўйган таклифларга рози бўлди. 1858 йили иккала давлат ўртасида имзоланган шартномага биноан Аргунъ дарёсидан тортиб то Амурнинг этагигача унинг сўл қирғоги (яъни Амурбўйи) Россияга қарашли бўлиб қолди. Уссурий ўлкаси эса чегара аниқлангунга қадар Россия билан Хитойнинг қўшма мулки деб эълон қилинди. Россия билан Хитой ўртасида эркин савдо муносабатлари ўрнатилди.

Сахалин муаммоси 1875 йили Россия билан Япония ўртасида имзоланган Петербург шартномаси орқали тартибга солинди. Япон хукумати Франция билан Германия ўртасида уруш хавфи пайдо бўлганлигидан ва Россиянинг Узоқ Шарқда заифлигидан фойдаланиб, Жанубий Сахалинга бўлган даъвосидан воз кечиш шарти билан Курд оролларини Японияга беришга чор хукуматини рози қилди.

Шимолий Америкадаги рус ерлари муаммоси 1867 йили Россия билан АҚШ ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ ҳал қилинди. Унга кўра Аляска ундаги мавжуд бойликларга нисбатан арзимас пулга, яъни олтин билан 7 миллион 200 минг долларга сотилди. Россиянинг бу ерларни сақлаб қолиш учун на иқтисодий ва на ҳарбий қудрати етарли эмасди. Америкадаги рус ерларининг сотилиши натижасида АҚШ Тинч океанининг шимолий қисмида ўз мавқенини мустаҳкамлаб олган ва ғоят қимматли ҳудудга эга бўлиб олган эди. Бу Россиянинг Тинч океанидаги мағлубияти бўлиб, ушбу минтақада Россиянинг мавқенини бўшаштирди.

Умуман XIX аср 60–80-йилларида чоризмнинг Узоқ Шарқда олиб борган сиёсатини жуда фаол деб бўлмайди. Узоқ Шарқни иқтисодий жиҳатдан ўзлаштиришни рағбатлантириш учун хукумат томонидан жуда арзимас маблағ ажратилади.

Россиянинг XIX асрдаги ташқи сиёсати тавсифини яқунлаб, шуни айтиш лозимки, аср охирида Европада вужудга келган ҳарбий-сиёсий иттифоқлар Россиянинг ташқи сиёсатига катта таъсир кўрсатди. Германия, Австрия, Италия бўргаликда 1882 йили Учлар иттифоқини тузганидан сўнг Россия улардан узоқлашиб, Франция билан яқинлашди. 1891 йили Россия билан Франция

ўртасида Учлар иттифоқига қарши мудофаа келишуви имзоланди. Бу Россиянинг Европадаги сиёсати йўналишини ўзгартирди.

**XIX аср Россия маданияти.** Россия ҳаётида XIX асрда юз берган барча ўзгаришлар – ислоҳотчиликка уриниш, мамлакатни индустриялаштириш учун ҳаракат, крепостной хуқуқга қарши кураш ва унинг бекор қилиниши, ижтимоий зиддиятлар ва инқилобий ҳаракатлар – буларнинг барчаси маданиятда ўз аксини топди. Агар қолган барча соҳаларда Россия Европанинг ортидан бораётган бўлса, XIX асрда рус маданияти бутун дунёга ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бу энг аввало адабиётта тегишли, унда А.С. Пушкин ва М.Ю. Лермонтов, Ф.М. Достоевский ва Л.Н. Толстой, А.П. Чехов ва Н.В. Гоголь сингари даҳолар ижод қилди. Шу даврдаги рус композиторлари – М.И. Глинка, М.П. Мусоргский, П.И. Чайковский ва Н.А. Римский-Корсаковларнинг асарлари жаҳон мусиқа санъатининг дурданаларидан хисобланади.

XIX аср Россияда бадиий оқимлар, жанрлар, мавзуу ва қадриятларнинг тез ўзгариш даври бўлди. Ғоялар ва аср модаси ортидан қувиш, гарб ҳалқлари асрлар давомида ўзлаштирган қадриятларни ўн йиллар ичida ўзлаштиришга уриниш услугуб ва йўналишларнинг жуда тез ўзгаришига олиб келди.

Бу давр рус архитектураси учун классицизм характерлий йўналишдир. Архитектура кўпроқ умумлаштирувчи санъат сифатида инсоннинг Ватан олдидаги бурчини, унинг муваффақиятлари учун фахр туйғусини, давлатнинг бирламчилиги ва унинг қурратиғосини яхшироқ акс эттиради. Бу даврда А.Н.Воронихин, А.Д. Захаров, Т. Де Томон, О.И. Бове, Д.И. Жилярди, К.И. Rossi, О. Манферран каби архитекторлар томонидан бунёд этилган Қозон ибодатхонаси, Адмиралтейство, Петербургдаги Биржа биноси, Театр майдони, Москвадаги Триумфальная арка, реконструкция қилинган Москва университети биноси, Михайлов саройи (Рус музей), Сенат ва Синоднинг биноси, Исаакиев ибодатхонаси ва бошқалар юқоридаги фикрнинг яққол исботидир.

XVIII асрнинг охиридан бошлаб адабиётда Н.М. Карамзин, тасвирий санъатда В.А. Тропинин ва В.А. Венецианов кабилар ижодига хос бўлган сентиментализмни классицизм сиқиб чиқара бошлади.

Кундалик турмушдан ва мавжуд тартиблардан норозилик инсонни бу шароитларга қарши курашга ёки таркидунё қилиб, ёпилиб олишга чорлайди. Бундай кайфият Байрон, Шиллер, Шелли

туфайли Европада урф бүлгән романтизмга жуда мос тушарди. Бу оқим XIX аср 20-йилларидан бошлаб Россияда ҳам кенг таркалади ва 40-йилларгача маданиятта хукмронлик қиласы. Россия маданиятининг А.С. Пушкин, В.А. Жуковский, О.А. Кипренский, К.П. Брюллов, М.Ю. Лермонтов, А. Бестужев-Марлинский каби намояндадар үз асарлари орқали романтизмга хайрихоҳликларини билдиришган. Бир томондан романтизм – очик қалб билан ўз-ўзини намоён қилишнинг ноёб усули сифатида ижод аҳлини ўзига ром этса, бошқа томондан – у қаҳрамонларнинг характеристикини очиб берувчи тарихий ва ижтимоий воқеликдан кочади, уларни фош қилиш ёки ёритишнинг воситасига айланмайди. Романтик реал эмас, идеал инсон образини яратади.

А.С. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси»дан бошланган реализм Н.В. Гоголнинг «Ревизор» ва «Улик жонлар»и, М.Ю. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» ва шеърлари билан, шунингдек, П.А. Федотов ва В.Г. Перовнинг картиналари билан давом эттирилди. Ҳар доимгидек А.С. Пушкин бу ерда ҳам ушбу қоидадан истисно бўлди. У ёш пайтида подшога қарши курашган бўлса, улгайганда эса монархда ўз тенгини қўрди. Бунинг сабаби буюклик касаллигида эмас, ўнчаки шоир ва мамлакат бир бутун бўлиб колганди. Донишманд П.Я. Чаадаев буни биринчи бўлиб илғади ва: «Мана, энди сиз, миллий шоирсиз», – деб ёзди.

Кейин Россия маданиятида маълум бир бурилиш юз берди, у мавжуд ижтимоий-сиёсий воқеликни фош қила туриб, мамлакат ҳаётида қандайдир таскин берувчи идеалликни кидира бошлияди – гоҳо зиёлilarнинг виждони ва ҳиссиётларига ишонади, гоҳида эса ҳалқ ҳаётининг маънавий асосларига таянади. Балки бунга рус маданиятидаги ўзига хос «кузилиш» сабабдир? Ҳақиқатдан, 1810-йилларда маданият Карамзин ва Жуковский, 1820–1830-йиллари Пушкин, 1840-йиллари Гоголь «иштирокида» яшади. 1850-йиллари эса рус маданиятида бундай йирик даҳолар йўқ эди.

Бу даврда адабий танқид, хусусан, В.Г. Белинскийнинг роли катта бўлди. Танқид адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, театр ва уларнинг ижтимоий онгта таъсирини таҳлил қилишга ўтди. Адабиёт «ҳаёт дарслиги»га, ёзувчилар эса ижтимоий машқулар учун материал етказиб берувчиларга айланиб борди. Натижада ижтимоий персонажларнинг типи кўпайди, улар ичida энг меҳр-муҳаббатга муносиби «кичкина одам» деб топилди. «Кичкина одам» давр қурбони

бўлгани учун ҳам меҳр-муҳаббатга муносибдир (агар у ахмок бўлса, шароит уни шундай қилган). Кейинчалик дехқонларни, «соф» қишлоқ ҳаётини «севиш керак» дейиши. Халққа нисбатан бундай карашнинг ҳар қандай демократизмига қарамасдан, унда маданият ва ижтимоий ҳаракат учун катта хавф яширинган эди. Крепостной ҳукуқ туфайли бадбашара бўлиб кетган рус қишлоғига таъзим қилиш, ундаги муҳит ва халқ ҳарактерини мақташ, мустабид тузумни идеаллаштиришдан кам зарар келтирмасди. Бу айниқса, Россия ислоҳотлар даврига кирганида яққол кўриниб қолди.

Шундай қилиб, XIX аср 60–70-йилларида Россия Фарбнинг илгор мамлакатларидагидек бозор иқтисоди ва парламент демократиясига асосланган индустрисал жамиятга кенг кўлам билан ўта бошлади. Аммо ислоҳотлар юки ҳокимият ва жамият учун жудаям оғирлик қилди. 1880–1890-йилларда бошланган ижтимоий ўзгаришлар жараёнидаги танаффус, ҳатто тарихни ортга буриш учун ҳаракат, феодал-крепостнойлик қолдиқларини саклаб қолдики, бу Россияни илғор давлатлардан узоқлаштирибгина қолмасдан, унинг тўлақонли индустрисал жамиятга тинч эволюцион йўл билан ўтиш имкониятларини ҳам кескин камайтириди.

*XIX аср охири – XX аср бошларида Россия.* XIX аср 90-йилларида саноатнинг мисли кўрилмаган юксалиши натижасида Россияда саноат тўнтариши якунланди ва мамлакат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича дунёнинг бешта энг йирик индустрисал давлатлари қаторига қўшилди. Россияда Фарникидан қолишмайдиган, баъзи жиҳатлари билан ундан устун бўлган бозор тизими шаклланди. 1861–1900-йиллари Россияда саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми 7 марта ошди. (Германияда – 5 марта, Францияда – 2,5 марта, Англияда – 2 марта ўсган). XX аср арафасида миллий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 3,4% ни, аҳоли жон бошига – 1,75%ни (Фарб мамлакатларида – 2,7 ва 1,6%) ташкил қилди. Шу даврда Россия нефть қазиб олишда дунёда биринчи ўринга, чўян эритишда, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тўртинчи ўринга, кўмир қазиб чиқаришда еттинчи ўринга қўтарилди, саноат ишлаб чиқаришининг қатор кўрсаткичлари бўйича Франция даражасига етиб олди. Темир йўллар курилишининг жадал суръатлари туфайли унинг умумий узунлиги бўйича Россия дунёда иккинчи ўринга чиқиб олди. Қишлоқ хўжалигида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Машиналар ва ёлланма ишчилардан фойдаланиш кўпайди,

қишлоқнинг ташқи ва ички бозор билан алоқалари кенгайди. Россия ғалла етишгирувчи энг йирик мамлакатлардан бирига айланди, жаҳондаги буғдор экспортининг 1/3 қисмини у берарди.

Россияда капитализм таракқиётининг ўзига хослиги шунда эдики, саноат тұнтарыши (XIX асрнинг иккінчи ярми) буржуа инқилобларидан (XX асрнинг бошлари) олдин келди, аграр инқилоб эса тугалланмай қолди. Бундан ташқари, саноатдаги чет эл капиталининг улуши умумий капиталнинг 1/3 қисмини ташкил қылиб, бу Ғарб давлатларидагидан юкори эди. Мамлакатда индустрлаштириш ҳам охирига етказилмади. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмida оғир саноатнинг улуши факат 40% ни ташкил қылар эди, холос. Аграр ишлаб чиқариш Россия иқтисодиётининг етакчи соңаси бўлиб қолаётган эди. 1897 йили аҳолининг 87% и қишлоқларда яшарди. Қишлоқ хўжалиги асосан экстенсив йўл билан ривожланаётган эди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва маданийлашув даражаси бўйича Россия илғор мамлакатлардан кўп марта орқада қолаётган эди. Машхур химик ва иқтисодчи олим Д.И. Менделеевнинг ҳисоб-китобларига кўра XIX асрнинг охирида Россияда аҳоли жон бошига 20–30 рублга тенг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шу кўрсатгич АҚШда – 300–400 рублни ташкил қилган. 1897 йили Россия аҳолисининг 73,7% и саводсиз бўлган.<sup>1</sup>

Индустрисал жамиятга мос келадиган аҳолининг ижтимоий тизими ҳам шаклланмаган эди. Ишчилар билан буржуазия биргаликда умумий аҳолининг 3,4% ини ташкил қыларди. Жамиятда аҳолининг турли хил қатламларга бўлиниши сақланиб қолаётган эди.

Ишчиларнинг яшаш ва ишлаш шароитлари Европа давлатларида XIX асрнинг биринчи ярмида бўлган шароитга мос эди. 1905 йили маҳсус давлат комиссияси ишчиларга берилаётган ойлик маошга кун кечиришнинг иложи йўқ, деган хulosага келди. Россия ишчисининг ўртача иш ҳаққи инглизларницидан 3 марта, американлик ишчиникидан эса 5 марта кам эди. Бундан ташқари, XX аср бошларидаги инқироз ҳам саноатга қаттиқ зарба берди ва мамлакатнинг бутун халқ хўжалигига оғир таъсир кўрсатди. Агар Ғарбий

<sup>1</sup> История России с древнейших времен до начала XXI века: учебное пособие для студентов вузов. /М.М. Горинов, А.А. Горский, А.А. Данилов и др. – М.: Дрофа, 2005. С. 230.

Европа мамлакатларида 1901–1902 йилларда ёқ инқироз ўрнига кутарилиш бошланган бўлса, Россияда саноат ишлаб чиқаришининг жуда пасайиб кетиши 1902–1903 йилларга тўғри келди ва шундан сўнг узоқ депрессия даври бошланди. Ишлаб чиқаришнинг деярли ҳамма соҳаларидаги турғунлик ҳолати 1907–1909 йилларгача давом этди. Инқироз йилларида корхоналарни техник жиҳатдан қайта куроллантириш катта тўсқинликка учради. Саноатта инвестициялар, шу жумладан чет эл инвестицияларининг кириши кескин камайиб кетди.

Россияда инқирознинг дастлабки аломатлари 1899 йилда сезила бошлаган эди. Аввал бошда инқироз хусусий савдо банклари ва Давлат банкининг кредит беришни чеклаб қўйганлиги ва ҳисоб ставкасини оширганингидан намоён бўлди. Давлат банки йил охирида ҳисоб ставкасини 7%га оширди. Шундан кейин саноат молларининг нархи сезиларли даражада пасайиб, қимматли қоғозларнинг биржалардаги баҳоси кескин тушиб кетди. Йирик корхоналарнинг банкрот бўлиш жараёни бошланди. 1901–1903 йиллари уч мингга яқин кичик ва ўрта завод ва фабрикалар ёпилди.

XIX–XX асрлар чегарасида Россия абсолют монархия тузумидаги давлат бўлиб қолаётган эди. Мамлакатда сиёсий эркинликлар, очиқ фаолият юритувчи партиялар ва касаба уюшмалари мавжуд эмасди. Мамлакатни император ва жуда катта, 385 минг кишилик амалдорлар армияси билан бошқаради. Монархнинг ҳокимиятини чеклайдиган конституция ва вакиллик органларининг йўқлиги Россияни нисбатан ривожланган давлатлар ичida ноёб воқеликка айлантириб қўйганди. Айниқса, 1889 йили Японияда ҳам конституция қабул қилингандан сўнг Россия бу борада ягона бўлиб қолди.

Айнан шундай шароитларда дастлабки сиёсий партиялар ва ташкилотлар вужудга келади. Аввало миллий ва социалистик партиялар: «Гничак» («Қўнғироқ») (1887), «Дашнакцутон» (1890), Польша ва Литва қироллиги социал-демократик партияси (1893), Бунд (1897), РСДРП (Россия социал-демократик ишчи партияси) (1898–1903), социал-революционерлар партияси (эсерлар) (1901) ва бошталар. Партиялар шаклланишининг ўзига хослиги улар фаолияти учун эркин муҳит йўқлигидангина келиб чиқмасдан, Россия буржуазиясининг сиёсий онги шаклланишидаги сусткашликни ҳам ўзида акс эттирди. Бу сусткашлик Россиянинг ке-

йинги партияйвий тизимида ўзининг изини қолдирди ва социалистик инқилобий партиялар салоҳиятининг ошиб кетишига, охир оқибатда улар томонидан 1917 йил ҳокимиятнинг эгаллаб олинишига олиб келди.

**Ташқи сиёсат.** Ташқи сиёсий аренада Россия капиталистик модернизациялашнинг қийинчилкларини ортда қолдирган Ғарб давлатлари билан тенглаша олмасди. Шу ҳолат Россия императори Николай II ни мислсиз тинчлик ташабbusлари билан чиқишга мажбур қиласди. 1898 йил 12 августда Россия ташқи ишлар вазири М.Н. Муравьев чет давлатларга мурожаат қилиб, «музокаралар ўтказиш йўли билан барча халқларни мустаҳкам тинчлик билан таъминлаш ва биринчи навбатда, ҳозирги замон қуролларини чексиз кўпайиб кетишининг олдини олиш»га чақирди. Рус дипломатиясининг қунт билан қилган ҳаракати туфайли 1899 йил май-июнъ ойларида Гаага тинчлик конференцияси бўлиб ўтди. Кўпчилик давлатларнинг тутган позицияси туфайли қуролларни қисқартириш бўйича амалий аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилинмади. Шундай бўлса-да, портгайдиган (ёрилиб кетадиган) ўклардан фойдаланишни, портловчи снарядларни ҳаво шарларидан ташлашни ва бўғувчи газлар тарқатувчи снарядларни ишлатишни тақиқловчи декларациялар қабул қилинди. Гаага халқаро суди таъсис этилди. Энг асосийси – тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролларни қисқартириш бўйича халқаро келишувлар анъана тусини олди. 1907 йили иккинчи Гаага конференцияси бўлиб ўтди. 1921 йилги денгиз қуроллари бўйича Вашингтон конференцияси ҳам Россия императорининг тинчлик ташабbusлари билан боғлиқлигини таъкидлади.

XIX аср охирларида рус дипломатиясининг Урта ер денгизига олиб чиқадиган Босфор ва Дарданелл бўғозлари устидан назорат ўрнатиш ва Болқон яриморолида мустаҳкам жойлашиб олиш мақсади Россиянинг ҳарбий кучсизлиги туфайли амалга ошмай қолди. Натижада Россия ўз нигоҳларини Узоқ Шарққа қаратди. Императорга яқин бўлган бир қатор шахслар Манжурия ва Кореяга иқтисодий ва сиёсий кириб боришини, бу мамлакатларга нисбатан ўз мақсадига эга бўлган Япония билан келишувларга бормаслини маъқул кўрдилар. Узоқ Шарқда олиб борилган фаол ташқи сиёсат натижасида Хитой билан Японияга карши мудофаа иттифоқи тўғрисида ва Шарқий-Хитой темир йўлини куриш тўғрисида (1896), Порт-Артурни ҳарбий-денгиз базаси куриш шарти билан аренданга олиш тўғрисида (1898) шартномалар имзоланди. Манжурия ва

Кореяни ўзлаштиришда Россия билан мусобакалашаётган Япония 1902 йили Англия билан иттифоқ тузди ва АҚШнинг ёрдамига таяниб, 1904 йили Россияга қарши урушга киришди.

1904–1905 йиллардаги рус-япон уруши Россиянинг куруқликдаги ва денгиздаги қүшинларининг қатор маглубиятларига олиб келди. 1904 йил декабрда Порт-Артурнинг таслим бўлиши, 1905 йил майда Цусими бўғози ёнидаги жангда Тинч океани эскадрасининг тор-мор қилиниши ҳамда мамлакат ичкарисидаги инқилобий воқеалар Россиянинг маглубиятини муқаррар қилиб қўйди. Йўқотишлар, ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан қўшиб, 400 минг кишини ташкил қолди. Россия Тинч океанида деярли ҳарбий-денгиз кучларисиз қолди.

1905 йил сентябрда Портсмутда (АҚШ) бошланган музокараларда Россия делегациясини бошқарган С.Ю. Витте нисбатан енгил шартлар билан тинчлик сулхини тузишга эришди. Корея Япониянинг таъсир зонаси деб тан олинди. Иккала давлатнинг ҳам қўшинлари Манжурия ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган бўлди. Айни пайтда Россия ўзининг флотини сақлаб қолди, Сахалин оролининг жанубий қисмидан бошқа миллий ҳудудларини йўқотмади, контрибуция тўламади.

Уруш оқибатлари Россиянинг умумий ташки сиёсатига катта таъсир кўрсатди. Унинг Англия билан яқинлашуви юз берди. 1907 йил августда Эрон, Афғонистон ва Тибетда таъсир доираларини аниқловчи рус-инглиз шартномаси имзоланди. Бу шартнома, Россия ва Англиянинг Франция билан келишувларини ҳисобга олганда, амалда Антантани расмийлаштириди ва Европанинг иккита ҳарбий-сиёсий лагерга бўлиниш жараёнини якунлади. Россия Англия билан келишган ҳолда эҳтиёткорона ташки сиёсат юргиза бошлади. Бундай ташки сиёсат Вазирлар советининг раиси А.П. Столипиннинг фикрига кўра, кенг миқёсдаги куролли кучларни ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун Россияда зарур эди. Фақат армияни ислоҳ қилиш эмас, ҳарбий-денгиз флотини ҳам қайта қуриш мўлжалланайтган эди. Шу мақсадда кемалар қуриш дастурига 820 млн рубль, мудофаани мустаҳкамлаш дастури бўйича эса 433 млн рубль ажратилди. Аммо Биринчи жаҳон уруши бошлангунига қадар бу дастурлар охиригача амалга оширилмай қолди.

**Биринчи рус буржсуа инқилоби.** 1905 йил 9 январь куни 200 минг кишидан иборат халқ Қишики саройга қараб йўл олди. Унинг ташки-

лотчиси поп Гапоннинг кейинчалик эслашича, одамлар қулларида подшонинг портретини кўтариб олишган ва бу билан «жараённинг тинч характерини таъкидлашаётган» эдилар. Шунга қарамасдан, императорга йўлланган петицияда фақат иқтисодий талаблар эмас, билвосита соликлар ва тўловларни бекор қилиш, шунингдек, «умумий ёпиқ ва teng овоз бериш» йўли билан сайланадиган Таъсис мажлисини чақириш, вазирларнинг «халқ олдида жавобгарлигини» белгилаб қўйиш, асосий сиёсий эркинликларни жорий қилиш каби хукumat томонидан мутлақо қабул қилиб бўлмайдиган кескин талаблар ҳам бор эди. Шундай шароитда ҳокимият пастдан «сиёсий ташкиллаштирилган» омма билан музокараларга тайёр эмаслигини кўрсатди. 7 январь куни Гапоннинг петициясини олган Адлия вазири Н.В. Муравьев уни инқилобчи деб атади ва «Сиз самодержавиени чекламоқчисиз, ахир!» дея қичқирди. Либерал кайфиятдаги зиёлилар вакилларининг қон тўкишнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлари ҳам эътиборга олинмади. Куролсиз намойишчиларга қарши ўт очилди. Тахминларга кўра 130–200 киши ўлдирилди, 500–700 киши ярадор бўлди. «Қонли якшанба» бутун Россияни ғазабга келтирди, подшога бўлган ишончга путур етди. Бундан ташқари, кутилмаганда бу воқеалар биринчи рус инқилобининг бошланиши бўлиб қолди.

Инқилобнинг объектив сабаби мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий модернизация қилишнинг якунланмай қолганлигига эди. Мамлакат тараққиётининг олдинги боскичида ҳал қилинмай қолган муаммолар (конституция, деҳқонлар масаласи) жадал шакланаётган индустрисал жамият муаммолари (ишчилар масаласи) билан қўшилиб кетди ва XX аср бошидаги ўта қалтис вазиятни вужудга келтирди. 1900–1903 йиллардаги иқтисодий инқизор, Япония билан бўлган урушдаги шармандали мағлубият ва ўзгаришларнинг юкоридан бўлишига ишончнинг сўниши инқилобий портлашга олиб келди.

9 январь воқеалари иш ташлашларнинг мислсиз ошишига олиб келди. 1905 йил январдаёқ 444 минг киши иш ташлаган бўлиб, бу олдинги ўн йилдагига нисбатан ҳам кўп эди. Март ойида улар сони 810 минг кишига етди.

Император иккиланаётган бир пайтда ҳатто унинг вазирлари ислоҳотлар зарурлиги тўғрисида очиқдан-очиқ айта бошлидилар. 19 январь куни ишчилар вакилларининг олдида сўзлаган нутқида

император ҳам иш ташлашлар тұғрисида қонун ишлаб чиқилиши бошланғанлигини эълон қилди. Шундай шароитда турли хил иттифоқлар («Озод қилиш иттифоқи», «Иттифоқлар иттифоқи», «Бутунроссия деңқонлар иттифоқи» ва бошқ.), партиялар (Бунд, большевиклар, меньшевиклар ва бошқ.) ўзларининг дастурлари ва талаблари билан чиқа бошладилар. Мамлакат инқилобий чиқишилар билан қамраб олинди. Николай II нинг олдида иккита йўл бор эди: ҳарбий диктатура жорий қилиш ёки мухолифатчи-инқилобчи гурухлар орасига раҳна солувчи кенг либерал – конституцион ислоҳотларни эълон қилиш. Императорнинг биринчи йўлга мойиллиги бор эди, аммо кучлар етишмасди. Буюк князь Николай Николаевич унга таклиф қилинган Бутунроссия диктатори лавозимини рад этди. Императорга тақдим қилинган «Давлатни бошқаришиңи такомиллаштириш тұғрисида» манифест муаллифи С.Ю. Витте иккинчи йўлни сабот билан ҳимоя қилди ҳамда унинг ва буюк князь Николай Николаевичнинг таъсири остида 1905 йил 17 октябрда Николай II ушбу манифестни имзолади.

17 октябрь манифести, биринчидан, «шахснинг дахлсизлиги, виждон, сўз, йиғилишлар ва иттифоқларга бирлашиш эркинлиги га асосланган фуқароларнинг ажralmas хукуқларини аҳолига инъом этиш» зарурлигини эълон қилди. Иккинчидан, «хозир сайлов хукуқларидан бутунлай маҳрум қилинган синфлар ҳисобига» думанинг сайловчилари таркибини кенгайтириш ҳақида баён қилинди. Учинчидан, «Давлат думасининг тасдигисиз бирорта қонун кучга кирмаслиги бузилмас қоида» сифатида ўрнатилди. Бирлашган Вазирлар совети тузилганлиги эълон қилинди. Вазирлар фаолиятининг қонунийлиги устидан дума назорати ўрнатилди. Бирок манифестда табақалар ва миллатлар ўртасидаги тенглик ҳақида, тенг сайлов хукуқи тұғрисида, хукumatнинг дума одида жавобгарлиги ҳақида айтилмади. Оқибатда ҳокимият ва жамият ўртасидаги кейинги тұқнашувлар учун асос сақланиб қолди. 17 октябрдан кейин уни ривожлантирувчи қатор ижтимоий-сиёсий қарорлар қабул қилинди. 21 октябрда сиёсий амнистия эълон қилинди, Финляндиянинг конституцион хукуқларини таҳқирловчи чекловлар олиб ташланди. Манифест Николай II хукмронлиги давридаги энг аҳамиятли ён бериш бўлди. Давом этаётган инқилоб шароитида давлатнинг ҳимоясига муҳтож бўлган аҳолининг юқори ва ўрта қатламлари мухолифатчилик ҳаракатидан қайтдилар. Мамлакат-

да анъанавий – монархистик типдаги партиялар ва ташкилотлар вужудга келди. «Рус кишилари иттифоқи», «Рус халқи иттифоқи» кабилар шулар жумласидан. Бундан ташқари консерватив ва либерал ғояларнинг аралашувини ўзида акс эттирган «17 октябрь иттифоқи» партияси, либерал ҳаракатнинг сўл қанотини жамлаган Конституцион-демократлар партияси ва бошқалар ташкил топди. Москва, Петербург каби шаҳарларда ишчи депутатлари Советлари ташкил қилиниб, булар ҳам реал кучга айланади. Уларда социалистик партияларнинг роли ва таъсири анча кучайди.

1906 йил бошидаги энг муҳим воқеа Давлат думасига ўтказилган сайловлар бўлди. Думада кадетлар 179 та, автономчилар 63 та, меҳнаткашлар партияси 97 та, социал-демократлар 18 та ва партиясизлар 105 та ўринларга эга бўлдилар. Дума раиси қилиб кадет профессор С.А. Муромцев сайланди. Думадаги кадетларнинг бир қисми кескин сиёсий талаблар билан чиқди. Асосий масала помешчикларга қарашли ерларни бўлиш муаммоси эди. Бу масалада бирон бир келишувга эришилмагандан сўнг подшо 1906 йил 9 июлда I Давлат думасини тарқатиб юборди. Шу куни Вазирлар советининг янги раиси этиб П.А. Столипин тайинланди. Думанинг тарқатилиши куролли қўзғолон сари йўл тутган социалистик партиялар учун яхши имконият яратди. Аммо П.А. Столипин ҳукумати инқилобни бостириш учун кескин чоралар қўллашга ўтди. 1906 йил августда Болтиқ қўзғолони бостирилгандан сўнг ҳарбий – дала судлари тўғрисида фармон қабул қилинди. Суд ишлари 48 соат ичida кўриладиган бўлди. 1906 йил августдан 1907 йил апрелгача ҳарбий-дала судларининг ҳукмига кўра 1100 киши қатл қилинди. Ҳарбий-дала судлари билан бир пайтда ҳукуматнинг ижобий ҳаракатлар дастури ҳам эълон қилинди, П.А. Столипин кейинчалик бу дастурлар билан II ва III Давлат думаларида нутқ сўзлади. Унинг йўли кисқа қилиб айтганда, консерватив-ислоҳотчилик йўли эди. Намуна тариқасида Бисмарк давридаги Германиянинг ижтимоий-сиёсий модели олинди. Ислоҳотлар 10–20 йилга мўлжалланган эди. Мамлакатда вужудга келган сиёсий режим бошланаётган ислоҳотларнинг асосий кафолати Столипин шахсининг ўзи эди. У ҳукуматнинг асосий вазифаси Россиянинг бир бутунлиги ва буюк давлат мақомини сақлаган ҳолда уни ҳуқуқий давлатга айлантиришда деб биларди.

П.А. Столипин фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири аграр ислоҳотни амалга ошириш бўлиб қолди. Унинг натижасида фақат

25% дехконлар жамоадан ажралиб чиккан ва хуторлар умумий дехкон хўжаликларининг бор-йуги 10% ини ташкил қилган бўлсада, ислоҳотларнинг умумий таъсири шунчалар кучли бўлдики, 1915 йилга келиб Россияда етиштирилган ғалланинг ялпи ҳажми аср бошидагига нисбатан 1,7 марта кўпайди.

Бу даврда инқилобчи-террорчиларга қарши қураш ҳам хукumatнинг эътибор марказида бўлди. 1906–1910 йиллари 3925 киши террорчиликда айбланиб, суд хукмига кўра қатл қилинди (1906–1907 йиллари инқилобий террордан 4126 нафар амалдор ҳалок бўлган)<sup>1</sup>.

Бу даврнинг яна бир муҳим жиҳати Думанинг барқарор фаолият юритиши ва унинг натижасида партиялар сиёсий фаолиятлари учун ҳукуқий майдоннинг вужудга келганлиги бўлди.

1911 йил 1 сентябрда П.А. Столипин Киевда инқилобчи-террорист томонидан оғир ярадор қилинди ва вафот этди. Унинг ўрнига келган В.Н.Коковцевни подшо оиласи Столипин сиёсатини давом эттираслик түғрисида огоҳлантириди.

П.А. Столипин ўлимидан кейин унинг саъи-ҳаракатлари билан шакллантирилган ва Россияда ислоҳотларни амалга оширишга имкон берадиган ички барқарорлик барҳам топди. Бир қанча сиёсий жанжаллардан сўнг император ва ҳукumatнинг обрўси кескин тушиб кетди. Россия шундай шароитда Биринчи жаҳон урушига кириб келди. Урушдан олдин С.Ю. Витте ва консерватор П.Н. Дурново мамлакатнинг урушга тайёр эмаслиги ҳақида императорни огоҳлантиридилар. П. Дурново агар урушга кирилса, Россияни ижтимоий инқилоб ва «келажаги йўқ анархия кутаяпти, унинг натижасини ҳатто тахмин ҳам қилиб бўлмайди», дея башорат қилган эди.

\* \* \*

XIX асрдаги сезиларли муваффақиятларга қарамасдан, XX аср бошлирида ҳам Россия Европанинг энг қолоқ давлатларидан бири бўлиб қолаётган эди. Қолоқлик сабабларининг биринчиси, Россия қолоқ қишлоқ хўжалигига эга бўлган аграр мамлакат бўлиб, бу тараққиётга тўсик бўлаётган эди. Иккинчидан, кишилардаги ташаббускорлик ва тадбиркорликка тўсик бўлаётган қолоқ сиёсий

<sup>1</sup> История России с древнейших времен до начала XXI века: учебное пособие для студентов вузов /М.М. Горинов, А.А. Горский, А.А. Данилов и др. – М.: Дрофа, 2005. С. 266.

тизим ва кучли бюрократик аппарат мавжуд бўлиб, у Россияни Европанинг илғор давлатларига нисбатан ўзига хос «сиёсий музейга» айлантириб қўйган эди.

## Х боб бўйича саволлар

1. XIX аср бошларида, Наполеон урушларидан сўнг Россиянинг европача тараққиёт йўлига кириб олиши учун қандай имкониятлар мавжуд эди?
2. XIX асрнинг биринчи ярмида Россиянда жадал тараққиёт учун вуждуга келган имконият нима сабабдан бой берилди?
3. Крепостной ҳуқукнинг бекор қилиниши нима учун Россия тараққиётида янги йўналишни белгилаб берди?
4. XIX асрнинг биринчи ярмида Россия давлат тузумини ислоҳ қилиш учун қандай ҳаракатлар амалга оширилди?
5. Россиянда ижтимоий-сиёсий харакатларнинг қандай босқичларини ва вакилларидан кимларни биласиз?
6. XIX асрда Россия ҳудудини кенгайтириш қайси йўналишларда олиб борилди?
7. 1860–1870-йиллари қандай вазифа Россия ташқи сиёсатининг асосий мазмунини белгилайди?
8. XIX аср рус адабиёти ва санъатида қандай асосий мавзу ва йўналишлар мавжуд эди?
9. XIX аср охири – XX аср бошларида Россия иқтисодий тараққиётида қандай ўзгаришлар юз берди?
10. 1905–1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби қандай ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга олиб келди?

## XI БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ШИМОЛИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ

XIX аср Шимолий Европа давлатлари учун барқарор тараққиёт даври бўлди. Улар энди Европа сиёсий муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнамаётган бўлсаларда, ўз мамлакатлари доирасида ривожланишнинг етарли асосланган йўлига чиқиб олдилар.

**Швеция.** 1796 йили тахтга 18 ёшли Густав IV келди. Ёш қирол абсолют монархия ва «илоҳий ҳуқуқ» фоялари билан қуролланган ҳамда ўз фаолиятида уларни жорий қилишга аҳд қилган эди. У отаси Густав III нинг ҳамма салбий хислатларини ўзида сақлаган ҳолда, унинг бирорта ҳам ижобий хислатини ўзига олмаган, Ев-

ропа монархларининг орасида ўзига муносиб ўрин олиш учун жудаям чекланган эди. Францияда Наполеон ўзини император деб эълон килгунча Густав IV кўзга ташланмади, ташки сиёсатда бетараф давлатлар лигасига қўшилди. Аммо Наполеонга нисбатан бўлган кўр-кўрона нафрат туфайли қилган ҳаракатлари Швецияни жар ёқасига олиб келди. 1805–1807 йиллардаги урушда шведлар тўхтовсиз мағлубиятга учради, французлар Померанияни эгаллади, Тильзит сулҳи натижасида Финляндия Россияга ўтиб кетди.

Кирол ва унинг сиёсатидан норози қатламлар 1809 йил марта мемлакатда давлат тўнтариши уюштирдилар. Густав IV тахтдан ағдарилиб, сейм қарорига кўра мемлакатдан ҳайдаб юборилди. Зюдерманланд герцоги Карл XIII номи билан тахтга келди. 1809 йили 7 июня қабул қилинган конституция буржуача тараққиёт йўлини белгилаганлиги, сейм ва сенатга улар илгари йўқотган ҳокимиятни қайтарганлиги учун анча узоқ вақт амал қилди.

**Норвегия билан унияга бирлашиши.** 1814 йил январда Дания билан тузилган Киль шартномасига биноан Норвегия Швеция таркибига қўшилиши лозим эди. Шартномани Россия билан Англия маъқуллашларига қарамасдан Норвегия Киль шартномасини қабул қилишни истамади ва мустақиллик талаб қилиб, Дания шахзодаси Кристиан-Фридрихни кирол деб эълон қилдилар. Шведлар Норвегияга бостириб кирди ва низо 1814 йил 14 августда Моссе деган жойда келишув билан якун топди. Унга биноан Кристиан-Фридрих Норвегия тахтига бўлган даъвосидан бутунлай воз кечди (кейинчалик у Кристиан VIII номи билан Дания қироли бўлди), Швеция қироли Карл XIII Норвегиянинг ҳам қироли деб эълон қилинди. У 1814 йил 17 майда Норвегия Таъсис мажлиси томонидан қабул қилинган конституцияни кичик ўзгаришлар билан маъқуллади. Шутариқа Киль шартномасида кўзда тутилгандек, Норвегия Швецияга қўшиб олинмасдан, икки давлат бирлашиши ҳақидаги уния имзоланди. Вена конгресси бунга деярли ўзгариш киритмасдан маъқуллади. Швеция Наполеон урушлари давридан худудини кенгайтирган ва аҳолисининг фаровонлиги ошган тарзда чиқди. Аммо давлатнинг йўқотишлари катта, уруш мамлакат ҳаётида анча оғир изқолдирган эди.

Карл XIII фарзандсиз бўлганлиги сабабли унинг ёши ўтиши билан тахт вориси масаласи долзарб бўлиб борди. Бу масаладаги айрим ички келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ворисни

четдан, яъни бошқа мамлакатдан таклиф қилишга қарор қилинди. Дастьлаб ворис сифатида Дания шаҳзодаси танланган эди, аммо у тусатдан вафот этганилиги сабабли Наполеон маршалларидан бири Жан Батист Бернадот шаҳзодаликка таклиф қилинди. У Карл XIII га ўғил тутиниб, шведча Карл Юхан номини олди.

1815–1844 йиллари мамлакатни Карл XIV Юхан бошқарди. Карл XIV Юхан, унинг ўғиллари ва набиралари бошқарган давр Швеция учун муваффақиятли бўлди. Бу даврда Швеция шиддат билан бўлмасада, аммо бир текис буржуача ривожланиш йўлидан борди. Сиёсий кураш ҳукумат билан мухолифат ўргасида, асосан сейм доирасида олиб борилди. Натижада бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Шулардан, 1816 йили Норвегия эмиссия банкига асос солинди, 1822 йили омонат кассалари фаолият юрита бошлади. Маъмурий бошқариш ҳам такомиллаштирилиб, 1837 йили жамоа йиғинлари ҳақида муҳим бир қонун қабул қилинди. Виждон эркинлиги, эркаклар учун умумий сайлов ҳукуки берилди. 1842 йили жиноят кодекси эълон қилинди.

Сиёсий тизим ҳам ўзгарди: аёлларга тахт ворислиги ҳукуки берилди; қишлоқларда ўз-ўзини бошқариш жорий қилинди; риксадаг ҳар уч йилда чақириладиган бўлди ва унда ҳақиқий сиёсий партиялар пайдо бўлди; ишчилар касаба уюшмаларига бирлашиб, ўз ҳукуқларини ҳимоя қила бошладилар.

Саноат ва қишлоқ ҳўжалигидаги муваффақиятларга янги техник усулларни жорий қилиш эвазига эришилди. Ҳукумат янги даврга мос равишда таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. 1811 йили Олий дәҳқончилик мактаби, 1821 йили Кончиллик мактаби очилди. Аҳолини қишлоқ ҳўжалигидаги янги усуллар билан таништирувчи бир қатор амалий мактаблар фаолият юритди. Ҳукумат маҳсус таълимдан ташқари умумий таълимни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. 1842 йилги фармон билан ҳар бир жамоада мактаб қуриш топширилди.

Ипотека кассалари очилиб, дәҳқонлар ўзлари учун зарур пул маблағларини олиш имкониятига эга бўлдилар.

1844 йил қирол Карл XIV Юхан вафот этди. Тахтга қиролнинг ёлғиз ўғли Оскар I келди. Унинг тахтга келишини айниқса мухолифатчи партиялар вакиллари қизғин олқишилади. Оскар охирги йиллари отасининг эътиборини қозона олмаган бўлсада, мухолифатчилар орасида катта обрўга эга эди. Шунга қарамасдан у

отасининг прогрессив ишларини давом эттириб, таълим ва маданият, савдо ва саноат соҳаларида бирмунча муваффакиятларга эришиди.

1848 йилги инқилобдан кейин Европанинг бир қатор мамлакатларида қатагонлар кучайди. Худди шу ҳол Швецияда ҳам юз берди. Бу ерда энди инқилоб сабабли эмас, қирол қарашларидаги ўзгариш туфайли юз берди. Дастрраб либерал қарашга мойил бўлган Оскар I кейинчалик консерваторлар томон огиб кетди. Режалаштирилган кўплаб ислохотлар, жумладан, конституцияга киритиладиган ўзгаришлар қабул қилинмасдан қолди. Оскар I 1859 йил вафот этди ва ўрнига ўғли Карл XV келди.

Карл XV Швециянинг энг машҳур қиролларидан бири, ўз халқи орасида жуда катта ҳурматга сазовор бўлган қирол эди. Унинг даврида саноат ва савдони ривожлантириш мақсадида янги заводлар, каналлар ва темир йўллар курилди. Каналларнинг энг йириги Гета-канал мамлакатнинг шарқий ва ғарбий қисмини Марказий Швеция билан боғлади. Демографик ҳолат ҳам ўзгарди: 50 йил ичida (1815–1865 йиллар) мамлакат аҳолиси 60% га ўсди. Бу Швеция тарихида энг юқори кўрсаткич эди. Аммо аҳолининг бу тарика ўсиши озиқовқат танқислигига олиб келди, одамлар камбағаллашиб, шаҳарларга иш излаб кетувчилар кўпайиб борди.

Аслида Швециянинг шиддат билан ривожланиши XIX асрнинг охирги ўн йилликларида бошланди. Унгача Швеция, юқорида айтилган ўзгаришларга қарамасдан, Европанинг энг камбағал мамлакатларидан бўлиб қолаётган эди. Пойтахт Стокгольм энг ифлос шаҳар ҳисобланарди. Бу ерда бойлар билан камбағаллар ўртасидаги фарқ жуда катта эди. Аҳвол Швециянинг номини дунёга машҳур қилган кишилар туфайли ҳам тез ўзгариб борди. Масалан, шарикоподшипниклар ишлаб чиқарувчи SKF заводи курилди, Густав де Лаваль (1845–1913) сут сепараторларини ихтиро қилди. Ларс Мангус Эрикссон (1846–1926) эса телефон аппаратлари ишлаб чиқара бошлади. 1912 йилги физика соҳасидаги Нобель мукофоти лауреати Нильс Густав Дален (1869–1937) маёқларни тўлиқ автоматлаштириди. Энг машҳур ихтиро албатта Альфред Нобелнинг динамити бўлди. Унинг ўзи тинчликсевар киши бўлганлиги учун катта маблағ тўплаб, уз фондини ташкил қилди ва «инсоният тараққиётига катта хисса қўшган» кишилар фаолиятини турли соҳалар бўйича мукофотлашни васият қилди.

XIX аср охири – XX аср бошлари Швеция тараккиётида бурилиш нүктаси бўлди. У тинчлик пайтида иттифокларга қўшилмаслик, уруш пайтида эса нейтралитетни саклаш принципига амал қилиб, асосий эътиборни мамлакатнинг ички муаммоларини ҳал қилишга, иктиносидиётни ривожлантиришга қаратди.

Швецияда 1895 йили Европада биринчи электрлашган темир йул курилди.

*Норвегиянинг Швециядан ажralиб чиқиши.* XX аср бошларида ҳам Европада миллий ҳаракат ўз долзарблигини сақлаб қолаётган эди. Бу ҳаракатнинг ёрқин кўринишларидан бири 1905 йили Норвегиянинг Швециядан ажralиб чиқиши бўлди. Норвегия 1814 йилдан Швеция таркибида бўлсада, ўзининг конституцияси, хукумати, суд ва молия тизими, маъмурияти ва армиясига эга эди. Аммо унинг мустақиллиги иктиносидий ва ташки алоқалар масалаларида чекланган бўлиб, бу ҳолат норвег ҳалқи, айниқса буржуазиясини қаноатлантирмаётган эди. Капиталистик муносабатлар ривожланиши билан норвег буржуазияси ички бозорни эгаллаш ва ташки бозорга чиқиш учун ҳаракат бошлади. Швед хукумати бунга қарши бўлғанлиги сабабли икки ўргада мунозаралар бошланиб кетди. 1905 йил июнда Норвегия хукумати Швециядан ажralиб чикканлигини зълон қилди. Бу қарор шу йил август ойида ўтказилган референдумда аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-куватланди. Швеция Норвегиянинг ажralиб чиқишини тан олишга мажбур бўлди ва у билан муносабатларини тартибга солди.

*Дания.* Францияда инқилоб бошланган 1789 йили Данияда қирол Кристиан VII хукмронлик қилаётган эди. У мамлакатни бошқаришда шахсан иштирок этмаганлиги сабабли, 1784 йилдан реал ҳокимият таҳт вориси шаҳзода Фридрихга тегишли эди. Айнан у, Фридрих VI, 1808 йилдан таҳтга ўтириб, Данияни бошқарди. Унинг даврида Данияни бошқаришга истеъдодли ва қобилиятли бир қатор вазирлар жалб қилинган бўлиб, улар орасида граф Андрей-Петр Беристорф айниқса катта роль ўйнади. У хукуматни бошқарган йиллари юритилган оқилона ташки сиёsat Данияга ўз бетарафлигини сақлаб қолиш ва савдони ривожлантириш имкониятини берди ҳамда ички сиёsatда либерал анъаналарнинг кучайишига олиб келди. Мамлакатда ишчанлик ва тараққиёт руҳи ўрнатилди. Афсуски, бу жараён узокқа чўзилмади. Тильзит сулҳини имзолаш пайтида рус подшоси Александр I ва Наполеон Бонапарт Данияни

қитъя қамали сиёсатига мажбуран жалб қилиш ҳақида келишиб олган эдилар. Дания ўзининг доимий нейтралитетини эълон қилишга қарамасдан, шу тариқа мажбуран урушга жалб қилинди. Агар Швеция урушдан ва инқилоблар давридан ўз худудини кенгайтирган ва бойиган ҳолда чиққан бўлса, Дания ўзининг эҳтиёткорона сиёсатига қарамасдан вайрон бўлган ва йўқотилган Норвегия учун арзимас товон олган ҳолда урушни якунлади.

1815 йил уруш якунланганда Даниянинг иқтисоди 1813 йилги банкрот оқибатида нихоятда оғир ахволда эди. Ҳолат урушдан кейин бирданига яхшиланмади. Аксинча, бир неча қурғоқчилик йиллари аҳволни янада оғирлаштируди. Кишлокларда 1820 ва 1826 йиллар оралиғида ҳақиқий инқироз бошланди ва кўплаб дехқонлар ва ҳатто ўрта ҳол кишилар ҳам солик тўлай олмаганлиги учун уларнинг ер мулклари олиб қўйилди. Шундай ҳолатда мамлакат иқтисоди аста-секин бўлсада тиклана борди. Үн йил ичида четга дон чиқариш икки баробар ошиб, давлат қарзлари 6 миллион талергача камайди. 1839 йил қирол Фридрих VI вафот этиб, тахтга жияни Кристиан VIII келди. Унинг тахтга келишидан аҳоли, айниқса либераллар катта янгиликларни кутган эди. Бироқ янги қирол фақат айrim маъмурий чекловларни олиб ташлаш ҳақидаги ваъдалар билан кифояланди. Натижада сўл кучларнинг матбуотда унга қарши кампанияси бошланди. Қирол ён беришга ва конституция лойиҳасини тайёрлаш учун топшириқ беришга мажбур бўлди. Аммо у конституцияни эълон қилишга улгурмасдан 1848 йили вафот этди. Кристиан VIII фаолиятидан сўлларнинг норозилигига қарамасдан, Дания учун у умуман муваффақиятли бўлди дейиш мумкин. Қирол сиёсий эркинликлар беришдан бош тортган бўлсада, ўз ваъдасига биноан маъмурий ислоҳотни ўтказди, армияда тан жазосини бекор қилди, мустамлакалардаги негрларни озод қилиш борасида ҳам баъзи тадбирлар амалга оширилди. Қиролнинг бошқа тадбирлари ҳам аҳоли томонидан маъқулланди. Масалан, Копенгагендаги бошланғич мактабларни қайта ташкил қилиш, жиноят қонунчилигини ва пенитенциар<sup>1</sup> тизимни қисман ўзгартириш кабиллар шулар жумласидан. Бу йиллари молияни бошқариш ҳам анчагина муваффақиятли бўлди: давлат қарзлари бир неча мил-

<sup>1</sup> Пенитенциар – (лотинчадан олинган, тавба қилдирадиган, ахлоқ тузатадиган маъноларини беради) – турма ва шу типдаги ахлоқ тузатиш ташкилотлари.

лионга камайди, давлат даромадлари эса 1841 йилдан 1848 йилгача 16 миллиондан 18 миллион талергача ошди.

Хуллас, Кристиан VIII унга юклатилган ҳамма умидларни окламаган бўлсада, умуман олганда унинг даври Дания учун муваффакиятли бўлди. Бу даврда Шлезвиг ва Гольштейн герцогликлари муаммоси авжига чиқиб, оқибатда 1848 ва 1863 йиллардаги урушга олиб келди. Маълумки, Шлезвиг ва Гольштейн герцогликлари 1815 йили Данияга бирлаштирилган бўлиб, ахолисининг асосий қисмини немислар ташкил қиласарди ва шу сабабли суд ишлари ва таълим немис тилида олиб борилар эди. XIX асрда бутун Европада миллий онгнинг кескин ўсганлиги, миллий туйғуларнинг олдинги ўринга чиққанлиги Данияда хам бу муаммонинг кескинлашувига олиб келди.

1848 йили таҳтга келган Фридрих VII олдида отаси ҳал қилишга улгурмаган иккита муаммо қўндаланг турарди: конституция қабул қилиш ҳамда Шлезвиг ва Гольштейн муаммолари. Фридрих VII таҳтга келиши билан фуқароларининг хоҳишларини қондириш мақсадида 1848 йил 28 январь куни манифест имзолаб, конституция эълон қилди. Унинг мазмуни қисқача шундай эдик, Фридрих VI томонидан ўрнатилган провинциялар сеймлари билан бир қаторда, тўғрироги улар устидан бутун монархия учун умумий сейм жорий қилинib, у солик, молия ва қонунчилик масалаларини тартибга солади. Шундан сўнг ўз даври учун ўта демократик асосда сайланган Таъсис мажлиси 1849 йил 5 июнда янги конституцияни қабул қилди. Иккинчи муаммо – Шлезвиг ва Гольштейн анча тортишувлар, Австрия ва Пруссия аралашувидан кейин 1854 йил февралда Шлезвигда, шу йил июнда Гольштейнда конституция эълон қилиниш билан яқун топди. Конституциялар провинциялар сеймларига маҳаллий масалаларни ҳал қилишда маслаҳат хуқуқини берди. Аммо 1855 йили қабул қилинган конституция қироллик учун умумий сеймни жорий қилиб, унга кенг ваколатларни яратиб берди. Бундан норози бўлган провинцияларни Австрия ва Герман иттифоқи қўллади. Натижада муаммо янгидан авж олди. Можаро авжига чиққан вактда 1863 йил 5 ноябрь куни қирол Фридрих VII вафот этди.

Таҳтга келган Кристиан IX муаммони куч билан ҳал қилишга қарор қилиб, Гольштейнга қўшин жўнатди. Бунга жавобан немис давлатларидан Саксония ва Ганновер Гольштейнга қўшин киритди, Австрия-Пруссия армияси эса Гольштейн орқали Шлезвигга йўл

олди. Албатта Дания армияси бу кучларга қарши турға олмас эди. Дания урушни бой беріб, 1864 йил 30 октябрь куни Венада тинчлик сұлхи тузилди. Үнга биноан Дания Шлезвиг, Гольштейн ва Лауэнбург герцогликларидан Пруссия ва Австрия фойдасыға воз кечди. Мамлакатнинг янги ҳолатидан келиб чиқиб, 1866 йили янги конституция эълон қилинди. Қачонлардир катта ва кучли бўлган Дания иккинчи даражали давлатга айланди.

\* \* \*

XIX аср охирларидан бошланган ўзгаришлар туфайли Швеция Европанинг энг бой давлатларидан бирига айланди. Ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг «Швед модели» тушунчаси муомалага кириб борди.

XX аср бошларидан мустақил давлат бўлиб ажралиб чиққан Норвегия ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди.

XIX асрнинг охирги чораги – XX асрнинг бошлари Данияда консерваторлар билан мұтадил либераллар ўртасидаги кураш билан ўтди. Бу кураш Дания тараққиётининг йўналишлари түғрисида бўлиб, асосан фолькетинг (Дания парламентининг қуи палатаси) доирасида амалга оширилди.

## XI боб бўйича саволлар

1. XIX аср Швеция тараққиётида қандай асосий босқичларни кўрсатиш мумкин?

2. 1905 йили Норвегиянинг Швециядан ажралиб чиқишининг асосий сабаблари нимада?

3. Фридрих VI ва Фридрих VII даврида олиб борилган сиёsat натижасида Дания иктисодида қандай ўзгаришлар юз берди?

4. XIX аср охирине – XX аср бошларидаги ўзгаришлар Шимолий Европа давлатлари тараққиётида қандай аҳамиятга эга бўлди?

## XII БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА БОЛҚОН МАМЛАКАТЛАРИ

XIV–XV асрларда Болқонда ўрнатилган турклар хукмронлиги XIX асрғача, баъзи худудларда эса XX асрғача сақланиб қолди. XVII асрдаёт болқон халқларининг катта қисми ўз давлатларига эга эмасди. Айрим жанубий славян ерлари турклар босқини хавфи остида габсбурглар ҳомийлигига ўтди.

**Серблар.** Россиянинг ёрдамига таянган серблар 1793–1794 йиллари Белград подшолигига автономия берилишига эришдилар. Султон фармони билан Белград подшолигига ўз бошлиқларини сайлаш ва эркин савдо қилиш хукуки берилди. Автономия Сербиянинг иқтисодий тараққиёти учун қулай шароит туғдирди, ҳунармандчилик ва савдо ривожланди, шаҳарлар тараққий эта бошлади. Бироқ 1801 йили турк султонига мухолифатда бўлган Видин подшоси Пазван ўғли<sup>1</sup> Сербияга қўшин киригib, уни ўз хукмронлиги остига олди.

XIX асрнинг бошларида серб ҳалқининг турклар хукмронлигига қарши кураши ўзининг ҳал қилувчи босқичига ўтди. Миллий-озодлик учун курашда серб ҳалқининг турли қатламлари бирлаша бошлади. 1804 йил бошларида яничарлар томонидан серб ҳалқининг бир қатор кўзга кўринган арбоблари қатагон қилиниши ҳалқ қўзғолонига сабаб бўлди. Кўзғолонга серб буржуазиясининг кўзга кўринган вакилларидан бири Қорагеоргий Петрович<sup>2</sup> бошчиллик қилди. Кўзғолончилар 1804 йили ёки бир қанча қалъаларни эгаллаб, уларда мустаҳкам ўрнашиб олдилар. Қорагеоргий Петербургга делегация йўллаб, руслардан ёрдам сўради, бошқа бир делегацияни Истамбулга жўнатиб, султондан автономия ва яна бир қанча енгилликлар берилишини талаб қилди. Туркия бу талабларни рад этди. Сербия мустақиллиги учун кураш туркларнинг помешчик ер эгалигини тугатиш билан боғлиқ эди. Шу сабабли бу кураш фақат миллий-озодлик эмас, антифеодал ҳарактерга ҳам эга эди.

1806 йили Россия Туркияга қарши урушга кирди. Рус армиясининг ёрдами сербларнинг муваффакиятига замин тайёрлади. 1807 йили қўзғолончилар билан Россия ўртасида шартнома имзоланди.

<sup>1</sup> Пазван ўғли (1758–1807) – исломни қабул килган боснияликлардан бўлиб, Болгария, Сербиянинг бир қисмини турклардан озод қилган ва бу ерларни мустақил бошқарган, ҳатто пазванчети деб аталган ўз танга пулларини ҳам зарб килган. Россия ҳукуматининг унга нисбатан душманлик кайфияти туфайли Австро-Төмөнкундаги империя билан яқинлашган.

<sup>2</sup> Қорагеоргий Петрович (1766–1817) – сербларнинг миллий қаҳрамони, 1787 йили туркларга қарши ҳаракатда қатнашган, мағлубиятта учраб, Австро-Төмөнкундаги империя билан яқинлашган. Чет элга бирга қочишини истамаган ўрай отасини отиб ташлагани учун «қора» лақабини олган. 1813 йилги мағлубиятдан кейин яна Австро-Төмөнкундаги империя билан яшаган. 1817 йили ватанинига қайтган, аммо янги князь Милош Обренович бу ҳақда туркларга хабар бергандан сўнг ўлдирилиб, боши султонга юборилган.

Күзголон жараёнида сербларнинг давлат ташкилотлари шаклланыб борди. Асосий масалаларни Сербия скупишинаси (халқ мажлиси) ҳал қила бошлади. Унга бўйсунган бошқарув ва суд тизими шаклланди. Бошқарув кенгаши тузилиб, унга Қорагеоргий бошчилик қилди. У 1808 йили ўзини Сербиянинг олий хукмдори деб эълон қилди, Бошқарув кенгаши ўрнига вазирлик ҳамда олий суд ташкил қилди. 1812 йили Россия ва Туркия ўргасида имзоланган Бухарест шартномаси Сербиянинг автономиясини кафолатлади. Барча қўзғолончилар авф этилди ва Сербияга ички бошқарув ҳамда солиқлар йигиши бўйича автономия берилди.

Аммо 1812 йили Наполеоннинг Россияга бостириб киргандан сўнг вужудга келган вазиятдан фойдаланган Туркия, Бухарест шартномасини бузиб, Сербияга бостириб кириб, уни даҳшатли жазолади. Кўзғолончиларнинг тирик қолганлари тоғларга яшириндилар, Қорагеоргий бошчилигидаги қўзғолон раҳбарлари Австриядан паноҳ топдилар. Сербияда Усмонийлар империясининг хукмронлиги тикланди.

Мағлубиятдан зўрга ўзига келган серблар, 1815 йилнинг апрелида янги қўзғолон бошладилар. Айни пайтда Россиянинг тўхтовсиз босими ва аралашуви оқибатида турк султони 1820 йили хатти-шариф эълон қилиб, сербларга бир қатор автономиялар ваъда қилди. Бироқ серблар Турк султонининг «инъомини» қабул килмади.

1826 йили имзоланган Аккермен шартномасига биноан Сербияга ички автономия берилиб, сипоҳийлар мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши лозим эди. Аммо турклар томонидан бу шартноманинг бажарилиши чўзилганлиги янги рус-турк тўқнашувига олиб келди. 1827 йили Наварин жангидаги турк флоти тор-мор қилинди, 1829 йили руслар армияси Истамбулга яқинлашдилар. Султоннинг 1829 йилги фармони билан Сербия Милош Обренович<sup>1</sup> хукмронлигидаги вассал князлик деб эълон қилинди. 1833 йилги султон фармони билан эса Сербиянинг ҳудудий чегаралари, маъмурий бўлиниши (6 та нохия) ва туркларга тўланадиган йиллик хирож ҳажми белгиланди. Шу икки фармон асосида Сербияда турк ер эгалигига

<sup>1</sup> Милош Обренович (1780–1860) – асли фамилияси Теодорович, жангда ҳалок бўлган дўсти Обренович шарафига унинг фамилиясини олган. Обреновичлар князлик сулоласининг асосчиси, 1815–1839 ва 1858–1860 йиллари Сербия князи, асли чўпон бўлган.

ҳам барҳам берилди. Серб зодагонлари – великашлар – йирик ер эгаларига айландилар ва ерга эгалик қилишнинг буржууача принциплари ўрнатилди. Буларнинг барчаси мамлакатда капиталистик муносабатлар ривожланиши учун шароит яратди.

Сербия князлигига Милош Обренович жуда катта ҳокимиятга эга бўлди. Аммо унинг истибоди серб зодагонлари ва йирик амалдорларнинг қаршилигига учради. Улар 1835 йили Скупшчина чақириб, ўз талабларига жавоб берадиган конституция қабул қилишга эришдилар. Бу конституция фуқаролар тенглиги, мулк дахлсизлиги кабиларни эълон қилиб, Скупшчинани доимий фаолият кўрсатувчи органга айлантирди. Бироқ конституциядан Туркия, Австрия ва Россия монархлари норозилиги сабабли Милош Обренович уни бекор килди.

1838 йили Скупшчина янги конституция қабул килди. Унинг матни Россия ва Туркия билан келишилган эди. Бу конституция сербларнинг миллий-озодлик ҳаракати натижасида эришган ютуқларини қонунлаштириди. Шунингдек, у феодал муносабатларнинг қайта тикланишини тақиқлади, савдо эркинлигини ўрнатди, князь ҳокимиятини чеклади. Амалда ҳокимият турк султони томонидан умрбод тайинланадиган «17 лар Кенгashi» деб аталувчи конституция тарафдорлари бўлган бир гуруҳ серб зодагонлари қўлига ўтди. Бу билан келиша олмаган Милош Обренович истеъфога чиқиб, мамлакатни тарк этди. Скупшчина тахтга Обреновичларнинг муҳолифи бўлган Александр Корагеоргиевични сайлади. Унинг даврида конституция тарафдорларининг ҳокимияти кучайиб, Россиянинг таъсири камайиб борди. Бу даврда серблар Австрия билан яқинлашдилар.

Корагеоргиевич билан конституция тарафдорлари ўртасидаги кураш 1858 йили чақирилган (1858 йил 30 ноябрь – Авлиё Андрей кунида чақирилганлиги учун унинг номи билан аталган) Скупшчина Корагеоргиевични тахтдан тушириб, либерал ислоҳотлар ўtkазишга розилик билдириган Милош Обреновични қайтадан тахтга таклиф қилди. Конституция тарафдорларининг ҳукмронлигига барҳам берилиб, қонунчилик ҳокимияти ҳар уч йилда чақириладиган Скупшчина қўлида тўпланди, сенаторларни тайинлаш ва бўшагиши Сербия князига bogлиq бўлиб қолди.

1876 йили серб ҳукумати Туркиядан ахолиси асосан серблар бўлган қўшни вилоятлар – Босния ва Герцеговинани озод килишни

талаб қилди. Бу талабга ҳеч қандай жавоб олмаган князь Милош Обренович Туркияга уруш эълон қилди.

1878 йили Россия билан Туркия ўртасида имзоланган Сан-Стефано шартномасига биноан уруш яқунланиб, Сербиянинг (Черногориянинг ҳам) тўлиқ мустақиллиги эълон қилинди, Сербия суверен давлат бўлиб қолди.

Кейинги ўн йил Сербия учун жадал ривожланиш даври бўлди. Йирик ер эгалари давлат қурилишида Австриядан намуна олган консерватив йўлни ҳимоя қилаётган бўлсалар, буржуазия парламент тузуми ва ташқи сиёсатда Россия билан яқинлашиш учун кураш олиб бордилар. Давлат тузилиши тўғрисидаги бу зиддият янги, 50 йил ичидаги учинчи конституцияда ўз аксини топди. 1888 йили қабул қилинган бу конституция қиролнинг Скупшчина депутатларини тайинлаш ҳукуқини бекор қилди ва биринчи марта скупшчинани тўлиқ маънодаги конунчилик органига айлантириди. Вазирлар кабинети ва премьер-вазир парламентда кўпчиликнинг овозига эга бўлиши лозим эди. Шундай қилиб серб буржуазияси тантана қиларди, аммо кейинги воқеалар тантана учун ҳали вақт этилмаганлигини кўрсатди.

1893 йили амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида Сербияда чекланмаган монархия тузуми тикланди, қирол ва унинг яқинлари шу тариқа мамлакатни яна 15 йил бошқардилар. 1903 йилги навбатдаги давлат тўнтариши натижасида қирол, унинг оила аъзолари ва яқин маслаҳатчилари қатл қилинди ҳамда 1888 йилги конституция тикланди.

Буржуазиянинг «радикал партияси» Скупшчинада кўпчилик овозга эга бўлиб, ҳукумат туздилар. Бу ҳукумат даврида Сербиянинг ташқи сиёсати Австрияга зид ва руспарастлиги билан характерлана-ди. Бундай шароитда Австрия фаол ҳаракат қилишга қарор қиласди. 1908 йил октябрда аҳолиси серблардан иборат ва Сербия билан бирлашиш азалий орзузи бўлган иккита йирик вилоятлар – Босния ва Герцеговина Австрия томонидан аннексия қилинади. Сербларнинг миллий ғурури қаттиқ ҳакорат қилинган эди. 1914 йил 28 июнда босиб олинган Босния бўйлаб сафарда юрган Австрия эрцгерцоги Франц Фердинанд ўлдирилди. Бу воқеа аллақачон тайёрланган Биринчи жаҳон урушининг бошланишига олиб келди.

**Болгария.** Болгарияда миллий-озодлик курашининг дастлабки кўринишлари серб ва грек халқларининг XIX асрнинг биринчи яр-

мидаги құзғолонлари таъсири остида пайдо бўлди. Болгарларнинг бир қисми Туркия билан уруш ҳаракатлари олиб бораётган рус армиясига кўнгилли бўлиб кирдилар. Туркларга қарши энг йирик қўзғолонлар 1841 йили Ниш ва 1850 йили Видин, Лом, Белоградчино уездларида бўлиб ўтди. Бу қўзғолонлар шафқатсизлик билан бостирилди, кўплаб қишлоқлар ёндирилди, одамлар эса ўлдирилди ёки қул қилинди. Шунга қарамасдан XIX аср ўргаларига келиб Усмонийлар ҳукумати Болгарияда сипоҳий ер эгалигини бекор қилди, бу ерларни дәхқонларга узоқ муддатли қарзга сотди. Ерга эгаликдан ташқари черков ва мактаб ишларида ҳам маълум енгилликларга эришилди. Буларнинг барчаси Болгарияда турклар ҳукмронлигини сусайтирди.

Усмонийлар империясидаги инқирознинг чукурлашуви Болгарияда миллий-озодлик ҳаракатларининг янгидан бошланишига олиб келди. 1876 йили Болгарияда бошланган навбатдаги қўзғолон ҳам мағлубиятга учради. Унинг катнашчилари даҳшатли жазоланди, минглаб кишилар қатл қилинди. Қўзғолон Россиянинг Туркияга қарши уруш бошлашини тезлаштирди. 1877 йил апрелда Россия Туркияга уруш эълон қилди. Ҳарбий ҳаракатлар асосан Болгария ҳудудида: Шипка дөвони, Плевна ва Пловдив шаҳарларида бўлиб ўтди. Бу урушда иккала томондан 190 минг киши ҳалок бўлди. Россия ва Туркия томондан ҳалок бўлганлар сони деярли тенг эди. 1878 йилги Сан-Стефано шартномасига биноан Болгария автоном князлик мақомини олди, Сербия, Черногория ва Руминия тўлиқ мустақилликка эришдилар. Бу урушда Россия ўзининг ҳудудий мақсадларини ҳам кўзлаган эди: Жанубий Бессарабия ва Кавказдаги Кар вилояти Россия ихтиёрига ўтди. Аммо Англия билан Австро-Венгрия бу шартномани тан олмадилар, натижада 1878 йил Берлинда бўлган конференцияда руслар жиддий ён беришларга мажбур бўлди. Жанубий Болгария Туркия ҳукмронлиги остида колдирилди, Австро-Венгрия Босния ва Герцеговинани забт этди, Англия эса Кипрни эгаллаб олди.

Россия-Туркия уруши Россиянинг ҳалқаро обрүсини бир оз кўтарди, аммо мамлакат ичкарисида муҳолифат ҳаракатининг фаоллашувига олиб келди.

Берлин конференциясининг қарорлари болгар ҳалқига маъқул тушмади. 1885 йили Жанубий Болгариянинг пойтахтида тўнтариш амалга оширилиб, натижада мамлакатнинг жанубий ва шимолий

қисмлари бирлашди. Бунга жавобан Австро-Венгрия томонидан гижгижлатилган Сербия Болгарияга қарши уруш бошлади. Уруш Болгариянинг ғалабаси билан якунланди. 1908 йил 5 октябрь куни Болгариянинг тўлиқ мустақиллиги эълон қилинди. Болгария князлиги подшоликка айлантирилди.

**Греция.** Мамлакат ҳудудининг катта қисми Усмонийлар империясининг Румелия эйялетига ва Эгей денгизидаги алоҳида эйялетга киради. Грециянинг кичик қисми – Ион ороллари ва ғарбий қирғоқдаги бир неча шаҳарлар – Венеция республикаси таркибида эди. Грек халқи ўз мустақиллиги учун турк босқинчиларига қарши тўхтовсиз кураш олиб борди.

1821 йил март ойининг охирларида Пелопоннес яриморолида қўзғолон бошланиб, тезда бутун мамлакатга тарқалди. Саккиз йил давом этган Греция мустақиллиги учун кураш бошланди. 1821–1822 йиллари қўзғолончилар бир қатор галабаларни қўлга киритиб, мамлакат ҳудудининг катта қисмини озод қилдилар. 1822 йил январда қадимги Эпидавр вайроналари яқинидаги Пияда шахрида миллий мажлис йигилиб, Грецияни мустақил давлат деб эълон қилди ва буржуа эркинликлари эътироф этилган конституцияни қабул қилди.

Аммо қўзғолонга раҳбарлик қилган гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун бошланиб кетган кураш қўзғолончиларнинг муваффакиятларини сусайтирди. Улар ўртасидаги кураш 1823–1824 ва 1824–1825 йиллари бўлиб ўтган иккита фуқаролар урушига олиб келди. 1825 йил февралда қўзғолоннинг энг оғир даври бошланди. Султон Маҳмуд II қўзғолонни бостириш учун Мисрдан қудратли Муҳаммад Алини жалб қилди. Иброҳим подшо бошчилигидаги мисрлик қўшинлар мамлакат бўйлаб тез ҳаракат қилди, забт этилган ерларда экинларга ўт қўйиб, аҳолини очлик ва муҳтожликка мубтало қилди. 1825 йил ноябрда Иброҳим подшо муҳим порт шахри Миссолунгини қамал қилди. 1826 йил 22 апрель кечаси қамални ёриб ўтиш учун охирги марта уринган шаҳар аҳолиси деярли тўлиқ ҳалок бўлди. Кейинги йил ёзида турклар Афина акрополини эгалладилар. Бу уларнинг сўнгти йирик ғалабаси эди. Улар грек халқининг озодликка бўлган интилишини сўндира олмади. Бу пайтга келиб халқаро вазият ҳам греклар учун фойдали бўлган томонга ўзгара бошлади. Шу пайтгача грекларга ёрдам фақат Европа жамоатчилигидан келаётган эди. Кўплаб мамлакатлардан кўнгиллилар келиб

греклар билан бирга жанг қилаётган эдилар. Улар орасида буюк инглиз шоири Жорж Байрон ҳам бор эди.

Европа монархлари грекларнинг туркларга қарши курашида «фуқароларнинг ўз хукмдорига қарши чиқишини» кўриб, уларга ёрдам беришга шошилмаётган эдилар. Грекларга нисбатан биринчи бўлиб муносабатини ўзгартирган Англия ҳукумати бўлиб, у 1824 ва 1825 йиллари лондонлик банкирларнинг грекларга қарз беришига рухсат берди. 1827 йили миллий мажлис Россиянинг собиқ ташки ишлар вазири Ионн Каподистрия (1776–1831) Греция президенти этиб сайлаганидан сўнг Англия, Франция ва Россия үртасида Грецияга ёрдам кўрсатиш бўйича музокаралар бошланиб кетди. Бу музокаралар натижасида 1827 йил Лондонда шартнома имзоланиб, унга биноан ушбу учта давлат Грецияга автономия берилишини Туркия султонидан талаб қилди. Султон талабнинг бажарилишини рад этгандан сўнг, 1827 йил октябрда, инглиз-француз рус бирлашган эскадраси Наварин кўрфазида турк флотини тор-мор қилди. Шундан кейин бошланиб кетган 1828–1829 йиллардаги рус-турк уруши Грециянинг тақдирини батамом ҳал қилди. 1829 йилги Адрианополь тинчлик шартномасининг бандларидан бири Греция йиллик хирожни тўлаган тақдирда унга автономия бериш мажбуриятини Туркияга юклайди. Бир йилдан сўнг Лондонда бўлиб ўтган конференцияда Англия, Франция ва Россия Грециянинг йиллик хирож тўлаш шартини бекор қилди ва Туркия бунга рози бўлди. Греция мустақил давлат бўлди. Бироқ ушбу конференцияда белгилаб берилган ҳудудга азалдан греклар яшаб келган бир қатор ерлар киритилмади. Фессалия, Крит, Эпир ва бошқа ҳудудлар турклар кўл остида қолди. Ион ороллари ҳали 1815 йили ёк Буюк Британия прокторати деб эълон қилинган эди.

Қўлга киритилган мустақиллик Грецияда капиталистик муносабатлар ривожланиши учун шароит яратди. Аммо капитализм ривожланиши жуда секинлик билан амалга оширилди. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Биринчидан, мамлакат ўзининг хомашё базасига эга эмасди. Иккинчидан, грек буржуазияси турклар ҳукмронлиги давридагидек ўз капиталини мамлакат саноатини ривожлантиришга эмас, савдо ва судхўрликка сарфлашни афзал кўради. Учинчидан, мамлакатда феодализм колдиклари кучли бўлиб, ер масаласи ҳал қилинмаган эди. Тўртинчидан, Грециянинг ортиб бораётган Англияга молиявий қарамлиги ҳам саноатнинг ривожлани-

шига түсиқ бўлиб турганди. Уруш йилларидағи қарзлардан ташқари 1832 йили Греция инглиз ва француз банкирларидан 64 млн дирҳам янги қарз олиб, унинг бир қисмини эски қарзлар бўйича процентларни тўлашга, қолган қисмини эса Туркиядан греклар яшайдиган Фтиотида ва Фокида вилоятларини сотиб олишга сарфлади.

1832 йили Навплионда йиғилган Греция Миллий мажлиси учта «ҳомий» давлатларнинг «таклифига» биноан мамлакатда монархия режими ўрнатиш тұғрисида қарор қабул қилди. Биринчи президент И. Каподистрия 1831 йили ўлдирилган эди.

17 ёшли Бавария шаҳзодаси Оттон қирол қилиб сайланди. У балоғатта етгунча учта Бавариялик амалдордан иборат регентлик жорий қилинди. Қирол билан бирга Грецияга Бавариядан 3500 кишилик ҳарбий қисм ҳам киритилди. Оттон қироллик қилган 30 йил ичидаги (1832–1852) мамлакатнинг аҳволи янада оғирлашди. Шу йиллар ичидаги 32 марта йирик қўзғолонлар кўтарилиди. Иқтисодий вайронгарчилик, соликларнинг оғир юки, хукмрон доираларнинг сайловлардаги найрангбозликлари, ҳокимиятда чет элликларнинг қўплиги – буларнинг барчаси омманинг янги чиқишиларига олиб келди. 1862 йил февралда Навплионда қўзғолон бошланди, унинг ортидан Аргос, Триполис ва бошқа шаҳарлар аҳолиси ҳам кўтарилиди. Кузда Акарнанияда ҳам қўзғолон бошланди. Октябрнинг охирида эса Афина гарнizonи кўтарилиди. 23 октябрда тузилган муваққат ҳукумат Оттоннинг таҳтдан туширилганлигини эълон қилди. Оттон 24 октябрь куни таҳтдан воз кечиб, Грециядан чиқиб кетди. Шундан сўнг чақирилган Миллий мажлис янги қирол сайлаши ва конституция қабул қилиши лозим эди.

Грециянинг ўзида кўпчилик қирол сифатидан Англия қироличаси Викториянинг иккинчи ўғли Альфредни маъқуллашаётган бўлсалар, Россия эса Николайнинг набираси 19 ёшли герцог Николай Лайхтенбергскийни таклиф қилди. Лекин узок мулоҳазалардан сўнг Греция қироли этиб Дания қиролининг ўғли Георг Люксбург сайланди.

Қирол Георг I даврида Греция худуди Англия 1864 йили унга топширган Ион ороллари ҳисобига анча кенгайди. 1880–1890-йиллари Туркия билан Крит ороли ва Болгария билан Македония учун келишмовчиликлар давом этди. 1896 йили Крит ороли учун Туркия билан бўлган урушда греклар маглубиятга учради. Факат буюк давлатларнинг аралашуви натижасида Греция ерларини йўқотмади аммо Туркияга 4 млн фунт товон тўлайдиган бўлди.

Шунингдек, Греция молияси устидан буюк давлатлар назорати үрнатилди. Натижада Греция молия тизимида тартиб үрнатилди, бюджет камомади йўқолди. 1899 йили солиқ тизими, суд, маъмурӣ ва мактаб ислоҳотлари ўтказилди. 1905 йили сайлов тўғрисида янги қонун қабул қилинди, депутатлар сони анча камайтирилди, эркаклар учун умумий сайлов хукуки жорий қилинди.

1905–1907-йиллардаги Россия буржуа инқилоби ва Туркиядаги Ёш турклар инқилоби Грецияда ҳам миллий-озодлик харакатларининг кутарилишига олиб келди ва Крит муаммосини куролли йўл билан ҳал қилишга интилдилар. 1909 йили бир гурух ёш офицерлар «Ҳарбий лига» деб аталувчи ташкилотга бирикиб, ҳокимиятни қўлга олдилар ва 1910 йили критлик либерал миллатчилар етакчиси Элефториос Венизолосни бош вазир лавозимига кўтардилар. Унинг бошчилигига Греция Болгария, Черногория ва Сербия билан кучли иттифоққа бирлашди. 1912–1913-йиллардаги Болкон урушлари натижасида Греция Крит оролини, Эпир, Жанубий Македония ва Гарбий Фракиянинг бир қисмини қўшиб олишга муваффақ бўлди. Унинг ҳудуди 65 мингдан 110 минг км га кенгайди, аҳолиси эса 2,7 млн кишидан 4,4 млн кишига кўпайди.

1913 йили қирол Георг I анархист-террорчи томонидан ўлдирилди.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Греция ўз нейтрализитетини эълон қилди.

\* \* \*

XIX аср – XX асрнинг бошлари барча болқон халқларининг мустақиллик учун кураш йиллари бўлди. Бу кураш жараёнида фақат миллий давлатлар ташкил топмасдан, болқон халқларининг миллий маданияти ривожланди, миллий ғурури ва миллий рухи тикланди.

## XII боб бўйича саволлар

1. XIX асрда серблар мустақиллик учун курашининг фаоллашувига қандай факторлар сабаб бўлди?
2. Сербия давлатининг ташкил топиши серб ва минтақадаги бошқа халқлар тақдиррида қандай роль ўйнади?
3. Болгар халқининг мустақиллик учун курашдаги муваффақиятлари минтақадаги кучли давлатларнинг муносабатига қай даражада боғлиқ эди?
4. Греция мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ нима учун чет эл капиталига қарам бўлиб қолди?

## III БҮЛИМ

### ЮКСАЛАЁТГАН АМЕРИКА

#### **XIII БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИ**

*Ижтимоий-иктисодий тараққиёттинг асосий йұналишлари.*

XVIII асрдаги Америка инқилоби мамлакат иқтисодиётида туб үзгаришларга олиб келмади. АҚШ ахолисининг 90% дан күпроги қишлоқларда яшайдын аграр мамлакат бўлиб қолаверди. Саноатда ва қишлоқ хўжалигидаги қўл меҳнати ҳукмрон бўлиб, мануфактура маҳсулотлари Европадан, биринчи навбатда Англиядан келтирилар эди. Шу билан бирга, айнан мустақиллик учун уруш йилларида муҳим ижтимоий-иктисодий үзгаришлар юз берди, мамлакатда капиталистик муносабатларнинг тез ривожланиши ва тўлиқ ғалаба қозониши учун асос яратилди.

Муҳим воқеа мамлакатда ягона ички бозорнинг шаклланиши ва унинг устидан назорат федерал ҳукуматга ўтиши бўлди. Шу йұналишдаги иккинчи муҳим воқеа ташки савдо эркинлиги, АҚШ нинг мустақил субъект сифатида халқаро майдонга чиқиши, Фарбий Европа, Хитой, Россия ва бошқа давлатлар билан бевосита алоқаларнинг ўрнатилиши бўлди. Бироқ мустақилликнинг тўлиқ устунлиги Европада узоқ ва қонли урушлар бошлангандан сўнг нағоён бўлди. Тарихчилар 1793–1807 йиллар орасидаги даврни ҳақли равишда АҚШ дengiz савdosининг «олтин даври» деб аташган. Бу даврда АҚШ дengиз флотининг умумий юқ ташиш ҳажми 6 марта ошиб, 1807 йили 1 млн 269 минг тоннага етди (Юз йилдан кейин, 1907 йили ҳам АҚШ бу кўрсаткичга эриша олмади). Мамлакат тарихида ташки савдо бунчалар жиддий эътиборни жалб қилган ва мамлакат иқтисодиётига бунчалик катта таъсир кўрсағтан бошқа давр бўлмаган.

XIX асрнинг бошига келиб АҚШнинг экспорт ва импорт салоҳияти ўша даврда мисли кўрилмаган даражага етди (мос равишида 93 млн ва 111 млн доллар). Европадаги Наполеон урушлари

бу ердаги ички ва ташки савдони издан чиқарди, Англияга қарши құлланған «қитъа қамали» бириңчи үринде унда иштирок этган давлатларнинг иқтисодиётiga катта зарап еткәзди. Уруш жуда катта моддий ва инсоний ресурсларни барбод қилди. Айни пайтда бу уруш АҚШ иқтисодиётининг оёққа туриши ва гуллаб-яшнаши учун жуда катта имконият яратди.

Аслида ташқи савдонинг роли қанчалар катта бұлмасин, у иқтисодиётда, айникса АҚШдек катта ва бой мамлакатнинг иқтисодиётида ҳал қылувчи аҳамият касб эта олмайди. Шунинг учун экспорт хажми қанчалар катта бўлишидан қатъи назар, иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишини оёққа туриб келаётган саноат, курилаётган фабрика ва заводлар, қўлланилаётган машина ва механизmlар белгилаб берди.

**АҚШ ҳудудининг кенгайиши.** АҚШ раҳбарлари Европадаги уруш туфайли вужудга келган имкониятдан ва орттирилган катта бойликдан мамлакат ҳудудини кенгайтиришда ҳам жуда унумли фойдаландилар. Жумладан, 1803 йили Франциядан 15 млн долларга Луизианани – Миссисипи дарёсидан ғарбда жойлашган ва АҚШнинг дастлабки ҳудудига тенг бўлган ерларни сотиб олди, 1819 йили эса Флоридани беришга Испанияни мажбур қилди. 1836 йили америкаликлар Мексиканинг Техас провинциясини эгаллаб, аввал уни «мустакил» республика деб эълон қилдилар, кейин эса АҚШ таркибиға қўшиб олдилар. Бу 1846–1848 йиллардаги АҚШ билан Мексика ўргасидаги урушга олиб келди. Уруш натижасида Мексика Техасдан ташқари бутун шимолий ҳудудларидан айрилди. АҚШ Мексиканинг қарийб ярим ҳудудини аннексия қилди. Кейинчалик бу ҳудудда Аризона, Нью-Мехико, Калифорния, Невада ва Юта штатлари ташкил қилинди. Англияликлар билан узоқ давом этган савдодан сўнг 1846 йили АҚШ Тинч океани қирғоқларидаги Ори-гонанинг катта қисмини эгаллади.

АҚШ ҳудудининг кенгайиши билан унинг аҳолиси ҳам тез ўєди: 1800 йили 5,3 млн дан 1850 йили 23,1 млн га етди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг жадал ривожланишига олиб келди.

**Саноат тўнтарииши.** Ип йигириш ва тўқимачилик саноатида машиналарни қўллаш тажрибаси, меҳнатни ташкил қилишнинг фабрикага яқин типининг пайдо бўлиши АҚШда XVIII аср 80-йиллар охири – 90-йилларнинг бошларига тўғри келади. Айникса, Аркрайт машиналари қўлланилган ип газлама фабрикаси муҳим аҳамиятта

эга бўлди. Уни илгари англиялик бўлган уста Сэмюэл Слейтер американалик тадбиркорлар Альми ва Браун билан келишган ҳолда Англиядаги фабрикаларга айнан ўхшаш қилиб ясади. Техник янгиликларни Англиядан ташқарига олиб чиқиши тақиқланганлиги сабабли Слейтер ип йигирув машинасининг чизмаларини хотирасида сақлаб қолгани бўйича тиклади. 1790 йил 20 декабрь куни Потакетда (Род-Айленд штати) Аркрайт машинаси ўрнатилган мўъжазгина фабрика ишга туширилди. Унда Слейтер бошчилигига тўккизта бола ишларди, холос. Албатта бу ҳали ҳақиқий фабрика эмасди. Унда машина фақат пахтадан ип йигириш учунгина ишлатилар, мато эса тўкувчилар томонидан уйда тўқиларди. Аммо ўз даври учун бу корхона жуда унумли ва илгор ҳисобланарди, Слейтер эса кейинчалик йирик капиталистга айланди ва тарихда «Америка саноатининг отаси» деган ном олди. 1808 йили АҚШ да ҳаммаси бўлиб 15 та ип йигирув фабрикаси қурилган ва улар 300 минг фут ип-калава ишлаб чиқарар эди. Машинада ип йигириш мато тўкишнинг ҳам машиналаштирилишини талаб этарди ва бу эса ўз навбатида матони окартириш ва бўяш ишларида тўнтириш ясади. Пахтадан ип йигиришдаги бу инқилоб пахта хомашёсига бўлган талабни кескин оширди ва 1793 йили Э. Уитни томонидан пахта то-ласини чигитдан ажратадиган «жина» деб аталувчи машинанинг кашф этилишига олиб келди. 1814 йили Уолтемда (Массачусетс штати) механик ип йигириш ва механик тўкиш дастгоҳлари бир жойга жамланган Ф. Лоуэлль фабрикасининг ишга туширилиши муҳим воқеа бўлди. Бу фабрикада дунёда биринчи марта хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараён бир бинода жамланиб, уз-луксиз тадрижий жараён сифатида шаклланди. Энди фабрика тизими тўлиқ шаклланганлик тусини олди.

1807 йили ташки савдоға эмбарго<sup>1</sup> эълон қилиниши, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, саноатнинг ривожланиши учун ижобий туртки бўлди. Масалан, 1800 йили АҚШда ҳаммаси бўлиб 20 минг урчук ишлаган бўлса, 1810 йили улар сони 87 минг, 1815 йили эса 130 мингтага етди. 30-йилларда АҚШ урчуклар сони ва пахта хомашёсини истеъмол қилиш бўйича фақат Англия билан Франциядан ортда эди, холос. 40-йилларда АҚШнинг пахтадан тўқилган ма-

<sup>1</sup> Эмбарго – чет эл молларини мамлакатга келтириш ёки мамлакатдан чиқаришни давлат томонидан такиқлаб қўйиш. 1807 йил 22 декабрда президент Т. Жеффферсон томонидан имзоланган эмбарго тўғрисидаги конун амалда АҚШнинг бутун ташки савдо алокаларини тақиқлайди.

толари Хитой ва Лотин Америкаси бозорларида Англия товарлари билан бемалол рақобатлашаётган, АҚШнинг ўз бозорларидан эса инглиз товарларини сиқиб чиқарган эди.

1816 йили, кейинчалик металлургия саноатининг маркази бўлиб қолган Питтсбург яқинида бир неча темир эритувчи печлар ва прокат станлари қурилди. Аммо фақат 30-йилларга келиб ўтиш ўрнига тошқумир ёкиб рудани эритиш ва ундан металл олиш бошланди. Шундай бўлсада, ҳали узоқ вақт металл ишлаб чиқариш ички эҳтиёжларни қондиролмасди, у Англиядан келтириладиган металл ҳисобига қопланар эди.

Бу даврда саноатни ҳаракатга келтирувчи кучнинг манбаи кўп сонли дарёлардан олинадиган арzon энергия бўлди. Бугудвигателлари фақат 50-йилларга келибгина энергиянинг асосий манбаига айланди.

Англиядан келтирилаётган юқори сифатли ва арzon машиналар АҚШда машинасозликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган эди. Масалан, Англиядан келтирилган пахта тозалаш машиналари АҚШнинг ўзида ишлаб чиқарилган худди шундай машиналардан 50 марта арzon туради. Шунга қарамасдан 40-йилларда машинасозлик бошқа мамлакатларга қараганда тез ривожланди: аҳолининг доимий равишда гарбга кетиши натижасида ишчи кучларининг етишмаслиги хўжаликнинг барча соҳаларида машиналарни қўллаш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Металлга ишлов бериш станоклари, тикув машиналари ва бошқалар пайдо бўлди. Фабрика саноати ривожланган сари илгари нисбатан мустақил бўлган хунарманд энди тўлиқ тадбиркорга қарам ҳолга тушиб қолди. Иш куни 11–13 соатни ташкил қиласди. Машиналарнинг қўлланилиши, айниқса тўқимачилик саноатида, аёллар ва болаларнинг арzon меҳнатидан кенг фойдаланишига олиб келди.

**Транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши.** АҚШ ягона ички бозорининг шаклланишида XIX асрнинг иккинчи ўн йиллигига авж олган йўллар қурилиши айниқса муҳим аҳамият касб этди. Балтимордан бошланган ва 1818 йили Оҳайо дарёси гача етказилган Камберленд йўли гарбга борадиган асосий йўлга айланди.

Ҳали 1787 йилдаёқ Жон Фитч бугудвигателли қайиқ ясаган эди. Унинг ишини муваффақиятли давом эттирган Фултон 1807 йили Гудзон дарёсида дунёда биринчи пароходни (буғдвигателли кемани) намойиш қилди (унинг бугу қозони ва механизmlари

Англияда ясалган эди). 1818–1820 йиллари йирик дарёларда ва Буюк Кўлларда мунтазам пароход қатнови йўлга қўйилди. 1825 йили узунлиги 580 км бўлган, Буюк Кўлларни Гудзон дарёси орқали Нью-Йорк порти билан боғлаган Эри каналининг қурилиши якунланди. Бошқа штатларда ҳам бир қанча каналлар қурилди.

Айниқса, темир йўл қурилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Темир йуллар қурилишининг суръатлари бўйича АҚШ дунёда биринчи бўлиб олди. Темир йулларнинг узунлиги 1840 йили 5 минг км га яқин бўлса, 1850 йили 14 минг км га етди.

40-йиллари Морзенинг электромагнит телеграфи кенг тарқалди. Бироқ саноатдаги каби транспорт ривожланишида ҳам қулчилик мавжуд бўлган жанубий штатлар шимолдан анча ортда қолаётган эди.

## Сиёсий ҳаёт ва партиялар ўртасидаги кураш

**Сиёсий ҳаёт.** АҚШ сиёсий тарихида капитализм ривожланган алоҳида тарихий шароитлар муҳим роль ўйнайди. Бу алоҳида тарихий шароитнинг муҳим жиҳати капитализмда қулчиликнинг мавжудлиги бўлиб, у ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида кескин зиддиятларни келтириб чиқарди ва охир-оқибатда Фуқаролар урушига олиб келди. Бошқа бир ўзига хос жиҳат жуда кенг, ҳали мустамлакалаштирилмаган ерларнинг мавжудлиги эди. Бу ерларнинг кўчкинчилар томонидан ўзбошимчалик билан эгалланиши тарихда скваттерлик<sup>1</sup> деган ном олган. Айнан скваттерлик эркин фермер хўжаликларининг шаклланишига олиб келди ва АҚШ қишлоқ хўжалигига капитализм ривожланишининг йўналишини белгилаб берди. Айтиш мумкинки, ушбу ўзига хосликлар маълум маънода АҚШнинг сиёсий ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Бу пайтда ҳокимият тепасида турган федералистлар, хусусан уларнинг йулбошчиларидан бири, молия вазири Александр Гамильтон давлатчиликни мустаҳкамлаш борасида қатор тад-

<sup>1</sup> Скваттерлик – (инглизча squatting – ноқонуний эгаллаб олиш) – ташлаб кетилган ёки кўчиб келинмаган жой ёки бинони унинг мулкдори ёки арендатори бўлмаган, шунингдек, фойдаланиш учун бошқа бир рухсатномага эга бўлмаган шахс томонидан эгаллаб олиниши. Инглизча сўзлашувчи мамлакатларда кичик ер эгаси ҳам шундай деб аталади.

бирларни амалга ошириди. Жумладан, мамлакат пул тизимини тартибга келтирди, АҚШ миллий банкини ташкил қилди, миллий саноатни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида протекционистик тарифларнинг ўрнатилишига эришди. Албатта бундай қатъий чоралар барчани баробар қаиоатлайтириши мумкин эмасди. Ҳукумат сиёсатидан норози бўлган мухолифатчилар АҚШнинг йирик сиёсий арбобларидан бири Томас Жефферсон (1743–1826) атрофида бирлашишди. У мамлакатда демократик сиёсий тузум ўрнатиш тарафдори сифатида ном чиқарди. Унинг тарафдорлари шаҳарларда кўплаб демократик ташкилотларни тузишди. Жефферсон партияси республикачилар партияси номини олди.

Федералистлар билан республикачилар ўртасидаги зиддият ташки сиёсатнинг йўналишини белгилашда ҳам муҳим роль ўйнади. Асосини йирик савдо буржуазияси ташкил қилган федералистлар ўз йўналишларини Англия томон белгилаб, инқиlobчи Францияга душманлик муносабатида эдилар. Ж. Вашингтондан кейин президент қилиб сайланган Жон Адамс даврида федералистлар билан республикачилар ўртасидаги зиддият янада кескинлашди. 1798 йили ҳукуматга ҳар қандай чет элликни мамлакатдан чиқариб юбориш ҳукуқини берувчи хоинлик ва чет элликлар тўғрисида қонун қабул қилинди. Ҳукумат бу қонундан ўз сиёсий мухолифлагрига қарши курашда фойдаланди. Натижада федералистларнинг жамиятдаги обрўси тушиб кетди. 1800 йили бўлиб ўтган навбатдаги сайловларда республикачилар ғолиб чиқди ва Т. Жефферсон президент қилиб сайланди.

Т. Жефферсон президентлик лавозимида жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини мослаштиришга ҳаракат қилди. Хоинлик ва чет элликлар тўғрисидаги қонун ҳамда спиртли ичимликларга акциз солиғи бекор қилинди. Ҳукумат кўчиб келаётган кам даромадли оиласалар манфаатларидан келиб чиқиб, сотувга қўйилиши мумкин бўлган энг кичик ер майдони ҳажмини икки марта га камайтирди, бу эса уларнинг ер сотиб олиш имкониятларини анча ошириди. Т. Жефферсон қулликка қарши эди, аммо у қулликнинг тўлиқ бекор қилинишига эриша олмади, фақат қулларни мамлакатга олиб киришни тақиқловчи қонун қабул қилиш билан чекланди, холос. Президент сифатида у Европа мамлакатлари ишларига аралашмаслик сиёсатини олиб борди.

Т. Жефферсон президентлиги даври АҚШ тарихида ижобий роль үйнади. Республикачилар партиясининг ғалабаси жамиятда мамлакатни демократик йўлдан ривожлантириш тарафдорларининг ғалабасини англатар эди.

*Иккинчи Англия-Америка уруши.* 1775–1783 йиллардаги урушдан сўнг Англия Америкадаги мустамлакаларини йўқотганлигини узоқ тан олишни истамади ва бу ерда ўз ҳукмронлигини яна тиклаш умидини узмади. Шу сабабли қўшинларини олиб чиқиб кетишни асоссиз равишда чўзди, Франциядан Луизиананинг соғиб олинишини тан олишни истамади. Англиядаги айрим кучлар АҚШни парчалаб юбориш ва бир қисмига эгалик қилишни ҳам реjalаштиришган эди.

Наполеон урушлари даврида Англия билан АҚШ ўртасида можаро учун янги баҳона пайдо бўлди. АҚШ ҳукумати урушаётган давлатларнинг ҳар бири билан эркин савдо қилиш ҳукуқини эълон қилди. «Денгизлар маликаси» бўлган Англия эса АҚШнинг бу ҳукуқини тан олмади. Инглизлар Америка кемаларини тўхтатиб, юкларини тортиб олди, инглиз флотидан қочганликда гумон қилинган матросларни мажбурлаб ўз кемаларига олиб кетишли. АҚШга катта моддий зарар келтирган ва унинг миллий суверенитетига путур етказган Англия сиёсати мамлакатда катта норозиликни келтириб чиқарди. Натижада 1812 йил июнда АҚШ Англияга уруш эълон қилди.

Уруш даврида АҚШда Канадани эгаллаб олиш ва шу билан Фарбий яримшарда Англия мустамлакаларини бутунлай тугатиш шиори кенг таркалди. Канададаги уруш ҳаракатлари дастлаб АҚШ учун муваффақиятли бошланди. Бироқ тезда бурилиш юз бериб, АҚШ қўшинлари Канададан қувиб чиқарилди, Британия флоти эса қирғоқ бўйини қамал қилди. 1814 йили инглизлар АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрини эгаллаб, бир неча ҳукумат биноларини ёқиб юборди. Аммо кейин уруш томонларнинг тенг муваффақиятлари билан давом эттирилди ва 1814 йил декабрда Гентда имзоланган тинчлик шаргномасига биноан аввалги чегаралар тикланди.

*Сиёсий партиялар ўртасидаги кураши ва 1830-йиллардаги ислоҳотлар.* Фарбда эгалланмаган ерларнинг кўплиги республикачилар сафида бир-бирига ёт бўлган икки қатлам – фермерлар ва плантаторларнинг вақтингчалик сиёсий блокини мумкин қилиб қўйди. Бу блокни мамлакатга келтирилаётган товарларнинг нархини

ошириб юборган юқори бож тұловларидан норозилик ва ғарбдаги ерларни тезрок әгаллаш иштиёқи бирлаштириб турарди.

Республикачи Монро жиддий мухолифатсиз икки марта (1816 ва 1820 йили) АҚШ президенти этиб сайланди. Аммо капитализм ривожланган сари иқтисодий манфаатлари на фермерларники ва на плантаторларники билан мос түшмайдиган саноат буржуазияси кучайиб борди. 1820-йилларда республикачилар партиясининг ичидә саноат буржуазияси манфаатларини ифода этувчи гурух пайдо бўлиб, «миллий республикачилар» номини олди.

1824 йили шу гурухга яқин бўлган Жон Квинси Адамс АҚШ президенти этиб сайланди. «Миллий республикачилар» ўзлари ҳокимиятда турган вақтида буржуазия манфаатларига мос сиёсат олиб бордилар: юқори бож тарифларини ўрнатди, саноатни арzon ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида ғарбдаги ерларни әгаллашни чеклади, йўллар ва каналлар қурилиши учун акциядорлик компанияларига субсидиялар тарқатди. «Миллий республикачилар»нинг барча тадбирлари кенг халқ оммасини уларга қарши қилиб қўйди. 1828 йилги сайловларда Адамс мағлубиятга учради, президент қилиб генерал Жексон сайланди. Унинг тарафдорлари ўзларини «демократик республикачилар» ёки оддий қилиб «республикачилар» деб атай бошладилар. Шу тариқа 1828 йили ташкил топган демократик партия ўша пайтда йирик капитал сиёсатига қарши кучлар – плантаторлар, фермерлар, шаҳар майда буржуазияси ва ишчиларнинг бир қисмини бирлаштирган эди.

Жексон иккинчи инглиз-америка уруши йилларида машҳур бўлиб кетди. Унинг президент бўлиб сайланишида таъсири ошиб бораётган ғарбий штатларнинг роли катта бўлди. Жексоннинг келиб чиқиши ҳам оддий одамларда ишонч уйғотарди: у президент қилиб сайланганда йирик қулдор бўлсада, аслида «оқ танли камбағаллардан» эди. Ижтимоий ноҳақликлардан азият чекаётган аҳолининг турли қатламлари ўз тақдирларини енгиллаштириш умидларини Жексон билан боғлаган эдилар. Жексон тўрт йилдан икки муддат – 1829 йилдан 1837 йилгача президент лавозимида турди.

20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошлари буржуа-демократик ислоҳотлар учун, АҚШ сиёсий тузумини демократлаштириш учун бошланган кенг ҳаракатлар даври бўлди. Ғарбнинг янги ташкил қилинган штатларида конституциялар қабул қилинди, оқ

танли эркаклар учун умумий сайлов ҳуқуқи жорий қилинди. Шунинг таъсирида шарқдаги эски штатларда ҳам сайловчилар учун ўрнатилган мулкий чегарани бекор қилиш учун кураш бошланди. Бу курашнинг фаол иштирокчилари ғарбий штатларда фермерлар, шарқий штатларда эса шаҳар майдада буржуазияси ва шаклланадётган ишчилар қатлами бўлди. Сайловчилар учун мулкий чегара аста-секин бекор қилина борди, буни амалга оширган охирги шарқий штат Род-Айленд бўлиб, бу ерда мулкий чегара 1844 йили бекор қилинди.

Шу даврда яна бир қатор демократик ислоҳотлар амалга оширилди: ҳали мустамлакачилик давридан бери келаётган ишчиларнинг иттифоқларга бирлашишини тақиқловчи эски инглиз қонуни, шунингдек, қарздорлиги учун қамоққа олишни белгиловчи қонун ҳам бекор қилинди, 1840 йилдан давлат корхоналарида 10 соатлик иш куни ўрнатилди. Айрим шимолий штатларда давлат ҳисобидан мажбурий бошланғич таълим жорий қилинди.

*Плантацияли ҳужаликнинг кенгайиши, қулчилик ва унга қарши кураш.* Европада, айниқса Англияда, пахта хомашёсига бўлгай талабнинг ошиши Жанубда пахтачиликнинг ривожланишига, жанубий штатларнинг Европа тўқимачилик саноати учун хомашё базасига айланишига олиб келди. 1830 йилдан 1850 йилгача, яъни йигирма йил ичидаги пахта етиштириш уч баробар ошди ва 2 млн кипани<sup>1</sup> ташкил қилди. АҚШ ялпи экспортининг ярмидан кўпроғини пахта хомашёси ташкил қиласди.

АҚШ плантаторлари қулларни шафқатсиз эксплуатация қилиш эвазига жуда катта бойлик орттираётган эди. Пахта экилаётган майдонлар борган сари кенгайиб, қуллар меҳнатидан фойдаланувчи штатлар сони ортиб борди.

Плантаторлар сиёсий жиҳатдан ҳам қуллар меҳнатидан фойдаланувчи штатларнинг кўпайишидан манфаатдор эдилар. Чунки бундай штатларнинг сони кўпайиши билан уларнинг давлатга таъсири ҳам ошиб бораради.

Жанубий штатлардаги қулчилик тизими билан Шимолдаги эркин ёлланма меҳнатга асосланган тизим ўртасида зиддият дастлаб 1818–1820 йилларда янги ташкил қилинган Миссури штатини Кўшма Штатлар таркибига қабул қилиш пайтида юзага келди ва

<sup>1</sup> *Kipa* – оғирлик ўлчов бирлиги. 1 кипа 250 кг га teng.

мамлакатнинг бўлиниб кетишига олиб келувчи жиддий зиддиятта айланди. Гап шундаки, Кўпшма Штатлар таркибида 1 та қулчилик мавжуд штатлар ва 11 та эркин ёлланма меҳнатга асосланган штатлар кирган эди. Шимолий штатлар, агар Миссури қабул қилинса, қулчилик мавжуд штатлар сони кўпайиб, улар сенатда кўпчиликни ташкил қиласди, деган хавфсираш билан Миссурида қулчиликнинг бекор қилинишини талаб қилдилар. Қулчилик биринчи марта миллий муаммога айланиб, бутун мамлакат уни муҳокама қилишга киришди.

Жанубда чиқадиган газегалар сецессия (иттифоқдан ажралиш, ундан чиқиш) билан қўрқита бошладилар. Бироқ келишувга нисбатан осон эришилди. 1820 йили Миссури қулчилик мавжуд штат сифатида Кўпшма Штатлар таркибига қабул қилинди ва қулчилик штатлари ҳудуди кенгайди. Айни пайтда янги ташкил қилинган эркин штат Мэн ҳам иттифоқ таркибига кирди. Бундан кейин штатларни иккитадан – битта қулчилик мавжуд бўлган ва битта эркин штатни қабул қилишга келишиб олинди. Шунингдек, белгиланган чегарадан шимолда қулчилик тақиқланди (бу чегара  $36^{\circ}30'$  қилиб белгиланди).

Плантацияларда қулларни шафқатсиз эксплуатация қилиш негрларнинг қаршилигига учради. Бу қаршилик борган сари кучайиб борди. Турли штатларда қуллар қўзғолонлари бўлиб турди. Негрлар ўз курашларида ёлғиз эмасдилар. 1831 йили Бостонда «Халоскор» номли газета чиқа бошлади. Газета носири Уильям Гаррисон қулликни зудлик билан бекор қилишни талаб қилди. Унинг атрофида қулликни бекор қилиш тараффорлари – *аболиционистлар* (лотинча *abolitio* – бекор қилиш сўзидан олинган) бирлашдилар. 1832 йили Янги Англия аболиционистик ташкилоти тузилди, кейинги йили эса «Кулликка қарши курашиш Америка жамияти» ташкил қилинди. Бу жамиятнинг «Тамойиллар Декларацияси»да: «Биз ишонамиз ва таъкидлаймизки, оқ танлилардан талаб қилинадиган сифатларга эга бўлган бошқа рангли кишилар ҳам бундан буён оқ танлилар фойдаланадиган имтиёзлардан фойдаланиши ва улар билан баробар ҳуқуқларга эга бўлиши лозим. Хизмат поғонаси бўйича кўтарилиш, фаровонликка эришиш, маълумот олиш йўллари оқ танли кишилар сингари улар учун ҳам очик бўлиши керак», – дейилади. Аболиционистик ҳаракатга борган

сари Америка жамиятининг турли катламлари қўшилиб борди. Демократ шоирлар Уитъер, Лоуэлл, Лонгфелло қулликка қарши қатъий курашга чорлади.

*АҚШда фуқаролар уруши ва «реконструкция».* Шимол билан Жануб ўргасидаги янги жанжал 1854 йили Конгрессда Шимолдаги демократик партия лидери Стивен Дуглас томонидан таклиф қилинган Небраска ҳақида билль муҳокама қилиниш пайтида келиб чиқди. Франциядан сотиб олинган Луизиананинг бир қисми бўлган, жуда катта ҳудудли Небраскани иккига – Канзас ва Небраскага булиш, бу штатлар қулчилик рухсат этилган чегарадан ташқарида бўлганлиги сабабли, Дуглас таклифига биноан, уларда қулчилик жорий қилиниши ёки қилинмаслигини штатлар аҳолисининг ўзи ҳал қилмоғи лозим эди. Канзас Небраскадан жанубда жойлашганлиги сабабли у қулчилик жорий қилинган штатга айланиши тахмин қилинаётган эди. Канзас-Небраска биллининг қабул қилиниши мамлакат аҳолисини жунбишга келтирди. Шимол янги штатларда қулчиликнинг жорий қилинишига қарши чиқди, Жануб эса, бунинг акси, қулчиликни ёқлаб намойишлар ташкил қилди.

Канзасга икки йўналишда кўчкинчилар кела бошлади: жанубий штатлардан, айниқса, Канзас билан чегарадош бўлган Миссуридан, плантаторлар ўз қуллари билан; шимолий штатлардан эса бўлғуси фермерлар. Иккала ҳолатда ҳам кўчкинчиларнинг келиши одатдагидай тартибсиз жараён бўлмасдан, иқтисодий ва сиёсий кампания тусини олди. Янги Англияда ва шимолнинг бошқа штатларида эмиграция билан шуғулланувчи жамиятлар ташкил қилинди, улар Канзасга кўчиб келувчиларни ташкилий равишда зарур буюмлар билан таъминлаб турди. Кўчкинчиларни хўжалик анжомлари ва қуроллар билан таъминлаш мақсадида пул йигилди. Канзасда аҳолининг кўпчилигини озод фермерлар ташкил қилишига қарамасдан плантаторлар сайловлардаги овоз бериш натижаларини қалбакилаштириш орқали штатда ҳокимиятни қўлга олишга уриниб кўрдилар. Бу ерда икки йил давомида ўзига хос кичик фуқаролар уруши давом этди. Бу урушдаabolиционистлар партизан отряди командири Жон Браун катта шуҳрат қозонди.

Дред Скотт иши бўйича Олий суднинг кароридан сўнг Шимолий штатларни қулчиликка қарши намойишларнинг янги тўлқини қамраб олди. Кул Д. Скотт ўз хўжайини билан қулчилик рухсат этилган чегарадан шимолда яшаётганлиги сабабли озод этилишини

сўраб мурожаат қилган эди. Олий суд негр фуқаро бўлиши мумкин эмас, деган холосага келди ва қулчилик жорий қилиниши мумкин бўлган шимолий чегарани белгилаган 1820 йилги Миссури келишувини ҳам ҳақиқий эмас деб эълон қилди. Шимолликлар Олий суднинг бу қарорида қулчиликнинг бутун мамлакатга тарқалиш хавфини кўрдилар. Айнан шу 1857 иили иқтисодий инқизор юз бериб, биринчи навбатда Шимолнинг саноати ва қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Нью-Йорк ва бошқа катта шаҳарларда намойишлар, митинглар ва ғалаёнлар бошланниб кетди. Ҳокимиятда турган демократларнинг иқтисодий сиёсати ва улар Олий судининг қарорлари обрўсизланиб, шарманда бўлди.

Шимолдаги бу ҳаракатлар таъсирида 1859 йилнинг охирида Жанубда Жон Браун бошчилигидаги қўзғолон бошланди. Яхши тайёрланмаган қўзғолон осонлик билан бостирилди. Қўзғолонни бостиришга кейинчалик Фуқаролар уруши йилларида жанубликлар армиясининг қўмондони бўлган генерал Роберт Ли бошчилик қилди. Ж. Браун ва унинг сафдошлари қатл қилинди. Ж. Браун ўлими олдидан ёзган номасида «бу мамлакатнинг гуноҳларини фақат қон билан ювиш мумкин» дейди. Ж. Брауннинг жасорати қулликка қарши курашнинг янги босқичини тайёрлашда мафкуравий асос бўлди.

1860 йилги президентлик сайловларида республикачилар партиясидан номзод қилиб оддий халқдан чикқан адвокат, қулликка қарши сиёсий фаолияти билан шуҳрат қозонган, тўғрилиги, ҳазилкашлиги ва шахсий жозибадорлиги билан танилган Авраам Линкольн кўрсатилди. Сайловолди кампанияси «Ўзингизга ферма олиш учун овоз беринг!» шиори остида ташкил қилиниб, ерларни бепул тарқатиш тўғрисида қонун қабул қилиш ваъда қилинди. 1860 йил ноябрда А. Линкольн президент этиб сайланди ва жанубликларнинг кўп йиллик ҳукмронлигига барҳам берилди.

Жанублик қулдорлар мағлубиятни тан олишни истамадилар. А. Линкольннинг сайланнишини улар Америка иттифоқининг тарқалиши учун белги деб қабул қилдилар. 1860 йил декабрда Жанубий Каролина ўзини мустақил деб эълон қилди, кейинги олти ойда Штатлар иттифоқдан яна олтига жанубий штатлар ажralиб чиқди. Линкольн сайлангандан лавозимга ўтиргунча ўтган тўрт ой ичида демократ президент Бьюokenен ва унинг кабинети Жанубга ҳарбий аслаҳа, кемалар ва шу кабиларни жўнатиб, муқаррар урушга тайёрлана бошладилар. 1861 йил февралда жанубий штатлар

ўзларининг Конфедерациясини ташкил килдилар ва президент этиб миссисипилик плантатор Жефферсон Девис сайланди.

1861 йил бошида икки қарама-қарши томон бир-бирига юзмай турарди. Кўшма Штатларнинг 31 миллионли аҳолисининг 2/3 қисми Шимолда яшарди. Шимолий штатларнинг аҳолиси асосан европалик иммигрантлар ҳисобига айниқса, Европадаги 1848–1849 йиллардаги инқилоблар даврида жуда тез ўсди. Кучиб келувчилар асосан ирландлар ва немислар эди. Шимолда мамлақатнинг деярли бутун саноати жойлашган ва унинг умумий қуввати сўнгги ўн йилда икки баробар кўпайган, темир йўллар узунлиги эса уч марта ошган ва унинг 3/4 қисми Шимолда жойлашган эди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам кўпчилиги шу ерда ишлаб чиқариларди. Шу сабабли Шимолнинг ғалабаси олдиндан маълум эди, аммо унга эришиш учун тўрт йил оғир, қонли уруш керак бўлди.

**АҚШда Фуқаролар уруши бошланиши арафасида кучлар нисбати қўйидагича эди:**

Кўрсаткичлари	Шимол	Жануб
Аҳолиси	22 млн киши	9 млн (шундан 4 млн құллар)
Ёлланма ишчилар	1200 минг киши ва 700 минг батрак	170 минг киши
Саноат корхоналари капитали	850 млн доллар	170 млн доллар
Банклар капитали	400 млн доллар	22 млн доллар

Урушни жанубликлар бошлади. 1861 йил апрелда улар Жанубий Каролинадаги Самтер федерал фортини куч билан эгаллаб олдилар. Шимолликлар можарони тинч йўл билан ҳал қилишга уринган сари жанубликларнинг агрессияси кучайиб борди. Шимолликларнинг ҳам чидами тугаб, республикани парчалаб юборган исёнчиларга қарши курашга шижаот билан киришдилар. Линкольннинг армияга 75 минг кўнгилли сўраб қилган мурожаатига 300 минг киши армияга кириш истагини билдириди. Ишчиларнинг полклари, турли миллатдаги иммигрантларнинг отрядлари ташкил қилинди. Уруш билан бирга бошланган иқтисодий инқизор туфайли ишсиз қолган ишчилар ҳам катта истак ва шижаот билан урушга отландилар. Ажralиб кетган жанубликлардан қарзини ололмаслиқдан қўрқсан Шимол буржуазияси ҳам ҳукumatни қўл-

лаб-қувватлади. Ҳукумат исёнчи штатларни денгиз қамалида деб эълон килди. Қуруқликдаги биринчи тұқнашув 1861 йил июлда Вашингтон яқинидаги Булл-Ран дарёси қирғоғида юз берди. Шимолликларнинг енгил ғалабага умидлари пучга чиқди, жанубликлар урушга нисбатан яхши тайёрланган, уларнинг армияси яхши ташкил қилинган, офицерлар таркиби эса юқори малакали эди (чунки улар асосан жанубликлардан иборат эди). Самтер зabit этилгандан сұнг Конфедерация яна тұртта штатни құшиб олишша әришиди ва 11 та штат билан барҳам топгунга қадар мавжуд бўлди.

Булл-Рандаги жангдан кейин шимолликлар уз ҳарбий кудратларини ошириш учун тезкор тадбирларни амалга оширган бўлсада, шарқий фронтда уруш турғун характер касб этди ва охиригача шундай бўлиб қолди. Вашингтон бутун уруш давомида фронт олди шахри бўлиб қолди ва шимолликлар асосий эътиборини пойтахт ҳимоясига қаратишга мажбур бўлди.

Ғарбий фронтда уруш шимолликлар учун муваффакиятлироқ давом этди. Бу ерда, Теннесси, Янги Орлеан штатларида, генераллар Батлер, Грант ва Ҳантер раҳбарлигидаги қўшинлар ўзлари эгаллаган ерлардаги қулларни озод деб эълон қилдилар ва негрларни қуроллантириб, урушга жалб қилдилар. Тұғри, кейинроқ президент Линкольн уччала генералнинг буйруғини ҳам бекор қилди. Чунки бу пайтда ҳукумат қулликни бекор қилиш учун эмас, мавжуд конституция доирасида иттифоқни сақлаб қолиш учун уруш олиб бораётган эди. Бундан ташқари юқори мансабдаги офицерлар орасида жанубликларнинг хуфия тарафдорлари ҳам анчагина бўлиб, ҳатто бош қўмондон Мак-Клелланни ҳам кўпчилик улар қаторига қўшади.

Урушда бурилиш 1862 йил ёзда юз берди. Урушнинг иккинчи йилида саноатнинг ўсиши ишчиларни ҳам фаоллаштириб юборди. Армияда ишчилар 38% ни ташкил қиласади ва улар урушнинг боришидан қаноатланмаётган эди. Улар қатъий ҳаракатларни талаб қила бошладилар. Щу талаблар таъсири остида Линкольн ҳукумати ҳам қатор тадбирларни амалга оширди. Май ойида президент гомстедлар ҳақида (ерларни текин тарқатиш ҳақида) қонунни имзолади. 160 акрдан зиёд бўлмаган ерлар хоҳловчиларнинг ҳаммасига тарқатиладиган бўлди. Бу қонун биринчи қарашда ҳарбий муаммодан анча узоқ кўринисада, армиядаги рухиятга катта таъсир кўрсатди. Энг асосий тадбир эса қулларни озод қилиш ҳақидаги президент

прокламацияси бўлди. Унга биноан 1863 йил 1 январдан барча исёнкор штатларда қуллар озод деб эълон қилинади. Прокламация бир қанча чекловлар, Иттифоқдан чиқмаган чегара штатларда кулчиликнинг сақланиб қолиши (Линкольн бу штатларнинг Конфедерация томонига ўтиб кетишидан хавфсираган эди) каби жиҳатларига қарамасдан жуда катта ижтимоий-сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлди. Негрларга энди Иттифоқ армиясида хизмат қилишга ружсат берилди. Қулларнинг озод қилиниши ва гомстедлар тўғрисидаги қонун қулчиликка қарши қаратилган қақшаткич зарба бўлди.

1863 йил ёзда ҳарбий ҳаракатларда ҳам бурилиш юз берди. Пенсильваниядаги Геттисберг ёнида шимолликларнинг генерал Мид бошчилигидаги армияси генерал Ли бошчилигидаги жанубликлар армиясини тор-мор қилди. Геттисберг жангига ҳалок бўлган кўплаб шимолликларни дағн қилиш маросимида А. Линкольн нутқ сўзлади. Бу нутқ ҳозиргача Америкада ғоявий мазмундор ва бадиий мукаммал нутқ намунаси саналади.

Жанубликларнинг қаршилиги борган сари сусайиб борди. Шимолликларнинг генерал Грант, генерал Шерман армиялари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, бирин-кетин жанубий штатларни эгаллаб борди. 1865 йил 3 апрель куни генерал Шерман қўшинлари жанубликлар пойтахти Ричмонд шаҳрини эгалладилар. Забт этилган Ричмонд кўчаларидан биринчи бўлиб негрлар полки ўтди. 9 апрель куни жанубликлар қўшинларининг бош қўмандони генерал Ли таслим бўлганлик ҳақидаги актни имзолади. Уруш туѓади.

Уруш ғалабага яқинлашиб келаётган бир пайтда 1864 ноябрда Авраам Линкольн янги муддатга президент этиб сайланди. Бу сайловга Линкольн аввалгисига нисбатан анча инқилобий дастур билан келди. Унда жумладан, энди қулликни бутунлай бекор қилиш ҳақидаги банд ҳам бор эди. Уруш ниҳоясига етай деб қолганда, яъни 1865 йил февралда Конгресс конституцияга АҚШнинг бутун ҳудудида қулликни тақиқловчи 13-тузатишни қабул қилди.

Шимолликлар тантана қилаётган бир пайтда президент Линкольн театрдаги ложасида қулчилик тарафдори бўлган актёр Жон Уилкс Бус томонидан үлдирилди. Халқнинг чукур қайғусини ва эҳтиромини шоир Уолт Уитмен «Эй, капитан, менинг капиттаним!» номли қўшиғида ифода этиб:

*Менинг капитаным унсиз, забонсиз,  
Менинг құлларимни сезмайди, тинсиз.  
У жансовар кемада ўз хазинасын,  
Қирғоққа еткәзди, ҳеч бир зарарсиз,*

дея күйлайди.

**Жанубда «Реконструкция»нинг амалга оширилиши.** Урушдан кейин мамлакат олдида давлатнинг бирлигини таъминлаш ва Жанубнинг вайрон бұлган хўжалигини тиклаш муаммоси турарди. Қулчилик тоабад бекор қилинди. Бироқ қулларни амалда озод қилиш анча мураккаб жараён бўлди. Шахсий эркинликка эришган негрлар яшаш воситаларидан маҳрум эди. Кўплаб негрлар йўлларда очликдан тентираб юришар, очликдан ўлишар эди. Уларнинг бирдан-бир орзуси бир парча ерга эга бўлиш эди. Плантациялардаги ер ва иш қуролларини бўлиб олиш, ҳар бир кишига «40 акр ер ва битта хачир» – негрларнинг талаби шундай эди. Айрим жойларда улар плантаторларнинг ерларини эгаллаб, ўзаро бўлиб олишар, баъзан эса қуролли қўзғолон ҳам кўтаришарди. Улар сиёсий ҳаётда ва таълим олиш жараёнида тўлиқ иштирок этишни талаб қилишаётган эди.

Бироқ негрларнинг ерга эгалик қилиш учун уринишлари федерал қўшинлар томонидан бостириларди, урушдан кейинги дастлабки сайловларда ҳокимият органларида кўпчилик жойларни эгаллаб олган плантаторлар эса қатор штатларда «қора кодекслар» деб аталувчи қонунларни жорий қилиб, негрлар учун ярим қуллик режимини вужудга келтирдилар: олдинги хўжайинга унинг шартлари асосида ишлаш, дайдилик учун қаттиқ жазолаш, ерга эгалик қилишни, жамоат ишларида лавозим эгаллаш, оқ танлилар билан никоҳ қуришни тақиқлаш ва шу кабилар.

Аммо Конгрессда кўпчиликни ташкил қилган радикал республикачилар Жанубдаги плантаторларнинг сиёсий ва иқтисодий тикланишига тўқинлик қилди. 1866 йилнинг ўрталарида Конгресс конституцияга 14-тузатишни қабул қилиб, унга биноан негрларга барча фуқаролик ҳуқуқлари берилди, исён қатнашчилари давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди ва Конфедерациянинг ҳарбий қарзлари ҳақиқий эмас деб эълон қилинди. Ана шу тузатишларни ратификация<sup>1</sup> қилган тақдирдагина жанубий штатлар

<sup>1</sup> Ратификация – аҳдлашувчи давлатлар вакиллари томонидан тузилган шартноманинг олий ҳокимият органи томонидан тасдиқланиши.

иттифоққа янгидан қабул қилиниши мүмкін эди. Бироқ Теннессидан бошқа барча штатлар ратификация қилишдан бош тортдилар.

Радикал республикачилар негрлар томонидан олға сурىлган талабларни құллаб чиқдилар. Радикалларнинг йўлбошчиси Стивенс йирик плантаторларнинг ерларини конфискация<sup>1</sup> қилиб, негрларнинг оиласларига 40 акрдан бўлиб бериш, қолган ерларни майда бўлакларга бўлиб сотиш ва олинган пулларни ҳарбий қарзлар ҳамда нафақаларни тўлашга ишлатишни таклиф қилди. Бу сиёsat шимолликларнинг аксарият қисми томонидан қўллаб-қувватланди ва 1866 йилги сайловларда радикаллар ғолиб чиқди. 1867 йили Конгресснинг қарори билан жанубий штатларга яна федерал қўшинлар киритилди. Жануб 5 та ҳарбий округга бўлиниб, ҳар бир округда ҳокимиятни генераллар бошқарди. Ўз-ўзини бошқариш органларига сайловларда барча аҳоли, жумладан негрлар ҳам фаол қатнашди. Фақат исён иштирокчиларигина сайловларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Жануб аста-секин тиклана борди. Бу жараёнда Шимол буржуазияси катта роль ўйнади. Кўплаб ерлар шимоллик капиталистлар, офицерлар, сиёsatчилар томонидан сотиб олинди. Бу ерларда ёлланма меҳнатга асосланган йирик хўжаликлар ташкил қилинди.

Бу даврда саноат, айниқса машинасозлик саноати жадал ривожланди. Бу даврни АҚШда саноат тўнтариши якунланган деб ҳисоблаш мүмкін. Мамлакатни темир йўллар тармоғи ўраб олди. 1869 йили ҳали уруш пайтида бошланган биринчи трансконтинентал – Атлантика океанидан Тинч океанингача бўлган темир йўл куриб битказилди. Буржуазия тез бойиб борди. Қисқа вақт ичida катта-катта бойликлар тўпланди. Марк Твен айтганидек, «тилло ранг аср» кириб келди. Фуқаролар уруши ва ундан кейинги йилларда нефть қазиб олиш ва темир йўллар курилиши билан боғлиқ фирибгарликларда Рокфеллердан биринчиси ўз бойлигини тўплади. Биринчи темир йўл магнати Корнелиус Вандербилт ҳам шу даврда бойиб кетди. Фақат айрим кишиларгина эмас давлат ҳам бойиди. 1867 йили АҚШ 7,2 млн долларга Россиядан Алеут ороллари ва Аляскани сотиб олди. Қолоқлиги туфайли чор Россияси бу ерни на ўзлаштира оларди ва на ҳимоя қила оларди. Тез ривожланаётган ва экспансияга интилаётган АҚШ эса бундан унумли фойдаланиб, Америка қитъасининг яна бир булагига эга бўлди.

<sup>1</sup> Конфискация – мужкни мусодара қилиш, давлат фойдасига олиб кўйиш.

АҚШда 1861–1865 йилларда булиб үтган Фуқаролар уруши үз моҳиятига кўра буржуа-демократик инқилоб эди. У АҚШнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти масалаларини, улар ичидаги мухимларидан бири бўлган қулчиликнинг тақдирини буржуа-ча руҳда ҳал қилди. Натижада саноат жадал ривожланди, қишлоқ хўжалигида эса капитализм ривожланишининг эркин фермерликка асосланган «америкача» йўли қарор топди.

## XIX аср охири – XX аср бошларида АҚШнинг ривожланиши

*XIX асрнинг охирги чорагида иқтисодий тараққиёт.* Фуқаролар урушидан сўнг Гарбдаги кенг худудларни ўзлаштириш ва шу жараён билан боғлиқ темир йўл ва шоссе йўллар, каналлар ва портлар курилиши саноатнинг ўсишига, кенг ички бозорнинг шаклланишига олиб келди. Америка буржуазияси Европа капиталини ва илғор мамлакатларнинг техник ютукларидан унумли фойдаланди. Европа ва Осиёдан келаётган миллионлаб иммигрантлар саноатни зарур ишчи кучи билан таъминлаб турди. XIX асрнинг охирги чорагида иммигрантлар сони 10 млн дан зиёд кишини ташкил қилди ва улар ичидаги малакали ишчилар ҳам анчагина эди.

Мамлакат шарқида саноатнинг жадал ривожланиши натижасида шарқий штатларнинг капиталистлари Фарб иқтисодиётини ҳам ўзига бўйсундирди. Фарбда Чикаго, Питтсбург, Кливленд каби йирик саноат марказлари вужудга келди. Айниқса саноатнинг янги – пўлат эритиш, нефть, кимё, электротехника каби соҳалари жадал ривожланди. «Эски» капиталистик давлатлар билан рақобат ва ишчи кучининг нисбатан қимматлиги машиналардан фойдаланиш, янги техник ихтиrolарни қўллаш ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишнинг мукаммалашган усусларини жорий қилишни рағбатлантириди. Саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми бўйича Америка Кўшма Штатлари 1894 йили барча капиталистик мамлакатларни кувиб үтди ва дунёда биринчи ўринга чиқиб олди.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса буғдой етишгириш тез суръатлар билан ривожланди. Агроном Марк Карлтон Конгресс томонидан ажратилган маблагга Россиядан буғдойнинг курғоқчиликка чидамли навларидан олиб келди. Фуқаролар урушидан олдин Европа бозорларига кириб келган арzon Америка буғдойи

аср охиригача кўпайиб борди. Шу йиллари Шимолий Африкадан маккажўхори ва Туркистондан беда навлари ҳам олиб келинган эди. Америка фермерлари урушдан кейин Farbdagi ерларнинг катта майдонини ўзлаштиридилар. 40 йил ичида – 1900 йилгача гомстедлар ҳақидаги актга биноан фермерлар 81 млн гектар давлат ерлари-га эга бўлдилар. АҚШ қишлоқ хўжалигида капитализм бошқа мамлакатлардагига нисбатан тезроқ ривожланди.

АҚШнинг индустрисал мамлакатта айланиши ишлаб чиқаришнинг кучли концентрациялашуви ва капиталнинг марказлашуви билан қўшиб олиб борилди. Бу жараён фуқаролар урушидан олдин бошланиб айниқса 1873 йилги инқироздан кейин кучайди. 70-йилларнинг охирида капиталистларнинг уюшмалари шаклана бошлади. Дастлаб улар «пул» деб аталиб, капиталистларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва бозор нархларини белгилашдаги келишувидан иборат эди. 90-йилларда улар ўрнига жуда катта бирлашмалар кўринишидаги трестлар пайдо бўлди. XIX аср охирида йирик корхоналар ва акционерлик жамиятлари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий қийматининг 66,7% ини берадётган эди.

Концентрация жараёни иқтисодиётнинг барча жабҳаларида: саноатда, темир йўл транспортида, банк ишида ва қишлоқ хўжалигида юз берди. 1900 йилга келиб темир йўлларнинг ярмидан кўпи олтида йирик – Морган, Вандербильд, Гарриман, Гульд, Хилл, Пенсильвания компаниялари қўлида эди. 1870 йили ташкил топган Рокфеллернинг нефть компанияси («Стандарт Ойл компани») 1879 йилга келиб нефть ишлаб чиқаришнинг 90% ини ўз қўлларида жамлаган энг йирик монополистга айланди. Тез орада бошқа монополистик компаниялар ҳам ташкил топди. 80-йилларда тамаки, қанд, гўшт-консерва соҳаларда трестлар ташкил қилинди. 90-йилларда эса трестлаштириш кўмир, темир рудаси, газ, нефть ва мис қазиб олиш соҳаларини ҳам қамраб олди. XIX аср охирида мамлакатда 445 та саноат ва транспорт трестлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий капитали 20 млрд доллардан зиёд эди.

Банк капиталининг концентрациялашуви унинг саноат капитали билан қўшилиб кетишига олиб келди. Саноатчи Рокфеллерлар бир вактда йирик молиячилар ҳам бўлиб олдилар. XIX аср охирида Морган ва Рокфеллерларнинг иккита энг катта банки темир йўл, сугурта ва бошқа компанияларнинг 22 миллиард доллардан қўпроқ

капитали жамланган 112 та банк акцияларининг назорат пакетига эгалик қиласади. Аҳолининг энг бой ва энг камбағал катламлари ўртасидаги фарқ ҳам ортиб борди. XX аср бошларига келиб мамлакат аҳолисининг энг бой 2% и миллий бойликларнинг 60 % ига эгалик қиласади.

Мамлакат ичкарисида капитализм ривожланишининг муваффақиятларига, 1860 йилдан 1900 йилгача экспортнинг 4 баробар ошишига қарамасдан XX асрнинг бошларида ҳам АҚШ четта товарлар ва капитал чиқаришда Англия, Франция ва Германиядан ортда қолмоқда эди. 1914 йили америкаликларнинг чет эллардаги инвестицияси миқдори 3–3,5 млрд долларни ташкил қилган бўлса, чет элларнинг АҚШ га жойлаштирган инвестициялари 5 млрд доллардан зиёд эди<sup>1</sup>. Бу ҳол АҚШ ҳукмрон доираларини ташки бозорларни эгаллашга, мамлакатдан ташқарида ўз манфаатларни фаол ҳимоя қилишининг стратегиясини ишлаб чиқишига мажбур қилди. АҚШ монополистларининг баъзи маддохлари томонидан шу даврда инглиз-сакслар ирқининг устунлиги, «АҚШнинг цивилизаторлик роли» тўғрисидаги ва шу сабабли АҚШнинг жаҳонга ҳукмронлик қилиши учун кураш олиб бориш зарурлиги ҳақидаги назариялар илгари сурилди ва фаол ташвиқот қилинди. АҚШ ҳукмрон доираларида «экспансионистлар»нинг катта таъсирга эга бўлган гурӯҳи шаклланди ва улар ҳукуматдан фаол ташки сиёsat юритишни талаб қилдилар. АҚШнинг нигоҳи биринчи ўринда Испанияга қарашли бўлган Вест-Индия оролларига қаратилди. Бу ороллар факат табиий бойликлари билангина эмас, асосан муҳим стратегик жойлашуви билан ўзига жалб қилаётган эди. Пуэрто-Рико ва Куба ороллари Марказий Америка мамлакатларига ҳамда канал қазиши мўлжалланаётган ва шу сабабли АҚШ ярим асрдан бери Англия билан талашаётган Панама бўғозига олиб борувчи йўлнинг муҳим қисмида жойлашган эди. Бундан ташқари, Кариб ҳавзаси мамлакатларига экспансияни тұхтатмасдан туриб АҚШ Шарқий Осиё мамлакатларининг бозорларига йўл очишини режалаштира бошлаган эди. Бу йўналишда АҚШ агрессив сиёsatининг дастлабки қурбони Хитойга борадиган йўлда жойлашган Филиппин ороллари бўлди.

<sup>1</sup> Қаранг : Фортунатов В.В. История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012. С. 245.

1898 йили АҚШ Испанияга қарши уруш бошлади. Урушда Испания мағлубиятта учради. 1898 йил 10 декабрда Париждә имзоланған сұлхға күра АҚШ Филиппин, Пуэрто-Рико ва Гуам оролларини згаллади. Испанияға Филиппин учун 20 млн доллар пул берди. Бундан ташқари, Испания Куба оролига бўлган ўзининг ҳамма даъвола-ридан воз кечди. Коғоздагина мустақиллик олган Куба республика бўлиб қолди ва амалда АҚШ протекторати остига ўтди.

**АҚШ «прогрессив эра» ишларида.** Янги асрға АҚШ иқтисодиёттинг кўплаб соҳаларида биринчиликка интилаётган, жадал ривожланаётган мамлакат сифатида кириб келди. 1900 йилги сайловларда навбатдаги ишончли ғалабани қўлга киритган республикачилар партияси мамлакатда ижтимоий ва сиёсий ҳолатни назорат қилиб турган икки партияли тизимнинг етакчи кучи бўлиб қолаётган эди. Иккинчи муддатга президентлик лавозимига сайланған У. Маккинли ҳам республикачиларнинг «эски гвардияси» вакили бўлиб, ҳар қандай янгиликларга қарши эди. Партияда республикачиларнинг дастурий мақсадларига жиддий тузатиш киритишни таклиф қилаётган Т. Рузвелт бошчилигидаги «янги ислоҳотчилар» гурӯҳи бўлиб, уларнинг таъсири чекланган эди. Сайлов жараёнида Т. Рузвелтнинг ракиблари унинг номзодини расман иккинчи, амалда эса аҳамиятсиз бўлган вице-президент лавозимига кўрсатдилар. Аммо тасодиф республикачилар партияси стратегларининг барча режаларини бузиб юборди. 1901 йил 6 сентябрда Буффалодаги Панамерика кўргазмасига келган У. Маккинли террорист томонидан ярадор қилинди ва бир неча кундан сўнг вафот этди. АҚШ конституциясига биноан унинг ўрнини вице-президент Т. Рузвелт згаллади. Кўп вақтдан бери мамлакатни бундай дадил, ёрқин ва забардаст шахс бошқармаган эди. У фаолиятини ўз фракциясининг мавқеини мустаҳкамлаш, фуқароларни мамлакатда ислоҳотлар ўtkазиш зарурлигига ишонтириш учун ҳаракатдан бошлади. Ислоҳотларнинг бош мазмуни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар соҳасида давлатнинг ролини оширишга қаратилган эди. Т. Рузвелтнинг иккинчи ғояси турли ижтимоий гурӯхлар ўргасидаги муносабатларда ҳамкорлик тамойилларини ўрнатиш, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни сақлашда давлатнинг ҳакамлик ролини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Ва ниҳоят, Т. Рузвелт экспансияни шусиз Америка жамияти-нинг ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайдиган умуммиллий ғояга айлантириш учун ҳаракат қилди.

Т. Рузвельтнинг трестларга қарши кураши айниекса унга катта обрү келтириди. Узларининг тор манфаатларини кўзлаб сиёсат юритаётган ва шу сабабли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши учун жиддий муаммолар тугдираётган трестлар аҳолининг ҳакли норозилигига сабаб бўлаётган эди. Хукумат билан «тож киймаган қироллар» ўртасидаги дастлабки тўқнашув 1901 йили юз берди. Шерман қонунига<sup>1</sup> таянган ҳукумат вакиллари Морганларнинг банк уйига қарашли мамлакатдаги энг йирикларидан бири бўлган «Нозерн секьюритес» темир йўл компаниясини тарқатиб юбориши талаб қилди. Суд жараёни 1903 йилгача чўзилиб, оқибатда ҳукумат ғолиб чиқди ва президентга «трестларни вайрон қилувчи» деган шарафли номни келтириди.

1904 йилги сайловларда Т. Рузвельт ғолиб чиқиб, иккинчи бор президент лавозимини эгаллади. Энди қатъйроқ ҳаракат қилишга унинг маънавий ҳаққи бор эди. 1906 йили Хепберн қонуни<sup>2</sup> қабул қилиниб, иқтисодиётга ҳукумат таъсирини кучайтириди. Кейин яна иккита машҳур қонун: дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш устидан назорат ўрнатиш ҳамда қушхоналарда санитария назорати жорий қилиш ва меҳнат шароитлари устидан назорат ўрнатиш тўғрисида қонунлар маъқулланди. Ва ниҳоят, айтиш лозими, АҚШ буюк давлатлар ичida биринчи бўлиб табиатни қўриқлаш иши билан давлат даражасида шуғулланишини бошраб берди.

1908 йилги сайловларда президент этиб сайланган У. Тафт тез орада Конгресс билан муносабатларини мураккаблаштириди, республикачилар партиясининг ҳам ислоҳотлар тарафдорлари бўлган қисми билан муросага келиша олмади, натижада навбатдаги сайловлар олдидан партия амалда иккига бўлинниб кетди.

1912 йилги сайловлар худди 1800 ва 1860 йилги сайловлар сингари Америка тарихида муҳим аҳамият касб этади. Бу сайловларда демократлар вакили, таниқли тарихчи, давлатчилик ва халқаро муносабатлар бўйича мутахассис Вудро Вильсон ғолиб чиқди. У катта

<sup>1</sup> Шерман қонуни – 1890 йили АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган трестлар монополиясига карши қонун. У «саноат эркинлиги хартияси» деб аталганлигига қарамасдан, судлар томонидан турлича шарҳланганлиги сабабли амалда кутилган натижа бермади. Америка тарихчилари уни монополияларга қарши курашнинг бошланишин деб ҳисоблашади.

<sup>2</sup> Хепберн қонуни штатлараро савдода темир йўл тарифларини тартибга солувчи Комиссиянинг ваколатларини кенгайтириди.

сиёсатга 1910 йилдагина келишига қарамасдан, қатый ислоҳотлар тарафдори сифатида жуда тез танилди.

В. Вильсон ҳокимиятга келганды қарыйб 20 йилдан бери монополияларга қарши ҳаракат АҚШ сиёсий ҳаётининг фаол омилига айланган эди. У жамиятга ўзининг «янги эркинлик» деб аталған курсини таклиф қилди. Президент трестларни кескин танқид қилди, аммо уларни йўқ қилишни эмас, рақобатни тартибга солиш лозим деб ҳисоблади. Демократларнинг кейинги сиёсати шу асосга қурилди. Улар ҳаётга татбиқ қилған йирик ташаббуслар қаторига Клейтон қонунини<sup>1</sup>, саноатда рақобатчилик қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатган Федерал саноат комиссиясининг тапкил қилинишини (1914), солиқ соҳасидаги адолатсизликка барҳам беришга қаратилған прогрессив солиқнинг жорий қилинишини (1913), молия соҳасини тартибга солишида давлатнинг ролини кескин оширган Федерал заҳира тизимининг ташкил қилинишини (1913) киритишими兹 мумкин. Булардан ташқари, сиёсий ҳаётни демократлаштириш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, сенаторларни тўғридан-тўғри сайлаш ҳақида конституцияга ўзгартиш киритилиши демократларнинг бу борадаги катта ғалабаси бўлди.

В. Вильсон дастурининг муҳокамаси Европада Биринчи жаҳон уруши бошланишига тўғри келди. АҚШ ҳали урушга бевосита жалб қилинмаган бўлсада, уруш фактори ички сиёсатга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Уруш олиб бораётган давлатларга маблаг етишмаслиги уларни АҚШга мурожаат қилишга мажбур қилди. Дастлаб хусусий банклар, кейин эса давлат Антанта давлатларига турли қарзлар бера бошлади. Европа давлатлари аста-секин АҚШнинг қарздорига айланиб борди ва жаҳон молия маркази ҳам Лондондан Нью-Йоркка кўчди. Урушайтган давлатларнинг ҳарбий буюргомлари эса АҚШ иқтисодиётининг жадал ривожланишига туртки бўлди. Қишлоқ хўжалигини ҳам инқироз ҳолатидан чиқариш имкони туғилди. Ишчиларнинг ойлик иш ҳақлари ошди ва жамиятда ижтимоий кескинлик юмшаб, кўплаб муаммолар ҳал қилинди.

Ташқи сиёсатга келсак, АҚШ бетарафликни сақлаб турган бўлсада, Германиянинг ҳаракатларидан, аввало немислар денгиз-

<sup>1</sup> Клейтон қонуни 1914 йили қабул қилинган. Шерман қонунига кўра қасаба уюшмалари ҳам монополияларга тенглаштирилған эди, Клейтон қонуни уларни монополиялар қаторидан чиқарди.

да олиб бораётган «чексиз уруш» туфайли сув ости кемалари ва ғаввосларининг нейтрап давлатлар савдо кемаларига хужумлар ўюнтираётганинигидан хавотирда эканлигини энди яширмаётган эди. Айни пайтда расмий Вашингтон ўзининг ташки сиёсат та-мойилларини ўзгартироқчи эмасди. Аксинча, 1916 йилги сайлов-олди кампаниясини В.Вильсон ва у етакчилик қилаётган демократ-лар партияси «Американи урушдан ташқарида сақлаб қолиш» шио-ри остида олиб борди.

Президентлик мандатини иккинчи бор қўлга киритган В. Виль-сон ўзининг ташки сиёсат режасини дадил амалга ошириш имко-ниятига эга бўлди. Оқ уйда, умуман хукмрон қатламда ҳам урушда кимнинг ғолиб бўлиши АҚШ учун бефарқ эмаслигини тушуниб етдилар. Немис агентларининг Мексикада ва АҚШнинг ўзидағи фаолияти ҳам президентни дадил ҳаракатлар қилишга ундали ва АҚШнинг урушга бевосита қўшилиши учун жамоатчилик фикрини тайёрлашга ёрдам берди. Натижада 1917 йил февралда АҚШ хуку-мати Германия билан дипломатик алоқаларини узганлигини эълон қилди. Бунга немислар сув ости ҳаракатларининг янада фаолла-шуви билан жавоб берди. АҚШ эса 1917 йил апрелда бундан буён Германия билан уруш ҳолатида эканлиги тұғрисида баёнот берди. Шу тариқа буюк давлатларнинг охиргиси ҳам урушга кирди.

\* \* \*

XIX аср АҚШ аспи бўлди. Ҳали аср бошларида давлатнинг бир бутунлигини сақлаб қолиш учун фуқаролар уруши олиб борган халқ, аср охирига келиб дунёning энг ривожланган ва кучли дав-латларидан бирига айланди. Кенг демократик эркинликлар, ҳукуқ ва мажбуриятлар тенглиги, одамларнинг тадбиркорлиги ва ташаб-бускорлиги учун яратилган имкониятлар XX асрга келиб АҚШни дунёning энг қудратли мамлакатига айлантириди.

### XIII боб бўйича саволлар

1. XIX аср бошларидаги қандай ўзгаришлар АҚШ иқтисодиётининг кейинги ривожини белгилаб берди?
2. Саноат тўнтариши жараёнида машиналарнинг ихтиро қилиниши ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланилишига қандай сабаблар бор эди?
3. АҚШ қишлоқ хўжалигига капитализм ривожланишининг йўналишини белгилаб берган сваттерликни қандай тушунасиз?

4. Федералистлар билан республикачилар ўртасидаги сиёсий кураш давлат ривожланишининг кейинги тақдирига қандай таъсир кўрсатди?
5. Иккинчи Англия – Америка урушининг сабаблари нимада эди ва у қандай натижа билан якунланди?
6. 1830-йиллари республикачилар томонидан олиб борилган ислоҳотлар аҳолининг қайси қатламлари манфаатларига қаратилган эди?
7. АҚШдаги Фуқаролар урушининг келиб чиқиш сабаблари нимада эди?
8. Фуқаролар урушида шимолликлар ғалабаси ва жанубий штатлардаги реконструкция жараёни АҚШнинг кейинги тараккиётida қандай роль ўйнади?
9. XIX асрнинг охирги чорагида АҚШ жадал иқтисодий тараккиётга қандай омиллар орқали эришди?
10. Т. Рузвельт ислоҳотларининг асосий мазмунини қандай гоялар ташкил қиласарди?

#### **XIV БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ**

*Лотин Америкасида мустақил давлатларнинг ташкил топиши.* XIX аср бошларига келиб Лотин Америкаси<sup>1</sup> халқлари қитъада мустақил давлат қуриш назарияси ва амалиёти билан танишган, ўзларининг мустақилликка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги назарияни исботловчи ғоялар мажмуига ҳам эга бўлишганди. Бунга сиёсий ва иқтисодий сабаблар ҳам қўшилди. Европада тұхтовсиз давом этаётган урушлар уларнинг Лотин Америкаси билан шаклланган алоқаларини бузиб, мустамлакалар иқтисодига катта путур етказди. Трафальгар жангида деярли бутун испан флоти йўқ қилингандан кейин Европа билан Лотин Америкаси ўртасидаги алоқалар деярли тўхтаб қолди. Масалан, 1802 йили Мексиканинг энг йирик порти Веракрусга 148 та испан кемаси келган бўлса, 1806 йили фақат 8 та кема келди, холос. Мустамлакачилар энди ўз тақдирлари ҳақида ўйлай бошладилар. Мустақиллик учун қуролли курашнинг бош-

---

<sup>1</sup> Лотин Америкаси мамлакатларига Жанубий Америкада ва Шимолий Американинг жанубий қисмида жойлашган давлатлар, шунингдек, Кариб денгизидаги ороллар киради. Бу ном европаликлар босқинидан кейин бу ерда лотинчадан келиб чиқсан испан, португал, француз тилларида сўзлаша бошлаганлари учун берилган. Аввал «Ибероамерика», «Индоамерика», «Испан Америкаси» терминлари ҳам кўлланилган. Бугун БМТнинг хужжатларида бу ҳудуд «Лотин Америкаси ва Кариб мамлакатлари» деб юритилади.

ланишига охирги турткى Испаниядаги воқеалар бўлди. 1808 йили французлар Испанияга бостириб кириб, тахтга Наполеоннинг укаси Жозеф Наполеонни ўтқаздилар. Америкадаги испан мустамлакалари оғир муаммо олдида қолдилар: аввалгидек эски қиролга бўйсунишми ёки янги ҳокимиятни қўллаш лозимми, ёинки учинчи йўл – ўз тақдирини ўз қўлига олиш учун курашни бошлаш керакми? Бу муаммолар олдида Лотин Америкаси жамиятида ажралиш юз берди.

Мустамлакачиларнинг мўътадил қисми испанларнинг французларга қарши курашига бошчилик қилаётган Хунта уларнинг хуқуқларини кенгайтиради, ўз-ўзини бошқариш хуқуқини беради деб хисоблаб, уларни қўллаб-қувватлашни маъкул кўрдилар. Бироқ уларнинг умидлари пучга чиқди. Хунта Испаниянинг мустақиллиги учун курашиб, мустамлакаларга бирон-бир енгиллик беришни режалаштирмаётган эди. Хунтанинг ҳаракатлари мустамлакалар мустақиллиги учун курашаётган гуруҳнинг позициясини кучайтиради. 1810 йили Лотин Америкасидаги испан мустамлакаларининг йирик марказларида қўзғолонлар бошланиб кетди. Одатда бу қўзғолонларни Лотин Америкасида мустақиллик учун курашнинг бошланиши деб хисоблашади. Қўзғолон жуда катта худудни – Техасдан Оловли Ергача қамраб олганлиги учун ҳар бир худудда ўзига хос хусусиятга эга бўлди. Одатда учта минтақа ажратилиб кўрсатилади: 1) Мексика; 2) Венесуэла ва Янги Гренада (ҳозирги Колумбия); 3) Лотин Америкасининг жануби.

Шу тариқа бошланган мустақиллик учун кураш 20 йилдан зиёд вақт давом этди. Унга помешчик-креоллар бошчилик қилди. Мустақиллик учун курашнинг энг машхур қаҳрамонлари Симон Боливар-Халоскор (1783–1830), Мигель Идалъго (1753–1811), Хосе де Сан-Мартин (1778–1850), Хосе Антонио Сукре (1795–1830), Августин де Итурбиде (1783–1824) ва Франческо Миранда (1750–1816) бўлди.

Дастлаб мустақиллик учун курашнинг маркази Венесуэла бўлди. Айнан Венесуэлада 1811 йил 5 май куни Миллий конгресс йиғилиб, мамлакат мустақиллигини эълон қилди. Миллий мустақиллик учун кураш раҳбарлари орасида Симон Боливар-Халоскор ажралиб турарди. У бой креол оиласидан чиқсан бўлиб, Европада таълим олган ва у ерда француз инқилобининг гувоҳи бўлган эди. Инқилоб ғоялари унда чукур ҳавас уйғотади ва у юртига ҳақиқий

инқилобчи бўлиб қайтади. Шу сабабли Боливар-Халоскор аввал бошданоқ мустамлакачиларга қарши курашга фаол киришди. У инқилобий армия ва янги давлатнинг шаклланишига ҳам катта ҳисса қушди. Тўғри, янги давлатни қуриш учун аввал мустақилликка эришиш лозим эди. Метрополия тарафдорлари бир оз эсанкирашдан сўнг ҳужумга ўтдилар ва жиддий мувафаққиятларга ҳам эришдилар. 1812 йили испанлар ва уларнинг тарафдорлари кўзғолончиларни енгиб, Янги Гренадага сиқиб чиқардилар. Ушбу мустамлакада ҳам қўзғолон кўтарилиб, Янги Гренада Конфедерацияси ёки Бирлашган Провинцияларини тузишга қарор қилинди. Бу ердан кўзғолон-чиларнинг Симон Боливар-Халоскор бошчилигидаги янги ҳужуми бошланиб, у 1813 йили Венесуэла Республикасини тиклаш билан якунланди. Бироқ муваффақиятни мустаҳкамлашнинг имкони бўлмади. Асосий муаммо ёш республикага маблағ етишмаслигида ёки армиянинг яхши куролланмаганлиги ва аскарларнинг ҳарбий ишга ўргатилмаганлигига эмас, янги ҳокимиётнинг мамлакат аҳолисини жислаштира олмаётганида эди. Мустақиллик учун курашни бошлаб берган ва унга бошчилик қилган креоллар элитаси аҳолининг асосий қисмини ташкил қилган бошқа қатламларга – ҳиндулар, метислар, негрларга ишонмасди, улар эса ўзларининг эзувчилари сифатида испанларни эмас, айнан креолларни кўради.

Инқилоб йўлбошчилари аҳолининг бу қатламини мустақилликдан сўнг ҳаёт яхшиланишига ишонтира олмадилар. Бундан фойдаланган испанлар тарафдорлари дехқонларни ўз томонларига оғдириб, мустақиллик тарафдорларини енгиб чиқдилар. Мамлакатнинг катта қисми яна улар қўл остига ўтди. Мустақиллик тарафдорлари фақат бориш қийин бўлган ҳудудлардагина партизанлик курашини давом эттирдилар. Бундай оғир ҳолат мустақиллик ҳаракати йўлбошчиларини ўзларининг дастурий мақсадларига маълум ўзгартириш киритишга, мамлакат аҳолисининг кўпчилиги орзу-умидларини ҳам ҳисобга олишга мажбур қилди. Булар иккита муаммода мужассамлашган эди: қулликнинг бекор қилиниши ва дехқонларга ер берилиши.

Озодлик ҳаракатининг янги дастури 1815 йили Симон Боливар-Халоскор томонидан шакллантирилган бўлиб, унинг машхур «Ямайкадан хатлар»ида эълон қилингандан сўнг кўпчиликнинг эътиборига тушди. Янги ҳукумат ғалаба қозонган тақдирда қулликни

бекор қиласи ва озодлик ҳаракати армиясининг аскарларига ер беради дея эълон қилиниши, бу армияга кўплаб дехқонларни жалб қилди. 1816 йили испанларга қарши курашнинг янги босқичи бошланди. Венесуэлада испанларни тор-мор қилган Боливар-Халоскор армияси Янги Гренада томон юриш қилди. 1821 йили бу худудлар ҳам испанлардан озод қилинди. Шу йили бу икки худудни, шунингдек, ҳозирги Панама ва Эквадор худудларини дабдабали ном билан Буюк Колумбия деб аталган ягона давлатга бирлаштиришга қарор қилинди.

Худди шу даврда Лотин Америкасининг жанубий қисмида, ҳозирги Чили, Аргентина, Уругвай ва Перу худудларида ҳам испанлар ҳукмронлигига қарши кураш бошланади. Бу ерда умумий душман – испан мустамлакачиларига қарши кураш шу билан мурakkabлашадики, озодлик ҳаракатида иккита йўналиш: Буэнос-Айрес зодагонларига таянган унитаристлар ва пойтахтикларнинг имтиёзли ҳолатидан норози бўлган чекка ўлкалар зодагонларини бирлаштирган федералистлар бир-бирига қарши турарди. Лотин Америкасининг бу қисмида озодлик ҳаракатининг маркази Мендоса провинцияси бўлиб, у ерда Сан-Мартин бошчилигига инқилобий армия тузилади. Сан-Мартин 1818 йили Чилининг озод булишига олиб келган машхур юришини шу ердан бошлаган эди. Кейин у шимолга қараб ҳаракатланиб, 1821 йили Перу худудида Боливар қўшинлари билан бирлашди. Бу ер испанларнинг Лотин Америкасидаги асосий таянч нуқтаси бўлиб қолаётган эди.

Гап шундаки, айнан шу ерда олтин ва кумуш қазиб чиқарадиган конлар жойлашган бўлиб, маҳаллий креоллар бундан анча катта фойда олардилар. Табиийки улар метрополия билан шаклланган муносабатларини ўзгартиришга эҳтиёж сезмаётган эдилар. Бунинг устига ҳиндуларнинг қўзғолонлари ҳам ҳали унугтилмаган эди ва испанлар кетиши билан бу қўзғолонларнинг яна бошланишидан креоллар ҳақли равишда хавотирга тушаётган эдилар. Ушбу хавотирлар ва маҳаллий зодагонларнинг қаршилигига қарамасдан озодлик ҳаракати бу ерларга ҳам етиб келди.

1821 йили Сан-Мартин қўшинлари Лима шаҳрини эгалладилар ва янги давлат – Перу мустақиллиги эълон қилинди. Бироқ испанлар таслим бўлмадилар. Уларнинг қаршилиги 1824. йилгача давом этди ва фақат Симон Боливар-Халоскор қўшинларининг ёрдамигина мустамлакачиларнинг тор-мор қилинишига олиб келди. Энг оғир

жанглар Мексика мустақиллиги учун бўлиб ўтди. Бу ерда мустақиллик ҳаракати аввалбошданоқ маҳаллий руҳоний Мигель Идальго бошлилигидаги оммавий дәҳқонлар қўзғолонинг ижтимоий норозилиги билан қўшилиб кетган эди. Қўзғолончилар пойтахт остоналарида тор-мор қилинди. М. Идальго асир олиниб, отиб ўлдирилди. Аммо кураш шу билан якунланмади. Энди унга Идальгодан ҳам ашаддийроқ курашчи Хосе Морелос бошлилик қилди. 1813 йили Мексиканинг мустақиллиги эълон қилинди. Бироқ испанлар қарши хужумга ўтиб, 1815 йили Морелос қўшинларини тор-мор қилдилар. Морелос ҳам Идальго сингари қатл қилинди. Испанлар вақтинча бўлсада ўз хукмронлигини тиклаб, аҳволни барқарорлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бироқ барқарорликка ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилиш эмас, репрессияни кучайтириш ҳисобига эришилди. Бундай барқарорлик узоққа чўзилмаслиги барчага маълум эди.

Жамиятда кучларнинг қайта бўлиниш жараёни кетаётган эди. Испаниянинг ўзидағи бекарорлик ҳолати, Мексикада янада даҳшатлироқ ижтимоий портлаш ҳавфи мавжудлиги креоллар йўлбошчиларини мустақиллик муаммосига ўз муносабатларини қайта кўриб чиқишига мажбур қилди. Улар орасида яхшиси мустақиллик учун курашга бошлилик қилиш ва уни ўзларига фойдали йўналишга буриш тарафдорлари кўпайиб борди. Бу гуруҳнинг йўлбошчиси полковник де Итурбиде бўлди. Армиянинг юқори мансабли офицерларига таяниб Итурбиде 1821 йили ўзини император деб эълон қилди. Бироқ янги империя узоқ яшамади. Мамлакат иқтисоди тўлиқ издан чиққан, ҳатто офицерларга маош тўлашга ҳам пул етишмасди. Асосий ижтимоий-иктисодий муаммолар ҳал қилинмай қолаётган эди. Дәҳқонлар ер талаб қилаётган ва унинг учун қўлларига қурол олиб курашга ҳам тайёр эдилар. Уларнинг кўпчилиги Морелоснинг сафдошлири бошлилик қилаётган партизанлар отрядларига қўшилиб кетдилар. Армияда ҳам норозилик кучайиб бораётган эди. Итурбиде режими ўз таянчидан айрилиб борарди. 1822 йили ёқ бутун мамлакат бўйлаб янги диктаторга қарши кураш бошланиб кетди. Кураш шиддат билан ривожланиб, 1824 йилга келиб диктаторлик тугатилди. Мексикада мустақил федератив республика тузуми ўрнатилди.

XIX аср 20-йиллари ўрталарига келиб испан мустамлакаларидаги кураш мустакиллик тарафдорларининг галабаси билан якунланди. Испания қўл остида фақат Куба ва Пуэрто-Рико қолган эди. Испаниянинг олдинги мустамлакалари ўрнида мустакил республикалар: Мексика, Марказий Америка Кўшма Штатлари (кейинчалик парчаланиб кетди), Буюк Колумбия, Боливия, Аргентина, Чили, Перу, Парагвай ташкил топди. Бу Лотин Америкаси халқларига улар ривожланишини қийинлаштириб турган кўплаб чекловларни олиб ташлаш имконини берди. Айниқса, сиёсий соҳадаги ўзгаришлар катта эди: республика тузуми ўрнатилди, қуллик (Колумбияда – 1819 йил, Кубада – 1878 йил, Бразилияда – 1888 йил), табакавий ва иркий тенгсизлик бекор килинди, инквизиция фаолияти тақиқланди, ўша даврнинг энг илғор тамойиллари давлат тузилишининг асослари килиб олинди. Буларнинг барчаси ижтимоий тараққиёт учун яхши имкониятлар яратди. Лотин Америкаси халқларининг миллий онги ўсиб, улар ўзларининг маълум бир миллатга хослигини ва мустакил миллий давлат тузиш ҳукуқига эга эканликларини англаб етдилар.

Сиёсий соҳадаги мувафақиятларга қарамасдан, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кўпчилиги ҳал қилинмасдан қолди. Аввало аграр соҳада аҳвол жуда аянчли эди. Масалан, Венесуэлада хўжаликнинг асосий соҳаси бўлган чорвачилиқда йирик шохли моллар сони 95% га камайиб кетди. Лотин Америкасида йирик латифундиялар дахлсиз қолаётган эди. Мустакиллик учун уруш йиллари қишлоқларда янги зодагонлар шақлланиб, улар жамиятнинг асосий консерватив кучига айланди. Уруш йиллари аҳолининг сони ҳам кескин камайиб кетди – фақат Колумбия аҳолиси 1800 ва 1840 йиллари 200 минг кишига камайди. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар йиғилиб, жамият тараққиётининг кейинги ривожланишига тўсик бўлиб қолди. Янги мустакил давлатларнинг тақдири жуда оғир бўлди. Улар мустакиллик берган кенг имкониятлардан фойдаланиш даражасига етиб келгунча кўплаб қийинчиликларни енгиб утишига тўғри келди.

*Каудильо<sup>1</sup> асли.* Мустакиллик учун урушдан сўнг ёш давлатларнинг сиёсий ҳаётида тинчлик ўрнатилмади. Улар каттароқ худудларга эга бўлиш учун бир-бирлари билан уруш олиб бордилар. Бу ҳол ҳар бир давлатнинг ўзида ҳокимият учун кечган даҳшатли

<sup>1</sup> Каудильо – бошлиқ, йўлбошли, «каудильизм» – хукмрон синфнинг бир гурӯҳ вакиллари томонидан ўрнатилган золимона диктаторлик ҳокимияти.

кураш билан қушиб олиб борилди. Одатда ҳокимият ҳарбийлар ёки мустақиллик учун уруш йилларида обру өрттирган йўлбошчилар кўлига ўгарди. Ҳар иккаласи ҳам ҳарбий кучга таяниб ҳокимиятга келарди.

Лотин Америкаси цивилизациясига анъанавий жамиятнинг кўплаб белгилари хос бўлиб, айниқса уруғ-аймоқчилик<sup>1</sup> алоқалари яққол кўзга ташланади. Бу алоқалар синфий ёки миллий алоқалардан ҳам устун эди.

Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, «кучли» шахс атрофида унинг ёрдами билан ўз муаммоларини ҳал қилиш умидида бўлган бир гурух шахслар бирлашадилар. Сиёсий курашда йўлбошчининг шахсий хислатлари – омманинг ишончини қозониш ва уни бошқара олиш асосий роль ўйнайди. Бундай шароитда йўлбошчи билан дўстона муносабат қонундан кўра муҳимроқ ҳисобланади ва «Дўстлар учун ҳамма нарса, душманлар учун – қонун» тамойилида ўз ифодасини топади. Кўпчилик ҳолларда оломоннинг «севимли йўлбошчиси» ниқоби остида шуҳратпараст, лўттивоз ва фирром шахс яширинган бўлиб, унинг бу хислатлари одатда у ҳокимиятдан кетгандан кейин ёки ўлгандан сўнг «фош қилинар», «англанар» эди.

*Кумушли республика каудильоси.* 1826 йил 24 декабрда собиқ Ла-Плата вице-қироллигига киравчи провинциялар конституция қабул қилиб, ўзларининг давлат иттифокига бирлашганликларини тасдикладилар. Ёш давлат Аргентина деган чиройли ном олиб, у «Кумушли» деган маънони англатади. Аммо бу чиройли номга қарамасдан Аргентинанинг бутун XIX асрдаги тарихи қўши давлатлар – Бразилия, Боливия, Парагвай, шунингдек, Англия ва Франция билан ҳамда хиндуларга қарши қирғинбарот урушлар даври бўлди.

Провинцияларнинг ягона давлатга бирлашиш жараёнига 1829 йилдан 1852 йилгача ҳокимиятда бўлган Хуан Мануэль де Росас бошчилик қилди. Росас йирик латифундиячи бўлиб, Буэнос-Айрес провинциясида жуда катта худудлар унга тегишли эди. У ўз ҳарбий кучларига эга бўлиб, армия асосан унга қарам бўлган пеонлар, гаучо<sup>2</sup> ва собиқ негр қуллардан ташкил топган. Росас ҳақиқий «каудильо» – бу ерлар ва унда яшайдиган одамларнинг хўжайини эди.

<sup>1</sup> Уруғ-аймоқчилик бу ерда асосан ҳамфикр кишиларнинг узвий боғликлигига намоён бўлади.

<sup>2</sup> Гаучо – Лотин Америкасида чўпонлар шундай аталган.

Росас бераҳм ва золим бўлган. У 1833 йили ҳарбий куроллардаги устунлиги натижасида эркин ҳиндулар жамоасига тегишили бўлган жуда катта ҳудудларни эгаллаб олди ва бу ердаги ҳиндуларни тўлиқ қириб ташлади. Бу қонли урушдан сўнг албатта қонли диктатура ўрнатилди. 1835 йил апрелда ўтказилгаи плебисцит натижасига кўра Росас губернатор лавозимини эгаллади ва чекланмаган ваколатларга эга бўлди. Юқори мулкий чегара ўрнатилганлиги сабабли плебисцитда фақат 10 минг киши қатнаша олди. Росас айниқса гаучо орасида жуда машҳур эди. Улар Росас тимсолида ўзларининг ҳарбий бошлиқларини, моҳир чавандозни, «пампа<sup>1</sup> одамини» кўрадилар, у эса чўпонлар кийимини кийиб олиб, уларга тақлид килар, хуллас ролини жуда яхши ўйнарди. Шу тариқа мамлакат бераҳм ва золим киши қўлига тушди.

Росас фаолиятини ўз ракибларини жисмоний йўқ қилишдан бошлади. Минглаб одамлар қурбон бўлди. Айни пайтда мамлакатда Росас шахсига сифиниш жараёни авж олди. Октябрь ойи унинг шарафига Росас деб қайта номланди, унинг туғилган куни миллий байрам деб эълон қилинди. Росас расман битта провинциянинг губернатори бўлиб қолаётган бўлсада, у аста-секин ўз ҳокимиятини бутун мамлакатга ёйди. 1836 йили у иезуитлар ҳокимиятини тиклаб, мактабни уларга бўйсундирди. Бундан ташқари полиция ҳам мактабни назорат қилиш хуқуқини олди. Мамлакатга иммиграция тўхтатилди. Шахсга сифиниш сиёсати ўрнатилиб, Росас расман «давлат асосчиси» деб атала бошланди (барча диктаторлик тузумларида диктаторнинг расмий лавозимидан ташқари ҳалқ орасида осон тарқалувчи атамалар, масалан, «дохий», «фюрер», «дуче», «йўлбошчи», «каудильо», «халқлар отаси» ва шу кабилар жорий қилиниши одат бўлган).

Аслида «давлат асосчисининг» ҳокимияти латифундиячилар ҳокимияти эди. Росас уларга давлат фондидан жуда катта ерларни бўлиб берди. Латифундиячилар эса ўз ерларида «кичкина каудильо» бўлиб, суд ва жазони амалга оширап эдилар. Каудильонинг диктаторлик режими аҳолининг тор доираси манфаатларини ҳимоя қиласиди. Гаучо ўзларини эркин деб ҳисоблаб, ўзгалар ерида ўзганинг қўйларини боқаётганлигини ва ўзгалар манфаати учун ҳиндулар билан уруш олиб бораётганлигини тушунмас эдилар.

<sup>1</sup> Пампа – Жанубий Америкадаги субтропик чўллар шундай аталади.

Росас диктатураси даврида давлатнинг ташқи сиёсати ҳам агресивлиги билан ажралиб туради. У Боливия ва Уругвай билан урушлар олиб борди, бу эса Англия ва Франция билан можароларга олиб келди.

Аргентинада каудильо сиёсати кенг халқ норозилигини келтириб чиқарди ва унга қарши ҳаракат бошланди. 1851 йил ноябрда Бразилия ва Парагвай «золим Росас ҳукмронлигидан Аргентинани озод қилиш» мажбуриятини олдилар. Уларни Аргентина аҳолиси кўллаб-куватлади. 1852 йил Буэнос-Айрес ёнидаги жангда Росас тарафдорлари тор-мор килинди. Диктатор мамлакатдан қочиб кетди.

Аслида XIX асрда каудильизмни четлаб ўтиш Лотин Америкасининг бирорта ҳам мамлакатига насиб қилмади. Бу ҳам янги цивилизация ривожланишининг ўзига хос қонунияти бўлса керак.

*XIX аср охири – XX аср бошларида Лотин Америкаси мамлакатлари ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланишининг асосий ўналишлари.*

Ўн йиллар давом этган ўзаро урушлар Лотин Америкаси мамлакатлари иктисодиётiga ҳалокатли таъсир кўрсатди. Улар хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамда қазилма бойликлар – мис ва кумушни четга чиқаришга йўналтирилган эди. Шунга қарамасдан, XIX аср ўрталарига келиб қатор мамлакатлар жаҳон бозорига тортилди.

1832 йили Чилида бой кумуш конлари очилиб, уларга Европада талаб ошиб бораётган эди; Калифорния АҚШ томонидан босиб олингандан сўнг у ерга Чилидан кўплаб микдорда дон келтира бошланди. XIX аср охирига келиб Чилида селитра қазиб олиш ўзлаштирилиб, уни жаҳон бозорига етказиб бериш бошланди. 1880–1910-йиллари мамлакатда саноат ишлаб чиқариши ҳажми йилига 2% дан ўсиб борди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Аргентинада эркин савдо тарафдорлари кучаяди, чунки бунинг учун қулагай шароит вужудга келган эди. Европадаги саноат инқилоби у ерда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёга бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келди. Мамлакат ичкарисида ҳам ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва уни ишчи кучи билан таъминлаётган иммигрантлар оқими кундалик эҳтиёж маҳсулотларига бўлган талабни ошириб юборди.

XIX аср охирига келиб Аргентина иктисодиётининг иккита ривожланган соҳаси чорвачилик ва деҳқончилик бўлиб қолди. Чор-

вачилик гўшт етишириш ва музлатилган гўштни экспорт қилишга мўлжалланган бўлиб, унинг 2/3 қисми Лондонга жўнатилар эди.

Бразилияда ҳам қулликнинг бекор қилиниши ва иммигрантлар оқими капиталистик хўжалик ривожланиши учун шароит яратди. XIX аср охирига келиб кофе, олтин, кумуш ва тропик мевалар экспорти Бразилия давлат даромадининг асосий қисмини ташкил қиласди. Мексикадан ҳам олтин ва кумуш, Колумбиядан – кофе ва индиго (бўяш воситаси) экспорт қилинар эди. Курилаётган саноат корхоналари ва темир йўллар чет эл капитали қўлида эди.

Лотин Америкаси минтақасидаги мамлакатлар XX аср бошлигига келиб капиталистик тараққиёт даражаси бўйича қўйидагича ҳолатда эди: Аргентина, Уругвай, Бразилия, Куба, Венесуэла ва Чили нисбатан тараққий этган давлатлар гурӯҳини; Боливия, Мексика ва Перу кам тараққий этган давлатлар бўлиб, уларда кўп сонли ерсиз ва қарам дехқонлар гурӯҳи сақланиб қолаётган эди. Бу худудда йирик ер эгалигининг (латифундия) хукмронлигига асосланган мустамлака давридаги иқтисодий тизим амалда сақланиб қолаётган бўлиб, ҳайдаладиган ерларнинг 80% га яқини латифундиячиларга тегишли эди. Бироқ ягона жаҳон хўжалик тизимиға интеграциялашув жараёни бу иқтисодий тизимнинг ҳам трансформациялашувига олиб келди.

XIX аср охири – XX аср бошларида минтақа иқтисодиётига чет эл капиталининг кириб келиши кескин фаоллашади. Чет эллик инвесторлар саноат ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг илғор усувларини жорий қилишга кўмаклашдилар.

XIX асрда Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодига киритилган инвестиция миқдори бўйича Англия етакчилик қилган бўлса, аср охирига келиб Германия ва айниқса АҚШ инвесторлари жуда фаоллашадилар. Қўшма Штатлар олдинроқ Мексика ва Кариб ҳавзасида муҳим ўрнашиб олган эди. 1898 йилги испан-америка урушидан сўнг АҚШ Пуэрто-Рикони аннексия қилди ва номигагина мустақил бўлиб қолган Куба устидан ўз назоратини ўрнатди. АҚШнинг минтақадаги режасида 1914 йили очилган Панама каналига алоҳида эътибор қаратилади. Зоро, каналнинг қурилиши минтақадаги хўжалик алоқаларининг кескин ўзгаришига олиб келди.

АҚШ билан алоҳида муносабатлар натижасида вужудга келган давлат шаклини тавсифлаш учун маҳсус ибора – «банан

республикаси»ни қўллай бошладилар. Бунинг моҳияти шундаки, ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ҳисобланган давлатлар иқтисоди бу ерда ўстириладиган тропик меваларнинг АҚШга қилинадиган экспорт ҳажмига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлганлиги сабабли аслида унга қарам эдилар. Панамериканизм ғоясидан кенг фойдаланган АҚШ ўзини бутун Янги Дунё ҳалқлари хоҳиш-иродасининг ифодачиси қилиб кўрсагишига уринарди.

Лотин Америкаси жамиятининг ривожланиши ва характеристига бу ердаги этник жараёнлар катта таъсир кўрсатди. Турли ҳалқлар – ҳиндулар, негрлар, европаликлар маданияти ва анъаналари ўртасидаги ўзаро таъсир бу мамлакатларда жуда хилма-хил ва ўзига хос этнопсихологик жамоаларнинг шаклланишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий маданиятнинг, бутун сиёсий жараёнларнинг характерини белгилаб берди. Жамиятдаги беқарорлик, ўзига хос сиёсий маданият ва кўплаб ўта чалкаш ижтимоий-иқтисодий муаммолар Лотин Америкаси мамлакатларидағи сиёсий берқарорликка, тез-тез бўлиб турадиган давлат тўнтишиларига, қўзғолонларга, инқилобларга, сиёсий курашнинг ғирром усулларидан кенг фойдаланишига олиб келди. Кўплаб давлатларда ўз фамилятида армияга таянган авторитар режимлар ўрнатилди. Сиёсий курашда, оммавий ҳалқ ҳаракатларида уларнинг қатнашчилари қандайдир дастурлар, шиорлар ёки талаблар асосида эмас, ўз йўл-бошчилари – каудильо атрофида бирлашардилар.

Агар бу вақтга келиб Европа ва Шимолий Америкада фуқаролик жамиятининг асослари шаклланган бўлса, Лотин Америкасининг илғор мамлакатлари ҳам ҳали бу жараёндан анча йироқ эдилар. Аслида формал равища республика тузуми, кўпчилик ҳолларда АҚШдаги шундай хужжатдан қўчириб олинган конституция ҳам мавжуд бўлса-да, Лотин Америкасидаги демократия ҳақида факат бу давлатлардаги авторитар режимларни безаб турган ташки шакл, безак сифатидагина гапириш мумкин.

XIX асрнинг охириларига келиб Лотин Америкасига социалистик ғоялар ҳам кириб кела бошлади. Бу худуддаги биринчи социалистик партия 1896 йили Аргентинада ташкил топди. Кейин шу типдаги партиялар Чили ва Уругвайда ҳам пайдо бўлди. Жанубий Европадаги сингари бу ерда ҳам социалистлар билан анархистлар рақобатлаша бошлайди, чунки анархистик ғоялар Лотин Америкаси жамиятининг қуий қатламига тушунарли ва яқин эди. Бу жараённинг характерли жиҳати шундаки, айнан социалистик партиялар

вужудга келгандар мамлакатлар фуқаролик жамияти ва демократик сиёсий тузум шаклланиши жараёнида етакчилик қилдилар. Бу жуда зиддиятли жараён булиб, унда консерватив, либерал-реформистик ва инқилобий анъаналар ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетганди. Агар либерал-реформистик йуналиш Чили, Уругвай ва қисман Аргентинанинг ривожланиш йўлини белгилаб берган бўлса, консерватив ғоялар Марказий Америкадаги «бананли Республикалар», Венесуэла ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида хукмрон эди. Жамият инқилобий ривожланишининг ёрқин тимсоли Мексика бўлдики, бу ерда 1910 йили Лотин Америкасида XX асрнинг биринчи ярмидаги энг йирик ва чуқур инқилобий ҳаракат юз берди.

**Мексика инқилоби (1910–1917).** 1910 йилда бошланган инқилоб Лотин Америкасининг энг йирик давлатларидан бўлган Мексиканинг кейинги тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Инқилоб олдинги тузумдан сақланиб келаётган қолоқ ижтимоий муносабатларни бартараф этиб, Мексика жамиятининг гуркираб ўсишида, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланишда, минтақадаги етакчи давлатга айланишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

1877 йилдан Мексикада П. Диас диктатураси ўрнатилди. Дастребаки пайтда у жамиятда маълум машҳурликка эга эди. Сўзсиз қобилиятли ва қатъиятли шахс бўлган Диас жамиятда тартиб ўрнатди, ижтимоий-сиёсий соҳада барқарорликка эришди, миллий суверенитетни мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилишга ваъда берди. Бироқ унинг режими борган сари бойларнинг тор доирасига, коррупцияга ботган амалдорлар аппаратига ва репрессив органларга таянган очиқ диктатура кўринишини олиб борди. Бундай пайтда албатта жамиятда ижтимоий танглик ортиб, диктатура таянчи сусайди, мухолифат эса кучайиб борди. Дастребак инқилобга Ф. Мадеро раҳбарлик қилди. У 1905 йилдан нашр қилган «Демократия» газетаси атрофида мўътадил мухолифатчилар бирлашдилар. Мухолифатчилик кайфиятининг ўсаётганлигини сезган Диас репрессияни кучайтирди. Бундай шароитда Мадеро АҚШга қочади ва Диас билан келишишнинг имкони йўқлиги сабабли уни ағдаришнинг «Сан-Луис Потоси режаси»ни ишлаб чиқди. Қўзғолон 1910 йил 20 ноябрга белгиланган эди, аммо полиция уни бир неча кун олдин фош қилди ва репрессия тўлқини мамлакатни қамраб олди. Натижада қўзғолон тартибсиз бошланиб кетди.

Мексиканинг шимолидаги чўл ҳудудларида Панчо Вилья ва жанубдаги чангальзорларда Эмилиано Сапата бошчилигидаги партизан-

лар отрядлари муваффакиятли ҳаракат килдилар. 1911 йили Мадеро Мексикага қайтиб келди. Шу йили 24 майдада Мехикода қўзғолон бошланди. Диас чет элга қочиб кетди, диктатура ағдарилди. Мухолифат воқеаларга АҚШнинг аралashiшидан чўчиб, Мувакқат ҳукуматни бошқаришга Вашингтонда яхши алоқаларга эга бўлган Мексиканинг АҚШдаги элчиси Ф. де ла Барруни таклиф қилди. 1911 йили октябрда бўлиб ўтган президентлик сайловларида Мадеро ғолиб чиқди. Аммо ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳукуматнинг қатъиятсизлиги ва унга қарши кучларнинг АҚШ томонидан қўллаб-куvvatланиши Мадеро ҳукуматининг инқирозига олиб келди. 1913 йили февралда бошланган қўзғолон натижасида ҳокимиятга генерал Уэрта келди. Мадеро қамоққа олиниб, отиб ташланди. Бу воқеа фуқаролар урушининг қайтадан авж олишига сабаб бўлди, чунки йирик партизан бирлашмаларининг раҳбарлари ва кўплаб губернаторлар Уэрта ҳукуматини тан олмадилар.

Мамлакат шимолида Коауила штати губернатори В. Карранс атрофида бирлашган мухолифатчилар муваффакиятли ҳаракат қилдилар. 1913 йилнинг кузига келиб мамлакатнинг шимоли улар қўлида эди. Радикал кучларнинг муваффакияти АҚШ ҳукуматини безовта қилиб қўйди, чунки улар ҳокимиятга келса, бу ерда АҚШ манфаатларига путур этиши аниқ бўлиб қолган эди. Натижада АҚШ очиқ интервенцияга тайёрлана бошлади.

Ташқи хавфга қарамасдан фуқаролар уруши авж олаверди. 1914 йилнинг ёзида Уэрта қўшинлари тор-мор қилинди, унинг ўзи мамлакатдан қочиб кетди. Мексиканинг янги ҳукуматини Карранс бошқарди. У мўътадиллар гуруҳининг йўлбошчиси бўлса-да, Вилья ва Сапата бошчилигидаги радикаллар позицияси билан ҳам ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ эди. Карранс ҳукумати жамиятдаги барча кучларнинг манфаатларини ҳисобга олган эҳтиёткорона ва шошилмай сиёsat олиб борди ва барча ватанпарвар кучларни бирлаштиришга эришди.

1916 йили АҚШ ҳукумати чегарадаги тушунмовчиликни баҳона қилиб Мексикага қўшин киритди. Ташқи хавф олдида барча инқилобий кучлар бирлашди, ҳукумат Мексика ҳудудидаги чет элликлар, аввало америкаликлар мулкига нисбатан муносабатини кескинлаштириди. Интервентлар билан кураш қариб бир йилга чўзилди ва 1917 йил февралда АҚШ қўшинларининг Мексикадан олиб чиқилиши билан якунланди.

Узоқ тортишувлардан сүнг 1917 йил февралда Мексиканинг янги конституцияси қабул қилинди. Бу том маънода янги авлод конституцияси эди. Унда давлат қурилиши масалаларидан ташқари ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳам катта аҳамият берилган эди.

1917 йилги Мексика конституцияси шу хилдагилар ичида сўзсиз энг демократик ҳужжат эди. У конституцион ҳукуқ ривожланишида янги сахифа очди ва инқилоб таъсири остида Мексика жамиятида юз берган чуқур ўзгаришларнинг натижаси бўлди. Конституция Мексикани тубдан ўзгартириди, мамлакатнинг ижтимоий прогресс томон ривожланишига тўсиқ бўлаётган «эски тартиб» қолдиқларини йўқ қилди. Бу кескин ўзгаришлар мексикаликларга жуда кимматга тушди, аммо бунинг эвазига улар мамлакатни Лотин Америкасидаги энг ривожланган, демократик ва барқарор давлатлар қаторига олиб чиқиш учун замин тайёрладилар.

\* \* \*

Мустамлакачилик даврида яратилган хўжалик аста-секин капиталистик хўжаликка айланиб борди. Бироқ бу хўжалик ҳали қўл меҳнатига асосланган, хомашё экспорти ва чет эл инвестициясига қарам хўжалик эди. Фақат 1860 йилдан Лотин Америкаси мамлакатларида иқтисоднинг сезиларли ўсиши кузатилади. Европа давлатлари капитал, техника киритиб, инфраструктура ривожланишига молия сарфлай бошлади. Аҳоли асосан эмиграция ҳисобига жадал ўеди. 1820 йилдан 1900 йилгача Лотин Америкаси мамлакатлари аҳолиси уч баробар кўпайди. Йирик шаҳарлар – саноат ва маданият марказлари пайдо бўлди. Жамиятда индустрисал цивилизация белгилари яққол кўрина бошлади.

#### XIV боб бўйича саволлар

1. Европадаги қандай воқеалар Лотин Америкасида мустақиллик учун курашнинг бошланишига туртки бўлди?
2. Лотин Америкаси мамлакатларида мустақиллик учун курашнинг энг машхур қаҳрамонларидан кимларни биласиз?
3. Мустақилликнинг дастлабки йилларига хос бўлган каудильизмнинг асл моҳияти нимада?
4. Лотин Америкаси мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг қандай асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин?
5. Мексика инқилоби қандай вазифаларни амалга оширишни кўзлаган эди?

## IV БҮЛІМ ҮЙГОНАЁТГАН ОСИЁ

### XV БОБ. XIX АСР – XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ЯПОНИЯ

*Токугаваларга қарши мухолифатнинг кучайиши ва ҳокимият инқизози.* XIX асрнинг бошларида Японияда жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги зиддиятни акс эттирган бир қатор суронли қўзғолонлар рўй берди. XIX аср 30–40-йилларига келиб Токугаваларга қарши деҳқонлар қўзғолонларининг сони сезиларли ошди. Шу билан бирга шаҳарларда «гуруч исён»лари ҳам тобора кўпайди.

Шахар савдоси ривожланиб, саноат буржуазияси ҳали саводдан тўла ажралмаган бўлса-да, анча оёққа турди. Сёгунатнинг сиқувидан кутулишга уринаётган буржуазия Токугаваларнинг мутлақ ҳокимлигидан норози бўлган уларнинг ракиблари – тодзами-даймиолар билан бирлашишни исташарди.

Иқтисодий аҳволи ёмонлашаётган самурайлар ҳам энди Токугавалар тузумининг ишончсиз суюнчиқларига айланган ва кўпинча сёгунларга қарши чиқаётган эди. 1837 йили Осакада ҳукуматга карши Осио Хэйхатиро бошчилигига қўзғолон бўлди. Осио самурайлардан бўлиб, шаҳар қўриқчилари бошлиғи эди. Лекин самурайларнинг ҳам оғир иқтисодий аҳволи уларнинг бир кисмини ҳукуматга қарши чиқишга мажбур килди. Осионинг қўзғолони бостирилди. Унинг ўзи ва дўстлари жангда ҳалок бўлдилар, аммо улар шаҳарда бир қатор йирик ёнғинларни уюштиришга эришдилар. Жумладан, ғоятда кенг миқёсда саноат ва банк фаолияти билан шуғулланган иккита курдатли япон савдо фирмалари – Мицуи ва Коноикэ хонадонлари ҳам ёқиб юборилди.

Осионинг қўзғолони ягона эмасди. Сёгунатнинг бевосита ҳомийлигидаги йирик савдо-судхўрлик буржуазиясиға қарши чиқишилар бутун мамлакатни қамраб олганди. XIX асрнинг ўрталарига келиб Токугавалар тузумининг сиёсий ва иқтисодий таназзули аниқ қўриниб қолди.

Мухолифатнинг расмий маркази император саройи эди. Лекин амалда у фақат «ғоявий ниқоб» ролини йўнарди, холос. Чунки мухолифат учун сёгуннинг «узурпаторлигига» қарши императорлик ҳокимиятининг қонунийлик ва легитимлик мақомидан фойдаланиш кулай эди. Шунинг учун ҳам мухолифат императорлик ҳокимиятини қайта тиклаш учун кураш шиори остида чиқди.

Токугавалар тузуми тўлиқ яккаланиб қолган эди. Бунга сёгунат ички сиёсатининг барбод бўлишигина эмас, унинг ташқи сиёсатдаги муваффақиятсизликлари ҳам сабаб бўлганди.

**Япониянинг зўрлик билан «очилиши».** Мамлакатни ташқи дунёдан ёпиб қўйиш нотўғри эканлиги бу пайтга келиб кўпчиликка аён бўлиб қолганди. Ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қолоқ бўлган Япония капиталистик давлатларнинг мамлакат эшикларини куч билан очиш учун уринишларига қаршилик қила олмасди. Европалик ва америкалик ҳарбий кемаларнинг япон портларига таклифсиз ташрифлари тобора кўпая борди. Токугавалар ҳукуматининг заифлигидан далолат берувчи доимий иккиланишлар ташқи сиёсат масалалари бўйича аниқ қарорлар қабул қилинишига тўсқинлик қиласди. Ҳукумат Японияни ташқи дунёдан ажратиб қўйиш сиёсатини давом эттириш мумкин эмаслигини тушунарди. Лекин айни пайтда бу сиёсатдан воз кечиши заифлашган тузумга янги зарба бўлишидан ҳам хавотирланарди. Бу сиёсий ва ҳарбий заифликни 1850–1860-йилларда чет мамлакатларнинг тўғридан-тўғри ҳарбий ҳужумлари яққол намоён қилди. Японияни дунё бозорига зўрлаб жалб қилишга бўлган биринчи уринишларнинг ўзиёқ мухолифат кучларининг бирлашишини тезлаштиргди.

1867 йилдан аввалги ўн беш йил Японияга капиталистик давлатлар томонидан тобора кучайиб бораётган босим остида ўтди. Бу босим XIX асрнинг бошларидаёқ сезила бошлаганди, 1840-йилларда эса хавфли кўриниш олди. Айнан ана шу йилларда Англиянинг Хитойга қарши хуружлари кучайди. Энг кучли бўлган инглиз капитали Хитой бозорига шиддат билан кириб келаётган эди. Хитойни қарам қилишдан манфаатдор бўлган инглизлар ва америкаликлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун Тинч океанидан таянч базаларини излашарди. Хитой яқинида мустамлакаларга эга бўлмаган ва ундан Тинч океани кенгликлари билан ажратилган АҚШ айниқса бунга катта қизиқиши билан

қаради. Америкаликларнинг кўзига Япония энг кулай база бўлиб кўринар, уни эгаллаш эса АҚШга Хитойдаги ўз мавқенини мустаҳкамлаш, шунингдек, рус Узоқ Шарқига ва Кореяга суқилиб киришда кўмаклашган бўларди. 1845 йили АҚШ Конгресси президентга Япония билан савдо муносабатларини ўрнатиш ваколатини берди. Ваколатнинг сабабларини баён қилишда Америка Хитой қирғоқларидағи денгизларда ўз базаларига эга бўлиш учун уриниши очиқдан-очиқ кўрсатилган эди.

Япония ҳукумати билан алоқа ўрнатишга бўлган бир неча муваффакиятсиз уринишлардан кейин Қўшма Штатлар 1852 йили Японияга қарши ҳарбий экспедиция тайёрлади. 1853 йил 8 июнда пойтахт Эдо яқинидаги кўрфазга кириб келган Америка эскадрасининг қўмондони сёгунга АҚШ президенти номидан хат ва совғалар – Америкада ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг моделларини топширди; бу Американинг техник қудратини намойиш килиши лозим эди.

Ушбу ҳарбий намойиш Токугавалар ҳукуматини шошириб қўйди. Мамлакатни ажратиб қўйиш сиёсатининг энг муросасиз тарафдорлари тезлиқда ҳарбий чоралар кўришни талаб қилдилар. Ибодатхоналарда Японияни келаётган хавф-хатардан кутқариш учун дуолар ўкиш бошланди. Шошиб қолган ҳукумат мудофаа лойиҳасини тузишда ёрдам сўраб ҳатто голландларга ҳам мурожаат қилди. Лекин АҚШ президентининг хатига жавоб бериш муддати яқинлашган сари мўътадил кайфият устунлик қила бошлади. Япония ҳукмдорлари, ҳатто голландлар уларни курол билан таъминланганларида ҳам, куролли жавоб қайтаришнинг муваффакиятига умид қилиш кийинлигини тушунардилар. Шундай бўлсада, америкаликларга узил-кесил жавоб бермасдан, уларни давомли музокараларга жалб этишга қарор қилинди. Музокаралар олти ҳафта давом этди. Натижада, 1854 йил 31 марта биринчи Япония – Америка шартномаси имзоланди ва унга кўра чет эл савдоси учун Симода ва Хакодатэ портлари очилди.

Шундай қилиб, америкаликлар Японияни икки ярим аср давомида ташки дунёдан ажратиб турган девордан дарча очдилар. АҚШ билан шартнома тузилганидан сўнг Япония қисқа вақт ичida Англия, Голландия, Россия ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳам худди шундай шартномалар имзолади.

**Япониянинг «очилиши» оқибатлари.** Шартнома имзоланиб, Америка флоти Японияни тарк этиши биланоқ, бу ерда мисли кўрилмаган шиддат билан ички кураш авж олди. АҚШ билан шартнома имзолаган сёгун кескин танқидга учради. Токугавалар хонадининг феодал ракиблари ва уларни қўллаб-кувватловчи самурайлар сёгунни сотқин деб эълон қилдилар.

Япон буржуазиясининг позицияси ҳам мураккаб эди. Иқтисодий жиҳатдан кучли, лекин сиёсий жиҳатдан заиф бўлган, бунинг устига феодал тузум билан сон-саноқсиз ришталар орқали боғланган буржуазия чет элликларга ён бериш сиёсатини қўллаган сёгуннинг тарафини олиш керакми ёки ўзини «мамлакатни чет эллик жоҳиллардан ҳимоя қилувчилар» сифатида кўрсатишга уринаётган феодал мухолифатнинг ёнини олиш лозимми, деган масалада иккига бўлинib кетди.

Яқин келажакда чет эл билан савдодан яхшигина даромад олиши мўлжаллаётган савдогарларнинг бир қисми хукumatни қўллашга мойил эдилар. Аммо Японияда савдогарларнинг бу қатлами нисбатан камчилик эди. Савдо доираларининг катта қисми эса бу масалага бошқача муносабатда бўлди. Биринчидан, йирик фирмалар, Японияга чет эллардан маҳсулотларнинг оқиб келиши, уларнинг бозордаги хукмронликларига жиддий зарба бўлишидан қўрқардилар. Иккинчидан, япон ташқи савдо фирмалари ривожланадиган бўлса, князлар, ҳатто сёгуннинг ўзи ҳам бу фирмаларга иқтисодий боғлиқликдан қутула олмайдилар, деган хавотирда эдилар. Ниҳоят, учинчидан, ҳали кучсиз бўлган, эндиғина дунёга келаётган саноат буржуазияси чет эл товарлари япон мануфактурасига ривожланиш имкониятини бермаслигини тушунарди.

Оддий самурайлар оммасига келганда, улар ўз иқтисодий ҳолатидан жуда норози бўлганликлари учун тўлалигича сёгунатнинг ташқи сиёсатини танқид қилувчилар тарафига ўтдилар.

1856 йили Симода шаҳрига АҚШнинг биринчи бош консули Гаррис келди. У Японияда америкалик савдогарларга имтиёзлар ўрнатилишини талаб қилди. Гаррис Япония хукуматига тўғридан-тўғри дўк уриб, агар у бўйсунмаса, Японияни ҳам урушда тиз чўккалатилган Хитойнинг тақдири кутишини айтди. Феодал Япония Гарриснинг тазиёки остида АҚШ билан, кейин эса бошқа давлатлар билан ҳам савдо муносабатларини кенгайтиришга рози бўлди. 1858 йили янги шартномалар имзоланди ва уларга кўра чет

элликлар савдо қилиш ҳамда экстерриториаллик<sup>1</sup> ҳуқукини олдилар. Симода ва Хакодатэ портларидан ташқари якин йилларда Нагасаки, Канагава (ҳозирги Иокагама), Хёго (ҳозирги Кобэ) ва бошқа портлар ҳам очилиши лозим эди. Чет элликларга Эдо ва Осакада яшаш ҳуқуки берилиши вайда қилинди. Бундан ташқари Япония бож олиш мустақиллигини ҳам йүқтотди. Япониядан четта чиқариш учун товар қийматининг 5 фоизи, киритиш учун эса 5 фоизидан 35 фоизигача бож тұлови белгиланди. Шундай қилиб, Японияни қарам мамлакатта айлантирувчи тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномалар зўрлаб қабул қилдирилди.

Японияга кўплаб миқдорда чет эл товарларининг олиб кирилиши маҳаллий ишлаб чиқаришга катта зарар етказди. Бундан ташқари, чет эллик капиталистлар тенг ҳуқукли бўлмаган келишувлар асосида мамлакатга кумуш олиб келар ва нархлардаги фарқдан фойдаланиб, Япониядан олтин олиб кетардилар. Бу Японияда молиявий инқизорзни кучайтирди.

Тўхтовсиз дехқонлар урушлари шароитида сёгунатта ички муҳолифатнинг ва чет эл капиталистларининг тазиики ошиб борди. Токугава ҳукумати жон талвасасида феодал тузумни куткариб қолиш воситаларини изларди.

*Япониядаги ички кураш.* Вужудга келган вазиятдан фойдаланган феодал князлар ўз ҳуқуқларини сёгунат ҳисобига кенгайтириш учун тобора кўпроқ талаблар қўя бошлидилар. 1862 йили Жанубий Япониянинг энг құдратли князларидан бўлган Симадзу (Сацума князлигидан) императорга ўз садоқатини шахсан билдириш баҳонасида қўшинлари билан Киотога келди. У Киотодан кетмаслигини ва сёгуннинг тақиқлари билан ҳисоблашиб ўтирмаслигини билдириди. Симадзу Киотодан Эдога йўл олди ва князлар билан ҳукуматнинг муносабатларини тартибга солувчи энг оғир чекловларининг бекор қилинишини сёгундан талаб қилди.

Халқнинг феодал тузумга қарши кайфияти ошиб бораётганлигидан хавотирга тушган барча ҳукмрон гурӯхлар сингари ҳар иккала томон ҳам келишувдан манфаатдор эди. Халқнинг норозилик кайфияти эса фақат дехқонлар кўзголони ва шаҳарликларнинг исёнларидагина эмас, тобеликдан чиқишига уринаётган оддий самурайлар орасидаги кучли ғалаёнларда ҳам намоён бўлаётганди.

<sup>1</sup> Экстерриториаллик – чет элликларнинг фақат ўз давлатлари қонунларига бўйсуниш ҳуқуқи.

Хукумат ён берди. Князлар оилаларини гаровда ушлаб туриш тизими бекор қилинди. Князларнинг сёгун саройига мажбурий келиш муддати анча узайтирилди: бундан буён князлар сёгуннинг олдига ҳар йили эмас, уч йилда бир марта келишлари лозим эди. Лекин сиёсий жихатдан, князларнинг давлат масалаларини ҳал қилишда қатнашиш ҳукуқининг сёгун томонидан тан олиниши келишувнинг энг муҳим моддаси бўлди. «Давлат масалаларини ҳал этишда сёгунга ёрдам бериши» лозим бўлган феодал сейм ёки князлар йигинига үхаш бир ташкилот тузилди. Бу ён беришлар Токугавалар ҳукуматининг обрўси жуда пасайиб кетганилигини аниқ кўрсатиб турарди. Мухолифатни қониқтириш учун сёгун ҳатто Киотога, император олдига ҳам борди. Яна шу мақсадда сёгун имкони бўлиши биланоқ ўз вассалларини чет эллик «ваҳшийларга» қарши чорлаш ваъдасини берди.

*Чет элликларга қарши кураши ва уларнинг 1862–1864-йиллардаги босқинчиликлари.* Сёгун билан феодал мухолифат ўртасида келишувга эришилганидан кейин бутун Япония бўйлаб чет элликларга қарши қисман ҳукумат томонидан келтириб чиқарилган, ёки ўз-ўзидан пайдо бўлган чиқишлар юз бера бошлиди. Кўплаб Шарқ мамлакатларида бўлганидек, Японияда ҳам ғарблик христианларга «ёввойилар» номи берилганди. «Ёввойилар»га бўлган душманлик одатда самурайларнинг чет элликларга қарши кичик ҳужумлари шаклини олганди. Таназзулга учрай бошлаган ва ўз аҳволидан норози бўлган самурайлар айни пайтда ҳали ўз аслзодалик ғуурларини ҳамда баъзи бир жанговар сифатларини сақлаб қолганди. Самурайларнинг чет элликларга қарши чиқишлари тобора кўпайиб борарди ва ҳукуматнинг капиталистик давлатлар билан номига бўлсада дўстона муносабатларни сақлаб туриши тобора қийинлашаётганди.

1862 йили князь Симадзунинг самурайлари бир гуруҳ инглизларга қарши ҳужум уюштируди. Натижада Англиялик Ричардсон ўлдирилди. Бунга жавобан Англия сёгунатга қатъий талаб кўйди. 1863 йили инглиз флоти князь Симадзу мулкининг пойтахти Кагосимага яқинлашди. Инглиз кемаларига Кагосима кўрғонидан ўт очдилар. Бунга жавобан инглиз ҳарбий кемалари Кагосима шаҳрига даҳшатли ҳужум уюштирилдилар. Симадзунинг самурайлари инглизларга қарши жангларда қатнашиш учун ўзлари 1862 йили эгаллаган Киотони тарқ этдилар ва Сацуманинг жанубига шошилдилар. Аммо чет элликлардан ҳам, сёгунатдан ҳам ўз норозиликларини очиқдан-

очиқ намойиш қилаётган Тёсю князлигининг самурайлари Киотода қолдилар.

Бир неча ой давомида Киотода ҳокимият паст тоифа ҳисобланувчи Тёсю самурайлари ва фақат Токугаваларгагина эмас, бошқа ҳамма князларга ва умуман ахолининг барча имтиёзли қатламларига қарши бўлган ронинларнинг қўлида бўлди. Бироқ бу эркин самурайлар хеч қанақа аниқ ҳаракат режасига эга эмас ва мустақил ҳаракат қилаётган халқ оммаси билан алоқа ўрнатишга уринмас эди. Бундай шароитда сёгунат муғамбирлик қилишга уринди: бир томондан у чет элликларга зарба бериш учун тайёр эканлигини билдири ва аввалига Ричардсоннинг ўлими учун товон тўлаш хақидаги Англия талабларини рад этди, бошқа томондан, Англия билан Сацума самурайлари ўртасида воситачилик қилишини сўраб Францияга мурожаат қилди.

Ана шу даврдан бошлаб сёгунат ўз тақдирини очикдан-очиқ чет элликларнинг, жумладан, Наполеон III нинг қўллаб-куватлаши билан боғлади. Токугавалар чет элликлар ёрдамида ички муҳолифатни бостиришни ва феодал тузумни мустаҳкамлашни ўйлагандилар.

1864 йили Япониянинг жанубидаги Тёсю князлигининг порт ва истеҳкомларини инглиз-француз-голланд-америка бирлашган флоти бомбардимон қилди. Бу 1863 йилнинг май ойида «ёввойиларни қувиш» қарорига биноан чет эл кемаларининг ўққа тутилганлигига қарши жавоб эди. Бундай вайрон қилувчи бомбардимондан кейин, чет элликларга кескин қарши бўлган маҳаллий князь Мори таслим бўлди. Бу орада сёгун янги келишувни имзолашга мажбур бўлди, унга кўра чет элликлар мамлакатга киритаётган барча маҳсулотлар учун бож тўлови таннархнинг 5 фоизигача пасайтирилди. Бундан ташқари сёгунат Англия ва Франция ўз савдо ваколатхоналарини кўриқлаш учун Японияга қўшин киритишига розилик берди. Бу мамлакатлардан ёрдам олган сёгун Япониянинг чет эл капиталига қарамлигини сезиларли даражада оширди. Аммо Токугава ҳукуматининг ўзи ишончли ҳарбий ёрдам ва аниқ сиёсий фойда ололмади. Фуқаролар уруши билан банд бўлган АҚШ вақтинча ўз мустамлакачилик ҳаракатларини тұхтатиб турди. Франция сёгуннинг қўшинини қурол-яроғ билан таъминлар ва ўзи учун алоҳида савдо имтиёzlари берилишини талаб қилиб, ҳакамлик ролини ўйнашга уринарди. Француздарнинг мавкеи кучайиб кетишини ис-

тамаётган Англия эса яқиндагина ўзи тор-мор қилған князлар Мори (Тёсю) ва Симадзу (Сацуума) устидан ҳомийлик қила бошлади.

Буларнинг барчаси мамлакатда мұytадил ички вазиятни сақлаб туриш имконини бермасди. Деконлар феодал зулмга қарши күзголон күтаришда давом этдилар. Сёгун мухолифатта қарши чет элликлар ёрдамида курашаётганлигидан күплас самурайлар ғазабланаётганди. Япон буржуазияси мамлакатта киритилаётган маҳсулотлар учун бож тұловлари 5 фоизгача пасайтирилганлигидан норози эди. Бу ҳали оёққа туриб үлгурмаган япон саноати учун янги зарба бұлды ва айни пайтда деконларнинг хунармандчилигини ҳам қийин ахволга солиб қўйди. Кенг оқим булиб кириб келаётган чет эл маҳсулотлари япон бозорларини тұлдириб юборганди. Бундан ташқари, чет эллик тадбиркорлар Япония билан ташқи бозорлардаги олтин ва кумуш баҳосининг фарқидан (олтин ва кумушнинг нархи ўртасидаги фарқ Японияда 1:5, Европа ва Америкада 1:15 эди) фойдаланиб, олтинни олиб чиқищдан, чой, ипак, гуруч экспорт қилишдан бойиб борар эдилар. Бу мамлакатда нарх-навонинг, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига олиб келди. Кенг ҳалқ оммаси, айниқса деконлар үзларининг хона-вайрон бўлганликларини, чет элликларни мамлакатта киритган ва Японияда очиқдан-очиқ хўжайнлик қилишларига йўл қўйган сёгуннинг сиёсати билан боғлардилар.

*Токугаваларга қарши иттифоқнинг шаклланиши.* Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида рўй бераётган дезинтеграцион жараёнлар феодалларнинг бир қисми ва буржуазиянинг сёгуннатта қарши сиёсий иттифоқи юзага келишига кўмаклашди. 1850–1860-йилларда япон шаҳарларидаги мухолифатчилик харакатлари, иқтисодий қийинчиликларнинг бевосита таъсири остида ривожланиб, кучайиб борди. Чет эл капиталининг сукулиб кириши оқибатида мавжуд феодал муносабатларнинг тўлиқ бузилганлиги айниқса шаҳарларда аниқ кўриниб қолди. Пул тизими издан чиқиб, хунармандчилик та-наззулга учради, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги қашшоқлашди ва хонавайрон бўлди. Улар Токугаваларга қарши харакатнинг энг фаол кучига айланди.

Японияда шаҳарликларнинг энг илғор қисми зиёлилар ҳисобланарди. Бу ўз таркиби ва келиб чиқишига кўра олакуроқ қатлам эди. Унинг бир қисми самурайлар сафидан чиққан (ронинлар) бўлса, бошқа қисми буржуа оиласаридан чиққанди. Шакллана-

ётган зиёлилар тоифасида синфий мансублигини йўкотган самурайлардан чиққанлар кўпчиликни ташкил этарди. Шунга қарамасдан, зиёлиларнинг бу янги қатлами маълум даражада буржуа мафкураси ва инқилоби гоясининг етакчилари бўлдилар. Бу ҳолатда зиёлилар, хали сиёсий мавқега ва таъсирга эга бўлмаган, аммо мамлакат ижтимоий ҳаётида ривожланиб бораётган ҳамда ўсаётган янги, ёш синфни ўзида намоён қилаётганди.

Токугаваларга қарши мухолифатнинг кўпчилик фаол арбоблари жанубий ва жануби-ғарбий князликларидан чиққан эди. Тёсю князлигидаги Мори, Сацума князлигидаги Симадзу каби энг бой княzlар ва уларнинг тодзама-даймиолардан бўлган қўшнилари ўз мулкларининг марказдан йироқда жойлашганлиги туфайли сёгундан нисбатан мустакил эдилар. Бу ҳолат исёнчи князликларнинг сёгунатга қарши курашдаги ролларига ўз таъсирини ўтказди. Жанубий князликлар 1863–1864-йилларда чет элликларга қарши шиорлар остида қўзғолон кўтардилар, аммо маглубиятга учраб, тор-мор қилиндилар. 1863–1864-йиллардан жанглардан кейин жанубий князликларда ҳокимиятга оддий самурайлардан чиққан кишилар келди. Сиёсий арбобларнинг бу янги авлоди Ғарбга унчалар қаттиқ нафратни ҳис қилмасди, улар барча янги ва фойдали нарсаларни, ҳатто мустамлакачилардан бўлса ҳам қабул қилишга тайёр эдилар. Улар самурайлар орасида мавжуд бўлган ички тоифавий тўсикларни (қатламларга ажратишни) бекор қилиш тарафдорлари эдилар. Жануби-ғарбий князликлардаги сиёсий арбобларнинг янги авлодлари, табиийки, Токугаваларга қарши мухолифатнинг энг фаол иштирокчилари сифатида майдонга чиқдилар.

Мухолифатчилар иттифоқи «Императорга ҳурмат» шиори остида ҳаракат қиласарди. Айни пайтда «Йўқолсин ёввойилар!» деган эски шиор ҳам кун тартибидан олиб ташланмаган эди. У асосан сафсата-бозлиқ мақсадларида тарқатилган бўлиб, Японияга тенгсиз шартномалар ва шармандалик келтирган сёгунни тугатишга чакириқ сифатида изоҳланарди. Токугавага қарши ҳарбий иттифоққа кекса княздаймиолар эмас, амалда оддий самурайлар вакиллари раҳбарлик қиласарди. Қўзғолонларнинг бошида мамлакатда «ёшлар» деб ном олган сиёсий арбоблар – Сайго, Окубо, Гото ва бошқалар туришарди. Токугава зарба тайёрланаётганлигини биларди, бироқ унинг олдини олишга бутунлай ожиз эди. Сёгуннинг Тёсю князлигига қарши

жазо экспедицияси 1866 йилда Токугаванинг мағлубияти билан якунланди.

**1868 йилдаги инқилоб, янги ҳукуматнинг ижтимоий негизи ва сиёсати.** 1866 йилнинг бошлари – 1867 йилнинг охирларида дехқонлар қўзғолонлари айниқса кенг қамровга эга бўлди. Баъзи бир шаҳарлар сёгун маъмуриятига бўйсунишдан бош тортдилар. Йирик савдогарлар ҳукумат амалдорлари билан тобора камроқ ҳисоблашишарди ва катта эркинликларга эришганди. Фақат пойтахт Эдода буржуазия сёгунни кутқариб қолишга уринарди, чунки кўпгина йирик фирмалар ҳукуматни маблаг билан таъминлаган ва унинг инқирозидан манфаатдор эмасди.

1867 йили император Комей вафот этганидан сўнг тахтга 15 ёшли Муцухито ўтириди. Сёгунга қарши иттифоқ етакчилари бундан фойдаланиб, янги император номидан сёгунга, дарҳол ҳокимликни императорга қайтариш ва ўз қилмишлари учун жавоб бериш талаби билан баённома туздилар. Бу баённома 1867 йилнинг октябринда князь Тоса томонидан сёгун Кайкига топширилди. Ўз рақибларининг катта кучга эга эканликларини ҳисобга олган сёгун баённомадаги талабларга рози бўлди, лекин курашга фаол тайёрланиш бошланди.

Мухолифат ҳам қуролли қурашга тайёрланиш бошлади. Бешта князликнинг қуролли кучлари катта қўшинга бирлашди, лекин сёгун ҳам қўшин тўплашга ва уни Киото томонга йўналтиришга муваффақ бўлди. 1868 йилнинг январида Фусима ва Тоба яқинида бўлган жангда сёгун мағлубиятга учради ва Эдога қочди. 1868 йилнинг май ойида мухолифат қўшинларига жангсиз таслим бўлди ва ўзининг отамерос мулкига жўнаб кетди. Бироқ Токугава тарафдорларига қарши ҳарбий ҳаракатлар давом этди. Октябрда сёгун тарафдорлари Хонсю оролида мағлубиятга учради, 1869 йилнинг баҳорида ҳукумат флоти ва қўшинлари Хоккайдо оролида тўпланган ҳарбий кучларни тор-мор этди. Сёгунат тугади. Бу йиллардаги воқеалар Япония тарихида «Мэйдзи» инқилоби номини олган. Бу ном шунинг билан боғлиқки, император Мацуҳито ҳукмронлиги расман Мэйдзи деб аталиб, айнан «маърифатли бошқарув»ни англатарди.

Токугава ўрнига келган янги сиёсий тузум қийин аҳволда қолганди. Император ҳукуматининг тепасида буржуалашган дворянларнинг ёркин вакилларидан бўлган икки киши – Окубо Тосимити ва Кидо Такамасалар турарди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам

келиб чиқиши жиҳатидан паст тоифадаги самурайлардан бўлиб, қариндошлиқ алоқалари бўйича савдо буржуазиясига яқин эди. Хукуматдаги бу янги йўлбошчиларнинг асосий мақсадлари Япониянинг сиёсий тарқоқлигига чек қўйиш, Фарбдан замонавий ҳарбий техника ва маъмурӣ тузумни ўзлаштириб олиш, лекин айни пайтда дворянлик имтиёзларини сақлаб қолиш эди. Аммо ўзгаришларнинг ана шу чекланган режасини ҳам амалга ошириш катта қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Токугава сёгунатини ағдарган кучлар хилма-хиллиги билан ажralиб турарди ва турли, кўпинча манфаатлари жиҳатидан бир-бирларига қарама-қарши бўлган синфларнинг аралашмаси сифатига ўзини намоён қиласади. Токугавага қарши асосан учта куч курашганди: 1) феодал тузумга қарши курашган дехқонлар; 2) ҳали заиф ва шаклланмаган, қарийб тўлалигича улар манфаатини ҳимоя қилган оддий самурайларнинг «дворянлик плашчи» остида қўзғалган буржуазия; 3) феодал зодагонлар – Токугаваларнинг сиёсий ракиблари.

Сёгунатни ағдарган иттифоқдош кучлар буржуазия ва феодал князларнинг вактинчалик бирикмаси эди. Галабадан кейин бу омонат бирикмада ички кураш бошланиб кетди. Дехқонлар сёгун Кейкини император Мэйдзи билан алмаштирганликдан ҳеч қанақа ўзгариш сезмадилар ва аёвсиз эзишларга қарши курашда давом этдилар.

Агар 1866 йили, сёгун ағдарилишидан бир йил олдин Японияда ўн минглаб киши қатнашган 17 та йирик қўзғолон ҳисобга олинган бўлса, сёгунат ағдарилганидан бир йил ўтгач, 1869 йили 42 та йирик дехқонлар қўзғолони бўлиб ўтди. Дехқонлар уруши ва ҳокимиятни мустаҳкамлаш зарурати ўзгаришларнинг муҳим сабабларидан бири бўлди. Бу ҳолат кўпинча император ҳукуматида феодаллар билан буржуазия тарафдорлари ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқарди. Бунинг оқибатида буржуа ислоҳотлари кўпинча номукаммал, чекланган характерга эга бўлди. Шунинг учун ҳам инқилобнинг ўзи Япония ва жаҳон тарихшунослигига «Мэйдзи тугалланмаган буржуа инқилоби» номини олди.

**Мэйдзининг буржууача ислоҳотлари.** 1871 йилда мамлакатнинг ягона давлатга бирлашиш жараёни якунланди. Феодал ер мулклари тутатилди ва тўғридан-тўғри марказий ҳукуматга бўйсунувчи префектуралар жорий қилинди, табақалар сони учтагача қисқартирилди: унвонли аслзодалар, зодагонлар ва оддий халқ.

Аслида бу ислоҳотлар намойишкорона характерга эга бўлиб, самурайлар ўз имтиёzlарини мутлақо йўқотмаган эдилар.

1872 йили умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди, бу эса самурайларнинг қурол такиб юришга бўлган монополиясига расман чек қўйди. Дехқонларга ҳарбий хизмат билан боғлик бўлган кўшимча мажбуриятлар юкланди. Офицерлик лавозимлари аввалгидек самурайларнинг қўлида қолди.

Хукумат амалга оширган энг муҳим ўзгариш 1872–1873-йиллардаги ер ислоҳоти бўлди. Кенгайиб бораётган дехқонлар курашидан хавотирга тушган хукумат уларнинг раҳбарларини ўз томонига оғдириш ва бу билан ўз ижтимоий таянчини мустаҳкамлаб олишни истарди. Бундан ташқари, хукумат унга содик бўлган, сёгунат даврида ерларни ноқонуний эгаллаб олган янги бойлар: савдогарлар, судхўрлар, ижарадорлар, амалдорлар ва шу кабилар орасида ҳам ўз мавқеини ошириши керак эди. Ана шу максадда, қонун чиқарилаётган пайтда амалда ерга эгалик қилаётган барча шахслар ўз ерларининг қонуний эгалари деб эълон қилинди. Умуман олганда, бу ижобий ҳаракат эди: ерга феодалларнинг якка эгалиги тугатилди ва Японияда биринчи марта ерга эгалик қилишининг буржуача принципи ўрнатилди.

Аммо бу ислоҳотлар натижасида дехқонларнинг асосий қисми амалда ерга эга бўлмади. 1868 йилги инқилобдан анча илгари дехқон жамоалари томонидан ишлов бериладиган ерларнинг катта қисми турли хил гаровга қўйиш, совға қилиш ва бошқа шу каби хужжатлар асосида судхўрлар, савдогарлар ва қишлоқ оқсоқоллари кўлларига ўтганди. 1872–1873-йиллардаги ислоҳотлар бу турдаги барча келишувларни легаллаштириди ва дехқонларнинг ерларини янги мулкдорлар фойдасига эксроприиация қилиш жараёнининг қонунийлигини тан олди. 1872 йили ер олди-соттисига қўйилган тақиқ расман бекор қилинди.

Табиийки, бундай ислоҳот ер масаласини ҳал қила олмасди. Фақат йирик феодал ерга эгалиги йўқ қилинди, холос. Давлат жуда катта пулга (200 млн йендан ортиқ) собиқ феодал князлардан ер мулкларини сотиб олди. Ўрта ва кичик ерга эгалиги феодал ерга эгалиги белгиларини сезиларли даражада сақлаб қолганди. Дехқонлар ижара тўлови сифатида ҳосилнинг ярмидан кам бўлмаган қисмини уларга берардилар. Лекин ислоҳот қишлоқда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши ва аҳолининг табакалашуви жараё-

нини тезлаштириди. Ер ислоҳоти мисолида Япониядаги буржуа инқилобининг тугалланмаганлик характеристи ёрқин намоён бўлди. Шунга қарамасдан, 1868 йилги буржуа инқилоби Япония тарихида энг муҳим марра бўлди. Капитализм ривожланиши турли хил феодал қолдиқлар билан қийинлашган бўлсада, инқилоб унинг кейинги тараққиёти учун рағбатлантирувчи омил бўлди. Ягона давлат доирасида япон буржуа миллати шаклланди.

**XIX асрнинг 70–90-йилларида Япониянинг капиталистик тараққиёти.** 1880-йиллари Япония тезкор индустрисал ривожланиш даврига кирди. Бу жараён олдинги даврда императорлик ҳукумати хусусий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаганлиги билан боғлиқ эди. 1868–1880-йилларда ҳукумат бир қатор «намунали корхоналар» ташкил қилиб, кейинчалик уларни савдо ва тадбиркорлик фирмаларидан ҳукумат қарзларини узиши ҳисобига ёки унча катта бўлмаган тўловлар эвазига хусусий шахслар қўлига ўтказишни режалаштириди. Шуниси характерлики, «намунали корхоналар»ни сотишда ёки ижарага беришда ҳукумат бир неча имтиёзли фирмаларни маъқул кўрди. Бундай фирмалар каторида Мицуи, Мицубиси, Фурукавалар бор эди.

Давлат янги фабрика ва заводлар курилишига анчагина маблаг киритиб, саноатнинг ривожланишини қўллаб-қувватлади. Бунда давлат бюджети асосан қишлоқ аҳолиси ҳисобига шакллантирилди. Давлат оладиган солиқларнинг 80 фоиздан ортигини ер солиғи ташкил қиласди. Ер эгалари, ўз навбатида, бу харажатни ижара тўловини янада ошириш билан копларди. Япон саноатини яратишнинг дастлабки даврида ижара тўловлари капиталистик жамғарманинг муҳим манбаи эди. Саноатга нисбатан протекционистик тадбирлар тизими икки хил моҳият касб этди. У етарли бўлмаган дастлабки капитални меҳнаткашлар ҳисобига тўлдириши ва шу билан бирга япон буржуазиясини паст бож тўловлари оқибатидан асрashi лозим эди (Гарб давлатлари билан тенг бўлмаган шартномалар оқибати). Бунинг устига бундай тизим япон буржуазиясини монархия давлатига қарам қилиб қўяр, унинг ташаббускорлик имкониятларини пасайтирасди.

Хонавайрон бўлаётган деҳқонлар шаҳарлар учун арzon ишчи кучи манбаи бўлди. Шаклланаётган ишчилар синфини эксплуатация қилиш ғоят оғирлашиб бораради. Аёллар ва болалар меҳнатидан оммавий тарзда фойдаланилар, иш куни 15-16 соатни ташкил этар,

жисмоний жазо усуулари кенг қўлланилар эди. Умуман олганда шаҳарларда япон пролетариатининг аёвсиз эксплуатация қилиниши дехконларни эзишнинг феодал шакли билан уйғулашиб кетган эди.

Бу даврда Япония саноатининг ривожланиши ҳали бир томонлама характерга эга эди. Енгил, асосан тўқимачилик саноати етакчилик қиласарди. Ривожланиш тез бўлаётганига қарамасдан, Япония йирик капиталистик давлатларининг ривожланиш даражасидан орқада қолаётганди. 1890-йилларнинг охирига қадар Японияда чўян ва пўлат ишлаб чиқариш қарийб йўқ эди. 1888 йилда корхоналарнинг фақат 15,3 фоизигина механик кучдан фойдаланаради. Мамлакатда кичик ва жуда кичик косибчилик корхоналари қўпчиликни ташкил этарди. Саноат ишчилари кам сонли эди: 1866 йили ҳаммаси бўлиб 112 минг (аҳолининг 0,39%и), 1890 йили эса 346 минг (аҳолининг 0,87%и) саноат ишчиси бўлган.

Ўз хомашё базаси қашшоқлиги япон саноатини хомашёнинг ташки бозорларига қарам қилиб қўяди. Бу ҳолат ташки савдонинг характерига катта таъсир кўрсатади. Чиқариладиган маҳсулотлар асосан қишлоқ хўжалик моллари эди (ипак хомашёси экспортнинг 50% га яқинини, чой – 25% ини тапкил қиласарди). Кўпроқ тайёр маҳсулотлар (газлама, металл, машиналар) мамлакатга олиб кирилар эди. Бундан ташқари, мутлак қўпчилик аҳоли яшаш даражасининг пастлиги ҳам ички бозорни чеклаб турарди. Шунинг учун ҳам япон капитализми аввал бошданоқ ўз ички зиддиятларини ташки бозорларни эгаллаш ҳисобига ҳал қила бошлади. Бундай ҳаракатлар заминдорлар билан буржуазиянинг иттифоқи манфаатларини ифодаловчи ҳарбий-буйруқбозлик давлат мавқенини мустаҳкамлашга кўмаклашарди.

*Дастлабки сиёсий партияларнинг пайдо булиши. 1889 йилги конституция.* 1880-йилларнинг бошида Японияда ижтимоий таянчи заминдор-буржуазия бўлган дастлабки сиёсий партиялар шакллана бошлади. Бу партиялар ўз сиёсий максадларига кўра либераллар эдилар. Либерал заминдорлар абсолютизмни ва ҳукумат фаолиятини танқид қилишарди. Улар норозиликларининг асосий сабаблари ер солигининг юқорилиги ва «ҳукумат лавозимларини зўрлик билан эгаллаб олган» ярим феодал буйруқбозлар тор гурухининг тўла ҳукмронлигига эди. Мухолифатнинг кескин шиорлари улар томонга самурайларнинг бир қисмини, зиёлиларни, ҳатто

дехқонларнинг юқори қатламларини ҳам жалб этди. Уларнинг ҳаракатлари 1881 йилда «дзиюто» (либерал партия) сиёсий партия-сининг шаклланишига олиб келди.

Айни пайтда мухолифатчилик кайфиятлари тез кучайиб бора-ётган миллий саноат буржуазияси орасида ҳам кенг тарқала бошлади. Либерал буржуазия уларга иқтисоддаги юқори лавозимларни эгаллашда, шунингдек, ҳокимиятга йўл очишида кўмаклашиши лозим бўлган баъзи бир ислоҳотларнинг тезда ўтказилишини талаб қиласарди. Қўйилаётган талаблар орасида энг мухимлари пул тизимишини ўзгартириш, ташқи савдони рағбатлантириш, тенг бўлмаган шартномаларни қайта кўриб чиқиш, шунингдек, фаол ташқи сиёсат, яъни, япон буржуазияси учун ташқи бозорга йўл очиши лозим бўлган мустамлакаларни эгаллаш ва босиб олиш эди. 1882 йили ана шу асосда либерал буржуазиянинг «кайсито» (ислоҳотлар партияси) номини олган партияси шакллана бошлади. Мамлакат иқтисодида буржуазиянинг салмоғи ошиб бориши билан унинг сиёсий фаолияти ҳам кучайиб борди. 1880-йилларда ҳар иккала партия конституция учун ҳаракат бошлади. Бу ҳаракатга кенг демократик доиралар (майда буржуазиянинг бир қисми, зиёлилар, айрим камбағаллар) ҳам кўшилдилар. Шу сабабли баъзи бир босқичларда ҳаракат ёркин радикал ҳарактерга эга бўлди. Императорлик ҳокимиятини танқид қилиш давлат аппаратида феодал элементларнинг (масалан, унвонли заминдорларнинг) жойлашиб олишларига қарши курашга айланиб кетди. Япониядаги конституцион ҳаракат «минкен ундо» («халқ ҳукуки учун кураш») номини олди.

«Минкен ундо» ҳаракатига мустақил ривожланаётган ишчилар ҳаракати амалий ёрдам кўрсатди. Япон ишчилар синфи мамлакат саноатининг ривожланиши билан бирга ўсиб борди. Ишчиларнинг биринчи чиқишлари етмишинчи йилларга тааллуқли. 1872 йили Такасима шахталарида кончиларнинг инглиз концессионерларига<sup>1</sup> қарши стихияли исёнлари аланга олди. Шундан кейин япон ишчиларининг чиқишлари кўпайиб борди. 1880-йилларда касаба уюшмаларини тузиш учун дастлабки уринишлар бўлди. Аввалига бу уюшмаларнинг аксарияти хунармандларнинг бирлашмалари кўринишида эди. Лекин 1890-йилларда ёқ касабачилик ҳаракатлари бевосита пролетар қатламларини қамраб олди. Бу ҳаракат кўп

<sup>1</sup> Концессионерлар – шартнома асосида тузилган корхоналарнинг эгалари.

жиҳатдан ишчиларнинг (кейинчалик коммунистик ҳаракатнинг ҳам) етакчиси Сэн Катаяма (1859 йили дехқон оиласида туғилган) номи билан боғлиқ. 1897 йили эмиграциядан қайтиб келган Катаяма «Ишчиларнинг касаба уюшмаларини ташкил қилиш лигаси»ни тузди, кейин эса металлистлар уюшмасини, машинистлар уюшмасини ва матбаачилар уюшмаларини шакллантирди. 1898 йили Катаяма «социализмни ўрганиш жамияти»ни тузди ва «Ишчилар дунёси» журналини чоп эта бошлади.

Хукумат аввалига «минкен ундо» фаолиятини кескинлик билан бостирди. Лекин япон абсолютизмининг энг узокни кўра оладиган раҳбарлари жамиятда мувозанатни сақлаб туриш учун чекланган ўзгаришлар ва ён беришлар зарурлигини тушунардилар. Япон хукумати айrim Европа мамлакатлари ва АҚШнинг конституцион тажрибаси билан танишиш учун, князь Ито бошчилигига бир қатор кўзга кўринган вакилларини жўнатди. Натижада, Япония учун энг муносиби Бисмаркнинг консерватив прусс парламенти, деган қарорга келинди. 1889 йили Япония конституцияси эълон қилинди.

1889 йилги конституциянинг муҳим жиҳати япон монархиясининг ҳукмронлигини тасдиқлаш бўлди. Конституция императорнинг ўта кенг ҳуқуқларини эълон қилди: унга қонунларни тасдиқлаш ва эълон қилиш; парламентни чақириш ва тарқатиб юбориш; уруш эълон қилиш ва яраш шартномаси тузиш; қуролли кучларга олий бош кўмондонлик қилиш; барча фуқаролик ва ҳарбий амалдорларни тайинлаш ва бўшатиш каби ҳуқуқлар тегишли эди. Конституциянинг иккинчи боби кўплаб истиснолар ва изоҳлар билан бўлса-да, расман эълон қилинган буржуа эркинликларини белгилаб берди. Тўртингич бобда (55-модда) Японияда вазирлар фақат император олдида масъулиятли эканликлари айтилганди. Олтинчи боб ҳукуматга парламент билан ҳисоблашмасдан ва ваколатли ташкилотларнинг ижозатларини олмаган тақдирда ҳам бюджетни тасдиқлаш имконини берди. Яна шуни эслатиб ўтиш керакки, императорнинг шахсини илоҳийлаштириш ҳам давом эттирилди.

Япон парламенти икки палатадан иборат эди. Юқори палата шаҳзодалардан, олий насаб аслзодалардан, шахсан император томонидан тайинланган кишилардан, йирик солиқ тўловчиларнинг вакилларидан таркиб топганди. Қуий палата, мамлакатнинг 30 ёшга тўлган кишилари орасидан, эркаклар томонидан сайланарди. Бир

йилда 15 йендан кам бўлмаган тўғридан-тўғри солиқларни тўлаган ва 25 ёшга тўлган кишиларгина сайлаш ҳуқуқига эга эди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, мамлакат аҳолисининг фақат бир фоизигина сайлаш ҳуқуқига эга эди. Шундай қилиб, конституция япон абсолютизмининг ҳуқуқларига даъво қилмади, фақат унга замонавийлик ва жозиба бахш этди, унинг ҳимоячиси бўлди, холос.

Япон парламенти жуда тор асосда шакллантирилган бўлишига қарамасдан, фаолиятининг дастлабки йилларида парламент билан ҳукумат ўртасида қарама-қаршиликлар тез-тез бўлиб турди. Парламентдаги буржуазия мухолифати ҳукуматнинг буйруқбозлик усулларини танқид қилди ва улкан ҳарбий харажатлар қилинаётганидан норозилигини билдириди. Шу сабабли парламент ўзининг дастлабки тўрт йиллик даврида император томонидан уч марта (1891, 1893 ва 1894 йиллари) тарқатиб юборилди.

**Япониянинг 1870–1890-йиллардаги ташиқи сиёсати.** Японияда қуролланиш, айниқса кучли ҳарбий-денгиз флотининг қурилиши, Хитойга қарши тайёрланаётган босқинчилик урушига бевосита боғлиқ ҳолда шиддат билан давом эттирилди. Босқинчиликнинг дастлабки обьекти эса Корея бўлди. Ҳали 1872 йилдаёқ Россия билан Япония ўртасида Сахалин масаласи бўйича бўлган музокараларда Япония ҳукумати япон-корейс урушида Россиянинг бетарафликни саклаши ва япон қўшинларини рус ҳудудлари орқали жанубий Кореяга ўтказиши эвазига ўзининг жанубий Сахалинга бўлган даъвосидан воз кечишга тайёр эканлигини билдирганди. Бу таклиф руслар томонидан рад этилди, шунинг учун ҳам самурайлар орасида фақат Хитой ва Кореяга эмас, Россияга ҳам қарши урушга даъватлар эшитила бошлади. Бироқ япон ҳукмрон доиралари ҳали Россияга қарши чикишдан кўркиб турадилар.

Япониянинг ташки сиёсатдаги фаоллигига яна шу нарса кўмаклашдики, 1894 йили чет эллар билан тузилган шартномаларни қисман қайта кўриб чикишга эришилди. Чет элликларнинг экспрессионистлиги бекор қилинди. Шунингдек, Япония учун бож мустақиллигини чекловчи энг оғир келишувлар ҳам бекор қилинди (1899 йил). Тўғри, Япония расман тўлиқ тенг ҳуқуқлиликка эриша олмади (бунга фақат 1911 йили эришди). Лекин япон буржуазиясининг тенг бўлмаган шартномалардан озод бўлиш ҳақидаги асосий талаблари бажарилган эди. Бу ташки босқинчиликлар учун япон ҳарбийларининг қўлларини бўшатди.

1876 йили Япония Кореяни тенг бўлмаган шартнома имзолашга мажбур қилди, 1882–1884-йилларда эса уни анча кенгайтирди. 1885 йили Тяньцзинда япон-хитой шартномаси имзоланди. Унга кўра расман Хитой сюзеренитети остида бўлган Корея худудига Хитой қўшинлари Япониянинг розилигисиз, япон қўшинлари эса Хитойнинг розилигисиз киритилиши тақиқланди.

1893 йили Кореяда «тонхаклар кўзғолони» номи билан дехконларнинг оммавий ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат феодал зулмга ва Кореядаги чет эллик мустамлакачиларга қарши йўналтирилганди. Кўзғолондан кўрқиб қолган Кореянинг феодал ҳукмдорлари ёрдам сўраб Хитойга мурожаат қилди. Хитой тонхакларни бостириш учун қўшин жўнатди ва Япония Хитойни Тяньцзин шартномасини бузганликда айблаб, у ҳам Кореяга қўшин киритди ва тонхаклар кўзғолонини бостириш баҳонасида мамлакатнинг муҳим стратегик нуқталарини эгаллаб олди. Японлар ўз жосусларини корейсларнинг давлат аппаратига кирита бошлади. Японлар ташкил қилган ҳукумат Кореянинг Хитойдан мустақиллигини эълон қилди ва ёрдам сўраб Японияга мурожаат қилди. 1894 йил 25 июлда япон ҳарбий кемаси Хитой қўшинларини олиб келаётган кемани чўктириб юборди. 1 августда уруғ эълон қилинди.

1894–1895-йиллардаги япон-хитой уруши капиталистик Япониянинг Хитойдан тўлиқ устуњлигини намойиш қилди. 1895 йилнинг баҳорига келиб Хитой қўшинлари бир қатор оғир мағлубиятларга учради. Японлар Лядун яриморолини ва Вейхайвей портини эгаллаб олдилар, Хитой пойтахти Пекин хавф остида қолди.

1895 йилнинг 17 апрелида Япониянинг Симоносеки шаҳрида тинчлик шартномаси имзоланди. Унда қуйидагилар назарда тутилганди: 1) Кореянинг Хитойдан мустақиллиги; 2) японларга Тайвань ороли, Пескадор ороллари ва Лядун яриморолининг берилиши; 3) Хитой томонидан 300 млн йен миқдорида товон тўланиши; 4) савдо кемаларининг қатнови учун бир қатор Хитой портларининг очилиши; 5) Вейхайвейнинг японлар томонидан вақтингча эгаллаб олинishi; 6) хитойлар қамоққа олган япон агентларининг озод қилиниши.

Хитойга қарши босқинчилик уруши Япониянинг капиталистик тараққиётини фавқулодда жадаллаштириб юборди. У бир қатор саноат тармоқларининг ўсишига туртки бўлди, ташки савдонинг кенгайишига кўмаклашди ва япон мустамлакачилар империясига асос солди. Уруш, шунингдек, Кореяда японларнинг мавқеи

кучайишига ҳам олиб келди. 1895 йилнинг охирида мамлакатда япон ҳукмронлигига қарши бўлган Корея кироличаси Мин японлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. Корея қироли қотиллардан қочиб кетди ва рус дипломатик миссиясидан бошпана топди. Корея хукуматига таъсир ўтказиш бирмунча вакт Япониядан Россияга ўтди.

1896 йили КВЖД (Хитой-Шарқ темир йули) ҳақида рус-хитой шартномаси имзоланди ва японлар ташлаб кетган Порт-Артур 1897 йили Россияга ўтди. Япон-хитой уруши Хитойнинг империалистик таъсир доираларига бўлиб олинишини тезлаштирди. Англия, АҚШ ва Германия рус-япон муносабатларини кескинлаштириш учун барча харакатларни қилди. 1890-йилларнинг охирида Япония Англия-нинг фаол ёрдамида армия ва флотини жадал куроллантириб, энди Россия билан урушга тайёрлана бошлади.

**XX аср бошларида Япония.** XX аср бошларида Япония Европанинг илғор капиталистик мамлакатлари ва АҚШдан орқада қолаётган бўлсада, Осиёда мустақил капиталистик тараққиёт йўлига кирган ягона давлат сифатида «буюк давлат» мақомига шиддат билан интилаётган эди. Колок феодал мамлакатдан илғор, кучли давлатга айланган Япония Осиёнинг бошқа давлатларида яшаётган илғор кишиларда ҳавас уйғотаётган бўлсада, унинг босқинчилик сиёсатини кўпчилик маъқулламасди.

Рус-япон урушидан кейин Япония Жанубий Манжурия ва Корея устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. 1905 йил ноябрдан Кореянинг ташки сиёсатини ҳам белгилай бошлади ва 1910 йилдан Корея расман Япониянинг мустамлакаси бўлиб қолди.

1912–1926 йиллар Японияда император Тайсё Ёсихито номи билан аталади. Тайсё даврида мамлакат иқтисоди шиддат билан ривожланишида давом этди. Япония янги ерларни эгаллаб, ўзининг катта давлат мақомини мустаҳкамлаб олди. 1914 йили аввал Германияга қарашли бўлган Хитойнинг Шаньдун яриморолини босиб олди. Кейин Биринчи жаҳон урушида иштирок этди.

\* \* \*

XIX аср айниқса унинг иккинчи ярми Японияда капитализмнинг шиддатли ривожланиши даври бўлди. У Мэйдзи инқилобидан сўнг анъанавий цивилизация мамлакатлари ичida биринчи бўлиб индустрисал тараққиёт йўлига кирди, капиталистик тараққиёт учун

шароит яратилди, конституция қабул қилди, сиёсий партиялар пайдо бўла бошлади, ҳукуқий давлатнинг белгилари пайдо бўлди.

Империализм ривожланиши тор ички бозор, аҳоли асосий қисмининг қашшоклиги шароитида юз берди ва бу ҳол Японияни бошқалар ерларини босиб олишга интилевчи агресив давлатга айлантириди.

## XV боб бўйича саволлар

1. Қандай сабаблар Токугавалар ҳокимиятини инқирозга олиб келди?
2. Япониянинг зўрлик билан «очилиши» мамлакат тараққиёти учун қандай оқибатларга олиб келди?
3. Япония ҳукмрон доиралари ўртасидаги курашнинг асосий сабаби нимада эди ва бу кураш қандай якунланди?
4. Мэйдзи инқилоби нима учун туталланмаган деб аталади?
5. Мэйдзи ислоҳотлари Япониянинг капиталистик ривожланиши учун қандай аҳамиятга эга бўлди?
6. Япониянинг 1854–1895-йиллардаги урушда Хитой устидан ва 1904–1905-йиллардаги урушда Россия устидан ғалаба қозониши унинг ташки сиёсатида қандай ўзгаришларга олиб келди?

## XVI БОБ. XIX АСР – XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ХИТОЙ

XIX асрнинг бошларига келиб Хитойда Цинлар империяси инқирозининг белгилари тобора аникроқ намоён бўла бошлади. Бу ички сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам кўзга ташланди. Амалдорларнинг катта қисми порахурликка ботиб, марказий ҳокимиятнинг обруйи пасайиб кетди. Алоҳида вилоятларга ажратилган армия жанговарлик маҳоратида ва қуролланишда Европа армияларига тенг кела олмасди.

Цинлар сиёсатидан норозилик бир қатор ҳалқ харакатларини келтириб чиқарди. Ҳаракатларнинг барчasi қўшинлар томонидан бостирилди.

Иқтисодни ҳам чуқур инқироз қамраб олди. Мамлакатда дехқонларнинг ерсизланиш жараёни давом этди, улардан кўпчилигининг ер мулклари судхурлар ва савдогарлар қўлига ўтиб кетди. Ер фондининг анчагина қисмини ўз қўлларида жамлаган ижаракиларнинг ҳам аҳволи яхши эмасди. Турли хил соликлар туфайли уларга ҳатто кун кечириш учун ҳам маблаг етишмасди. Шунингдек, шаҳарларда

ҳам аҳолининг кўпгина тоифалари қийин иқтисодий аҳволда эди. Ҳатто хусусий корхоналарнинг эгалари ҳам ўзларини хотиржам ҳис кила олишмасди, чунки улар ҳам йирик савдо бирлашмаларига боғлиқ эдилар.

XIX асрнинг бошларида ҳам Цинлар «ёпиқ эшиклар» сиёсатини давом эттирди. Аммо энди бундай ҳолат кўпгина Европа мамлакатларини қониқтирумасди. Улар бу даврга келиб қизғин иқтисодий ўсишни бошларидан кечираётган бўлиб, ўз маҳсулотларини сотиш учун янги бозорларга, арzon хомашё манбаларига ва ишчи кучига муҳтож эдилар.

Айниқса, Хитойни иккинчи Ҳиндистонга айлантиришни истаётган инглизларнинг Ост-Инд компанияси алоҳида фаоллик курсатди. Бу компания 1834 йилгача Хитой билан савдода монопол ҳукуқдан фойдаланарди. 1802 йили, кейин эса 1808 ва 1814 йилларда Англия португаллардан Макаони тортиб олишга уринди, лекин бу ҳаракатларни Хитой ҳукумати маъқулламади, улар норозилик белгиси сифатида бир мунча вақт инглизлар билан савдо муносабатларини тўхтатиб ҳам қўйди. 1816 ва 1834 йилларда Хитойга иккита инглиз миссияси яна ўша мақсад – Хитойни «очиш» мақсадида ташриф буюрди. Инглизларнинг энг катта ютуклари Хитойга қўшни Ҳиндистондан кора дори киритишни кўпайтирганини бўлди. 1800 йилдан 1838 йилга кадар Хитой бозорида унинг миқдори 2 минг кутидан 40 минг қутигача ошди, бу унинг сотувчиларига мисли кўрилмаган даромад келтирди. Хитой ҳукумати кўп марта кора дори савдосига қаршилик қилишга уриниб кўрди. 1800 ва 1836 йиллари уни Хитой ҳудудига киритишни тақиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Бироқ чет элликлар шахсий манфаатлари йўлида бу тақиқлашларга риоя қилмадилар. Кора дори Хитойга киритилаётган барча инглиз моллари нархининг ярмидан кўпроғини ташкил этарди. АҚШ ҳам Хитойга Туркиядан кора дори киритарди, бироқ бу киритишнинг миқдори инглизларницидан ўн марта кам эди, шунинг учун инглизлар билан рақобат қилиш уларга анча қийин эди.

Хитой ҳукмрон доираларида кора дори савдосини очик қилиш ҳақидаги масала мухокама қилинарди. Баъзи бир аъёнлар уни чекишини фақат этник манжурларга, ҳарбий ва давлат амалдорларига тақиқлашни таклиф қилди. Аммо Богдихан уларни кувватламади ва кора дори савдосига қарши бўлганларни маъқуллади.

**Биринчи «афюн<sup>1</sup> уруши» (1839–1842-йиллар)** Хитойга қора дори киритилишига тұсқынлик қилиш мақсадида Цинлар 1839 йили Кантон ҳокими қилиб, фақат маъмур сифатидагина эмас, хитой аслзодалари илғор фикрловчи қисмининг вакили сифатида хам буюк роль үйнаган, ватанпарварлық кайфиятидаги амалдор Линь Цзэсюйни тайинлади.

Линь Цзэсюй (1785–1850) Фуцзянь вилоятида туғилған, Хитойнинг бир қатор олий амалдорларини етиштириб берган камбағаллашған қадимий аслзодалар уруғидан чиққанди. У оиласида яхши тарбия олганидан кейин, Ханъминь академиясида үқиди, у ерда конфуцийлик таълимини олди. Хусусий мактабда үқитувчилек қилди, кейин чегара қуриқчилигига ишлади. 1820 йилдан Гуандун вилоятида императорнинг алоҳида вакили бўлди, кейин Цзянсу вилоятида бош ҳакам, Хуанхэ дарёси ва Императорлик каналининг шарқий қисмини мустаҳкамлаш ва саклаш бўйича бош директор бўлиб ишлади. Ҳали 1833 йилдаётк император номига қора дори савдосини тақиқлаш ҳақида хат жұнатди. У үз хатида бу қадам зарурлигини батағсил асослаб берди, бу оғатни йўқ қилишга йўналтирилган чораларнинг тўлиқ режасини тузди, қора дори етиштирувчи ва сотувчиларни, шунингдек, уни чекиш учун хизмат қилаётган ишратхоналарнинг эгаларини ҳам қаттиқ жазолаш таклифини киритди. Бунинг устига у, қўркитиш мақсадида фақат айборларнигина эмас, уларнинг қариндошларини ҳам жазолашни таклиф қилди. Линь Цзэсюйнинг дастури шунга үхшаш бошқа лойиҳалардан кўра император Дяогуанга кўпроқ ёқди ва у 1838 йили Линь Цзэсюйни «қора дори» масаласи бўйича текшириш ва чора кўриш учун Гуандун вилоятининг қора дори савдоси билан кураш бўйича Олий ваколатли эмиссар лавозимига тайинлади. Линь Цзэсюй Гуандундаги фаолиятини икки асосий йўналишда олиб борди – мамлакат ичкарисида қора дори тайёрловчилар, етказиб берувчилар ва сотувчилар билан курашди ҳамда унинг чет эллардан келишини тұхтатиши учун ҳаракат қилди. 1839 йили у барча хитойлик хизматчиларга портни тарқ этишни, олиб келинган барча қора дорини ҳокимиятга топширмагунларича чет эллик фуқароларга сув ва озиқ-овқат етказиб

<sup>1</sup> Афюн – арабчадан олинган бўлиб, кўкнорнинг пишиб етилмаган күсагидан олинадиган сутсимон ширасига айтилади. «Афюн» сүзи аслида юононча abijun – мурратувчи, ухлатувчи сўзидан келиб чиққан, арабчада афюн дейилади. Узбек тилемда кўпроқ қора дори деб юритилади.

беришни тұхтатиши ҳақида буйруқ берди. Линь Цзэсюйнинг ниятлари жиддий эканлигини күрган инглизларнинг вакили беш кундан кейин 20 283 кути қора дорини топширишга тайёр эканлигини билдириди, шундан кейин портнинг қамали бекор қилинди. 3 июня бу қора дориларни йүқ қилиш бошланды, у оxaк билан аралаштирилди ва денгизга чўктириб юборилди. Инглизлардан мамлакатга бошқа қора дори олиб келмасликлари кафолатига эришиш анча қийин бўлди. 1839 йилнинг ёзида Пекинда янги тақиқловчи қонунлар ишлаб чиқилди, унда ҳам хитойлик, ҳам чет эллик қора дори сотувчилари учун каттиқ жазолар назарда тутилганди. Инглизлардан унинг буйруқларини бажариш ҳақидаги ёзма кафолат олишга эришиш учун Линь Цзэсюй уларга оиласлари билан Аомин (Макао) худудига кетишини буорди.

Бу воқеа Буюк Британия билан, тарихда «афюн уруш» номини олган урушнинг бошланишига сабаб бўлди. 1839 йилнинг 4 сентябрь куни инглизлар ўз кемаларидан Цзянлун яrimороли яқинида Хитойнинг ҳарбий кемаларини ўққа тутди. Шу йилнинг ноябрь ойида улар ёрдам кута туриб, Хитой қирғоқлари ёнида ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Ўз навбатида, Линь Цзэсюй ҳам инглиз кемаларининг Гуанчжоуга келишини тақиқлади. 1840 йилнинг 5 январида императорнинг қарори билан Лянгуандаги ноиб қилиб тайинланди ва жуда кенг ваколатларга эга бўлди, бундан кейинги воқеаларнинг бориши учун унга шахсий масъулият юкланди.

1840 йилнинг февралида Англия, расман уруш эълон қилмасдан, 4 минг кишилик жазо қўшинини Хитойга юборди. 1840 йилнинг июнида, Линь Цзэсюйнинг тақиқлашини бузиб, инглизлар жанубий Хитой қирғоқларига келди, Кантон, Амой, Нинбо, шунингдек, Минъязн, Янцзи ва Байхэ дарёлари соҳилларини қамал қилди. Ўша йилнинг июлида улар Чжоушань оролларидағи Динхай шаҳрини эгалладилар ва таладилар. Шундан кейин Хитойга талаблар қўйилди, улар орасида Гонконг (Сянган) оролини Британия хукмронлигига бериш, Контонда йўқ қилинган қора дори учун товоң тўлаш ва икки томонлама савдони янгидан йўлга қўйиш талаблари ҳам бор эди. 11 августда инглизларнинг кемалари Пекин яқинидаги Дагу портига келди.

Воқеаларнинг бундай тус олишидан Цинлар үзини йўқотиб қўйди. Хитой хукумати Линь Цзэсюйни вазифасидан озод қилди,

унинг ўрнига тайинланган Ци Шань инглизлар билан музокаралар олиб борди ва уларнинг барча шартларини қабул қилди. Бундай таслимчилик, ҳали ўз мамлакатларининг жаҳон сиёсатидаги ўрни борасида янгиш хаёлларга бориб юрган хитойлик аслзодалар орасида норозилик тугдирди. Натижада Богдихан бу келишувни тасдиқламади, Ци Шанни эса хоин сифатида қамоқقا олди.

Бу воқеалардан кейин инглизлар хукумати Хитойга қўшимча кучлар юборди ва 1841 йилнинг августида бу ерга яна 36 та ҳарбий кемалар етиб келди, уларнинг ёрдамида Кантоннинг атрофи, Амой ҳамда Нинбо портлари эгаллаб олинди. 1842 йилнинг баҳорида Шанхай яқинидаги Усун қалъаси босиб олинди, июннинг ўрталарида эса шаҳарнинг ўзи ҳам эгалланди. Кейин инглиз ҳарбий кемалари Янцзи дарёси бўйлаб Нанкин шаҳрини эгаллаш мақсадида сузуб кетди. Йўлда Чжэцзян шаҳри учун жанг бўлди ва у 21 июнда эгаллаб олинди. Шундай килиб инглизлар Хитойнинг стратегик жиҳатдан энг муҳим ҳудудларидан бирини ўз назоратига олдилар.

Уруш ҳаракатлари Хитойнинг ҳарбий ва иқтисодий заифлигини, унинг Евropa мамлакатларининг хуружларига қарши туроғолмаслигини намоён қилди. 1842 йилнинг 29 августида Буюк Британия билан Хитой ўртасида биринчи тенг бўлмаган Нанкин шартномаси имзоланди. Хитой хукумати инглиз савдогарлари учун Кантон, Амой, Фучжоу, Нинбо, Шанхай портларини очиш мажбуриятини олди. Хитой товон сифатида 21 миллион лян кумуш тўлаши, Кохконг савдо компаниясининг якка хукмронлигини тугатиши лозим эди. Англия маҳсулотлари фақат беш фоизлик божга тортиладиган бўлди, Гонконг ороли эса Буюк Британия назорати остига ўтди.

Шундай қилиб, бу шартнома Хитой тараққиётида унинг Гарб давлатларига ярим қарамлиги билан характерланувчи янги даврга кирганлигини англатарди.

*Хитойнинг Гарб давлатлари ярим мустамлакасига айланнишининг бошланиши.* Нанкин шартномаси инглизларни тўлиқ қониқтира олмасди. Цинлар тузумининг заифлигини кўрганларидан сўнг улар хитойликларни янги тенг бўлмаган шартномаларни имзолашга ундадилар. 1843 йилнинг октябрида иккала давлат ўртасида шартнома имзоланиб, унга биноан Хитойда экстерриториаллик тартиби ўрнатилди, «очик» портларда бошқарув ва жамоат тартибини саклаш чет элликларнинг ўзлари томонидан амалга оширила-

диган сettльментлар<sup>1</sup> – маҳсус турар-жой маҳаллалари белгиланди. Инглизлар Хитойда катта кулайликлар билан таъминланадиган бўлдилар.

Хитойда алоҳида ҳуқуқлар олишга уринаётган навбатдаги ғарб мамлакати АҚШ бўлди. Ҳали биринчи «афюн уруши» пайтидаёк америкаликларнинг ҳарбий кемалари Хитойнинг худудий сувларида жойлашганди, уруш тугаганидан сўнг эса Цинлар уларга «харажатларни қоплаш» сифатида 100 минг лян тўлашга мажбур бўлгандилар. 1844 йил июль ойининг бошларида Хитой билан АҚШ ўртасидаги шартнома имзоланди, унга кўра америкаликлар божсиз каботаж юк ташувини амалга ошириш ҳуқуқини олдилар. Ўша 1844 йилнинг ўзидаёк Хитойни тенг бўлмаган шартномани имзолашга Франция ҳам мажбур килди. Шу пайтгача Буюк Британия ва АҚШ эга бўлган имтиёзлардан ташқари Франция Хитойда католиклар черковининг миссионерлик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини ҳам кўлга киритди.

Айтиб ўтилган шартномалар Хитойнинг сиёсий мустакиллигини ва иқтисодий аҳволини сезиларли даражада оғирлаштириди. Энди мамлакатга қора дори киритишдан ташқари, бу ерга катта ҳажмда инглизликлар ва америкаликларнинг ип газламалари кела бошлади, бу эса улар билан нархда ҳам, сифатда ҳам рақобат қила олмайдиган маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлишларига олиб келди. Хитойдан янада катта ҳажмдаги кумуш олиб чиқила бошланди, бу ҳам иқтисодий аҳволни оғирлаштириди. Агар 1830 йилда Хитой кумушининг 1 ляни бир мингта мис тангага тенг бўлган бўлса, 1848 йили икки минг тангага, 1951 йилда эса 4700 мис тангага тенг бўлган. Цинлар янги соликлар солар, кишлоқ хужалиги янада оғир аҳволга тушарди.

*Тайпинлар ҳаракатининг биринчи босқичи (1850–1856).* Биринчи афюн урушида Хитойнинг мағлубиятга учраганлиги аҳолининг кенг қатламларида норозилик уйғотди. Дехқонларнинг оғир аҳволи аста-секин ҳукмрон тузумга қарши янги урушга замин тайёрларди. XIX асрнинг 40-йилларида бутун Хитой бўйлаб юзта дехқонлар қўзғолонлари аланга олди. 1850 йилнинг июнида тай-

<sup>1</sup> Сettльмент (ингл. Settlement – манзилгоҳ) – XIX аср – XX аср бошларида Хитойнинг айрим йирик шаҳарлари марказида чет элликларга ижарага бериладиган даҳалар. Сеттльментлар экстерриториаллик ҳукукига эга эдилар.

пинлар Цинлар ҳукмронлигига қарши курашиш ва Хитойда «анъ-анавий жамият» ўрнатиш учун етарли кучга айланган эди.

Тайпинларга гуандунлик қишлоқ үқитувчиси Хун Сюцюань (1814–1864) бошчилик қилди. У дехқонлар орасидан чиққан бўлиб, халқ ҳаётини яхши биларди. Хун Сюцюань христиан дини билан танишгандан сўнг худо унга Хитойни иблисдан халос қилиш ва адолат подшолигини – «Буюк хузур-ҳаловат само давлати»ни (хитойчалига – «Тайпин тяньго», шу сабабли ҳаракат қатнашчиларини тайпинлар деб атадилар) ўрнатишни топширганлигини эълон қилди. 1850 йилнинг охиридан тайпинларнинг Гуанси вилояти ҳукуматига қарши биринчи чиқишилари бошланди, келгуси йилнинг январида эса Цзантянь қишлоғида Тайпин Тяньго давлати тузилганлиги эълон қилинди, унинг етакчилари Цинларнинг пойтахти – Пекинни эгаллаш максадида Шимолга томон юриш қилишларини билдиридилар.

Юньань шахри эгалланганидан кейин (Гуанси вилоятининг шимолида) Хун Сюцюанни Тянь ван (самовий ҳукмдор) деб эълон қилдилар. Унинг энг яқин сафдошлари эса ван увонига лойик кўрилди. Хун Сюцюань, Хитой анъаналари руҳида, факат Хитойнинггина эмас, бошқа барча давлатларнинг ва халқларнинг ҳам номинал ҳукмдори деб, унинг ванлари эса – дунёнинг тўрт томони – Шимол, Жануб, Шарқ ва Фарбнинг раҳбарлари деб ҳисоблана бошланди. Тайпинлар европаликларни христианлик дини бўйича биродарлари деб ҳисобларди (уларнинг асосий қисми христианликни қабул қилган эди), улар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга иштиёклари баланд эди. Дастребларни даврларда чет элликлар тайпинларга нисбатан ижобий муносабатда бўлдилар. Улар бундан Цинлар билан муносабатларида фойдаланиш умидида эдилар.

Тез орада Цин қўшинлари Юньаньни қамал қилди ва 1852 йилнинг апрель ойига қадар унинг мудофааси давом этди. Кейин эса тайпинлар бу шаҳарни ташлаб кетишга ва партизанлик ҳаракатларини бошлашга мажбур бўлди. Хунань вилоятининг бош шаҳрини эгаллашга бўлган тайпинларнинг муваффақиятсиз уринишлари пайтида уларнинг раҳбарларидан Сяо Чаогуй ва Фэн Юньшань ҳалок бўлдилар, аммо исёнчилар 1852 йилнинг охирида Янцзи дарёсига чиқишига муваффақ бўлдилар ва 1853 йилнинг январида Уchan шаҳрини эгалладилар, кейин Айчин шахри эгалланди, ўша йилнинг

баҳорида Яңцзи дарёси бўйидаги энг йирик марказ – Нанкин шаҳри ҳам уларга бўйсунди. Бу шаҳар тайпинларнинг Самовий пойтахти деб эълон қилинди. Айни пайтда исёнчиларнинг қўшинлари сон жиҳатдан кўпайди ва маҳаллий аҳолининг кувватлашларига сазовор бўлди.

Шундан кейин тайпинлар шимол томонга юришларини давом эттирди. 1854 йили улар Тяньцзинга (шимолдаги порт) жуда яқинлашди, бу Пекинда ҳақиқий саросимани келтириб чикарди. Бироқ уни эгаллашга тайпинларнинг кучи етмади.

1853 йили тайпинлар сиёсатидан норози бўлган дехқонлар ва заминдорлардан иборат жиддий ҳарбий рақиб тайпинларга юзмажуз бўлди. Келгуси йилнинг ўзидаёқ улар Ухани эгалладилар, лекин 1855 йили тайпинлар уларга зарба беришга ва шаҳарни ўз назорати остига олишга эришди.

Бу даврда тайпинлардан ташқари, Хитойнинг турли худудларида манжурларга қарши бошқа ташкилотлар ҳам ҳаракат қиласиди. Улардан бири – «Калта қиличлар» жамияти 1853 йилнинг сентябринда Шанхайдаги исён кўтариб, 1885 йилгача шаҳарни эгаллаб турдилар. «Калта қиличлар» жамияти аъзоларининг тайпинлар билан ўз ҳаракатларини мослаштиришга, улар билан бевосита алоқа ўрнатишга бўлган уринишлари натижада бермади.

1856 йилга келиб тайпинлар ҳаракатининг инқирози кузатилади, бу энг аввало, унинг етакчилари ўртасидаги келишмовчиликларда намоён бўлди. Натижада ҳаракат ичидаги бўлинеш юз берди.

**Ҳаракатнинг биринчи босқичида тайпинларнинг тадбирлари.** Тайпинларнинг етакчилари ўзларининг назорати остидаги худудларда амалга оширишга уринган ўзгаришлар учун асос бўлган бош хужжат «самовий сулоланинг ер тузуклари» эди. Унда Хитой дехқонларининг тенглигига асосланган утопик ғоялар руҳида, ер мулкининг тенглаштириб қайта тақсимланиши назарда тутилган эди. Тайпинлар товар-пул муносабатларини бекор қилишни ва одамлар эҳтиёжларини тенглаштиришни исташарди. Хорижликлар билан савдосиз яшашнинг ҳозирча илож йўқлигини тушунган ҳолда, улар савдо ишлари бўйича давлат вакили – «Самовий компрадор»<sup>1</sup> маҳсус лавозимни ташкил этдилар.

<sup>1</sup> Компрадор – чет эл капитали билан маҳаллий бозор ўртасида воситачилик килувчи ерлик савдогар.

Мәхнат қилиш ҳамма учун мажбурий эканлиги эълон қилинди. Улар анъанавий Хитой динларига муросасизлик билан муносабатда булишарди, буддизм ва даосизмга оид китоблар йўқ қилинарди. Ўзғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун тайпинлар аввалги ҳукмрон тоифа вакилларини жисмонан йўқ қилдилар, аввалги қўшин тарқатиб юборилди, тоифалаш тизими ва қуллик тартиби бекор қилинди. Ҳали Гуанси худудида турган пайтларидаёқ, тайпинлар ўз қокилларини кесиб ташлаб, соchlарини ўстириб юборганди ва ўзларининг тўлиқ ғалабаларига қадар аёлларга яқинлашмасликка қасам ичишганди.

Жамиятда ҳам ҳарбий тизим жорий қилинган булиб, ҳар бир оиласдан бир киши армияга берилиши шарт эди. Аскарлар йилнинг уч фаслида далада ишлаши, бир фаслида эса – ҳарбий иш билан шуғулланиши лозим эди. Ҳарбий бирликнинг командири айни пайтда ўзининг қисми жойлашган ҳудуддаги фуқаролик ҳукумати ролини ҳам бажаарди. Бу тизимнинг аниқ ҳарбийлашган характеристига қарамасдан, унда демократик негизлар ҳам бор эди, масалан, барча взводлар ва ундан юқори қисмларнинг командирлари ҳалқнинг хоҳиши асосида сайланарди.

Қизларни оёқларига дока боғлаб қўйишга мажбур қиласиган қадимий одат бекор қилинди ва қизларни жазманликка сотиш қаттиқ жазоланадиган бўлди. Болалар никоҳлари тизими бекор қилинди. Ўзларининг назорати остидаги ҳудудларда тайпинлар қора дори, тамаки чекиши, спиртли ичимликлар ичишни ва қимор ўйнашни тақиқлади. Тергов жараёнида кийноқларни қўллаш бекор қилинди ва ошкора суд киритилди. Лекин жиноятчиларга нисбатан қатъий жазо чоралари назарда тутилганди.

Шаҳарларда барча хунармандчилик устахоналари, савдо муасасалари, шунингдек, гуруч заҳиралари давлат мулки деб эълон қилинди. Мактаблардаги тарбия тайпин мафкураси асосида йўлга қўйилди.

Тайпинлар дастурида эълон қилинган кўпгина ўзгаришлар жойлардаги бўйинтовлашлар ёки Цинлардан эгаллаб олинган ҳудудларда тайпинларнинг жуда қисқа муддатли назорати туфайли қоғозларда қолиб кетди.

**Иккинчи «афюн уруши» (1856–1860).** Тайпинлар ҳаракатининг дастлабки даврида Ғарб мамлакатлари ўзларининг бетарафликлари ҳақида бир неча марта баёнот бергандилар, лекин 1853 йилдаги

Шанхай воеаларида сұнг уларнинг Цинлар тарафында оғаёттандырылған маълум бўлиб қолди. Шунга қарамасдан ўзларининг «бўлиб ташла ва хукмронлик қил» деган сиёсатларини ўтказишга интилган инглизлар, Хитойни икки давлатга бўлиш имкониятини ҳам назардан қочирмасдилар ва ҳатто Нанкинга Яңцзи дарёсида кема қатнови хукуқини олиш ва тайпинлар назоратидаги ерларда савдо имтиёзларига эга бўлиш учун расмий ваколатли вакилларини юбордилар. Тайпинларнинг раҳбарлари бунга рози бўлди, лекин жавоб қадами сифатида инглизлар томонидан қора дори савдоси тақиқланиши ва Тайпин Тяньго қонунлари ҳурмат қилинишини шарт қилиб қўйдилар.

1856 йили вазият кескин ўзгарди. Тайпинлар қароргоҳида уларнинг заифлашишларига сабаб бўлган инқизоз бошланди. Цинлар ҳам жуда мураккаб ахволда қолганди. Буюк Британия билан Франция вужудга келган қулай вазиятдан фойдаланиб қолишшга ва уларга қарамлигини ошириш мақсадида Хитой ҳудудида ҳарбий ҳаракатлар бошлашга қарор қилдилар.

Урушнинг бошланишида Гуанъоуда турган «Эрроу» савдо кемаси билан боғлиқ воеалар баҳона бўлди. 1856 йилнинг октябрини охирида инглизлар эскадраси шаҳарларни ўққа тута бошлади. Хитой аҳолиси 1839–1842 йиллардаги даврга нисбатан анча кучли қаршилик ташкил қилди. Шунда инглизларга маҳаллий аҳолини хукуматга қарши чорлаган француз миссионерларидан бирининг қатл қилинишидан баҳона сифатида фойдаланган Франция кўшилди.

1857 йилнинг декабрида Буюк Британия Хитойдан аввалги шартномаларнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилди, бу талаб ўша заҳотиёқ рад этилди. Шунда бирлашган инглиз-француз кўшинлари Гуанчжоуни эгаллади ва маҳаллий ҳокимни асирга олди. 1858 йилнинг бошларида Хитойнинг жанубида, Байхэ дарёси этакларида ҳарбий ҳаракатлар авж олди. Ўша йилнинг май ойида Дагу порти ва Тяньцзин остоналари эгалланди. Пекин хавф остида қолди.

Бир пайтнинг ўзида икки жабҳада – тайпинлар ва чет эл кўшинлари билан жанг олиб боришининг иложи йўқлигини тушунган Цинлар чет элликларга таслим бўлди ва 1858 йилнинг июнь ойида Англия ҳамда Франция билан шартнома имзоланди. Бу шартномага кўра иккала давлат ҳам Пекинда ўз дипломатик мис-

сияларини очиш, ўз фуқароларининг Хитой худудида эркин ҳаракатланиши, шунингдек, Янцзи дарёси бўйлаб кема қатнови эркинлиги ҳукукларини олдилар. Чет эл савдоши, шу жумладан, қора дори билан ҳам савдо қилишлари учун Хитойнинг барча портлари очилди.

Хитой билан шартнома тузган АҚШ ва Россия ҳам вужудга келган вазиятдан фойдаланиб қолдилар. АҚШ мамлакатдаги ўз ҳукукларининг кенгайтирилишига эришди, жумладан улар бож тўлашни камайтирдилар, америкаликларнинг кемалари энди Хитойнинг ички сувларида суза оларди, уларнинг фуқаролари эса эркин ҳаракат қилиш ҳукукини олдилар.

Россия 1858 йили Хитой билан иккита шартнома тузди. Улардан биринчиси Айгун шартномаси бўлиб, унга кўра Амур дарёсининг чап қирғоги, унинг Аргун дарёсидан бошланиш жойига қадар Россияга берилди, Уссурия ўлкаси иккала давлат ўртасида чегаралар аниқлаганига қадар умумий фойдаланишда бўлади, деган қарорга келинди. Тяньцзинъ номини олган иккинчи шартнома 1858 йилнинг июнь ойи ўртасида имзоланди ва бунга кўра Россия очиқ портларда савдо қилиш, консуллик юрисдикцияси ва шу каби ҳукукларга эга бўлди.

**1860 йилда ҳарбий ҳаракатларнинг давом эттирилиши.** Англия билан Франция 1856–1858 йиллардаги ҳарбий ҳаракатлар давомида эришган ютуклардан қониқмади ва Хитойга яна хужум бошлаш учун баҳона кутиб турарди. Бундай баҳона инглиз ва француз вакиллари Тяньцзинъ шартномасини тасдиқлаш учун бораётган кеманинг ўққа тутилиши билан пайдо бўлди.

1860 йилнинг июнида бирлашган инглиз-француз қўшинлари Шимолий Хитойнинг Лядун яримороли худудида ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 25 августда улар Тяньцзинни эгалладилар. Сентябрнинг охирида Пекин ҳам эгалланди, император ва унинг яқинлари Жэхэ вилоятига қочиб кетишли. Пойтахтда қолган князь Гун Англия ва Франция билан янги шартнома имзолади, унга кўра Хитой саккиз миллионлик товон тўлаш мажбуриятини олди, чет элликлар савдогарларга Тяньцзинъ портини очиб берди, Гонконг яқинидаги Коулун яриморолининг жанубий қисми инглизларга берилди.

Орадан бир мунча вақт ўтганидан кейин 1860 йилнинг нояброда Пекин шартномаси номини олган келишувни Хитой билан Россия

имзолади. Унга биноан Россиянинг Уссурия ўлкасига бўлган хукуки тан олинди.

**Тайпинлар ҳаракатининг иккинчи босқичи.** Иккинчи «афюн уруши» даврида ва у тугагандан кейин ҳам тайпинлар орасида инкиroz давом этди. Янги ҳукмрон синфга айланган тайпинларнинг юкори табақаси билан ҳаракатнинг оддий иштирокчилари ўргасида зиддият тобора кескинлашиб борди.

1859 йили Хун Женганд исмли шахс Тайпин Тяньго тараққиётининг дастури бўлган «Мамлакатни бошқариш хақида янги битиклар»ни таклиф этди. Унга кўра тайпинларнинг ҳаётига Фарб қадриятлари, ўзгаришлар аста-секин, инкилобларсиз кириб бориши лозим эди. Аммо унда кўпчилик дехқонлар учун энг асосий агарар масаласи ўз ифодасини топмаганди.

XIX аср 50-йиллари охирида тайпинлар орасидан яна бир машҳур раҳбар – Ли Сючэн, Цинларни бир неча марта мағлубиятга учратган қўшин қўмондони олдинги сафга чиқди. Бошқа бир кўзга кўринган етакчи тайпин қўмондони Чэнь Юйчэн бўлиб, тайпинлар унинг раҳбарлиги остида ҳукумат қўшинларига бир қатор зарбалар беришга муваффақ бўлгандilar. Бироқ 1860 йилдан бошлаб бу иккала раҳбар ўз ҳаракатларини мувофикаштира олмадилар, бу эса бутун ҳаракатга салбий таъсир кўрсатди.

1860 йилнинг баҳорида Ли Сючэн ўз қўшинлари билан Шанхайга яқинлашди, лекин Цинларга америкаликлар ёрдамга келди ва улар Хитойнинг бу энг йирик шаҳрини сақлаб қола олдилар. 1861 йили ҳукумат қўшинлари Айчин шаҳрини эгаллашга ва Нанкинга яқинлашишга муваффақ бўлдилар. Келгуси йили эса тайпинларга қарши инглизлар ва французларнинг қўшинлари очиқ курашдилар, бунинг оқибатида Нанкин камалда қолди. Ли Сючэн қўшинларининг жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатганлигига қарамасдан, 1864 йилнинг бошларида Ханъчкоу шаҳри эгаллаб олинди. Ли Сючэн Хун Сюцюонга Нанкинни ташлаб кетишни, курашни давом эттириш учун Хитойнинг ғарбига йўл олишни таклиф қилди, бироқ Хун бу таклифни ўша заҳотиёқ рад этди. 1864 йилнинг баҳорида Нанкин қамали бошланди ва иложсиз ахволда қолган Хун Сюцюонь ўз жонига қасд қилди. Унинг вориси ўн олти ёшли ўғли Хун Фу бўлди, Ли Сючэн эса тайпинлар пойтахти мудофаасини бошқарди. 19 июлда Цинларнинг қўшинлари шаҳарга бостириб кирди. Ли Сючэн ва Хун Фу қўлга олинди ва қатл қилинди.

Аммо Нанкиннинг қулаганлиги Хитойнинг бошқа ҳудудларида курашнинг бутунлай тұхташига олиб келмади. Фақат 1866 йилга келибгина хукумат қүшинлари тайпинлар ҳаракатининг охирги йирик үчоқларини бостиришга эришдилар.

*XIX асрнинг иккинчи ярмида Хитойдаги халқ құзғолонлари.* Тайпинлар құзғолони даврида Цинларга қарши бошқа ҳаракатлар ҳам пайдо бүлди, улардан эңг йириги 1853 йили Аньхуэй вилоятида Чжан Лосин раҳбарлигига бошланған няныңзюнейлар ҳаракати («машъалчилар армиялари») бүлди. Аксарияти деҳқонлар бүлган құзғолончиларнинг аниқ ҳаракат режалари йүқ әди, уларнинг чиқишилари стихияли ҳаракат бүлганди. Шунга қарамасдан, улар маҳаллий ахоли томонидан қызғын құллаб-қувватланғанлиги туғайли, хукумат қүшинларига уларни енгиш осон бүлмади. Тайпинларнинг мағлубиятидан кейин бу ҳаракат қатнашчиларнинг бир қисми няныңзюнейларга қүшилди ва бу билан уларнинг сони анча ошди. Құзғолон Хитойнинг саккизта вилоятини қамраб олди. 1866 йили няныңзюнейлар икки гурухга бүлиндилар, пойтахт вилояти Чжилига кириб олишга уриниб күрдилар, лекин 1868 йилга келиб улар тұлық тор-мор қилинди.

Айни пайтда Хитойдаги баъзи бир кичик халқлар ҳам бош күтардилар. 1860 йили мусулмон дунгандар Ду Вэнъюань раҳбарлигига Юньнан вилоятида маркази Дама шаҳри бүлган үз мустақил давлатини эълон қылдилар. Ду Вэнъюань султон Сулаймон номи билан унинг ҳукмдори бүлди. Фақат XIX аср 70-йилларига келиб Цин қүшинлари бу давлатни йүқ қила олдилар. Дунгандар, шунингдек, диний шиорлар остида, 1862–1867 йиллари Шэнси, Гансу ва Синьцзян вилоятларida ҳам құзғолон күтарғанлар.

*«Үз-ўзини кучайтириш» сиёсати (1861–1895 йиллар).* Иккинчи «афцион уруғи»даги мағлубиятдан кейин Хитойнинг ҳукмрон доиралари мамлакатни Ғарб давлатларининг даромад манбаига айланыб қолиши хавфидан халос қилишга яна бир бор уриниб күрдилар. Натижада, тарихшуносликда «ўз-ўзини кучайтириш» («цзи цян») номини олган, тараққиётнинг янги йўли ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишнинг учта асосий босқичи мавжуд әди. 1861–1870 йиллардаги биринчи босқичда ҳокимиятнинг эътибори деҳқонларнинг ва майда миллатларнинг қаршиликларини бостиришга қаратилди. Иккинчи босқич, 1870–1885 йилларни үз ичига олиб, ислоҳотларни үтказишда үз таъсирини ошириш учун кураш олиб бораётган икки

асосий гурухларнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Учинчи босқич 1885–1895 йиллар – Ли Хуичжай гурухининг ғалабаси ва Хитойнинг Япония билан урушдаги мағлубиятидан кейин гурух етакчисининг ҳокимиятдан четлатилиши билан якунланади.

Фан ва техника соҳасидаги энг яхши ютуқларни чет элликлардан ўзлаштириб олиш ва уларни ўзларида қўллаш ғояси 60-йиллардаги ислоҳотлар даврида асосий фикр бўлиб қолди.

1861 йилнинг январида Пекинда «Турли мамлакатларнинг ишларии жамоа бўлиб бошқариш бўйича идора» – Цзунлияньминъ ташкил қилинди. У Хитой империяси Олий маслаҳат кенгаши ролини бажаарди.

1861 йилнинг августида император И Чжу вафот этди ва тахтга унинг кичик ёшдаги ўғли Цзай Шунь чиқди. Янги ҳукмдорнинг кўпроқ Циси номи билан маълум бўлган онаси Ехэнара марҳум императорнинг амакилари Гун ва Чунлар билан ҳамда императорнинг беваси Сяо Чжен билан биргаликда регентлик қилиш ҳақида келишиб олди. Айни пайтда иккинчи «афюн уруши» йилларида чет элликлар билан муроса қилмаганликда ва бу билан Пекиннинг вайрон қилинишига кўмаклашишда айбланаётган Су Чжен бошчилигидаги аввалги регентлик кенгаши йўқ қилинди.

Келгуси ўн йиллик давомида, то Цзай Шуннинг ўлимига қадар, амалда мамлакатни Циси гурухи бошқарди. Унинг асосий ҳаракатлари «ички исёнга» қарши курашда ҳал қилувчи ғалабага эришиш максадида армияни кучайтиришга йўналтирилганди. Тайпинлар исёни бостирилгандан сўнг замонавий машина ва кемалар қурилишига, ҳарбий соҳадаги муассасалар тузишга қаттиқ киришилди. Хитойда биринчи ҳарбий қурол-аслаҳа омбори ва кема қуриш корхонасини ташкил қилган Ли Хуанчжан ҳамда Цзо Цзунътандар бу жабҳада алоҳида шижаат кўрсатдилар. Пекинда дипломатик кадрлар тайёрловчи чет тиллари мактаби очилди. Тез орада бундай мактаблар Шанхайдаги Гуанжоуда ҳам очилди.

1875 йилнинг бошларида император Цзай Шун вафот этди ва тахтга Цисининг уч яшар жияни Цзай Тянь чиқди. Бу билан Хитойда Циси ҳукмронлиги амалда сақланиб қолаверди.

«Ўз-ўзини кучайтириш» сиёсатини амалга оширишнинг олтига асосий таркибий қисми расман эълон қилинганди: аскарларни тайёрлаш, кемалар қуриш, машиналар ишлаб чиқариш, қуролли кучларни сақлаб туриш учун маблағлар топиш, қобилиятли одам-

ларни бошқарувга жалб этиш ва юкорида күрсатилган тадбирларни узок муддатда бажаришга журъат қилиш. Бу йўриқ ҳеч бир жиддий ўзгаришларсиз 1895 йилгача амалга оширилди.

1870-йилларнинг биринчи ярмида 120 та хитойлик ўсмирлар АҚШга ўкишга юборилди. Лекин уларнинг «Farb фояларига жуда чукур шўнгиб кетишларидан» хавотирланган хукумат 1880-йилларнинг бошларидаёқ уларни ватанларига чакириб олди.

1870-йилларнинг охири 1880-йилларнинг бошида Ли Хунчжанинг ташаббуси билан Тяньцзинда мина-торпеда ва телеграф мактаблари, шунингдек, иккита ҳарбий билим юрти очилди. 1880 йили Гуанчжоуда Farb фанлари мактаби ташкил қилинди. Бу ўкув юртларида Хитой учун анъанавий бўлган конфуцийлик назарияси билан бир қаторда, Farb фанлари ҳам ўқитиларди. XIX асрнинг охирларига келиб Хитойда айнан ана шундай билим юртларининг битириувчиларидан Farb қадриятларига мойил бўлган илмий-техник зиёлилар етишиб чиқди.

Хитой Франция билан бўлган урушда енгилганидан кейин «ўзини ўзи кучайтириш» сиёсатини юритишининг якунловчи босқичи бошланади ва унда Ли Хунчжан ҳамда унинг тарафдорлари яна ҳал қилувчи роль ўйнайди. 1885 йил октябрнинг ўрталарида Ҳарбий-денгиз ишлари бўйича идора тузиш ҳақида буйруқ чиқарилди. Бу Идоранинг бошлиғи қилиб князь Чун, унинг ўринбосарлари этиб князь Цин ва Ли Хунчжанинг ўзи тайинланди. Бироқ орадан уч йил ўтгач замонавий кемалар сотиб олишга ажратилган пуллар Циси учун шаҳар ташқарисида янги қароргоҳ қуришга сарфланди, 1893 йили эса Идора бутунлай бекор қилинди. Хитойнинг флоти ўша-ўша заифлигича қолаверди, у ҳатто умумий қўмондонликка ҳам эга эмасди.

**XIX асрнинг сўнгги чорагида Хитойнинг ташқи сиёсати.** XIX асрнинг 60-йилларида Хитой Пруссия (1861), Дания, Нидерландия (1863), Испания (1864), Бельгия (1865), Италия (1866) ва Австро-Венгрия билан (1869) teng хукукли бўлмаган шартномаларни имзолади.

XIX аср 70-йилларида Farb мамлакатлари Хитойдан янги ён беришларга эришдилар: Хитой хукумати 1876 йили Чифуда Буюк Британия билан битим имзолади. Унга кўра Буюк Британия анча фойдали устунликларга – Янцзи доирасида тўртта янги порт очиш, Далида инглизлар консуллигини ташкил этиш, шунингдек,

Юньнань вилоятида қулай вазият яратиб берилишига ва Тибетга инглизларнинг экспедицияси жўнатилишига эришди. 1880-йилларнинг бошларида француз-хитой муносабатлари ёмонлашди, бунга Учинчи республика тузумининг Ҳиндихитой мамлакатларида мустамлакачилик сиёсатини ўtkазаётганлиги сабаб бўлди, чунки ўша пайтда Аннам ҳудуди Хитойга вассал қарамликда эди. Бир қатор жанглардан сўнг Цин ҳукумати 1885 йилнинг июняда тинчлик шартномасини имзолади, унга кўра Аннам Франция қўл остига ўтди. Бундан ташқари, французлар Юньнань вилоятида савдо қилиш ҳуқукини ҳам олдилар.

Фарб мамлакатларидан ташқари 1870-йиллар бошида Япония ҳам Хитойга ўз таъсирини ўtkазиш учун кураш бошлади. 1872–1879 йилларда у шу пайтгача Япония ва Хитайнинг икки томонлама назорати остида бўлган Рюкю ороллари устидан якка ҳукмронлик килиш учун кураш олиб борди.

1874 йили Япония АҚШ билан бирга Тайвань оролини эгаллаб олишга уринди, аммо бу ерда ўз манфаатларига эга бўлган Буюк Британиянинг аралашувидан сўнг вактинча бу режадан воз кечипларига тўғри келди.

Япония билан Хитой ўrtасидаги қарама-қаршиликларга навбатдаги сабаб Корея бўлди. 1894 йили у ерда дехқонлар қўзғолони бошланганидан сўнг Корея ҳукумати уни бостириш учун ёрдам сўраб Хитойга мурожаат қилди. Вазиятдан фойдаланган Япония ҳам ўз ташаббуси билан Кореяга қўшин жўнатди. 1894 йил июль ойининг охирида японлар томонидан Хитой ҳарбий кемасининг чўктириб юборилишига олиб келган жанжал бошланди. Ўша йилнинг 1 августида Япония Хитойга қарши уруш ўълон қилди.

Хитой ҳукмрон доираларида ҳаракат режаси борасида ягона фикр йўқ эди. Натижада, 1894 йил 16 сентябрда Пхенъян яқинидаги жангларда Хитой қўшинлари мағлубиятга учради ва Ялу дарёси томонга чекинди. Тез орада у ерга японлар келди, улар бир вактнинг ўзида Лядун яриморолига ҳам тушди ва Дальний ҳамда Порт-Артур портларини эгаллаб олди. Японлар, шунингдек, Хитой флоти устидан ҳам ғалаба қозонди, уларнинг қолган-қутганлари Вэйхайвэй кўрфазига чекинишга мажбур бўлди.

1895 йилнинг январида музокаралар олиб бориш ва тинчликка эришиш учун хитойлик вакиллар Японияга жўнатилди, бироқ музокаралар натижада бермади. Февралда япон қисмлари Вэйхайвэйни

қамал килди, кейин эса уни босиб олди. Фақат шундан кейингина японларнинг Симоносеки шаҳрида 17 апрелда шартнома имзоланди. Бу шартномада Хитойнинг Корея устидан сюзеренитетидан воз кечиши, японларга Тайвань оролини, Ляодун яриморолини ва Тэнху оролларини бериши, икки юз миллион лян товон тұлаши, савдо учун түртта янги портни очиши назарда тутилган. Бундан ташқари, Япония Хитойда үз саноат корхоналарини қуиши хукуқини ҳам олди. Япониянинг Узоқ Шарқда таъсири кучайишидан хавотирға тушган Россия билан Франция бу шартноманинг бир қатор моддаларига, энг аввало Ляодун яриморолининг эгаллаб олинишига қарши чиқди. Бу Японияни ундан воз кечишига ва Хитойга қайтишига мажбур қилди.

1896 йили Ли Хуанчжан бошчилигидаги Хитой делегацияси Россияга келди. Бу делегация император Николай II га тож кийдириш тантаналарида қатнашды. Ташириф давомида иккала давлат үргасида яширин шартнома имзоланди. Унда Япония томонидан Хитойга ёки Кореяга хужум қылганида Россия билан ҳарбий иттифок тузиш ҳақида келишилди. Бундан ташқари, Хитой Владивосток яқинида Манжурия худуди орқали темир йўл қурилишига розилик билдириди. Зарур бўлганда бу темир йўл орқали рус қўшинларини ташиш, шунингдек, уларга Хитой портларидан фойдаланиш хукуқи ҳам берилган эди.

Бу пайтга келиб Хитойда Германия ҳам фаоллик кўрсата бошлиди. Германия 1897 йил ноябрининг үрталарида Цзяоржоу (Киао-Чао) кўрфазини эгаллаб олди, кейин эса уни 99 йил муддатга ижара-га олиш ва Циндао портида ҳарбий –денгиз базаси қуришга эришди. Бундан ташқари, 1898 йил 6 марта шартномага биноан Германия Шаньдун вилоятида темир йўллар қуриш, немис тадбиркорлари эса үз корхоналарини очиш хукуқини қўлга киритдилар. Буюк Британия үз навбатида Хитой ҳукуматидан үзининг Янцзи дарёси водийсида имтиёзли хукуқлари тасдиқланишига эришди.

Хитой дengiz божхоналари ҳам Farb давлатлари назорати остида қолди, бу эса мамлакатни улар фаолиятидан олинадиган даромадлардан тўлиқ фойдаланиш хукуқидан маҳрум қилди. 1898 йилнинг май ойи охирларида Вэйхайвэй порти Буюк Британия назоратига ўтди, ўша йилнинг июнь ойи бошларида эса Хитойдан 99 йиллик ижара олинган Коулун яримороли ҳисобига Гонконг худудини кенгайтириш ҳақида келишув имзоланди. Франция ҳам Хитойда үз манфаатлари доирасини кенгайтиришда давом этди. 1898 йилнинг

апрелида у Тонкиндан Юньнаньфугача темир йўл қуриш, шунингдек, Гуанчжоувань қўлтиғини 99 йиллик ижарага олиш ҳукуқини қўлга киритди. Япония ҳам, ўз навбатида унинг ихтиёрисиз Фуцзянь вилоятининг бирор бир қисми ажратиб олинмаслиги ҳақида Цинларниң кафолатини олишга эришиди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охирларида Хитой худудини ўз таъсир доираларига бўлиб олган чет давлатларнинг ярим мустамлакасига айланди.

### Хитойда жойлаштирилган чет эл капитали қўйидагича тақсимланган эди<sup>1</sup>.

Капитал жойлаштирган давлат	1902 йил млн доллар	Ўрии	1914 йил млн доллар	Ўрии
Буюк Британия	260,3	1	607,5	1
Япония	1,0	7	219,6	4
Россия	246,5	2	269,3	2
АҚШ	19,7	5	49,3	6
Франция	91,1	4	171,4	5
Германия	164,3	3	263,6	3
Бельгия	4,4	6	22,9	7
Бошқа давлатлар	0,6	8	6,7	8

**Ислоҳотнинг «юз қуни».** Япония билан урушда енгилганидан кейин Хитой жамиятида «ўзини ўзи кучайтириш» йилларига нисбатан кескинроқ ислоҳотлар ўтказиш ғоялари пайдо бўла бошлади. Уларнинг мақсадлари аввалгидек Хитойни мустақил, қурдатли, ички ҳам ташқи сиёсатда чет элларга боғлиқ бўлмаган давлатга айлантириш бўлиб қолаверди.

1885 йили император номига ўзининг биринчи хатини юборган, унда мавжуд қонунчиликка ўзгартиришлар киритишга, буржуа ислоҳотларини амалга оширишга чақирган ислоҳотчи Кан Ювэйнинг гоялари ва амалий фаолияти машҳур бўлди. Аммо факат орадан 13 йил ўтганидан кейин у император Гуансюй қабулига кира олди. 1897 йилнинг декабридаги ўз баёнотида Кан Ювэй таъкидлайдики, юридик нуқтаи-назардан Хитой расман мустақил мамлакат

<sup>1</sup> Қаранг: Тре ўёткина И.Г. Всемирная история в таблицах и схемах. Санкт-Петербург, 2011. С.55.

бўлишига қарамасдан, агар ўз вақтида ислоҳотлар ўтказилмаса, уни иккинчи Вьетнам ёки Бирмага айлантириши мумкин бўлган душман давлатларга тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

1898 йилнинг апрелида Пекинда ислоҳотчиларнинг янги сиёсий ташкилоти – «Мамлакатни кўриқлаш иттифоки» («Баого эузӣ») пайдо бўлди ва ёзинг бошларидан 102 кун (2 июндан 21 сентябрга қадар) давомида ислоҳотчиларнинг ғояларини амалга татбиқ этиш бошланди. Кан Ювэйнинг энг яқин сафдошлари Тань Ситун, Лян Цичао ва бошқалар йирик амалдорларга айландилар. Унинг ўзи бирон-бир масъулиятли лавозимни эгалламади. Фақат ислоҳотчиларнинг умумий ғоявий раҳбарлигини амалга оширди. Бу даврда ёш император Гуансюй ислоҳотчиларнинг ғояларига аниқлик кири туви 60 га яқин фармонлар қабул қилди.

1898 йилнинг 11 июнида ислоҳотларнинг «юз куни» деб аталган даврни бошлаб берган биринчи фармон чоп қилинди. Унда Пекинда университет ташкил этиш ва вилоятларнинг пойтахтларида ўқув юртлари очиш ҳақида эълон қилинганди. Бундан ташқари, мамлакат бўйлаб бошланғич мактаблар тизимини яратиш бошланди. Уша куннинг ўзидаёқ армияда тозалаш ўтказиш ва ҳарбий имтиҳонлар олишнинг янги тартибини жорий қилиш ҳақида фармон чиқарилди. Ҳеч ўзгармайдигандек туйилган «багу» устлубидаги имтиҳон тизими замонавий муаммолар бўйича аниқ саволлардан иборат ёзма имтиҳон билан алмаштирилди. Хитойда даврий нашрлар сони оширилди, уларнинг одамларни маърифатлаштиришига умид боғланганди. Янги темир йўллар қуриш, саноат корхоналари ташкил қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда машиналарни қўллаш ва шу каби вазифалар вилоят раҳбарлари зиммасига юклатилганди. Бироқ пойтахтдаги ва жойлардаги консерватив кайфиятдаги амалдорларнинг қаршиликлари туфайли, айтиб ўтилган тадбирларнинг кўпчилигини ҳаётга жорий қилишнинг иложи йўқлиги тез орада маълум бўлди. Сарой ғаламисликларида ҳеч қанақа тажрибага эга бўлмаган ислоҳотчилар бу қаршиликларни қатъий йўл билан енгишга қарор қилдилар. Улар бэйян армиясининг генерал-инспектори Юань Шикайни ўзларига иттифокчи қилиб олдилар ва унга Жан Луни ҳамда баъзи бир консерватив амалдорларни жисман йўқотишни топширидилар. Бироқ Юань Шикай бу буйруқни бажармади, бу эса Цисига қўл келди. 1898 йил 21 сентябрда унинг буйруғи билан им-

ператор уй қамоғига олинди. Бир неча кундан кейин ислоҳотчилар партиясининг олтига раҳбари ва Тань Ситун қатл қилинди. Кан Ю-вэй ва Лян Ци-чаолар инглизлар ҳамда японларнинг ёрдамида мамлакатдан қочиб кетишга муваффак бўлдилар.

**Сунь Ятсен сиёсий фаолиятининг бошланиши.** Хитойдаги буржуа-ислоҳотчилиги билан бир қаторда ундан кўра анча кескинроқ инқилобий йўналиш ҳам XIX аср охирларида пайдо бўлди. Унинг ёрқин вакили Сунь Ятсен (1864–1925) эди. Жанубий Хитойнинг Гуандун вилоятида дехқон оиласида туғилган, Гавай оролларида миссионерлик мактабини ва Гонконгдаги тиббиёт институтини тугатган.

1894 йили Сунь Ятсен Гавай оролларида «Хитой тикланиш иттифоқи»ни (Синъчжинхуэй) тузди. Унга бир қатор радикал кайфиятдаги хитойликлар аъзо бўлдилар. Бир йилдан кейин ташкилотда 200 га яқин киши бўлиб, у маҳфийлик асосида қурилган ва яширин иш юритарди. 1895 йилнинг бошларида Хитойга қайтиб келган Сунь Ятсен Гонконгда, савдо фирмаси қўриниши остида, «Хитой тикланиш иттифоқи»нинг бўлимини тузди. У манжурларга қарши Хитойнинг жанубидаги бошқа яширин ташкилотлар билан алоқа ўрнатди. У бошчилигида 1895 йил 26 октябрга белгиланган кўзголон фош қилингандан сўнг Хитойдан кетишга мажбур бўлди.

1896 йилнинг сентябрида Сунь Ятсен Лондонга келди. У Европа бўйлаб кўп саёҳат қилди. Илк маротаба К. Маркснинг ва америкалик иқтисодчи Г. Жоржнинг асарлари билан танишди. У Ғарб демократияси ҳам амалда орзу киладиган тузум эмас ва жиддий ўзгаришларга муҳтоҷ, деган холосага келди. Бу фикр, Хитойда бир вақтнинг ўзида миллий, сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш ҳақидаги асосий ғоясининг бошланишига олиб келди.

Европадан Японияга қайтиб келгач у ёрдам беришни ваъда қилган бир қатор япон сиёсий арбоблари билан алоқа ўрнатди. Сунь Ятсен «Хитой тикланиш иттифоқи»ни қайта ташкил қилди: 1899 йилнинг бошида Гонконгда унинг нашр органи «Чжунго жибао»ни («Хитой газетаси») чиқарди ва Цинларга қарши янги қўзголонлар тайёрлашга киришди.

**XX аср бошларида Хитой. Синъхай инқилоби.** Аҳоли сони жиҳатидан дунёнинг энг катта мамлакати ўнлаб йиллар давомида чет давлатларнинг ярим мустамлакаси бўлиб қолаётган эди. XX аср бошларида мамлакатнинг 400 млн аҳолисидан 90%и савод-

сиз эди. Узоқ йиллар давомида мамлакатни императорнинг беваси Циси (1861–1908) бошқаради. Урушлар ва қўзғолонлар туфайли ҳокимиятнинг обрўси жуда пасайиб кетганди.

Шундай ҳолатда Сунь Ятсен бошчилигига Синъхай инқилоби бошланади. Унинг бундай аталишига сабаб шуки, 1911 йил Учан провинциясида инқилоб бошланган ой хитойликларнинг қамарий тақвими бўйича «синъхай» ойи эди. 1911–1912 йиллардаги инқилоб натижасида манжурлар сулоласи ағдарилди, Хитой республика деб эълон қилинди, аммо мамлакат сиёсий тарқоқ ҳолга тушиб қолди. Айрим ҳудуд ва провинциялар маҳаллий саркардалар («милитаристлар») кўлида қолиб, улар бир-бирлари билан уруш олиб борардилар. Бундай шароитда президентлик лавозимини бир ярим ойдан бери эгаллаб турган Сунь Ятсен уни қуролли кучлар қўмондони Юань Шикайга топшириди. Юань Шикай Хитой республикасининг янги муваққат президенти бўлди. 1912 йили Сунь Ятсен Гоминъдан («Миллий партия») партиясига асос солди ва уни бошқарди. 1913 йили у ҳалқни «иккинчи инқилобга» чакирди, аммо аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмади. Натижада Гоминъдан тақиқланиб, Сунь Ятсен ва унинг тарафдорлари чет элга чиқиб кетишиди. 1916 йили генерал Юань Шикай вафот этгандан сўнг Хитой провинцияларида ҳокимиятни эгаллаб турган феодал-милитаристик гурухларнинг кураш майдонига айланди.

Синъхай инқилоби аграр ва бошқа бир қатор долзарб муаммоларни ҳал қилмади. Аммо инқилоб натижасида Цинлар сулоласи ва монархия йўқ қилинди. Республика тузумига ўтган Хитойда буржуача тараққиёт жадаллашиди.

*XIX асрнинг иккинчи ярмида Хитойда ижтимоий онг ва маданият.* Биринчи ва иккинчи «афюн» урушларида Хитойнинг мағлубиятидан кейин мамлакатнинг истиқболи борасида жамиятда бир нечта нуқтаи-назарлар пайдо бўлди. Кўпгина донишмандлар учун бош муаммо қўйидагича эди: Хитой учун қайси маъқулроқ – ҳарбий мағлубиятга учраб, чет давлатларнинг ярим мустамлакасига айланишми ёки «ёввойилар»нинг (ғарбликларнинг) ғояларини қабул қилиб, буюк цивилизациянинг ўзига хослигини йўқотищми?

Бу саволга турли хил жавоб берган қўйидаги асосий гурухларни ажратиб қўрсатиш мумкин: «консерваторлар» («қаттиқбошлар»), «новаторлар» («ғарбчилар») ва «ахлоқий софлик гурухи» (асосан, Хайминъ академияси аъзоларини бирлаштирган). Биринчи гурух

Хитойни бошқа давлатлардан ажратиб қўйишни, чет эл фукароларини мамлакатга киритилмасликни, жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни ўзгартирилмасликни талаб қиласади. Уларнинг фикрларига кўра, Хитой аввалги улуғворлигига эришмоклиги учун қадим ҳукмдорларнинг ўғитларига қайтиш, уларни ўша даврлардаги файласуфларнинг асарларидан ўрганиш ва кейин амалда қўллаш зарур эди. Улар ташаббуси билан жамиятда христианларга ва чет элликларга қарши кайфият авж олдирилди. Кўп сонли памфлетлар чоп қилиниб, уларнинг мазмунини номланиши аник кўрсатиб турарди – «Иблислар динига ўлим», «Иблисларнинг йўқ қилиниши ҳақида қўшиқ» ва шу кабилар.

Иккинчи гурух, Хитой анъаналарини умуман сақлаб қолган ҳолда, хорижликлардан уларнинг мафкурасини эмас, техник ютукларини, энг аввало, ҳарбий соҳадаги ютукларини ўзлаштириб олиш зарур, деб ҳисобларди.

Юқорида айтиб ўтилган гуруҳларнинг охиргиси, давлат ҳокимияти органларини аввалги даврлардаги «саҳоватлилик» тартибларини бузаётган одамлардан тозалаш, ҳукумат фаолиятида қадимги «олтин аср»ни қайта тиклаш лозим, деб ҳисобларди. Улар ҳам биринчи гурух вакиллари каби, Фарбнинг ютукларини ўзлаштириб олиш тарафдорларини танқид қиласадилар.

Яна битта, ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилмаган, вакиллари Фэн Гуйфэн (1809–1874), Ван Тао (1828–1897), Сюэ Фучэн (1838–1894) ва бошқалар бўлган оқимни айтиб ўтиш мумкин. Улар ўзларини Вэй Юан ва Линь Цзэсюйнинг гоявий издошлари, деб ҳисоблардилар.

1861 йили Фэн Гуйфеннинг «Цзяо Бинъунинг норозилиги» номли китоби пайдо бўлди, унда тезда бажариладиган вазифалар сифатида Хитой миллий саноатини яратиш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, Фарб намунасидаги мактабларни ташкил қилиш ва шу кабилар олга сурилганди. Улар бунинг барчасини Хитойда конфуцийлик таълимоти обрўсининг мустаҳкамланиши билан боғларди.

Ислоҳотларнинг вакилларидан «буюк бирлашиш» (Да тун) гоясининг муаллифи Кан Ювэйни, Тан Ситунни ва Лян Ци-чаони ажратиб кўрсатиш мумкин. «Буюк бирлашиш» назарияси Кан Ювэйнинг 1887 йилда нашр қилинган «Буюк бирлашиш ҳақида китоб» асарида батафсил баён этилган. Унда Кан Ювэй инсоният азоб-уқубатлардан идеал давлат тузумини ташкил қилиш йўли би-

лан қутулиши мумкинлиги ва унга эришиш учун баъзи бир тўсиқлардан қутулиш ҳақидаги фикрини баён қилган.

У барча тўсиқларни олиб ташлаш ва 200–300 йил давомида Ер юзидаadolat ўрнатиш имконияти бор, деган фикрда эди. Биринчи босқичда қуролли кучларни тарқатиб юбориш бўйича умумжаҳон конференциясини чақириш, Миллатлар Иттифоқини тузиш, умумжаҳон парламенти ва ҳукуматини ташкил қилиш таклиф этилади.

Кан Ювэйнинг ўзи яратган назариясини конфуцийлик таълимотининг ривожлантирилиши деб ҳисобларди, аммо у билдирган фикрларнинг кўпчилиги конфуцийликка зид эди. Баъзи элементлар тайпинлар таълимотидан, шунингдек, чет элликлар томонидан хитой тилида нашр этилаётган журналлар орқали танишиш мумкин бўлган гарбий европалик утопистларнинг назарияларидан олинганди.

XIX аср охирида Хитой ислоҳотчилик тафаккурининг яна бир ёрқин вакили Тань Ситун (1863–1898) эди. Хубэй вилояти губернаторининг ўғли бўлган Тань 1885 йили Фарб фанларини ўрганиш бўйича тўгаракка асос солган, Хитой шаҳарларида турли амалдорлик лавозимларини эгаллаб юрган. У манжур ҳукмдорлари буйруғи билан қатл этилганидан кейин «Инсонпарварлик ҳақидаги таълимот» номли фалсафий асари чоп этилди. Унда Тань Ситун Хитойнинг барча кўргуликларида ажнабий Цинлар сулоласини айблайди. У Хитойнинг Корея, Афғонистон, Эрон ва Усмонийлар империяси билан иттифоқ тузиши гоясини илгари сурди. Бу мамлакатлар ҳам чет давлатларнинг салбий таъсирини ўзларида ҳис қилас, монархиялик тузумининг йўқ қилинишига ва демократия ўрнатилишига эҳтиёж сезарди. Тань Ситун Хитойда республика тузуми ўрнагилиши гоясига жуда яқинлашиб келди, «барча монархларни йўқ қилган» Буюк француз инқилобининг тажрибасини ижобий намуна деб ҳисоблаганди. У Фарб мамлакатларидаги тартибни идеаллаштирав, лекин шунга қарамасдан, уларни Хитойда тўлиқ қўллаш мумкин, деб ҳисобламас эди. 1898 йили у ўз дунёқараашларига қарамасдан, муроса қилишга кўнди ва ислоҳотлар учун ҳаракатнинг раҳбарларидан бири бўлди.

Сунъ Ятсен XIX асрнинг охирларида ҳали буюк донишманд сифатида тўлалигича ўзини намоён қилгани йўқ эди, лекин шунга қарамасдан унинг ўша даврдаги баъзи асарлари эътиборга лойик.

Сунь Ятсен ўз фаолиятини ислоҳотчилар тарафдори сифатида бошлади. 1893 йилнинг охирида ўша пайтлари ислоҳотчиларнинг энг истиқболли вакили деб ҳисоблаган Ли Хунҷанга мамлакатни қайта куриш режаси баён қилинган мактуб тайёрлади. Аммо ўз мактубини шахсан тақдим этишга уринган Сунь Ятсенни Ли Хунҷан қабул килмади. Шундан кейин, айниқса Япония билан урушда Хитойнинг мағлубиятидан сўнг у ўз қарашларида анча қатъийлашди, Цинлар суоласи ағдарилиши зарурлиги ҳақидаги фикрни маъқуллади. Унинг ўша даврдаги ислоҳотчилардан асосий фарқи ҳам шунда эди, чунки Кан Ювэй Цинлар билан ҳам муроса қилса бўлади, деган фикрда эди.

XIX аср охирларида маданий соҳада бир-бирига зид йўналишлар пайдо бўлади. Бир томондан, адабиётда, айниқса шеъриятда мумтоз намуналарга тақлид қилиш кузатилса, бошқа томондан, жамиятнинг фақат ўқимишли қисмигагина тушунарли бўлган вэньянь эски адабий тилини аста-секин сиқиб чиқараётган, аҳолининг кенг қатламларига тушунарли бўлган байхуа адабий тилининг тобора кенг тарқалиши юз берди. Иероглифли ёзув ўрнига фонетик ёзув яратиш лойихалари ҳам пайдо бўла бошлади.

Поэзияда ислоҳотлар тарафдори Хуан Цзунсяннинг (1848–1905) ижоди сезиларли воқеа бўлди. Унинг шеърлари чет эл ҳукмронлигига қарши курашга чорларди. Хитой жамиятидаги аъёнлар қатламининг ахлоқини сатирик қўринишда баён қилган Ли Баоцзяннинг «Бизнинг амалдорлар» романи жамоатчиликнинг ижобий фикрига сазовор бўлди.

Тасвирий санъатда миллий анъаналарни мукаммаллаштириш давом этди. Жэнь Боняннинг (1840–1896) «гохуа» усулидаги асарлари жуда машхур бўлиб кетди. Буюк рассом Ци Байши (1861–1957) ижодининг дастлабки боскичи XIX аср охирларига тўғри келди.

Меъморий анъаналар императорнинг ёзги «Ихэюань» («Тинч истироҳат боғи») саройи биносида ва боф меъморчилигининг буюк асарларида ўз ифодасини топган.

XIX асрнинг 2-ярмида хитой тилида ўнлаб газеталар ва журналлар пайдо бўлди. Масалан, Линь Цзэсюй «Гуанчжоу қайдномалари» журналини нашр қилган бўлса, Ван Тао Гонконгда хитой газетасини чиқарди.

XIX асрнинг бошларида ҳали буюк давлат саналган Хитой аср ўрталарида келиб Farb давлатлари, сўнгра эса АҚШ, Россия ва Япониянинг ҳам мустамлакачилик манфаатлари кесишган энг долзарб худудга айланди. Хитойнинг иқтисодий ва ҳарбий қолоқлиги унинг ўз-ўзича сақланиб қолаётган буюк давлат мақомига қарамасдан, уни Farb давлатларининг ярим мустамлакасига айлантириди.

### **XVI боб бўйича саволлар**

1. Цинлар империясида инқирознинг бошланишига қандай омиллар сабаб бўлди?
2. Биринчи «афюн» урушида Хитойнинг мағлубияти унинг тараққиётида қандай босқични белгилаб берди?
3. Хитойнинг Farb давлатлари ярим мустамлакасига айлантирилиши асосан қандай восита ва усувлар билан амалга оширилди?
4. Тайпинлар ҳаракати қандай босқичлардан иборат? Ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари, хитой жамияти тараққиётида тутган ўрни ҳакида нималар биласиз?
5. XIX асрнинг 2-ярмида Хитойдаги ҳалқ кўзголонларининг асосий сабаби нимада эди?
6. «Ўз-ўзини кучайтириш сиёсати» деганда нимани тушунасиз?
7. XIX асрнинг сўнгги чорагида Хитой ташқи сиёсатида қандай ўзгаришлар юз берди?
8. Ислоҳотларнинг «юз куни» қандай натижалар билан якунланди?
9. XX аср бошларидаги Синъхай инқилоби Хитойнинг капиталистик тараққиёти учун қандай аҳамият касб этди?

### **XVII БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ҲИНДИСТОН**

**XIX асрнинг биринчи ярмида Англиянинг Ҳиндистондаги босқинчилик сиёсати.** Инглизлар ўзларининг Шимолий Америкадаги мустамлакаларидан айрилгандан сўнг Ҳиндистон улар мустамлакачилик сиёсатининг асосий обьектига айланиб қолди. Бу сиёсатни олиб бориш аввалгидай Ост-Индия компаниясига юклатилган бўлиб, унинг ҳарбий ва фуқаро хизматчилари XIX асрнинг 30-йилларидаги ислоҳотгача тўлиқ европаликлардан ташкил топган эди. Бу даврда инглизларга тобе худудлар икки турга бўлинар

эди – қарам князликлар ва бевосита компаниянинг ўзига қарашли ерлар. Компанияга қарашли ерлар учта президентликка – Бенгалия, Мадрас ва Бомбейга бўлинниб, уларнинг ҳар бири ўз ҳукуматига, армиясига ва амалдорларига эга эди. Мустамлака маъмурий аппаратидаги ҳамма лавозимларга тайинлаш Лондонда, Ост-Индия компаниясининг Директорлар Кенгаши назоратида амалга оширилади.

Британия Ҳиндистонининг пойтахти Калькутта шаҳри бўлиб, генерал-губернаторнинг қароргоҳи ҳам шу ерда жойлашганди. Ҳиндистон ҳудудини бошқариш узоқ вақт аниқ тизимга эга бўлмасдан, Бомбей ва Мадрас губернаторлари қарор қабул қилишда қисман мустақилликка эга эдилар. Фақат 1833 йили улар генерал-губернаторга тўлиқ бўйсундирилди. Инглиз маъмурлари томонидан маҳаллий ҳинд ҳукмдорларига нисбатан қўлланилган пора бериш, тилёғламалик ва мактоб усуслари, субсидиар шартномалар<sup>1</sup> тузиш ва тұғридан-тұғри ҳарбий йўл билан босиб олиш сиёсати уларни тезда Ҳиндистоннинг ҳақиқий хўжайинларига айлантириди.

XIX асрнинг биринчи ярми Ҳиндистонда инглиз мустамлака давлати шаклланиши учун муҳим босқич бўлди. Бу даврга келиб Франция ушбу регионда муҳим роль ўйнамай қўйганди ва Англия тарқоқ ҳинд давлатлари билан яккама-якка қолганди. Ҳиндистонни тўлиқ эгаллаш учун фақат конфедерацияга бирлашган жанговар маратхларнинг давлати билан Панжоб тўсиқ бўлиб қолаётган эди.

*1800–1845 йиллари Компаниянинг ташқи сиёсати. Инглиз-маратхлар урушилари.* Иккинчи инглиз-маратх урушига (1803–1805) 1802 йили еттинчи пешво Баджи Рао II (1795–1817) билан Ост-Индия компанияси ўртасида тузилган Бассейн субсидиар сулҳи мукаддима бўлди. Сулҳни пешво Маратхлар Конфедерациясининг шимолий қисмидаги Индор рожалиги (Холкарлар сулоласи) чексиз кучайиб кетаётгандигидан кўркиб имзолаган эди. Шартномага биноан маратхлар ўзларининг Сурат шаҳрига бўлган даъволаридан воз кечдилар, пешво инглиз қўшинларини ўз ҳудудига киритди ва уларнинг таъминоти учун 2,6 млн рупия пул ажратди. Маратх рожала-

<sup>1</sup> Субсидиар шартномалар рожалик ҳудудига инглиз қўшинларининг чекланган контингенти (сипохийлар отряди) киритилишини кўзда тутар ва бу қўшинларни маҳаллий рожа боқиши лозим бўларди. Рожа мустақил ташқи сиёсат олиб боришибдан компания фойдасига воз кечганлиги учун инглизлар унинг ҳудудини ҳимоя килиш мажбуриятини ҳам оларди. Шу йўл билан карзга ботган рожа ерлари кеинчалик компания ҳисобига ўтиб кетарди.

ри ўзаро можароларини инглизлар воситачилигида ҳал килишлари лозим эди. Бу келишувдан норози бўлган Гвалиор, Нагпур ва Индор хукмдорлари ўзаро келишмовчиликларни унтиб, зудлик билан ушбу шартномага қарши бирлашдилар. Навбатдаги инглиз-маратх уруши бошланди.

Маратхларга қарши жангга инглизлар Артур Уэллесли кўмондонлигидаги жанубий армияни ташладилар. У Ҳиндистондаги инглиз ерлари генерал-губернатори Ричард Уэллеслининг укаси бўлиб, кейинчалик герцог Веллингтон номи билан машхур бўлган. Уэллесли ўзининг 24 минг кишилик қўшини билан Аҳмаднагарни олишга, Асас яқинида сон жиҳатидан зиёд бўлган душманни енгишга муваффақ бўлди. 1803 йили Аргаон ёнидаги жангда Нагпур армияси батамом тор-мор қилинди.

Инглизларнинг 10 минг кишилик шимолий армиясига генерал Ж.Лейк кўмондонлик қиласи. Унинг қўшинлари Дехли ёнидаги жангда ғолиб чиқиб, Бобурийлар пойтахтини эгаллади ва қачонлардир агдарилган суола вакили Шоҳ Алам II ни тахтга ўтқаздилар. Аммо янги подшо реал ҳокимиётга эга эмасди. 1804 йили Индорга расман уруш эълон қилинди. Уруш натижасида Гвалиор ва Нагпур князликлари Компания билан субсидиар шартнома тушиб, унга биноан бир қисм ҳудудларидан (Дехли шаҳридан ҳам) воз кечишга мажбур бўлдилар.

1814–1816 йиллари олиб борилган инглиз-непал уруши ҳам инглизлар ғалабаси билан яқунланди. 1816 йилги Сегаул шартномасига биноан Непал Ост-Индия компаниясига Сикким, Кумаон, Гархвал ва бир қатор бошқа ҳудудларини беришга мажбур бўлди. Шартноманинг муҳим сиёсий банди Катмандуга инглиз резидентининг жойлашиши ва Непал ташки сиёсатининг инглизлар назоратига ўтиши бўлди.

1817–1818 йиллардаги учинчи инглиз-маратх уруши маратх рожаликларининг тўлиқ тор-мор қилиниши билан яқунланди. Уруш натижасида Маратхлар Конфедерацияси амалда ўз фаолиятини тутгатди. Фарбий Ҳиндистоннинг катта қисми: Махараштра, Гужарат, қисман Ражастхан ва Ҳиндустон вилоятлари Ост-Индия компанияси ихтиёрига ўтди.

1818–1820 йиллари инглизлар ўз ҳудуларини шимоли-ғарб томон кенгайтириб, Ражпут рожаларининг бир қатор ерларини эгаллаб олдилар. 1826 йили инглизлар Бирмага экспедиция уюштириб,

Ассам, Манипур ва мамлакатнинг шимолидаги бошқа ҳудудларни қўшиб олди.

Уильям Бентинк генерал-губернатор бўлган йиллари (1828–1835) инглизлар курол ишлатмасдан 1831 йили Майсур давлатини аннексия қилдилар. 1835 йили Майсурга қўшни ҳудудда рожа Курга британиялик мустамлакачиларга қарши қўзғолон кўтаради. Қўзғолонни бостирган инглизлар бу давлат ерларини ҳам Компания ихтиёрига қўшиб олдилар.

Лорд Окленд ҳукмронлик қилган йиллари (1836–1842) инглизлар қўшни Афғонистон ва Эроннинг ички ишларига фаол аралаша бошлайдилар ва уларнинг манфаатлари Россиянинг бу ердаги геосиёсий даъволари билан тўқнаш келади. Ҳиндистондаги инглизлар ҳукумати Дўст Мухаммад ҳукуматини ағдариш ниятида Афғонистонга юриш уюштирдилар. Экспедиция муваффақиятли якунланди ва инглизлар афғон тахтига Шоҳ Шуджани ўтқазиб, иккийил минтақада назорат ўрнатишга эришдилар. Генерал Кин Кобулда инглиз резидентини қолдириб, ўзи Ҳиндистонга қайтиб келди. Бирок 1841 йил қишида афғонлар қўзғолон кўтариб, инглиз гарнизонини деярли тўлиқ қириб ташладилар. Кобулдан қочишга фақат 95 киши муваффақ бўлди.

Бу воқеалардан кейин Окленд генерал-губернатор лавозимидан озод қилинди. Унинг ўрнига жанговар лорд Элленборо (1842–1844) тайинланди. Кобул яна забт этилди ва таланди, аммо инглизлар Синдни аннексия қилиш билан чекланиб, қайтиб кетдилар. Инглизлар эгаллаган ерлар биринчи марта Эрон чегараларига бевосита тулашди.

**Инглиз-сикх урушилари.** Сикхлар давлати Ҳиндистон ҳудудидаги охирги мустақил давлат бўлиб қолаётган эди. Биринчи инглиз-сикх уруши (1845–1846) Сатлеж дарёси бўйидаги чегара можаросидан бошланди. Уруш давомида сикхлар армияси мардонавор курашганига қарамасдан 1846 йил 20 февралда инглизлар сикхлар давлати пойтахтини эгалладилар. Аммо урушни давом эттиришга тайёр турган кўпминг кишилик армияни ҳисобга олиб, улар Панжобни аннексия қилишни кейинга қолдирди. Сикхлар бир қатор муҳим виляятларидан айрилди ва анча кучсизланиб қолди.

Иккинчи инглиз-сикх уруши (1848–1849) инглизлар Панжобнинг Мўлтон провинцияси ноибини агдаришга ва у ерга ўз қўшинларини киритишга уринганидан кейин бошланди. Сикхлар

Афғонистон ҳукмдори Дуст Муҳаммад билан келишиб, унга Пешаворни қайтариш эвазига инглизларга қарши урушда унинг ёрдамига эришдилар. Натижада Чилианвал жангидага инглизлар қакшагүйч мағлубиятга учрадилар ва икки ярим минг қўшинидан айрилди. Аммо Гужорат ёнидаги кейинги жангда инглизлар сикхлар устидан батамом галабага эришдилар. Сикхлар армияси таслим бўлиб, бутун қуролларини, жумладан, кучли артиллериясини ғолибларга топширди. Инглизлар кейин афғонлардан Пешаворни тортиб олди. Панжоб аннексия қилинди. Бир неча қўшни майда феодал давлатлар, жумладан, Жамма ва Кашмир Компаниянинг вассалларига айланди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Британия Ҳиндистони худудида формал битта мустақил князлик – Ауд қолган эди. 1856 йили унинг бўйсундирилиши билан инглизларнинг Ҳиндистонни забт этиш жараёни якунланди. Ҳиндистон Англиянинг Осиёдаги сиёсати таянчига айланди.

### **XIX асрнинг биринчи ярмида инглизларнинг Ҳиндистондаги ички сиёсати. Мустамлакачиликнинг иқтисодий омиллари**

*Янги хартияларнинг қабул қилиниши. Ост-Индия компанияси мақомининг ўзгариши.* Ҳиндистонни бўйсундиришда иқтисодий фактор ҳарбийдан кам аҳамият касб этмади. Ҳиндистоннинг бой ресурсларидан фойдаланиш инглиз иқтисодиёти учун капитал жамғариш манбаи бўлди. Ҳиндистонни эксплуатация қилишдан тушган маблағ Англия саноат инқилоби даврида ҳам муҳим роль ўйнади. Инглизлар мустамлакачиликнинг дастлабки даврида қўллаган фойда йиғиш механизми XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам аҳамиятини йўқотмади. Фақат фойда олишнинг янги имкониятлари пайдо бўлди.

1813 йили Ост-Индия компанияси Хартиясининг амал қилиш муддати тугади. Бу пайтга келиб анча кучайган инглиз буржуазияси Компаниянинг монопол ҳуқуқига даъво қилиб, Ҳиндистон билан савдонинг эркинлаштирилишини талаб қила бошлади. Парламентдаги фаол музокаралар ва жамоатчиликнинг қўллаб-куватлаши натижасида Ҳиндистон эркин савдо зонаси деб эълон қилинди. Компания Хитой билан савдода монопол ҳуқуқни ва Ҳиндистонда

савдо идораларига эга булиш ҳуқуқини сақлаб қолди. Унинг Хартияси 1833 йилгача чўзилди. Ҳиндистон эркин савдо зонаси деб эълон қилинганига қарамасдан, Компанияга алоқаси йўқ шахсларнинг савдо қилишига йўл қўйилмади. Фақат англикан черкови руҳонийлари ва христиан миссионерлари учун истисно қилинганди.

Компаниянинг Директорлар Кенгаши инглиз-хинд маъмуриятидаги лавозимларни сотишдан ҳам катта фойда (бир йилда 14 минг фст гача) оларди ва бу билан Англияning Ҳиндистондаги манфаатларига анчагина зарап ҳам етказарди. Коррупция авж олиб, маҳаллий аҳолига нисбатан зўравонлик давом этарди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ҳиндистонни Англияning хомашё базасига айлантириш жараёни давом этди. 1833 йилги Хартия бу йўналишда навбатдаги қадам бўлди. У тадбиркорлар армиясини тўлдирган ва ҳинклар ерида бойиб кетишни орзу қилган Англия аҳолисининг кенг қатламларига Ҳиндистон эшикларини батамом очди. Бу ердаги ҳокимият энди Лондоннинг қаттиқ назоратида бўлган генерал-губернатор кўлида тўпланган эди.

Хартияни қабул қилиш вактида ушбу лавозимни Ҳиндистонда ишлаш тажрибасига эга бўлган, либерал кайфиятдаги Уильям Бентинк эгаллаб турарди. Унинг раҳбарлигига ўтказилган ислоҳотлар натижасида инглиз-хинд маъмуриятидаги қуий лавозимларга маҳаллий аҳоли вакиллари жалб қилинди.<sup>1</sup> 1835 йилги таълим ислоҳоти натижасида бу мақсадлар учун зарур кадрларни тайёрлаш бошланди. Инглизларнинг асосий қисми, жумладан, таълим ислоҳоти лойиҳасининг муаллифи тарихчи Маколей ҳам ҳинкларнинг қадимги маданияти ва урф-одатларига писандсизлик билан қарадилар. Либерал ислоҳотчиларнинг ҳинд ёшлирига европча таълим бериш истаги фақат рационализм натижаси бўлмасдан, Европа цивилизациясининг Шарқ цивилизациясидан устунлигини намойиш қилишга қаратилган такаббурлик ҳам эди. Бентинк ҳукмронлиги даврида инглизларнинг ҳинд бевалари ўзини ўзи ёқиш қадимий одатини (сати) бекор қилиши ва диний маросимда одам қурбонлик қиласидиган тҳаглар (бўғиб ўлдирувчилар) сектасини

<sup>1</sup> Янги хартиянинг қабул қилиниши бир қатор ўзгаришларга туртки бўлди. Шу заҳотиёқ Британия Ҳиндистоннинг ҳудудий-маъмурий бўлининишига баъзи ўзгаришлар киритди. Бенгал президентлиги таркибидағи шимоли-тарбий ҳудудлар алоҳида мақом олди. Инглизлар эгаллаган барча ерларда президентликлар округларга бўлинди.

йўқ қилиб ташлаши албатта ижобий характердаги ўзгаришлардан эди. Бу даврнинг муҳим иқтисодий тадбири Ҳиндистон ҳудудида ички божхоналарни бекор қилиш бўлди. Суд тизими ва мустамлака полициясини ташкил қилишга ҳам маълум ўзгаришлар кири-тилди. Бу тадбирларнинг барчаси Британия мустамлака бошқаруви барқарорлигини мустаҳкамлади ва инглиз-ҳинд мустамлака маъмуриятини таъминлашга ажратиладиган маблағни камайтириш имконини берди.

1833 йилги Хартия Компанияни Хитой билан савдодаги монопол ҳуқуқдан маҳрум қилди ва Ҳиндистон ҳудудида савдо операцияларини амалга оширишни тақиқлади. Лекин бу Ҳиндистондан келаётган бойликлар оқимини камайтирмади. 1834–1839 йилларда Ҳиндистондан Англиягә фақат расмий йўллар орқали 15 408 минг фунт стерлинг маблаг келиб тушган<sup>1</sup>.

*XIX асрда Ҳиндистонда солиқ тизими ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши.* Ҳиндистондан келадиган бойликнинг асосий қисмини солиқлар ташкил қиласади. Бу даврда Ҳиндистонда тўртга ер-солиқ тизими: Бенгалияда «доимий заминдорий», Шимолий Ҳиндистонда «вақтли заминдорий», Мадраснинг бир қисмида, Бомбей президентлигида ва Ассамда «райятвари», ҳамда Марказий провинциялар, Панжоб ва Аграда «муазавар» мавжуд эди

«Заминдорий» тизими 1793 йили генерал-губернатор Ч. Корнуоллис томонидан жорий қилинган эди. У заминдорларнинг меросий мулки бўлган ерга солиқ тизимини ўрнатади. Солиқ қиймати белгиланган бўлиб, кургоқчилик йилларида ҳам ўзгармасди. Солиқ тўлай олмаган заминдорларнинг ерлари аукционда сотиларди. Бундай ҳол тез-тез такрорлангани сабабли ерлар солиқчи амалдорлар ва судхўрлар қўлида тўпланиб борди. Инглизлар томонидан жорий қилинган солиқ тизими натижасида янги заминдорлар қатлами шакланиб, улар Британия мустамлака тузумининг ижтимоий таянчига айландилар.

«Вақтли заминдорий» тизимининг бундай деб аталишига сабаб, унда солиқ миқдори белгиланган ва доимий ўрнатилган бўлмасдан, маълум вақтдан кейин қайта кўриб чиқилиши лозим эди. Бу ти-

<sup>1</sup> Қаранг: Новая история стран Азии и Африки. XVI – XIX вв.: учебник для студ. высш. учеб. заведений /под ред. А.М.Родригеса : в 3 ч. – М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2004. Ч. 2. С. 84.

зимнинг Бенгалиядагидан фарки яна шундаки, унда ерга эгалик қилиш хукуки алоҳида заминдорга эмас, оиласа, жамоага, оиласа гурӯҳига берилади. Бу тизимда солиқ миқдори, одатда, 3–5 йилда бир марта қайта кўриб чиқилар эди.

«Райятвари» тизимида ернинг олий мулқдори давлат ҳисобланиб, унга эгалик қилиш хукуки чекланмаган муддатга ва мерос қолдириш хукуки билан дехқонлар ва майда феодалларга берилади. Улар баҳорикор ерлардан ҳосилнинг ярмига тенг, сугориладиган ерлардан эса, бешдан уч қисмiga тенг миқдорда солиқ тўлашарди.

Солиқ тизими ва мустамлакачилар томонидан жорий қилинган бошка тадбирлар қишлоқда товар ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келди. Солиқ йиғиш муддатининг узайтирилиши дехқонларга сифатли уругдан фойдаланиш, сугориш тизимини тартибга келтириш ва қўриқ ерларни очиш имконини берди. Натижада Ҳиндистондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга экспорт қилиш XIX аср 30-йилларидан 50-йилларигача икки марта ошди. Бироқ қишлоқда ишлаб чиқариш унумдорлиги XVII асрдагига нисбатан анча паст эди. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт учун ишлаб чиқариш ҳинд қишлоқ жамоасининг натурал ҳаёт тарзига путур етказди, бу эса аввало ижтимоий соҳада акс этди. Қарзи эвазига солиқ ташкилотларига ёки маҳаллий судхўрларга ерларини беришга мажбур бўлган дехқонларнинг мулкий табақалашув жараёни тезлашди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Англияning ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётида империалистик белгилар кўзга ташланба бошлади. Бу ҳол Ҳиндистонда мустамлака бошқарувининг янги шакл ва усувлари жорий қилинишига олиб келди. Биринчи навбатда бу XIX аср 50–70-йилларида инглизлар томонидан Ҳиндистонда амалга оширилган ер-солиқ тадбирларида акс этди. Бу даврда ер кадастри ва ер-солиқ тизимини яратиш жараёни якунланади. Бу айниқса якинда қўзғолон кўтарган ҳудудларда ерга эгалик муносабатларини барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнади. Ерга эгалик қилиш хукуки 1869 ва 1870 йиллари қабул қилинган конунларда юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида Ҳиндистондан хомашё, биринчи ўринда пахта олиб чиқиш кескин ошди. Айниқса АҚШдаги фуқаролар уруши йилларида (1861–1865) у ердан Европага келадиган пахта хомашёси камайганлиги сабабли Ҳиндистон

пахтасига талаб кескин ортди. 1860–1868 йиллари Англияга олиб келинадиган умумий пахта ҳажмида Ҳиндистон пахтасининг микдори уч марта ошди. Шу йиллари Ҳиндистон Англиянинг асосий пахта етказиб берувчисига айланди.

АҚШда фуқаролар уруши тугагандан сўнг пахта жазаваси ҳам тугади ва ҳинд пахтасининг нархи тушиб кетди. Лекин мамлакатда пахта ишлаб чиқаришнинг ошиши тўхтамади. 1870–1890 йиллари Марказий ва Ғарбий Ҳиндистонда пахтачиликка мослашган янги районлар ташкил қилинди.

XIX аср 60-йилларидан бошлаб инглиз буржуазияси Ҳиндистондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиши ошириди. Ҳиндистон экспортининг асосий маҳсулотларини пахта, жун, жут, палма толаси, шоли, буғдой, зираворлар ва қора дори ташкил қиласди. Экспортнинг асосий қисми Англияга (масалан, пахтанинг 80%и) жўнатилади. 1860–1890-йиллари Ҳиндистондан олиб чиқиладиган товарларнинг умумий қиймати уч марта ошди. Худди шу йиллари Англиядан келтириладиган товарлар ҳажми эса 5 марта кўпайди. У ердан Ҳиндистонга асосан матолар, металл идиш ва бошқа буюмлар ҳамда шу каби истеъмол моллари олиб келинар эди.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида инглиз мустамлакачи давлатининг Ҳиндистонда бевосита ёки билвосита соликлардан оладиган даромади 1859 йилги 361 млн рупиядан 1890 йили 851 млн рупиягacha ошди.

*XIX асрда Ҳиндистонда капиталистик муносабатларнинг шаклланиши.* Бу даврда Ҳиндистон савдосида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. XIX асрнинг биринчи ярмида маҳаллий савдогарлар катта савдодан сиқиб чиқарилди. Аммо Жанубий Ҳиндистонда XIX аср 40-йилларида ҳам чакана савдо маҳаллий ҳиндлар қўлида тўпланган эди. Шунингдек, тўкувчиларни қарам қилиш жараёни ҳам давом этди, уларга майда савдогарларга ёки бозор учун ишлаш тақиқланди. Ҳунармандчиликнинг умумий инқирози давом этди. Пахтанинг ватани бўлган Ҳиндистон бу хомашёдан тўкилган матоларни деярли экспорт қилмай қўйди. Кўлда тўқилган, юқори сифатли бошқа матоларни четта чиқариш ҳам камайди. Хомашё аста-секин Ҳиндистоннинг асосий экспортига айланиб борди. Бундан ташқари, инглиз савдогарлари, маҳаллий аҳолида талабнинг камлигига қарамасдан, Ҳиндистоннинг ички бозорларини Ланкашир фабрика маҳсулотлари билан тўлдиришга

ҳаракат қилдилар. Айтиш мумкинки, инглизлар Ҳиндистон бозорини очдилар, аммо уни эгаллаш учун хали кўп иш килиниши лозим эди.

Ҳиндистоннинг Европа бозорлариға сифатли газлама етказиб берувчидан уни импорт қилувчига айланиши фақат фабрика тизимининг техник устунлигига бўлмасдан, ҳинд газламаларини Англияга олиб кириш учун 75% бож солиғи ўрнатган ҳукуматининг божхона сиёсатида ҳам эди. 1836–1844 йиллари пахтага бож солиғи бекор қилинди ва уни энди Англияга катта миқдорда, фақат хомашё тарзида олиб кета бошладилар. Бундан ташқари, Ост-Индия компанияси маъмурияти ҳам ҳинд ҳунармандларини камситувчи қарорлар қабул қилди. XIX аср 30-йилларида хомашё истеъмол қилганлик учун 5%, ип учун – 7,5%, матони устахонадан ташқарида бўяғанлик учун яна 2,5% солик ўрнатилди. Буларнинг барчаси ҳинд товарларини 15–17% га қимматлаштириб, улар Англиянинг арzon товарлари билан рақобагда албатта ютқазарди. Шу тариқа инглизлар Ҳиндистон бозорини эгаллади. XIX аср 50-йиллариға келиб пахгадан тайёрланган матолар Ҳиндистонга инглиз экспортининг 2/3 қисмини, Буюк Британия умумий товар экспортининг эса 1/4 қисмини ташкил қиласди.

Ҳиндистонда капиталистик муносабатларнинг шаклланиши жуда секин ва нотекис амалга оширилди. Инглизларга тегишли ҳудудларда бу жараён анча тез ривожланди. Бунда тўқимачилик саноатининг ривожланганлиги катта роль ўйнади. Биринчи ип йигирив фабрикасини 1854 йили Бомбейда гужаратлик Давар исмли тадбиркор қурган. Ип йигириш ҳинд капитали устун бўлган ягона саноат соҳаси эди. Биринчи темир йўл ҳам 1853 йили Бомбейда қурилган бўлиб, 1856 йили 600 км га етказилган. Биринчи телеграф линияси ҳам 1855 йили қурилди. У президентликлар пойтахтлари ни Калькутта, Аgra ва Атток каби йирик шаҳарлар билан боғлади. Коммуникация тизимлари Ҳиндистон ҳудудида асосан XIX асрнинг иккинчи ярмида жадал ривожланди.

Умуман инглизларнинг Ҳиндистондаги иқтисодий сиёсати бу ердаги анъанавий ҳаёт тарзини бузигина қолмасдан, мустамлакачилиқдан олдин шаклланиб бошлаган бозор муносабатларини ҳам йўқ қилиб ташлади. Мустамлакачилар ҳинд иқтисодиётини Англиянинг индустрисиал жамияти эҳтиёжлари учун мослаштиришга ҳаракат қилдилар. Инглизларнинг бевосита иштирокида ҳинд қишлоқ жа-

моаси барҳам топгандан сўнг Ҳиндистонда капиталистик муносабатлар янги асосда ривожлана бошлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Ҳиндистонга инглиз капиталистириб кела бошлайди. Биринчи йирик сармоя киритилган соҳа темир йўл курилиши бўлди. 1860–1890 йиллари темир йўлларнинг умумий узунлиги 1300 км дан 25 600 км га етказилди. Темир йўл курилишига сармоя сарфлаган компаниялар жуда катта даромад олдилар.

Капитал киритишнинг кейинги соҳаси плантация хўжалиги бўлди. Англия ҳукумати Ҳиндистонда чой, қаҳва, каучук плантацияларини кўпайтириш ва турли имтиёзлар орқали қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратди. Ияглиз капиталистлари фабрика-заводлар қурилиши ва тоғ-кон саноатига ҳам йирик сармоялар киритдилар.

Шу тариқа XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда капитализм ривожланиши учун зарур бўлган иккита асосий шарт вужудга келди: ишлаб чиқариш воситаларидан «эркин» ишчилар пайдо бўлди ва дастлабки капитал жамғармаси ҳосил қилинди.

Албатта капиталистик тараққиёт ҳинд жамиятини қаттиқ эксплуатация қилиш билан қўшиб олиб борилди. Дехқонларнинг кўпчилиги ўз ерларидан ажралиб, ёлланма ишчиларга айландилар. Масалан, 1870-йилларнинг бошига қелиб барча сотилган ерларнинг 45% и савдогарлар ва судхўрлар қўлида тўпланди. Бу жараён Махараштрада айниқса жадал борди, масалан Сатара округида 1870-йилларнинг охирига қелиб барча хайдаладиган ерларнинг учдан бир қисми судхўрлар қўлига ўтиб кетди. Бошқа худудларда ҳам шундай жараёнлар давом этди. Дехқонларнинг кўплаб хонавайрон бўлиши сабабли айниқса кургоқчилик йиллари оммавий очарчиликлар бўларди. Агар 1825–1850 йиллари мамлакатда икки марта очарчилик бўлиб, унда 0,4 млн киши ҳалок бўлган бўлса, 1850–1875 йиллари 6 марта очарчилик бўлиб, 5 млн киши очдан ўлган, 1875–1900 йиллари эса 18 марта очарчилик бўлган ва 26 млн киши очдан ўлган<sup>1</sup>.

Капитализмнинг ривожланиши мамлакатда буржуа жамиятнинг шаклланишига ва ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келди.

<sup>1</sup> Қаранг: Новая история стран Азии и Африки. XVI – XIX вв.: учебник для студ. высш. учеб. заведений /под ред. А.М.Родригеса : в 3 ч. – М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2004. Ч. 2. С. 114.

## **Ҳиндистон халқларининг инглиз мустамлака зулмига қарши кураши**

**Ҳиндистонда олиб борилган маданий сиёсат оқибатлари.** **Миллий гоя шаклланиши.** XIX асрнинг биринчи ярмига келиб ҳинд жамиятига инглизлар таъсирининг дастлабки белгилари пайдо бўлди. Бу таъсирининг натижалари ўта зиддиятли эди. Бир томондан, фақат анъанавий ҳинд дехқончилиги ва ҳуиармандчилигига тузатиб бўлмас зарар етказилиб қолмасдан, миллий маданиятнинг ҳам умумий тушкунлиги кўзга ташланди. Инглизлар Ҳиндистонни эгаллаган дастлабки даврда уни на иқтисодий, на этник, на маданий ягона макон сифатида тасаввур қилмадилар. Ҳиндистон аслида ҳам шундай эди. Британияликлар ҳинд субконтинерти нинг шундай хилма-хиллигини сақлаб қолиши, каста тизими ҳамда бир қатор бошқа анъанавий қоида ва муассасаларни консервация қилишга интилдилар.

Мустамлака маъмуриятида ўзларининг тараққиёт ҳақидаги патерналистик ва европамарказчилик тасаввурларидан келиб чиқиб, мавжуд ҳолатнинг хавфли эканлигини тушуна бошлаган кишилар ҳам бор эди. Ўзларининг мағкуравий қуролларини инглизлар биринчи ўринда Бенгалияга қаратди. Христиан дини ва Европа маданияти қадриятларини тарғиб қилишга келган миссионерлар 1818 йили бу ерда бенгал тилида биринчи газета чиқара бошладилар.

Ҳиндистонда инглизлар томонидан олиб борилган таълим сиёсати ҳам аста-секин мақсадга йўналтира бошланди. 1830-йиллари европача таълим дастурлари асосида ўнлаб мактаблар, 1857 йили эса учта университет очилди. Натижада европача руҳда тарбияланган ҳинд зиёлиларининг қатлами шакллана бошлади. Ҳиндлар Европа фани ва адабиёти билан танишиш имкониятига эга бўлди. Ҳиндистоннинг турли ҳудудларидан чиқсан зиёлилар учун инглиз тили умумий мулоқот тилига айланди. Айни пайтда зиёлилар орасида буржуа миллатчилиги ва миллий-озодлик гоялари ҳам шаклланиб борди.

Бундай зиёлиларнинг ёрқин намояндаси диний ислоҳотчи ва жамоат арбоби **Рам Моҳан Рой** (1772–1833) эди. У брахманлар оиласидан чиқсан бўлиб, ёшлиқ йилларини Бобурий императорлар саройида ўtkazган. Рам Моҳан Рой Патнадаги мусулмон мактабида таълим олади, араб ва форс тилларини ўрганиади. Кейинчалик

инглиз, грек, лотин, қадимги яхудий ва санскрит тилларини ҳам ўзлаштириб олади. Санскрит тили унга қадимги ҳинд фалсафасини ўрганиш ва Ведаларни таржима қилиш имконини берди.

Рам Мохан Рой 10 йил Ост-Индия компаниясининг маъмуриятида ишлади ва истеъфога чикқандан сўнг жамоатчилик фаолияти билан шуғулланди. Ватанини қолоқлиқдан олиб чикиш, ҳинд жамиятини Европанинг илғор маданияти ва билимларига жалб қилишни у ўзининг ҳаётий мақсади деб билди. У ўрта асрлардаги ҳинд диний ислоҳотчилари – бхакталарнинг таълимотига асосланди ҳамда уларни табиий хуқуқ йўналишида ривожлантирди. Шундан келиб чикиб, Рам Мохан Рой жамиятда кишиларнинг табиий ва фукаролик тенглиги гоясини илгари сурди. Унинг атрофида ҳамфир сафдошлари йигилиб, улар 1828 йили Калькуттада «Брахма Самадж» («Брахма жамияти») ташкилотини тузди. У ўз кастасининг денгиз саёҳатини тақиқловчи анъанасини бузиб, 1831 йили Англияга келди ва инглиз жамоатчилигининг эътиборини ҳинд халқининг аянчли ахволига қаратишга уринди. Рам Мохан Рой 1833 йили ватанидан йироқда вафот этди ва Бристоль шаҳрида дафн қилинди.

Ҳиндистонда миллий публицистиканинг пайдо бўлиши ҳам Рам Мохан Рой номи билан боғлиқ. У бенгал адабий тилининг ислоҳотчиси ҳисобланади. 1823 йили унинг фаол иштирокида Бенгалияда иккита газета очилди – «Янгиликлар ойи» («Шомбад коумуди») бенгал тилида ва «Янгиликлар ойнаси» («Мират-ул-ахбор») форс тилида.

Рам Мохан Рой маърифат тарафдори эди. 1817 йили унинг кўмагида Калькутта шаҳрида биринчи дунёвий мактаб – Ҳинд коллежи очилди. У шунингдек, геометрия, география ва астрономиядан дарслилар ҳам ёзди, 1833 йили эса «Бенгал тили грамматикаси»ни нашр қилди. Европача таълимнинг ихлосманди бўлган Рам Мохан Рой уни Ҳиндистоннинг ҳамма ерида жорий қилиш ва аёллар учун ҳам очиш лозим деб ҳисобларди.

**XIX асрнинг биринчи ярмида ҳалқ ҳаракатлари.** Ҳиндистонда Британиянинг мустамлакачилик қудрати кучайланлигининг муҳим салбий оқибати маҳаллий аҳоли яшаш даражасининг пасайиши бўлди. Дехқонларнинг қашшоклашуви миллионлаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган очарчиликка олиб келди. 1806 йили Веллурда сипохийларнинг дастлабки исёни бошланиб, Аркатдан маҳсус қақирилган инглиз қўшинлари томонидан бостирилди. 1816 йили

Рохилканда 10 мингдан зиёд киши қатнашган йирик қўзғолон юз берди ва бу ҳам шафқатсиз бостирилди. 1817 йили Ориссда солик зулмига қарши деҳқонлар қўзғолони бўлиб, 7 йил давом этди. Қўзғолон Декан яриморолини ҳам қамраб олди.

XIX аср 20-йилларида Шимолий Ҳиндистонда хинд ваҳҳобийлари деб аталувчиларнинг қўзғолони авж олди. Улар ҳалқни кофирларга қарши жиҳодга чакирди. Қўзғолон анча кенг таркалганлигига қарамасдан, маглубиятга учради. Чунки у ваҳҳобизмнинг тор гоясига асосланган бўлиб, унда фақат ҳиндлар эмас, мусулмонларнинг ҳам кўпчилиги қатнашмади.

XIX аср 30–50-йилларида мустамлакачиликка қарши курашнинг янги тўлқини бошланди. 1838 йили эса Колпахурда қўзғолон бошланди, 1839–1846 йиллари Бомбей провинциясининг шимолида ҳам шундай қўзғолон авж олди. 1830–1840 йиллари Мадрасда ҳам бир қатор қўзғолонлар бўлиб ўтди. Ҳиндистон ҳалқ қўзғолони арафасида юз берган оммавий норозиликнинг энг йирик ифодаси 1855–1857 йиллари Бихардаги сантал қабиласининг чиқишлири бўлди. Бу қўзғолонлар ҳали миллий-озодлик мафкураси билан қуролланмаган бўлса-да, уларни мустамлакачиликка қарши ғоя бирлаштириб турарди.

**1857–1859 йиллардаги Ҳиндистон ҳалқ қўзғолони.** Ҳиндистондаги Британия мустамлака режимига қарши энг йирик ҳаракат 1857–1859 йиллардаги ҳалқ қўзғолони бўлди. Қўзғолонга асосий сабаб Ост-Индия компаниясининг шафқатсиз талончилик сиёсати бўлди. Бу сиёсатдан фақат оддий ҳалқ эмас, ўз ҳокимияти ва даромадининг бир қисмидан инглизлар фойдасига воз кечишга мажбур бўлган маҳаллий феодалларнинг юқори қатлами ҳам норози эди.

Ҳиндистонда Дальхаузи генерал-губернаторлик қилган йиллари (1848–1857) зиддиятлар кучайиб, шароит жуда ҳам мураккаблашиди. 1853 йили Ост-Индия компанияси Хартиясининг узайтирилиши натижасида директорларнинг патронаж ҳуқуқидан маҳрум қилинди ва вакант лавозимларни эгаллаш учун конкурс имтиҳонлари жорий қилинди. У мустамлака аппаратини яхшилади, аммо компаниянинг иқтисодий ва сиёсий узбошимчалигини чекламади. Бир қатор ижобий ўзгаришларга – қўшиб олинган худудлардан олинадиган солиқнинг камайтирилиши, телеграф линияларининг ўтказилиши, темир йўллар курилишининг бошланиши, 1854 йили Катта Ганг

каналининг куриб битказилишига қарамасдан ҳиндларнинг норозилигига кучайиб бораётган эди. Британия мустамлакачилик режимига қарши ташкиллаштирилган қаршиликнинг маркази сипохийлар отряди бўлди.

XIX аср 50-йилларида инглизларнинг Ҳиндистон армиясида 45 минг европалик ва 230 мингдан зиёд турли дин ва касталарга киравчи маҳаллий аҳоли хизмат қиласади. Сипохийлар оқ танли офицерларга нисбатан камситилган ҳолатда эди: улар анча кам маош оларди, офицерлик лавозимларига тайинланмасди. Инглизлар сипохийларга беписандлик билан қарап, кундалик муомалада уларни камситиб, «нигтер» дея мурожаат қиласади. Буларнинг ҳаммаси сипохийлар орасида норозиликни кучайтириб, уларни қўзғолонга ундаётган эди.

Қўзғолонга бевосита баҳона сипохийларга янги Энфилд милтиғига сигир ёғи билан мойланган ўқларнинг тарқатилиши бўлди. Бу сигирни муқаддас биладиган ҳиндларнинг диний ҳиссиятларини қўпол тарзда ҳақорат қилиш эди.

1857 йили мустамлака маъмурияти ўқлардан фойдаланишни рад этган иккита сипохийлар полкини тарқатиб юборишга қарор қилди. Шу йил 9 май куни Мирут суди инглизларга бўйсунишни истамаган 80 нафар сипохийни каторгага ҳукм қилди. 10 май куни куролли қўзғолон бошланди. Отлик сипохийлар қамоқдагиларни озод қилиб, Дехли томон юришни бошлади. Қўзғолончиларга қўшилган Дехлининг мусулмон аҳолиси 500 яқин европаликларни ўлдирди, бобурийлар авлодидан бўлган Баҳадур шохни подшоҳ деб эълон қилишди. Аммо подшоҳ ҳукумати инглизларга қарши курашни ташкил қила олмади, натижада Дехлида ҳокимият исёнчилар органи – 10 кишидан иборат маъмурий палатага ўтди. Аммо бу ташкилот ҳам олдига қўйилган вазифани уddyлай олмади. Шаҳарда эса ҳарбий раҳбарларнинг сотилганлиги тӯғрисида асосли миш-миш тарқалди. Исёнчи қўшинларнинг бир қисми 1857 йил сентябрда Дехлини ташлаб чиқди.

1857 июнда сипохийлар қўзғолони Канпур, Лакхнау, Ауд каби бошқа йирик шаҳарларни ҳам қамраб олди.

Инглизлар барча қўзғолонларни бостиришга ҳаракат қилди. 1857 йил 14 августда инглиз солдатлари ва улар билан келган панжоблик сикхлар отряди Дехлини эгалладилар. Қўзғолончиларнинг кўпчилиги қатл қилинди, шаҳар яна бир йил қамал ҳолатда бўлди.

Баҳадур шоҳ Бирмага сургун қилиниб, 1862 йили шу ерда вафот этди.

Канпур билан Лакхнаудаги қўзғолонни бостириш анча чўзилди. Қўзғолонни бостириш учун 1858 йил баҳорда Англиядан генерал Колин Кэмбелл бошчилигида 30 минг кишилик мунтазам кўшин келди. Улар непаллик гуркхилар ва сикх ёлланма қўшини ёрдамида Аудни эгаллаб, бу ердаги қўзғолон ўчоғини бостиридилар.

Мустамлака зулмига қарши Хиндистон халқларининг миллий-озодлик кураши кўплаб жасур қаҳрамонларни юзага чиқарди. Улардан Аҳмад шоҳ (Аҳмадулло) Рохилканнда инглизларга қарши курашди ва шу ерда ҳалок бўлди. Тантия Топе (1841–1859) йирик отрядга бошчилик қилиб, Марказий Хиндистонда ҳаракат қилди. Унинг ёнида Жханси рожасининг ёш беваси Лакшми Бай ҳам бор эди. У отлик қўшинга қўмондонлик қилиб, 1858 йил 18 июнда Гвалиор остоналарида жангда ҳалок бўлди. Тантия Топе эса бир қатор муваффақиятли жанглардан сўнг 1859 йил бошида Махараشتрада худди Аҳмадулло сингари у ҳам маҳаллий заминдорнинг хонлиги туфайли кўлга олинди ва 1859 йил 7 апрель куни инглизлар томонидан осиб ўлдирилди.

1859 йил баҳорда исёнчиларнинг қаршиликлари батамом бостирилди. Қўзғолоннинг яна бир раҳбари Нана Соҳиб Непал билан чегара худудда ҳалок бўлди. Ҳиндистоннинг марказий вилоятларидағи қўзғолон ўчоқлари Бомбей қўшинлари томонидан 1858–1859 йиллари бостирилди. Қўзғолоннинг мағлубият сабабларидан бири унинг қатнашчиларида аник режанинг йўқлиги бўлди. Бундан ташқари мусулмонлар ва ҳиндлар орасида мақсадлар бирлиги ҳам мавжуд эмасди. Мусулмонлар бобурийларнинг буюк давлатини тиклашни истаётган бўлсалар, ҳиндларнинг орзулари бутунлай бошқача эди. Кўплаб ҳинд давлатлари (энг аввало маратхлар ва сикхлар) инглизлар томонида бўлишни маъқул кўришди.

Инглизларни «тараққиёт» тушунчаси билан боғлаган ҳинд зиёлилари ҳам қўзғолонни кўлламади. Зиёлилар қўзғолончиларнинг ғалабаси Ҳиндистонда «феодализм зулм»нинг тикланишига олиб келади, деб ҳисоблашар эди.

Қўзғолоннинг бевосита натижаси 1858 йили Ост-Индия компаниясининг тугатилиши бўлди. 1858 йил 2 августдаги «Ҳиндистон бошқарувини яхшилаш тўғрисида акт»га биноан мамлакат бевосита Англия қироли томонидан бошқариладиган

бўлди. Тугатилган Назорат кенгаши ва Директорлар кенгашининг бошкарув функциялари Англия кабинетининг янги тайинланган аъзоси – Ҳиндистон ишлари бўйича статс-секретарга (вазир) топширилиб, унинг ҳузурида маслаҳат органи – Ҳиндистон кенгаши ташкил қилинди. Генерал-губернатор ўрнига вице-кирол лавозими жорий қилинди. 1858 йил 1 ноябрда қиролича Викториянинг манифести билан Англия фукароларини ўлдиришда қатнашмаган барча қўзғолон иштирокчиларига амнистия эълон қилинди. 1859 йил 8 июль куни энди том маънода «Британия Ҳиндистони» бўлиб қолган мамлакатнинг барча худудида тинчлик ўрнатилди.

**Ҳиндистон миллий янгиланиш мафкурасининг шаклланиши.** Миллий янгиланиш мафкурасининг дастлабки идеологлари сифатида Рамакришна Парамахаса ва унинг шогирди Свами Вивекананда Ҳиндистонда ва чет элларда машҳур бўлди. Парамахаса қарашларидаги энг асосий ахлоқий қоида тарки дунё қилиш эмас, ҳаётий эҳтиёжларни чеклаш орқали маънавий покланишга эришиш ва жамоа ҳаётида фаол иштирок этиш. У инглиз мустамлака ҳоқимиятини ва уларга хизмат қилаётган, миллий анъаналарни сотаётган ҳиндларни танқид қиласди.

Ғарб маданияти ва ғояларининг таъсиридан ҳалос бўлган Вивекананда ўз устозидан ҳам олдинлаб кетди. Унда европача маърифатлилик билан қадимги ҳинд диний анъаналарини чукур билиш ажойиб тарзда уйғуналашиб кетган эди. Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракати ғоясини тарғиб қилишда унинг ўрни бекиёс бўлди. Маҳатма Гандининг фикрига кўра, Вивекананда ҳозирги замон Ҳиндистон миллий ҳаракатининг асосчиларидан бири эди.

Ҳиндистонда ҳозирги замон типидаги буржуа-демократик ва сиёсий ҳаракатнинг ривожланиши кўп жиҳатдан бутун XIX аср давомида Британия мустамлака ҳукумати бу ерда олиб борган ижтимоий сиёсатнинг маҳсули эди. Бу сиёсат натижасида XIX аср ўрталарига келиб ҳинд зиёлилари ва амалдорларининг инглизлашган қатлами шаклланди.

**Ҳиндистон миллий конгресси ва Мусулмон лигаси.** XIX аср 80-йилларига Ҳиндистондаги ва унинг атрофидаги ижтимоий-сиёсий ҳолат инглиз ҳукмрон доиралари олдига ҳинд ватанпарварларининг сиёсий ташкилотини тузиш вазифасини қўяди. Ўзи либерал шахс бўлган Ҳиндистон вице-кироли лорд Рипон (1880–1884) бир гуруҳ ҳинд жамоат арбобларининг шу йўналишдаги ташабbusлари-

ни құллаб-қувватлади. У 1882 йил 25 декабря меморандум эълон қилиб, унда конституция доирасида юқоридан сиёсий янгиланиш үтказишга чақирди. Ҳинд ва инглиз томонларининг келишувига күра 1885 йил декабрда Бомбейда мамлакат тарихида биринчи нодиний, умуммиллий, амалда парламент ташкилоти – Ҳиндистон миллий конгрессининг (ХМК) таъсис мажлиси бўлди. Унда раислик қилган Б.Ч. Банержи янги партияниң асосий вазифалари ҳақида тұхталиб, жумладан, шундай деди: «Мамлакатимиз ватанпарварларининг бевосита, шахсий мулоқотлари воситасида барча ирқий, диний ва миллий хуроффотларни йўқотишими, унтилмас дўстимиз лорд Рипон даврида бошланган миллий бирлик кайфиятини ривожлантироғимиз лозим». Ҳинд ватанпарварларининг форумида Британия ҳукумати ва парламентига конгрессчиларининг асосий талаблари шакллантирилди. Унда Лондондаги Ҳиндистон ишлари бўйича кенгашни бекор қилиш, вице-қирол ҳузуридаги қонунчилик кенгашини ҳиндлар ҳисобига кенгайтириш ва шу янгиликларни провинциялар кенгашларига ҳам татбиқ қилиш сўралган эди.

Конгресс асосчилари – Г.К. Гокхале, Ф. Мехта, Б.Ч. Банержи, Д. Наорожи – мустамлакачиликнинг сақланиб туришига қарши эмасдилар. Улар инглиз либерализмининг идеологлари Берк, Маколей, Гладстон, шунингдек, инглиз утилитаризмининг оталари Бентам ва Миллем олдида бош эгишарди. Бундан ташқари, улар мавжуд қонунлар доирасида иш кўриш ва фақат парламент орқали ўз мақсадларига эришиш йўлини ҳам танлашган эди. Конгрессчилардан Д. Наорожи 1893 йили Англия парламентининг қуий палатасига депутат этиб сайланди ва парламент минбаридан Ҳиндистондаги бошқарув тизимини танқид қилишда фойдаланди ва инглиз жамоатчилиги фикрини Ҳиндистон муаммоларига қаратишга ҳаракат қилди. Миллий конгресснинг маълум ютукларига қарамасдан XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига келиб фақат сиёсий партияниң инглиз сиёсий тизими билан музокаралари Ҳиндистондаги ҳолатни ўзгартириш учун етарли эмаслиги кўриниб қолди.

Шу даврда конгрессчиларда ғоявий-сиёсий ажralиш юз берди. Ҳиндистон сиёсий саҳнасида радикаллар гурухи пайдо бўлиб, уларни «ашаддийлар» деб атай бошлади. Улар Б.Г. Тилак, Б.Ч. Пал, Л. Рай ва бошқалар эди. Кураш майдонида яна «сварадж» (ўзимизнинг бошқарув) ва «свадеши» (ўзимизнинг ишлаб чиқариш) шиорлари фаол қўлланиладиган бўлиб, аҳолини чет эл, асосан

инглиз товарларини бойкот қилишга чакирди. 1907 йил ҲМКнинг Суратда бўлиб ўтган йигилишида партияда батамом ажралиш юз берди. Тилак бошчилигидаги радикаллар партиядан чиқдилар. Айни пайтда ҳокимият томонидан радикалларни таъкиб қилиш бошланди. 1908 йили Тилак Бомбейда олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Л. Рай ва Б.Ч. Пал мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. ҲМК бошқарувида сиёсий курашнинг парламентсиёсий усулини маъкул кўрувчи либераллар қолди.

Шу даврда Британия мустамлака ҳукумати Ҳиндистондаги мусулмон жамоасининг сиёсий бирикишини қўллаб, ҳинд-мусулмон зиддиятларидан келажакда ўз сиёсий мақсадларида фойдаланишни кўзладилар. 1906 – 1907 йиллари ҳинд мусулмонларининг партияси – Мусулмон лигаси ташкил қилинди. XX аср бошларида партия Ҳиндистоннинг сиёсий мақоми ва парламент ислоҳотлари масала-сида ҲМК билан жиддий келишмовчиликка эга эмасди. Британия мустамлака ҳукумати ҳам халқаро вазият кескинлашаётган бир пайтда конституциявий ён беришларсиз Ҳиндистондаги тинч вазиятни сақлаб туришнинг иложи йўклигини тушунарди. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши арафасида ортдаги ишончли таянч бўлган Ҳиндистонда барқарорлик инглизлар учун жуда муҳим эди.

**XX аср бошларида Ҳиндистон.** Бу даврда Ҳиндистон иқти-  
садида инглизларнинг иштироки янада ошди. 1893–1907 йиллари Англия хусусий компанияларининг Ҳиндистондаги капитали 23%га, инглиз банкларининг капитали эса 95% га ошди. Инглиз капиталининг иштироки маҳаллий саноатга қўйилган чекловларнинг оширилиши билан қўшиб олиб борилди. Бундай ҳолатда миллий-озодлик ҳаракати ҳам кучайиб борди. Мамлакатда норозилик ҳаракатлари авж олди. Миллий-озодлик ҳаракатида курашнинг шакллари тўғрисида келишмовчиликлар бошланиб, ҲМК иккига ажралиб кетди. Курашнинг кескин усуслари тарафдори бўлган «ашаддийлар» Тилак бошчилигига янги партияни туздилар. Аммо тез орада Тилак қамоққа олиниб, партия фаолияти тақиқланди. Бунга жавобан «ашаддийлар» 1908 йил 23 июлда Бомбайда 100 мингдан зиёд одам иштирок этган сиёсий намойиш ташкил қилдилар. Намойишдан сўнг инглизлар аввал ваъда қилинган ислоҳотларни бошлаб юборди. 1909 йили Англия ҳукумати томонидан «Ҳиндистон қонунчилик кенгашлари ҳақида акт» қабул қилди. Умумҳиндистон қонунчилик кенгашига сайланадиган аъзолар сони ошди, Бенгалия провинция

кенгашида сайланувчи аъзолар ҳатто қўпчиликни ташкил қилди. Аммо қонун чиқарувчи кенгашлар маслаҳат овозига эга бўлганлиги учун миллий-озодлик ҳаракатида катта аҳамиятга эга бўлмади.

Шунга қарамасдан, Буюк Британия хукумати бир қатор ўзгаришлар ўтказишга мажбур бўлди: 1911 йили Ғарбий ва Шаркий Бенгалия бирлаштирилди (Бенгалия 1905 йили ажратилган эди); Ассам алоҳида маъмурий бирлик бўлиб ажратилди; Ҳиндистон пойтахти Калькуттадан Дехлига кўчирилди. Бу ўзгаришлар қисқа вақтга миллий-озодлик ҳаракатини сусайтирди.

\* \* \*

Шундай килиб, XIX аср – XX аср бошлари Ҳиндистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. Секинлик билан бўлсада, капитализм ривожланди. Миллий-озодлик ҳаракати пайдо бўлиб, инглиз мустамлака хукмронлиги аста-секин қулай бошлади.

### XVII боб бўйича саволлар

1. Ҳиндистондаги инглиз мустамлака режими қандай хусусиятларга эга эди?
2. Британияликларнинг мустамлакачилик сиёсати қандай оқибатларга олиб келди?
3. Сипохийлар кўзғолони қандай натижалар билан якунланди?
4. XIX аср охири – XX аср бошларида Ҳиндистоннинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида қандай ўзгаришлар юз берди?
5. ҲМК фаолияти қандай аҳамиятга эга бўлди?
6. XX аср бошларида Ҳиндистондаги мустакиллик ҳаракатлари қандай характеристга эга эди?

### XVIII БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА КОРЕЯ

*XIX аср бошларида Кореяning ижтимоий тараққиёти.* XVIII аср охирларида корейсларнинг ижтимоий ҳаёти ва ижтимоий онгида янги ҳолатлар кўзга ташланади. Улар мамлакатда XVII-XVIII асрлар давомида рўй берган иқтисодий ўсиш билан боғлиқ эди. Феодал муносабатларнинг тўсқинлигига қарамасдан, мамлакатда маҳаллий бозорлар шаклланди, Тэгудаги ярмарка каби умуммиллий аҳамиятга эга бўлган дастлабки савдо марказлари пайдо бўлди.

Хитой ва Япония билан ташки савдо алоқалари кенгайди, шаҳарларда савдогарлар сони ошиди. Шаҳардаги савдо-хунармандчилик билан шуғулланувчи аҳолининг манфаатларини кўзлаб, конфуцийлик билан алоқани узган ёзувчилар ва олимларнинг фаолиятлари ривожланди. «Сирхак» (реал фанлар учун) оқимини ва унинг энг илғор қисми – «пукхак» (Хитойдан таълим олиш учун) гуруҳини ташкил қилувчи кўпчилик ёзувчиларнинг фаолиятлари ҳам шу даврга тааллуклидир. Янги бадиий адабиётнинг асосчиси Пак Чжи Вон, ажойиб математик ва астроном Хон Дэ Йон, шунингдек, бошқа бир қатор ёзувчилар ва олимлар ҳам ана шу оқимдан чиқсан эдилар. Бу гурухга конфуцийлик сафсатасига салбий муносабат ва янгиликларга интилиш хусусияти хос эди. Улар, ўз цивилизацияси билан ғуурланадиган корейслар, ўзлари «ёввойи» ҳисоблайдиган, бироқ ерга ишлов бериш учун мукаммалроқ иш қуролларига, ҳаракат воситаларига (аравалар, кемалар), тураг жойларига, йўлларга, кўприкларга, юқорироқ билим даражасига эга бўлган манжурлар Хитойидан ҳам ўрганишлари зарур деб ҳисоблашарди. Пукхак тарафдорларининг фикрларига кўра, Хитойнинг ютуқларидан фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш, савдони ривожлантириш, Кореяни гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантириш учун зарурий шартлар эди.

Шундай қилиб, сирхак ва пукхак тарафдорлари фақат мавжуд тузумни танқид қилибгина қолмасдан, янги ижтимоий воқеаларнинг даракчилари ҳам бўлдилар. Бироқ Кореянинг қолоқлиги ва янги ижтимоий тузум унсурларининг заифлиги туфайли бу ғоялар кенг тарқала олмади. Бундан ташқари, Европанинг илғор илмий ғояларини қабул қиласар эканлар, ҳатто феодал зиёлиларнинг энг илғор вакиллари ҳам христиан миссионерларининг таъсирига тушиб қолдилар, уларнинг фаолиятларида мамлакатни қарамалишига бўлган истакларини илғай олмадилар.

Шу даврда феодал зулмга қарши халқ норозилиги ҳам кучайиб борди. Омманинг ғазаби ошган сари ҳукмрон доира турли қатламлари ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам кўпайиб кетди. Ҳокимиятдан сиқиб чиқарилган аслзодалар тўдалари ҳукмрон гурухга қарши жангга ҳозирланарди. 1811 йили Ли ҳукмрон сулоласига қарши бой заминдor Хон Гион Нэ бошлигидаги энг йирик қуролли қўзғолон бўлиб ўтди. Қўзғолончилар дастлаб эришган бир қатор муваффақиятларга қарамасдан, охир-

оқибатда мағлубиятга учраб, шафқатсиз жазоландилар, асирга олинган Хон Гйон Нэ қатл қилинди. Бирок 1811 йилги исённинг бостирилиши мамлакатдаги норозиликларни тугата олмади. Икки йилдан сўнг (1813 йили) Чжечжю оролида дехқонлар ва балиқчиларнинг қўзғолони алганга олди. Кейин бир қатор курғоқчилик йиллари келди, уларда очликдан ва касалликлардан кўплаб одамлар қирилиб кетди. 1832 йилдан бошлаб тўқкиз йил давомида Корея очлик ва вабо эпидемияси билан қамраб олинди. 1834 йили шаҳарларда очларнинг бир қатор исёнлари рўй берди.

**XIX асрнинг 30–60-йилларида Корея.** XIX асрнинг 30-йилларидан корейс жамиятининг барча тизимларида инкиroz янада кескинлашди. Ички сиёсий зиддиятлар туфайли заифлашган Ли монархияси таназзулга юз тутди. Ана шундай пайтда мамлакатга Кореяни «кашф қилишга» ва уни мустамлакага айлантиришга интилаётган капиталистик давлатлар хавф солаётган эди. Бу хавф дастлаб европалик миссионерларнинг фаоллиги ошганлиги билан ифодаланди. 1831 йили Папа Григорий XVI Корея епископлигини ташкил қилиш ва у ерга епископ тайинлаш ҳақидаги қарорини зълон килди. 1832 йили Корея қирғоклари яқинида пайдо бўлган кема Британия номидан савдо муносабатлари ўрнатишни таклиф қилди, лекин рад жавобини олди. Бу орада Ватикан вакиллари Кореяга яширин кириб келиб, ўз фаолиятларини олиб бораётган эдилар. Улар асосан француз миссионерлари эди.

1837 йили христианликни қабул қилган корейслар сони 9 мингга етди. 1839 йили Корея ҳукумати христианларга янгидан жазо чоралари қўллади. 150 та корейслар ва ўзга номлар билан яшириниб юрган учта француз миссионерлари қатл қилинди. Миссионерларнинг қатл этилиши Кореяга икки марта (1846 ва 1847 йилларда) француз ҳарбий кемалари юборилиши учун баҳона бўлди. Ҳарбий кучларга таянган французлар миссионерларнинг ўлими учун товон сифатида Корея портларининг очилишини талаб қилди. Бирок ташриф (1847 йил) муваффақиятсиз бўлди – иккита кема Корея қирғоклари яқинида саёзликка ўтириб қолди.

Французларнинг талабига жавобан Корея ҳукумати миссионерларнинг қатл қилиниши билан боғлиқ даъволарни рад этди ва Кореянинг чет давлатлар билан ҳеч қанака муносабат ўрнатишни истамаслигини маълум қилди.

Хитойнинг зўравонлик билан «кашф этилиши» ва манжурларнинг Farb давлатларига таслим бўлиши Кореяning хукмрон доираларига жуда катта таъсир кўрсатди. Сеуллик хукмдорлар мамлакатни ташки дунёдан яна ҳам қаттироқ ва яна ҳам тулароқ ажратиб қўйиш йўлига ўтдилар.

Бу пайтга келиб, мавжуд тартиблардан норози бўлган кўпгина маълумотли корейсларга чет эллик миссионерлар ғаразли мақсадларни кўзлаётганлиги ва мустамлакачиларга йўл очиб бераётганлиги аён бўлиб қолди. Ана шу асосда корейс миллий белгиларига эга бўлган, Farb христианлигига муҳолифатда турган, айни пайтда, дехқонлар ва ҳунармандлар, кенг ҳалқ оммасининг феодализмга қарши норозилигини ўзида ифода этадиган янги диний таълимотлар пайдо бўлди. Бу таълимотни 1859 йили Цой Чже У номли киши тарғиб қила бошлади ва у «тонхак» – шарқий таълимот номини олди. Унда конфуцийлик, буддавийлик ва даосизмнинг турли ақидалари бирлаштирилган эди. Бу Кореяда феодализмнинг инқирози ва расмий конфуцийлик ғояларининг қулаши шароитида диний ўзгаришларни амалга ошириш учун бўлган уриниш эди. 1866 йили бу таълимот тарафдорлари бошига оғатлар ёғилди. Чой Чже У қатл қилинди, аммо тонхак мазҳабчилик диний таълимотларидан бири сифатида мавжуд бўлиб қолаверди.

XIX асрнинг ўрталарида Кореядаги ички вазият ҳалқ ғазабининг ошиб бориши билан характерланади. Миссионерлардан бири ўз яширин хабарида: «Кичик бир учқун шундай ёнгин келтириб чиқариши мумкинки, унинг оқибатларини ҳатто ҳисобга олиб ҳам бўлмайди», – дея ёзганди. 60-йилларниг бошидаги ҳосилсизликлар ва очарчилик аҳволни янада оғирлаштириб юборди. 1861 йилдаёк бир қатор ҳудудларда дехқонлар ер эгалари ва амалдорларга қарши ҳужум уюштирилар. 1862 йилнинг ўн ойида Кореядаги бешта вилоятда 21 марта дехқонлар қўзголонлари рўй берди. Улар ўлпон йигувчи амалдорларнинг ножӯя ишларига, заминдор ва савдогарларнинг сикувларига қарши норозиликлар туфайли юз берганди. Дехқонларнинг бу оммавий, лекин тарқоқ, бир-бири билан яхши боғланмаган, тартибсиз чиқишилари ҳукумат томонидан шафқатсизлик билан бостирилди.

**Тэвонгун хукмронлиги.** Ўзининг ортидан меросхўр қолдирмаган қирол Чоль Чжоннинг ўлимидан кейин, 1863 йилнинг ноябрида ўн икки яшар Ли Цзэ Хван тахтга ўтқазилди, мамлакатдаги бутун

ҳокимиятни эса вақтинча ҳоким (Тэвонгун) бўлган унинг отаси Ли Ха Ин эгаллаб олди.

Чуқур ички инқироз ва Ғарбдан келаётган ташқи хавф Тэвонгунни заифлашган монархияни мустаҳкамлаш йўлини тутишга унадиди.

60-йилларнинг бошларидаги дехқонлар қўзғолонлари корейс аслзодаларини вақтинча ички келишмовчиликларни унудишига ва дехқонларга қарши курашиш учун қирол ҳокимияти атрофида бирлашишга мажбур қилди. Тэвонгун энг муҳим давлат лавозимларига ўз одамларини қўйиб олган норон (кексалар) аслзодалик партиясининг зўравонлигига чек қўйди ва факат бошқа дворян гурухларгагина эмас, ҳатто аслзодалардан бўлмаган қатламларнинг (савдогарлар, ўзига тўқ майдада ер эгалари) айрим вакилларига ҳам давлат хизматига кириш имконини очди. Бу пайтга келиб, энг кучли ва кудратли аслзодалар хонадонларини улуғлашга бағишланган конфуцийлик «шон-шараф масканлари» мамлакатдаги эътиборли сиёсий ва иқтисодий кучга айланганди. Шон-шараф масканлари (совон) қара дехқонлари бўлган кенг ерларга эга эди, солик имтиёзидан фойдаланаарди ва феодал сепаратизмнинг таянчи бўлиб турарди. Шон-шараф масканларининг чеклаб қўйилиши, кейин эса қарийб бутунлай тугатилиши (500 маскандан фақат 47 таси қолдирилди), Кореянинг аввалги қироллари даврида ҳал қилувчи таъсирга эга бўлган, кудратли аслзодалар хонадонларини бир қадар заифлаштириди, лекин тушунарлики, мамлакатнинг сиёсий тарқоклигига барҳам бермади.

Халқ оммасининг меҳрини қозонишга интилган Тэвонгун аслзодалар (ятбан) билан оддий халқ ўртасидаги фарқнинг йўқ қилингандигини эълон қилди. Фақат оддий кишилар тўлайдиган ҳарбий солик барча қатламлар учун мажбурий уй боши солиги билан алмаштирилгани тўғрисида қонун чиқарилди. Бироқ амалда аслзодалар бу соликдан озод қилинган бўлиб чиқди, чунки барча давлат хизматидаги шахслар солик тулашдан озод қилинганди. Бошқа томондан эса, бақириб эълон қилингандар аслзодалар ва оддий халқни «тентглаштириш» халқ учун қора рангдаги оёқ кийими кийиб юришнинг тақиқлангани каби майда чекловларни бекор қилиш билан чегараланди, холос. Умумий феодал зулмга келганда эса, Тэвонгун даврида турли хил тўловлар ва халқни эзишлар сезиларли даражада оширилди.

Янги подшоликнинг обрўйини ошириш учун Тэвонгун 1865 йили ҳали XVI асрдаёқ японлар босқини пайтида ёниб кетган Кйонбоккун саройини тиклашга уринди. Бу иш уч йил давомида улкан куч ва маблағни талаб қилди. Материалларни тайёрлаш, уларни ташиш ишларида ва сарой қурилишнинг ўзидаги мажбурий ишларда ҳар куни ўн минглаб одамлар меҳнат қиласарди. Улкан харажатларни қоплаш учун Тэвонгун ҳукумати ҳалқ учун оғир бўлган алоҳида ер солиғини ўрнатди, бунинг устига фавқулодда тўловларга ҳам қўл урди. Бироқ пул барибир етмаётган эди. Шунда ҳукумат тўлақонли бўлмаган тангаларни муомалага чиқаришга ва давлат лавозимларини сотишга киришди. Умуман олганда Тэвонгуннинг тадбирлари Корея давлат тузумини мустаҳкамлади, аксинча, хўжалик тизимини вайрон қилди ва мамлакатдаги норозиликни кучайтиргди.

Бу орада капиталистик давлатларнинг Кореяга босими ҳам кучайди. Айниқса, америкаликлар бир неча бор Корея портларини ўзлари учун «очишга» ва тенг бўлмаган шартномалар тузишга уриниб кўрдилар. Лекин уларнинг барча уринишлари корейсларнинг қизғин қаршилигига учради ва амалга ошмади.

Бу муваффакиятлар Тэвонгун ҳукуматининг мамлакатни «ёпиб қўйиш» сиёсати гўёки тўғри эканлигини тасдиқлади ва буни амалга ошириш учун ҳарбий тайёргарликлар кучайтирилди. Истеҳкомлар қуриш учун минглаб одамлар ҳайдаб келинди. Куроллар (айниқса тўплар) ишлаб чиқариш янги харажатларни, демакки, аҳолидан янги солиқлар олинишини талаб қиласарди.

Марказий ҳукуматнинг солиқ йиғимлари, шунингдек, маҳаллий амалдорлар ва мулқдорларнинг зулмлари Тэвонгун даврида катор ҳалқ қўзғолонларини келтириб чиқарди. Улардан энг йириклари 1864 йилда Пхунченбу округида, 1869 йилнинг баҳорида Чжолландо вилоятида ва 1871 йилнинг баҳорида Кйонсандо вилоятида бўлиб ўтди. Бундан ташқари, дехқонларнинг чегара ортига, қўшини Манжурияга ва Россиянинг Амур бўйи ҳудудларига оммавий қочиб кетишлари ҳам рўй берәётганди.

Халқнинг ўсиб бораётган ғазабидан, ҳукуматга қарши феодал мухолифат фойдаланди. 1874 йили вояга етган қирол Тэвонгунни мамлакатни бошқаришдан четлатди. Бироқ амалда ҳокимият қиролга эмас, унинг хотини қиролича Мин ва барча муҳим лавозимларни эгаллаб олган унинг қариндошлари қўлига ўтди.

**Тенг бўлмаган шартномалар.** Кореяning асрлар бўйи сақланиб келаётган ёпиклигига ҳал қилувчи зарбани Япония берди. Ўз ҳарбий кемаларини Кореяning худудий сувларига юборган японлар кирғоқ қўрикчилари билан тўқнашув уюштириб, корейсларнинг иккита кўрғонини вайрон қилди (1875 йил). 1876 йили ушбу можаро юза-сидан баъзи талаблар билан япон императорининг вакили Курода бошчилигидаги элчилар Кореяга келди. Аслида бу элчилик эмас, ҳақиқий ҳарбий-денгиз қўшинлари эди. Японлар тўплар билан хавф солиб, корейсларни «дустлик» ҳақида шартнома тузишга ундали-лар. Сеулда хукмрон бўлган Минлар тўдаси Куроданинг талаблари-ни қабул қилди.

1876 йилнинг 26 февраль куни Канхва оролида Кореяning тенг бўлмаган шартномаларидан биринчиси имзоланди. Унда Кореяning Японияга нисбатан қатор бир томонлама мажбуриятлари кўрсатилганди. Японларнинг савдо қилишлари учун Пусан порти очилди, 20 ой ичида бошқа бир қатор портларни ҳам очиш мажбурияти олинди. Очилган портларда японлар ҳеч қандай чекловлар ва тақиқларсиз савдо-ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш эркинлигини олдилар. 1876 йили имзоланган савдо шартномасига кура япон маҳсулотлари бож тўловларидан озод қилинди, япон пулларининг эса корейс бозорларида эркин муомаласига йўл қўйилди. Японияning кенг иқтисодий ва сиёсий хукмронлигига йўл очиб берган Канхва шартномаси Кореяning яrim мустамлакага айлана бошлаганини билдиради. Шартномада Корея мустақиллигининг расман тан олинганлиги эса унинг сюзерени ҳисобланган Хитойнинг таъсирини йўқ қилишга қаратилган эди, холос.

Кореяning ер ости ва бошқа бойликлари мустамлакачиларни, айниқса америкаликларни, ўзига жалб қиласарди. 1880 йили АҚШ хукумати яна корейс портларини очиш талаби билан мурожаат қилди. Кейин худди шундай талаблар Англия, Франция, Россия ва Италия томонидан ҳам қўйилди.

Японлар билан бирга иш кўрган АҚШ Кореяни иккинчи шартнома тузишга куч билан мажбур қилди. Бу шартномага биноан (1882 йилнинг 22 майида тузилган) Пусон, Вонсан, Ингон очиқ портларида америкаликларга бемалол савдо қилиш, ер ва бошқа мулкларни сотиб олиш, саноат корхоналари қуриш хукуқлари берилди. Корея билан шунга ухшаш шартномаларни 1883–1884 йилларда Англия,

Германия, Италия ва Россия, кейинчалик Франция ва бошқа капиталистик мамлакатлар ҳам туздилар.

Шундай қилиб, 1882–1884 йилларда чет эл тұпларининг дахшати остида Корея үзининг ташқи олам учун ёпіклигини тұлық тугатди. Айнан ұша даврдан бошлаб Корея чет эл капиталистик мамлакаттарининг ярим мустамлакасига айлана бошлади.

**1882 ыйғы Сеул құзғолони.** Мамлакатнинг ва үзларининг ахволидан норози бўлган аскарлар ва камбағаллар 1882 йил 22 июлда қўзғолон кўтардилар. Аскарлар исёни ҳукуматга ва японларга қарши йирик ҳалқ қўзғолонига айланиб кетди. Қўзғолончилар қамоқдагиларни озод қилдилар, бой амалдорларнинг уйларини талади, вайрон қилди, мол-мулкларини эса ёқиб юборди, дуч келган японларни ва ҳукумат амалдорларини ўлдирдилар. Япон ваколатхонасининг биноси ёқиб юборилди, хизматчилари эса қочиб кетди. Қўзғолончилар саройга ҳам бостириб кирдилар. Қирол уларга бир неча вазирларни беришга мажбур бўлди ва уларни оломон қийнаб ўлдирди. Ҳалқ қўзғолонидан унинг раҳбарлари билан иттифоқ тузган Тэвонгун фойдаланиб, ҳокимиятни қайтариб олди. Аммо бу ҳокимият энди мустаҳкам эмасди.

Қўзғолондан кейин японлар янги талабларни қўйдилар. Бу талаблар Тэвонгун томонидан тұлық қабул қилинди. 1882 йили Чемульпода имзоланган шартномага биноан Тэвонгун ҳукумати қўзғолонда айбдор ҳисобланганларни қамоққа олиш ва жазолаш, ўлдирилган японларни иззат-хурмат билан кўмиш, уларнинг оиласаларига ва япон ҳукуматига товон пули тўлаш, япон ваколатхонаси биносини ўз ҳисобидан тиклаш мажбуриятини олди. Энг муҳими, Сеулда япон қўшинларини жойлаштириш ва уларни саклаб туриш харажатлари ҳам ҳукумат зиммасига тушди. Пойтахтда 700 та япон аскарлари жойлаштирилди. Қўзғолоннинг Сон Сун Гил раҳбарлигидаги ўнта бошлиқлари қатл этилди. Бу орада зарбадан үзига келган қиролича ва унинг қариндошлари яна Тэвонгунга қарши кураш бошладилар. Охир окибатда у Хитойга сургун қилинди, ҳокимият эса яна Мин гурухига қайтди.

Үз-үзидан бошланган ва тартибсиз олиб борилган 1882 ыйғы қўзғолон ҳеч қанақа аниқ талаблар қўймаганди. Лекин айни пайтда, энди ҳокимиятни ташқи кучлар ёрдамисиз ушлаб қола олмайдиган ҳукмрон синф ахволининг бутун заифлигини кўрсатиб берди.

**1880-йилларнинг иккинчи – 1890-йилларнинг биринчи ярмида Корея.** 1885 йил 18 апрелда Хитой билан Япония ўртасида им-золанган Тяньцзин шартномасидан кейин Кореянинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши тобора кўпроқ мустамлака характерига эга бўлиб борди. Агар 1886 йили Кореяга 2 миллион 474 минг доллар микдоридаги чет эл маҳсулотлари киритилган бўлса, 1891 йили бу кўрсаткич 5 миллион 256 минг долларга етди. Олиб кирилаётган товарларнинг 55 фоизини ип-газлама маҳсулотлари ташкил этарди. Керосин, коп-қанор тикиладиган мато, арқон, гугурт, анилин бўёклари, металл буюмлар олиб кириш ҳам тез кўпаймоқда эди. Кореянинг экспортсида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – гуруч, дук-каклилар ва шу кабилар асосий ўринни эгалларди. Олтин экспорти алоҳида ўрин тутади. 1886–1893 йиллари фақат божхонада хисобга олинган олтин Корея ўртача йиллик экспортининг 27,3 фоизини ташкил этган, лекин олтиннинг жуда катта миқдори чет элликлар томонидан божхонани четлаб ўтиб, олиб кетиларди. Кореянинг ташки сиёсий аҳволи энди, асосан, мустамлакачи давлатларнинг иқтисодий устунлик учун кураши билан белгиланади. Уларнинг орасида, Тяньцзин шартномасидан кейин Кореядаги ўз аҳволини мустаҳкамлай бошлаган Япония биринчи ўринни эгаллайди. 1886–1894 йилларда у Кореядаги ўз савдоси миқдорини икки баробар кўпайтирди ва унинг сувларидаги кема қатновига эгалик қилди.

Японларнинг мустамлакачилик режалари учун жиддий тусик бўлиб корейс халқининг норозилиги ва унинг Хитойга нисбатан маълум даражадаги мойиллиги турарди. Ўтмишда улар бир неча марта японларга қарши биргаликда жанг қилган эдилар. Бироқ Хитойнинг ўзи ҳам, Фарб мамлакатларига боғлиқлиги тобора ошиб бораётганлиги туфайли, Кореядаги қулай вазиятдан фойдалана олмаётганди. Инглизлар Кореядаги ўз сиёсатининг куроли сифатида манжурлар сулоласини рағбатлантиради, америкаликлар эса, Англияга қарши ўз мақсадларини амалга оширишда Япониядан фойдаланишга умид боғлаб, японларнинг босқинчиликларини қўллаб-кувватларди. Шунинг билан бирга АҚШ Кореяда иқтисодий ва сиёсий ўринларни бевосита эгаллаб олишга ҳам киришди. Ҳали XIX асрнинг 80-йиллари бошларидә ёқ америкаликлар каботаж<sup>1</sup> кема қатновига, ўрмонларда дараҳт кесишга, марварид чиғаноги овлаш-

<sup>1</sup> Каботаж – ички портлар орасидаги кемалар қатнови.

га, пойтахтга электр куввати ўтказишга рухсат олгандилар. 1887 йили олтин конларидан фойдаланишга ижозат олиш учун Корея хукуматига босим ўтказдилар, 1888 йили эса Комундо (Гамильтон) оролини эгаллашга уриниб кўрди.

1890-йилларнинг бошларида Кореядағи ички вазият чукур ижтимоий инқироз билан характерланади. Кореянинг «очилиши» бусиз ҳам бўшаб қолган хазинанинг сурункали таназзулини келтириб чиқарди. Чет эллик маслаҳатчиларни боқиши ва қўшинни қайта қуриш, японларга товои тўлаш ва маъмурий ислоҳотлар, саройдаги исрофгарчилик ва шу кабилар Корея хукуматини мисли қўрилмаган харажатларга мажбур қилди. Бу чиқимларни эса янги соликлар ва лавозимларни сотиши билан тўлдиришга тўғри келди. Охир-оқибатда ҳаммаси учун корейс деҳқони ҳақ тўларди. Заминдорларнинг зулми, қонунсизлик ва амалдорларнинг йигимлари, маҳаллий ва чет эллик судхўрлар ҳамда савдогарларнинг эксплуатацияси деҳқонларнинг аҳволини чидаб бўлмас ҳолатга олиб келди. Деҳқонларнинг 1885 йили Йочжю ва Вончжюдаги қўзғолонларидан кейин, 1889 йили Пукчхйонда ва Сувонда қўзғолонлар бўлди. 1892 йилги очарчиликдан сўнг деҳқонлар, хунарманделар ва қулларнинг ўз феодалларига ҳамда чет эллик мустамлакачиларга қарши оммавий қўзғолонлари – тонхаклар («Тонхак» – Шарқ таълимоти) қўзғолони номи билан ҳам маълум бўлган, 1894 йилги деҳқонлар уруши бошланди.

Мамлакатдаги бундан кейинги воқеаларга ташки сиёсий вазиятлар таъсир кўрсатди. 1894 йилнинг 9 июнида Жанубий Кореянинг Арту портига, тонхакларга қарши курашиш учун хукумат илтимосига биноан юборилган, бир ярим минг Хитой аскарлари келиб тушди. Бу эса Япониянинг аралашувига баҳона бўлди ва у ҳам, ўз навбатида, сон жиҳатдан Хитойнидан анча кўпроқ бўлган қўшинни Кореяга юборди. Фақат 15 июнгача 10 мингдан ортикроқ япон қўшинлари етиб келди ва пойтахтни ҳамда мамлакатнинг энг муҳим стратегик нуқталарини эгаллаб олдилар. 23 июлда Сеулдаги япон қўшинлари кирол саройига ҳужум қилди. Улар хукуматни ағдариб, ҳокимиятни Тэвонгунга ва Пак Йон Хе бошлигидаги «ислоҳотлар партияси»нинг чет элдан қайтиб келган етакчиларига топширди. Янги хукумат шу заҳотиёқ Япония билан бир қатор тенг бўлмаган шартномаларни, шу жумладан, Хитойга қарши 1 авгуистда эълон қилинган урушда ҳамкорлик қилиш

ҳакида ҳам шартномани имзолади. Бу урушда Хитой қүшинлари қатор мағлубиятларга учради ва сентябрнинг охирларида Кореядан чиқиб кетди. Аммо япон қўшинлари корейс халқининг, биринчи навбатда яна қўлларига қурол олган тонхакларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Япон қўшинлари билан қўзголончилар ўртасидаги энг қонли тўқнашувлар Кончжу шахри учун бўлди: ҳар куни иккала томондан ҳам бир неча минг киши йўқотилди. Оқибатда артиллериядан кенг фойдаланган япон қўшинлари вазијатни ўз фойдаларига ўзгартиридилар. Дехқонлар Нонсанга чекиндилар ва ўша ерда бутунлай тор-мор қилиндилар. 1894 йилнинг 9 декабряда қўзголон раҳбари Чжон Бон Дюн қўлга олинди ва кейинчалик Сеулда қатл этилди.

Ўз феодаллари ва чет эллик босқинчиларга қарши кўтарилган бу оммавий қўзголоннинг мағлубияти Кореяда чуқур миллый инқизозни келтириб чиқарди. Мамлакат давлат мустақиллигини тўлиқ йўқотиш ва Япониянинг мустамлакасига айланиш хавфи остида туради.

Дехқонлар исёнининг асосий ўчокларини бостирган ва ўз марионеткаларидан вазирлар маҳкамасини тузган японлар Кореяга «ислоҳотлар» ҳақидаги талабларини баён қилди. Уларнинг амалга оширилиши японларнинг Кореядаги иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини тўлиқ таъминлаши лозим эди. Японлар уруш даврида Кореяning почта ва телеграфини эгаллашга, янги қўшинларни (хульйондени) ўқитишни ўз қўлларига олишга, корейс ҳукуматини қарзлар билан ўраб ташлашга улгурдилар. Япония Хитойни мағлубиятга учратиб, унинг Кореядаги таъсирини тўлиқ йўққа чиқарди, 1895 йилнинг 17 апрелида имзоланган Симоносеки шартномаси бўйича Хитой Кореяning мустақиллигини тан олди ва Кореяning вассаллик ҳолати билан боғлиқ барча маросимлар ҳам тутатилди. Энди Япония тўлиқ ҳаракат эркинлигига эга бўлди. Факат корейс халқининг тинимсиз кураши ва империалистик давлатлар орасидаги келишмовчиликларгина японларга ўз ҳукмронлигини очиқдан-очиқ ўрнатишга ҳамда Кореяни расман ўз мустамлакасига айлантиришга халақит бериб туради, холос.

**XIX аср охирида Корея ва империалистик мамлакатлар.** XIX аср охиридан бошлиб империалистик давлатлар Тинч океанида Узок Шарқ учун, биринчи навбатда Хитой учун, қизгин кураш олиб бордилар. Табиий бойликлари кўп бўлган Корея ҳам

мустамлакачи давлатларнинг энг муҳим нишонларидан бирига айланди. Рус-япон қарама-қаршилиги жуда кескинлашди. Бу худудда ўз мустамлакачилик режаларига эга бўлган Россия японларнинг Корея ва Хитойга қаратилган тажовузига қаршилик қиласади.

Симоносеки шартномасига кўра японлар эгаллаб олган Порт-Артурнинг Хитойга қайтарилишини Россия, Франция ва Германия талаб қилиб чиққанлиги Япониянинг Кореядаги сиёсий таъсирини анча бўшаштиради. Бунда қиролича Миннинг гурухи япон тажовузига қарши фаол ҳаракат қилди. Қиролича ва унинг атрофидагиларнинг нигоҳлари Россияга қаратилганди ва унинг ёрдамида ўз мамлакатлари мустақиллигини сақлаб қолишга умид боғлардилар. 1895 йилнинг июль-августидаги улар Корея ҳукуматидаги японпрастларни ҳайдадилар. Уларнинг ўрнига ҳукуматда етакчи роль ўйнай бошлаган руспрастлар партияси вакиллари кўйилди. Бунга жавобан японларнинг вакили Миура раҳбарлигига янги фитна уюштирилди ва 1895 йилнинг 8 октябрида японлар саройга бостириб кирдилар ҳамда аёвсиз қирғин ўтказдилар. Қиролича ва унинг яқин кишилари (қиролича ёнидаги аслзода хонимлар ҳам) ўлдирилди. Кейин қироличанинг жасади керосин сепиб ёқиб юборилди, қирол эса Миура томонидан дарҳол ташкил қилинган янги японпраст кабинетнинг раҳбарига айланди. Кореядаги ва ундан ташқаридағи ғазабланишнинг чеки-чегараси йўқ эди. Қиролича ўлдирилганидан кейин Кореяда И-бйон («Адолат армияси») партизанларининг японларга қарши қуролли курашлари кучайди; японпраст ҳукумат ўтказган ислоҳотлар аҳоли томонидан бойкот қилинди; мамлакатдаги японларга ва уларнинг кореялик тарафдорларига қарши умумий қўзғолон етилиб келаётганди. Ана шундай қизғин шароитда, 1896 йилнинг 11 февралида руспрастлар партияси амалда қамоқда сақланаётган қиролнинг саройдан қочиб чиқишини уюштиради. Қирол рус дипломатик ваколатхонаси биносида қўним топди ва бир йил давомида шу ерда қолди. Қирол ўша ердан туриб аҳолига ва қўшинларга японпраст кабинетни кувиш ва янги ҳукумат тузиш чақириғи билан мурожаат қиласади. У сотқинларни жазолашга чақириди. Вазирлардан Ким Хон Чжид, Чジョン Бйон Хо ва Э Юн Чжунлар қўзғалган халқ ва аскарлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди, аммо қолганлари Японияга қочиб кетишга улгурди. Бу воқеалар натижасида Япониянинг Кореядаги сиёсий мавқеи яна пасайиб кетди. Японларнинг Россия билан келишув

йўлларини излашига тўғри келди. 1896 йилнинг май ва июнь ойларида Россия ва Япония хукуматлари иккита келишув (Сеул меморандуми ва Москва қарори) имзоладилар. Унга қўра ҳар иккала томон бир-бирининг корейс хукуматига «ёрдам» бериш ва Кореяга ҳарбий кучларнинг маълум бир кисмини юбориш хукукларини тан олдилар. Шундай қилиб, ҳар иккала томон бир-бирларининг Кореяни эгаллаб олишга бўлган teng «хукуқлари»ни тан олдилар ва бу, табиийки, япон ва рус мустамлакачилари ўртасидаги рақобатни янада кучайтириди.

Кореяга бошқа империалистик давлатлар ҳам фаол сүклиб кира бошлиши. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида корейслар хукуматидан қўрқитиш, айёрлик ва сотиб олиш йўллари билан ён беришга эришиш учун қизғин кураш борди. 1895 йили Пхайнгандо вилоятидаги энг йирик олтин конини эксплуатация қилишга рухсат олган америкаликлар кейинги йили Сеул ва Чемульпо ўртасида темир йўл куриш хукуқини ҳам олдилар (кейинчалик, 1898 йили бу хукуқ японларга сотиб юборилди), кейин эса Сеулда канализация куриш, сув таъминотини йўлга қўйиш ва электр ёриткичлар ўрнатишга ҳам рухсат олинди. Англия хукумати ҳам олтин конларидан фойдаланишга ижозат олди, уларнинг вакили Броун эса божхоналар директори ва Корея хукуматининг молия маслаҳатчиси лавозимларига тайинланди. Инглизлар ана шу тарзда Кореянинг молиясини ва ташки савдосини ўзларига бўйсундиришни режалаштирган эдилар. Француз синдикати Сеулдан Ичжугача (шимол томонга) темир йўл қуриш, немис фирмаси эса олтин қазиб чиқариш ҳақида шартнома тузишга эришдилар. Рус саноатчилари Ханъчйондаги темир рудаларини қайта ишлашга ва Амнок ҳамда Туман дарёлари бўйидаги ўрмонлардан фойдаланишга, Шимолий Кореядага телеграф линияларини ўtkазишга ижозат олди. Лекин энг кўп шартномалар тузишга японлар эришдилар. Жанубий Кореядаги телеграф линиялари, энг муҳим Сеул-Пусан, Сеул-Чемульпо (америқаликлардан сотиб олинган) темир йўллари, олтин конлари, темир конлари, бутун қирғоқ бўйлаб балиқ овлаш хукуқи уларники эди. Японлар кемасозлик ва савдо соҳасини ҳам эгаллагандилар.

XIX асрнинг охирларига келиб ҳали ҳам феодал бўлган Корея (1897 йилдан у Дэхан империяси деб атала бошлади) мамлакатнинг табиий бойликларни сотиш бўйича ҳақиқий муассасасага айланди. Аслзодалик гурухларининг доимий рақобати авж олар,

бу гурухларнинг ҳар бири маълум чет эл сиёсий доираларининг манфаатларини ҳимоя қиласади. Тобора ошиб бораётган Россия таъсирига қаршилик қилиш учун АҚШ ва Англия японларни яна-да қўпроқ қўллаб-кувватладилар. 1902 йили Америка президенти Т. Рузвельт вазиятни шундай баҳолаганди: «Манжурияда русларнинг кучайишига қарши тенг кучни ташкил қилиш учун, Япония Кореяни эгаллаши керак».

Бу орада Манжурияда ўзининг етакчилигини таъминлаган Россия империяси Кореяда Японияга баъзи бир ён беришларга рози бўлди, жумладан, ўзининг молиявий ва ҳарбий маслаҳатчиларини чақириб олди. 1898 йилнинг апрелида янги рус-япон келишуви имзоланди, унга биноан Кореяда Япониянинг иқтисодий манфаатлари етакчилиги тан олинди. То рус-япон уруши бошлангунга қадар мамлакатда ҳокимият руспарастлар партияси қўлида қолди, бироқ, бу қўпроқ равишда корейсларнинг русларга муҳаббати билан эмас, японларга умумий нафрати билан изоҳланарди. Умуман олганда XIX ва XX асрлар чегарасида қолоқ феодал Корея энди ҳар қандай шароитда ҳам ўз мустақиллигини ҳимоя қила оладиган аҳволда эмасди, буни кейинги йиллардаги воқеалар исботлади.

**Япония ҳукмронлигининг ўрнатилиши.** 1904–1905 йиллардаги рус-япон урушида Россиянинг мағлубиятидан сўнг имзолangan Портсмут сулҳига биноан Корея устидан Япония протекторати ўрнатилди. 1910 йили эса Корея японлар томонидан аннексия қилиниб, мустамлакага айлантирилди. Яриморолда ҳокимият тўлиқ япон генерал-губернатори қўлига ўтди. Корея 1945 йили Иккинчи жаҳон уруши якунлангунча Япония қўлида қолди. Улар ўзларига қарши ҳаракатни бостириш, мамлакатни иқтисодий ва маданий модернизация қилиш, шунингдек, корейсларни ассимиляция қилиш сиёсатини олиб борди.

\* \* \*

Мустамлака йиллари иқтисодий ўсишнинг юқори даражаси таъминланди, ҳозирги замон корейс маданияти шаклланди, замонавий саноатнинг асослари яратилди, ўртacha умр даражаси 22 ёпдан 44 ёшгача ошди, замонавий бошланғич таълим кенг жорий қилинди. Айни пайтда мустамлака ҳокимияти томонидан корейсларни камситишга қаратилган авторитар сиёсат олиб борилиши миллий-озодлик ҳаракатига асос бўлди.

1. XIX аср корейс жамияти ривожида қандай жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин?
2. XIX асрнинг 30–60-йилларида Кореяning ташқи давлатлар билан муносабатлари қандай мақсадга қаратилди?
3. XIX асрнинг 30–60-йилларида ички тангликнинг сабаблари нимада эди?
4. Тенг бўлмаган шартномалар ва чет элликларнинг кириб келиши Кореяning кейинги ривожига қандай таъсир кўрсатди?
5. XIX аср охирларида Япония билан Хитой муносабатлари Кореяning тақдирига қандай таъсир кўрсатди?

## XIX БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ

XIX асрга келиб Жануби-Шарқий Осиё (ЖШО) мамлакатлари асосан Франция, Голландия ва Буюк Британия томонидан бўлиб олинган эди. Бу минтақанинг мустамлака даври тарихи тўғрисида олимлар ўртасида ҳар хил қарааш мавжуд. Баъзи олимлар Фарбнинг асосан «цивилизаторлик миссиясига» ургу беришиб, минтақа халқларининг Европа фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлганлиги тўғрисида ёзишса, бошқалари, маҳаллий аҳоли орасида хўжалик юритишининг ва ижтимоий муносабатларнинг қолоқ шакллари консервациялашуvida европалик мустамлакачиларни айблашадилар. Жараёнга баҳо беришдаги муҳим факторлардан бири диний фактор бўлиб, XIX асрга келиб ЖШО мамлакатларида қуидаги динлар кенг тарқалган эди: буддавийлик (Хиндихитой мамлакатлари, Бирма ва Таиланд), ислом (Индонезия, Малайзия, Бруней ва Филиппиннинг жануби), христианликнинг католик мазҳаби (Филиппин ва Вьетнамнинг жануби).

**Вьетнам.** Нгуенлар ҳокимиётга келган даврда мамлакат хароб аҳволда бўлиб, ирригация иншоотлари вайрон қилинган, ерларнинг катта қисми ташландик ҳолда, дехқонларнинг катта қисми иложсизликдан ўз ерларини ташлаб кетган эдилар.

За Лонг маъмурий бўлинишни ва давлатнинг номини ўзгартирди – энди у Вьетнам деб аталадиган бўлди. Шунингдек, молия ва ҳарбий соҳалари ҳам ислоҳ қилинди. Доимий равишдағи ташқи алоқалар факат Хитой билан олиб борилди, Камбоджа

устидан тэйшонлар құзғолони пайтида йүқотилган Вьетнам сюзеренитети 1805 йили тикланды. 1827 йили Вьетнам сюзеренитети Лаос ерлари устидан ҳам үрнатилди. 1812 йили «Зя Лонг кодекси» эълон қилиниб, у XV асрдан бери амалда бўлган қонунлар мажмуаси үрнига жорий қилинди.

Хитой билан муносабатларда ҳам катта ўзгариш бўлиб, Зя Лонг ҳокимиятга келган 1802 йилдан бошлаб Цинлардан ҳокимиятни бошқаришга расмий ижозат (инвеститура) олди, 1845 йилдан эса Вьетнам императори Пекинга ҳеч нарса тўламай қўйди.

**Французлар томонидан Вьетнамнинг босиб олиниши.** Вьетнамга бостириб кириш 1857 йил ноябрга мўлжалланган бўлиб, «иккичи афюн уруши» бошланганлиги сабабли қолиб кетди. 1858 йил августда француз-испан бирлашган ҳарбий-денгиз кучлари Данангга хужум бошлиши билан то 1884 йилгача давом этган Вьетнамни мустамлакага айлантириш жараёни бошланди. 1861 йилнинг декабрига келиб французлар Жанубий Вьетнамнинг тўртта провинциясини эгалладилар. Бир қатор музокаралардан сўнг, 1862 йил июнда иккала давлат ўртасида шартнома имзоланиб, унга католик миссионерлар Вьетнам ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини олди, Сайгон ва Биенhoa провинциялари расман французлар назорати остига ўтди, чет элликларга (биринчи үринда французларга) консуллик ҳимояси жорий қилинди ва улар Вьетнам ҳудудида эркин ҳаракатланадиган бўлдилар, шунингдек, Вьетнамнинг муҳим портлари француз савдоси учун очилди. Хюэда французларнинг, Парижда эса вьетнамликларнинг дипломатик миссиялари очиладиган бўлди. Император Ти Дик французларга қуролли қаршилик кўрсатишни тұхтатиши тұғрисида буйруқ берди. Аммо ҳамма фуқаролар ҳам бу буйруқка бўйсунмадилар ва қаршилик кўрсатиш яна анчагача давом этди.

Ти Дик бир томондан Хитойнинг ёрдамини кутаётган бўлса, иккичи томондан французлар билан тинчлик шартномасига умид boglaётган эди. Хитойнинг ёрдамини тулиқ барбод қилиш мақсадида французлар 1867 йили Жанубий Вьетнам ҳудудини бутунлай босиб олиб, Кохинхинага француз губернаторини тайинладилар.

Францияда Иккичи империянинг агдарилиши билан боғлиқ бир оз танаффусдан кейин французлар Вьетнамда босқинчилик ҳаракатларини яна бошлаб юбордилар ва қаттиқ жанглардан сўнг 1874 йили бир қатор шартномалар имзоланди. Уларга биноан Жа-

нубий Вьетнамнинг французларга ўтганлиги тўлиқ тан олинди ҳамда французларга яна бир қанча имтиёзлар берилдики, булар Вьетнамнинг уларга қарамлигини янада оширди. Французлар мустамлакачиликнинг иқтисодий усулларидан ҳам кенг фойдаландилар. Улар XIX асрнинг 60–80-йилларида Кохинхинада арzon ерларни олди-соттиси билан шуғулланиб, бундан катта фойда олган бўлсалар, 70-йиллардан бошлаб забт этилган ерларда капиталистик хўжаликни ривожлантиришга киришдилар.

1875 йили Сайгонда устав жамғармаси 8 миллион франк бўлган Ҳиндихитой банки очилди. Банк Ҳиндихитой давлатларининг бар-часида муомалада бўлган ҳиндихитой пиастрини чиқариш ҳуқуқини ҳам олди, аста-секин минтақанинг фақат иқтисодий эмас, сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнай бошлади. Кохинхинанинг бюджети ҳам ортиб борди. Агар 1862 йили у 1 млн 344 минг франкни ташкил қилган бўлса, 20 йилдан кейин 20 млн франкка етди.

Жанубий Вьетнамда «ассимиляция» ғояси тарафдори бўлган губернатор Л.М. де Вилер 1880 йили Мустамлака Кенгашини тузди. Унга 10 нафар француз ва 6 нафар маҳаллий фуқаро аъзо бўлди.

1882 йил баҳорда французлар Ханойни босиб олдилар. Император Ти Дик ёрдам сўраб Хитойга мурожаат қилди ва Хитой ўзининг ҳали ҳам формал вассали ҳисобланган Вьетнамга ёрдам қўшинини жўнатди.

1883 йили вьетнамликлар французларга Ханой яқинидаги қатор зарбалар берди. Уруш авжига чиқсан пайтда император Ти Дик вафот этди ва саройдаги турли гуруҳлар ўртасида таҳт учун кураш бошланиб кетди.

1884 йил майда Франция билан Хитой ўртасида шартнома имзоланиб, унга кўра Хитой қўшинлари Вьетнамдан чиқиб кетди. Шу йили августда Франция билан Вьетнам ўртасида протекторат тўғрисида шартнома имзоланди. 1885 йили имзоланган шартномага кўра Хитой Вьетнам устидан Франция протекторатини тан олди ва ўз сюзеренитетидан воз кечди. Французпаст Вьетнам зодагонлари французлар ёрдамига таяниб 1885 йили таҳтга Донг Кханни ўтқазишидди. Шундан кейин ҳам, то XIX асрнинг охиригача французларга қарши қуролли ҳаракат тұхтамади. Бу курашнинг кўзга кўринган арбоблари Фам Дин Фунг ва Хоанг Хоа Тхамлар бўлди.

1874 йилги Сайгон шартномасининг имзоланиши французларнинг Марказий ва Шимолий Вьетнам ҳудудларига кириб бо-

риши учун имконият яратди. 1885 йил имзоланган Тяньцзин шартномасидан кейин Вьетнам тарихида янги давр – Франция мустамлака империяси таркибидаги даври бошланади.

1887 йили Франция Ҳиндихитой иттифоқининг тузилганлигини эълон қилди. Унга Вьетнам уч қисмдан иборат таркибда қўшилди: битта мустамлака – Кохинхина – ва иккита протекторат – Аннам ва Тонкин. Буларнинг ҳар бири французларга тобе бўлган ўз маъмуриятига эга эди.

**Камбоджа.** XVIII асрнинг ярмидан то француздар мустамлакаси ўрнатилгунча икки томонлама вьетнам-сиам сюзеренитети остида бўлди. 1845 йили Сиам ва Вьетнам ўртасида бу ҳақда шартнома имзоланди. Кирол Анг Дуонг иккала ташқи куч ўртасида муроса ўрнатиш, айни пайтда мамлакат ичкарисида ўз мавқенини кучайтиришга ҳаракат қилди.

Ички сиёсат борасида Анг Дуонг асосий эътиборни иқтисодни ислоҳ қилишга қаратиб, бир қатор тадбирларни амалга оширеди. Унинг даврида қишлоқ хўжалиги тикланди, йўл қурилиши яхшиланди, судхўрларнинг хукуқлари чекланиб, солиқ тизими тартибга солиниши натижасида жамиятдаги танглик барҳам топди.

Давлат ҳәётининг муҳим масалаларини Камбоджанинг раҳмий мағкураси ҳисобланган буддавийлик динининг маънавий обрусига таяниб якка ўзи ҳал қиласиган сдатнинг ҳокимияти янада кучайтирилди. Анг Дуонг Камбоджанинг сиамликлар назорати остида қолаётган ғарбий ва шимолий худудларини озод қилиш учун армияни янги юришга тайёрлай бошлади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Камбоджада ерга эгалик тизими ва асосий табақалар тўлиқ шаклланди. Ер юридик жиҳатдан олий ҳукмдорнинг мулки ҳисобланади. У ерни ўз фуқароларига бўлиб беради ва агар эгалик қилувчи ворис бўлмаса олиб қўяди. Амалда эса ердан фуқаролар хусусий мулк сифатида фойдаланар эди.

**Камбоджа устидан Франция протекторатининг ўрнатилиши.** 1860 йили Анг Дуонг вафот этгандан сўнг тахтга унинг ўғилларидан бири – Нородом келди ва у 1904 йилгача ҳокимиятни эгаллаб турди. Камбоджанинг Франция протекторатига айлантирилиши унинг даврига тўғри келди.

Француздарнинг Камбоджа ички ишларига аралашиши 1862 йили Франция билан Вьетнам ўртасида шартнома имзолангандан сўнг бошланди. 1863 йил август ойининг бошларида фран-

цузлар вакили Ла Грандьеर Камбоджанинг Франция протекторати остига ўтишига қирол Нородомни кўндириди. Шу тариқа Франция – Камбоджа шартномаси имзоланди, аммо у ўша пайтда расман эълон килинмади.

Бу шартномага биноан Франция императори Наполеон III Камбоджани ўз протекторатига олади. Франция бу ерда ўз вакилига эга бўлиш хуқуқини ҳам олди. Биронта чет давлат фуқароси Жанубий Вьетнам губернатори ва Камбоджадаги француз ваколатхонасининг рухсатисиз бу мамлакатда бўлиши мумкин эмасди. Французлар учун барча портлар очилиб, улар мамлакат худудида эркин ҳаракатланиш ва савдо килиш хуқуқни олдилар. Камбоджаликларга нисбатан судлов ишларини олиб бориш кхмер суд органлари ихтиёрида қолди. Французлар билан камбоджаликлар орасида можаро пайдо бўлганда иш Камбоджа амалдори қузатувида француз судъяси томонидан куриб чиқилиши белгилаб қўйилди. Католик миссионерларга Камбоджанинг барча судида эркин ҳаракатланиш хукуқи берилди. Французларнинг барча уринишларига қарамасдан уларга Камбоджа худудида ер олди-соттиси билан шугулланишга рухсат берувчи банд шартномага киритилмади.

1863 йилги Франция-Камбоджа шартномаси кхмер жамиятининг катта қисмида норозилик туғдирди. Бу норозиликлар 1864–1866 йиллари Суа бошчилигига ва 1865–1867 йиллари По Камбау бошчилигидаги ҳалқ қўзғолонларида ўз ифодасини топди.

Нородом Франциянинг иштирокини зарур деб ҳисобларди, чунки, биринчидан, яқиндагина унинг сюзерени бўлган Вьетнам ҳам бугун Францияга қарам, иккинчидан, энди французларнинг ёрдамисиз Камбоджа ерларини сиамликлар хавфидан саклаб қолишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун қирол мумкин бўлган иккита ёмонликдан бирини, унинг фикрича енгилроғини – Францияни танлади.

1864–1867 йиллари Франция билан Сиам ўртасида музокаралар бўлиб, улар Камбоджанинг улар ўртасида тақсимланиши билан якунланди. 1867 йили имзоланган француз-сиам шартномасига биноан Камбоджанинг Батамбанг ва Ангкор (Сиемреап) провинциялари Сиамга қушиб берилди.

Камбоджада французлар позициясининг мустаҳкамланишида улар ўртасида тузилган 1882 ва 1884 йилги шартномалар катта аҳамиятга эга бўлди. Агар биринчи шартнома Камбоджага Сайгон

орқали қурол кириб келишини тақиқлаган бўлса, иккинчиси, амалда Камбоджани ўз суверенитетидан маҳрум қилди.

1884–1896 йиллари қиролни французлар ҳокимиятидан ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракат бўлиб ўтди. Нородомнинг даъватига кўра французларга қарши партизанлар кураши бошланди. Натижада 1886 йили қиролга 1884 йилги шартнома бўйича у маҳрум қилинган қатор имтиёз ва функциялар қайтариб берилди. Французлар Камбоджа монархига нисбатан анча эҳтиёткор сиёsat юрита бошладилар.

**Лаос.** XVIII асрнинг 70–80-йилларида Вьентъянга Сиам бостириб кирди ва ўз вассалига айлантириди.

Вьентъяннинг энг машҳур ҳукмдорларидан бири 1805 йили таҳтага келган Чао Ану бўлиб, у мамлакатни қарамлиқдан халос қилиш учун ҳаракат қилди. Шу мақсадда у Вьетнам ҳукмдори Зя Лонг билан яқинлашади. У 1826 йили Сиамга қарши уруш бошлайди, аммо бир йилдан кейин унинг қўшинлари тор-мор қилинади. Чао Ану ёрдам сўраб Вьетнамга мурожаат қиласди, бироқ бу унга энди ёрдам бера олмайди. 1831 йили уни сиамликлар асир оладилар. Вьентъян вайрон қилиниб, Сиамнинг битта провинциясига айлантирилди. Шундай тақдир Мианг Чаннинъ давлатига ҳам насиб қилди. У Вьетнамнинг таркибиға қўшиб олинди.

Чампассак ҳам Сиам назорати остида бўлсада, ўз ҳукмдорига эга эди. Луанг Прабанг давлати эса бу пайтда турли гурухлар ўртасидаги ўзаро курашлардан азият чекаётган эди. Бу давлатнинг ўша пайтдаги ҳукмдори Манта Турат Вьетнам императорига мурожаат қилиб, ўз давлати таркибиға вассал сифатида қўшиб олишини ва сиамликлар зулмидан озод бўлишда ёрдам беришини илтимос қиласди. Аммо Вьетнам императори бу мураккаб жараёнга аралашишни истамаганлиги сабабли илтимосни қабул қилмайди.

1872 йили, Манта Турат ўлгандан уч йил ўтгач Луанг Прабанг таҳтига унинг ўғилларидан бири Ун Кхам келади ва 1894 йилга ча мамлакатни бошқаради. Айнан шу даврда унинг давлати устидан назорат ўrnатиш учун Буюк Британия томонидан қўллаб-куvvatlanngan Сиам билан Франция ўртасида кураш бошланади. Анча тортишувлардан сўнг 1886 йили Франция билан Сиам ўртасида икки томонлама шартнома имзоланиб, Луанг Прабанг худудида французларнинг консуллик идораси очилди ва Луанг

Прабанг билан Вьетнам чегараларини аниқлаш бўйича комиссия ташкил қилинди.

1889 йили Лаос ерларида француз бизнесининг истиқболларини ўрганиш мақсадида экспедиция ташкил қилинади.

1892–1893 йиллари Буюк Британия билан Франция ўртасида минтақадаги таъсир доираларини аниқлаш ва бу мураккаб жараёнда Сиамнинг ўрнини белгилаш бўйича музокаралар олиб борилди.

1893 йил апрелида Ҳиндихитой иттифоқининг француз генерал-губернатори буйруғи билан Лаос ҳудудига кўшин киритилди. Сиамга ультиматум эълон қилинди ва зарур бўлганда куч ишлатиш мумкинлиги айтилди. Натижада Сиам ўзининг Лаос ерларига бўлган барча даъволаридан воз кечиб, Франция билан бу хақда шартнома имзолади. Лаос ҳудудлари Франция протекторати остига ўтди.

Шундай қилиб, Франция Ҳиндихитойдаги ўз ҳудудларини анча кенгайтирди, Сиам эса бир қатор ҳудудлардан айрилди. Натижада Янги давр тарихида биринчи марта Лаос деб аталган давлат уюшмаси пайдо бўлди. Бу давлатни ташкил килган ҳудуд учта маъмурий қисмга ажратилди ва бу 1893 йил 2 декабрдан кучга кирди. Луанг Прабанг Тонкин резидентига, юқори Меконг – Аннам ҳукуматига, ўрта Меконг эса – Кохинхин губернаторига бўйсундирилди. Аммо бу бўлиниш Ҳиндихитой иттифоқи аъзолари ўртасида доимий тортишувларга сабаб бўлаётган эди. Шу бонс француз ҳукумати Лосснинг янги маъмурий бўлиниш режасини ишлаб чиқди. 1895 йили Лаос ҳудуди иккита автоном районга – Юқори ва Қўйи Лаосга ажратилди. Ҳар бир район ҳудудида олий резидент турарди. Бундай бўлиниш 1899 йилгача амал қилди.

**Мьянма (Бирма).** XVIII аср охири – XIX аср бошларида Бирма яна Буюк Британия ва Франциянинг эътиборини ўзига жалб қилди. 1795 йили инглизлар Ҳиндистондан Бирмага элчилар жўнатиб, икки томонлама ҳамкорликни янада яхшилашни таклиф қилдилар, аммо кутилган натижага эришилмади. 1811–1815 йиллари Бирма қўшинлари бу ерга Бенгалия ҳудудидан кириб келган аракан исёнчиларига қарши муваффакиятсиз кураш олиб борди. Бирмаликлар вужудга келган ҳолатда асосли равишда инглизларни айбладилар, натижада томонларнинг муносабатлари янада кескинлашди.

1816–1821 йиллари бирмаликлар Ассамга қарши уруш олиб бордилар ва ниҳоят бу ҳудуднинг Бирмага қўшилганлигини эълон қилдилар. Ассамнинг таҳтдан туширилган ҳукмдори энди инглиз-

ларга қарашли бўлган худуддан Бирмага қарши ҳарбий операция тайёрлай бошлади. Инглизлар уларни Бирма хукуматига беришдан бош тортди ва шу пайтгача Бирманинг таъсир доирасида ҳисобланган Манипурни Буюк Британия протекторати деб эълон килди. Шу тариқа биринчи инглиз-бирма уруши учун асос яратилиди.

Инглизларнинг бирмаликлар билан тўкнашуви Качар худудида бошланди, бу ерга бирмаликлар манипурлик партизанларни қувиб кириб қолган эдилар. 1824 йил 5 марта Буюк Британия Бирмага уруш эълон килди. Инглиз қўшинлари бир қатор худудларни эгаллаганларидан сўнг, 1825 йили тинчлик музокаралари бошланиб, 1826 йил февралда сулҳ имзоланиши билан якунланди. Бирма Аракан, Тенассерим, Ассам ва Манипур ерларидан инглизлар фойдасига воз кечишига мажбур бўлди. Бундан ташқари, бирмаликлар Амарапурдаги Британия резидентини тан олиш, Бирмадан ғарбда жойлашган князликларга нисбатан ўз манфаатларидан воз кечиш ҳамда 1 млн ф. ст. контрибуция тўлаш мажбуриятини олдилар. Аммо 1837 йили ҳокимиятга келган янги ҳукмдор Таравади 1826 йилги шартномани тан олишдан бош тортди. Мамлакат ичкарисида солиқлар оширилишидан норози бўлган деҳқонларнинг ҳаракатлари бошланиб кетди. Бундан инглизлар мамлакатнинг шоли етиштириш базаси бўлган жанубий худудларни босиб олишда фойдаландилар.

Иккинчи инглиз-бирма уруши 1852 йили бошланиб, инглизларнинг катта устунлиги туфайли улар тезда мақсадларига эришидилар – Пегу босиб олинди. Ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгандан сўнг Бирма тахти учун ўзаро кураш бошланиб кетди. Пойтахт Мандалайга кўчирилди. Янги монарх Миндон бир қатор ислоҳотлар ўтказиб, мамлакатни қолоқлиқдан олиб чиқишига ҳаракат килди. У маҳаллий амалдорларнинг ҳуқуқларини чеклашга уринди, 10 физли ягона солиқ жорий қилди, телеграф ва шу кабилар қуришни бошлади. Бу мақсадлар учун у Франция, Италия ва бошқа бир қатор мамлакатлардан мутахассислар таклиф килди. Ташки дунёдан ажralганлик ҳолатидан кутулиш учун бир қатор Европа давлатлари га дипломатик миссиялар жўнатилди. Уша пайтда Буюк Британия Ҳиндистондан Хитойга қуруқлик орқали борадиган йўлни излаётган бўлиб, бу йўл Бирма орқали ўтиши мумкин эди. 1867 йили иккала давлат ўртасида шартнома имзоланиб, унга кўра Бирмага олиб кириладиган инглиз товарларига қўйиладиган бож солиғи камай-

тирилди. 1879 йили икки орада вужудга келган можарони Бирма томони ҳал этиш учун уринишига қарамасдан, Буюк Британия у билан үз муносабатларини узганлигини эълон қилди.

1885 йил 14 ноябрда харбий харакатлар бошланиб, 28 ноября инглизлар Бирма пойтахтини босиб олдилар. Монарх ва унинг оиласи мамлакатдан қувиб юборилди. 1886 йил 1 январда Хиндистон вице-қиролининг Бирмани Буюк Британия мустамласига айлантириш, унга Британия Хиндистонининг провинцияси мақомини бериш тұғрисидаги манифести эълон қилинди. Аммо бирмаликларнинг қаршилик қаралтлари 1895 йилгача давом этди.

Инглизлар янги маъмурий тақсимлаш үтказиб, Бирмани вилоят ва округларга бўлдилар, ўрта ва юқори бўғин амалдорлар инглизлардан, куйи бўғин амалдорлар эса маҳаллий аҳолидан тайинланадиган бўлди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада инглизлар шоли етиштиришни қўллаб-қувватлашга, экин майдонларини кенгайтиришга қаратилган сиёsat олиб бордилар. Товар ишлаб чиқаришга йўналтирилган шоличилик хўжаликлари пайдо бўлди, Бирмага ҳинд ишчиларини кўчириб кела бошладилар. Бундан ташқари ўрмончилик, нефть ва кончилик ҳам ривожлана бошлади. Бирма миллий буржуазияси ҳам шу даврда шаклланди.

1897 йили Бирмада инглизларга мухолифатда бўлган биринчи сиёсий ташкилот – Буддавийликни ҳимоя қилиш жамияти тузилиб, у үз олдига барча маданий-маърифий ишларни жонлантириш мақсадини қўйди.

**Индонезия.** 1802 йили Голландия Франциянинг протекторатига айлантирилди, 1810 йили эса бутунлай Франция таркибига қўшиб олинди. 1807 йили Наполеон Бонапарт маршал Дандельсни Индонезиянинг губернатори этиб тайинлади. Унга Индонезияни инглизлар ҳужумидан ҳимоя қилиш вазифаси топширилди. Бироқ 1811 йили Индонезия қирғокларига сузиб келган Хиндистон генерал-губернатори Минто бошчилигидаги инглизлар эскадраси деярли жангиз Батавияни эгаллаб олдилар. Бу ердаги голландияликлар таслим бўлиш ҳакида актни имзоладилар. Шу тариқа Индонезия Буюк Британия назорати остига ўтиб қолди.

Инглизлар Индонезияни тұртта маъмурий бирликка – Малакка, Гарбий Суматра, Молукки ва Явага ажратдилар. Бу ҳудудлар ичидә инглизлар учун муҳими Ява ороли эди. Улар губернатор

Рафльсон бошчилигига Ҳиндистондаги тажрибадан келиб чиқиб инглиз капиталини ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширедилар. Ява оролидаги барча ерлар Буюк Британия ҳукуматининг мулки деб эълон қилинди. У ердаги дехқонлар арендаторлар бўлиб қолдилар. Солик тизими ҳам йўлга қўйилди.

Тез орада Жокъякарта ерлари ҳам қўшиб олиниб, ҳокимият инглизларга маъқул бўлган ҳукмдорга топширилди. Шу тариқа 1811 йили Палембанг ҳудудининг бир қисми, 1813 йили Бантам ҳам қўшиб олинди.

Францияда Наполеон маглубияттага учрагандан сўнг Голландия ўз мустакиллигини тиклади ва Индонезиядаги ўз мустамлакаларини қайтариб олиш истагини билдириди. Буюк Британия Голландия ерларининг бир қисмини қайтариб беришга қарор қилди. 1814 йили имзоланган инглиз-голланд шартномасига биноан Голландияга Индонезияда илгари унга тегишли бўлган барча ерлар қайтариб бериладиган бўлди. Аммо бу жараён анча узокка чўзилди. 1824 йили иккала давлат ўртасида янги шартнома имзоланиб, Индонезияда таъсир доиралари қайта таксимланди. Голландлар Аченинг мустакиллигини ва бу ерда инглизларнинг алоҳида манфаатларини тан олди, инглизлар эса Суматра ва бошқа бир қатор ҳудудлар устидан ўз назоратини ўрнатиш режасидан воз кечдилар. Голландлар инглизлар ўрнатган тартибларни бекор қилиб, уларгача ўzlари ўрнатган тартибларни қайтадан жорий қилдилар. Князликларда европаликларнинг арендага ер олишлари тақиқланди, эски солик тизимиға қайтилди. Бундан маҳаллий зодагонлар ҳам, дехқонлар ҳам бирдай норози бўлдилар. Норозилик айниқса Ява оролида кучли эди. Натижада маҳаллий аҳолининг мустамлака давридаги энг катта қўзғолони бошланди.

Қўзғолонга Дипонегоро исмли киши етакчилик қилди. У Жокъякартада ҳокимиятдан четлатилган сultonлар қавмидан эди. Қўзғолоннинг мафкуравий асоси ислом дини бўлди. Қўзғолончилар 1825 йили пойтахтни эгаллаб, Дипонегорони янги сulton деб эълон қилдилар. Голландлар христиан динидаги аҳолини ва маҳаллий зодагонларнинг бир қисмини ўз томонларига оғдиришга муваффак бўлдилар. 1830 йили голландлар тинчлик музокараларига келган Дипонегорони алдов йўли билан тутиб олиб, чекка ороллардан бирига сургун қилдилар ва шундан сўнг қўзғолон бостирилди. Дипонегоро эса яна чорак аср яшаб, ўша оролда вафот этди.

XIX асрнинг 40-йилларидан Индонезия архипелагининг «эгалланмаган» қисмига инглизлар ва АҚШ қизиқиши билдира бошлади. Бу ҳол голландларни ҳам хавотирга солиб кўйди ва фаол босқинчилик ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Натижада 1846 йилдан 1860 йилгача улар навбатма-навбат Бали ва Ҷарбий Борнеони босиб олдилар. 60-йилларнинг бошига келиб Суматрада факат Аче ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

*Индонезия XIX асрнинг иккинчи ярмида.* XIX аср 50-йилларидан бошлаб Индонезияни эксплуатация қилиш тизимида инқизорз бошланди. Голландлар учун фойдали хисобланган экинларни мажбурлаб эктириш тизими фойда бермай кўйди. 70-йиллардан бошлаб шакарқамиш етиштирувчи хусусий плантациялар вужудга келди. Тегишли ҳужжатга эга бўлмаган хусусий ерлар давлат ҳисобига олиб кўйила бошланди. Ҳужжатга эга бўлган дехқонларнинг катта қисми ер эгаси бўлиб олдилар. Саноат корхоналари ва банклар ҳам ерга эгалик қила бошладилар. XIX асрнинг охиридан плантация хўжалиги эҳтиёжлари учун ирригация иншоотлари курила бошланди.

Айни пайтда АҚШ ва Буюк Британия ҳам Индонезияга фаол иқтисодий жиҳатдан кириб кела бошладилар. Аче сultonлигини бўйсундириш учун кураш бошланди. 1871 йилги Суматра трактатига биноан Буюк Британия Аченинг голландлар томонидан забт этилишига у ерда голландлар ва инглизларнинг ҳуқуқлари тенг бўлиши шарти билан розилик беради. 1873 йили тарихда Аче уруши деб ном олган уруш бошланади. Уруш бир қанча босқичлардан ўтиб, 1913 йилгача давом этади.

1874 йили Аче Голландиянинг мустамлакалари таркибиغا кўшилади, аммо маҳаллий аҳолининг қаршилиги яна узоқ давом этади. Маҳаллий аҳолига Теуку Умар исмли киши бошчилик қиласди. Улар ислом дини шиори остида барча қаршилик кўрсатиш кучларини бирлаштирадилар. Голландлар барча босқинчиларнинг синалган усулини кўллаб, зодагонларнинг бир қисмини сотиб олади ва улар орасида низо келтириб чиқаради. 1899 йили Теуку Умар ҳалок бўлади ва қаршилик кўрсатиш ҳам аста-секин сўниб боради.

XIX аср охирларида Индонезия худудида 300 га яқин князликлар бўлиб, улар ўзларининг бошқарув тизимига эга эди, аммо барчаси улар бюджетини белгилайдиган Нидерландия Ҳиндистони<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Индонезия голландлар томонидан забт этилгандан сўнг узоқ вақт расмий ҳужжатларда «Нидерландия Ҳиндистони» деб юритилган (дастлаб Америка ҳам «Испания Ҳиндистони» деб аталган).

маъмуриятига бўйсунарди. Умуман Индонезия архипелаги таъсир доираларига қуидагича бўлинган эди: Саварак ва Шимолий Борнео Британия назорати остида, Тимор оролини Португалия назорат қиласди, Янги Гвинея Буюк Британия ва Германия ўртасида бўлинган. 1885 йили Шимолий Борнео (Сабах) худудини Испания Буюк Британияга беради. Янги Гвинеяни ҳам шу йили Буюк Британия Германия билан бўлишиб олади.

**Тайланд (Сиам).** 1795 йили Сиамга Бирма қўшинлари бостириб кирди. Уруш ҳаракатлари XIX асрнинг бошларигача давом этди. Кучли рақиб билан курашда Сиам ўз мустақиллигини сақлаб қола олди. 1828 йилга келиб Въентъян худуди ҳам Сиамга қўшиб олинди, Луанг Прабангнинг ҳам васссал қарамлиги кучайди.

1824 йили биринчи инглиз-бирма урушлари бошлангандан сўнг, Сиам Буюк Британиянинг шу худуддаги иттифоқчисига айланди. 1826 йили иккала давлатнинг ўзаро, шунингдек, Малай князликлари билан муносабатларини белгиловчи шартнома имзоланди. Натижада Сиам ўзининг Селангорга бўлган хукукларидан воз кечишга мажбур бўлди.

XIX аср ўрталарига келиб Сиам анча катта худудга эга бўлган давлат эди. Унинг ташқи алоқалари ҳам кенгайди, хунармандчилик ривожланди. Анъанавий равишада этник хитойлар яшайдиган шаҳарлар айниқса тез тарақкий этди.

XIX асрнинг бошларида Буюк Британия бу ерда ўз иқтисодий позициясини кучайтиришга ҳаракат қилди. 1833 йили Сиамга АҚШ кириб келди ва иккала давлат ўртасида савдо шартномаси имзоланди.

XIX аср ўрталарида Таиландда биринчи саноат корхоналари ва ёлланма ишчилар пайдо бўлди. Пойтахт Бангкок аҳолиси 500 минг кишидан ошиб кетди. Мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмida янги замонавий шаҳарлар – Уbon, Стунг Тренг ва бошқалар пайдо бўлади. XIX асрда Таиланд аниқ худудий чегараларга эга эмасди. Унинг аҳолиси 6 млн киши бўлиб, шундан 1 млн ни этник малайлар, шунча лаослар, 500 минг кхмерлар эди. Тайларнинг ўзи мамлакат аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил қиласди.

1851–1868 йиллари Таиланд таҳтида ўтирган Рама IV қобилиятли ислоҳотчи бўлиб, ўз давлатини мустаҳкамлашга, Ғарб давлатлари босқинига қарши турға оладиган, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли қилишга ҳаракат қилди. У давлат монополиясини бекор

қилди, янги давлат мафкурасини шакллантириш максадида будда-  
вийликнинг янги мазҳабини ташкил қилди.

1855 йили инглизлар куч ишлатиш хавфи билан қўрқитиб, Сиам-  
ни тенг бўлмаган шартномани имзолашга мажбур қилди. Унга бино-  
ан инглизлар Сиам худудида экстерриториалликка ва инглиз товар-  
ларини чекланмаган микдорда олиб кириш ҳукуқига эга бўлдилар.  
1856–1862 йиллари Сиам худди шундай тенг бўлмаган шартнома-  
ларни АҚШ, Франция, Дания, Португалия, Голландия ва Пруссия  
 билан ҳам имзолашга мажбур бўлди. 1867 йили Сиам ўзининг Кам-  
боджага бўлган ҳукуқларидан воз кечишга мажбур бўлди, аммо ҳар  
қалай у Батамбанг ва Сием Реапни ўзида сақлаб қолди.

Бу пайтда Сиам жаҳон бозорига гўшт, гуруч, ширинликлар ва  
ёғоч етказиб берарди. Экспортнинг асосий қисмини гуруч ташкил  
қиласарди. Мамлакатда капитализм элементлари ҳам ривожлана бош-  
лайди. Асосан этник хитойликлардан ташкил топган маҳаллий бур-  
жуазия шаклланади. Бангкокда Буюк Британия мустамлака банк-  
ларининг бўлимлари очилади. Капиталистик муносабатлар ривож-  
ланиши билан шаҳарларга иш излаб келган ерсиз деҳқонлар сони  
кўпайди. Улар сафини хитойлик эмигрантлар ҳам тўлдириб борди.

XIX асрнинг охирги чорагида мамлакатда бир қатор ислоҳотлар  
бошланиб, XX асрнинг бошларида якунланди. Ислоҳотлардан  
кўзланган асосий мақсад, мамлакат иқтисодини ва ижтимоий му-  
носабатларни модернизациялаш учун шароит яратишдан иборат  
эди. Ислоҳотларнинг энг муҳимларидан: айрим кироллик монопо-  
лиялари бекор қилинди, солик ислоҳоти амалга оширилди, давлат  
мануфактуралари ташкил қилинди, куролли кучлар Европа усулида  
қайта курилди, 1874 йилдан қулликни, мажбурий ишлаб беришини  
(баршчина), мажбурий ҳарбий хизматни бекор қилиш бошланди.

1899 йилдан темир йўллар қурилиши бошланди, ботқоқ ерлар-  
нинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилди. Натижада  
гуруч экспорт килишдан олинадиган даромад тўхтовсиз ўсиб борди.  
Сиамликлар европаликларга иқтисодий имтиёзлар бериш эвазига  
уларнинг сиёсий таъсирини камайтиришга ҳаракат қилди.

XIX асрнинг охирида Сиам устидан назоратни қўлга кири-  
тиш учун Буюк Британия ва Франция ўртасида кураш бошланиб  
кетди. 1896 йили Сиамни таъсир доираларига булиш тўғрисида  
инглиз-француз шартномаси имзоланди. Ўша пайтда Франция-  
нинг иттифоқчиси бўлган Россия 1899 йили Сиам билан Фран-

ция ўртасида шартнома тузилишига кўмаклашди. Қирол миннатдорчилик рамзи сифатида Сиам армиясида русларнинг ҳарбий кийимини жорий қилди. Сиамнинг гимни ҳам рус композитори П.А. Шуровский томонидан ёзилди.

**Филиппин.** XIX асрнинг бошларида Европа давлатларининг Осиёдаги мустамлакалари ичida энг қолоғи Филиппин бўлиб, бу ерни эгаллаб олган Испания билан ҳам тўғридан-тўғри савдо алокалари ўрнатилмаган эди.

XIX асрнинг бошларида Филиппин архипелагига АҚШ ва айrim Европа давлатлари кизиқиш билдира бошлади. 1834 йили Манила, кейинроқ бошқа портлар ҳам эркин порт мақомини олдилар. Европа ва АҚШга қанд, индиго, қаҳва ва бошқа бир қатор товарлар экспорти, у ерлардан эса саноат молларининг импорти йўлга қўйилди. Мамлакатда ягона ички бозор, ёлланма меҳнат ва дастлабки мануфактуралар пайдо бўлди. Маҳаллий зодагонлар бойиб, миллий саноат шакллана бошлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан маҳаллий элита ичдан буржуя ислоҳотлари ўтказиш учун муҳолифат ҳаракати шаклланади. Бу ҳаракат айниқса метрополияда (Испания) 1868 йилги буржуя инқилобидан сўнг кучаяди. Пойтахт Манилада маҳаллий ер эгалири ва миллий буржуазиянинг либерал вакилларидан, шунингдек, интелигенция, рухонийлар ва ўқувчи ёшлардан иборат иккита яширин ташкилот тузилди. Улар Филиппинни Испаниянинг провинцияларидан бирига айлантириш ва унинг ҳудудида метрополия қонунларининг жорий қилиниши талаби билан чиқдилар. Ҳаракат қатнашчилари, шунингдек, католик черковининг ролини чеклаш, қавм черковларини маҳаллий аҳолидан чиқсан руҳонийларга бериш талабини ҳам қўйдилар. Бироқ 70-йиллардан испанлар мустамлака зулмини кучайтириб, муҳолифатчиларни қувгин қила бошлади. Муҳолифатчиларнинг бир қисми Испанияга келиб, испанлар орасида ташвиқот олиб бора бошладилар. «Ташвиқот ҳаракати» деб номланган бу йўналишнинг кўзга кўринган вакилларидан бири Хосе Рисаль (1861–1896) бўлиб, унинг асарларида филиппинликларнинг миллий ғурури ҳақида ташвиқот қилиниб, уларни испан зулмидан озод қилиш учун курашга чакиради.

1889 йили муҳолифатчиларнинг нашр органи – «La Салидаридад» газетаси чиқа бошлайди. Кейин «ташвиқотчилар ҳаракати» Испаниядан Филиппинга ўтади. 1892 йили X. Рисаль ҳам ватани-

га қайтиб келади ва пойтахтда биринчи сиёсий ташкилот – Филиппин лигасини ташкил қиласы. Лиганинг бош маңсади тинч усуллар билан ислоҳотлар учун кураш деб эълон қилинади. Шунга қарамасдан X.Рисаль қамоққа олиниб, Минданоа оролига сургун қилинади.

1893 йили Лига тарқатилиб, А.Бонифацио бошчилигига янги мухолифат ташкилот – Катупунан (Халқ ўғлонлари олий иттифоки) сиёсий майдонга чиқади. Катупунан «ташвиқотчилардан» фарқли равишда куролли қўзғолонга чақириклар билан чиқади.

Катупунан ташабуси билан 1896 йили қўзғолон бошлангандан сўнг; курашнинг зўравонликларсиз йўлини танлаган X. Рисаль унда иштирок этмасада, испанлар томонидан отиб ташланади.

1897 йил 22 марта мухолифатчилар миллий буржуазия доира-ларининг лидери Э. Агинальдо бошчилигига Филиппин республикасини эълон қиласидилар. Катупунан аъзолари янги ҳукуматни тан олмадилар ва шу сабабли янги ҳукумат томонидан таъқибга учрадилар. Хусусан, 1897 йил майда А. Бонифацио отиб ташланди. Шу йилнинг 1 ноябрида Филиппин республикасининг Муваққат конституцияси қабул қилинди.

1897 йилнинг ўрталарида испан мустамлака ҳукумати билан Филиппин республикаси вакиллари ўргасида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиши тўғрисида келишув имзоланди. Агинальдо ҳукумати Гонконгта чиқиб кетди. 1898 йил баҳордан ҳарбий ҳаракатлар қайта бошланди. Шу йил апрелда можарога америкаликлар аралашади. Улар Агинальдони қўллаб-қувватлашларини билдиридилар. У Филиппинга қайтиб келиб, яна испанларга қарши курашга бошчилик қилди. 12 июнь куни қайтадан Филиппин республикаси эълон қилинди. Испанларга қарши курашнинг асосий оғирлиги Филиппин инқилобий армияси зиммасига тушди. Улар Лусон ҳудудини озод қилиб, Манилага яқинлашиб келдилар. Шу пайтда воқеаларга яна америкаликлар аралашиб, 13 июнь куни улар ўз қўшинларини кирилдилар.

1898 йил сентябрда Филиппин инқилобий конгресси иш бошлаб, унда давлатнинг янги конституцияси қабул қилинди. Конституция 1899 йил 1 январдан кучга кирди. Унга биноан Филиппин мустақил республика деб эълон қилиниб, ахоли буржуа-демократик эркинликлар билан таъминланди, черков давлатдан ажратилди, католик орденларнинг мулклари давлат фойдасига мусодара қилинди.

1898 йил декабрда америка-испан шартномаси имзоланиб, унга биноан Филиппин 20 млн доллар эвазига АҚШга сотилди. 21 декабрь куни АҚШ Филиппинни ўз ҳудуди деб зълон қилди, 1899 йил 4 февраль куни эса АҚШ ҳарбий кучлари Манила яқинидаги жанговар ҳаракатларни бошлаб юборди. Шиддатли жанглардан кейин 1899 йил октябрда 70 минг кишилик АҚШ қўшинлари филиппинликларни мағлуб қилдилар. Шундан сўнг Филиппин ҳукумати АҚШ тимсолидаги янги мустамлакачиларга қарши партизанлик урушини бошлаб юборди.

1899 йил 11 август куни АҚШ ҳукумати Филиппиндаги республикачилар армиясига қарши 11000 қўшин жўнатди. Партизанлар урушининг дастлабки даврида америкаликлар кўплаб аскарларидан айрилди. Фазабга минган ҳарбийлар тинч аҳолини қирғин қилди. Ҳукумат Филиппиндаги аскарлар сонини уч баробарга оширди.

Партизанлар уруши бошланиши билан мамлакатнинг кейинги тақдирни тўғрисида Филиппин ҳукумати аъзолари орасида келишмовчиликлар бошланиб кетди. 1899 йил 7 май куни президент Э. Агинальдо ва бошқалар демократ Мабини бошчилигидаги ҳукуматни ҳокимиятдан четлатди, 5 июнь куни қўшинлар бош қўмондони генерал А. Муниннинг ўлдирилишини ташкил қилди. 1900 йилнинг бошларига келиб Филиппин армияси майда отрядларга бўлинниб кетди, қўшинни умумий бошқариш издан чиқди. Мустақил Филиппин республикаси амалда ўз фаолиятини тўхтатди.

1901 йил 23 марта американликлар президент Агинальдени асир олдилар. У 1901 йил 1 апрель куни Манилада АҚШга содиклиги тўғрисида қасамёд қилди. Аммо унинг бу қасамёди жамиятга американликлар кутганчалик таъсир қилмади. Энди партизанлар ҳаракатига генерал Мигель Мальвар бошчилик қилди. Аммо оғир жанглардан сўнг 1902 йил апрелида маънавий синган Мальвар касал хотини ва болалари билан бирга асир тушди. У билан бирга 3000 сараланган аскарлар ҳам асир тушдилар. Мальвар курашаётган партизанлар ичидаги энг жанговари эди. Унинг асир тушиши билан амалда партизанлик ҳаракати ҳам тўхтади. Филиппинликлар ўз мағлубиятларини тан олдилар. Айрим жойларда партизанлик ҳаракати 1913 йилгача давом этди, аммо бу энди катта аҳамиятга эга бўлмади. АҚШ билан бўлган уруш давомида 250 минг филиппинлик ҳалок бўлди.

АҚШ истилоси натижасида Филиппинда умумий мұомала тили булиб шакланған испан тили сиқиб чыкарылды.

1901 йили Филиппин генерал-губернатори қилиб тайинланған Уильям Тафт маҳаллій үз-үзини бошкаришни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. 1907 йили сайланадиган Ассамблея ташкил қилинди. АҚШ томонидан тайинланадиган Филиппин комиссияси юқори палата ролини үйнайдыган бўлди.

1913 йили АҚШ президентлигига Вудро Вильсон сайланғандан кейин «филиппинлаштириш» сиёсати бошланди. 1916 йили АҚШ Конгресси «Филиппин автономияси тұғрисида акт» қабул қилди. Унга кўра Филиппинда иккى палатали қонунчиллик органи ташкил қилинди ва «барқарор ҳукумат шаклланиши билан мустақиллик бериш» ваъда қилинди. Бироқ парламентда қабул қилинган қонунлар фақат генерал-губернатор имзолагандан сўнг кучга киради. Бундан ташқари пул-кредит сиёсати, ҳарбий ва ташқи ишлар масалалари ҳам АҚШ президенти ихтиёрида қолди.

**Малайзия, Сингапур, Бруней. Малайзия.** Илгари голландлар томонидан назорат қилинган Малакка 1795 йили инглизлар ихтиёрига ўтди. Аммо 1818 йили бу ер голландларга қайтариб берилди. Айни пайтда Буюк Британия Перак, Селангор ва Риау сultonликлари билан голландларга қарши иттифоқ тузди. 1824 йили Буюк Британия билан Голландия ўртасида минтақада таъсир доиралари ни чегаралаш тұғрисида шартнома имзоланди. Инглизлар бир қанча ороллардан голландлар фойдасига воз кечди. Малайя эса инглизлар назоратига ўтди.

1824 йилдан кейин Малайяга нисбатан инглиз сиёсатининг янги даври бошланиб, у Малайя худудини мустамлакалаштириш билан характерланади.

1821 йили сиамликлар армияси Кедахга бостириб кириб, уни вайрон қилди. Инглизлар бу мажарога аралашмади, Сиам эса бу нинг эвазига инглизларнинг Пинангга бўлган ҳуқуқини тан олди. 1826 йили инглизлар томонидан Стрейтс Сетлменс (бўгозлардаги турар жойлар) деб аталган мустамлака давлат бирикмаси ташкил қилиниб, унга Пинанг, Малакка ва Сингапур кирди.

1831 йили Кедах аҳолиси ўз худудларидан сиамликларни қувиб чыкаришга муваффақ бўлдилар, аммо инглизларнинг ёрдами билан улар яна ўз назоратини тикладилар. 7 йилдан сўнг шу ҳолат яна такрорланди, бироқ энди сиамликлар Кедахни тўлиқ вайрон

қилдилар, унинг аҳолиси бир неча баробар камайиб кетди. 1832 йили ҳарбий ҳаракатлар натижасида инглизлар Малакка худудига Нанингни ҳам қўшиб олдилар. 1861 йили Малайя яриморолининг шарқий қирғоқларида жойлашган Паханг князлиги устидан ҳам инглизлар назорати ўрнатилди.

1851 йилдан Малайя худудидаги барча инглиз мустамлакали-ри бевосита Ҳиндистон генерал-губернатори ихтиёрига ўтди. Шу даврдан бошлаб Буюк Британия билан савдода Сингапурнинг роли ортиб боради, бу ерга Хитой ва Ҳиндистондан кўплаб эмигрантлар келиб, бу мустамлака маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланади. Бу ерда бир нечта савдо фирмаларини ташкил қўлган буржуазия-нинг таъсири қатлами шакланади, 1837 йили эса улар Сингапур савдо палатасини таъсис этади. XIX асрнинг ўрталарида Стрейтс Сетлментсда Буюк Британиядан маъмурий жиҳатдан ажralиб чиқиши учун ҳаракат бошланади ва бу иш 1867 йили амалга оширилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бу ерда қўроғшин қазиб олиш ривожланиб, у Хитой капитали қўлида эди ва анчагина фойда келтиради.

XIX аср 70–80-йилларида инглизлар Селангор, Перак, Негри-Сембilan ва Пахангни бўйсундириш учун жанговар ҳаракатлар олиб борди. 1875 йили Малайи князликларини мустамлакага айлантириш режаси эълон қилингандан сўнг инглизларга қарши кенг ҳалқ ҳаракати бошланиб кетди. Натижада, қўзғолон бостирилган бўлсада, инглизлар ҳам ўз режаларидан воз кечишга мажбур бўлди.

1896 йили инглизлар Малайи князликлари федерациясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Федерацияга Перак, Селангор, Негри-Сембilan ва Паханг кирди. Бу бирикмадаги инглиз бош резидентининг турар жойи қилиб Куала-Лумпур белгиланди. 1914 йили федерация таркиби Жохор сultonлиги ҳам қўшиб олинди.

XX аср бошларида Малайзия иқтисоди асосан қўроғшин олиш ва каучук етиштириш эвазига ривожланди. Инглиз инвесторлари истиқболли ҳисобланган мустамлакага оммавий равища капитал кирита бошладилар. Натижада кўплаб корхоналар ишга туширилди. Ишчи кучи танқислиги Хитой ва Ҳиндистондан келувчи эмигрантлар ҳисобига тўлдирилар эди. Бу ерда ҳар бир этник гурух ўз макомига эга бўлган. Энг юқори поғонани инглизлар эгаллаб, улар бошқарувнинг юқори лавозимларида турарди. Улардан

кейин хитойликлар бўлиб, улар асосан савдо билан шутулланишарди. Кейинги поғонада асосан темир йўллар, кўрғошин заводларида ишлайдиган ҳиндлар туради. Ниҳоят энг паст поғонада малайяликлар бўлиб, улар асосан бошқарувнинг қутий лавозимларида, плантация хўжалигида ва каучук ишлаб чиқаришда банд эди.

**Сингапур.** Юқорида айтилганидек, 1824 йили ЖШОда таъсир доираларини белгилаш тўғрисида инглиз-голланд икки томонлама шартномаси имзоланиб, голландлар Сингапурга бўлган ўз ҳукуқларидан воз кечдилар. Шу йили яна бир келишув имзоланиб, унга биноан Жохор сultonи ва Сингапур ҳукмдори бу ҳудудни тўлиқ Буюк Британиянинг Ост-Индия компанияси ихтиёрига ўтказди.

1826 йили Сингапур Пананг ва Малакка билан Стрейтс Сетлменс таркибига кўшилди. Сингапурга Буюк Британиянинг маҳсус вакили тайинланиб, у Стрейтс Сетлменс губернаторига бўйсунадиган бўлди. 1830 йилдан Сингапур Ҳиндистондаги Британия маъмурияти бошқарувига ўтди. Орадан икки йил ўтгач Стрейтс Сетлменс яна тикланиб, унга Сингапур губернатори бошлиқ қилди. Шу тариқа Сингапур бу мустамлаканинг маъмурий марказига айланиб, «эркин порт» мақомини олди. Унинг қулай географик жойлашуви ҳам шаҳарнинг кейинги ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1867 йили Сингапурнинг мақоми «тож мустамлакаси» даражасига кўтарилиб, энди у бевосита Буюк Британия мустамлака ишлари бўйича вазирлигига бўйсундирилди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Сингапур кўрғошин эритиш ва натурал каучук ишлаб чиқаришнинг йирик марказига айланди. Бундан ташқари у Буюк Британиянинг минтақадаги йирик ҳарбий-денгиз базаси эди.

**Бруней.** XIX асрнинг бошларида Буюк Британи ва Бруней ўртасида савдо шартномаси имзолangan бўлиб, ўша пайтда бу Брунейнинг мустамлакага айланишига олиб келмади. Мамлакат инқироз ҳолатида бўлиб, унинг аҳолиси кескин камайиб кетди.

1839 йили Брунейга келган Ост-Индия компаниясининг собиқ ходими Жеймс Брук 1840 йили даякларнинг кўзголонини бостиришда сultonга ёрдам берди ва эвазига Брунейнинг гарбий қисми – Саравак ҳудудини бошқариш ҳуқуқини ва рожа унвонини («оқ рожа») олди. «Оқ рожалар» сулоласи Саравакни Иккинчи жаҳон урушигача бошкарди.

1846 йили инглизлар Саравакни босиб олишга ҳаракат қилдилар. Аммо тез орада Британия хукумати томонидан Саравак ҳокимият тепасида Ж. Брук турган мустақил давлат деб тан олинди. Шундан сўнг Брунейнинг шимоли-шарқий қисми – Сабах Британия назорати остига ўтиб кетди ва Бруней жуда кичик давлатчага айланниб қолди.

1888 йилдан бутун Шимолий Калимантан ҳудудида Буюк Британия протекторати режими ўрнатилди.

XIX асрнинг ўрталарида Бруней билан ҳамкорлик тұғрисида шартнома имзолаган АҚШ Сабахга қизиқиш билдира бошлади. 1865 йили америкаликлар томонидан ташкил қилинган савдо компанияси кўп ўтмай касодга учради.

1877 йили Бруней ўз ҳудудининг бир қисмини янги ташкил қилинган «Британия Шимолий Борнеоси компанияси»га ареңдага берди. 1885 йили инглиз-испан шартномаси имзоланиб, унга кўра Буюк Британия Испаниянинг Сулу оролига бўлган хуқуқини тан олди, Испания эса ўз навбатида Сабахга бўлган даъвосидан воз кечди. 1891 йили Сабах билан Калимантаннинг Голландияга қарашли қисми ўртасида расмий чегара ўрнатилди.

Сабах ҳудудида инглиз капитали фаол ҳаракат олиб борди. Бу ердан фил сүяги, гуттаперча, камфара ва бошқа товарлар олиб кетилар эди. XIX аср 80-йилларидан ёғоч тайёрлаш бошланиб, асосий экспорт товарига айланди ва Хитой ҳамда Австралияга кўплаб жўнатилди. XIX асрнинг охирларида руда қазиб өлиш бошланди, тамаки ва каучук плантациялари ташкил қилинди. Мамлакатга Хитойдан келувчи иммигрантлар сони ортиб борди. Улар савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланишар, плантация ва конларда ишлар эди. Маҳаллий аҳоли бунга қаршилик қилишга ҳаракат қиласи. 1890-йилларнинг биринчи ярмида даякларнинг катор кўзғолонлари бўлиб, инглизлар томонидан шафқатсиз бостирилди.

\* \* \*

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўзларининг геостратегик жойлашувлари ва фавқулодда қўп табиий бойликлари туфайли Англия, Франция, Голландия, АҚШ, Испания каби давлатлар мустамлакачилик интилишларининг доимий объектига айланди. XX аср бу халқларнинг мустақиллик учун кураш, мустақильликка

эришган давлатларда эса иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг янги босқичларига кўтарилиш даври бўлди.

### XIX боб бўйича саволлар

1. Ўз минтақасида кучли ҳисобланган Вьетнамнинг французлар томонидан осон забт этилишига нималар сабаб бўлди?
2. Камбоджанинг Франция протекторати остига ўтишининг қандай сабаблари бор эди?
3. Франциянинг Ҳиндихитой иттифоқидаги роли ва сиёсати қандай максадга қаратилган эди?
4. Лаоснинг Франция мустамлакасига айлантирилиши Сиамнинг минтақадаги ролига қандай таъсир қилди?
5. Сиамнинг Ғарб давлатлари билан имзолаган тенг бўлмаган шартномалари унинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?
6. Филиппиннинг АҚШ томонидан босиб олиниши мамлақатнинг кейинги тақдирида қандай роль ўйнади?
7. Малайзия, Сингапур ва Брунейда инглизлар олиб борган сиёсатнинг асл мақсади нимага қаратилган эди?

### XX БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА АВСТРАЛИЯ

1770 йили Ж. Кук экспедицияси Австралиянинг шарқий қирғокларига келганидан 18 йил ўтгач, Буюк Британия ҳукумати бу ҳудудларга ўз ҳуқукларини эълон қилиб, уни ўзлаштиришни бошлиди.

Аммо XVIII аср 80-йилларида ҳам Австралияга қўчиб келувчиларни инглиз шаҳарларининг аҳолиси ёки қишлоқ ҳўжалик ишчилари эмас, каторга қилинган маҳбуслар ташкил қиласиди.

Инглизлар ўз маҳбусларини дастлаб Америкага, у мустақилликка эришгандан сўнг Ғарбий Африкага жўнатардилар. Аммо Африка иқлимига мослашмаган енгил жиноятлар учун сургун қилинганлар ҳам (оғир жиноят қилганларни Англиянинг ўзида қатл килишарди) кўплаб ҳалок бўлдилар. Шунда Ж. Кук экспедицияси қатнашчиси бўлган ботаник олим Жозеф Бенкс 1779 йили каторгага хукм қилинган жиноятчиларни Австралияга жўнатиш таклифи билан чиқди.

1788 йили капитан А. Филип Сидней-Коув жойига асос солди, у кейинчалик Сидней шаҳрига айланди. Бу воеа Янги Жанубий Уэльс деб аталган Британия мустамлакасига асос солишининг бошланиши ҳисобланади. А. Филип мустамлаканинг биринчи губернатори бўлди. Мустамлакага фақат Австралия эмас, Янги Зеландия ҳам қўшиб олинди. Ҳозир Тасмания деб аталувчи Ван Димен ерларини ўзлаштириш 1803 йили бошланди ва 1825 йилга келиб алоҳида мустамлакага ажралди.

1803 йили Мэтью Флиндерс кирғок бўйлаб сузиб, қитъанинг харитасини яратди ва уни «Австралия» деб аташни таклиф килди. Энди Австралия деб аталаётган қитъани босқичма-босқич ўзлаштириш бошланди.

Буюк Британия Австралиянинг ғарбий қисмига бўлган ўз даъвоси тўғрисида расман 1829 йили баён қилди. Янги Жанубий Уэльс кисмларга бўлинниб, у ерда янги мустамлакалар ташкил қилинди: 1836 йили Жанубий Австралия, 1840 йили Янги Зеландия, 1851 йили Виктория, 1859 йили Квинсленд. Шу пайтгача Жанубий Австралия провинциясининг бир қисми ҳисобланган Шимолий ҳудуд 1863 йили алоҳида маъмурий бўлинма сифатида ташкил этилди.

1829 йили ташкил этилган Суон-Ривер мустамлакаси кейинчалик Ғарбий Австралия штатининг ўзаги бўлди. Ғарбий Австралия дастлаб эркин штат сифатида ташкил этилди, аммо кейинчалик ишчи кучи етишмаслиги сабабли каторга қилинганларни ҳам қабул қила бошлади. Уларни Австралияга жўнатиш 1840 йилдан камайтирилди ва 1868 йили бутунлай тўхтатилди. Дастлабки маҳбуслар келтирилган 1788 йилдан ўтган 80 йил ичиди Буюк Британиядан Австралияга 160 минг маҳбус келтирилган.

Австралияда мустамлакачилик кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари билан қўшиб олиб борилди. Шу йиллари Сидней, Мельбурн, Бриспен шаҳарлари бунёд этилди. Катта-катта майдонлар ўрмон ва чангальзорлардан тозаланиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бошланди. Бу ҳол маҳаллий аҳолининг<sup>1</sup> ҳам ҳаёт тарзини ўзгартириб, қирғоклардан чекинишга мажбур қилди. Уларнинг сони кескин камайди. 1800 йили барча аборигенлар қисман кўнгилли, қисман

<sup>1</sup> Адабиётларда Австралиянинг маҳаллий аҳолиси «абориген» деб ҳам аталади. Абориген лотинча сўз бўлиб, маълум бир ҳудудда яшашнинг анъанавий усусларини саклаб қолган маҳаллий аҳолига нисбатан қўлланилади.

мажбурий миссия ва резервацияларга жойлаштирилди. 1921 йили Австралия аборигенларининг сони 60 минг кишини ташкил қиласади<sup>1</sup>.

1850-йиллари Австралияда «олтин жазаваси» бошланади. Янги Жанубий Уэльса олтин топилиши Австралия тарихий тараққиётининг одимини ўзгартириб юборди. 1851 йили кўчкунчилар (скваттерлар) Батерс яқинидаги жойдан Сиднейга олтин олиб келдилар. Минглаб одамлар олтин қидириб йўлга отландилар. Австралияга Буюк Британиядан, Ирландия ва бошқа Европа мамлакатларидан, Шимолий Америка ва Хитойдан иммигрантлар оқими кела бошлади. Улар орасида бутун дунёдан келаётган олтин қидирувчилардан ташқари, артистлар, ошпазлар, контрабандачилар, фохишалар ва фирибгарлар ҳам бор эди. Бу қитъанинг демографик ҳолатига ҳам катта таъсир кўрсатди. Мустамлакалар аҳолиси 1850 йилдан 1860 йилгacha 405 минг кишидан 1,2 млн кишигча кўпайди. Айниқса, этник хитойликлар тез кўпайиб, улар сони штатда 100 минг кишига етди. Албатта шунча одамни уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминлаш, оддий тартиб ўрнатиш керак эди. Викторияда губернаторнинг тартиб ўрнатиш – олтин қазиб олиш ва бир ойлик лицензиялар жорий қилиш ҳамда ҳарбий тартиб ўрнатиш учун қилган ҳаракатлари 1854 йили Эврикада давлатга қарши қонли исёнга олиб келди. Исён бостирилгандан сўнг конларда ўрнатилган шафқатсиз режимга қарамасдан олтин ва жун Мельбурн ва Сидней шаҳарларининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. 1880 йилга келиб улар чиройли ва замонавий шаҳарларга айланди. Штат ҳам тез ривожланиб, экиладиган майдонлар икки баробар кўпайди. Бу ҳол мустамлакаларда ўзини ўзи бошқариш тизимининг шаклланиши учун асос бўлди.

*Ердан фойдаланиши.* Австралия очилгандан сўнг унинг шарқий қисмини тадқиқ қилган инглизлар бу ерлардан империя учун ҳеч қандай фойда йўқ деган холосага ҳам келишган. Капитан Филипп экспедицияси билан ҳозирги Сидней атрофига келиб ўрнашган 1500 кишидан иборат дастлабки кўчкунчилар ҳаёти ҳам буни тасдиқлаган. Бу ерлар кам ҳосилли, бунинг устига Европадан келтирилган уруғлик шароитга мослашмаганлиги учун деярли ҳосил

<sup>1</sup> Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда европаликлар келишидан олдин Австралияда 1 млн га яқин аҳоли яшаган бўлиб, улар 300 дан зиёд қабилаларга бўлинган, 250 тил ва 700 диалектда сўзлашишган.

бермасди. Шу сабабли дастлабки пайтда күйларни мослаштириш осонроқ кечди. Аммо қийинчиликларга қарамасдан 1820 йилга келиб күплаб солдатлар, офицерлар ва озод бўлган маҳбуслар хукуматдан олган ерларини ривожланган фермаларга айлантирилар. Австралияда ернинг арzonлиги ва ишнинг кўплиги бу ерга Буюк Британиядан минглаб таваккалчиларни жалб қиласди. Кўчкінчилар Австралиянинг ички худудларини ўзлаштира бошладилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан мустамлакалар хукумати ранчолар эгаларининг қаршилигига қарамасдан мустақил фермерлар синфини яратишга ҳаракат қилди ва шу йўналишда бир қатор қонунлар қабул қилди. Бироқ ранчолар эгалари молия ташкилотларидан кредитлар олиб, ёлланма кишилар номига ерларни сотиб ола бошладилар ва натижада кенг майдонлар улар қўлига ўтиб кетди. Ер тўғрисидаги қонунлар ғалла, гушт ва сут маҳсулотларини етиширишга асосланган аралаш дехқончиликни рафбатлантиришига қарамасдан, асосий соҳа жун етиширишга мўлжалланган қўйчилик бўлиб қолаётган эди. Масалан, Янги Жанубий Уэльсда 3,2 млн гектар ер 96 та қўйчилик хўжалигига қарашли эди. Факат XIX асрнинг охирги чорагида чорвадорлар иқтисодий қийинчиликларга учраганини ахволнинг ўзгаришига олиб келди. Жаҳон бозорида жуннинг нархи кескин тушиб кетди, кўплаб қўйлар бокилган ер майдонлари куриб, чанг бўронларига сабаб бўла бошлади. Натижада 1891–1901 йиллар оралиғида миллионлаб гектар ерлар ташландиққа айланди, қўйлар сони 33% га камайиб кетди. Қуёnlар сонининг назоратсиз ўсиб кетиши натижасида яйловларда ем-хашак базаси камайиб кетди. Қўйлар зоти яхшиланиб, гибрид зотларнинг жорий қилиниши, жун қирқиши жараёнининг механизациялаштирилиши, яйловларнинг тиканли симлар билан ўраб олиниши каби тадбирлар ҳам чорвадорларнинг муаммоларини ҳал қилолмади. Айни пайтда янги қишлоқ хўжалик техникаси ва ўғитларни жорий қилиш, буғдойнинг янги, серҳосил навларини экиш, қишлоқ ахолисига кредитлар бериш ва қишлоқ худудларида темир йўлларнинг курилиши фермерларнинг ахволини яхшилаб борди. Энди дехқончилик кўплаб кўчкінчиларни ва инвестицияни жалб кила бошлади.

1855 йили Буюк Британия империяси таркибида ўзини ўзи бошқариш хукуқини олган штат Янги Жанубий Уэльс бўлди. Бу воқеа Виктория олтин конларида қўзғолон бўлгандан сўнг юз бер-

ди. Кўзғолончилар умумий сайлов ҳуқуқини ва олтин казиб олиш учун маҳсус рухсатноманинг бекор қилинишини талаб қилдилар. Янги Жанубий Уэльсдан сўнг 1856 йили – Виктория, Тасмания ва Жанубий Австралия, 1859 йили – Квинсленд, 1890 йили – Фарбий Австралия ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини олди.

Бундан ташқари 1855 йилги қўзғолон мустамлакаларда ишчилар ҳаракатининг ривожланишига ҳам туртки бўлди. Шаҳарликлар ва қишлоқ хўжалик ишчиларининг касаба уюшмалари пайдо бўлиб, иш ҳақининг оширилиши, иш кунининг қисқартирилиши учун кураша бошладилар. Айнан Австралияда малакали ишчилар дунёда биринчи бўлиб 8 соатлик иш кунини ўрнатишга эришдилар.

1900 йили мустамлакалар Британия империясининг доминиони сифатида Австралия иттифоқига бирлашдилар. Иттифоқнинг пойтахти қилиб Мельбурн шаҳри белгиланди. Иттифоқ ҳудудида ягона почта хизмати қоидалари ўрнатилди, қуролли кучлар ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси Австралиянинг жадал иқтисодий ривожланишига олиб келди.

Шу йили Буюк Британия парламентининг Вакиллар палатаси га Австралия иттифоки Конституциясининг лойиҳаси киритилди ва қиролича Виктория томонидан имзоланди. 1911 йили янги пойтахт – Канберрани куриш бошланди.

## XX боб бўйича саволлар

1. Англиядан сургун килинганлар Австралия тараққиётида қандай роль ўйнади?
2. Австралияда ердан фойдаланиш қандай ташкил қилинган эди?
3. 1850-йиллардаги «олтин жазаваси» Австралияда шаҳарлар ва саноат ривожланишида қандай роль ўйнади?

## XXI БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИЯ

*Француз қўшинларининг Мисрга бостириб кириши. Салим III нинг таҳтдан ағдарилиши. Греклар қўзғолони ва унинг оқибатлари.* 1798 йил июлда Үсмонийлар империяси учун катта аҳамият касб этган воқеа содир бўлди: унинг бой ўлкаларидан бири – Мисрга Наполеон Бонапарт бошчилигидаги французлар армияси

бостириб кирди. Даастлаб французлар мамлуклар армиясини енгиб, мамлакатда ўз хукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Аммо тез орада кўзголонлар ва партизанлар уруши бошланиб, амалда француз қўшинлари Мисрда қамалиб қолган эдилар.

Даастлаб Салимнинг муносабати аниқ бўлмади, чунки Наполеон ўзининг мақсади сultonга бўйсунмаётган Мисрдаги мамлук бейларини жазолаш эканлиги тўғрисида сафсатабозлик килаётган эди. 1798 йили французларга қарши ҳаракатнинг кенг қўлами аниқ бўлгандан сўнг, сulton Францияга уруш эълон қилди ва Мухаммад Али исмли албан саркардаси бошчилигидаги қўшинларни мамлуклар ва мисрликларга ёрдамга юборди. Наполеон турк қўшинларига қарши чиқди, аммо Фаластиндаги Акка қальасидан нарига ўта олмасдан ортга, Мисрга чекинишга мажбур бўлди.

Французлар жуда катта қийинчиликлар билан мамлуклар, турклар ва уларнинг инглиз иттифоқчилари ҳужумига дош бераётган эди. 1801 йили Мисрни инглизлар эгаллади, аммо улар бу ерда ўрнашиб ололмадилар, шунингдек, Салимнинг ўз ҳокимиятини тиклаш учун уриниши ҳам муваффакият қозонмади. 1805 йили Мисрда навбатдаги кўзголон кўтарилди ва Мухаммад Али мамлакатнинг ҳукмдори деб эълон қилинди. Сulton ўз обрўсини сақлаб, Мухаммад Алига пошо унвонини инъом қилган бўлсада, амалда Туркия Миср устидан ўз хукмронлигини йўқотди.

Туркиянинг қолоқлиги ва кучсизлиги Farb мамлакатларининг ундан ўз мақсадларида фойдаланишини осонлаштириди. 1806 йили Наполеоннинг элчиси Себастиани турли ваъдалар ва дўк-пўписалар билан Портани<sup>1</sup> Россия билан можарога бошлади ва рус-турк урушини келтириб чиқарди.

1806–1807 йил қишида рус армияси Молдавия ва Валахияга кирди, 1807 йил баҳорда турклар армияси унга қарши жанг бошлаганда, Истамбулда давлат тўнтариши юз берди. Анъанага кўра армияга буюк вазир бошчилик қилди ва кўпгина вазирлар ҳам у

<sup>1</sup> *Порта* (французча – Porte, итальянча – Porta, сўзма-сўз таржимаси – эшик, дарвоза) Европа дипломатик ҳужжалари ва адабиётида қўлланилган Усмонийлар хукумати (буюк вазир ва девон идораси)нинг расмий номи. Порта – туркча пошо каписи (пошо эшиги), арабча – баб-и-али (юкори ташкилот, баланд эшик) сўзларининг ноаниц ҳаромаси. Порта атамасини Усмонийлар империясига нисбатан қўллаш нотўғри, уни факат империя хукуматига нисбатан қўллаш мумкин.

билан бирга жүнаб кетдилар. Салим III га ва ислоҳотларга қарши кучлар бундан фойдаланиб қолдилар. Буюк вазирнинг муовини ва шайх ул-ислом бошчилигида фитна тайёрланди. Босфор портлари гарнizonи қўзғолон кўтарди. Уларга Истамбулда қолган яничарлар ҳам қўшилдилар ва Салим III таҳтдан ағдарилди. Янги султон Мустафо IV яничарлар ва уламолар қўлида қўғирчоқ эди. Окибатда, 1808 йил 8 июлда ислоҳотлар тарафдорлари янги тўнтариш уюштириб, таҳтга султон Махмуд II ни ўтқазишиди. Бироқ 1808 йил октябрда яничарларнинг исёни натижасида ислоҳотлар тарафдорлари ўлдирилди. Махмуд II Усмонийларнинг охирги авлоди бўлгандилиги учунгина тирик қолди, аммо 20 йилга ислоҳотчилик фаолиятини тўхтатишига мажбур бўлди.

Бундай бекарор ҳолатдан Англия фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди. 1807 йил мартда Александрияга етти минг кишилик инглиз кўшинлари туширилди аммо Муҳаммад Али уларни тор-мор килиб, Мисрдан қувиб чиқди. Шунга қарамасдан, 1809 йили Англия султонни шартнома тузишга мажбур қилди, Унга кўра султон олдинги капитуляцияларни (тengsiz шартномалар) тасдиқлади ҳамда Босфор ва Дарданелл бўғозларини барча чет эл ҳарбий кемалари учун ёпиш мажбуриятини олди.

Рус ҳукуматининг Усмонийлар империясига муносабати иккιюзлама, мунофиқона ҳарактерда эди. Бир томондан, Муқаддас иттифоқнинг монархлар легитим (қонуний) ҳуқукларини инқиlobий таҳдидлардан (бу ерда греклар ва славянларнинг миллий-озодлик ҳаракатидан) ҳимоя қилиш тўғрисидаги доктринаси Меттерних ташаббуси билан Усмонийлар империясига ҳам жорий килинган эди. Эзилган славян халқлари ва православ мазҳабидаги Грецияга нисбатан Россияда ҳамдардлик кайфияти мавжудлигига қарамасдан, Александр I ва Николай I бу халқларни бир неча марта исёнчиликда айблаб келдилар. Бошқа томондан эса, Россиянинг реал манфаатлари Болқонда кучайиб бораётган Farb давлатлари таъсирига қарши руслар позициясини мустаҳкамлаш мақсадида туркларга қарши миллий-озодлик ҳаракатларини қўллаб-куватлашни талаб этарди.

1821 йили греклар қўзғолони бошланди. Морея ва Эгей денгизидаги оролларни қамраб олган қўзғолон мустақиллик учун умумхалқ курашига айланиб кетди. Бу курашнинг ҳаракатлантирувчи кучлари грек дехқонлари ва тараққиётнинг нисбатан юқори

даражасига эришган шаҳар савдо буржуазияси бўлди. 1822 йили грекларнинг миллий ҳукумати тузилди.

Султон Махмуд II ўз кучлари билан қўзғолонни бостира олмади, Кичик Осиё ва Рум феодаллари эса бўйсуниш ва қўшин беришдан бош тортдилар, султон ёрдам сўраб Миср пошоси Муҳаммад Алига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Ҳокимиятни эгаллагандан сўнг Муҳаммад Али Мисрда бир қатор ислоҳотларни амалга оширган эди: 1811 йили мамлукларни йўқ қилиб, улар ўрнига Европа типидаги мунтазам армияни тузди, чет эл савдосини монополлаштириди, ўзига қарашли ерларда барча капитуляцияларни бекор қилди, молияни тартибга келтирди ва бошқа шу каби ишларни амалга оширди.

1811 йили Муҳаммад Али султоннинг илтимосига кўра қўшинларини Арабистонга жўнатди ва 1818 йилга келиб, шиддатли жанглар натижасида ваҳҳобийлар давлатини тор-мор қилди. Бунда у ўз мақсадларини – Арабистон ва унинг муқаддас шаҳарлари устидан ўз ҳокимиятини ўрнатишни ҳамда Қизил дengiz қирғоқларидағи стратегик ва савдо йўлларини эгаллаб олишни ҳам кўзлаган эди.

Бундан ташқари Муҳаммад Али Юқори Миср ва Шарқий Судани ҳам босиб олди. 1820-йилларнинг бошига келиб у султон армиясидан анча устун бўлган мунтазам армияга эга бўлиб, энди ўзининг мустақил араб империясини тузиш ҳақида ўйлаётган эди. Шу сабабли у султоннинг греклар қўзғолонини бостиришда қатнашиш ҳақидаги таклифига Сурия ва Крит ороли устидан бошқарувнинг унга берилиши эвазига рози бўлди.

1824 йили Муҳаммад Али ўз ўғли Иброҳим пошо қўмондон-лигига анча катта қўшин ва флотни греклар қўзғолонини бостириш учун жўнатди. Қўшинлар Крит ва Мореяга туширилиб, грекларни даҳшатли жазолади. 1826 йил баҳорига келиб деярли бутун Морея мисрликлар ва султон қўшинлари томонидан эгалланди ва султон ғалабани нишонлаши мумкин эди.

Аммо султоннинг греклар қўзғолонини бостиришга ва Грецияни империя таркибида ушлаб туришга қилган умиди амалга ошмади. 1826 йили Петербургда Портадан грекларга қарши куролли ҳаракатларни тұхтатиши талаб қилинган инглиз-рус протоколи, 1827 йил 6 июлда эса Лондонда Грецияга автономия берилиши кўзда тутилган инглиз-француз-рус келишуви имзоланди. Келишувни им-

золаган давлатлар грекларга ёрдам бериш баҳонасида турклардан озод қилинаётган худудларда үз сиёсий ва иқтисодий манфаатлари ни таъминлашни кўзлаётган эдилар.

Иброҳим пошо бошчилигидаги мисрлик қўшинлар греклар қўзғолонини бостириб, 1827 йили июнда қўзғолончиларнинг охирги таянчи – Афинани эгаллаган бир пайтда, келишувни имзолаган учта давлат қўшинлари 1827 йил октябрда Наварин қўрфазида мисрликлар флотини йўқ қилиб ташлади. Вужудга келган вазиятдан унумли фойдаланиш мақсадида 1828 йил баҳорда Россия Туркияга уруш эълон қилди, Франция эса Мореяга қўшин кирилди.

1828–1829 йиллардаги Россия-Туркия уруши турк қўшинларининг тўлиқ мағлубияти билан якунланди. Осиёда генерал Паскевич Эрзурум қалъасини эгаллаб, Туркиянинг ҳудудига анча кириб борди. Европада эса генерал Дибич 20 минглик армияси билан Болқонга келди ва Адрианополни эгаллаб, Истамбулга хавф солиб турарди. Пойтахт аҳолиси саросимага тушиб қолди. Европа давлатларининг элчилари Истамбулга рус қўшинлари киришининг олдини олиш мақсадида Россия билан сулҳ тузилиши учун фаол ҳаракат қилдилар.

1829 йил 14 сентябрда Адрианополь шаҳрида сулҳ имзоланди. Бу пайтда чор ҳукумати Усмонийлар империясини йўқ қилишнинг вақти эмас деб ҳисоблаб, Порта сиёсатига Россия таъсирини кучайтириш билан кифояланишни маъқул кўрди. Шунинг учун Адрианополь сулҳи урушгача мавжуд бўлган Россия – Туркия чегарасига кам ўзгартириш кирилди. Грузия ва Арманистоннинг Туркиядан олинган қисми, шунингдек, Кора денгиз қирғокларининг шимоли-шаркий Россияга тегишшлилиги тўлиқ эътироф этилди. Аммо шартноманинг ҳудудий моддалари эмас, сиёсий моддалари муҳимроқ эди. Порта Сербия ва Грецияга (Греция мустақил қироллик деб тан олинди) автономия бериш мажбуриятини олди. Шунингдек, Молдавия ва Валахиянинг алоҳида ҳолати таъкидланиб, бу князликларнинг мақомини ишлаб чикиш ва уларнинг ҳукмдорларига ҳомийлик қилишда Россиянинг иштирок этиш ҳуқуки белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Порта Кора денгиз ва унинг бўғозларида Россия ва бошқа давлатларнинг савдо кемалари қатновига қаршилик қиласлик мажбуриятини олди. Туркияга контрибуция юклатилиб, у тўлангунча Дунай қалъаларида Россиянинг оккупациячи қўшинлари сақланиб турадиган бўлди.

Бу вokeаларнинг энг муҳим натижаси «усмонийлар мероси» учун курашнинг кескинлашуви бўлди.

**«Миср инқизози»нинг келиб чиқиши.** Россия билан уруш туга-гандан сўнг Туркия Жазоир устидан ҳам ўз хукмронлигини йўқотди. 1830 йили французлар Жазоирга қўшин туширди ва у Франция мустамлакасига айланди. Кейин ўз режаларини амалга ошириш учун шароитни маъқул ҳисоблаган Муҳаммад Али ҳам сultonга қарши чиқди. У маълум даражада Франциянинг қўллашига эришган эди.

Кузда Иброҳим пошо бошчилигидаги Миср қўшинлари юриш бошладилар. Улар Акка қальясини эгаллаб, Сурияга кириб бордилар. Маҳаллий араб аҳолиси ҳам мисрликларни қўллаб-қувватлади. 1832 йилнинг баҳор-ёз ойларида Иброҳим пошо бутун Сурияни (Фаластинни ҳам), Киликияни эгаллади ва Тавр дарёсидан ўтиб Анатолияга кириб келди. 1832 йил декабрда Конија яқинидаги жангда сulton армияси тор-мор қилинди, буюк вазир асир олинди. Истамбулга йўл очилди.

Сultonни Россиянинг аралашуви қуткариб қолди. Николай I нинг фикрича Муҳаммад Алиниң Истамбул таҳтини эгаллаши Усмонийлар империясида французларнинг таъсирини кучайтириб юборар эди. Бундан ташқари, Россия учун Босфор қирғоқларида Муҳаммад Али бошчилигидаги янгиланган, кучли империядан кўра, сultonнинг кучсиз ҳокимияти тургани маъқул бўларди. Шу сабабли Россия сultonга ўз ёрдамини таклиф килди, сulton эса иложизизликдан буни қабул қилди.

1833 йили февралда рус қўшинлари Босфорга кириб, мисрлик қўшинларнинг Истамбулга бориш йўлини тўсганидан сўнг, Англия аралашувида Муҳаммад Али билан музокаралар бошланди. Натижада 1833 йил майда сulton билан Муҳаммад Али ўртасида келишув имзоланиб, унга кўра Муҳаммад Али Миср, Сурия, Фаластин ва Киликия устидан ўз бошқарувини сақлаб қолди. Бунинг эвазига у Анатолиядан қўшинларини олиб кетиш ва сultonнинг сюзеренитетини<sup>1</sup> расман тан олиш мажбуриятини олди.

Рус десант кисмлари Туркиядан Россияга қайтиб кетишидан олдин, 1833 йил 8 июлда Хункар-Искелеси деб номланган рус-турк иттифоқ шартномаси имзоланди. Унга биноан, эҳтиёж

<sup>1</sup> Сюзеренитет – сюзеренларнинг ўз вассалларига нисбатан олий хукуки.

туғилганда султоннинг талабига кўра рус хукумати зарур сондаги ўз қўшиларини султон ихтиёрига бериши лозим эди. Ўз навбатида, шартноманинг маҳфий протоколига кўра султон чет эл ҳарбий кемалари учун Дарданелл бўғозини ёпиш мажбуриятини олди.

Хункар-Искелеси шартномасини Европа давлатлари Россиянинг кучайиши учун асос деб ҳисоблаб, унга норозилик билдирилар. Айниқса Англия ва Франция ўз норозиликларини Туркия кирғокларида ҳарбий-денгиз кучларини намойиш қилиш билан билдирилар. Бундан Австрия ҳам хавотирга тушиб қолди. Аммо чет давлатларнинг норозилигига қарамасдан рус-турк шартномаси бекор қилинмади.

**Маҳмуд II ислоҳотлари. Чет эл капитали экспансиясининг<sup>1</sup> кучайиши.** Салим ислоҳотларидан Маҳмуд ислоҳотларигача ўтган ўғиз йилдан зиёд вақт мобайнида Усмонийлар империясининг иқтисодий ҳаётида баъзи ўзгаришлар юз берди. Империянинг иқтисодиёти умуман феодал ҳарактерини саклаб қолган бўлса-да, Болконда, Суриядা, Мисрда ва Ғарбий Анатолияда товар-пул муносабатларининг ривожланиши тезлашди.

Рум ва Анатолиянинг ғарбидаги турк феодаллари ўз дехқонларини барщчина ва ярим феодал корандачилик асосида эксплуатация қиласи эди. Бу помешчиклар орасида савдо-судхўрлик табақаси вакиллари тобора қўпайиб, бозор билан яқин алоқада эдилар ва шу сабабли ўзаро феодал урушларнинг тўхтатилиши ҳамда марказий ҳокимиятнинг кучайиши тарафдорлари эди. Айнан шу феодаллар Маҳмуд II ислоҳотларининг асосий таянчи бўлди.

Ислоҳотларини ҳарбий соҳадан бошлаган Маҳмуд II 1826 йил май ойида чет эллик офицерлар ёрдамида янги қўшин ташкил қилиш тўғрисида фармон имзолади. Кутилганидек, орадан бир ой ўтгач, 1826 йил июнда яничарлар исён қўтардилар. Маҳмуд учун бу кутилмаган ҳодиса эмасди, айтиш мумкинки, унинг ўзи яничарларни бир йўла тугатиш мақсадида уларни бу қўзғолонга ундали. Яничарларни жазолаш бир неча кун давом этди, бу жуда даҳшатли ва қонли бўлди. Ўн минглаб яничарларнинг жасадлари Мармар денизи ва Босфорга улоқтирилди.

Ислоҳотларнинг кейинги босқичи асосан қўйидагиларни амалга оширишга қаратилди: ҳарбий-лен тизимини бекор қилиш

<sup>1</sup> Экспансия – империалистик давлатларнинг янги худудларни босиб олишга интилиши. Сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий экспансия каби турлари мавжуд.

(1834), катта қийинчилик туғдираётган ички божхоналарга барҳам бериш, вилоятлар ҳокимларининг тұғридан-тұғри султонга бүйсунишини таъминлайдиган янги бошқарув тизимини жорий килиш. Бу турк феодаллари султонни құллайды, етарли мажбурлаш кучига эга бўлган вилоятларга тегишли бўлиб, чекка үлкалар амалда мустақил бўлган ҳукмдорлар ва ноиблар қўлида қолаверди.

Хукуматдаги эски лавозимлар ўрнига 1836–1838 йиллари европа чипдаги ички ишлар, ташқи ишлар, молия вазирликлари ташкил қилинди. 1826 йили Истамбулда ҳарбий-тиббиёт билим юрти очилди, 1832 йилдан турк тилида биринчи газета – «Воқеалар кундалиги» нашр қилина бошлади.

Ўзгаришларнинг энг муҳими ҳарбий-лен тизимини бекор қилиш бўлди. Аммо ислоҳот охиригача етказилмади. Буржуача-капиталистик ривожланиш йўлида муҳим тўсиқлардан бири, аввалгидек, хусусий мулкнинг молиявий таъминланмаганлиги бўлиб, бу асосан буржуазияга тегишли эди. Маҳмуд II мулкни мусодара килиш тизимини расман бекор қилди, амалда эса ўзбошимчалик ва зўравонлик давом этаверди. Турк ва бошқа миллат (грек, арман) савдо буржуазияси катта сармояга эга бўлсада, уни саноатга жойлаштириш имкониятига эга эмасди.

Туркияда капитализмнинг ривожланишига яна бир тусик тобора кучли кириб келаётган чет эл капитали эди. Маҳмуд II бунга нафақат қаршилик қилди, балки уни рағбатлантириди ҳам.

1830-йиллардан капиталистик давлатларнинг Осиё бозорлари-га кенг кўламда кириб келиши бошланди. Капитуляция режими билан боғланган Туркия ҳам бу жараёнга қаршилик қила олмади. 1838 йили Англия Портани савдо конвенцияси имзолашга мажбур қилди. Унга кўра Туркияга олиб кириладиган барча инглиз товарларига қийматининг 5% и микдорида бож солиғи ўрнатилди. Натижада туркларнинг косибчилик саноати нархи арzon бўлган чет эл товарлари билан рақобатлашиш учун охирги имкониятидан маҳрум бўлди.

**Танзиматнинг бошланиши. 1840 йилги Лондон конференцияси.** Туркияning Farb давлатларига қарамлигининг кучайиши фақат иқтисодда эмас, сиёсий соҳада ҳам намоён бўлди. Инглизлар савдо конвенцияси тузар эканлар, турклар бозорини иқтисодий бўйсундиришдан бошқа мақсадларни ҳам кўзлаган эди: Порта билан конвенцияни тан олишни истамаётган Миср пошоси ўртасида

можаро келтириб чиқариш, султонни Мұхаммад Алига қарши қўйиш, Миср ва бошка Араб мамлакатларини бўйсундириш ва бир йўла, Туркияни Россия билан иттифоқчиликдан чиқариш.

1839 йил майда султон ўз қўшинларига Мұхаммад Алига қарши юриш бошлишни буюрди. Аммо натижа Порта учун ҳалокатли бўлди. 24 июнь куни шимолий Суриянинг Низиб деган жойида бу урушнинг биринчи ва охирги жангига бўлди. Султон қўшинлари бутунлай тор-мор килинди. Бир неча кундан кейин Маҳмуд II ва-фот этди. Шундан кейин Миср портига жўнатилган турк флоти Мұхаммад Али томонига ўтиб кетди. Шундай қилиб Туркия бир йўла армияси, флоти ва султонидан айрилди. Тахтга келган 16 ёшли Абдул Мажид фақат ёш бўлганлиги учунгина эмас, туғма акли заифлиги сабабли ҳам империяни реал бошқаришга даъво қилолмас эди. Франция томонидан қўллаб-кувватланаётган Мұхаммад Али Усмонийлар империясини ўзига бўйсундириш умидида регентликка даъво қилаётган эди. Бунга қарши Англия ва Австрия янги султонни қўллашини эълон қилди. Бу давлатларнинг бош вазирлари Пальмерстон ва Меттерних Россиянинг хуфия келишуви олдини олиш мақсадида Туркия ишларига Европа давлатларининг жамоа бўлиб аралашувини таклиф қилдилар. Николай I бу таклифни қабул қилди. У инглиз-француз зиддиятларини янада чукурлаштиришни кўзлаб, Хункар-Искелеси шартномасининг фойдасидан воз кечишга қарор қилди. 1839 йил июлда Порта Мұхаммад Али билан музокаralарга киришмаслик ва Европа давлатлари ўз қарорларини қабул қилмагунча ўзбошимчалик билан бирон-бир қадам қўймаслик талаби билдирилган нотани олди. Бу Пальмерстоннинг икки бор ғалабаси эди: Хункар-Искелеси шартномаси барҳам топди, Туркия эса очиқдан-очиқ Farb давлатларининг васийлиги остига ўтди.

Ана шундай оғир шароитда Туркиянинг хукмрон доиралари ислоҳотлар йўли билан империяни ҳалокатдан саклаб колиш учун бу сафар анча жиддий ҳаракат бошлидилар. Ислоҳотларсиз империя таркибидаги турк бўлмаган ҳалқларнинг озодлик ҳаракатларини бостириш, ҳалқ оммасининг норозилигини пасайтириш ва Усмонийлар империясининг бутунлигини саклаб қолиш мумкин эмасди. Бу қарашнинг тарафдорлари Мустафо Рашид пошо бошлигидаги кичик, аммо нуфузли, европача таълим олган турк феодал бюрократияси эди. Мустафо Рашид пошо тайёрлаган меморан-

дум «Танзимат»<sup>1</sup> номи билан маълум бўлган ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Султондан хатти-шариф кўринишидаги розилик хатини олган Рашид пошо, 1839 йил 3 ноябрь куни сulton саройининг Гулхона деб аталмиш боғида, вазирлар, уламолар, дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, мусулмон бўлмаган диний жамоалар бошликлари гувоҳлигига ўзи тайёрлаган ҳужжатни эълон қилди.

Гулхона хатти-шарифида таъкидланадики, «сўнгти бир юз эллик йил ичида турли воқеалар ва ҳар хил сабаблар шунга олиб келдики, муқаддас қонунлар ва улардан келиб чиқадиган қоидалар аввал-гидек қўлланилмай қолди, мамлакат қурдати ва ички фаровонлик заифлик ва кучсизликка айланди».

Шу муносабат билан меморандумда «янги низомлар ўрнатиш йули билан Усмонийлар империяси таркибига киравчи вилоятларга яхши бошқарувнинг фойдасини» кўrsatiшга ваъда берилди. Янги низомлар ўрнатилиши асосан кўйидагилардан иборат бўлиши кўзда тутилди: 1) қайси динда бўлишидан қатъи назар империянинг барча фуқароларини ҳаёт, кадр-қиммат ва мулк дахлсизлиги билан таъминлаш; 2) мунтазам бадал ундириш ва тақсимлашни, откуп<sup>2</sup> тизимини бекор қилиш; ҳарбий хизматгаadolатli чақириш ва унинг аниқ муддатини ўрнатиш. Моҳияти жиҳатидан бу аслида буржуача талаблар бўлиб, ҳаёт ва мулк кафолатига биринчи навбатда савдо буржуазияси муҳтоj эди.

Танзиматнинг ушбу дастлабки акти адлия, маъмурий курилиш, маориф, молия, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги бир қатор кейинги ислоҳотлар учун муқаддима бўлиб хизмат қилди. Аммо Танзимат қолоқ империянинг чуқур ички ва ташқи қийинчиликларини ҳал этмади, ҳал этиши мумкин ҳам эмасди. Танзимат мустаҳкам ижтимоий таянчга эга эмасди. Уни қувватлаган помешчиклар турк феодал синфининг кичик қатлами эди холос. Бундан ташқари у кўплаб турк бўлмаган миллатларнинг ҳам эҳтиёжларини қондиролмас эди. Танзимат Туркияning мустақил сиёsat юритиш имкониятини ҳам мустаҳкамламади.

<sup>1</sup> Арабча «танзим» сўзидан олинган бўлиб, «тартиб ўрнатиш» маъносини билдиради.

<sup>2</sup> Откуп – ижара, бирор турдаги солик ундириш ҳуқуқини давлатдан сотиб олиш.

Порта ўзининг Муҳаммад Али билан зиддиятини ҳам мустақил ҳал қила олмади. 1840 йил 15 июлда Туркияning Лондондаги элчи-си Англия, Россия, Австрия ва Пруссия вакиллари билан конвенция имзолади. Конвенция ушбу давлатларнинг «Усмонийлар империяси бутунлиги ва мустақиллиги устидан» кузатишни эълон қилди, яъни Туркияни бу тўртга давлатга қарам ҳолатга солиб кўйди. Конвенциянинг асосий мазмуни Муҳаммад Алига ультиматум талабларини қўйишдан иборат бўлиб, агар у ушбу талабларни қабул қилмаса, юқоридаги давлатлар султонга ҳарбий ёрдам курсатиши айтилган эди.

Аслида конвеция Туркия манфаатларини эмас, Фарб давлатлари, биринчи ўринда Англияни ҳимоя қиласади. Инглизлар ушбу айёрона дипломатик қадам билан Францияни воқеалардан четлаштириди, Муҳаммад Алига қарши коллектив ҳарбий ҳаракатларга Николай I нинг розилигини олди, рус ҳарбий кемалари учун бўғозлар ёпилди, Россия ва Австрия ёрдамида Мисрнинг мустақиллигини тугатди ва Ўрга Ер денгизининг стратегик йўлларида ўзи ўрнашиб олди. Туркия масаласида Россия билан Англия сиёсатининг фарқи шунда эдики, руслар Туркияning Европа давлатлари ўртасида бўлиб олиниши орқали Шарқ муаммосини ҳал қилмоқчи бўлсалар, инглизлар бу масалани Туркияни тўлиқ эгаллаб олиш орқали ҳал қилишга умид қиласидилар.

Муҳаммад Али Лондон ультиматумини қабул қилишдан бош тортганидан сўнг 1840 йил кузда Англия-Австрия бирлашган флоти Байрутни, Сурия портларини ва Александрияни бомбардимон қилди. Миср таслим бўлди. Муҳаммад Али Миср ва Судан устидан ўзининг меросий эгалик ҳукуқини сақлаб қолди, аммо Крит, Арабистон, Сурия, Фаластин ва Киликийдан айрилди, султонга флотини қайтариб бериш, армиясини 18 минг кишигача қисқартириш, верфлар<sup>1</sup> ва арсеналларини<sup>2</sup> йўқ қилиш, 1838 йилги инглиз-турк конвенциясини Мисрга ҳам жорий қилиш, яъни инглиз товарлари учун мамлакатни очиш, султонга ўлпон тўлаш мажбуриятларини олди. Бу аслида Муҳаммад Алининг барча режалари, умрининг мазмунига айланган ишларининг барбод бўлиши эди.

<sup>1</sup> Верфъ – кемалар куриладиган ёки таъмирланадиган корхона.

<sup>2</sup> Арсенал – курол-яроқ омбори, ўқ-дори ва курол-яроқ ишлаб чиқариладиган ёки таъмирланадиган корхона.

Миср инқирозининг муҳим натижаси 1841 йил 13 июляда Лондонда бўғозлар тўғрисида халқаро конвенциянинг имзоланиши бўлди. Бир томондан Европа давлатлари – Англия, Россия, Франция, Австрия ва Пруссия, бошқа томондан – Туркия Дарданелл ва Босфор бўғозлари «Порта тинчлик ҳолатида турган пайтларда чет эл ҳарбий кемалари учун доимий ёпиқ бўлиши» тўғрисида конвенция имзоладилар. Бу билан Англия ўзининг Россия устидан дипломатик ғалабасини мустаҳкамлади: бўғозлар режими энди Россия билан Туркиянинг икки томонлама келишуви асосида эмас, Қора денгизда ҳудудга эга бўлмаган давлатларнинг кўп томонлама конвенцияси билан тартибга солинадиган бўлди. Европа «катта сиёсатига» қайтган Франция Англия билан Туркиянинг Россияга қарши ҳаракатларига кўмаклаша бошлади.

Миср инқирози бартараф қилиниб, тахтга бевосита хавф йўқолгандан кейин турк ҳукмрон доираларининг ислоҳотларга қизиқиши ҳам сўнди. Албатта ислоҳотлар мамлакат ижтимоий ҳаётига маълум жонланиш баҳш этди, халқ таълимини бир оз яхшилади. Айниқса диний мактаблар билан бир қаторда дунёвий мактабларнинг ҳам очилиши ва 1847 йили маориф вазирлигининг жорий қилиниши ислоҳотларнинг муҳим жиҳати бўлди. Бироқ Танзимат қонунчилик соҳасининг фақат юзаки қисминигина ўзгартириб, давлат ва жамият тузилишидаги чуқур нуқсонларни бартараф қила олмади. Откуп тизими бекор қилинмади, ҳаёт ва мулк дахлизилиги фақат қофоздагина қолиб кетди, мусулмонлар билан мусулмон бўлмаганларнинг хукукий тенгсизлиги сақланиб қолди. Шу сабабли Танзиматни кенг халқ оммаси қўллаб-куватламади.

*Крим уруши (1853–1856) ва унинг Туркия учун оқибатлари.*  
*Танзиматнинг иккинчи даври.* Шундай бир шароитда Николай I усмонийлар меросидан ўз улушкини олиш вақти келди, деб ҳисоблайди. 1853 йил майда Туркиядаги барча православ христианларга Россиянинг ҳомийлик қилиш хукуқини тан олиш тўғрисида Портага ультиматум топширилади. Николай I Ғарб давлатлари билан осонликча келишмоқчи бўлди, аммо уларнинг бирортаси ҳам Усмонийлар империясининг бўлиниши ва Россиянинг кучайишини истамаслигини ҳисобга олмади. Порта ультиматумни рад этди ва 1853 йил кузда уруш бошланди. Синоп жангидаги адмирал Нахимов томонидан турк флоти тор-мор қилинди. Шунда Англия ва Франция урушга қўшилиб, Қора денгизга ўз ҳарбий ке-

маларини киритдилар. Шу тариқа рус-турк уруши Европа урушига айланди.

Бу урушда Туркия бўйсунувчи ролини ўйнади. 1854 йили Порта инглиз банкирларидан ўта оғир шартлар билан биринчи қарзни олди. Биринчисидан кейин яна қарзлар бўлиб, улар Туркияни асрата солишининг қуролига айланди. Шу йили инглиз-француз-турк иттифоқ шартномаси имзоланган бўлиб, у Туркияга Россия билан сепарат музокаралар олиб боришни такиклади. 1854 йил рус армияси Дунай князликларини ташлаб чиққанида, уруш Туркия учун ўз мазмунини йўқотган эди.

1856 йил 30 март куни Парижда имзоланган сулҳ Туркияning аҳволини янада оғирлаштириди. Ташқаридан қараганда турклар голиб бўлиб кўринарди. Париж трактатига кўра Россия жанубий Бессарабияни йўқотди, Қора дengизда ҳарбий флот қалъаларга эга бўлиш хукуқидан айрилди, султон Сербия, Молдавия ва Валахия устидан сюзеренитетни сақлаб қолди. Бундан ташқари, Англия, Франция ва Австрия ўзаро алоҳида шартнома имзолаб, Усмонийлар империяси худудий яхлитлигига ҳар қандай таҳдидни шартлашувчи давлатлар уруш учун баҳона деб караш мажбуриятини олдилар.

Урушда Россия мағлубиятга учради. Аммо Туркия ҳам ғалаба қозонмади. Ҳатто расман ҳам Париж трактати «Қора дengизнинг нейтраллигини» белгилади, Россияга қўйилган чекловлар Туркияга ҳам жорий қилинди. Туркияning худудий яхлитлиги ва мустақиллиги принципи фақат Россияга қарши қаратилган бўлиб, Ғарбий Европа давлатларининг Туркия ички ишларига аралашишига халақит бермади. 1859 йили инглизлар ва французлар эскадраси Ҳижознинг Жидда портини бомбардимон қилдилар, 1860 йили французлар Ливияга, Босния ва Герцеговинага, 1866–1868 йиллари Критга ҳарбий интервенцияни амалга оширидилар.

**1856 йилги ҳатти-ҳумоюн.** Париж трактатининг Туркияга фахрлидек бўлиб кўринган, уни Европа давлатлари «концертига» кўшиш ҳақидаги қарори аслида ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Бунда Ғарбнинг капиталистик давлатлари аввало ўзларининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини кўзлаган эдилар.

1856 йил 18 февралда эълон қилинган ва ҳатти-ҳумоюн деб аталган султон ёрлиғи аслида Ғарб давлатларининг Туркия устидан ҳукмронлигини кучайтиришга қаратилган бўлиб, Истамбулдаги ва бошқа порт шаҳарлардаги турк бўлмаган буржуазия вакиллари учун

кулай иқтисодий шароит яратиш орқали чет эл капиталининг Туркияга кириб келишини енгиллаштирар эди.

1856 йил капитали тұлиқ инглизлар ва французларга тегишли бұлған Усмон банкини таъсис қилиш тұғрисида қонун эълон қилинди. Банк жуда катта имтиёзларга эга эди: у банкнотлар<sup>1</sup> чиқариш ва эмиссия<sup>2</sup> ҳуқуқини олди, барча солиқ ва үйғимлардан озод қилинди, бутун мамлакатни үз филиаллари билан үраб олди, үзининг монопол ҳолатидан фойдаланиб, фақат ташқи савдони эмас, Туркия ички савдосининг ҳам катта қисмини үз назоратига олди.

Танзиматнинг бу даврида (1856–1870) қабул қилинган мухим қонунлардан ҳарбий-лен тизими билан боғлиқ бұлмаган ер эгалиги доирасини көнгайтирган ер кодекси ва чет элликларга ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи қонун бұлды. Шу даврда Порта чет эллик капиталистларга Измир-Ойдин, Измир-Касаба, Истамбул-Эдирна темир йүлларини қуриш ва кейинчалик уларни Европа темир йүл тизими билан боғлаш учун концессия ҳам берди.

Бундай шароитда Усмонийлар империясининг ташқи қарзи тұхтовсиз үсіб борди. 1856 йили 75 млн франқдан бошланған қарз 1870 йили 2,5 млрд ни ташкил қилди. Шундан 1,5 млрд нақд олинған қарз бұлса, қолганини қарзлар бүйіча процентлар ташкил қилди. Қарзлар әвазига Туркия чет элликларга божхона ва бошқа даромадлы жойларни беришга ҳам мажбур бұлды.

Шундай қилиб Танзиматнинг иккінчи давридаги ислоҳотлар Усмонийлар империясидеги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни үзгартира олмади. Танзимат мамлакатда саноат ривожланиши учун шароит яратмади.

*Маърифатчылык ва конституция учун ҳаракатнинг пайдо булиши. «Яңғы усмонийлар».* Мамлакатда феодал қолдиқларнинг сақланиб қолаётгандығы қарамасдан буржуа муносабатлари ҳам ривожлана бошлаган, бозор муносабатлари ахолининг күпілаб қатламини қамраб олаётганды. Аммо буржуа муносабатларининг жадал ривожланиши учун феодал қолдиқлар, саноатни әгаллаб олған чет эл капитали, компрадор буржуазия түсік бұлаётганды. 1870-йиллари жамиятнинг илғор қатламлари орасыда мавжуд

<sup>1</sup> Банкнот – банк томонидан чиқарыладын ва пул үрнида юрадын процентсиз кредит билетлари.

<sup>2</sup> Эмиссия – қымматли коғозлар ва қоғоз пул чиқариш.

ҳолатга қарши иорозилик кайфияти шакллана бошлади. Келиб чиқиши феодал бўлсада, ғояси буржуача бўлган зиёлилар бу норозиликнинг ифодачилари бўлдилар. Маҳмуд II ислоҳотлари ва танзимат дунёвий таълимга, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ривожланишига, 1860-йиллари турк адабиёти ва публицистикасининг пайдо бўлишига йўл очди.

Шаклланаётган янги турк адабиётининг кўзга кўринган вакиллари – Иброҳим Шинаси, Намиқ Кемал, Зиё-бей ва бошқалар биринчи турк маърифатпарварлари бўлдилар. Улар «Усмонийлар маърифат жамияти» ва «Китобсеварлар жамияти»ни ташкил қилдилар. Бу маърифатчилик ташкилотлари, шунингдек, Иброҳим Шинаси ташкил қилган «Тасвар изфқяр» («Ғоялар ифодачиси») газетаси жамиятни янги ғоялар ва тушунчалар билан таништириди. Бу жумладан, турк адабий тилида «ватан», «миллат», «ватанпарварлик», «инқилоб» каби янги сўзларнинг пайдо бўлишида ҳам акс этди. Умуман олганда, бу ўзгаришлар турк аҳолисидан буржуа миллатининг шаклланиш жараёни бошланганидан, миллий онгнинг ўсганлигидан далолат беради.

1865 йили Истамбулда махфий сиёсий ташкилот тузилиб, ўз олдига Туркияда конституцион тузум жорий қилинишига эришишни мақсад қилиб қўяди. Ташкилот 250 га яқин аъзога эга бўлиб, уларнинг орасида драматург Намиқ Кемал ҳамда бошқа ёзувчи ва журналистлар вакиллари билан бир қаторда амалдорлар, офицерлар ва савдо буржуазияси вакиллари ҳам бор эди. Ташкилот аъзолари ўзларини «янги усмонийлар» деб атадилар. Европада бу ташкилот «Ёш Туркия», унинг иштирокчилари – «ёш турклар» номини олдилар.

«Ёш турклар» султон Абдул Азизни конституция қабул килишга ишонтириш ёки мажбур қилиш умидида эдилар. 1865 йили улар ташкиллаштирган фитна тез орада фош қилинди. «Ёш турклар»нинг бир қисми қамоқقا олинди, баъзилари чет элга қочиб кетди. Уларга хайриҳо бўлганлар ҳам таъқиб ва катагонга учрадилар.

**1875–1876 йиллардаги Болқон инқизози.** 1870-йилларга келиб усмонийлар ҳукуматининг навбатдаги ислоҳотчилик курси ҳам пучга чиққанлиги аниқ бўлиб қолди. Барча ҳаракатларга қарамасдан XIX асрнинг охирги чорагига келиб Туркия ярим мустамлака, чет эл капиталига қарам мамлакатта айланган эди. Агар Франция-Пруссия урушигача Туркия асосан Англия ва Франция назорати ости-

да бўлса, энди Усмонийлар мероси масаласига Германия билан Австро-Венгрия ҳам қўшилди.

Инкиroz айниқса Болқон яриморолида, унинг турклар қўл остидаги вилоятларида кескин намоён бўлди. Бу ерларда миллий-озодлик ҳаракатлари анча кучли эди. 1875 йил ёзда Герцеговинада, кейин эса Боснияда халқ қўзғолони бошланиб кетди. Туркия ҳукумати жазо отрядларини жўнатиб, бу ерда қирғин ўюштириди. Қўзғолонни бостириш учун кетган харажат молиявий инкиrozга олиб келди: 1875 йил октябрда ҳукумат молиявий банкротлик эълон қилди. Усмонийлар ҳукумати мамлакатда ўсиб бораётган халқ норозилигини мусулмон фанатизми ўзанига йўналтиришга ҳаракат қилди ва христиан ахолини қирғин қилиш учун иғво ўюштириди. Тартибсизликлар чоғида Салоникида француз ва немис консуллари ўлдирилди.

Қўзғолон, қирғинлар ва Салоникидаги воқеалардан Farb давлатлари Усмонийлар империясига навбатдаги босим ўтказиш мақсадида фойдаландилар. 1856 йилги Париж трактатини имзолаган давлатлар 1876 йил январда Туркиядан Босния ва Герцеговинада зудлик билан ислоҳот ўтказиши талаб қилдилар. Султон ҳукумати бу талабни кондиришга розилик билдириди. Аммо давлатларнинг даъволари чукурлашиб борди. Натижада вужудга келган шароит фақат Усмонийлар империясида ички инкиroz эмас, халқаро инкиrozни ҳам келтириб чиқарди.

*«Ёш турклар» тўнтириши ва «Мидхат конституцияси».* 1871 йили султон Абдул Азизнинг бош вазири Махмуд Надим пошо «ёш турклар»нинг авф этилишига эришди. Аслида бу чалғитувчи фитна бўлиб, «ёш турклар»ни чет эллардан қайтариш ва улар устидан назорат ўрнатиш учун ўйлаб топилган эди. 1873 йили жамият легал ҳолатга ўтиши билан яна тор-мор килинди, Намиқ Кемал ва бошқа аъзолари қамоққа олинди.

1876 йили майда ёш турклар яна фаоллашиб қолдилар. Улар муружаат эълон қилиб, вакиллар палатасини йигиши ва Абдул Азизни бошқа султон билан алмаштиришга чакирдилар. Бундан бир қатор бой доираларнинг вакиллари ҳам манфаатдор эдилар ва улар ўз томонига давлат арбобларидан бири – Мидхат пошони оғдиришга эришдилар. Мидхат пошо либерал помешчиклар ва шаклланадиган буржуазия манфаатларини ифода этарди. У Усмонийлар империясини сақлаб қолиш учун чукур ислоҳотлар ўтказиш зарур-

лигини тан оларди ва халқ оммасига нисбатан террорни кенг қўлашга ҳам тайёр эди.

1876 йил 22 майдада жуда катта намойиш бошланди. Унда мусулмон диний мактабларининг ўқувчилари, савдогарлар, хунармандлар ва шаҳар камбагаллари қатнашди. Султон сарой олдидаги 40 мингдан зиёд намойишчилар йигилди ва улар талаби остида султон буюк вазир Надим пошо ва бир қатор ҳукумат аъзоларини алмаштиришга мажбур бўлди. Янги ҳукумат таркибига Мидхат пошо ҳам кирди.

Халқ харакатининг кўлами фақат султонни эмас, «ёш турклар»нинг ўзларини ҳам қўрқитиб юборди. Халқнинг янги инқилобий чиқишилари олдини олиш мақсадида «ёш турқ»лар сарой тунтариши тактикасини қўллади.

1876 йил 30 май кечаси Абдул Азиз таҳтдан ағдарилди ва кейин ўзини ўзи ўлдирди деб эълон қилинди. Бир оз вакт таҳтда Мидхат пошонинг одами ҳисобланган руҳий касалманд Мурод V ўтирди. Кейин янги келишувга эришилди: таҳтга бой феодаллар ва руҳонийларга маъқул бўлган Абдул Ҳамид келди, Мидхат пошо эса буюк вазир лавозимини эгаллади ва бўлғуси конституция лойиҳасини тайёрлашга рухсат олди.

Ёш туркларга бундай ён бериш империянинг оғир аҳволидан келиб чиқкан эди. Султон Абдул Ҳамид ҳам шу сабабли конституцияни қабул қилишга мажбур бўлди.

1876 йил 23 декабрда қабул қилинган «Мидхат конституцияси» Туркияни конституцион монархия деб эълон қилди. У икки палатали парламент тузилишини ҳам кўзда тутганди. Депутатлар палатаси юқори мулкий ценз асосида сайловчилар томонидан сайланарди, сенаторлар эса султон томонидан умрбод муддатга тайинланарди. Империянинг барча фуқаролари, Болқондаги христиан аҳолиси ҳам, усмонийлар деб аталиб, қонун олдидаги тенг ҳисобланади. Аммо давлат тили деб турк тили, давлат дини деб эса ислом динининг эълон қилиниши, турк ва мусулмон бўлмагана ҳолининг қонун олдидаги тенглигини таъминламаётган эди. Конституция султон ҳокимиётини деярли тўлиқ сақлаб қолди. У аввалгида вазирларни тайинлаши ва бўшатиши, уруш эълон қилиши ва сулҳ тузиши, ҳарбий ҳолат эълон қилиши ва қонуиларнинг фаолиятини тұхтатиши мумкин эди. Бу конституция ўзининг барча камчиликларига қарамасдан агар ҳаётта татбиқ этилганда ўша даврдаги Туркия учун прогрессив аҳамиятга

эга булиши мумкин эди. Конституция Европа давлатларининг конференцияси очилишига бағишиланди. Султон конституциянинг эълон килиниши конференциянинг очилишини кераксиз килиб кўяди, деб ўйлаган эди, аммо бундай бўлмади. Англия томонидан зимдан қўллаб-куватланган Туркия Болқонда ислохотлар ўтказиш тўғрисидаги Европа давлатлари таклифига рози бўлмади. Бу ҳол рус-турк муносабатларини янада мураккаблаштириди. 1877 йил бошида конференция ёпилди. Россия Туркия билан урушга тайёрлана бошлади.

Конференциядан кейин конституция ва унинг муаллифи Мидхат пошо султонга бошқа керак бўлмай қолди. Аввалига Мидхат пошо султоннинг буйругига кўра ўлим жазосига хукм килинди, аммо Арабистоннинг талабига кўра у мамлакатдан сургун килинди. Намиқ Кемал ва «ёш турклар»нинг бошқа арбоблари ҳам империянинг узок худудларига сургун килинди.

*XX аср арафасида империя.* Россия – Туркия уруши 1877 йил баҳорда бошланди. Уруш бошлангандан сўнг Руминия парламенти мамлакатни мустақил деб эълон қилди (1877 йил 9 май) ва Россия томонида урушга кирди. Порта аслида бу урушга уни даъват этган Англиянинг ёрдамига ишонган эди, аммо ҳеч қандай ёрдам бўлмади. Рус қўшинлари Дунайдан ўтди, Осиёда эса Арманистон чегараларига кириб келди. 1878 йил бошида Туркиянинг ҳарбий ҳолати оғир, армия тор-мор қилинган, руслар империя пойтахтига яқинлашаётган эди. Султон Абдул Ҳамид эса бу ҳалокатли ҳолатдан парламентни тарқатиб юбориш ва «Мидхат конституцияси»ни бекор қилишда фойдаланди. Депутатларнинг бир қисмини қамоқقا олиб, мамлакатни якка ўзи бошқаришини эълон қилди.

1878 йил мартда Истамбул яқинидаги Сан-Стефано деган жойда руслар билан сулҳ имзоланди. Унинг асосий шарти мустақил Болгария давлатини тузиш бўлди. Англия ва бошқа Ғарб давлатлари Россия позициясининг кучайишидан хавфсираб, Берлинда конгресс чақириш ва Сан-Стефано сулҳининг шартларини қайта кўриб чиқилишига эришдилар. Аммо Россиянинг ғалабасини инобатга олиб, келишув йўлини излашга мажбур бўлдилар.

Берлин конгрессининг қарорига кўра Шимолий Болгария вассал князликка (амалда мустақил) айланди, Жанубий Болгария эса автономия хукукини олди. Султон Сербия, Черногория ва Руминиянинг тўлиқ мустақиллигини тан олди. Батуми, Карс ва Ардаган

Россия империяси таркибига кирди, Крим уруши натижасида бой берилган Бессарабиянинг жанубий қисми ҳам унга қайтарилиди.

**Туркия иқтисодий қарамлигининг кучайиши.** Берлин конгрессидан сўнг Туркия батамом Европа давлатларининг ярим мустамласига айланди. Ҳали конгресс арафасида Англия Крит оролини босиб олди. Конгресс Босния ва Герцеговинанинг Австрия томонидан оккупация қилинишига санкция берди. 1881 йили Франция Тунисни эгаллаб олди (қўшни Жазоир бундан эллик йил олдин забт этилганди). 1892 йили Англия Миср устидан ўз ҳокимиютини ўрнатди.

Берлин конгрессидан кейин Туркияни иқтисодий қарам қилиш жараёни анча кучайди. Усмонийлар империясининг капиталистик давлатлар товарлари учун бозор ва ҳомашё базаси сифатидаги аҳамияти ҳам ошди. 1880 йилдан 1890 йилгача Европа давлатларига Туркия экспорти 1,5 марта ошди ва энди у факат ҳомашёдан ташкил топди.

Империяни молиявий қарам қилиш ҳам якунланди. Берлин трактати Туркияга 800 млн франк контрибуция тўлаш мажбуриятини юклади. 1879 йили сulton ҳукумати навбатдаги банкротлик ҳолатини эълон қилди. Кредиторлар билан музокаралар натижасида янги келишувга эришилди. Кредиторлар Усмонийлар қарзининг номинал миқдорини 5,3 млрддан 2,4 млрдгача камайтиришга рози бўлдилар. Бунинг эвазига Туркия ҳукумати мамлакат молияси устидан амалда чет эл назорати ўрнатилишига рози бўлди. Султоннинг 1881 йилги декрети кредиторларга Усмонийлар Давлат қарзи бошқармасини тузишга рухсат бериб, уларни алоҳида ҳукуқ ва имтиёзлар билан таъминлади. Тамаки ва туз монополиясидан, спиртдан тушадиган йигимлар, герб йигими, Мармар денгизи ва Босфор бўғозида балиқ овлашдан тушадиган солиқлар, Истамбулда, Адрианополда, Бурсада ипак савдосидан олинадиган солиқ ва бошқа кўпгина йигимлар Бошқарма ихтиёрига берилди.

Буларнинг барчаси Туркиянинг молиявий аҳволини янада оғирлаштириди ва 1890 йили янги қарзлар олишга мажбур қилди. «Усмонийлар» банкидан ташқари чет элликларнинг янги банклари пайдо бўла бошлади: Истамбулда Франциядаги энг катта банк «Лион кредит»нинг филиали очилди, 1888 йили бир нечта Фарбий Европа банклари ҳамкорликда Салоники банкини таъсис қилдилар, 1899 йили Немис-фаластин банки тузилди ва ҳ.к. Мамлакатда турк

капиталига фақат биттә банк (қишлоқ хұжалик) қарашли бўлиб, у ҳам ниҳоятда кучсиз эди.

Туркияning молиявий қудрати сустлигидан фойдаланган чет эл капитали темир йўллар қурилишига, табиий бойликларни эксплуатация қилишга, тамаки савдосига йирик концессиялар олдилар. Чет эл капитали (инглизлар, француздар, немислар, австрияларлар, бельгияларлар, итальянлар, XIX аср охиридан эса америкаликлар ҳам) турк иқтисодиёти ва молиясининг барча муҳим тармоқларини: ташқи савдони, темир йўлларни, конларни, коммунал ташкилотларни, банкларни ва алока воситаларини эгаллаб олдилар.

*Туркияда буржуазия-инқилобчилик ҳаракати. «Бирдамлик ва тараққиёт» қўмитаси.* Саноат ва савдонинг бундай ривожи турк буржуазиясини оғир аҳволга солиб, унинг ривожига тусик бўлаётган эди. «Ёш турклар»нинг мағлубиятига, сulton Абдул Ҳамид II нинг шафқатсиз режимига қарамасдан бир қием зиёлилар конституциянинг тикланишидан умид узмагандилар. XIX асрнинг охирида сulton ҳокимиятини чеклаш учун ҳаракат яна жонланди. Ҳаракатга кейинчалик машҳур бўлган махфий «Бирдамлик ва тараққиёт» ташкилоти бошчилик қилди. Ушбу номдаги дастлабки қўмита 1889 йили Истамбул ҳарбий-тиббиёт билим юрти талабалари томонидан ташкил қилинган эди.

Биринчи қўмита тез орада барбод қилинди, аммо 1894 йили янги қўмита тузилиб, унга турк интеллигенциясининг кўзга кўринган арбоблари қўшилдилар ва сultonликни буржуа-демократик давлатига айлантириш учун жонбозлик қилдилар. Улар ҳам ўзларининг ўтмишдошлари сингари ёш турклар деб аталди. Ёш турклар ҳаракатининг асосини амалдорлар, офицерлар ва ҳарбий билим юртларининг ўкувчилари ташкил қиласди.

«Бирдамлик ва тараққиёт» қўмитаси империя аҳолиси ўргасида тарғибот-ташвиқот ишларини ривожлантириб юборди. Истамбулда инқилобий варажалар чоп этадиган махфий босмахона ташкил қилинди. Парижда, Женевада ва Мисрнинг бир неча шаҳарларида ҳукуматга қарши газеталар нашр қилинади. 1897 йили ёш турклар сulton саройи олдида ўзларининг биринчи сиёсий намойишини уюштирудилар. Намойишдан кейин қатағонлар бошланди: 13 киши қатл қилинди, 70 дан зиёд киши сургун қилинди. 1899 йили янги суд жараёни бўлди. Аср охирига келиб ташкилот тўлиқ тор-мор қилинган эди. Бу вақтда 50 минг сиёсий маҳбуслар турмаларда

бұлса, яна 80 минг киши чет әлларда әди. Аммо харакатнинг ўзи йүқ қилинмади, XIX аср охиридаги Усмонийлар империясининг умумий инқирози сиёсий фаолият учун кенг имкониятлар яратди.

**Ёш турклар инқилоби.** Туркияда феодал-мустабид тузумни ағдариб ташлаган ва 1876 йилги конституцияни тиклаган инқилобий воқеалар «Ёш турклар инқилоби» номини олган. Бу инқилобий воқеаларнинг маркази Македония бўлди. Салоники шаҳрида фаолият юритаётган «Бирдамлик ва тараккӣ» ташкилотининг вакиллари ҳарбий қисмларда ташвиқотни кучайтирди.

1908 йил марта Эдирне шаҳрида жойлашган иккита отлик полк маошнинг вақтида берилмаганлиги сабабли исён кўтарди. Шу йил баҳорда ёш турклар хорижий давлатлар консулларига меморандум йўллаб, Македониянинг ички ишларига чет давлатларнинг аралашувига қарши норозилик билдириди. Султон ҳукумати айни пайтда армиядаги норозиликни тұхтатишга ҳаракат қилди. Салоникидаги қўшинлар офицерларининг бир қисмини қамоққа олиш бошланди. Июннинг охирида Реснадаги гарнizon офицери Ниёз бей қўзғолончилар отрядини тузди. Отряд гарнizon кассасидан пул ва омбордан қуроллар олиб токқа чиқиб кетди. Отрядга бошқа гарнizonлардан ҳам офицерлар ўз аскарлари билан келиб қўшила бошладилар. Султон қўзғолонни куч билан бостиришга буйруқ берди, аммо қисмлар буйрукни бажаришдан бош тортдилар. Ҳатто турк бўлмаган маҳаллий аҳоли ҳам қўзғолончиларни қўллади. Қуролланган 30 минг кишилик албанлар ҳам уларга келиб қўшилди. Султон Абдул Ҳамид II Салоникига Анатолиядан қўшин жўнатишга қарор қилганда қўшинлар қўзғолончиларга қарши чиқишдан бош тортдилар. Македонияда эса кўплаб шаҳарларда ҳокимиятни қўлга олган ёш турклар қўмиталари конституция тикланганлигини эълон қилдилар. Султон қўзғолончиларнинг талабларини қондиришга мажбур бўлди. 24 июль куни 1876 йилги конституция тикланганлиги тўғрисида султон фармони эълон қилинди. Депутатлар палатасини чақиришга ваъда берилди. Шаҳарларда конституцияни қўллаб митинглар булиб ўтди. Бу митингларда турли миллат ва динлар вакиллари биродарлашиб кетдилар. Сиёсий маҳбуслар турмалардан озод этилди. Ёш туркларнинг талабларига кўра бир неча вазирлар ва амалдорлар ўз ла-возимларидан четлатилди. Бир қанча сарой аъёнлари қамоққа ҳам олинди.

1908 йил октябрда «Бирдамлик ва тараққиёт» ташкилотининг конгресси бўлиб, унда сиёсий партия тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Янги партия дастурида сulton ҳокимиятини чеклаш, парламентнинг ваколатларини кенгайтириш, вазирларнинг парламент олдида жавобгарлиги принципини ўрнатиш, 21 ёшдан ошган барчага сайлов хукуқини бериш зарурлиги ҳақида айтилади. Сўз, матбуот ва ийғилишлар эркинлиги зълон қилинди. Аммо ёш турклар бошқа миллатларнинг Туркиядан ажralиб чиқиш хукуқини тан олмадилар.

Туркиянинг кучсизланиб қолганлиги ва халқаро обрўсининг тушиб кетганлигидан фойдаланиб, Австро-Венгрия Босния ва Герцеговинани босиб олди, Болгария эса ўз мустақиллигини зълон қилди. Ёш турклар Австро-Венгрия сиёсатини қоралади. Улар бўлиб ўтган парламент сайловларида 230 ўриндан 150 тасини эгалладилар ва ҳукуматни шакллантиридилар. Аммо сайловлардан сўнг халқ манфаати йўлида ҳеч қандай ислоҳотни амалга оширган ёш турклар тезда обрўсизланиб, ўз оммавийликларини йўқотдилар. Усмонийлар империяси таркибидаги кўплаб турк бўлмаган миллатлар ҳам уларнинг автономига бўлган ҳукуқларини тан олмагани учун ёш турклардан норози эди. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб ўнг кучларга янги давлат тўнтаришини амалга ошириш имконини яратди. 1909 йил 12 апрелдан 13 га ўтар кечаси Истамбул гарнizonи солдатлари исён кўтардилар, исённи ёш турклар томонидан хизматдан бўшатилган офицерлар ҳам қўллаб-кувватлади. Ёш турклар йўлбошчилари Салоникига қочишига улгурдилар. Сulton исёнчиларнинг ёш туркларни мамлакатдан ҳайдаш тўғрисидаги талабини маъқуллади. Салоникида яширинган ёш турклар ҳам жавоб тайёрлай бошладилар. Уларнинг қўл остида 100 минг аскардан иборат иккита армия корпуси бор эди. 16 апрель куни шу қўшинлар Истамбулга юриш бошлади. Пойтахт қуруқлик ва денгиздан ўраб олинди. Қисқа ҳарбий тўқнашувлардан сўнг пойтахт ёш турклар қўлига ўтди. Кўплаб исёнчилар дорга осилди, 10 минглаб исён қатнашчилари Истамбулдан қувиб юборилди. 27 апрель куни сulton тахтдан туширилди. Тахтга янги келган сulton Мехмет V мамлакатни бошқаришга лаёқатсиз шахс эди. 1909 йил ёзда конституцияга бир қатор ўзгаришлар киритилди. Сulton вазирларни тайинлаш ва бўшатиш, парламентни чақириш ва тарқатиб юбориш ҳукуқларидан маҳрум қилинди. Айни пайтда матбуотни

хукумат назоратига олувчи қонун қабул қилинди. Немис генерали фон дер Гольц таклифига биноан ҳарбий ислоҳот ўтказилиб, турк кўшинларида немис ҳарбий тизими жорий қилинди.

Ёш турклар натурал солиқ – ашарни ва солиқларнинг откуп тизимини ўзгаришсиз қолдирди. Касаба уюшмалари ва иш ташлашлар тақиқланди. Бу ҳолатга қарши курдлар, арманлар ва албанларнинг қўзғолонлари бўлиб, барчаси хукумат томонидан шафқатсиз бостирилди.

Учта урушда: Италия билан Ливия учун ва иккита Болкон урушларида мағлубиятлар Туркия жамиятини ларзага келтирди. Италия билан муваффакиятсиз урушдан кейин 1912 йил июляда янги давлат тўнтариши юз бериб, ёш турклар ҳокимиятдан четлатилди. Янги хукумат 18 октябрь куни Италия билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Сулҳга кўра Триполитания, Киренаика Италиянинг мустамлакаси деб тан олинди.

1912 йил 18 октябрда Болгария, Греция, Сербия ва Черногориядан иборат Болкон давлатлари коалицияси тузилиб, улар билан Туркия ўртасида янги уруш бошланди. Туркиянинг Македонияга автономия беришдан бош тортганлиги урушнинг бошланишига сабаб бўлди. Туркия кўшинлари бир қатор мағлубиятларга учрагандан сўнг 1912 йил 3 ноябрда Порта сулҳ тузишда воситачилик қилишни сўраб буюк давлатларга мурожаат килди. Аммо сулҳ шартларининг ўта оғирлиги Истамбулда кескин норозиликлар туғдирди. Бу ҳолатдан ёш турклар навбатдаги давлат тўнтаришини амалга ошириш учун фойдаландилар. 1913 йил 23 январь куни Энвер бей ва Тальят бей бошчилигидаги 200 га яқин ёш турк офицерлари хукумат резиденциясини ўраб олдилар ва вазирлар йигилиши кетаётган залга бостириб кириб, ҳарбий вазирни ўлдирдилар, бош вазир, ички ишлар ва молия вазирларини ҳисбга олдилар. Шундан сўнг ёш туркларнинг янги хукумати шакллантирилди. Аммо бу давлат тўнтариши ҳарбий ҳаракатларга ўз гаъсирин кўрсатмади. 1913 йил майда Лондонда имзоланган сулҳга кўра Усмонийлар империяси ўзининг Европадаги ерларидан деярли тўлиқ ажралди. Фақат иккинчи Болкон уруши даврида турклар Сербия, Руминия ва Греция билан бирга Болгарияга қарши ҳаракат қилиб Адрианополни қайтариб олишга эришдилар.

1913 йилнинг охиридан бошлаб мамлакатда ҳокимият ёш турклар партиясининг учта вакили: Энвер бей, Тальят бей ва Жемал

бейлар қўлига ўтди. Улар даврида Туркия ташки сиёсатда Германияга суюниб ҳаракат қилди, у эса ўз маслаҳатчилари ёрдамида Туркия армияси устидан назорат ўрнатди. Бу пайтда Туркияning иқтисодий аҳволи мураккаблигича қолаверди. Бюджет танқислиги ва давлат қарзлари ошиб борди. Туркия шундай ҳолда Биринчи жаҳон урушига кириб келди.

\* \* \*

Мамлакатни модернизация килишга интилган ёш турклар инқилоби абсолют монархияни конституцион монархия билан алмаштирди. Парламент ташкил қилинib, унда кўпчилик ўринларни модернизация тарафдорлари эгалладилар. Улар Туркияning буржуача тараққиёт йўлига ўтишини бошлаб бердилар, холос.

### **XXI боб бўйича саволлар**

1. XIX аср бошларида Туркияга қарашли худудларда бошланган кўзғолонлар унинг ички сиёсати ва халқаро муносабатларига қандай таъсир кўрсатди?
2. «Миср инқизози»нинг келиб чиқиш сабаблари нимада ва у Россия – Туркия муносабатларида қандай акс этди?
3. Танзимат Туркияning ижтимоий-сиёсий тараққиётида қандай босқич бўлди?
4. 1853–1856 йиллардаги Крим уруши Туркия учун қандай оқибатларга эга бўлди?
5. Париж трактати ва Танзиматнинг иккинчи давридаги ўзгаришлар Туркияning иқтисодий мустақиллигига қандай таъсир кўрсатди?
6. «Ёш турклар инқилоби» ва «Мидхат конституцияси» Туркияда қандай ўзгаришларга олиб келиши лозим эди?
7. «Ёш турклар инқилоби»нинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат эди?

### **XXII БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ЭРОН**

*Эронда инглиз-француз ракобати. Рус-эрон урушилари.* XIX асрнинг дастлабки йилларидан капиталистик тараққиёт йўлидан бориб, дунё империяларига айланган Англия ва Франция учун Эрон уларнинг сиёсий ҳамда иқтисодий манфаатлари объектига айланди. 1801 йили Англия хукуматининг вакили капитан Маль-

кольм Фотих Али шоҳ билан сиёсий ва савдо шартномаси имзолади ва унга биноан Буюк Британиянинг айрим товарлари бож соликларидан озод қилинди, унинг фукаролари эса Эрон портларида эркин жойлашиш ҳукукини олдилар, французларнинг Ҳиндистонга хужуми юз берган тақдирда, Эрон Афғонистонга қўшин киритиш мажбуриятини ҳам олди. Имзолангандан шартнома фақат Францияга эмас, Россияга ҳам қарши қаратилган эди. Эроннинг фикрича унинг Кавказ ортини қўшиб олиш йўлидаги уринишига фақат Россия тўсиқ бўлаётган эди. Айниқса, 1801 йили Шарқий Грузия Россияга қўшиб олинганидан сўнг, бу қарааш вакиллари янада фаоллашдилар.

Бироқ 1805 йили Наполеонга қарши қаратилган инглиз-рус иттифоқ шартномаси имзолангандан сўнг Буюк Британия Эроннинг Россияга қарши интилишларини амалда қўллаш имкониятига эга бўлмади. Бу ҳолдан Франция ўзининг Англия ва Россияга қарши сиёсатига Эронни жалб қилишда фойдаланмоқчи бўлди. Француз эмиссарлари томонидан Техронда олиб борилган музокаралар натижасида 1807 йили Наполеоннинг Финкельштейндаги қароргоҳида эрон-француз ҳарбий шартномси имзоланди. Эрон армиясини қайта куриш ва бутун Кавказ ортида шоҳнинг ҳокимиётини ўрнатишида ваъда қилинган француз ёрдами учун шоҳ Англияга уруш эълон қилиш, ўз қўшинларини Наполеон қўшинлари билан бирга Ҳиндистонга жўнатиш мажбуриятини олди ҳамда Форс қўлтиғидаги барча портлар француз кемалари учун очилди ва Франция бир қатор савдо имтиёзларига ҳам эга бўлди.

1807 йил июлда Тильзит сулҳи имзолангандан ва Наполеон Россия билан очик тўқнашувдан воз кечганидан сўнг Фотих Али шоҳ яна Англия билан яқинлашди. Унинг топшириғига кўра 1809 йил бошида генерал Гардан бошчилигидаги француз ваколатхонаси Эрондан чиқариб юборилди. Шу йил март ойида Буюк Британия вакили Харфорд Жонс билан шоҳ ҳукумати ўртасида «дастлабки келишув» деб аталган шартнома имзоланди. Унга кўра Эрон Франция ҳамда Англияга душман бўлган бошқа давлатлар билан муносабатни узди, мамлакатга инглиз ҳарбий инструкторларини киритди ва Форс қўлтиғида инглиз ҳарбий кемаларининг туришига рухсат берди. Британия томони ҳар йили Эронга 160 минг туман ёрдам пули бериш (1810 йили 200 минг тумангача оширилди) мажбуриятини олди.

1804 йил майды Фотих Али шоҳ рус подшоси Александр I дан ўз қўшинларини Грузиядан ва Кавказ ортининг бошқа районларидан олиб чиқиб кетиш талабини қўйганда, 1813 йилгача давом этган биринчи рус-эрон уруши бошланди. Эрон томонининг бир қатор мағлубиятларидан кейин 1813 йил октябрда Гулистан шартномаси имзоланиб, унга кўра Эрон Грузия, Догистон ва Озарбайжоннинг катта қисмига бўлган даъвосидан воз кечди. Каспий денгизида ҳарбий флотга эга бўлиш фақат Россиянинг ҳукуки қилиб белгиланди, рус ва эрон савдогарлари бир-бирларининг худудида эркин савдо қилиш ҳукукини қўлга киритдилар, божхона солиқлари товар қийматининг 5% и миқдорида ўrnагилди.

Гулистан шартномаси Англияning Каспий денгизи жанубий қисмида ўз назоратини ўrnatiшга бўлган интилишини йўкка чиқарди. Бироқ 1814 йили ноябрда 1809 йилдаги «дастлабки келишув» асосида янги инглиз-эрон шартномаси имзоланди. Унга биноан шоҳ Буюк Британияга душман бўлган барча Европа давлатлари билан имзоланган келишув ва шартномаларни бекор қилиш, уларнинг Ҳиндистонга жунатилган қўшинларини Эрон худудидан ўтказмаслик, Афғонистон билан Британия Ҳиндистони ўrtасида уруш чикқан тақдирда инглизларга ёрдам бериш, ҳарбий мутахассисларни фақат Англия ва унга дўст бўлган давлатлардан таклиф қилиш мажбуриятларини олди. Англия ҳукумати Эронга ҳар йили бериладиган ёрдам пулидан ташқари Гулистан шартномасининг шартларини қайта кўриб чиқишига эришиш ваъдасини берди. 1814 йилги шартнома шоҳнинг ташқи сиёсатини Англияга қарам қилиб кўйди ва уни Россия билан янги урушга чорлади. Шоҳ саройида ўч олиш кайфиятининг кучайишига 1821–1823 йиллари Туркия билан бўлган урушда Эрон армиясининг қисман муваффақиятлари ҳам сабаб бўлди.

1826 йил июлда иккинчи рус-эрон уруши бошланди. Уруш нинг дастлабки даврида Ленкоран, Салиан, Ширвон ва Ганжани бой берган руслар, сентябрь-октябрь ойларида Шамхор ва Ганжа яқинидаги жангларда эронликлар армиясини тор-мор килдилар. 1827 йили Аракс дарёсидан ўтиб, Хой, Маранд, Табриз, Урмия ва Ардабил шаҳарларини эгалладилар. Инглизлар ёрдамида Аббос мирзо томонидан қайта курилган Эрон армияси деярли тўлиқ парчаланиб кетди. 1828 йил февралда Табриз-Техрон ўлида жойлашган Туркманчай қишлоғида генерал Паскевич штабида ташқи иш-

ларни бошқарган А.С. Грибоедов томонидан тузилган шартнома имзоланди.

Гулистон шартномаси ўрнига тузилган, рус-эрон урушига хотима ясаган Туркманчай шартномасига кўра икки давлат ўртасидаги чегара асосан Аракс дарёси бўйлаб белгиланди. Фақат Грузия ва Шимолий Озарбайжон эмас, Шарқий Арманистон – Ереван ва Нахичевань хонликлари, Ордубад округи ҳам Россияга ўтиб кетди. Каспий денгизида ҳарбий флотга эга бўлиш ҳуқуқи фақат Россияга тегишли эканлиги яна бир бор эътироф этилди. Эрон зиммасига 20 млн рубль товон тўлаш мажбурияти юклатилди. Тинчлик шартномаси билан бирга савдо тўғрисида маҳсус трактат ҳам имзоланиб, унга биноан Россия фуқаролари экстерриториаллик ҳуқуқига, бир қатор сиёсий ҳамда иқтисодий имтиёзларга, бошка давлат вакиллариiga нисбатан қулай мақомга эга бўлдилар.

Россияга товон тўлаш учун шоҳ томонидан жорий қилинган фавқулодда солиқ аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Мирза Месих бошлиқ рухонийлар халқ нафратини Россия элчиси А.С. Грибоедовга қаратдилар. 1829 йил 11 февраль куни Россия ваколатхонасига уюштирилган хужум натижасида А.С. Грибоедов ўлдирилди. Туркия билан Россия ўртасидаги уруш туфайли Николай I Эронда Россиянинг расмий вакили ўлдирилганлиги учун жазо чораларини қўлламади, Фотих Али шоҳнинг узрини ва унинг набираси Хисрав мирза Петербургга олиб келган совғаларни қабул қилди, ҳатто Эрондан олинадиган товон пулини 2 млн рублга камайтирди.

Рус-эрон урушлари биринчи навбатда чор ҳукуматининг экспансционистик мақсадларини амалга оширишга қаратилган эди. Уруш шу билан бирга Кавказ халклари учун маълум енгилликлар, биринчи навбатда тинчлик ҳам олиб келди.

**Ҳирот муаммоси ва чет эл капиталининг Эронга кириб келиши.** Рус-эрон урушлари даврида Хуросон ҳудудида маҳаллий хонларнинг доимий қўзғолонлари бўлиб, улар Саффавийлар даврида Эрон таркибига кирган Ҳиротдан ёрдам олиб турадилар. Ҳиротга Англия ҳам катта эътибор қаратадиган эди, чунки Ҳирот Ҳиндистонга шимоли-шарқдан кириш йўлида жойлашган бўлиб, Англиянинг Эрон ва Туркистонни бўйсундириш учун интилишида стратегик плацдарм бўлиши мумкин эди. 1834 йили таҳтга Фотих

Али шохнинг набираси Мұҳаммад (1834–1848) келиши билан Ҳирот масаласи янада кескинлашди.

1837 йили Ҳиротга юриш бошлаган Мұҳаммад шоҳ фақат Хуросон хонларини бўйсундириш эмас, афғонларнинг Сейистонга бўлган даъвосига барҳам беришни ҳам мақсад килган эди. Аммо 1837 йил ноябрда бошланган Ҳиротнинг қамал қилиниши Англия нинг норозилигига сабаб бўлди. Форс қўлтигида унинг ҳарбий кемалари пайдо бўлиб, Бушир порти яқинидаги Харг қальасини эгаллаб олдилар. 1838 йил ноябрда Буюк Британия Эрон билан дипломатик муносабатларини тўхтатди. Лондон томонидан доимий босим ва таҳдид натижасида шоҳ Мұҳаммад қамални тўхтатишга ва 1841 йил марта Афғонистондан қўшинларини бутунлай олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Шундан сўнг, 1841 йили Англия ва Эрон ўртасида дипломатик муносабатлар тикланиб, Британия фуқароларининг экстерриториаллиги ва улар товарларини Эроннинг ички солиғидан озод қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Эронга киритилаётган инглиз товарларига бож солиғи товар қиймагининг 5% и миқдорида ўрнатилди. 14 йил ўтгандан кейин худди шундай имтиёзлар аввал Францияга, сўнг Австрия, Бельгия, Голландия, Дания, Норвегия ва Швецияга ҳам берилди. 1856 йили Эрон билан «дўстлик ва савдо» тўғрисида шартномани АҚШ ҳам имзолади.

Шартномалар имзолангандан кейин чет давлатларнинг, биринчи навбатда Англия ва Россиянинг Эрондаги позициялари янада мустаҳкамланди. Улар учун энди Эрон фақат стратегик эмас, иқтисодий жиҳатдан, саноат товарлари учун бозор сифатида ҳам қизиқиш уйғотаётган эди. Агар 1833 йили Эроннинг асосий савдо маркази бўлган Табриз шаҳрига Трапезунд оркали 15 млн рублга тенг Европа моллари олиб кирилган бўлса, 1836 йили бу кўрсаткич 40 млн рублга етди. Чет эл тијорат компаниялари Эрондаги таслимчилик режими ҳамда ўзларининг сиёсий ва иқтисодий имтиёзларидан фойдаланиб, ўз филиалларини очдилар, ташқи ва ички савдодан эронлик савдогарларни сиқиб чиқара бошладилар. Ғарбий Европанинг фабрика товарлари Эрон бозорларида маҳаллий хунармандларнинг молларига нисбатан 2–3 баробар арzon сотилиб, анъанавий мишлий хунармандчилик ва касаначилик нинг тушкунлигига олиб келди. Товар-пул муносабатларининг ўсиши феодал ер эгалигининг инкиrozига, хусусий ер фондининг

кўпайишига олиб келди. Кўплаб дехқонлар ўз кишлоқларини ташлаб, шаҳарга кетдилар ва у ердаги камбағаллар ҳамда ишсизлар каторини тўлдирадилар. Мавжуд ҳолатдан норозилик кайфияти фақат дехқонлар, хунармандлар ва савдогарлар орасида бўлмасдан, руҳонийларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан уларга яқин бўлган кисмини ҳам камраб олди.

**Бабийлар қузголони. Амир Низом ислоҳотлари.** 1840-йилларнинг охирларида Эронда ҳукуматга қарши ҳалқ исёни бошланиб, унинг бошида шиа диний мазҳабининг бабий тариқати вакиллари туради. Тариқатга 1819 йили шерозлик савдогар оиласида туғилган, ўзи ҳам бир неча йил газлама савдоси билан шуғулланган саййид Али Муҳаммад асос солган эди. У Карбало ва Нажафга зиёратни амалга оширгандан сўнг шайхийлар тариқатига қўшилди. Улар ривоятга кўра 1000 йил аввал йўколган 12-имом Маҳдининг Ер юзида адолат ўрнатиш учун яқинда ташриф буориши ғоясини тарғиб қилар эдилар.

Шайхийларнинг бош имоми саййид Козим вафот этгандан сўнг, у үзига ворис тайинламаганлиги сабабли Али Муҳаммад ўзини Баб – 12-имом ўз иродасини ҳалққа эълон қиласидан «эшик» деб эълон қилди. Орадан уч йил ўтгандан сўнг у ўзини Маҳди пайғамбар деб эълон қилди ва Куръонга тақлид қилиб «Беян» («Вахий») деб номланган китоб ёзиб, унда ўз таълимотининг асосларини баён қилди.

«Беян»да ҳаётдаги ноҳакликларнинг асосий сабаби деб, ҳокимлар ва олий руҳонийларнинг эски одатлардан воз кечадан олмаганлиги кўрсатилади. Али Муҳаммад барчанинг, жумладан аёлларнинг ҳам тенглигини, Озарбайжон, Мозандарон, Форс, Хурросон, Марказий Эронда, кейин эса бутун дунёда бабийлар ҳокимиятининг ўрнатилишини эълон қилди. Бабийлар ғоясини рад қилувчиilar ва чет элликларни мамлакатдан қувиб чиқариш ва мулкини муқаддас давлатнинг маълумотли кишилари ўртасида бўлиб олиш таклиф қилинади. Зулм йўқотилади, одамлар баҳтли бўладилар, деган умумий қоидалар билан бирга Али Муҳаммад қарзни тұлашнинг шартлиги, тижорат ёзишмаларининг сир сақланиши, судхўрликка рухсат берилиши, почта хизматини йўлга қўйиш, савдо ишлари билан чет элларга чиқиши имконияти каби бир қатор аниқ таклифларни ҳам кирилди.

Дастлаб бабийлар кенг халқ оммасини эмас, шоҳни, сарой ахлларини ва вилоятлар руҳонийларини ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилдилар. Аммо ҳукумат бабийларнинг дастурини қабул килмади ва уларни таъқиб қила бошлади. 1847 йили Али Муҳаммад қамоққа олинди ва аввал Мака қалъасига, кейин эса Туркия билан чегарадаги Урмия қўли якинидаги Чехрик қалъасига жойлаштирилди.

Ҳокимиятдагиларнинг тушунишидан умидини узган бабийлар мавжуд тузумдан норози бўлган кенг халқ оммаси орасида ташвиқотларини фаоллаштиридилар. Бабнинг издошлари орасида дехқонлардан чиқсан мулла Муҳаммад Али Барфоруший ажralиб турарди. У Али Муҳаммаднинг дастуридаги демократик ғояларни ривожлантириди. 1848 йил ёзида Бедашт кишлоғида бўлган бабийларнинг йиғилишида у янги пайғамбар пайдо бўлганлиги муносабати билан эски қоидалар бекор қилиниб, одамлар хўжайинлар фойдасига солиқ ва бошқа тўловлар тўлашдан озод қилинди, деб эълон қилди. У айни пайтда олий табака вакилларининг имтиёз ва ҳукуқларини ҳам бекор қилди ва уларга қарашли хусусий мулкнинг бўлиб олинишини билдириди. Шоҳрудда бабийларнинг йиғилиши ҳокимият томонидан тарқатиб юборилгандан сўнг, мулла Муҳаммад Али Барфоруший ўз издошлари билан Мозандарон томон ўйл олди.

1848 йил сентябрда Муҳаммад шоҳ вафот этди ва Мозандарон ҳокими ўз якинлари билан Техронга жўнаб кетди. У мотам маросимидан ташқари янги шоҳ Насриддиндан (1848–1896) ўз мақомини ҳам аниқлаб олиши лозим эди. Ушбу ҳолатдан бабийлар фойдаланмоқчи бўлдилар. Улар Барфоруш шахри яқинидаги имом Табризий мақбараси ёнида чодир қуриб, очиқчасига қуроллана бошладилар. Уларга атрофдаги кишлоқлардан дехқонлар ва ҳунарманделар ҳам келиб қўшилди. Қўзғолонга бошчилик қилган мулла Муҳаммад Али Барфоруший ва мулла Ҳусайн Бошрўйи ўзларига қарашли ҳудудда хусусий мулкни бекор қилишга, одамларнинг тенглигини ва жамоа мулкини жорий қилишга уриниб кўрдилар. Барча бабийларнинг битта қозондан овқатланиши жорий қилинди. Маҳаллий хонларнинг уларни тарқатиб юбориш учун қилган барча ҳаракатлари амалга ошмай қолди. 1848 йил октябрда қўзғолончиларга қарши Техрондан жўнатилган икки минг кишилик ҳукумат қўшинлари ҳам мағлубиятга учради. Қўзғолончилар саккиз ой шоҳ

қўшинларига қаршилик кўрсатдилар, фақат 1849 йил майда ҳолдан тойгандан сўнг қаршиликни тўхтатдилар.

Мозандарондаги қўзғолон бостирилгандан сўнг бабийлар ҳаракати сусаймади, аксинча, янада кенгроқ ёйилди. 1850 йили майда дехқонлар ва хунармандалар томонидан қўллаб-кувватланган Зенжон бабийлари қўзғолон кўтарди. Уларга мулла Муҳаммад Али Зенжоний бошчилик қилди. Қўзғолончилар шоҳ қўшинлари томонидан шафқатсиз ўққа тутилди.

Айни пайтда Баб қамаб қўйилган Чехрик қальясига Эроннинг турли вилоятларидан, кўшни Ҳиндистон ва Туркиядан кўплаб зиёратчилар кела бошладилар. Бабийлар ҳаракатининг кенг ёйилишидан хавфсираган шоҳнинг биринчи вазири мирза Таги хон Бабнинг қатл қилинишини талаб қилди. 1850 йил июлда Насриддин шоҳнинг буйруғига кўра Али Муҳаммад отиб ташланди.

1850 йил декабрда Зенжондаги қўзғолон бостирилгандан сўнг бабийлар ҳаракати ўз оммавийлигини йўқотиб, якка террор усулига ўтдилар. Улар томонидан 1852 йили Насриддин шоҳга қарши ўюштирган сункасад мувваффақиятли чиқмади.

Айни пайтда, хукмрон доираларнинг бир қисми бабийлар қўзғолонига мамлакатдаги ижтимоий зиддиятлар сабаб бўлаётганлигини тушуниб, баъзи ислоҳотлар ўтказишга жазм қилдилар. Шоҳнинг биринчи вазири (садр-аъзам) мирза Таги хон, бир пайтда қўшинлар қўмондони бўлганлиги сабабли Амири Низом унвонига ҳам эга бўлиб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ва чет элликлар таъсирини камайтиришга ҳаракат қилди. У дастлаб армияни қайта куриш, аскарлар ва зобитлар орасида тартиби мустаҳкамлаш билан шуғулланди. Кейин Эроннинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида давлат бошқарув аппаратини қисқартириди, хизматда қолганларга эса маошни икки баробар камайтириди. Порахўрлик ва хазинани ўғирлашда шубҳа қилинган губернатор ва бошқа амалдорлар қаттиқ жазоланди. Олдинлари кенг қўлланилган амалларни сотиш тақиқланди, айни пайтда савдо ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Аммо Амири Низомнинг ислоҳотчилик фаолияти ўз имтиёзларидан ажralишини истамаган феодалларнинг кескин қаршилигига учради. Амири Низом ҳукумат бошлиғи бўлган уч йилда давлатнинг иқтисодий аҳволи кескин яхшиланганига қарамасдан, унинг душманлари Насриддин хонни биринчи вазир унинг ҳокимиятини

эгаллашга интилаёганлигига ишонтира олдилар. Натижада Амири Низом хоннинг ғазабига учради ва 1851 йил ноябрда Каашанга сургун қилинди, 1852 йил январда хоннинг буйруғи билан ўлдирилди.

Амири Низом ислоҳотларининг муваффакиятсизликка учраши Эронда феодал тартибларнинг сакланиб қолишига олиб келди ва мамлакатнинг чет элликлар томонидан бўйсундирилиш жараёнини енгиллаштириди.

*Эроннинг ярим мустамлакага айлантирилиши.* XIX асрнинг иккинчи ярми Европа давлатларининг, биринчи навбатда, Англия ва Россиянинг Эронда фаол мустамлакачилик экспансияси даври бўлди. Ҳокимиятда турган кожарлар сулоласи вакиллари ўз халқининг талабидан кўра, чет давлатларнинг талабини бажаришни афзал кўрди. Эронни қарам қилишнинг усуслари сифатида чет эл капитали турли хил концессиялар<sup>1</sup> олиш ва Техронга пул қарз беришдан кенг фойдаланди.

Крим уруши даврида инглизларнинг Севастополни қамал қилиш билан бандлигидан фойдаланиб, Насриддин шоҳ афғонлар амири Дўст Муҳаммаднинг Ҳиротни босиб олишига қаршилик қилиш мақсадида ундан олдин бу шаҳарга юриш қилди. 1856 йили беш ойлик қамалдан сўнг Ҳирот олинди. Бунга жавобан Англия Эронга уруш эълон қилиб, унинг бир қисм ҳудудини босиб олди. 1857 йили Парижда имзоланган шартномага биноан шоҳ Ҳиротнинг мустақиллигини тан олди ва бундан кейин Эрон билан Ҳирот ёки Афғонистон ўртасида келишмовчилик чиқса, воситачилик учун Лондонга мурожаат қилиш мажбуриятини олди.

1862–1872 йиллари Англия шоҳ ҳукумати билан учта конвенция имзолашга эришди. Бу конвенцияларга биноан Лондон билан Хиндистон ўртасида узлуксиз алоқани таъминлаш мақсадида инглизлар Эрон ҳудудида телефон линияларини қуриш ҳукуқини олди. Кейинчалик бу линиялар Лондоннинг Эронга босим ўтказишида қўшимча асос бўлиб хизмат қилди. Инглизлардан иборат хизмат курсатувчи мутахассислар экстерриториаллик ҳукуқига эга бўлдилар. Телеграф линияларининг ўзига эса ҳудди масжид ёки элчихоналардек беста имтиёзи (ҳукуматдан қочиб яширинувчилар учун дахлсиз жой) қўлланилди.

<sup>1</sup> Концессия – ер, кон ва шу кабилардан фойдаланиш ҳақида давлат билан айrim капиталист ёки фирма ўртасида тузилган шартнома.

1872 йили шоҳ инглиз телеграф линияларининг эгаси барон Ю. Рейтерга Эроннинг барча саноат ресурсларини (табиий бойликларни эксплуатация қилиш, ирригация иншоотлари, йўллар ва бошқалар қуриш) 70 йил монопол эксплуатация қилиш учун концессия тақдим қилди. Аммо бу концессия мамлакатда кенг норозиликларни келтириб чиқарди ва Насриддин шоҳ тез орада уни бекор қилишга мажбур бўлди. Шоҳ ҳукумати Рейтерга компенсация тариқасида 1889 йили Эроннинг Шаҳаншоҳ (Империя) банкини ташкил қилишга рухсат берди. Банк банкнотлар чиқариш, пул зарб қилишни назорат қилиш, ўз ҳисобига давлатнинг жорий даромадларини ва божхона тўловларини қабул қилиш ҳукукини олди ҳамда чет эл валюталарининг курсини ўрната бошлади.

1888 йили Англия фукароси Линч Эрондаги кема қатнайдиган ягона дарё – Карунда кемалар қатновини ташкил қилиш учун концессия олди. 1891 йили Эрон тамакисини сотиш, сотиб олиш ва қайта ишлаш ҳуқуқи тўлиқ Британиянинг Тальбот компаниясига берилди. Бунга қарши бутун мамлакатда норозиликлар бўлиб, ҳатто йирик руҳонийларнинг чекишини тақиқлаш түғрисида маҳсус фатвоси ҳам эълон қилинди. Натижада шоҳ 1892 йили бу концессияни бекор қилишга мажбур бўлди. Тальбот фирмасига зарарни тўлаш учун Шаҳаншоҳ банки Насриддин шоҳга 500 минг ф.ст. қарз берди. Бу чет элдан олинган дастлабки йирик қарз эди.

Агар Эроннинг жанубида Англиянинг таъсири кучли бўлса, мамлакат шимоли Россиянинг таъсир зонасига киради. 1879 йили Россия фукароси Лианозов Каспий денгизида ва Эроннинг унга куйилувчи дарёларида балиқ овлаш ҳуқукини олди. 1889 йили шоҳ ҳукумати рус капиталисти Поляковга Эроннинг Ҳисоб-ссуда банкини ташкил қилишга лицензия берди ва кейинчалик ушбу банкнинг бўлимлари ва агентликлари Табризда, Рештда, Машҳадда, Казвинда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида очилди. Ушбу банк билан Шаҳаншоҳ банки ўртасида қаттиқ рақобат бошланди. 1890 йили Поляков «Эрон суғурта ва транспорт жамиятини» таъсис этишга рухсат олди. Бу жамият Шимолий ва Марказий Эроннинг шаҳарларини Россия чегаралари билан боғловчи йулларни, шунингдек, Каспий денгизининг жанубий кирғоклари бўйлаб дарё йулларини қуриб, ўз назоратига олди. Темир йулларни эса Англия билан Россиянинг босими остида Эрон уни қурмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Доимий пулга муҳтоҗлик сезган ҳукмрон доира баъзан арзимаган тӯлов эвазига бошқа чет давлатлар вакилларига ҳам концессиялар берарди. Хусусан, бельгияликлар қиморхоналар очиш ва вино сотишига рухсат олган бўлса, французлар муддатсиз археологик қазиш ишларини олиб бориш ва топилган қадимги буюмларнинг ярмини Эрондан олиб чикиб кетиш ҳуқуқини олдилар.

1870-йиллардан бошлаб Эрон чет эл фабрика товарларини импорт қилишни кўпайтирди, натижада вужудга келган ракобат маҳаллий хунармандчиликка катта зарар етказди ва миллий са-ноатнинг шаклланишига тўсиқ бўлди. Айни пайтда ташки бозор-нинг талабларига мос равишда мамлакатдан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва хомашё олиб чикиш кўпайди. Пахта, тамаки ва бошқа техник экинлар майдони оширилди. Эрон Европа давлатларининг хомашё базасига айланиб борди.

Мамлакат иқтисодиётидан ташқари давлат бошқарувининг баъзи соҳалари ҳам чет элликларнинг назоратига ўтиб кетди. 1879 йили рус офицерлари бошчилигига тузилган казаклар полки кейинчалик бригадага айлантирилди ва Эрон армиясининг ягона жанговар қисми бўлиб, шоҳ режимиининг чор Россиясига қарамлигини ошириди. Руслар билан бир қаторда Эронда австриялик, германиялик, италиялик ва франциялик ҳарбий инструкторлар ҳам пайдо бўлди. Чет элликлар марказий бошқарув аппаратига ҳам кириб бордилар: почта ва телеграф вазирлигига ҳал қилувчи овоз инглизларга тегишли; 1898 йилдан божхона ишларини бельгиялик Наус бошқаради. Шимолий худудлар ва пойтахтда масъул лавозимларга рус элчисига маъқул кишилар тайинланар эди. Жанубий худудларда эса инглизлар шоҳ ҳукумати билан ҳисоблашмасдан тўлиқ ҳўжайнлик килар, маҳаллий хонлар билан шартномалар тузар, уларга субсидиялар ва қурол етказиб берарди.

Эронда чет эл капитали позициясининг мустаҳкамланиши мамлакатнинг синфий тузилишида ҳам муҳим ўзгаришларга олиб келди. Кишлоқ ҳўжалигининг ташки бозор талабларига боғлиқлиги ошиши билан савдогарлар вакиллари, амалдорлар ва руҳонийлар кичик ер эгаларининг ерларини эгаллаб ола бошладилар, шунингдек, феодал зодагонларга ва шоҳ оиласига тегишли ерларни сотиб олиб, янги типдаги помешчиклар қатламини ташкил қилдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан шаҳарларда хунармандчилик ва мануфактура ишлаб чиқаришидан фабрика-завод ишлаб чиқари-

шига ўтиш учун қилинган ҳаракат, ёлланма меҳнатга асосланган миллий акционерлик жамиятларини ташкил қилиш тадбиркорлик тажрибасининг ва етарли даражада тайёрланган техник кадрларнинг йўқлиги ҳамда капиталнинг етишмаслиги сабабли муваффакиятсиз якунланди. Ишдан ва яшаш воситаларидан айрилган ўн минглаб хунармандлар ва ёлланма ишчилар касодга учраган дехқонлар билан бирга Россияга ишлагани кетардилар.

1873, 1878 ва 1889 йиллари Россияга ва Европага сафар уюштирган Насриддин шоҳ давлат бошқаруви соҳасига бир қатор янгиликлар: ички ишлар, почта ва телеграф, маориф, адлия вазирликларини жорий килди, феодал зодагонларнинг фарзандлари учун бир нечта дунёвий мактаблар очди, сарой аҳлининг кийимларига қатор европача элементлар киритди. Руҳонийларнинг суд ҳокимиятини чеклашга қилинган уриниш эса шиа мазҳабининг обрўли ва таъсирли имомларини шоҳга қарши қилиб қўйди.

1893–1894 йиллари Исфаҳонда, Машҳадда, Шерозда ва бошқа шаҳарларда «очларнинг» оммавий ғалаёнлари бўлиб ўтди. Халқ норозилиги ўсиб бораётган бир пайтда 1896 йил 1 май куни панисломист Резо Керманий томонидан Насриддин шоҳнинг ўлдирилиши ва унинг ўғли Музafferиддин шоҳнинг тахтга келиши умумий ҳолатни ўзгартирмади. Бир неча вазирлар ва губернаторларни истеъфога чиқарган шоҳ ўз яқинлари билан асосан отасининг реакцион курсини давом эттириди. Унинг даврида чет элликларнинг таъсири янада ортди, халқ норозилиги кескин кучайиб, унинг кўлами кенгайди.

**1905–1911 йиллардаги Эрон конституциявий инқилоби.** Музafferиддин шоҳнинг сиёсати 1905–1911 йиллардаги буржуа-демократик инқилобига олиб келди ва у миллий-озодлик ҳаракати билан қўшилиб кетди. Мамлакат иқтисодий-молиявий тизимида чет элликларнинг қўплиги ва унга хуқмрон доираларнинг муносабати инқилобга сабаб бўлди. Инқилобнинг маркази шимолий вилоятлар, аввало Эрон Озарбайжони бўлди. Инқилоб жараёнида мажлис (парламент) тузилди, конституция қабул қилинди. Бу ўзгаришларга қарамасдан охир-оқибатда кожарлар ҳокимияти тикланди ва мамлакат Россия ҳамда Англия томонидан таъсир зоналарига бўлиб олинди.

Инқилобнинг асосий сабаби жамиятда муқим ижтимоий таянчга эга бўлмаган Кожарлар сулоласининг ички ва ташки сиёсатидан

норозилик бўлди. Мамлакатга чет эллик давлатларнинг империалистик қизиқишлари ортган сари кожарлар Англия ва Россия ўртасида мувозанат сақлаш ҳамда мамлакат бойликларини чет эл компаниялари ихтиёрига бериш йўлига ўтди. Бу ҳол пойтахтда норозиликларга сабаб бўлиб ва у 1906 йил ёзида авж олди. Агар қишида қўзғолончилар барчанинг тенглиги таъминланган суд палатаси ташкил қилишни, садр-аъзам (бош вазир) Айн эд-Довулнинг ва божхона бошлиғи Науснинг истеъфосини талаб килган бўлсалар, ёзга келиб Техронда конституция қабул қилиш ва мажлисни чақириш талаби билан очиқ намойишлар бошладилар.

1906 йил 16 июлда қамалишдан қўрқкан 9 нафар савдогарлар Буюк Британия дипломатик ваколатхонаси богида яшириниб олдилар, июлнинг охирида уларга яна 14 минг киши қўшилди<sup>1</sup>. Айни пайтда 200 га яқин мужоҳидлар мұқаддас Кум шахри томон йўлга чиқдилар. Бу ҳол шоҳ Музаффариддинни 9 сентябрь куни мажлисга чақириб сайловлар ўтказиш тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлашга мажбур қилди. Сайлов ҳукуқи маълум мулкка эга бўлган, танилган, 25 ёшдан ошган эркакларга берилди. Сентябрь ойида Табризда Эронда биринчи сайланадиган инқилобий орган – энжумен ташкил қилинди. Бу ташкилот ноннинг нархини тартибга келтирди, суд функцияларини ва хавфсизликни таъминлашни ўз зиммасига олди.

Октябрь охирида мажлис шоҳ ва ҳукумат фаолиятини чекловчи конституция лойиҳасини ишлаб чиқди. Бироқ шоҳ саройи уни қабул қилишга шошилмади, чунки шоҳ Музаффариддин оғир касал, ўлим тўшагида бўлиб, ўрнига келадиган Мухаммад Али-мирза ўз тарбиячиси рус агенти С.М. Шапшал томонидан эътиқодли реакционер қилиб тарбияланган эди. Аммо шоҳнинг касали чўзилиб кетди ва Музаффариддин 30 декабрь куни айрим ўзгаришлар билан конституциянинг биринчи – мажлиснинг ҳукуқ ва ваколатлари тўғрисидаги қисмини тасдиқлашга мажбур бўлди. Орадан беш кун ўтиб шоҳ вафот этди. Асосий қонуннинг биринчи қисми мажлис фаолиятини тартибга солиб, унинг ваколатига молия масалаларини, давлат мулкини, чегараларини, концессиялар бериш ва қарз олишни, темир ва шоссе йўллар қурилишини берди.

1905 йил бошида Техронга келган табризлик депутатлар Асосий қонуннинг иккинчи қисмини қабул қилишни талаб килдилар ва чет

<sup>1</sup> К а р а н г : ru.wikipedia.org/wiki/Конституционная\_революция\_в\_Иране.

элликлар масаласида бир қатор талабларни илгари сурдилар. Шоҳ талабларни рад этиб, мажлисни тарқатиб юборишни мўлжаллади. Шоҳнинг режаси шаҳарларда тартибсизликлар келтириб чиқарди. Табризда қўзғолончилар почта, телеграф, қурол-аслаҳа омбори ва казармаларни эгалладилар, амалдорлар ва губернатор қамоққа олинди. Шимолда ишчилар, майда буржуазиядан ташкил топган мужоҳидлар ташкилотлари сони кўпайди. Ҳамма шаҳарларда турли йўналишдаги энжуменлар, дастлабки касаба ташкилотлари пайдо бўлди.

1907 йил 3 октябрда жоҳил садр-аъзам Амин эс-Султон ўлдирилди. Бу воқеа Асосий қонунга қўшимчалар қабул қилиш учун туртки бўлди. 107 моддадан иборат Кўшимчалар 7 октябрь куни мажлис томонидан қабул қилинди ва шоҳ уни имзолади. Кўшимчалар Асосий қонуннинг энг муҳим қисми бўлиб, куйидаги бўлимлардан иборат эди: Эрон халқининг ҳукуқлари ҳакида, давлат ҳокимияти, мажлис аъзолари ва сенатнинг ҳукуқлари, шоҳнинг ҳукуқлари, вазирлар ҳакида, суд ҳокимияти тўғрисида, анжуманлар, молия ва армия ҳакида. Кўшимчалар буржуа ислоҳотларини амалга ошироқчи бўлган помешчик-буржуа қатламлари манфаатларини акс эттирас эди.

\* \* \*

XIX асрда Эрон кучли миллий армияга, марказий давлат аппаратига ва ягона солик тизимига эга эмасди. Эрон Россия ва Англияning минтақадаги босқинчилик интилишларига қаршилик қила олмади. Мамлакат ичкарисидаги ислоҳотларга диний мутаассиблик ва унга асосланган давлат тузуми, ижтимоий институтларнинг кам тараққий этганлиги халакит бераётган эди. Натижада Эрон кучли давлатларнинг ярим мустамлакасига айлантирилди.

## XXII боб бўйича саволлар

1. XIX аср бошларидаги рус-эрон урушлари натижасида Эрон ўзининг қандай худудларидан айрилди?

2. Эронга чет эл капиталининг кириб келиши асосан қандай шаклларда юз берди?

3. Бабийлар қўзғолонининг сабаблари нимада эди? У қандай натижаларга олиб келди?

4. Амири Низом ислоҳотлари нима учун муваффакиятсизликка учради?

5. Эроннинг ярим мустамлакага айлантирилишини қандай ички омиллар осонлаштириди?

6. 1904–1911 йиллардаги конституциявий инқилоб Эрон олдида турган қандай муаммоларни ҳал қилишга қаратилган эди?

## **XXIII БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА АФГОНИСТОН**

XX аср 70-йилларидан ҳозирги кунгача жаҳондаги кучли давлатлар геосиёсий манфаатлари ва ҳарбий ҳаракатларининг марказида бўлиб келаётган Афғонистонда юз бераётган воқеалар бу давлатнинг XIX асрдаги тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

1801 йили Замон шоҳ томонидан катл қилинган Пайнди хоннинг ўғли Фатҳ хон Замон шоҳнинг исёнчи укаларидан бири Маҳмуд билан бирлашиб, аввал Қандаҳорни, кейин Кобулни эгаллади. Замон шоҳ таҳтдан туширилди, кўзлари қўр қилиниб, зиндонга ташланди.

Замон шоҳ давридаги нисбатан барқарорлик шоҳ ҳокимияти учун узоқ давом этган ўзаро урушлар даври билан алмашди. 1801–1803 йиллари таҳтда ўтирган Маҳмуд шоҳ ўрнига келган Шужа ал-Мулк (1803–1809) даврида инглизлар Афғонистонга кириш учун дастлабки уринишни амалга оширдилар. Бу уринишда ҳали фақат дипломатик воситаларгина қўлланилди.

Фатҳ хоннинг ёрдами билан 1809 йили Маҳмуд шоҳ таҳти қайтаришга муваффақ бўлди. Буюқ вазир лавозимини эгаллаган Фатҳ хон афғон зодагонларининг ўзбошимчалигига чек қўйиш, ўзаро феодал урушларни тўхтатиш, шоҳ хазинасига солик тушумларини тартибга келтириш учун курашди. Бу ишда унга ёш, ҳаракатчан укаси Дўст Муҳаммад сардор катта ёрдам берди.

1814 йили Ҳиротга эронлик қўшинлар бостириб кирди. Хоннинг Ҳиротда хукмронлик қилаётган укаси Феруз уд-Дин ёрдам сўраб Маҳмудга мурожаат қилди. Шоҳнинг буйруғига кўра қўшинлар билан бу ерга келган Фатҳ хон шаҳардан эронликларни қувиб чиқарди ва бир йўла Феруз уд-Динни ҳам ҳокимиятдан маҳрум қилди. Қўрқиб кетган шаҳзода Камрон алдов йўли билан Фатҳ хонни қўлга тушириб, кўзларини қўр қилди ва кейин даҳшатли

усулда қатл килдирди. Фатх хоннинг қатл килиниши Баракзойлар қабиласининг қўзғолонига олиб келди. Фатх хоннинг ака-укалари ва кариндошлари Махмудни тахтдан ағдаришди. Афғонистон бир қанча майда давлатларга бўлиниб кетди ва уларда Фатх хоннинг қариндошлари хукмронлик қила бошлади.

**Феодал тарқоқлик. Дўст Муҳаммаднинг ҳокимиятга келиши.** Кобул, Қандаҳор, Пешавор ва бошка ҳудудлар амалда мустақил давлатлар бўлиб, Баракзойлар қабиласи вакиллари томонидан бошқарилар эди. Марказий ҳокимиятни эгаллаш учун улар орасида доимий урушлар давом этарди.

Ўз ака-укалари билан бўлган қонли жанглардан сўнг Кобулда ҳокимиятни Дўст Муҳаммад сардор (1818–1826) эгаллаб олди. Тез орада у Кобулдан ташқари Ғазна, Жалолобод, тожиклар ери ҳисобланган Кўҳистонни бирлаштириб, энг кучли афғон хонига айланди. Дўст Муҳаммад исёнчи хонлар ва дехқонлар қўзғолонларини шафқатсизлик билан бостирди.

Дўст Муҳаммад сардор 1826 йили амир унвонини олди ва Афғонистон хукмдорларининг янги, баракзойлар сулоласига асос солди.

1823–1833 йиллари Эрондаги кожарлар Ҳиротни эгаллаш учун бир неча марта муваффақиятсиз ҳаракат килдилар. Шу йиллари Панжобнинг хукмдори бўлган сикх махаражаси Ранжит Синг дадил ҳаракатлар қилиб, илгари Дурронийлар давлатига бўйсунган шимоли-ғарбий Ҳиндистон вилоятлари – Мўлтонни (1818 йили) ва Кашмирни (1819 йили) босиб олди. Кейин сикхлар Ҳинд дарёсининг ўнг қирғогидаги афғон ерларини, аввало Пешаворни забт этишга киришдилар.

1823 йили Пешавор учун бўлган жангларда сикхлар бу ернинг ҳокими Муҳаммад Нозимнинг хоинлиги туфайли ғалаба қозондилар. Ўз ҳокимиятини ўрнатгандан кейин ҳам сикхлар бу ерларни баракзойларнинг хоин-сардорлари ёрдамида бошқариб келдилар.

Афғонистоннинг Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиё давлатлари оралиғидаги стратегик ва савдо йўллари кесишган ерда жойлашуви уни Англия ва Россия ўртасидаги сиёсий ва ҳарбий рақобатнинг объектига айлангирди.

Бу пайтга келиб Синд ва Панжобдан ташқари бутун Ҳиндистонни бўйсундирган инглизлар, ўз иттифокчилари ҳисобланмиш сикхлар қўли билан афғон ерларини эгаллашни, кейин эса бу ерлар

билан бирга сикхлар давлатини ҳам забт этишни мүлжаллаётган эдилар. Бундан ташқари, инглизлар Афғонистон орқали Ўрта Осиёга чиқиши ва бу ердаги Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларини ҳам бўйсундиришни, бевосита Россия империяси чегараларига чиқишини режалаштираётган эдилар.

Россия эса «Ҳиндистоннинг калити» ҳисобланмиш Афғонистон ўзларига қарам бўлган Эрон кожарлари кўлида бўлишини маъқул кўриб, эронликларни Ҳиротни босиб олишга чорлаётган эди. Бундан ташқари Ўрта Осиё давлатларини инглизлардан олдин эгалаш ҳам Россия империясининг минтақадаги умумий режасидан алоҳида ўрин олганди.

Агар яна бир йирик давлат – Хитой ҳам минтақада ўзининг стратегик манфаатларини кўзлаётганлигини, Қўқон хонлиги фақат 1814 йили унга расман вассалликдан кутилганлигини инобатга олсак, Афғонистон XIX асрдан бошлаб катта давлатларнинг геосиёсий интилишларида муҳим аҳамият касб этганлигини тўлалигича англешимиш мумкин бўлади.

*Бернс ва Виткевич миссиялари.* Амир Дуст Муҳаммад сикхларнинг босқинчилик ҳаракатлари ортида инглизлар турганлигини яхши тушунарди. Шу сабабли у Россия императори Николай I га Ҳусайн Али хон бошчилигига элчи йўллаб, ёрдам сўради. Император Оренбург губернаторининг адъютанти Виткевични жавоб хати билан Дуст Муҳаммад саройига жўнатиб, ёрдам тарзida 2 млн рубль нақд пул ва яна 2 млн рубллик рус товарлари беришни ваъда қилди.

Айни пайтда Эрон шоҳи Маҳмуд 1837 йил октябрда Ҳиротни қамал қилди. Инглизлар эса Форс кўрфазига флот жўнатиб, десант туширишди ва Эрон шоҳидан Ҳиротнинг қамалини тўхтатишни талаб қилди. Қамал тўхтатилди. Ҳали Ҳирот қамали пайтида инглизлар Дуст Муҳаммадга Ост-Индия компаниясининг вакили Александр Бернсни жўнатиб, Эрон ва Россияга қарши иттифоқ тузишни таклиф қилди. Аммо инглизларнинг сикхлар томонидан босиб олинган Пешавор ва бошқа ерларни Дуст Муҳаммадга қайтаришдан бош тортиши иттифоқнинг тузилмаслигига олиб келди.

Англия Усмонийлар империясига хавф солиб турган Сурия хукмдори Муҳаммад Алига қарши «биргалиқда курашишни» таклиф қилиб, Россияни ҳам Эрон ва Афғонистонда фаол дипломатик ҳаракатлар олиб бормасликка «чақирди».

Эроннинг ҳарбий ва Россиянинг дипломатик чекинишилари Англияга Афғонистондаги босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш имконини яратди. Англия зудлик билан урушни бошлашга қарор килди. Айни пайтда Хива, Бухоро ва Кўконга кўп сонли инглиз жосуслари жўнатилди. Афғонистоннинг босиб олиниши бой ва тарқоқ Урта Осиё давлатларини забт этиш учун йўл очиши лозим эди.

**Биринчи инглиз-афғон уруши (1838–1842).** Инглизлар Афғонистонга бостириб кириш учун садозоийлар сулоласидан бўлган, 1809 йили таҳтдан ағдарилиб, инглизлар томонга кочиб кетган Шужа ал-Мулқдан фойдаландилар. Ҳиндистонда 6 минг кишилик сипохийлар қўшини йигилиб, инглиз офицерлари бошчилигида Афғонистонга юриш бошланди. Афғонистоннинг «қонуний шоҳи» Шужа ал-Мулқ ҳам улар билан бирга йўлга тушди.

Инглизлар ва сипохийлардан ташкил топган, сони 22 минг кишига етказилган армия 1838 йилнинг кузидаги Қандахорга бостириб келди. Шоҳ Шужанинг ёнида йирик инглиз амалдори Макнотен бўлиб, унга ёрдамчи килиб Бернс тайинланган эди. Қандахор осонликча қўлга киритилгандан сўнг шу ерда Шужага тож кийдирилди. Кейин Газна олиниб, Кобулга йўл очилди. Кобул учун жанг бошланнишидан олдин Макнотен томонидан сотиб олинган афғон хонлари инглизлар томонга ўтиб кетди. Инглизлар 1839 йил 7 августда деярли жангсиз пойтахтга кириб келдилар. Дўст Муҳаммад Ҳиндикуш томонга чекиниб, Қундуз хонлигидаги ўзбеклар ёрдамида инглизларга қарши урушни давом эттириди.

Кобул олингандан сўнг инглизларнинг аҳволи яхшиланмади. Аксинча, чет элликлар ва Шужага қарши ҳалқ қўзғолонлари бошланниб кетди. Дўст Муҳаммад ҳам ҳали қуролини ташламаган эди. Бир қатор жангларда инглиз қўшинлари катта талафот кўрди.

1840 йил ноябрда Дўст Муҳаммад Кобулни камал килди. Инглизлар оғир аҳволда қолган эдилар. Аммо шу пайт аниқланмаган сабабга кўра Дўст Муҳаммад яширин тарзда Кобулга келиб, инглизларга асир тушади ва оиласи билан Ҳиндистонга жўнатилади.

Аммо бу билан уруш тугамайди. 1841 йил баҳорда инглизларга қарши ҳақиқий ҳалқ уруши бошланиб кетади. Гилзоийлар қабиласи Кобул билан Жалолобод ўртасидаги довонни эгаллаб, инглизларнинг Кобул гарнizonи билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқасини узиб қўйди.

1841 йил 2 ноябрға үтар кечаси Кобулда құзғолон күтарилиб, Британиянинг Кобулдаги вакили Бернс ва бошқа офицерларнинг уйлари ёкиб юборилди, үzlари эса үлдирилди. Кобулдаги құзғолондан хабар топған Шужа үзининг Боло Ҳисордаги қароргоҳидан Кобулга құшин жұнатади. Шунингдек, Шерпурдаги инглиз құмандони ҳам үз құшинларини Кобул құзғолонини бостириш учун жұнатади.

1841 йил ноябрда Дұст Мұхаммаднинг ўгли, Бухоро амирининг зиндонидан бўшатилган Ақбар хон Кобулга келади ва афғон халқининг озодлиги учун курашаётган йўлбошчилар ичида биринчи ўринга күтарилади. У кўркмас ва сотилмас раҳбар, жасур жангчи сифатида үзидан яхши ном қолдирган.

1841 йил 12 декабрда қўзғолончилар раҳбарлари билан Макнотен ўртасида сулҳ тузилиб, унга биноан Макнотен инглиз құшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишни, асиirlарни ва Дұст Мұхаммадни ватанига қайтаришни үз зиммасига олади. Аммо ушбу сулҳнинг тузилишига Макнотен үз режасини амалга ошириш учун янги имконият деб қарайди ва Ақбар хонни музокарага чақириб, у ерда үлдиришни режалаштиради. Бундан хабар топған Ақбар хон музокарапарда Макнотеннинг үзини үлдиради. Бу воқеадан сўнг кўркувга тушиб қолган инглизлар билан янги сулҳ имзоланиб унга кўра инглиз құшинлари Афғонистондан зудлик билан олиб чиқиб кетиладиган, амир Дұст Мұхаммад ватанига қайтиб келгунча инглизлардан бир қисми гаров тариқасида Кобулда ушлаб туриладиган бўлди.

1842 йил январда инглизларнинг Кобулдаги гарнizonидан кетиши бошланди. Кобулдан 5 мингта яқин офицер ва аскарлар ҳамда 12 минг лагер хизматчилари йўлга чиқдилар. Улар сулҳда кўзда тутилмаган тўпларини ҳам бирга олганликлари учун йўлда афғонлар уларни ҳимоя қилишдан бош тортишди. Натижада, тоғли қабилалар томонидан ҳужумга учраган Кобул гарнizonидан Жалолободгача бир кишигина етиб келди, холос.

Шундан сўнг қўзғолончилар бутун мамлакатни (Жалолобод ва Қанжар қўргонларидан ташқари) хорижликлардан озод қилдилар. 1843 йил охирида инглизлар Дұст Мұхаммаднинг ватанига қайтишига рухсат берди. У яна Афғонистон амири бўлди. 1838–1842 йиллардаги уруш шу тариқа якун топди.

*Дұст Мұхаммаднинг иккинчи ҳукмронлиги.* Дұст Мұхаммад қайта таҳтга келганидан сүңг мамлакатни бирлаштириш сиёсатини қатыяят билан давом эттириди. Афғонистоннинг урушдан кейинги аҳволи инҳоятда оғир эди. Қайта тикланган қүшинга таяниб, Дұст Мұхаммад ва Ақбар хон гилзойи хонларининг исёнларини бостириди. Кейинчалик бу қўшин Амударёning чап қирғоғидаги ўзбек ва тожик хонларининг ерларини забт этишда мухим роль уйнади.

1843 йили Ост-Индия компанияси шу пайтгача афғон амирларининг ҳокимиятини тан олиб келган Синдни босиб олдилар. 1845–1846 йиллари бўлган биринчи инглиз-сикх уруши натижасида инглизлар Панжоб устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар. 1848 йили сикхлар армияси қўзғолон кўтарди ва иккинчи инглиз-сикх уруши бошланди. Сикхлар 1849 йили февралда мағлубиятга учради ва Панжоб вилояти Буюк Британия мустамлакалари таркибиغا қўшиб олинди.

Дастлаб Пешаворни қайтариб олиш учун сикхлар билан шартнома тузган Дұст Мұхаммад энди курашни давом эттириш Англия билан урушга олиб келишини тушунди ва чекинишни маъқул топди. Илгари сикхлар томонидан забт этилган Пешавор ва бошқа вилоятлардаги афғон қабилалари инглизлар ҳукмронлиги остига тушиб қолди. Шу тариқа ҳозиргача ҳал қилинмаган «мустақил қабилалар йўлаги» сиёсий ва ҳудудий муаммоси пайдо бўлди.

Шарқ ва жануби-шарқда муваффакиятли ҳаракатлардан умидини узған Дұст Мұхаммад шимолда фаол сиёсат юрита бошлади. У шимолда «Кичик Туркистан»ни (ўзбек ва туркманлар яшайдиган, ҳозирда Афғон Туркистони деб юритилувчи Балх ва унинг атрофи) босиб олиш учун ҳарбий экспедиция жўнатди. Бу қўшин ўзбек ва туркман хонларининг қаршилигини енгиги Балхни забт этди. Ушбу хонликлар Бухоро амирининг вассаллари ҳисоблангани боис Дұст Мұхаммад билан Бухоро амири ўргасида можаро келиб чиқди. Шунингдек, Дұст Мұхаммад ва Эрон ўргасида ҳам келишмовчиликлар пайдо бўлди. Бунинг барчаси инглизларнинг режасига мос тушар эди. Бу эса 1855 йили Эрон ва Россияяга қарши инглиз-афғон шартномасининг имзоланишига олиб келди. Шартномадан сүңг инглизлар билан муносабатини яхшилаб олган Дұст Мұхаммад улардан пул ва курол ёрдам олиб, Қандаҳор ва Кобулдан ташқари аҳолисининг кўпчилиги ўзбек ва тожиклардан иборат бўлган Ҳиротни ҳам 1863 йили ўзига бўйсундирди.

Дүст'Мұхаммад 1863 йили вафот этди. Ҳокимиятта келган унинг ўғли Шерали хон отасининг сиёсатини давом эттириди ва 1870-йилларнинг ўргаларига келиб Амударёning чап соҳилини тўлиқ бўйсундирди.

Бу пайтга келиб Ўрта Осиё хонликларини забт этган Россия Афғонистоннинг шимолий чегараларини аниқлаш борасида инглизлар билан келишув имзолади. Шимолий чегара килиб Амударё белгиланди ва рус ҳукумати «Афғонистонни ўз таъсир доирасидан ташқарида деб қарashi» тўғрисида инглизларга расман ваъда берди.

Россия томонидан ўз хавфсизлигини таъминлаган инглизлар Афғонистонга янгидан юриш бошладилар. 1870–1880 йиллардаги инглиз агрессияси Англияда капитализмнинг янги, монополистик босқичга кўтарилигани билан ҳам боғлиқ эди.

*Иккинчи инглиз-афғон уруши (1878–1880) ва Абдураҳмоннинг таҳтга келиши.* 1878 йили инглизлар армияси Афғонистонга бостириб кирди. Инглизлар Шерали хон армиясининг қаршилигини енгиб, Қандаҳор ва Жалолободни эгаллаб, пойтахтга яқинлашдилар. Шерали хон ҳокимиятни ўғли Ёқуб хонга топшириб, ўзи Мозори Шариф томонга кетди ва у ерда кисқагина касалликдан сўнг 1878 йили февралда вафот этди. Ёқуб хон эса баҳорда қаршиликни тўхтатиб, Гандамак деган жойда инглизлар билан қарамлик сулхини имзолади. Шу билан урушнинг биринчи босқичи якунланди. Гандамак шартномасига биноан Афғонистон инглизларга қарам, вассал давлатга айланди. Давлатнинг ташки сиёсати тўлиқ инглиз мустамлака маъмурияти назоратига ўтди. Афғонистонни Ҳиндистон билан боғловчи тоғли Ҳайбар, Гомал ва Болан довонлари жойлашган катта ҳудуд ҳам инглиз маъмурияти ихтиёрига берилди.

Бу ҳолдан норози бўлган ҳалқ 1879 йили кузида исён кўтариб, Ёқуб хондан чет элликларга қарши жиҳод эълон қилишни талаб қилди. 1879 йил 11 сентябрда генерал Робертс кўмондонлигидаги инглиз қўшинлари Кобулга кириб келди. Шиддатли жанглардан сўнг Робертс Кобулни эгаллади. Шаҳарда қирғин бошланди, Робертс барча асиirlарни ўлдиришни буюрди. Бу афғонларда инглизлар кутган қўрқинч ўрнига ғазабни уйғотди, холос. Натижада Шерали хоннинг яна бир ўғли Аюб хон бошчилигига исёнчиларнинг 60 минг кишилик қўшини Кобулни куршаб олди.

Инглизлар Афғонистондан чиқиб кетишиларидан олдин мамлакатни бир қанча кичик, күчсиз ва инглизларга тобе давлатларга бўлиб юборишни, Ҳиротни Эронга қўшишни режалаштирган эди. Аммо афғон халқининг қаршилиги туфайли бу режа амалга ошмай қолди.

Ўрта Осиёнинг бевосита чегараларида инглизларнинг кучайишини истамаган Россия ҳам дипломатик ва бошқа йўллар билан бу режанинг амалга ошишига қаршилик қилди. Ҳали 1869 йили Шерали хоннинг жиянларидан бири Абдураҳмон ўзаро жанжаллар туфайли Ўрта Осиёга қочиб келиб, бу ерда Туркистон генерал-губернатори Кауфмандан паноҳ топган эди. Кауфман томонидан пул ва қурол билан таъминланган Абдураҳмон 1880 йили Афғонистонда ҳокимиятни эгаллади.

Оғир аҳволда қолган инглизлар 1880 йили Абдураҳмон билан сулҳ тузиб, унинг ҳокимиятини тан олдилар. Аммо Афғонистон амалда учга бўлинган: Кобулда – Абдураҳмон, Ҳиротда – Аюб хон, Қандахорда эса инглизлар хукмрон эди. Инглизларнинг Қандахорда мустаҳкам ўрнашиб олишлари учун қилган ҳаракатлари амалга ошмади. Улар 1881 йилнинг ўрталарида Қандахорни ҳам Абдураҳмонга топшириб, бутун қўшинларини Ҳиндистонга олиб чиқиб кетдилар. Шундан сўнг Абдураҳмон унинг ҳокимиятини тан олмаётган Аюб хонга қарши юриш қилиб, уни Ҳиротдан кувиб чиқарди. Аюб хон Эронда қўним топди. Абдураҳмон Афғонистонни ҳозирги чегараларида бирлаштириш жараёнини якунлади.

Афғонистонда ҳокимиятни тўлиқ қўлга олган Абдураҳмон шошилмай ва эҳтиёткорлик билан сиёsat олиб борди. У ички сиёsatда мамлакатни чет эл, аввало Англия ва Россия товарлари учун ёпиш, хорижликлар учун «такиқланган мамлакатга» айлантириш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлини танлаган бўлса, ташқи сиёsatда Англия билан Россия ўртасидаги зиддиятлардан унумли фойдаланиш, айни пайтда уларнинг ҳеч бирортаси билан ўзаро низога бормаслик учун ҳаракат қилди. Бухоро амирилиги ва Хива хонлигининг русларга қарши курашда сўраган ёрдамига рад жавобини берганлиги ҳам шу сиёsat билан боғлиқ эди.

1882 йил охирида руслар Марвни эгаллаб, 1884 йил мартада рус бошқарувини жорий қилганларидан сўнг уларнинг жанубуга – Иолатан ва Пенда воҳаларига қараб юриши бошланди. Иолатан

Россия вассаллигини қабул килгандан кейин Пенда воҳасини ҳам Россияга қўшиб олиш муаммоси пайдо бўлди.

Русларнинг жанубга қараб юришини тұхтатишга ҳаракат қилган Англияning талабига кўра амир Абдураҳмон Темур шоҳ бошлиғидаги қўшинларни Пендага жунатди. Алихонов бошлиғидаги рус қўшинлари билан афғон қўшинлари ўргасида Тош Кўпrik деган жойда тўқнашув бўлиб, афғонлар мағлубиятга учради. Яқин атрофда турган инглизлар отряди эса мажарога аралашмади. Шу тариқа тарихда Пенда инқирози деб ном олган вазият вужудга келди. Пенда инқирози оқибатида 1885 йили Англия билан Россия ўргасида уруш чиқиши хавфи пайдо бўлди. Аммо инглизларнинг Афғонистондаги ҳолати мустаҳкам эмаслиги, Ҳиндистонда ҳам уларга қарши миллий-озодлик ҳаракатларининг бошланаётганлиги, Ўрта Осиёда эса Россия боскинига қарши озодлик ҳаракатлари давом этаётганлиги бу икки давлатни муросага келишишга мажбур килди. Абдураҳмон ҳам уруш тарафдори эмасди. Шу сабабли мажаро тинч йўл билан, 1887 йили «Афғонистонда чегараларни белгилаш» тўғрисидаги келишувнинг имзоланиши билан якунланди.

1895–1896 йил қишида амирнинг яхши қуролланган отряди Кофиристонни забт этиш учун жунатилди. Кофиристон Ҳиндикуш тоғларининг жанубий этакларида, Башгул, Печдара ва Рамгул дарёлари бўйида жойлашган 9,5 минг кв км ҳудуд бўлиб, у ердаги бирбиридан шеваси билангина фарқ қиласиган қабилалар мажусийлар бўлганлиги учун умумий ном билан кофиirlар деб аталарди. Бу ерлар 1896 йили амир Абдураҳмон томонидан забт этилгандан сўнг аста-секинлик билан исломни қабул қилдилар ва «ҳақиқий диннинг нуридан баҳраманд бўлганлар» энди нуристонликлар, жой эса Нуристон деб юритила бошланди.

1901 йил 3 октябрда амир Абдураҳмон вафот этди. Унинг ўлими билан Афғонистон тарихидаги алоҳида бир давр якунланди. Унинг ўрнига таҳтга келган ўғли Ҳабибулло даврида мамлакат Абдураҳмон давридагига нисбатан бошқача қоидалар асосида ривожланди.

\* \* \*

Буюк Британиянинг бир неча бор уринишларига қарамасдан Афғонистон ўз мустақиллигини сақлаб қололди. Аммо ажабланарлиси шундаки, ўз мустақиллигини сақлаб қолган ёки мустамлакачиларнинг ҳокимияти ўта чекланган Осиё мамлакатлари XX асрга

келиб тараққиётдан орқада қолиб кетдилар. Афғонистон бунга ёрқин мисол. У XX асрда ўз темир йўллари ва арзигулик таълим тизимиға эга бўлмаган, жамиятнинг қабила-уругчилик тузуми ва натурал хўжалик сакланиб қолган камдан-кам мамлакатлардан бири эди.

### **XXIII боб бўйича саволлар**

1. XIX аср бошларида Афғонистондаги бекарор ички сиёсий вазият қандай натижада билан якунланди?
2. Кучли давлатларнинг минтақадаги геосиёсий интилишларида Афғонистонга қандай ўрин ажратилган эди?
3. Биринчи инглиз-афғон урушининг келиб чиқиш сабаблари нимада эди ва у қандай натижалар билан якунланди?
4. Иккинчи инглиз-афғон урушидан сўнг вужудга келган вазият Афғонистон учун ҳамда Англия – Россия муносабатлари учун қандай аҳамият касб этди?

### **XXIV БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ОСИЁДАГИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ**

**Сурия.** Усмонийлар империясининг Сурия вилоятида пошолар ва аъёнлар ўртасида ҳали XVIII асрда бошланган кураш XIX аср 30-йилларигача тўхтамади. Вилоятнинг турли ўлкаларида ҳокимият бир қавмдан бошқасига ўтиб турди.

XIX аср бошларида Суриядаги усмонийлар хукумати Арабистон чўлларининг ичкарисидан, айнан ваҳҳобийларнинг ҳарбий экспансияси билан боғлиқ муаммога дуч келдилар. Ваҳҳобийларнинг экспансия хавфи XIX асрнинг дастлабки ўн йиллигига Сурия ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим факторига айланди. Ваҳҳобийлар 1806 йили Маккани забт этганларидан сўнг, Сурия ва Мисрдан муқаддас ҳаж сафарига борувчи карвонларга тўсқинлик қила бошлиди. Бу эса Макка ва Мадинани забт этиб, ўзларига халиф унвонини олган усмоний султонларнинг мусулмонлар орасидаги обрусиға путур етказаётган эди. 1807 йили ваҳҳобийлар Мадинадан шимолда Дамашқвалиси Абдулла пошо ал-Аъзам бошчилигига муқаддас ҳаж сафарига кетаётган карвоннинг йўлини тўсиб, уни Маккага киритмадилар. Омадсиз Абдулла пошо зудлик билан ишдан олиниб, унинг ўрнига анча ҳаракатчан Ганж Юсуф пошо

тайинланди. Янги вали ваҳҳобийлар амири билан ярашишга умид килган эди. Шу максадда у ислом қоидаларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди. Юсуф пошонинг буйруғига биноан намоз вактида Дамашкнинг ҳамма бозорлари ва дўконлар ёпиладиган бўлди. Спиртли ичимликлар ичганилик учун қатъий жазолар ўрнатилди. Христианлар ва яхудийларнинг белгиланган рангдаги кийимлар кийиб юришлари ва мусулмонларга йўл беришлари устидан ҳокимият назорати кучайтирилди. Аммо қатъий тартиблар жорий килиниши Дамашқда кўпчиликнинг норозлигига олиб келди ва уламо ҳамда аъёнлар босими остида вали ўз сиёсатини юмшатишга мажбур бўлди. Аммо Суриядаги усмонийлар ҳукумати билан ваҳҳобийлар ўртасида келишув бўлиши мумкин эмасди, чунки ваҳҳобийлар усмоний султоннинг ҳокимияти ва маънавий обрусини мутлақо тан олмасдилар. Тащкилий тарздаги ҳаж сафарининг тўхтатилиши суряялик кўплаб шаҳарликлар – ҳунармандлар, савдогарлар, шунингдек, анъанавий равишда ҳожиларни зарур нарсалар билан тъминлаб турган баъзи бадавий қабилалари учун жиддий иқтисодий қийинчиликлар туғдирди.

1810 йили амир Сауд бошчилигидаги ваҳҳобийлар қўшинлари Сурияning Хауран вилояти ҳудудига бостириб кириб, Дамашққа хавф сола бошладилар. Ўнлаб қишлоқлар вайрон қилинди, ёқилди ва таланди. Юсуф пошо бошчилигидаги армия Дамашқдан йўлга чиқиб, очиқ жангда ваҳҳобийларга зарба беришни мўлжаллаётган эди. Аммо усмонийлар армиясининг кўплигини ҳисобга олган амир қочиб қолди, натижада жанг бўлмади. Шундан сўнг Миср ҳукмдори Муҳаммад Али султоннинг буйруғига кўра ўз қўшини билан Ҳижозга бостириб кирди ва ваҳҳобийларни тор-мор қилди. Энди ваҳҳобийлар хавфи Сурия учун ўз долзарблигини йўқотди.

**Сурия Муҳаммад Али ҳукмронлиги остида.** 1831 йилнинг кузида Миср ҳукмдори Муҳаммад Али қўшинлари унинг ўғли Иброҳим пошо бошчилигига Сурияга бостириб кириб, Акка қалъасини қамал қилдилар. Вали Сайд Абдуллоҳ бошчилигидаги Акка қўшинларининг мардонавор каршилигига қарамасдан қалъа забт этилди. Муҳаммад Али қўшинлари маҳаллий валиларга бир қатор зарбаларни бергандан сўнг 1832 йили Дамашкни, кейин эса Халабни эгалладилар. Тўккиз йиллик (1831–1840) Миср босқини

вактида Сурия Портанинг таъсир доирасидан ва унинг ички сиёсатидан тўлиқ чикарилди.

Суриянинг Мисрга кўшиб олиниши Мухаммад Али тузган давлат (кейинги бобга қаранг) мустақиллигининг сўзсиз шарти ва кафолати эди. Суриялик зодагонларнинг аксарияти Мухаммад Али хукмронлигини қўрқинч ва душманлик кайфиятида қабул қилдилар. Аъёнлар Мисрнинг қудратли хукмдори Сурияда улар манфаатларини сикиб кўяди деб, асосли равишда хавфсираётган эдилар. Ливан амири Башир II эса Мухаммад Али томонига ўтиб, унинг ишончли иттифоқчисига айланди. Бу ҳаракати билан Башир II мисрликлар ёрдамида ўзининг Тоғли Ливандаги ҳокимиятини мустаҳкамлашга, друз феодал шайхларининг мухолифатини енгишга умид боғлаган эди.

1833 йили султон Маҳмуд II Мухаммад Алиниңг Сурия валиси сифатидаги ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди. Мухаммад Али ва Иброҳим пошо томонидан Сурияда ўтказилган ҳарбий-маъмурий ислоҳотнинг мухим жиҳатларидан бири мамлакатнинг эйалетларга бўлиннишига барҳам бериш бўлди. Марказлашган маъмурий бошқарув тизими яратилди. Сурия формал жиҳатдан Усмонийлар империяси таркибида қолаётган бўлсада, амалда Миср билан бирга битта сиёсий бирликни ташкил қиласди.

Ўтказилган ислоҳотлар ичида айниқса ҳарбийга олиш ва солиқ сиёсати маҳаллий аҳолининг кучли норозилигига сабаб бўлаётган эди. Ҳарбийга олиш номаълум муддатга бўлиб, аскарликка олинган шахс кўпинча уйига бошқа қайтиб келмасди. 1834 – 1836 йиллари Миср армиясига 36 минг суриялик мусулмонлар олинган бўлиб, бу Суриядаги эркак аҳолининг 10% га яқинини ташкил қиласди<sup>1</sup>.

Солиқ сиёсати ва ҳарбийга олишнинг оғир зулмига қарши бир неча марта халқ қўзғолонлари бўлиб, уларнинг барчаси Иброҳим пошо томонидан шафқатсиз бостирилди.

1839 йили Мухаммад Али билан султон ўртасидаги ҳарбий можаронинг охирги босқичи бошланди. Дастлаб Суриянинг шимолий чегараларида мисрликлар султон армияси устидан ғалаба қозона бошлади. Аммо 1840 йили можарога Англия аралашди. 1840 йилги Лондон конвенциясининг шарти бўйича Англия, Рос-

<sup>1</sup> Қаранг: Новая история стран Азии и Африки. XVI–XIX вв.: Учебник для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. А.М.Родригеса : в 3 ч. – М. : Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – Ч.2. С. 439.

сия, Австрия ва Пруссия Мұхаммад Алига ультиматум жүннатыб, Миср құшинларининг зудлик билан Суриядан олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. Мұхаммад Али ультиматум талабларини бажаришдан бош тортгандан сұнг Байрут яқинига инглиз-турк десанти туширилди. Инглиз флоти денгиздан туриб Аккани үкка туттандан кейин қалъя таслим бўлди. Шимол томондан султон құшинларининг ҳужуми бошланди. Сиёсий жиҳатдан тўлиқ яккалашиб қолган Мұхаммад Али ультиматум шартларини қабул қилишга рози бўлди ва 1840 йилнинг охирида Миср құшинлари Сурияни тарк этди.

Сурияда Мұхаммад Али ҳукуматининг фаолияти Мисрда бўлгани сингари Сурияда ҳам Европа цивилизациясининг ютуқлари ҳақида билимлар олиш ва уларни фаол қўллаш учун шароит яратди. Миср оккупацияси даврида мамлакатда чет эллик тадбиркорлар, миссионерлар, дипломатлар ва савдогарлар учун ҳар қачонгига қараганда яхшироқ имкониятлар яратилди. Мамлакатда диний бағрикенглик сиёсати олиб борилди. Таълим тизимида ижобий ўзгаришлар юз берди: бошланғич мактаблар сони кўпайди, миссионерлик ўкув юртлари тармоғи кенгайди, Дамашқ ва Халабда мисрликлар мусулмонлар сафидан ҳарбий ва давлат хизматчиарини тайёрлайдиган ўкув юртлари очилди. Араб тили, математика, тарих ва ҳарбий иш бўйича ўкув кўлланмалар Мисрдан келтирилди. Аммо бу мактабларда жуда кам сонли сурияликлар европача таълимдан баҳраманд бўлдилар. Инглизларнинг маълумотлари га қараганда Дамашқ ва Халабда мисрликлар очган дунёвий мактабларда ҳаммаси бўлиб 1 мингга яқин ўкувчилар таълим олган.

Сурияда Мұхаммад Али ҳукмронлиги узоққа чўзилмади. Аммо у маҳаллий зодагонларнинг ҳарбий-сиёсий таъсирига катта зарба берди ва бу билан ўзи хоҳламаган ҳолда ўз душманлари – Усмонийлар империясининг марказий ҳокимиятига Сурияда кенг кўламли ислоҳотлар ўtkазиш имкониятини яратди.

*Сурия Танзимат ислоҳотлари ишларида (1840–1876).* Мисрликлар қувиб чиқарилгандан сұнг улар жорий қилган маъмурий марказлаштириш бошқарув усулидан ҳам воз кечилди. Сурия яна эйалетлар ва санжакларга бўлинниб бошқариладиган бўлди. Сайда ва Триполининг соҳил бўйи худудлари бирлаштирилиб, тез ривожланаётган шаҳар – Байрут унинг маркази бўлди. Илгари санжакбейлар валилар томонидан тайинланган бўлса, энди улар ҳам Порта

томонидан тайинланадиган бўлди. Ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиётлари бир-биридан тўлиқ ажратилди. Усмонийлар янги мунтазам армиясининг Сурияда жойлашган кисмлари провинция губернаторига эмас, ҳарбий қўмандонликка бўйсунадиган бўлди. Эйалетларни бошқариш тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Танзимат даврининг провинцияларни бошқариш тизимидағи ислоҳотларидан кўзланган асосий мақсад, сulton ҳокимиятини марказлаштириш ва валилар ҳокимиятини чеклаш бўлиб, келажакда айрмачиликка ва вали ҳокимиятининг кучайиб кетишига йўл кўймасликдан иборат эди. Мунтазам армия жойларда маҳаллий феодалларнинг ноконуний ҳарбий кучларини куролсизлантириб бошлагандан сўнг давлат тартиби ҳам кучайиб борди. Амалдорлар томонидан олинадиган ноконуний йигимлар, тўғридан-тўғри аҳолини талашлар энди ўтмишда қолиб кетди. 1858 йили усмонийлар ер кодексининг жорий килиниши билан ердан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш соҳасида ҳам тартиб ўрнатилди. Откуп тизими ўрнига аста-секин хусусий мулкчилик муносабатлари келди ва бунда давлатнинг ерга бўлган олий мулкдорлик принципи формал сақланиб қолди.

1840–1870 йиллари олиб ўтказилган ҳарбий-сиёсий ислоҳотларнинг яна бир муҳим натижаси бориш кийин бўлган тоғли худудларда айрмачиликнинг бостирилиши ва Сурияning шарқий чегараларида бадавийлар хужуми хавфининг бартараф қилиниши бўлди. Бунда ҳарбий кучдан фойдаланишнинг ўзи етарли эмасди, шу сабабли усмонийлар ҳукумати қабила бошлиқларини турли хил совғалар ва пуллар эвазига ўзига оғдириш билан ҳам шугулланди.

Мамлакатда тартиб ўрнатилиши, савдо ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишидан турклар ва сурияликларнинг бирдай манфаатдорлиги ислоҳотлар муваффақиятининг асосий сабабларидан бири бўлди. 1864 йили вилоятлар ҳақида қонун кабул қилингандан кейин XIX аср 40–50-йилларидағи ислоҳотлар яна давом эттирилди. 1864 йили Сурияning маъмурий бўлинишига жиддий ўзгариш киритилди: мамлакатнинг бутун худуди иккита катта вилоятга – Сурия (Сурия) ва Халабга бўлинди.

*XIX асрда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши.* XIX аср 30-йилларидан Усмонийлар империясининг бошқа ўлкалари каби Сурия ҳам европаликлар товар экспансиясининг объектига, жаҳон капиталистик тизимининг бир кисмига айланиб

борди. Европадан арzon фабрика товарларининг оммавий кириб келиши маҳаллий хунармандчиликнинг касодга учрашига олиб келди. Айниқса, тўқимачилик оғир аҳволда қолди. Сурияning машҳур қўлда тўқилган матолари Европа товарлари билан рақобатлаша олмади. Хунармандлар шаҳарлик ишсизлар сафини тўлдирди. Факат кам сонли савдогарлар қатлами (асосан христианлар ва яхудийлар) бойиб кетди. Айни пайтда европаликлар билан савдо ҳажмининг кескин ўсганлиги сабабли Сурияning кирғоқ бўйи шаҳарларида, энг аввало Байрутда ишчанлик анча фаоллашди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан Байрут Сурия провинцияларининг асосий «денигиз дарвозаси»га айланади. Аҳоли сони бўйича ҳам у энди факат Дамашқ ва Халабдан кейин турарди.

Европа товарлари билан катта рақобат шароитида маҳаллий саноатнинг ривожланиши жуда оғир эди. Шу сабабли асосан кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган кичик корхоналар ривожланади. Сурия буржуазияси шаклланишининг асосий манбаи эса савдогарларнинг юқори қатлами эди. Катта ер эгалари ҳам деҳқон-арендаторлардан олган маблагларининг бир қисмини фойдали ҳисобланган савдога ва шаҳарлардан кўчмас мулк олишга сарфлай бошладилар.

*Конфессиялар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви.* Султоннинг 1856 йилги манифестига биноан Усмонийлар империясида христианлар ва яхудийлар ҳуқуқлари мусулмонларни-ки билан тенглаштирилди. Мусулмон бўлмаганлардан олинадиган жон солиги – жузъя бекор қилинди. Мусулмон бўлмаганларга энди курол олиб юриш, шаҳарларда отда юриш, диний маросимлар ўtkазиш, ибодатхоналар куриш ва давлат лавозимларини эгаллашга рухсат берилди. Шунингдек, кийимларига маълум рангдаги белгилар тақиб юриш ҳам бекор қилинди. Факат асосий ҳуқуқлардан бири – армияда хизмат қилишга бўлган чеклов сақланиб қолди. Ҳарбий мажбуриятдан озод қилинганлиги учун яхудийлар ва христианлар алоҳида солик тўлашлари шарт эди, аммо унинг микдори ҳарбий мажбуриятдан озод бўлишни истаган мусулмон тўлаши лозим бўлган солиқка нисбатан анча кам эди.

Европалик консуллар ҳомийлигига ва усмонийларнинг химоясига ишонган христианлар қўпинча ўзларини мусулмон қўшниларига нисбатан номуносиб тута бошладилар. Сурияда турли конфессиялар ўртасида шаклланган анъаналарнинг бузилиши

мусулмонлар билан христианлар ўртасида зиддиятларнинг кучайишига олиб келди. 1860 йили Дамашқда христианлар ҳарбий хизматдан озод қилингандик учун солиқ тұлашдан бош тортдилар. Шу йили июль ойида Дамашқда христианларга қарши қирғин амалга оширилиб, 5 минг маҳаллий христианлар ва бир қанча европаликлар ҳалок бўлди. Европа давлатларининг, жумладан, Россиянинг консулхоналари вайрон қилинди. Бир неча минг христианлар Жазоирдаги мустамлакачиликка қарши уруш қаҳрамони, шу пайтда Дамашқда кувғинда бўлган амир Абдул Қодир томонидан кутқариб қолинди. Унинг бу хайрли иши Европада ҳам машҳур бўлиб кетди. Мусулмон пешволари оломонни тұхтатишга уриндилар, аммо бунинг иложи бўлмади. Кўплаб христианлар кўзга кўринган уламолар ва оддий мусулмонлар томонидан кутқариб қолинди. Сурияда тартиб ўрнатиш ва айбдорларни жазолаш учун Туркиянинг ўша пайтдаги йирик давлат арбобларидан бири Фауд пошо катта қўшин билан бу ерга келди. Унинг раҳбарлигида усмонийлар хукумати Дамашқ қирғини бўйича тергов ўтказди ва аниқланган айбдорларни қаттиқ жазолади. Ўнлаб одамлар, шу жумладан, шаҳарнинг кўзга кўринган оила вакиллари ҳам қатл қилинди, юзлаб кишилар сургун қилинди. Дамашқ валиси Аҳмад Иззет пошо ва бир қатор офицерлар қирғиннинг олдини олиш бўйича ўз вақтида ҳаракат қилмаганликлари учун ҳарбий суд хукмига кўра отиб ташландилар.

**Абдул Ҳамид II ҳукмронлиги йилларида (1876–1908) Сурия.** Бу даврда Суриянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари империянинг Анатolia ва Болқон ўлкаларидан ортда қолмади. Аҳолининг умумий сони 1878 йилдан 1896 йилгача қарийб 25% га ўсиб, таҳминан 3,2 млн кишини ташкил қилди. 1860 йилдан 1914 йилгача Дамашқ ва Халаб аҳолиси икки баробар ўсиб, 200 минг кишидан ошиб кетди, Байрут, Ҳам, Ҳомс, Қуддус, Акра, Ғазо, Наблус ва Хеврон шаҳарлари аҳолисининг сони 2,5 – 3 марта кўпайди. 1882 йилдан бошлаб Фаластинга Россия империясидан ва яна бир қатор Европа давлатларидан кўплаб кишилар кўчиб кела бошладилар. Улар «муқаддас ер»да дехқончилик колонияларига асос солдилар. Бундан ташқари Фаластиннинг Яффа, Хайфа ва Назарет районларида немис протестантларининг жамоалари ташкил топди. Шимолий Кавказда Шомил бошчилигидаги миллий-озодлик ҳаракати руслар томонидан бостирилгандан сўнг Усмонийлар империясига кўчиб келган минглаб мусулмонлар ҳам Сурия ҳудудларида жойлашди.

Айни пайтда минглаб суряялик ва ливанликлар (асосан христианлар) ўз жойларини ташлаб Европа ва Америкага кўчиб кетдилар. Бу жараён асосан иқтисодий манфаат билан боғлиқ эди. Бу даврда аҳоли иқтисодий аҳволининг сезиларли яхшиланиши Усмонийлар империясидаги умумий жараённинг давоми булиб қолди.

Европа капиталининг кириб келиши ишчанлик фаолиятининг ўсишига олиб келди. XIX асрнинг охирги чораги – XX асрнинг бошларида Суря провинцияларида Европа банкларининг филиаллари пайдо бўлди. Чет эл капиталининг (асосан французлар) фаол иштирокида замонавий инфраструктура шаклланди: автомобиль ва темир йўллар, порт иншоотлари қурилди. Доимий пароход катнови йўлга қўйилди, телеграф линиялари ишга туширилди. Фақат йирик шаҳарлар эмас, чекка ўлкалар ҳам умумжаҳон бозор тизимида тортилди, товар-пул муносабатлари фаоллашиб, савдо ҳажми ошди. Европа цивилизациясининг майший соҳадаги ютуқларига қизиқиш ортиб, шу хилдаги товарлар савдоси кўпайди.

XIX асрнинг охирги чораги – XX асрнинг бошларида Суря вилоятларини бошқариш тизимини такомиллаштириш давом этди. 1887–1888 йиллари маъмурий-худудий ўзгаришлар амалга оширилди: Куддус санжаклигига маҳсус округ мақоми қайтарилиб, у бевосита ички ишлар вазирлигига бўйсунадиган бўлди. Байрут вилояти тикланиб, унинг таркибига Латакиядан Хайфагача бўлган кирғоқбўйи худудлари ва Фаластиннинг шимолий районлари киритилди. Шу тариқа XX асрнинг бошига келиб Суря учта – Халаб, Дамашқ (Суря) ва Байрут вилоятларига ва учта алоҳида округга – Тоғли Ливан, Куддус ва Дейр эз-Зорга ажратилди.

Бу даврга келиб империяда шаклланган усмонийлар бирлиги ғоясини Суряяда тарқатиш ва ташвиқот қилишнинг асосий воситаси давлат таълими тизими булиб қолди. Султон Абдул Ҳамид II ҳукмронлиги даврида давлат таълим тизими рағбатлантирилди ва ривожлантирилди. Бошланғич ва ўрта мактаблар ҳамда касбхунар билим юртлари очилишини кўзда тутган 1869 йилги таълим тўғрисидаги қонун XX аср бошларига келиб Суряяда тўлиқ ҳаётга татбиқ этилди. Суряянинг ҳамма вилоят ва алоҳида округларида бир яrim мингдан зиёд давлатга қарашли бошланғич ва ўрта мактаблар булиб, уларда 50 мингдан кўп ўқувчилар таълим оларди. Мактаблар дини ва қарашларидан қатъи назар Усмонийлар империясининг барча фуқаролари учун очиқ бўлсада, ўқувчиларнинг асосий

қисмини мусулмонлар ташкил қиласы. Христианлар ва яхудийлар фарзандларини үз диний мактабларига ёки ғарблик миссионерлар очган мактабларга беришни маъкул кўрардилар.

**Ирок.** 1802 йили Буюк Сулаймон вафот этгандан сўнг Ироқда феодал зодагонлар ўртасида ҳокимият учун кураш бошланиб, унга форс ҳукмдорлари, курд беклари ва кўчманчи қабилаларнинг бошликлари ҳам фаол аралашдилар. Натижада 1812 йили ҳокимиятни Буюк Сулаймоннинг ўғли Сайд пошо эгаллади ва 1817 йилгача Ироқни бошқарди. Бу даврда Порта Ироқдаги айирмачиларни тугатиш, кулеменларнинг<sup>1</sup> ўзбошимчалигига барҳам бериш учун ҳаракат олиб борди. Аммо бу ҳаракатлар натижада бермади. 1817 йили Сайд пошо ўрнига Дауд пошо келиб, у Ироқни 14 йил амалда мустақил бошқарди. Дауд пошонинг миллати грузин бўлиб (Давид Манвелашибили), у тахминан 1774 йили Грузиянинг жанубида туғилган. 5–6 ёшлигига ўғирланган ва қул қилиб сотилган, 12 ёшида Буюк Сулаймонга совға килинган. Ислом динини қабул қилган. Таълим олишда катта муваффакиятларга эришиб, Буюк Сулаймоннинг қизига уйланган ва юқори лавозимларга тайинланган. Дауд пошо Буюк Сулаймоннинг ўлимидан сўнг қувғинга учраб, Абдул Қодир масжидида домлалик ҳам қилди. 1807 йилдан сиёсий фолиятга қайтади.

Дауд пошо сиёсати Ироқда мустақил кучли давлатни тузишга қаратилган эди. Миср пошоси Мұхаммад Али сингари у ҳам қатор ислоҳотларни амалга оширди. У энг аввало Ироқдаги чет эл савдо компаниялари ва улар вакилларининг имтиёзларини бекор қилди, импорт товарларга юқори бож соликлари ўрнатди. Бу, биринчи навбатда, Англиянинг Ост-Индия компанияси манфаатларига птур етказди. Натижада компания Ироққа қарши савдо қамалини эълон қилди ва Дауд пошо компания вакилларининг имтиёзларини тикишга, келтирилган заарни қоплашга мажбур бўлди. Шу тариқа маҳаллий савдогарларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки уриниш муваффакиятсиз якунланди.

Ироқни үз ҳокимияти остида бирлаштиришга аҳд қилган Дауд пошо маҳаллий феодаллар ва қабилаларнинг сепаратизмiga қарши

<sup>1</sup> Кулемен, мазмун жиҳатдан «мамлук» атамаси билан бир хил. Сўзнинг келиб чиқиши туркча булиши мумкин. «Современный Большой турецко-русский словарь» (М., 1998) китобида ёзилишича, *Кулемен* – қуллардан ташкил топган кўшин.

кураш олиб борди. Айниқса, Курдистонни бўйсундириш жараёнида катта қийинчилекларга учради.

Курд бекларининг усмонийларга қарши кураши Эрон шоҳи томонидан қўллаб-кувватланар эди. 1821 йили Дауд пошо форслар томонидан Курдистон ҳукмдори қилиб тайинланган бекка қарши уруш бошлади, аммо курдлар ва форсларнинг бирлашган қўшинидан мағлубиятга учради. Шундан сўнг Дауд пошо Ироқнинг бошқа қисмларида яшайдиган форсларни катағон кила бошлади, уларнинг мол-мулкларини тортиб олди, Карбало ва Нажафнинг шиа рухонийларига қарашли бойликларни ҳам олиб қўйди. Бу тадбирлар Эрон ва Туркия ўртасидаги муносабатларни мураккаблаштириди ва 1821–1823 йиллардаги Эрон – Туркия урушининг сабабларидан бири бўлди. 1823 йили Порта билан Эрон ўртасида Эрзурумда имзоланган келишувга биноан Ироқ Курдистони яна усмоний пошолар кулида қолди.

Дауд пошо Ироқдаги баркарор сиёсий ҳолатдан фойдаланиб, ўз бошқарувидаги ҳудудларда иқтисодни тиклашга киришиди. Ироқда суғориш тизимлари, каналлар ва артезиан қудуқлар қурилиши бошланди. Зарур машина ва ускуналар Англиядан буюртма асосида келтирилар эди. Бу тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги юқори суръатлар билан ривожланиб, янги ерларни ўзлаштириш жараёни тезлашди. Бошоқли экинлардан юқори ҳосил олишга эришилди. Янги техник экинлар: тамаки, нил бўёғи, пахта ва шакарқамиш етиштириш ўзлаштирилди. Дауд пошо худди Мисрдаги Муҳаммад Али сингари, Ироқнинг асосий маҳсулотлари – буғдой, арпа, хурмо, туз ва шу кабиларни сотиб олиш ва экспорт қилиш устидан монополия ўрнатди. Бу маҳсулотларни ташиб учун денгиз ва дарё кемалари сотиб олindi. Дауд пошо томонидан амалга оширилган тадбирлар Ироқ ҳазинасининг даромадини анча оширди. Маблағнинг катта қисми қурилишга, ҳарбий ва маданий тадбирларга йўналтирилди. Бағдод, Басра ва бошқа шаҳарларда кўприклар, бозорлар, жамоат мактаблари ва кутубхоналар қурилди. Дауд пошо ташабbusи билан Бағдодда босмахона ташкил қилинди.

Эрон билан бўлган уруш тажрибаси Дауд пошони европача типдаги мунтазам армияни ташкил қилиш лозимлигига ишонтириди. Янги ҳарбий қисмларда аскарларни ўқитиш европалик, асосан инглиз инструкторлари томонидан олиб борилди.

Дауд пошо Туркияning 1828–1829 йиллардаги рус-турк урушида мағлубиятга учраганидан фойдаланиб, ўзи бошқараётган мамлакатни мустақил қилишга ҳаракат қилди. У 1829 йилги Адрианополь сулхи бўйича Портага юклатилган контрибуцияни тұлашдан бош тортди ва бу билан султон хукуматига нисбатан ҳурматсизлик қилди. Порта Дауд пошони исёнчи деб эълон қилди ва 1830 йили Халаб пошоси күшинлари Ироққа бостириб кирди. Дауд пошо бу тўқнашувга жиддий тайёрланган эди, аммо тўқнашув натижасини шароит ҳал қилди. Халокатли сув тошқини, ундан кейинги қурғоқчилик ва эпидемия Ироқнинг силласини қурилди. 1831 йилги ўлат эпидемияси Дауд пошо армиясини деярли тұлық ҳалок қилди. Халаб пошоси күшинлари ҳолдан тойған ва бўшаб қолган мамлакатни хеч қандай қаршиликларсиз эгаллаб олди. Дауд пошо ҳокимиятдан туширилиб, Ироқдан чиқариб юборилди. Бироқ у яна 20 йил хукумат хизматида юкори лавозимларни эгаллаб турди ва 1851 йили Мадинада вафот этди.

*Ироқ Танзимат ишларида.* Шундай килиб, 1831 йили Ироқда кулеменлар ҳокимияти тутатылди. Пошоларни Истамбулдан тайинлаш амалиёти қайта тикланди. Усмонийлар империясида 1839 йили эълон қилинган Танзимат Ироқда империяning бошқа вилоятларига нисбатан анча суст жорий қилинди. Бунга асосий сабаблардан бири 1830-йилларнинг бошидаги қурғоқчилик, ўлат оқибатларининг таъсири ҳамон сезилаётганинига эди. Умуман Ироқда Танзимат принципларини жорий қилиш ва аниқ қонунлар ишлаб чиқиш жараёни қарийб ўттиз йилга чўзилди.

Ислоҳотчилар инсон ҳаёти, мулки, шаъннининг тұлық дахлсизлигини, келиб чиқиши ва динидан қатын назар Усмонийлар империяси барча фуқароларининг қонун олдидә тенглигини эълон қилдилар. Бу принциплар жамиятда турли миллат ва конфессиядаги кишилар ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилишида муҳим роль ўйнади.

Мусулмонлар билан мусулмон бўлмаганларнинг хуқуқлари амалда тенглаштирилиб, жузъя солиги давлат амалдорлари қарамоғидаи чиқарилди, уни йиғиши ва хазинага топшириш мусулмон бўлмаганлар жамоаларининг оқсоқолларига топширилди. Хазина тушумларини тартиба солишда халақит бераётган откуп тизими бекор қилинди. Аммо дастлабки тажрибалардан сўнг, хазина тушумларини қўпайтириш мақсадида Ироқда откуп тизими қайта жорий қилинди ва то XX асргача ўзгаришсиз амалда бўлди.

Ислоҳотчилар вакф ерларининг мақомини ўзгартиришга ҳам журъат қилмадилар.

Ҳарбий соҳада ҳам муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. 1826 йили яничарлар корпусини тарқатиш тўғрисида қонун қабул қилинган бўлсада, у охирига етказилмади. 1843 йили жорий қилинган 5 йиллик умумий ҳарбий мажбурият Ироқнинг бир қисмида фақат 1870 йили татбик қилинди.

1864 йилги вилоятлар тўғрисидаги қонун ҳам усмонийлар марказий ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, жойларда анча қийинчиликлар билан жорий қилинди. Порта томонидан тайинланадиган вилоят бошлиғи – вали ушбу қонунга кўра суд ҳокимиятидан ва солиқ тушумларини тасарруф этишдан маҳрум қилинди. Солиқ тушумларини бошқариш учун Порта томонидан маҳсус амалдор – *дафтардор* (хазиначи) тайинланадиган бўлди.

1861 йили ички божхоналар бекор қилиниб, бу империянинг турли ўлкалари ўртасида савдонинг ривожланиши ва иқтисодий алоқаларининг жадаллашувига хизмат қилди.

1864 йилги қонун бўйича суд ҳокимияти ижро ҳокимиятидан ажратилди, бироқ суд ислоҳоти фақат тижорат ва жиноят ҳукуқларига тааллуқли бўлиб, фуқаролик ишлари шариат судлари ихтиёрида қолди.

Ироқда биринчи ташкил қилинган вилоят Бағдод бўлиб, унинг валиси этиб Ахмед Мидхат пошо тайинланди. Мидхат пошо (1822–1883) Усмонийлар империясининг йирик давлат арбоби, турк конституциячилик ҳаракатининг етакчisi, 1876 йилги Усмонийлар конституциясининг муаллифи эди. Туркия ҳукумати 1869 йили Мидхат пошога фавқулодда ваколатлар берил, уни Бағдод валиси ва бир пайтда олтинчи ҳарбий корпусининг қўмондони ҳам этиб тайинлади. Танзимат қонунларига биноан ҳарбий ҳокимият фуқаролик ҳокимиятидан ажратилган бўлсада, Ироқда Мидхат пошо қўлида катта ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти жамланган эди.

Мидхат пошо бир қатор маъмурий ва маданий ислоҳотларни амалга оширди. У 1864 йилги қонун бўйича янги судларни ташкил қилди, шаҳарларда муниципал қенгашлар («баладия») жорий қилди, янги мактаблар очди. Мидхат пошо даврида ўғил болалар учун биринчи ўрта мактаб, ҳарбий билим юрти ва биринчи касалхона очилди. 1869 йили Мидхат пошо ташабbusi билан Бағдодда турк ва араб тилларида биринчи расмий газета чиқа бошлади.

Ироқда хурмо дарахти, донли ва техник экинлар майдонлари-ни кенгайтириш, сугориш иншоотларини таъмирлаш пошонинг алоҳида эътиборида бўлди.

Мидхат пошонинг турклар ҳукмронлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган энг йирик тадбири 1871 йили Кувайт ва ал-Хосанинг забт этилиши бўлди. Бу ҳудудлар Ироқдаги турк ҳукмдорларига бўйсунадиган алоҳида маъмурий бирлик – санжак-ликка ажратилди.

Мидхат пошо ислоҳотлари Ироқда бошқарув тизимини ислоҳ қилишга, қўшни вилоятлар ва империя маркази билан яқин алокалар ўрнатишга қаратилган эди. 1871 йили Мидхат пошо Адрианополга ўтказилгандан кейин ўрнига келганлар дастлаб унинг ишларини давом эттиришга ҳаракат қилдилар, аммо маблағ етиш-маслиги ва бошқа сабаблар туфайли Мидхат пошо мўлжаллаган кўпгина ислоҳотлар фақат қоғоздагина қолиб кетди.

**Ижтимоий-иктисодий жараёнлар. Чет эл капиталининг кириб келиши.** Танзимат ислоҳотлари арафасида Ироқда ҳозирги замон тушунчасидаги саноат йўқ эди. Ҳунармандчилик ўтрок ва ярим кўчманчи аҳолининг энг асосий эҳтиёжларини қондирап эди, холос. Бу ерда асосан пахта ва жун матолар, гиламлар тўкиш, тери буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Баъзи мануфактура типидаги нисбатан йирик корхоналар экспортга маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланар эди. Бундайлар қаторига Бағдоддаги тери ошлаш заводларини, Мосулдаги папирус қофози тайёрловчи устахоналарни, Басрадаги хусусий верфларни, инглиз компанияларига қарашли жун тозалайдиган корхоналарни киритиш мумкин. Ҳар йили хурмоларни четга жўнатиш учун қадоқлаш мавсумида 25 минг киши шу иш билан банд бўларди.

Бағдод ва Мосулда мудофаа вазирлигига қарашли йирик корхоналар ишлаб турарди. Бироқ Европадан фабрика товарларининг оқиб келиши маҳаллий ишлаб чиқаришнинг кескин камайишига олиб келди. Ироқда қўлбола усул билан нефть, туз, аччиқтош ва бошқа минераллар қазиб олиш анча ривожланади. Нефтдан уйларни иситиш ва ёритища фойдаланилар эди. Мидхат пошо даврида нефть ёрдамида йўлларни ёритиш ҳам йўлга қўйилган эди.

XIX аср 60-йилларида Ироқ иқтисодиётida маълум жонланиш кузатилади. 1861 йили ички божхоналарнинг бекор қилиниши ички

ва ташки савдонинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Худди шу даврда жаҳон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб ошди. Шу сабабли Ироқ экиладиган ерларнинг ҳажмини кенгайтириб, мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалиги экспортга йўналтирилиб, 1886 йилдан 1896 йилгача, ўн йил ичида хурмо экиладиган майдонлар ҳажми беш марта оширилди. XX асрнинг бошларига келиб хурмо етиштириш XIX аср 60-йилларига нисбатан уч марта кўпайди.

Савдонинг ривожланиши транспорт ва алоқа воситаларининг ҳам ривожланишига олиб келди. XIX асрнинг охирги чораги ва XX асрнинг бошларида Ироққа чет эл капиталининг жадал кириб келиши кузатилади. Айниқса, инглиз компаниялари кўпгина соҳаларни монополлаштириб олишган эди. Масалан, XX аср бошига келиб Дажла дарёсида транспорт ҳаракати инглизлар томонидан гўлиқ монополлаштирилган эди. XX аср бошларига келиб Ироқда Франция, Бельгия ва Италия капиталистлари инглизлар билан рақобатлаша бошлади. Аммо асосий рақобатчи немис империалистлари бўлди. Германиянинг Усмонийлар империяси билан дўстона муносабатлари уларга XIX аср охири – XX аср бошларида Бағдод, Басра ва Мосулда консульлик идораларини очиш имконини берди. Инглизлар билан доимий рақобатда немислар Ироқ нефть конларининг имкониятларини ўрганиш билан шуғулланди, 1903 йили Бағдод темир йўлини куриш бўйича шартнома имзолади. Бу шартномага биноан Германия темир йўлнинг икки томонидан 20 км ҳудуддаги казилма бойликлардан фойдаланиш ҳукуқини олди. Бу немис капиталининг йирик ғалабаси эди. Чет эл олимларининг таъкидлашича, мамлакат ривожи учун нефтнинг аҳамиятини ҳали кўпчилик англаб етмаган эди.

Шунга қарамасдан Ироқ экспорти ва импортида биринчи ўринни инглизлар эгаллайди. XX аср бошларида Басра портига келган кемаларнинг 77% и Англияга, 14% и бошқа Европа давлатларига ва фақат 6% и усмонийларга қарашли эди. Шу даврда Ироқ импортининг 2/3 қисми, экспортининг 1/3 қисми инглизларга тегишли эди. Улар нарх-навони белгилаб, бундан катта фойда олардилар. Масалан, XX аср бошларида Англия кўмири Ироқда Англиядагига нисбатан 6 марта қимматга сотиларди.

Европаликларнинг Ироққа сиёсий ва мафкуравий кириб келишида миссионерлик ташкилотларининг роли катта бўлди.

Ироқ худудида иезуитлар, лазаритлар, кармелитлар, доминиканлар, капуцинлар, августинлар ва бошқа бир қатор христианлик миссионер ташкилотлари фаолият юритарди.

**Саудия Арабистони.** 1803 йили Макканинг ва 1804 йили Мадинанинг ваҳҳобийлар томонидан босиб олиниши, усмонийлар ҳукуматини талвасага солиб кўйди. Усмонийларни камбағал чўл шаҳарларининг йўқотилиши эмас, сultonнинг маънавий обрусига катта путур етказилганлиги ташвишга солаётган эди. Болқондаги урушлар ва Россия билан келишмовчиликлар давом этаётганлиги туфайли Порта ваҳҳобийларга қарши катта куч ажратса олмасди. Шунинг учун ваҳҳобийларни тор-мор қилишнинг ягона йўли уларга қарши сultonнинг вассали ҳисобланган Мұхаммад Алини жўнатиш эди.

1805 йили Мисрда ҳокимиятни эгаллаб олган Мұхаммад Али биринчи навбатда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, рақибларини йўқ қилиш, Мисрни инглизлар тажовузидан химоя қилишга ва муҳолифат қаршиликларини енгишга қаратди. Шунинг учун сultonнинг чақиригига бирданига жавоб бера олмади, фақат 1809 йили Арабистонга қарши жиддий ҳарбий экспедиция тайёрлади. Мисрни деярли мустақил бошқараётган Мұхаммад Алини анча қимматга тушадиган Арабистон кампаниясига бошлаган сабаб фақат сultonнинг илтимоси эмасди. Унинг араб-мусулмон империясини тузиш глобал режаси мавжуд бўлиб, Ҳижозни ва унинг муқаддас шаҳарларини босиб олиш ана шу геосиёсий тояни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадам сифатида қаралаётган эди.

1810 йил 3 сентябрда Мұхаммад Али пошо диван йиғилишини чақириди ва унда сultonнинг вакили Исо оға Миср қўшинларининг Ҳижозга юриш бошлаганлигини тантанали равишда эълон қилди. Аммо экспедиция бир йилдан сўнг, 1811 йили бошланди. Шу йили декабрда Макка атрофида бўлган ҳал қилувчи жангда ваҳҳобийлар Тусун бошчилигидаги мисрликлар қўшини устидан ғалабага эришди. Ҳижозни эгалламаса Мисрдаги ҳокимияти ҳам мустаҳкам бўлмаслигини Мұхаммад Али тушунар эди. Шу сабабли янги юришга жиддий тайёрлана бошлади.

1814 йилнинг охирида бошланган янги юришга Мұхаммад Алининг ўзи бошчилик қилди. 1815 йил январда Ҳижоз билан Наж орасидаги стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Асира остонасидаги жангда ваҳҳобийлар тор-мор қилинди. Аммо шу пайтда Мисрда

бошланган тартибсизликлар туфайли Мұхаммад Али юришни да-  
вом эттирмасдан Мисрга қайтишга мажбур бўлди.

1815 йил баҳорда сулҳ тузилиб, Ҳижоз мисрликлар кўлига ўтди.  
Шимолий ва Шимоли-Шарқий Арабистон ваҳоббийлар қўлида  
қолди. Ваҳҳоббийлар амири Абдулла Мадинадаги мисрлик губерна-  
торга бўйсунишга въъда берди ва турк султонига вассалликни тан  
олди. Бундан ташқари амир ҳаж сафари хавфсизлигини таъмин-  
лашни ва ваҳҳоббийлар томонидан талангани Макканинг хазинасини  
қайтаришни ҳам ўз зиммасига олди.

Аммо тузилган сулҳ бошданоқ уни ўzlари учун ҳақоратли  
ҳисоблаган ваҳҳоббийларни ҳам, Саудлар амирлигини тўлиқ тор-  
мор қилишни истаётган Усмонийлар султонини ҳам ва ниҳоят,  
тўлиқ ғалабани деярли қўлга киритган Мұхаммад Алини ҳам  
қаноатлантирумас эди.

1816 йили Арабистондаги қонли уруш янгидан бошланди.  
Ваҳҳоббийларга қатор талафотлар етказган мисрликлар армияси  
1818 йил бошида Нажга кириб келдилар, шу йили апрель ойида  
ваҳҳоббийларнинг кучли ҳимояланган пойтахти Диরъияни камал  
қилдилар. Беш ойлик қамалдан кейин 1818 йил сентябрда Дирия  
забт этилди. Ваҳҳоббийлар амири Абдулла асир тушди ва кейинчалик  
Истамбулда қатл қилинди. Шу тариқа Саудларнинг Арабистондаги  
биринчи давлати барҳам топди.

Миср босқинидан сўнг бутун Арабистон Усмонийлар империя-  
си таркибида ҳисобланарди, амалда эса Миср ҳукмдори Мұхаммад  
Али томонидан тайинланадиган мисрлик пошолар бошқарарди.  
Мамлакат ҳароб ҳолга келган, ҳамма жойда қурғокчилик ва очлик  
ҳукм сурар, қишлоқлар вайрон қилинган эди. Шунга қарамасдан  
ваҳҳоббийларнинг қаршилиги деярли тўхтамади. Қатл қилинган  
амир Абдулланинг амакиси Турки бошчилигига 1821 йили қўз-  
ғолон кўтарилди. Турки мисрлик ҳукмдорни ҳайдаб, ваҳҳоббийлар  
давлатини тиклади, пойтахтни вайрон қилинган Дириядан 1822  
йили яхши ҳимояланган Риёдга кўчирди. Ваҳҳоббийларга қарши  
жўнатилган мисрлик қўшинлар сувсизлик, очлик ва эпидемия-  
дан қирилиб кетди. Шундан сўнг Мұхаммад Али Нажнинг факат  
Қосим ва Шаммар худудлари билан чегараланишга мажбур бўлди.  
Нажнинг қолган қисми мисрликлардан тозаланди. 1827 йили эса  
мисрликлар Қосим ва Шаммардан ҳам кувиб чиқарилди. Ўз ерла-  
рини тиклаб бораётган ваҳҳоббийлар 1830 йили Ал-Хосани эгалла-

дилар. 1834 йили Туркининг ўғли амир Фейсал ўзини ваҳҳобийлар давлатининг ҳукмдори деб эълон қилди. Аммо 1836 йили Хуршид пошо бошчилигидаги мисрлик қўшинлар Нажга бостириб кирдилар ва 1838 йили уни иккинчи марта эгаллади. Амир Фейсал асир олиниб, Қоҳирага жўнатилди.

Нажнинг иккинчи марта забт этилиши Муҳаммад Алининг Англия билан шусиз ҳам мураккаб бўлиб турган муносабатларини янада чигаллаштириди ва 1839–1841 йиллардаги Шарқий инқизонзинг сабабларидан бири бўлди. Жиддий халқаро можарога тортилган Муҳаммад Али 1840 йили ўз қўшинларини чакириб олиш ва Арабистондан бутунлай чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ваҳҳобийлар ўз ҳокимиятини тикладилар.

Мисрликлар мамлакатни тарқ этганидан сўнг Арабистон яна қатор вилоятларга бўлинниб кетди. Булар Қизил дениз қирғоқларида Ҳижоз ва Яман, Марказий Арабистонда ваҳҳобийларга қарашли Наж, Қосим ва Шаммар, Форс бўғозида эса Уммон эди. Арабистон яриморолининг жануби ва Уммондан бошка ҳудудлари расман усмонийлар суверенитети остида бўлсада, амалда бу кичик феодал давлатлар ўз ҳукмдорлари томонидан мустақил бошқарилар эди.

1843 йили Мисрдаги асирликдан қочиб келган амир Фейсал саудларнинг тикланган давлатига бош бўлди. Аммо давлат ўзининг аввалги қудратига етишига анча бор эди. 1846 йили кучсизланиб қолган давлат Туркияга вассалликни тан олиб, ҳатто йилига 10 минг талер хирож ҳам тўлайдиган бўлди. Ваҳҳобийлар давлатида ички барқарорлик ҳам йўқ эди. 1865 йили амир Фейсал вафот этгандан сўнг унинг уч ўғли ўртасида ҳокимият учун қонли кураш бошланди. 1870 йили амирлик тарқалиб кетди.

XIX аср охири – XX аср бошларида амир Фейсалнинг набираси Абдулазиз саудларнинг учинчи давлати – Саудия Арабистони Қироллигини тузиш учун курашга бошчилик қилди. У 1902 йили Эр-Риёдни эгаллаб, валини ҳокимиятдан туширади. Рашидийлардан бўлган вали ёрдам сўраб Портага мурожаат қиласи. Аммо ёрдамга келган турк қўшинлари мағлубиятта учраб, қайтиб кетишга мажбур бўладилар. Абдулазизнинг янги қиролликни ташкил қилиш учун кураши XX аср 30-йилларигача давом этди. 1932 йил 23 сентябрда Наж ва Ҳижоз ягона давлатга бирлашиб, Абдулазиз Саудия Арабистони қироли бўлди.

**Кувайт.** Арабистон ярим оролида ўзларининг давлатини тузган саудлар XVIII асрнинг охирида Форс қўлтиғи қирғоқларидаги Ал-Хоса, Уммон, Баҳрайн ва «Қарокчилар қирғоғи»даги<sup>1</sup> амирликлар ерларини босиб олиб, Кувайтга ҳам таҳдид қила бошладилар. Аммо маҳаллий аҳолининг жасоратли қаршилиги туфайли Кувайт ўз мустакиллигини сақлаб қолди.

Айни пайтда Форс қўлтиғида инглизлар фаоллашиб қолган эди. Улар Кувайтнинг кийин ташки аҳволидан фойдаланиб, амир Абдалла ибн Сабах ас-Сабахни (1762–1812) Англия билан дўстона муносабатлар ўрнатишга рози қилди. 1793 йили Эл-Кувайтда инглизларнинг биринчи факторияси курилди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Форс қўлтиғида инглизлар бир қатор урушларни келтириб чиқарди. Бу урушларда ваҳҳобийлар, мисрликлар, эронликлар, Араб амирликларининг ҳукмдорлари қатнашди. Натижада уларнинг кўпчилиги инглизлар билан тенг бўлмаган шартномаларни имзолашга мажбур бўлдилар.

Кувайт инглизларнинг шартнома тузиш ҳақидаги таклифларини усталик билан рад этиб, ваҳҳобийлар, турклар ва форслар билан ҳам келишувга бормасдан узоқ вақт бу жараёнлардан четда туришга муваффақ бўлди.

1866 йили ҳокимиятга келган Абдалла ибн Сабах ас-Сабах (1866–1892) туркларнинг ваҳҳобийларга қарши 1871 йилги ҳарбий кампаниясида иштирок этди. Бутун Форс кўрфазини босиб олган усмонийлар Кувайт амирини урушдаги қўмаги учун мукофотлаб, уни султоннинг Кувайтдаги ноibi деб тан олди. Аммо Кувайт амирликларининг Туркияга таяниши ўзини окламади. Усмонийлар империяси чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тушкунликка юз тутди ва 1877–1878 йиллари Россия билан бўлган урушда енгилди. Бундан фойдаланган инглизлар Англияни Форс кўрфазида «тартибнинг кафолати» деб тан олишга султон Абдул Ҳамидни мажбур қилди. Натижада Баҳрайн билан Қатар Англияга вассалликни тан олиб, у билан шартнома имзолади.

<sup>1</sup> XIX аср 80-йилларида Кувайтнинг бану атбан кабиласи Баҳрайнни эгаллаб олади. Янги ҳукмдор ваҳҳобийлар билан иттифоқ тузиб, Форс қўлтиғидаги инглиз кемаларини галай бошлади. Шу сабабли Форс қўлтиғининг Шарқий Арабистон кирғоқлари инглиз манбаларида «Қарокчилар қирғоғи» номини олган.

Кувайт билан бир оз кийинрок бўлди. Сабаби Кувайт 1880-йиллардан Форс қўлтиғига киришни истаётган Германия, Россия ва Франциянинг ҳам қизиқишини уйғотиб келаётган эди. Германия Порта ёрдамида Берлин – Бағдод – Эл-Кувайт темир йўлини қуриш учун концессияни қўлга киритган эди. Англия эса ўзининг Форс қўлтиғиги худудидаги монопол ҳолатини йўқотмаслик учун Кувайтга босимни кучайтирди. Натижада амир Муборак ибн Сабах ас-Сабах (1896–1915) Кувайт устидан Буюк Британия назоратини ўрнатишга розилик билдириб, 1899 йил 23 январда инглиз-кувайт махфий шартномасини имзолади. Шартнома амалда Кувайтни Англиянинг протекторатига айлантириди.

**Бахрайн** билан Англия ўртасида 1820 йили Тинчлик тўғрисида бош шартнома имзолангандан сўнг Баҳрайн ҳам амалда Буюк Британияга қарам мамлакатга айланди. 1853 йил Уммон билан Англия ўртасида тузилган «абадий тинчлик» тўғрисидаги шартномага Баҳрайн амири шайх Муҳаммад имзо чекишдан бош тортди. Бироқ унга ёрдам бериши мумкин бўлган Эрон бабийлар ҳаракатини (1848–1852) бостириш, кейин эса Ҳирот масаласида Англия билан вужудга келган можарони ҳал қилиш, Усмонийлар империяси эса Крим уруши билан (1853–1856) банд бўлганлиги сабабли шайх Муҳаммад инглизлар билан янги шартномани имзолашга мажбур бўлди. Шартнома расман «кул савдосини тугатиш борасида янада таъсирлиchorалар ҳақида» деб аталса-да, аслида илгари ўрнатилган Баҳрайннинг Англияга қарамлигини таъкидлар эди. Кейинги йилларда шайх Муҳаммаднинг Эрон ва Туркияга ишониб Англия босимидан кутулишга қилган ҳаракатларига инглизлар чек қўйишиди. 1861 йили шайх Муҳаммад инглизлар томонидан «таклиф» қилинган янги Конвенцияни имзолашга мажбур бўлди. Конвенция Баҳрайннинг Англияга қарамлигини янада ошириди.

Ўзининг қарам ҳолатини охиригача тушунмаган шайх Муҳаммад 1863 йили Қатар билан вужудга келган чегара муаммосини икки давлатнинг ички иши деб қараб, Британия вакилига мурожаат қилишни лозим топмади. Натижада минтақада «тартиб ўрнатиш» топширигини олган Британия вакили 1867 йили шайх Муҳаммадни ҳокимиятдан четлатди.

Бахрайн ҳукмдори бўлган шайх Али бен Халифа ал-Халиф инглизлар босими остида 1861 йилги конвенциянинг барча моддаларини тасдиқлади.

Форс күрфази мінтақасыда ривожланған давлатлар үртасыда кучайиб бораётган рақобат Англияни бу ерда үз позициясини янада мустаҳкамлашга ундағы. 1892 йили мартда Баҳрайн амири шайх Исо «Охирги маңсус келишув»ни имзолади. Баҳрайн үз мустақиллігини тұлық үйкөтді. 1904 йилдан фақат ташқы әмас, ички сиёсат масалалари ҳам Форс күрфазидаги Британия сиёсий резиденти ихтиёрига үтди.

**Қатар.** Юқорида айттылғанидек, инглизлар аксарият амирлик-лар билан түзілған иттифоқны ваххабийлар билан ҳам расмийлаштиришга ҳаракат қилишди. Аммо ваххабийлар рад жавобини бериб, ғайридинларга қарши жиҳод әйлон қылдилар ва үзларининг Форс құлтиғига эга бўлиш даъвосини илгари сурдилар. Бу инглизлар билан 1798 йили шартнома тузган Маскат амири Султон бин Аҳмад режаларига ҳам мос тушмасди. Натижада Қароқчилар қирғоғидаги қабилалар билан инглиз-маскат флоти үртасыда уруш бошланиб, 1808 йили маскатликлар Баҳрайн ва Қатар қирғоқларида тор-мор қилинди. Бу инглизларнинг Ост-Индия компаниясыни анча қийин ахволга солиб қўйди. Уларнинг савдо кемалари Форс құлтиғидан нарига үта олмай қолдилар. Бунга жавобан 1819 йили үта замона-вий қуролланған инглиз-ҳинд флоти рақибларининг ҳарбий флотини тор-мор қилиб, арабларнинг таянч пунктлари бўлган Рас ал-Хайма, Шаржа, Умм ал-Қайван ва Дубайни забт этдилар. Қароқчилар қирғоғи батамом тор-мор қилинди.

Тинчлик музокаралари натижасыда 1820 йили Қароқчилар қирғоғи амирлари билан инглизлар үртасыда «Тинчлик тұғрисида бош шартнома» имзоланды. Аммо мінтақадаги ҳамма амирлар ҳам шартномани имзоламади. Қатар шайхлари шартномани имзолашдан бош тортдилар ва расман Усмонийлар империясининг таркибий қисми бўлиб қолаверди. 1830–1850 йилларда инглизлар яна бир қатор шартномаларни имзолашга эришдилар. Шундан сўнг Қароқчилар қирғоғи расман Шартномавий Уммон номини олди, маҳаллий аҳоли эса үз ўртларини ас-Сир деб аташда давом этдилар.

Қатарлик шайхларнинг инглизлар билан муросага келишмаган-лигини уларга ваххабийларнинг таъсири кучлилиги билан изоҳлаш мумкин. Инглизларга эса Ҳиндистонга үтадиган денгиз йўлининг хавфсизлигини таъминлаш учун Форс күрфазидаги давлатлар устидан тұлық назорат үрнатиш зарур эди.

1860 йили Сувайш каналы қурилиб, Ҳиндистон ва Узок Шарққа энг яқин денгиз йўли очилғандан сўнг мінтақадаги ҳарбий-сиёсий

ҳолат кескин ўзгарди. Миср сиёсий жиҳатдан кучсиз давлат бўлиб, бирон бир Европа давлатининг таъсирига тушиб қолиши аниқ эди. Шу боис инглизларнинг асосий вазифаси Сувайш канали устидан ўз назоратини ўрнатиш бўлди. Айниқса миңтақада Германия таъсири-нинг ошиб бораётганлиги инглизларни бу ерда таянч нуқталарини кўпайтиришга, миңтақадаги позициясини янада мустаҳкамлашга мажбур қилаётган эди.

1875 йили Сувайш канали компаниясининг асосий акционери бўлиб олган Англия Қатарга босим ўтказишида давом этди. Бироқ Қатар ҳукмдори бўлиб олган шайх Бану Хожар Қосим бин Муҳаммад Англия билан бирорта шартнома имзолашга рози бўлмади. Ўтказилган музокаралар натижасида шайх Қосим инглизларнинг маслаҳатларини инобатга олишни ваъда қилиш билан чекланди. Инглизларнинг ҳар қанча уринишларига қарамасдан шайх Қосим то 1913 йил вафотигача Англия протектората-тига рози бўлмади.

**Уммоннинг** ҳам XIX асрдаги тарихи Форс кўрфазидаги жараёнлар ва бу ердаги инглиз экспансияси билан чамбарчас боғлиқ. Шартномавий Уммон тузилгандан сўнг маълум муддат сакланиб қолган мустақиллик элементлари XIX асрнинг охирида султон Фейсалнинг Франция билан яқинлашишга уриниши натижасида йўқ килинди. 1899 йили инглизлар султонга ультиматум жўнатиб, Бендердан француzlар флотининг чиқариб юборилишини талаб қилдилар. XX асрга Уммон сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан метро-полияга тўлиқ бўйсунувчи Британия протекторати сифатида кириб келди.

**Яман** имомлари XVIII аср охирида йўқота бошлаган ҳокимиятини XIX асрда ҳам тўлиқ тиклай олмадилар. Имом Муҳаммад бен Яҳъё қабилалар ўртасидаги ўзаро можароларни ҳал қилишда ёрдам сўраб Усмонийлар империясига мурожаат қилди.

Сувайш канали очилгандан сўнг Усмонийлар ўзларининг Арабистондаги мулклари билан денгиз орқали тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлдилар. 1872 йили улар Арабистон яриморолига, жумладан Яманга кучли ҳарбий экспедиция жўнатдилар ва турк аскарлари деярли қаршиликларсиз Санага келиб тушдилар. Турклар ўзларининг бош мақсади мамлакатда тинчлик ўрнатиш ва хавфсизликни таъминлаш эканлигини эълон қилдилар. Аммо иқтисодий соҳада уларни фақат солиқ йиғиш ва

Истамбулга жұнатылған бошқа ҳеч нарса қизиқтирмади. Салифда очилған туз конлари ҳам маҳаллий ахолига кеттіңдегі фойда келтирмади. Натижада 1891 йили бошлаган құзғолон фақат 1897 йили бостирилди. Аммо турклар маъмуритининг тикланиши узокқа бормади. 1904 йили янги құзғолон бошланиб, то 1911 йилгача давом этди.

#### **XXIV боб бүйича саволлар**

- 1. Мұхаммад Али ҳукмронларының үшінші деңгээлік үйлесімдерінде қандай ақамияттағы зерттеудер болды?**
- 2. Танзимат истроҳоти үйлесімдерінде Суриянинг маъмурій бүлиниши ва бошқарулишида қандай үзгаришлар болды?**
- 3. Сурияда капитализм ривожланишининг қайси жиһатларини ажратып күрсатыш мүмкін?**
- 4. Дауд пошо истроҳотлары Ироқ тараққиетінде үшінші деңгээлік үйлесімдерінде қандай ақамияттағы зерттеудер болды?**
- 5. Танзимат истроҳотлары Ироқ иқтисодий ҳаётида қандай үрнен тутады?**
- 6. Чет давлатларнинг араб мамлакатларига кириб келиши уларнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишида қандай ақамияттағы зерттеудер болды?**

## V БҮЛИМ

### XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА АФРИКА

### XXV БОБ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА АФРИКАДАГИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ

**Миср.** 1801 йили француз құшинлари Мисрни тарк этгандан сұнг аввалги иттифоқчилар – инглизлар, мамлуклар ва турклар үртасида келишмовчиликлар бошланиб кетди. 1803 йили Франция босими остида Англия үз құшинларини Мисрдан олиб чиқиб кетди. Амъен тинчлик сұлжининг шартларига күра Миср түрк султонига қайтарилди. Шунга қарамасдан Англия ва Франция мамлукларнинг турли гурухларига таянган ҳолда Мисрдаги үз таъсирларини йүқотмасликка ҳаракат қылдилар. 1802–1804 йиллари мамлук бейлари билан Туркия үртасида ҳокимият учун кураш тұхтамади.

Миср тарихидеги янги давр түрк армияси таркибига кирудиң албан корпуси бошлиғи Мұхаммад Али номи билан бөглиқ. Албан корпуси Наполеонга қарши курашиш учун Мисрга жүнатылған эди. 1803 йили корпус ёрдамида Қохирада мамлуклар ҳокимияти үрнатылди. Бироқ мамлукларнинг эски тартибларни тиклаш учун қылған уринишларига қарши 1804 йили Қохирада Мұхаммад Али бошчилигіда құзғолон бошланди. У ал-Азхар шайхи билан алоқа болади. Үз құшинларига эга бұлмаган шайх албан корпусини құллашдан манфаатдор эди. Құзғолончилар мамлук бейи Усмон Бардийсінинг саройини вайрон қилиб, мамлукларни шаҳардан қувиб чиқардилар. Қохира шайхлари Александрия ҳұмдори Хуршидни Миср пошоси, Мұхаммад Алини эса унинг үринбосари деб зылон қылдилар.

Тұрт ойлик ҳимоядан сұнг Мұхаммад Али мамлукларни Юқори Мисрга сиқиб чиқарди. Айни пайтда Хуршид эски солиқларни тиклади, унинг түрк құшинлари эса қохираликларни талашда давом этдилар. 1805 йил апрелде қохираликларнинг Хуршидгә қарши құзғолони бошланди. Мұхаммад Али құзғолончиларни құллаб-куватлади. Хуршид шаҳардан қувилғандан сұнг Қохира шайхла-

ри Мұхаммад Алини Миср пошоси этиб сайладилар, Туркия ҳукуматининг эса буни тасдиқлашдан бошқа чораси колмади. Мұхаммад Али тез орада чекланмаган ҳокимиятга зәғүлди.

У мамлуклар билан курашни давом эттириди. 1807 йили инглиз-турк уруши пайтида инглизлар Александрияга десант туширдилар, аммо Мұхаммад Али уларни тор-мор қилиб, таслим бўлишга мажбур қилди. Шундан кейин мамлук феодаллари ҳам қаршиликни тўхтатишга рози бўлдилар.

*Мұхаммад Али даврида Мисрнинг ривоҷланиши.* Мисрнинг Усмонийлар империясидан амалда мустақиллиги, мамлук феодаллари ҳукмронлигининг тугатилиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун қулай шароит яратди. Миср иқтисодий тараққиёт бўйича илгари ҳам Усмонийлар империясининг Арабистон ва Анатолиядаги худудлари ичida анча юқори турарди. Мұхаммад Али томонидан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Миср иқтисодий ва маданий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиди. Аслида ислоҳотларга олиб келган сабаб кучли, европача куролланган ва ўқитилган армияга зәғүлдиш истаги бўлса-да, ислоҳотчилик фаолияти ижтимоий муносабатлар, иқтисод, маданият ва давлат бошқарувининг турли соҳаларини қамраб олди.

Энг муҳим соҳалардан бири аграр ислоҳот зәғүлди. Унинг натижасида 1811 йилга келиб Мұхаммад Али мамлук бейларининг имтиёзли ҳолатини тўлиқ йўқ қилди. Мусодара қилинган ерларнинг бир қисмини феллахларга тарқатди. Унинг даврида янги суғориш тизимлари бунёд этилди, экиладиган майдонлар қарийб икки баробар кенгайди. Пахта ва бошқа экспортбоп экинларга катта аҳамият берилди. Бироқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишга давлат монополияси ўрнатилганлиги сабабли ҳалқнинг аҳволи анча оғирлигича қолаверди. Натижада қатор қўзғолонлар бўлиб, барчаси шафқатсизлик билан бостирилди.

Ҳарбий ислоҳот мамлакатнинг ҳарбий қудратини юксалтиришга қаратилган эди. Мұхаммад Али европаликлар, асосан французлар ёрдамида замонавий армияни шакллантириди, уни янги артиллерия билан куроллантириди, ҳарбий флотга асос солди. 1830 йили Миср армиясида 150 минг аскар, флотда 32 та ҳарбий кема бўлиб, жанговар қобилияти жиҳатидан турк сultonи армиясидан анча устун эди.

Ҳарбий ислоҳот бир қатор саноат корхоналарининг ҳам қурилишига олиб келди. Чўян қувиш, куролсозлик ва порох завод-

лари, куюв-механика устахонаси, тұқимачилик мануфактуралари очилди. Александрия верфларида янги ҳарбий кемалар қурилиши давом этди. 1840 йили саноат типидаги корхоналарда 35 минг ишчи меңнат қиласы.

Молия тизими ва давлат бошқаруви аппарати ҳам европаға намунада қайта ташкил қилинди. Вазирліклар ташкил қилинди, Миср еттита провинцияга бўлиниб, ҳар бирига марказий ҳокимиятга бўйсунувчи губернатор тайинланадиган бўлди.

Таълимни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилиб, Европа фани ва техникаси ютуқлари билан қизиқиш рағбатлантирилди. Мұхаммад Али даврида бошланғич ва ўрта мактаблар, тўрут йиллик махсус ўқув юртлари очилди, ҳарбий билим юртлари пайдо бўлди. Европа дарсликлари ва илмий адабиётлар араб тилига таржима қилинди. Мұхаммад Али Франциядан муҳандислар, юристлар, ўқитувчилар, врачларни ишга таклиф қилди. Ёш мисрликларни ўкиш учун Европага жўнатиш одат тусига кирди. Биринчи босмахона иш бошлади, 1828 йили эса Мисрнинг биринчи газетаси чиқа бошлади. Ажабланарлisisи шундаки, бу ислоҳотларнинг бошида турган Мұхаммад Али қирқ ёшида ўкишни ўрганиб олди.

Мұхаммад Али ислоҳотлари кучли ва мустақил Миср давлатини тузишга қаратилғанлиги учун ҳам муваффакият қозонди. Ислоҳотлар Мұхаммад Али ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилди, Мисрни Шарқнинг ривожланган ва кучли давлатлари қаторига олиб чиқди. Бундай шароит Мұхаммад Алига араб империясини тузиш ва ҳатто Истамбулни забт этиб, султон ҳокимиятини эгаллаш умидини берди. Шу йўлда у вахҳобийларга қарши уруш олиб борди, Сурияни, Ливани ва Киликияни забт этди, ҳатто Анатolia худудига кириб, бевосита Туркиянинг ўз худудига ҳам хавф солди. Факат Англия ва Россиянинг аралашуви султонни мұқаррар ҳалокатдан сақлаб қолди. Англия, Россия ва Франция тобора кучсизланиб бораётган Усмонийлар империяси худудини бўлиб олиш ва шу мақсадни амалга ошириш йўлида Мұхаммад Али билан султоннинг кучайиб кетишига йўл қўймаслик учун зимдан ҳаракат қилдилар.

*Мисрга чет эл капиталининг кириб кетиши. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши.* Мұхаммад Али миллий саноатни ривожлантириди ва протекционизм сиёсатини олиб борди, мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириб, Мисрни Европа давлатлари га иқтисодий қарам ва мустамлака бўлишдан сақлаб қолди. Унинг

ворислари ҳам асосан шу сиёсатни давом эттирсаларда, иқтисодга давлат аралашувини камайтиришга мажбур бўлдилар. Дехқон ўз меҳнати маҳсулидан эркин фойдаланиш ҳуқукини олди, қуллик ва кул савдоси бекор қилинди.

XIX аср 70-йилларига келиб мамлакатнинг жаҳон капиталистик хўжалигига тортилиши оқибатлари аниқ кўзга ташланиб қолди. 1840 йили Муҳаммад Али 1838 йилги инглиз-турк савдо шартномасининг Мисрга ҳам жорий қилинишига розилик беришга мажбур бўлди ва бу илгари мавжуд бўлган савдо монополияларининг бекор қилинишига олиб қелди. Экспортбоп экинлар, биринчи навбатда, пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш жараёни давом этди. Пахтачиликни ривожлантиришга 1861–1865 йиллари Шимолий Америкада юз берган фуқаролар уруши ҳам туртки бўлди.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожланди. Бир неча қанд заводлари ишга туширилди. 1860–1870 йиллари темир йўллар қурилиши жадал олиб борилди, 13 минг км сугориш каналлари қазилди, портлар қайта жиҳозланди.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши аграр қонунчиликнинг ўзгаришига таъсир кўрсатди, қишлоқ хўжалигига ҳам чет эл капитали жадал кириб кела бошлади.

1855 йили француз мухандиси Фердинанд Лессепс Ўрта Ер денгизи билан Қизил дengизни боғловчи «Сувайш каналини қазиш учун умумий компания» ташкил қилишига руҳсат олди. Буюк Британиянинг қаршилик қилишига қарамасдан, 1859 йили қазиш ишлари бошланиб, ўн йилда канал қазиб битказилди. Қазиш ишларига ҳар ойда 60 минг мисрлик дехқонлар мажбурий жалб қилинди. Миср тарихчиларининг маълумотларига қараганда, оғир меҳнат ва эпидемия натижасида 120 минг киши ҳалок бўлган. 1869 йили канал очилгандан сўнг уни ва бир йўла Мисрни ўз назоратига олиш учун Англия ва Франция ўртасида қизғин кураш бошланиб кетди. Канал қурилиши учун Европа давлатларидан қарз олган Мисрнинг уларга қарамлиги ҳам кучайиб борди.

1875 йил ноябрда Усмонийлар империяси томонидан эълон қилинган молиявий банкротлик натижасида Миср қимматбаҳо қоғозларининг нархи кескин тушиб кетди. Мисрнинг оғир молиявий аҳволидан фойдаланган Англия ҳукумати 1875 йили хедивдан<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Хедив – форсча ҳукмдор. 1867 йили Муҳаммад Алининг набираси Исмоил султондан хедив ёки вице-қирол унвонини олади. Бу билан Миср ҳукмдори Усмонийлар империясидаги бошқа барча пошолардан устун қўйилган эди.

«Сувайш канали компанияси» акцияларининг катта пакетини борйүғи 4 млн ф. ст. га сотиб олди ва амалда каналнинг эгасига айланди. Аммо бу билан Мисрнинг молиявий аҳволи яхшиланмади. 1876 йилга келиб Мисрнинг қарзи 96 млн ф. ст. ташкил қилган бўлса, шундан 6 млн ни Мисрнинг ўз эҳтиёжларига ишлатилган, 16 млн ни Сувайш каналини қазишга сарфланган, 50 млн ни эса қарзлар бўйича процентларни тўлашга кетган, 22 млн турли хил комиссиялар тарзида европалик банкирларга берилган. 1876 йили банкротлик ҳолатига келиб қолган хедив ҳукумати барча қарзлар бўйича тўловларни тўхтатишга мажбур бўлди.

Англия ҳукумати томонидан Қоҳирага жўнатилган эксперталар гуруҳи мамлакатнинг оғир молиявий аҳволи тўғрисида маъруза тайёрлаб, Миср устидан чет эл назорати ўрнатишни таклиф қилди. Англия билан Миср ўртасидаги узоқ тортишувлардан сўнг Миср қарзи бўйича комиссия таъсис этилиб, қарзларни тўлаш учун маблағ шу комиссия ихтиёрига тушадиган бўлди. Миср устидан чет элликларнинг тўлиқ молиявий назорати ўрнатилди.

Хедив инглизпастларнинг Нубар пошо бошчилигидаги ҳукуматини тузишга рози бўлди. Молия вазирлигига – инглиз, жамоат ишлари вазирлигига – француз тайинланди. Чет эллик вазирлар солиқларни кескин оширди, 1879 йил февралда 2,5 минг мисрлик офицерларни хизматдан бўшатди, қолганларига маошни 50% га қисқартирди. Натижада армияда ғалаён кўтарилиб, бош вазир ва молия вазири гаровга олинди. Хедив Исмоил хизматдан бушатиш ва маошни қисқартириш ҳакидаги буйруқни бекор қилишга ваъда бергандан сўнг гаровдагилар озод қилиниб, офицерлар тарқалишди.

1879 йил апрелда Мисрнинг энг обрули 300 дан зиёд уламо, пошо, бей ва офицерлари томонидан имзоланган талабнома хедивга топширилди. Хедив, талабга биноан, чет эллик вазирларни лавозимларидан озод қилди ва конституция эълон қилди. Шариф пошо бошчилигига факат мисрликлардан иборат янги кабинет тузилди. Аммо Англия ва Франциянинг талабига биноан Туркия султони Исмоилни ҳокимиятдан четлатиб, мамлакатдан чиқариб юборди. Янги хедив этиб Исмоилнинг ўғли Тевфиқ тайинланди. У кредитор давлатларнинг барча талабларини бажариб, Миср молияси устидан инглиз-француз назоратини тиклади.

**Миллий-озодлик ҳаракатлари.** Мамлакатда норозиликлар тез-тез намоён бўла бошлади, зеро чет элликларнинг ўзбошимчаликлари мисрликларнинг миллий ғурурини ҳақорат қилаётган эди. Мисрдаги миллий-озодлик ҳаракатига ёш, эндиғина шаклланан-ётган миллий буржуазия, зиёлилар, офицерлар, руҳонийларнинг илғор қисми, ватанпарвар кайфиятдаги қишлоқ бойлари бошчилик қилдилар. Уларнинг барчаси «Миср мисрликлар учун» шиори остида ва 1879 йили ташкил қилинган Хизб-ул-ватан (Ватан партияси) сиёсий партиясига бирлашдилар.

1880 йил май ойида бир гуруҳ офицерлар аскарларни хизмат билан боғлиқ бўлмаган ишларга мажбурий жалб қилиш, мисрлик офицерларнинг хизмат лавозимларига тайинланишига тусқинлик қилиш ва ойлик маошларнинг доимий кечиктирилиш ҳолларига қарши норозилик билан чиқдилар.

1881 йили полковник Аҳмад Арабий бошчилигига Қоҳира гарнizonи офицерлари Миср хукмдорига норозилик номаси йўллаб, ҳарбий вазирнинг истеъфога чиқишини, у томонидан офицерларга унвонлар берилиш жараёнини тафтиш қилишни талаб қилдилар. 1881 йил февралда бир гуруҳ ватанпарвар офицерлар ва улар бошчилигидаги аскарлар ҳарбий вазирлик биносини эгаллаб, вазирни қамоққа олдилар.

Арабий бошчилигидаги гурухнинг фаолияти хедив ва унинг чет эллик маслаҳатчиларини шошириб қўйди. Ватанпарвар кайфиятдаги полкларни Қоҳирадан чиқариб юбориш учун қилинган ҳаракатлар амалга ошмади. Ватанчилар (Хизб-ул-ватан аъзолари-ни шундай аташган) ҳукуматнинг истеъфога чиқишини, конституция ишлаб чиқилишини ва Миср армияси сонининг оширилишини талаб қилдилар. 1881 йил сентябрда армиянинг қуролли чиқишлиари хедивни ватанчиларнинг барча талабларини қондиришга мажбур қилди. Шериф пошо ҳукумати эса парламентга сайловлар ўтказиб, конституция лойиҳасини ишлаб чиқди. Аммо 1881 йил декабрда очилган парламент сессиясида депутатлар лойиҳани маъқулламадилар. Арабий эса янги ҳукумат тузиш таклифини киритди. Парламент талаби билан февралда янги ҳукумат тузилиб, Арабий ҳарбий вазир лавозимини эгаллади. Англия ва Франция ҳукуматлари хедивдан ҳукуматни истеъфога чиқариш ва Арабийни мамлакатдан ҳайдашни талаб қилдилар. Аммо Қоҳира ва Александ-

рияда бошланган ғалаёнлар натижасида хедив Арабийни ўз лавозимида қолдиришга мажбур бўлди.

Арабий бошчилигидаги радикаллар чет элликларга қарши шиорлар билан чиқиб, европача урф белгилари бўлган кафелар, ресторанлар, опера театрларини ёпдилар, анъанавий ислом нормаларини тикладилар. Арабийнинг бу ҳаракатлари султон Абдул Ҳамид томонидан ҳам қўллаб-кувватланди, у Арабийга пошо унвонини берди.

*Мисрнинг Англия томонидан босиб олиниши.* 1882 йил июнда Истамбулда Миср муаммоси бўйича конференция чакирилди. Конференцияда қатнашган барча Европа давлатлари қатори Англия делегацияси ҳам Миср ҳудудини аннексия қиласлик ёки босиб олмаслик тўғрисидаги қарорни имзолашга мажбур бўлди.

Бироқ Александрияда сафарда бўлган Англия эскадраси-нинг бошлиги вице-адмирал Сеймур конференция карорининг тасдиқланишини кутиб ўтирумасдан, Александриянинг ҳарбий губернаторига игвогарона ультиматум жўнатди. Унда мисрликлардан улар томонидан олиб борилаётган форт курилишини 24 соат ичида тўхтатиш талаб қилинган эди.

1882 йил 11 июль куни инглизлар флоти Александрияни бомбардимон қилишни бошлади. Кейин 25 минг кишилик пиёда кўшинлар шаҳарни босиб олди. Француздар уруш ҳаракатларида қатнашмадилар.

Миср жамиятининг барча европалашган катламлари инглизлардан паноҳ излаб Александрияга кела бошладилар. Тез орада хедив Тевфиқ ҳам ўз ҳалқининг манфаатларини сотиб, Александрияга келиб олди.

Қоҳирада инглизлар босқинига қарши мудофаани ташкил қилиш ва бошқариш учун Ҳарбий кенгаш ташкил қилинди, зодагонлар, руҳонийлар ва ватанчилар вакилларидан иборат Фавқулодда мажлис чакирилди. Очиқ зиддият бошланди. Хедив Арабийни ҳокимиятдан четлаштириб, исёнчи деб эълон қилди. Унга жавобан Арабий хедивни «инглизлар асири» деб ҳисоблашини билдириди. Фавқулодда мажлис Тевфиқни ҳокимиятдан четлатиб, Арабийни куролли кучлар бош қўмондони этиб тайинлади. Арабийнинг ихтиёрида 19 минг мунтазам қўшин ва 40 минг янги сафарбар қилинганлар бор эди. Миср армияси ўқ-дориларнинг катта захира-сига, кўплаб куролларга, жумладан 500 та тўпларга ҳам эга эди. Мисрни ҳимоя қилишнинг стратегик режаси ҳам ишлаб чиқилди.

Аммо Арабийнинг ҳарбий-стратегик хатоси шунда эдики, у инглизлар Сувайш каналининг бетарафлиги ҳакидаги конвенцияни бузмайди, деб ҳисоблаб, канал томоннинг мудофаасини кучайтиргади. Инглизлар эса бундан фойдаланиб, каналнинг бетарафлиги тўғрисидаги конвенцияни ҳам инобатга олмасдан, Порт-Саид ва Исполияга Хиндистондаги қўшинларни ташладилар ва шутариқа Кохирага икки томондан ҳужумни таъминладилар. Бунинг устига, айрим ҳудудларни ҳимоя қилиш топширилган бадавийларнинг йўлбошчиларини инглизлар сотиб олдилар. Натижада Арабий мағлубиятга учради, 1882 йил 14 сентябрь куни инглиз қўшинлари Кохирани эгалладилар. Арабий қамоққа олинди ва судхукмига кўра Цейлонга (Шри Ланка) сургун қилинди.

Бу даврда чет эл аралашувига қарши тура оладиган араб миллий бирлиги шаклланмаган эди. Миллий буржуазия ҳали кучсиз, ўз имтиёzlарини кенгайтириш йўлида келишувларга мойил эди. Арабийга қўшилган феодал элементлар ва кўчманчи қабилалар бошликлари энг оғир дамларда очиқчасига хиёнат йўлини тандадилар. Бу факторларнинг ҳаммаси бир бўлиб миллий-озодлик ҳаракатининг мағлубиятига олиб келди ва Мисрнинг Англия мустамлакасига айланиши жараёнини осонлаштириди.

Миср расман Усмонийлар империяси таркибида қолаётгац бўлсада, бутун ижро ҳокимиюти Англиянинг бу ердаги бош консули қўлида жамланган эди. Франция билан таранг муносабатлар сақланиб қолди. Фақат 1904 йили Англия Франциянинг Марокашдаги маҳсус ҳолатини тан олганидан сўнг, Франция Англиянинг Мисрдаги шундай ҳолатини тан олди.

Мисрнинг қарзи масаласи ҳамон мураккаблигича қолаётган эди. Уни тўлашга ҳар йили Миср ялпи маҳсулотининг чорак қисми сарфланарди. Инглиз бошқаруви қарзлар эвазига мамлакатни қаттиқ эксплуатация қилиш ва талаш йўлига ўтди. 1880 йилдан 1907 йилгacha пахта экспорти 8 млн дан 30 млн ф. ст. гача кўпайди. Бу ўз навбатида, сугориш тизимларини қуриш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини ҳам бир қадар ривожлантириди.

Чет эл, асосан инглиз капиталининг фаол киритилиши 1882 йилдан сўнг мамлакатнинг жадал ривожланишига олиб келди. XX аср бошларида саноат ишчилари сони ярим миллиондан ошиб кетди, уларнинг сал кам ярми европаликлар эди. Мисрда илгари вайрон қилинган европалаштириш белгилари: клублар, ресторонлар, турли

хил салонлар яигидан пайдо бўлди; телеграф, телефон, кинематограф, нашриётлар ишлай бошлади. Жамият икки гурухга: асосан Европада таълим олганлардан иборат ғарблаштириш тарафдорларига ва ислом нормаларини ҳимоя қилувчиларга бўлинди. XIX аср охири – XX аср бошларида ишчилар ҳаракати, касаба уюшмалиари ва социалистик ҳаракатлар ҳам вужудга келиб, уларнинг иштирокчилари асосан европаликлар вакиллари эди. Мисрликлар бу ҳаракатларга жуда суст қўшиларди.

**Судан.** 1820–1822 йиллари Судан Миср ҳукмдори Мұҳаммад Али қўшинлари томонидан забт этилди. Қўшинга бошчилик қилган Мұҳаммад Алиниң ўғли Исмоил пошо ва қуёви Мұҳаммад Хисрав маҳаллий аҳоли қаршилигини шафқатсизлик билан бостирди. Турк-миср қўшинларининг мамлакатни забт этиши бу ерда кул савдосини кескин ривожлантирди. Суданда энг «фойдали» ҳунар кул савдоси бўлиб қолди. Илгари Дарфур ва Сеннардан карvonлар йилига 9–10 минг қулни Мисрга олиб келган бўлса, 1825 йили Мұҳаммад Али ихтиёрига 40 минг, 1839 йили эса қарийб 200 минг қул жўнатилди. Фақат XIX аср 70-йилларида Қохира ҳукумати Европа давлатларининг босими остида кул савдосини тақиқлашга мажбур бўлди, аммо бу қарорни амалда бажариш анча қийин кечди.

Мисрда инглизлар босқини даврида Судан масаласи жиддий муаммога айланди. 1881 йили Суданда чет элликлар кўл остига тушиб қолган Мисрга қарши ҳаракат бошланди. Ҳаракатга Мұҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ исмли киши бошчилик қилиб, у ўзини *Maҳdi*, яъни «халоскор», ислом соғлигини тиклашга, «адолат подшолигини» ўрнатишга бағишилаган шахс деб эълон қилди. Маҳдининг сафдошлари мисрлик қўшинлар устидан бир қатор ғалабаларга эришлилар ва деярли бутун Судан мустақил бўлди. Бу пайтга келиб Мисрни босиб олган инглизларнинг 1885 йили Суданни ўз ҳукмронлигига қайташ учун килган ҳаракатлари ҳам муваффакият қозонмади. Жангларда инглизлар қўмондони генерал Гордон ўлдирилди. Фақат 1896 йилга келиб Миср қуролли кучларининг бош қўмондони бўлган (1882 йилдан) Китченер бошчилигига инглизлар Суданга қарши қуролли ҳаракатларни қайта бошладилар. Бу ҳаракатлар на-тижасида 1898 йили бутун Судан бўйсундирилди. Бироқ Суданнинг Миср провинцияси сифатидаги мақоми қайта тикланмади. 1899 йили инглиз-миср шартномаси имзоланиб, унга биноан Судан учун

инглиз-миср кондоминиум (ҳамкорликда эгалик қилиш) режими үрнатилди.

**Ливия.** Юсуф Караманли хукмронлиги йиллари (1795–1832) Үрта Ер денгизи ҳавзасида Европа давлатлари билан АҚШ уртасида ҳарбий-сиёсий рақобат анча фаоллашди. Бу мураккаб ҳолатда Караманлининг ташқи сиёсати жорий ҳолатдан келиб чиқсан бўлиб, қандайдир тизимли мантиққа эга эмасди. У Наполеоннинг Миср экспедицияси пайтида (1798–1801) французларни қўллаб-куватлади, 1799 йили инглизлар Триполини ўқса тутганларидан ва 1800 йили Мальтани забт этганларидан сўнг эса корсарлар Үрта Ер денгизида Британиянинг Америка савдо экспансиясига қарши ҳаракатларида фаол иштирок этдилар. Юсуф пошо 1801–1804 йиллардаги ва 1812–1814 йиллардаги инглиз-америка дengiz жангларида инглизларга ёрдам кўрсатди.

1815 йилги Вена конгрессидан сўнг Европа давлатлари ҳамкорликда Мағрибдаги дengiz қароқчилигига чек қўйишга қарор қилдилар. Айниқса инглизлар Мальтани эгаллаганидан сўнг Үрта Ер денгизида кучлар нисбати европаликлар фойдасига ўзгарган эди. XIX асрнинг 30-йилларида Юсуф пошо фақат 20 та жанговар кемаларга эга эди.

Ливиянинг ички ишларига чет давлатларнинг аралашуви, корсарликдан мажбурий воз кечиши давлат хазинасининг тушумларини кескин камайтириб юборди. Бу ҳолатда Юсуф пошо бир қатор тезкор чораларни қўллаб, хазинани тўлдиришга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо тадбирлар яхши ўйланмаганлиги учун кутилган натижани бермади. 1832 йили Юсуф пошо имтиёзли қатлам ҳисобланган кулўғлиларга солиқ жорий қилишга мажбур бўлди. Натижада исён кўтарган кулўғлилар Юсуф пошони ҳокимиятдан воз кечишига мажбур қилди. Ҳокимиятга келган Юсуф пошонинг ўғли Али мамлакатни бирлаштира олмади. Якинда Жазоир ва Грециядан айрилган усмонийлар Ливияни кўлдан чиқаришини истамади. 1835 йили султон томонидан жўнатилган Мустафо Нажиб пошо Алини бутун қариндошлари билан асир олди. Уламолар шу куни султон томонидан тайинланган вали Мустафо Нажиб пошога қасамёд қилдилар. Шу тариқа караманлилар сулоласи жангиз ҳокимиятдан агдарилиди. Янги тайинланган вали юмшоқ сиёсат олиб борди ва тинч йўл билан мамлакатни ушлаб туришга ҳаракат қилди.

XIX аср 40–50-йилларида Ливиянинг ижтимоий ҳаётида Сенусий мусулмон биродарлари таъсири роль ўйнай бошлади. Бу биродарлик жамиятига келиб чиқиши барбар бўлган жазоирлик Мұхаммад бен Али ас-Сенусий (1787–1859) асос солади. Мұхаммад ас-Сенусийнинг қарашларида ислом мистицизми (сўфийлик) билан ваҳҳобийлик белгилари уйғуналашиб кетган эди. Мұхаммад ас-Сенусийнинг вориси Мұхаммад ал-Маҳди ас-Сенусий даврида (1859–1901) сенусийларнинг фаолияти Шимолий Африка ва Арабистон яриморолига кенг тарқалди. Усмонийлар сенусийларни тан олдилар ва ўзларига иттифоқдош деб билдилар.

XIX аср 80–90-йилларида Триполи вилояти Туркиянинг Африкадаги охирги таянчи бўлиб қолаётган эди. Ливия 1881 йили Франция томонидан забт этилган Тунис ва 1882 йили Англия томонидан эгаллаб олинган Миср билан чегарадош эди. Вилоятнинг дашт ва чўллардан иборат катта ҳудуди ҳали европаликлар учун иқтисодий кимматга эга эмасди. Шунга қарамасдан XIX асрнинг охирларидан Ливия ёш тажовузкор давлат Италиянинг эътиборини ўзига тортди. Ливияни босиб олишга дипломатик тайёргарликни бошлаган Италия икки томонлама шартномалар асосида 1887 йили Англия, Германия, Австро-Венгрия ва Испаниянинг розилигини олди. 1894–1896 йиллардаги Эфиопия билан уруш Италияни чалғитган бўлса-да, улар Ливияга иқтисодий ва маданий кириб келишни кучайтирдилар. Мамлакатга Италия товарларининг келиши кўпайди, «Банко ди Рома» итальян банки Триполи ва бошка шаҳарларда ўз филиалларини очди, савдо-саноат компаниялари Ливияда кенг тармок ёйди. Католик черковининг миссионерлик ташкилотлари ҳомийлигида европача типдаги мактаблар очилди.

1911 йили 3 октябрда Италия Ливияни турклардан озод қилиш баҳонасида Трнполига хужум бошлади. 1912 йилги Лозанна тинчлик сулҳига кўра Усмонийлар империяси Ливияни тўлиқ Италияга берди. 1914 йилга келиб итальянлар факат Триполитания устидан назорат ўрната олдилар. Киренаика ва Феззанда сенусийлар бошлилигига халқ мустамлакачиларга қатиқ қаршилик кўрсатди. Биринчи жаҳон уруши бошланганда ҳам Италия бу ҳудудларни буйсундира олмаган эди. 1920 йили Италия сенусийлар етакчиси шайх Сиди Идрисни (кейинчалик Ливия қироли Идрис I бўлган) Киренаика амири деб тан олди. Бу пайтда 150 мингдан зиёд италияликлар Ливияга келиб ўрнашган эдилар.

**Жазоир** давлатининг кучсизлиги ва Ўрта Ер дengизининг кулагай Марказий қисмида жойлашганлиги XIX асрнинг бошларида Европа давлатларининг эътиборини жалб қилаётган эди. XVIII асрнинг охирида Наполеон I нинг режалари айниқса катта эди. Наполеон маглубиятта учрагандан сўнг Вена конгресси Европа давлатларининг ушбу ҳудуд борасидаги келишувларини ишлаб чиқа олмади. Натижада ҳар бир давлат алоҳида ўз талабларини илгари сурди.

Фарб давлатларининг Жазоирга нисбатан сиёsatлари фаоллашганлигига қарамасдан, 1830-йилларгача бу сиёsat жиддий натижада бермади. 1830 йили ёзида Франция ҳукумати Жазоир ҳудудига очиқ ҳарбий интервенцияни бошлади. 14 июнь куни 37 минг кишилик экспедицион корпус генерал де Бурмон қўмондонлигига Жазоир пойтахтига яқин бўлган кирғоқ бўйига келиб тушди. Унча узоқ давом этмаган қамалдан сўнг мамлакат пойтахти босқинчилар қўлига ўтди. Жазоирнинг охирги дейи Ҳусайн 1830 йил 5 июль куни таслим бўлди. Дейнинг ўзи Неаполга, яничарлари эса Туркия ва Сурияга жўнатилди.

1834 йили қирол Луи-Филипп Жазоирнинг Францияга кўшиб олингандигини ва генерал-губернатор бошчилигига Африкадаги француз ерларининг маъмурияти тузилганлигини эълон қилди.

Аммо киролнинг эълон қилишига қарамасдан, французлар ҳам турклар сингари Жазоир, Оран, Мостаганем, Арзев ва Бежаян шаҳарлари жойлашган дengиз қирғоғидаги ҳудудда ва серҳосил Митиха водийсидагина ўз ҳукмронлигини ўrnата олдилар. Мамлакатнинг қолган ҳудудини эса ҳали забт этиш лозим эди. Натижада Жазоирнинг қолган тоғли ҳудудларида яна 40 йил даҳшатли жанглар давом этди. Французларга қарши харакатлар дастлаб тартибсиз характерда бўлганлиги учун тез бостирилди ва фойдаси кам бўлди.

**Абд ал-Қодир Жазоирий давлати.** Аҳвол 1832 йили чет элликларга қарши курашга 24 ёшли Абд ал-Қодир – Қодирийя Мухъый ад-Дин ислом биродарлиги жамоаси раҳнамосининг ўғли бошчилик қилгандан сўнг ўзгарди. Жасур жангчи ва қобилиятли саркарда Абд ал-Қодир шимоли-ғарбий Жазоир қабилалари ўртасидаги келишмовчиликларни усталик билан бартараф этиб, жиҳодга бошчилик қилди. У партизанлик урушининг классик усусларидан фойдаланиб, XIX аср 30-йилларида французларга катта талафотлар етказди. Моҳир ташкилотчи ҳам бўлган ёш амир қабилалар

худудидан ташкил топган давлат барпо қилди. Бу давлат тезда француз ҳарбийлари томонидан ҳам тан олинди. 1834 йили французлар билан яраш ва эркин савдо тұғрисида битим имзоланди. Тинчликдан фойдаланган ва Мисрдаги Мұхаммад Али ислохтогларининг муваффакиятларидан илхомланган Абд ал-Қодир үз давлатига марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, савдо ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида бир қатор тадбирларни амалга оширди. Ишлаб чиқариш ва савдода эришилган муваффакиятлар билан бир қаторда, Абд ал-Қодир асосий эътиборини армияни мустаҳкамлашга қаратди. 70 минг кишилик лашкардан ташкари 10 минг кишилик мунтазам армияни ташкил қилди. Қўшинни ўқитиш учун Марокаш, Тунис ва Европадан ҳарбий инструкторлар таклиф қилди. Армияни қуроллантиришда айниқса Марокаш шерифи катта ёрдам қўрсатди. Бу ишлар беҳуда эмаслиги тез орада маълум бўлди. Абд ал-Қодир кутганидек, французлар тузилган сулҳни бузиб, 1835 йили Жазоирнинг эркин қисмiga бостириб кирдилар. Икки йиллик жанглардан сўнг французлар яна сулҳ имзолашга мажбур бўлдилар. Энди фақат Ғарбий эмас, Марказий Жазоирда ҳам Абд ал-Қодир ҳокимияти ўрнатилганлигини тан олдилар. Шу тариқа амир мамлакат худудининг 2/3 қисмини ўз ҳокимияти остида бирлаштиргди (турклар фақат ушбу худуднинг 1/6 қисмини забт эта олган эдилар).

Бу сулҳ французлар учун тактик аҳамиятга эга эди. Улар кучларини ғарбда французларга қаршилик кўрсатаётган Хаж Аҳмед бейни маҳв этишга қаратди ва 1837 йили Ғарбий Жазоирнинг пойтахти Константина шаҳри забт этилди.

Абд ал-Қодир ҳам тинчликдан үз давлатини мустаҳкамлаш, маъмурий, суд ва солиқ тизимини ислоҳ қилишда фойдаланди. Бу ерда дастлабки соғ исломгага қайтишга ҳаракат қилинди. Ҳашамли кийиниш, вино ичиш ва қимор ўйнаш тақиқланди. Камтар ҳаёт кечиришда Абд ал-Қодирнинг ўзи бошқаларга ўрнак бўлди. Унинг бир кўра қўй ва бир парча ердан бошқа бойлиги йўқ эди. Қўчманчилик одатларига риоя қилиб чодирда яшарди. Узининг энг катта бойлиги деб у доимий бирга олиб юрадиган кутубхонасини ҳисобларди. Ҳукмронлик қилган йилларида ўзи ва қабиладошлари учун давлат хазинасидан бир танга ҳам олмаган.

Абд ал-Қодир жиходнинг бирлаштирувчи кучидан фойдаланиб, асрлар давомида шаклланиб келган қабилалар орасидаги тарқоқлик ва ўзаро душманлик кайфиятини ўзгартириш учун ҳаракат қилди.

Миллий-озодлик ҳаракатининг умумхалқ характери эса Жазоирдаги араблар ва барбарларда ватанпарварлик онги, миллий бирлик түйғуларининг шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратди.

Французлар Константинани забт этганларидан сунг, 1839 йили маршал Бюжо бошчилигига Абд ал-Қодирга қарши жангларни бошлаб юборди. Жазоирликларнинг мардонавор қаршиликларига қарамасдан яхши қуролланган ва жангларда тобланган мустамлакачи қўшинлар 1844 йили жазоирликларнинг кучли химоя чизигини бузиб Жазоир шаҳрини эгалладилар. Абд ал-Қодир аввал ўз қўшинлари билан Марокашга чекинди, кейин у ердан ҳам француз қўшинлари томонидан қувиб чиқарилиб, Жанубий Саҳрои Кабирда кўним топди. Бироқ 1847 йили французлар томонидан асир олиниб, аввал Францияга, у ердан Сурияга жўнатилди. 1860 йилги кирғин пайтида кўплаб дамашқлик христианларни ўлимдан сақлаб қолганлиги билан ҳам машхур бўлди. 1883 йили кексайган ҳолда Дамашқда вафот этди. Ақлли ва қатъиятли давлат бошлиғи, жасур жангчи ва иқтидорли саркарда, моҳир нотиқ ва истеъододли шоир Абд ал-Қодир тириклик пайтидаёқ Жазоирнинг миллий қаҳрамонига айланган эди.

Абд ал-Қодирнинг мағлубияти Жазоирни забт этиш жараёнидаги бурилиш нуқтаси бўлди ва Францияга жазоирликлар жамиятини модернизация қилиш, европалаштириш имконини берди. Замонавий саноат шаклланди, қишлоқ хўжалиги ривожланди. Европаликлар сони ҳам жадал ўсиб борди. Агар 1833 йили Жазоирда 7,8 минг европалик яшаган бўлса, 1840 йили улар сони 27 минг, 1847 йили эса 110 мингни ташкил қилди. Жазоирни мустамлакага айлантириш бошлангандан 20–30 йил кейин алоҳида ижтимоий ва этномаданий тип – «жазоир-европалик» шаклланди. Мустамлака тузумининг сиёсий-хуқуқий расмийлаштирилиши Франция Иккинчи республикаси йилларида (1848–1851) юз бериб, Жазоир Франция миллий худудининг таркибий қисми деб расман эълон қилинди.

XIX аср иккинчи ярмида Жазоирнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши қўп жиҳатдан Франциядаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда давом этди. Маҳаллий аҳоли билан европаликлар муносабатини тартибга солувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди (1881 йили «тузем кодекси»). Жазоир олий кенгаши, Жазоир молиявий делегацияси каби ташкилотлар тузилиб, мамлакатни бошқариш тизимида европача принципларнинг маълум элементлари киритилди.

XIX аср 80-йилларида Жазоир сиёсий ҳаётида пайдо бўлган маданий-хуқукий талаблар, аср охири ва XX аср бошларига келиб ватанпарварлик ғоялари билан алмашди. Бу жараёнда «Ёш жазоирликлар» ҳаракати катта роль ўйнади.

**Тунисни** узоқ йиллар бошқарган Ҳусайнйилар сулоласи вакиллари орасида Ҳамуда пошо (1782–1814) алоҳида ўринга эга бўлиб, тарихчилар уни сулоланинг энг машхур вакили деб хисоблашадилар. У отаси сингари европалик рақобатчилар олдида Тунис манфаатларини қатъият ва сабот билан ҳимоя қилганлиги унга шуҳрат келтирди. Ҳамуда пошо 23 ёшида тахтга келиши биланоқ венециялик савдогарларни улар илгари фойдаланиб келган имтиёзлардан маҳрум қилди. Венецияликларнинг Тунис портларини бомбардимон қилишлари (1784–1786 йиллар) ҳеч қандай натижа бермади. Ҳамуда пошо кейин ҳам Европадаги сиёсий воқеалардан ўз манфаати йўлида усталик билан фойдаланди.

Ҳамуда пошонинг европаликлар, усмонийлар ва АҚШ билан муносабатларда мамлакат манфаатлари учун қатъий туришида XVIII аср охири – XIX аср бошларида тунис жамиятининг жипслашуви, диний-ватанпарварлик онгининг ўсганлиги ҳам кучли факторлардан бири бўлди.

Аммо XIX аср бошларидан Европанинг кучли давлатлари ва АҚШ томонидан Тунисга қизиқиши шунчалар ортдики, Ҳусайнйиларнинг Ўрта Ер денгизи ҳавзасида Тунис манфаатларини ҳимоя қилиши жуда оғир бўлиб қолди. 1812–1814 йиллардаги инглиз-америка уруши йилларида тунисликлар АҚШ флотининг Ўрта Ер денгизида йўқлигидан фойдаланиб, АҚШ билан Тунис ўртасидаги келишувга қарамасдан, Англияга хайриҳоҳлик билдириди ва Маҳмуд бей «иттифоқчилик шартларини бузганлик учун» АҚШга анчагина товон тўлашга мажбур бўлди. 1816 йили лорд Эксмаус бошчилигидаги инглиз-голланд эскадраси Жазоирни бомбардимон қилганидан сўнг Тунисга келди. Мамлакатнинг асосий портлари йўқ қилинишидан кўрккан бей корсарликни, христианларни кул қилишни тақиқлаш ва асиirlар учун пул олиш амалларини тутатишга ваъда берди. 1819 йили француз кемаларининг ҳам юқоридаги талаблар билан Тунис портларига кириб келиши мамлакатда қулликнинг расман бекор қилинишига олиб келди.

1821 йили Жазоир билан тузилган тинчлик сулҳи ҳам Туниснинг халқаро мавкеини мустаҳкамламади. 1827 йили Наварин жангидаги

рус-инглиз-француз эскадраси томонидан турк-миср ҳарбий кучлари таркибига киравчи Тунис ҳарбий-денгиз флотининг тор-мор қилиниши мамлакат мустақиллиги учун дастлабки реал хавф эди. Кейин молиявий қийин ахволда қолган Тунис бейи 1830 йили французлар билан биринчи тенгсиз шартномани имзолашга мажбур бўлди. Жазоирни эгаллаган французлар бу пайтга келиб Тунисга ўзларининг бўлғуси мустамлакаси сифатида қараётган ва борган сари куролли бостириб киришга мойиллиги ортиб бораётган эди.

Мамлакатнинг ташқи кучлар олдида деярли ҳимоясиз ахволи бейларни мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга мажбур қилди. 1830-йиллари Мустафо бей мамлакатни, биринчи ўринда армияни модернизация қилишга қаратилган бир қатор ислоҳотларни бошлаб юборди. Шу йили яничарлар корпуси тугатилиб, европача типдаги армия ташкил қилинди. Ислоҳотлар Аҳмед бей даврида (1837–1855) ҳам давом эттирилди. Унинг даврида армиянинг сони 26 минг кишига етказилиб, ҳарбий-денгиз флоти тикланди, ўша даврнинг энг янги куроллари сотиб олинди, кирғоқ ҳимояси мустаҳкамланди. 1838 йили Аҳмед бей пойтахтда ҳарбий-муҳандислик билим юртими очди ва Франциядан инструкторлар таклиф қилди. Муҳаммад Алиниң лойиҳаларини тақрорлаб, давлатга қарашли фабрика ва заводлар очилди. Унинг даврида Тунисга европаликлар таъсири ҳар қачонгидан ҳам катта бўлди. Саройда Европа тилларини ўрганиш рағбатлантирилди, европача маданият тунислик мамлуклар, сарой аъёнлари турмуши ва ахлоқига жадал кириб борди. Бундан ташқари Аҳмед бей диний бағрикенглик намунасини ҳам кўрсатиб, христиан миссионерлар фаолиятига ҳамда европаликларнинг Тунисда яшаб колишига ижозат берди.

Аҳмед бей томонидан режалаштирилган мамлакатни модернизациялаш тадбирларини давлат бюджети кўтара олмади. Натижада 1853 йилга келиб Аҳмед бей ҳукумати банкротлик ёқасига келиб қолди ва бир қатор лойиҳалардан воз кечишга мажбур бўлди. Кўплаб завод ва фабрикалар ёпилиб, қолганлари қарз олишга мажбур бўлди ва бу билан Туниснинг молиявий қарамлигини бошлаб бердилар.

**1861 йилги конституция. Хайрийдин пошо ислоҳотлари.** Аҳмед бейнинг ворислари Муҳаммад (1855–1859) ва Муҳаммад ас-Содик (1859–1882) ислоҳотларнинг йўналишини ўзгартиришга қарор қилдилар. Асосий эътибор энди армияни мустаҳкамлашга эмас, давлат бошқарувини яхшилаш ва иқтисодни давлат назо-

ратидан чиқаришга қаратилди. Ислоҳотларнинг янги режасини тунислик таниқли маърифатпарвар ва давлат арбоби Хайриддин пошо режалаштириди ва амалга оширди. У ҳусайнийлар ҳукуматида маслаҳатчилар гурухини бошкарап эди. Янги йўналиш учун намуна қилиб Туркиядаги Танзимат даври илоҳотлари олинди. 1857 йил 9 сентябрда Мухаммад бей томонидан эълон қилинган «Аҳд ал-Амон» (Даҳлсизлик хартияси) илоҳотларнинг ҳукуқий асоси бўлди.

Хайриддин пошо амалга оширган сиёсий илоҳотларнинг чўккиси 1861 йил 23 апрелда қабул қилинган конституция (дастур) бўлди. Уни эълон қилган Мухаммад ас-Содик бей шу тариқа мусулмон оламидаги биринчи конституциявий монархга айланди. Конституцияга мувоғик Туниснинг таниқли кишилари орасидан сайланган маслаҳат органи – Олий кенгаш (Мажлис аля) таъсис этилди. Конституция Туниснинг ҳукмрон доиралари ҳукуқларини чекламаган бўлса-да, вақт ўтиши билан у ўқимишли тунисликлар учун мамлакат сиёсий тараққиёти ва мустақиллиги анъаналарининг тимсолига айланди.

**Туниснинг молиявий ҳалокати.** Хайриддин пошо илоҳотлари доирасида Туниснинг тараққиёти учун жуда зарур бўлган ҳўжалик инфраструктурасини яратиш – темир йўллар ва портлар қуриш, сув ва телеграф линияларини ўтказиш кўзда тутилган эди. Аммо режани амалга ошириш учун бу сафар ҳам бюджетда пул етмасди. Бей ҳукумати Тунис учун ўта нокулай шартлар билан қарз олиб, катта молиявий таваккалчиликка қўл урди. Қарз шиддат билан ўсиб борди: 1860 йил 11,9 млн франк бўлса, 1862 йили 28 млн франкка етди. Европаликлар эса қарзга ботган бей ҳукуматидан ўзлари учун ҳукуқий ва молиявий имтиёзлар олиб борди. 1869 йили Тунис ҳукуматининг даромад ва сарф харажати устидан назорат ўрнатиш учун Халқаро молия комиссияси тузилди. Комиссия Бей Мухаммад ас-Содикка йилига 6,25 млн франк тўлаш мажбуриятини юклади. Бу Тунис йиллик харажатларининг ярмига teng эди. Давлат молиявий ҳалокатга учради.

1877 йили Хайриддин пошо истеъфога чиқди. Бу пайтга келиб Тунис Европа давлатларининг ярим мустамлакасига айланиб бўлган эди. Аммо бевосита қайси Европа давлати Тунисга эгалик қилиши тўғрисида Франция, Буюк Британия ва Италия ўртасида кучли рақобат давом этаётган эди.

**Франция протекторатининг ўрнатилиши.** Тунисни эгаллаш учун бошқаларга нисбатан Франциянинг имкониятлари катта эди. Биринчидан, Тунис Франциянинг Шимолий Африкадаги энг йирик ва ўзлаштирилган мустамлакаси – Жазоир билан чегарадош эди. Иккинчидан, Тунис ҳукмдорлари Мухаммад Али сингари ўз ислоҳотларида Наполеон давридаги Франциянинг давлат курилиш тажрибасига таянган эди. Учинчидан, Франция Тунис бейи оиласининг ва давлат хазинасининг энг йирик кредитори эди.

1878 йилги Берлин конгрессида Франция Тунисни забт этиш учун Буюк Британия ва Германиянинг розилигини олди. Бевосита Тунис худудини босиб олишни Франция 1881 йил амалга ошириди. Бей Мухаммад ас-Содиқ 12 май куни Туниснинг француз қўшинлари томонидан оккупация қилинишига розилик берувчи хужжатта имзо чекди. Туниснинг Франция томонидан босиб олиниши муносабати билан Италия ва Туркия ҳукуматлари томонидан билдирилган норозилик инобатга олинмади. 1883 йил 8 июнда имзоланган конвенцияга биноан Тунисни бошқариш режими расман «протекторат» номини олди.

Тунисда капиталистик муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Тунисга чет эл капиталининг кириб келиши кескин кўпайди. Айникса, Туниснинг табиий бойликларини ўзлаштиришга йўналтирилган саноатга Франция, Италия, Бельгия компаниялари катта-катта инвестициялар киритди. Шиддат билан ривожланаётган кўрошин маъданни ва фосфорит қазиб олиш саноати учун темир йўллар қурилди, портлар модернизация қилинди, телеграф алоқаси яхшиланди. Мустамлакачилик билан бирга французларнинг маданий ютуқлари ва ҳаёт тарзи ҳам кириб келди. Тунисда француз газета ва журналлари нашр қилинди, мактаб ва лицейлар очилди, аҳоли орасида француз тили кенг тарқалди. XX аср бошларига келиб миллий интеллигенция шаклланди.

Айни пайтда миллий онгнинг ўсиши миллатчилик йўналишидаги ғоялар ва ташкилотларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Биринчى шундай ташкилот 1896 йили Тунисда ташкил топди. Бу ташкилотлар дастлаб маданий-маърифатчилик характерига эга бўлиб, миллий тикланиш ғояларини илгари сурди. Уларнинг баъзилари Хайдариддин пошонинг либерал-гарбчилик ғояларини ҳам қўллардилар. Бу йўналишнинг асосий мақсади 1861 йилги конституцияни тик-

лаш булиб қолди. XX аср бошларида тунисликлар миллатчилиги ривожланиши жараёнида конституцияни тиклаш шиори мустамлакачиликка қарши барча кучларни бирлаштирувчи воситага айланди.

**Марокаш.** 1790 йили Сиди Мұхаммад ибн Абдуллоҳ вафот эт-ғандан сүнг 1790–1792 йиллари Мулай Язид ҳокимиятда бўлди. 1792 йил Мулай Слиман ҳокимиятни эгаллади. У бушашиб қолган давлат тартибини мустаҳкамлаш, мамлакатда давом этаётган исён ва кўзғолонларни бостириш учун XIX аср бошларида бир қатор ислоҳотларни амалга оширди. Ислоҳотлар сўфий биродарлиги ташкилотларининг автономиясини ва барбар қабилаларининг эркинликларини чеклашга қаратилган эди. У Саудий вахҳобийлар сингари Марокашда исломни «тозалаш», уни асл ҳолига қайтариш учун кураш бошлади. Натижада мамлакатда 1812 йили бошланган диний уруш ўн йил давом этди ва 1822 йили Мулай Слиман ислоҳотларни тұхтатишига, таҳтдан воз кечишга мажбур бўлди.

Таҳтга келган Мулай Абд ар-Раҳмон (1822–1859) шайхларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилди ва мамлакатда бир неча ўн йилга саадийлар замонидаги эски тартиблар ўрнатилди. Ташки сиёсатда фаол ҳаракатлар олиб борилмади, мамлакат деярли ёпик ҳолга келиб қолди.

Бирок 1832 йили Жазоирда Абд ал-Қодир бошчилигига французларга қарши бошланган ҳаракатни кўллаган Мулай Абд ар-Раҳмон 1839 йили мағлубиятга учраган жазоирликларга ўз худудидан жой берди ҳамда курол ва отлар билан таъминлади. Оқибатда Абд ал-Қодирни кувиб келаётган француз қўшинлари ҳам Марокаш худудига кириб келдилар.

1844 йил ёзида Исли дарёси ёнида француз қўшинлари билан Марокаш армияси ўртасида катта жанг бўлди. Жангда шерифлар қўшинларининг тор-мор қилиниши француз флотига ҳеч қандай қаршиликларсиз Танжер ва Могадорни бомбардимон қилиш имконини берди. Танжерда тузилган сулҳга биноан Мулай Абд ар-Раҳмон жазоирлик исёнчиларга ёрдам беришдан узини тишиш мажбуриятини олди. 1844 йилги француз-марокаш уруши Марокаш армиясининг ҳозирги замон уруши учун ўта кучсизлигини кўрсатди. Марокашликлар 250 йилдан бери ўз худудида мағлубиятга учрамаган эдилар. Ҳатто Испанияни эгаллаган Наполеон ҳам Марокашга ҳарбий экспедиция уюштиришга журъяг қилмаган эди. Бу мағлубият

шу пайтгача европаликлар назарида енгилмас бўлиб кўринган ше-рифлар армиясининг обрўсини ҳам туширди. 1848 йили испанлар ҳам Чифаринас оролини босиб олишга журъат қилди.

Энди Марокашнинг тақдири жанг майдонларида эмас Европа сиёсатчиларининг кабинетларида ҳал қилинаётган эди. Рақибларининг кучайиб кетишини истамаган Буюк Британия Марокаш худудининг Франция томонидан забт этилишига йўл қўймади. Аммо бу қўллаш эвазига инглизлар 1856 йили Мулай Абд ар-Рахмонни Марокашнинг суверенитетини чекловчи савдо ва денгизда сузиш эркинлиги тўғрисида тенг бўлмаган шартномани имзолашга мажбур қилди. Бу хужжатга кўра инглиз тадбиркорлари Марокашда ер ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқини ҳамда савдо имтиёзларини қўлга киритдилар.

Шу тариқа Марокашнинг кучсизланиб қолиши Европа давлатларининг босқинчилик даъволарини кучайтириб юборди. 1859 йили 50 минг кишилик испан корпуси Марокашнинг шимолига келиб тушди. 1859–1860 йиллардаги испан-марокаш уруши натижасида испанлар Шимолий Марокашнинг катта худудини Тетуан ва Ифни шаҳарлари билан кўшиб босиб олди. Ёрдамга яна инглизлар келдилар. Улар Испанияни босиб олган ерларининг асосий кисмидан воз кечишга мажбур қилди. Аммо Марокаш испанларга катта товон тўлайдиган бўлди. Бу пул яна инглизлардан қарз олиниб, уни тўлаш учун Марокаш божхона тушумларининг 3/4 қисми берилди. Бундан ташқари 1861 йили Испания билан шартнома тузилиб, унга биноан 1856 йилги шартнома бўйича инглизлар эга бўлган барча имтиёзларга испанлар ҳам эришдилар.

XIX асрнинг охирги чорагида Марокаш ҳаётида европаликларнинг иштироки янада ошди. Тенг бўлмаган шартномалар Австро-Венгрия, АҚШ, Нидерландия, Бельгия ва бошқа давлатлар билан ҳам имзоланди.

Султонлар Сиди Муҳаммад ибн Абд ар-Рахмон (1859–1873) ва Мулай Ҳасанлар (1873–1894) томонидан олиб борилган ислоҳотлари мамлакатда капиталистик муносабатларнинг ривожланишига, чет эл капитали иштирокининг ошишига олиб келди.

Марокаш иқтисодининг байналмилаллашуви, кўплаб давлатлар манфаатларининг тўқнашуви уларни Марокашдаги ўз ҳуқуқларини тартибга солишга мажбур қилди. 1880 йили Испаниянинг тақлифига кўра Мадридда халқаро конференция чақирилди. Кон-

ференцияда Австро-Венгрия, АҚШ, Сардиния, Буюк Британия, Нидерландия, Бельгия, Франция, Германия, Швеция, Норвегия, Дания, Португалия сингари Марокашдан капитуляцион хукуклар олишни истаётган давлатлар вакиллари иштирок этдилар. 1881 йили Мадрид конвециясига Россия ҳам қўшилди. Конференция аслида бу мусулмон давлатининг ярим мустамлака мақомини белгилаб берди.

Европа давлатларининг интилишларига ва ўзининг ҳарбий мағлубиятларига қарамасдан Марокаш минтақадаги бошқа давлатлардан фарқли равишда бутун XIX аср давомида расман бўлса-да мустақиллигини сақлаб колишга муваффақ бўлди.

1904 йил 8 май куни имзоланган инглиз-француз келишувига биноан Марокаш Франциянинг таъсир зонаси деб тан олинди. Бу қарорга Германия ҳукумати норозилик билдириб, кайзер Вильгельм II 1905 йили Марокашга келди. Шундан кейин канцлер фон Бюлов ҳукумати Марокашда ўз таъсирига эга бўлиш учун фаол ҳаракат қилди. Муаммони ҳал қилиш учун 1906 йили Альхесисрасда (Испания) конференция ташкил қилинди. Аммо конференция иштирокчилари томонларни қониқтирувчи келишувга эриша олмадилар.

1905 ва 1911 йиллари вужудга келган Марокаш инқирози туфайли Франция бу мамлакатнинг анча ҳудудини эгаллаб олди. 1912 йили сulton Аbd ал-Хадиф Марокашни Франциянинг протекторатаiga айлантириш кўзда тутилган Фес шартномасини имзолади.

\* \* \*

Усмонийлар империясининг инқирози унга қарашли бўлган жуда катта ҳудуд, жумладан Африкадаги араб мамлакатлари учун империалистик давлатлар ўртасида курашни қизитиб юборди. Муҳаммад Али, Аbd ал-Кодир сингари маҳаллий йўлбошчилар томонидан олиб борилган ислоҳотчилик ва европача қадриятларнинг кириб келиши бу ҳудуддаги ҳалқларнинг миллий уйғониш жараёнини тезлаштириди.

## XXV боб бўйича саволлар

1. Муҳаммад Али ислоҳотлари даврида Миср иқтисодиётида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
2. Миср ҳукуматининг қандай сиёсати мамлакатни банкротлик даражасига олиб келди?

3. Миср Англия томонидан босиб олиигандан сўнг унинг ижтимоий-сиёсий ҳолатида қандай ўзгаришлар юз берди?

4. Суданнинг мустақиллик учун курашида диний факторнинг роли қандай эди?

5. Ливиянинг Италия томонидан босиб олиниши Туркиянинг қандай ҳолатидан далолат берарди?

6. Абд ал-Қодир фаолияти Жазоирнинг миллий уйғониши учун қандай аҳамият қасб этди?

7. Тунис ва Марокашнинг Франция томонидан босиб олиниши бу давлатларнинг иқтисодий ривожланишида қандай роль ўйнади?

## **XXVI БОБ. XIX АСР – XX БОШЛАРИДА ҒАРБИЙ, ШАРҚИЙ ВА ЖАНУБИЙ АФРИКА**

Янги даврнинг энг шармандали ҳодисаларидан бири қулчилик ва кул савдоси эди. XVIII асрнинг охиrlари, Европа Маърифатчилиги даврида қулчилик ва қул савдосига карши норозилик ҳаракатлари пайдо бўла бошлади. Аболиционистлар (кулчиликка қаршилар) ҳаракати фақат ирқчиликни эмас, қулчиликни оқлаётган черковнинг иккюзламачилигини ҳам танқид килдилар. Уларнинг фикрича, ўн миллионлаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган, миллионлаб инсонларнинг шаъни ва қадр-кимматини оёқ ости қилган қулчиликни юз йиллар давомида оқлаб келган черков ҳам товба қилмоғи ва бу шармандали ҳодисага нисбатан ўз муносабатини ўзгартироғи лозим эди. Аболиционизм ғояларининг ривожланишига Буюк Британияда – Гренвил Шарп, Томас Кларксон, Уильям Уильберсон, Ч. Фокс; Францияда – аббатлар Рейналь ва Грекуар; АҚШ да – Э. Бенезет, Б. Франклин, Б. Раш катта ҳисса қўшдилар. Дастлабки аболиционистларнинг карашлари кейинчалик Дидро, Кондорсэ, Бриссо ва Ғарб жамиятининг бошқа илғор кишилари томонидан қўллаб-куvvatланди. Уларнинг саъи-ҳаракатлари билан қулчиликнинг ғайриинсоний томонлари фош қилиниб, Европа ва Америка жамиятида унга қарши ижтимоий фикр шаклланиб борди.

Кул савдоси юридик жиҳатдан Буюк Британияда – 1807 йили, АҚШ да – 1808 йили, Францияда – 1848 йили тақиқланган эди. Амалда қулчилик АҚШда 1861–1865 йиллардаги Фуқаролар урушигача сақланиб қолди. 1889–1890 йиллардаги Брюссель конференцияси қул савдосини тақиқлади ва Африкадан қулларни маҳфий олиб кетишга қарши кураш бошланди, чунки қуллар, шу жумладан,

мустамлакачиларга энди Африканинг ўзида ҳам зарурат бор эди. Афсуски, кулчилик ва одам савдоси турли хил шаклларда XXI асрда ҳам сақланиб қолмоқда.

Европаликлар қул савдоси билан XV асрнинг ўрталаридан XIX аср 70-йилларигача шуғулландилар. Қул савдосининг ривожланиши жараёнида «учбурчак» деб аталмиш ўзига хос тизим шаклланди. Унинг моҳияти шундаки, Европадан олиб келинган товарлар – ўт очар ва совуқ қуроллар, спиртли ичимликлар, матолар, металл буюмлар, идишлар ва шу кабилар Африкада қулларга алмаштирилиб, Америкага олиб борилар ва у ерда, ўз навбатида, мустамлака товарлари – шакар, тамаки, пахта ва бошқаларга алмаштирилар ва сотиш учун Европага олиб келинар эди. Тизим қуйидаги кўринишида эди: Европа – Африка – Америка – Европа.

Қул савдоси у билан шуғулланувчиларга ва савдогарларга жуда катта фойда келтирди. Европа ва Америкадаги шаҳарлар – Бристоль, Ливерпуль, Манчестер, Лондон, Нант, Руан, Амстердам, Нью-Йорк, Янги Орлеан, Рио-де-Жанейро ва бошқаларнинг жадал ривожланиши ва гуллаб-яшнаши қул савдоси билан боғлиқ эди.

Қарийб тўрт аср ичидаги европалик қулфурушлар Америкага 15 – 16 миллион қулларни олиб келишди (Араблар ҳам мусулмон мамлакатларига тахминан шунча қул етказиб берган). Атлантика океани орқали амалга оширилган қул савдоси жараёнида 60–70 миллион киши ҳалок бўлди. Бакувват ва ёш африкаликлар, эркак ва аёллар одатда 3:1 ёки 4:1 мутаносибликда танланиб, олиб кетиларди.

Европада қул савдоси ривожланишининг асосий учта даврини ажратиб кўрсатишиади: XV аср ўрталаридан XVII аср ўрталаригача; XVII асрнинг иккинчи ярмидан XIX асрнинг бошларигача; ва XIX аср 70-йилларигача, контрабанда қул савдоси деб аталувчи давр.

*Қул савдосининг оқибатлари.* Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда 1650 йилдан 1850 йилгача Африка аҳолисининг сони ўзгармасдан турган ва 100 млн кишини ташкил қилган. Туғилишнинг анъанавий юқорилигига қарамасдан, бутун бошли қитъа аҳолисининг 200 йил давомида ўсмасдан бир жойда туриши тарихда бошқа учрамайдиган ҳол. Қул савдоси Африка аҳолисининг табиий ривожини тўхтатибгина қолмасдан, автохтон ривожланаётган африкаликлар жамиятини ғайриодатий ривожланиш йўлига ҳам буриб юборди. Қул савдоси африкаликлар жамиятида мулкий тенгсизликни кучайтирди, ижтимоий диф-

ференциацияга, жамоатчилик алоқалари ва қабилавий тузумнинг бузилишига, қабила оқсоқоллари орасидан коллаборационистлар катламининг шаклланишига олиб келди. Кул савдоси Африка халқларининг кучсизланишига, бир-бирига нисбатан ишоичсизлик ва агрессиянинг ошишига сабаб бўлди. У ҳамма жойда «хонаки» кулларни эксплуатация қилишни кучайтирди.

Булардан ташқари кул савдосининг иқтисодий ва сиёсий оқибатлари ҳам мавжуд эди. У Африканинг анъанавий хунармандчилик соҳалари – тўқимачилик, заргарлик кабиларнинг ривожланишига тўскинлик қилди, Африкада давлатчилик ривожининг табиий одимини бузиб юборди, Бенин, Конго сингари давлатларнинг тарқалиб кетишига олиб келди, Вида, Ардра сингари янги пайдо бўлган давлатлар кул савдосида воситачилик қилишдек ахлоқсиз йўл билан бойиб борди. Кул савдоси Африканинг силласини қуритиш эвазига Европа ва Америка мамлакатларининг иқтисодий гуллаб-яшнашига хизмат қилди.

Кул савдосининг Африка учун энг оғир оқибатларидан бири психологик ҳолат бўлди: инсон хаёти қадрсизланди, кулдорлар ва кулларнинг деградацияси юз берди. Кулчиликнинг энг гайриинсоний қўриниши – расизм мафкураси шаклланди. Тўрт аср ичida кўпчиликнинг, аввало европаликларнинг, тасаввурида кул деганда африкалик, яъни қора таили одам акс этадиган булиб қолди. Кўплаб авлод Гана, Сонгай, Бенин, Мономотапа каби ўзига хос цивилизациялар ҳакида маълумотга эга ҳам бўлмасдан, Африкани фақат кул савдоси ва қул тушунчалари орқалигина тасаввур қилдилар. Кул савдоси Африка халқларининг нотарихийлиги, юкори ақлий қобилиятга эга эмаслиги тўғрисидаги ғайриилмий концепцияларни келтириб чиқарди. Европаликлар Африкани забт этиш ва мустамлакаларга бўлиб олишдаги ўзларининг гайриинсоний ва ахлоқсиз ҳаракатларини оқлаш учун бу концепциялардан усталик билан фойдаландилар, мифологик сиёсий прецедентни яратдилар.

**Тропик Африкадаги мустамлакачилик босқинлари.** XIX асрга келиб Европа давлатларининг Африка билан муносабатларида янги тенденциялар пайдо бўлди. Хомашё манбалари борган сари кўпроқ аҳамият касб эта бошлади. Капиталистик тузумнинг генезисида муҳим роль ўйнаган кул савдоси бекор қилингандан сўнг Европа давлатларининг ҳаракатлари Африка қитъасини босиб олиш ва мустамлакага айлантиришга қаратилди. 1876 йилгача европаликлар қитъанинг фақат 10% и босиб олган бўлиб, бу асосан кир-

ғоқ бүйларидаги таянч пунктлари эди. Африканинг ички худудлари бўйича маълумотлар жуда тарқок ва ноаниқ ҳолда тўпланган бўлиб, XIX асрнинг бошларида Европада Марказий Африка ҳақида жуда кам тасаввурга эга эдилар. Қитъанинг ҳаритасида катта қўллардан бирортаси қўрсатилмаган, Нигер, Конго, Замбези каби буюк дарёлар хавзаси тадқиқ қилинмаган эди.

Географик муаммоларни ҳал қилиш, мамлакатлар ва улар аҳолиси тўғрисида маълумотлар йиғиши вазифалари Африканинг ички худудларига европаликларнинг сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий кириб бориши муаммолари билан чамбарчас боғлиқ эди. Саёҳатчи-тадқиқотчилар кўпинча ҳарбий офицерлар, миссионерлар, савдо фирмаларининг вакиллари бўларди. Саёҳатчилар томонидан амалга оширилган деярли барча географик қашфиётлар, аслида улар факат фан йўлида амалга оширилган бўлса-да, вакти келиб барি бир мустамлакачи давлатлар манфаатларига хизмат қилди.

*Африка ички худудларининг очилиши.* Африкани муунтазам тадқиқ қилиш XVIII асрнинг охирларида бошланди. 1778 йили Англияда «Африканинг ички худудларини тадқиқ қилишга кўмаклашиш ассоциацияси» ёки қисқа қилиб «Африка ассоциацияси» ташкил қилинган эди. 1831 йили у Лондонда ташкил қилинган Қироллик география жамияти билан қўшилиб кетди. Географик жамиятлар Европанинг бошқа давлатларида ҳам тузила бошланди: 1821 йили Париж география жамияти, 1828 йили Берлин ер тузиш жамияти ва бошқалар ташкил қилинди.

Африкага бирин-кетин экспедициялар жўнатилди. Агар XIX асрда қитъа ичкарисига ташкил қилинган барча маълум экспедицияларни ҳисобга олиб, ўн йилликларга бўлиб чиқсан, қўйидаги кўриниш ҳосил бўлади: 1791–1850 йиллари – 24 та; 1851–1860 йиллари – 27 та; 1861–1870 йиллари – 29 та; 1871–1890 йиллари 120 дан зиёд экспедициялар уюштирилди. Аср охирига келиб Нил, Нигер, Конго ва Замбези дарёлари билан боғлиқ барча илмий муаммолар ҳал қилинди; Африканинг иирик қўллари қашф қилиниб, ҳариталарга туширилди; марказий ва шарқий минтақалардаги ерлар ҳамда у ерларда яшовчи аҳоли тўғрисида маълумотлар жамланди.

1795 йили шотландиялик Мунго Парк Ғарбий Африканинг ичкарисига биринчи саёҳатни уюштируди. 1814 йили Рене Кайе Сенегалга ўз саёҳатини бошлади. Яна бир француз саёҳатчиси Молье 1818 йили Фута Жаллон массивини тадқиқ этиб, Сенегал, Гамбия

ва Рио-Грандани очди. 1823 йили инглиз сайёхлари Калаппертон ва Денкхем экспедицияси Триполи орқали Саҳрои Кабирга ўтиб, Борнни ҳамда Чад кўли атрофини ўрганиб чиқди. Бир неча йилдан кейин Чад кўлидан Нигерга борадиган йўл кашф қилинди ва Кано, Сокото воҳалари тадқиқ қилинди. 1850–1855 йиллари Ғарбий Суданни Масинидан то Камеруннинг шимолий қисмигача ўрганиб чиқкан немис олими Бертнинг саёҳати катта илмий аҳамиятга эга бўлди. Унинг «Шимолий ва Марказий Африкага саёҳат ва унинг кашф этилиши» асари ҳамон ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган.

Шарқий Африкани ўрганиш билан бу ерга сафарга жўнатилган инглиз ва немис ҳарбийлари ҳамда миссионерлари фаол шуғулландилар. 1858 йили инглизлар Бертон ва Спик Танганьика кўли кирғокларига етиб бордилар. Шу йили Спик Виктория кўлини кашф қилди. Улар европаликлар ичida биринчи бўлиб Буганда ҳудудига ҳам кириб бордилар. 1864 йили британиялик Бекер Альберт кўлини харитага киритди. Немис миссионерлари Крапф ва Ребман 1843–1852 йиллари Кения ҳудудини тадқиқ қилиб, Килиманжаро тоғини кашф этдилар. Немис офицери Рошер 1859–1860 йиллари Кильва ҳудудини ўрганиб, Нъяса кўлининг шимолий кирғокларини очди.

Шотландиялик Дэвид Ливингстон Африканинг марказий ҳудудларидаги тадқиқотлари билан машҳур бўлди. 1840 йили у «Лондон миссионерлик ташкилоти» томонидан Замбези дарёси ҳавзасини ўрганиш учун Жанубий Африкага жўнатилди. Бу ишни муваффақиятли амалга оширгандан сўнг у 60-йиллари Англия ҳукумати томонидан молиялаштирилган янги экспедицияни бошқарди. Бундан ташқари Ливингстон ўз розилиги билан Буюк Британиянинг Марказий Африкадаги консули лавозимини ҳам эгаллади. Унга Буюк кўллар ҳудудида «Англиянинг таъсирини ошириш» вазифаси қўйилган эди.

1878 йили Брюсселда бўлиб ўтган Халқаро географик конференция ҳам Африкани мустамлакага айлантириш мақсадларига қаратилди. Конференция «Озод Конго давлати»нинг айёр ташкилотчиси, биржа ишбилармони ва молиячи бўлган Бельгия кироли Леопольд II нинг ташаббуси билан ташкил қилинди. Унда Европа мамлакатлари географик жамиятларининг раислари, Африкани ўргангай саёҳатчилар, дипломатлар қатнашдилар. Конференция якунида Африкада кул савдосига қарши курашни фаоллаштириш

ва Африка халқлари орасида Европа цивилизацияси қадрияларини тарқатиш ҳақида тавсиялар берилди ҳамда Марказий Африка цивилизациясини үрганиш учун халқаро комиссия тузишга қарор қилинди. Конференция ҳомийиси сифатида Леопольд II 1876 йил охирида Халқаро ассоциация тузилганлигини эълон қилди. У ассоциация баҳонасида Африкада Бельгия мустамлакасини тузишга киришди. 1879 йили бельгияликлар Конго дарёси ҳавзасидаги худудларни босиб олдилар. 1884–1885 йиллардаги халқаро келишувлар бу ерлар Леопольд II нинг шахсий эгалигида бўлган «Конго мустақил давлати» га айланганлигини тасдиқлади<sup>1</sup>.

Одатда экспедиция раҳбарлари кўлида жўнатувчи давлатнинг йўриқномаси ҳам бўларди. Бўлғуси аннексияларга қонунийлик кўринишини бериш учун Африкадаги давлат бирималарининг раҳбарлари ва қабила бошлиқлари билан алоқа ўрнатиш, уларни европаликларга алоҳида хукуқлар бериш ва ерларини концессияга топшириш учун икки томонлама шартнома имзолашга жалб қилиш лозим эди. Айрим саёҳатчилар очикчасига мустамлакачилик сиёсатини ҳам ёқлаб чиқдилар. Масалан, Г.Стенли 1871–1872 йиллардаги саёҳатидан қайтгач, тропик Шарқий Африкани босиб олиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаслигини, бу ернинг табиий бойликларни эксплуатация қилиш мустамлакачилик учун сарфланган дастлабки харажатларни тезда оқлашни Англия хукуматига асослаб берди. У Буюк Британия янги мустамлакалар босиб олиш имкониятини қўлдан чиқармайди, дея ишонч билдири.

Христиан миссионерлари ҳам Европа давлатларининг Африкадаги манфаатларини ифода этардилар. Диний миссиялар, айрим вакилларининг субъектив интилишлари қандай булишидан қатъи назар, объектив равишда Европа давлатларининг Африкадаги мустамлакачилигини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан оқлашга, улар муваффакиятларини мустаҳкамлашга хизмат қилдилар. Машхур инглиз иқтисодчиси Ж. Гобсон очиқ тан олган эдики, «империалистик христианлик милитаризм ва сиёсий автократия билан ажойиб тарзда уйғунлашади». Унинг таъриф беришича «миссионер навбат-ма-навбат савдогар ҳам, аскар ҳам, сиёсий арбоб ҳам бўлади». Миссионерларнинг фаолияти факат диний эмас, сиёсий характерга ҳам эга эди. «Ёввойилик одатларига» қарши кураш мақсадида христиан-

<sup>1</sup> 1908 йили қирол Леопольд II катта пул эвазига «Мустақил Конго давлатини» Бельгия хукумати бошкарувига топширган.

ликни жорий қилиш аслида Африкадаги халқлар ва жамиятларнинг суверенитетини бузди, уларнинг европалиқ мустамлакачиларга қаршилигини сусайтирди.

**1884–1885 йиллардаги Берлин конференцияси** Африка-ни мустамлакага айлантириш давридаги мухим воқеалардан бири бўлди. Конференция Европа давлатлари иштирокида Қора китъя тақдирини мухокама қилишга маҳсус бағишлиланган биринчи йигилиш бўлди. У Германия ва Франция ташаббуси билан чақирилиб, 1884 йил 15 ноябрдан 1885 йил 26 февралгача бўлиб ўтди ва 12 та Европа давлатлари, АҚШ ва Туркия иштирок этди. Конференция кун тартибига Африка китъасини босиб олиш, Конго ва Нигер дарёларида кема қатнови коидалари, яъни босиб олинган ва ҳали олинмаган ҳудудларни капиталистик давлатларнинг бойлигига айлантириш масалалари киритилди. Берлин конференциясига биноан Африка Европа давлатлари мустамлакачилик ва иқтисодий экспансиясининг обьекти сифатида қаралади.

Узоқ тортишувлардан сўнг йигилишга раислик қилган Германия канцлери Бисмаркнинг таклифи билан конференциянинг Якунловчи акти имзоланди. Конго дарёсида кемаларнинг халқаро комиссия назорати остида, Нигер дарёсида назоратсиз эркин қатнови ўрнатилди. Иккала дарёда ҳам портлар, лоцман хизмати ва шу кабилардан фойдаланиш учун бир хил тўлов жорий қилинди. Конго дарёси ҳавзаси эркин савдо зонаси деб эълон килинди.

Конференция кун тартибидаги охирги масала эффектив оккупация түғрисида бўлди. Эффектив-оккупация тамойили асосан янги босиб олинган ерларда давлатларнинг «эркин савдони ва транзитни» таъминлаш хуқуқи билан чегараланди.

Африкаликлар нуктаи назарида, Берлин конференцияси халқларнинг хуқуқларини поймол қилувчи империалистик сиёсатнинг намойиши бўлди. XIX аср 80-йилларида Тропик Африкада унча кўп бўлмаган газеталардан бири – «Лагос обсервер» 1885 йил 19 февраль сонида шундай ёзади: «Дунё ҳали ҳеч қачон бундай катта микёсдаги ва сурбетларча қилинган талончиликка гувоҳ бўлмаган эди. Бироқ Африка қаршилик қилишга ожиз». Мустамлакачилар Африкани бўлиб олишга киришар эканлар, ўзлари учун Африка ҳудудларини «қонуний» эгаллаб олишнинг коидаларини, бутун бошли китъани эгаллаш ва бўлиб олишга рухсат бериш хуқукини ўрнатдилар.

Африканинг бўлиб олиниши. Қитъани мустамлакаларга бўлиб олиш XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада капитализм тараққиётининг натижаси бўлди. 70-йиллардан капитализм ўзининг янги – империализм боскичига ўтди. Бу айниқса империалистик давлатларнинг мустамлакачилик интилишларида ва улар ўртасидаги рақобатда кучли намоён бўлди.

1876 йилга келиб Европа давлатлари томонидан Африка қитъасининг фақат 10% и эгалланган эди. 1900 йилга келиб Африка қитъасининг 9/10 қисми мустамлакачи босқинчилар қўлига ўтди.

Буюк Британия қитъанинг 37,7% қисмини босиб олган бўлиб, бу ҳудудда 76,9 млн ёки Африка умумий аҳолисининг 49,4% и истикомат киларди. Буюк Британияга қарашли ҳудуд қитъанинг асосан жанубий ва марказий қисмида жойлашган бўлиб, унга аҳолиси кўп ва бой ерлар: Жанубий ва Марказий Африкада – Кап ерлари, Натал, Бечуаналенд (ҳозирги Ботсвана), Басутоленд (ҳозирги Лесото), Свазиленд, Жанубий Родезия (Зимбабве), Шимолий Родезия (Замбия); Шарқда – Кения, Уганда, Занзибар, Британия Сомалиси; Шимоли-Шарқда – Судан (расман Британия Миср билан ҳамкорликда эгалик қиласади); Фарбда – Нигерия, Сьерра-Леоне, Гамбия ва Олтин Қирғоқ ҳамда Хинд океанида – Маврикий ва Сейшель ороллари киради.

Франция Африка қитъасининг катта қисми – 50,5 млн аҳоли (африкаликлар умумий сонининг 32,3%) яшайдиган 42,1% ҳудудини эгаллаб олган бўлсада, Франция мустамлакарининг асосий қисми Фарбий ва Экваториал Африкада жойлашган ва анча қисми Сахрои Кабирга тўғри келарди. Уларга: Франция Гвинеяси (ҳозир Гвинея Республикаси), Фил суяги қирғоги (Кот-д'Ивуар), Юқори Вольта (Буркина-Фасо), Дагомея (Бенин), Мавритания, Нигер, Сенегал, Франция Судани (Мали), Габон, Чад, Ўрта Конго (Конго Республикаси), Убанги-Шари (Марказий Африка Республикаси), Сомали, Мадагаскар, Камор ороллари ва Ренъюон киради. Франция мустамлакаларида табиий бойликларнинг аниқланган заҳираси унчалик кўп эмасди.

Қолган ҳудудларни Бельгия (Бельгия Конгоси), Португалия (Ангола, Мозамбик, Гвинея, Яшил Бурун ороллари, Сан-Томе ва Принципи), Испания (Фарбий Сахрои Кабир), Германия (ҳозирги Танзания, Руанда, Бурунди, Камерун, Того, Намибия) ва Италия (Эритрея, Италия Сомалиси) ўзаро бўлишиб олдилар.

Африкада фақат иккита мустакил давлат – Эфиопия ва Либерия қолди. Эфиопия 1896 йили уни босиб олиш учун жұнатылған Италия құшинларини тор-мор қилиб, үз мустакиллігини сақлад қолди. Либерия эса унга Америкадан чиққан қора танлилар асos солғанлыги учун АҚШ ҳомийлиги остида мустакил бўлиб қолди.

**Мустамлакалардаги иқтисодий зулм.** Африка халқарини қулга айлантирган европаликлар мустамлакаларда маҳаллий аҳолини шафқатсиз эксплуатация қилиш режимини ўрнатдилар. Бу эксплуатациянинг асосий усуллари пул ва натурал соликлар, мажбурий меҳнат, ерларни экспроприация қилиш ва резервациялар ташкил этиш, монокультура тизимини жорий қилиш ва товарларнинг teng қийматсиз алмашуви асосида майда ишлаб чиқарувчиларни хонавайрон қилишдан иборат эди.

Мустамлака режимларининг шаклланиши Африка халқларининг иқтисодий ҳолатида чуқур ўзгаришларга олиб келди ва хўжалик юритишнинг характеристида акс этди.

XIX асрнинг охирида Тропик ва Жанубий Африкадаги мустамлакаларга киритилган инглиз капиталининг миқдори анча ўсди. Мустамлакаларга жойлаштирилган инвестициялар миқдори бўйича Жанубий Африка олдинги ўринда, ундан кейин Шарқий ва Farбий Африка турарди. Бу пайтга келиб мустамлакалар метрополияларнинг тўлиқ аграр хомашё базасига айлантирилган эди.

Инглиз монополияларининг фаолияти иккита йўл: африкалик дехконларни мажбурий йўл билан экспортбоп ўсимликларни етиширишга жалб қилиш ва европача капиталистик хўжалик секторини вужудга келтириш орқали амалга оширилди. Метрополиянинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қазилма бойликларга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган ташқи савдо мустамлакалар иқтисодининг асосини ташкил қиласидарди.

Инглизлар мустамлакалардан минерал хомашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўхтовсиз ва тобора кўп миқдорда ташиб кетиш учун транспорт тармоқларини ривожлантириди. Темир ва дарё йўллари курилишида африкаликлар меҳнатидан текин фойдаландилар.

Бошқа Европа давлатларидан фарқли равишида Франция ўз мустамлакаларида иқтисодий эксплуатацияни давлат замълари шаклидаги давлат сектори орқали амалга ошириди. Мустамлака за-

ёмлари бўйича қонун билан ўрнатилган давлат мажбуриятлари бу заёмларни барқарор фойда келтирувчи ва француз рантьеси талабларини кондирувчи қимматбаҳо қоғозга айлантирганди. Бу ҳол француз мустамлакачилигининг ўзига хос томони – судхўрлик характеристики очиб беради.

Заёмлардан келадиган маблағ мустамлакаларда турли хил қурилишларни олиб борувчи пурратчи фирмаларга эга бўлган йирик саноатчилар ва банкларга бериларди. Масалан, шу усулда Гуэн банкирлари фирмаси 1880-йиллари Дакар – Сен-Луи темир йўлини курди. Саноатчи ва банкирларга қарашли фирмалар мустамлакаларда йўллар қурилишидан ташқари денгиз қатнови ва савдо фирмаларига ҳам эгалик қилишар эдилар. Францияга қарашли Ғарбий Африкада инвестицияларнинг 30% дан кўпроғи савдога жойлаштирилган эди.

Барча мустамлакалардаги европаликлар фаолиятини бирлаштирувчи ҳолат Африка халқларининг шафқатсиз эксплуатация қилиниши ва бу ердаги бойликларнинг таланиши бўлди. Масалан, Португалияга қарашли Мозамбикда ҳар йили маҳаллий аҳолининг катта қисми 6 – 8 ойга «жамоат ишларига» ёки европалик мустамлакачиларнинг ерларида ишлашга жалб қилинар эди. XX аср бошлирида Португалия билан Жанубий Африка Иттифоқи ўргасида тузилган шартномага кўра ҳар йили Мозамбикдан 100 минг киши Трансваалдаги конларда ишлаш учун мажбурий жўнатилар эди. Шу даврдан то ўз мустакиллигини қўлга киритган 1975 йилгача Мозамбик Жанубий Африкадаги ирқчилик режими учун арzon ишчи кучи етказиб берди.

***Мустамлакаларни бошқариш тизимининг шаклланиши.*** Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубий қисмida ўзининг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Англия мустамлакалар вазирлиги билвосита бошқарув усулини танлади. Мустамлака режимини мустаҳкамлашда Африка жамиятининг анъанавий ёки ярим анъанавий бошқарув тизимига, жамиятнинг юқори қатламига таянилди. Бошқача қилиб айтганда, мустамлакаларни бошқариш ўзи мавжуд бўлган ёки янгидан ташкил қилиниб, умумий маъмурий тизимга киритилган маҳаллий ҳокимиятнинг анъанавий институтлари орқали амалга оширилди.

Инглизлар билвосита бошқариш учун лозим бўлган энг қулай усулни Шимолий Нигериядаги амирликларда кўрдилар. Бу жойлар-

ни ва Сокото халифати худудини забт этган инглизлар, анъанавий бошқарув тизимини сақлаб қолдилар, факат бу тизим мустамлака ҳокимияти эҳтиёжларига мослаб модификация қилинди. Шимолий Нигерияда синовдан ўтган билвосита бошқарув усули кейинчалик Буюк Британиянинг Африкадаги бошқа мустамлакаларида ҳам жорий қилинди.

Албатта билвосита усулдан четга чиқиш ҳоллари ҳам бўлган. Бу асосан аҳолиси бўйсунишни хоҳламаган, узоқ қаршилик кўрсатган худудларда юз берган. 1880-йиллари Франция томонидан қўлланган очик диктат усули Гамбияда, Сьерра-Леонеда, Лагосда жорий қилинди. Маҳаллий ҳукмдорлар ағдарилиб, бошқарув мустамлакачилар томонидан бевосита тайинланган шахслар қўлига ўтди. Аммо аҳвол барқарорлашуви билан ҳокимият яна маҳаллий бошқарувчиларга топширилди.

Билвосита бошқарув тизимида маҳаллий бошқарувчилар иштирок этишларига қарамасдан, мустамлакаларда олий ҳокимият губернаторга тегишли эди. У молия, темир йўллар курилиши, телеграф хизмати устидан назорат ўрнатган, шунингдек, қуролли кучларни ва геологик тадқиқот ишларини ҳам бошқарар эди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Франциянинг Африкадаги мустамлакалари бирлаштирилиб, иккита йирик генерал-губернаторлик: 1895 йили Француз Ғарбий Африкаси (ФГА), 1910 йили Француз Экваториал Африкаси (ФЭА) ташкил қилинди.

Мустамлакалар аҳолиси асосий икки гурухга бўлинди. «Тенг хукуқли коммуналар» деб аталувчи гурухга ўта кам сонли аҳоли киради. Бу гурухни Сенегалнинг тўртта шаҳри – Сен-Луи, Дакар, Рюфиск ва Горэ аҳолиси ташкил қилди. XX аср бошларида Франциянинг қора танли аҳолиси 25 минг кишини ташкил қилиб, шундан 23 минги сенегалликлар эди.

Франция Англиядан фаркли равишда анъанавий бошқарув институтларини бузиш йўлидан борди. Мустамлака маъмуряти қабилалар ҳудудларини қайта тақсимлади, уларнинг ички ишларига қўпол аралашди, маҳаллий ҳукмдорларни ағдариб, ўз бошқарувчиларини тайинлади. Француз тили мустамлакалардаги расмий тил деб эълон қилинди. Бироқ XX асрнинг бошларида ёқ айрим мустамлака амалдорлари томонидан бевосита бошқарув, шунингдек, ФГА ва ФЭА нинг ташкил қилиниши хато деб тан олиниб, билвосита бошқарув усули жорий қилина бошланди.

Мустамлакаларни бошқаришнинг Англия жорий қилган усули билвосита, Францияники эса бевосита (ёки тўғридан-тўғри) деб аталиб, Португалия, Бельгия ва Германия мустамлакаларида ҳам шу бошқарув усуллари ёки уларнинг турли аралаш шакллари кўлланилди.

Мустамлакачиликнинг дастлабки даврида босиб олинган худудлардаги ҳокимият тўлиқ ҳарбийлар қулида тўпланган эди. Кейинчалик, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлагандан сўнг, империалистик давлатлар ҳукуматлари мустамлакаларни бошқаришни фукаролик маъмуриятлари қўлига топширди.

*Тропик Африка халқларининг мустамлакачиликка қарши курашлари.* Африка халқларининг босқинчиларга қарши мардона-вор кураши европаликларнинг осонгина галабага бўлган умидларини пучга чиқарди. Африкалик саркардаларнинг жасурлиги ва уdda-буронлик билан қаршиликни ташкил қилиши босқинчиларни узоқ ва қонли урушлар олиб боришга мажбур қилди. Айрим ҳолларда африкалик ватанпарварлар ўнлаб йиллар давомида яхши куролланган европаликлар билан тенг кураш олиб бордилар.

Мустақиллик учун кураш йилларида ватанпарварларнинг ажо-йиб қобилиятлари намоён бўлди. Озодлик харакатининг кўплаб раҳбарлари уруш олиб боришнинг партизанлик йулига ўтиб, ҳарбий-техник жиҳатдан жуда катта устунликка эга бўлган мустамлакачилар қўшинларини узоқ вақт тўхтатиб туришга эришдилар. Мустамлакачиларнинг айрим юришлари улар мағлубияти билан якунланди. Озодлик учун кураш йилларида кўплаб африкаликлар факат жасур жангчилар эмас, яхшигина дипломат, вазиятни реал баҳолай оладиган сиёsatчилар ҳам эканлигини ҳам намойиш этдилар. Европаликлар билан музокаралар пайтида улар ўз манфаатларни қатъият билан ҳимоя қилиб, империалистик давлатлар орасидаги ўзаро зиддиятдан усталик билан фойдаландилар.

Каршилик кўрсатиши ҳаракатига асосан катта-кичик давлатлар ва давлат биримларининг ҳукмдорлари, қабилалар бошлиқлари раҳбарлик қилдилар. Улар орасида, айниқса, Самори (Фарбий Африка), Беханзин (Дагомея), Раббах (Чад кўли атрофи), Баи Буре (Сьерра-Леоне), Кабарега ва Бушири (Шарқий Африка), Муҳаммад бен-Абдулла Ҳаса (Сомали), Лобенгула (Жанубий Родезия) қабилалар ўз жасоратлари ва улдабуронлиги билан машҳур бўлганлар. Тропик Африкада ҳам Мквава (Германия Шарқий Африкаси), Тибати (Ка-

мерун), Мамаду Ламин (Сенегал), Мушири ва Кавале (Конго) халқ орасида донг таратдилар.

Самори Франциянинг Тропик Африкадаги энг «ноқулай» рақиби эди. Унинг ўн олти йиллик қаҳрамонона кураши Африка халқлари озодлик ҳаракати тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан бирига айланди. Француздар уни «Судан Бонапарти» деб атадилар.

Самори 1870-йиллари Сананкорода (Гвинея республикаси) мандинго халқини бирлаштириб, Уасулу деб ном олган кучли марказлашган давлатни ташкил қилди.

У ўз курашида ислом динининг бирлаштирувчи кучидан усталик билан фойдаланди. Ўз давлати худудида маҳаллий аҳолининг анъанавий диний тасаввурлари ўрнига исломни жорий қилди ва 1881 йили ўзини имом деб эълон қилиб, мамлакатни ягона дин остида бирлаштириди, марказлаштириди ва маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириди. Давлат кудратининг асосини кучли армия ташкил қилди. Бу армия йигирма йилдан зиёд француздарга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. Фақат 1898 йили турли хил ҳийла-найранг ишлатган француздар Саморини асир олиб, Габонга сургун қилишди ва у 1900 йили шу ерда вафот этди.

1889–1894 йиллари Дагомея қироли бўлган Беханзин ҳам 1890 йили француз қўшинлари устидан ғалабага эришиб, мустамлакачиларни сулх тузишга мажбур қилди. 1892 йили сулҳни бузиб, француздар Дагомеяга қарши иккинчи урушга энг замонавий қуролланган 3,5 минг аскар ва офицерларини жалб қилдилар. Бу Франциянинг бутун мустамлакачилик давридаги энг катта экспедицияси бўлди ва унда бутун бошли флот ҳам иштирок этди. Дагомеяликлар 8 минг милтиқ ва 15 та тўпга эга бўлган 15 минг қўшин билан уларга қарши турдилар. Жангда иштирок этган француздарнинг гувоҳлик беришича, дагомеяликлар мардонавор жанг қилишган, «чекиниш ёки асир тушишдан кўра ўзини ўлдиришни афзал кўрган». Француздарга қарши жанг қилган амазонкалар (аёл жангчилар) жасурлиги билан душманни ҳайратга солган. Француздарнинг айтишича амазонкалар жангда «гўё темир девор ташкил қилганлар, уларни на тўплар, пулемётлар ёки милтиқлар тўхтата олмаган».

Бу урушда Беханзин ўзининг жуда катта ташкилотчилик қобилияти ва ҳарбий талантини намойиш қилди. У асир олинган душманга нисбатан бағрикенглик ва инсонпарварликнинг юксак

күринишини намойиш қилиб, французларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлган.

Французлар 1892 йили химоячилар томонидан ёқиб юборилган ва ташлаб кетилган мамлакат пойтахти Абомеяга кириб келишди. Беханзин қўшинлари билан шимолга чекинди. 1892 йил охирига келиб мамлакатнинг асосий қисми мустамлакачилар томонидан забт этилган эди. Аммо Беханзинни асир олмасдан мамлакатни тинчлантириш мумкин эмаслигини французлар яхши тушунар эдилар. 1893 йили Франция билан Дагомея ўртасида учинчи уруш бошланди. Урушда французлар синалган йўлни танлаши: улар тахтга Беханзиннинг укасини ўтқаздилар, у эса бунинг эвазига Франция протекторатига рози бўлди. Укасининг хоинлиги Беханзинни тушкунликка солди. У таслим бўлишдан аввал аскарларни йифиб, садоқати учун уларга миннатдорчилик билдириди ва жангда ҳалок бўлгандарнинг хотирасини ёд этди. Французлар Беханзинни Жазоирга сургун қилдилар. У 1906 йили вафот этди.

Юкорида номлари келтирилган бошқа ватанпарварлар ҳам шундай жасорат билан мустамлакачиларга қаршилик кўрсатдилар. Аммо кучлар teng эмасди. Бунинг устига мустамлакачилар қаршилик кўрсатаётган аҳолини қўрқитиш учун кўпинча ўта ғайриинсоний қирғин усулларидан ҳам фойдаландилар. Масалан, Жануби-Ғарбий Африканинг Германияга қарашли ҳудудида (ҳозирги Намибия) 1904–1907 йиллардаги ҳалқ қўзғолонини бостириш пайтида мустамлакачи қўшинлар гереро (банту) қабиласидан 65 минг кишини ёки қабила жами аҳолисининг 80% ини қириб ташлаган. Шунингдек, улар нама (готтентот) қабиласидан ҳам 10 минг кишини ёки қабила аҳолисининг 50% ини қирғин қилдилар.

1984 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу қабилалар қирғинини геноцид<sup>1</sup> акти деб баҳолади ва фашистларнинг Иккичи жаҳон уруши йилларида амалга оширган яхудийлар геноциди билан тенглаштирди. 2004 йили Германия хукумати ҳам Намибияда геноцид ўtkazilganligini tan oldi.

Мағлубиятга қарамасдан мустамлакачилар қарши кураш йўлбошчилари кўплаб авлодлар хотирасида ўчмас из қолдирдилар.

<sup>1</sup> Геноцид – иркӣ, миллий ёки диний белги билан аҳолининг бирор тоифасини қириб ташлашга қаратилган сиёsat. Геноцид инсониятга қарши энг оғир жиноят сифатида тан олинган.

Улар XX асрда давом эттирилган мустақиллик учун курашнинг илҳомчилари бўлдилар. Уларнинг кўпчилигини Африка халқлари бугун ҳам миллий қаҳрамонлари сифатида ёд оладилар.

**XIX асрнинг 2-ярмида миллий-озодлик мафкурасининг шаклланиши.** Тропик Африка мамлакатларида миллий мафкуранг шаклланишида янги, ўқимишли ижтимоий қатламнинг пайдо бўлиши катта роль ўйнади. Одатда бу қатламни мустамлака режимига хизмат килаётган кичик амалдорлар, ўқитувчилар, руҳонийлар, врачлар ва юристлар ташкил қиласиди. Кўпчилик ҳолларда бу африкаликлар анъанавий шаклланган аждодлар динидан воз кечишарди. Христианликни қабул қилганларидан сўнг уларни боғлаб турган қабилавий алоқалар сусайиб, европача маданиятга интилиш кучайиб боради. Ана шу янги қатлам доирасида миллий интелигенция шаклланиб борди. Бунинг учун энг қулай шароит Фарбий Африкада вужудга келди.

Фарбий Африкага европаликларнинг кириб келиши шарқий ва марказий минтақаларга нисбатан анча олдин юз берди. Бу ерда мустамлакачилик ҳам олдинроқ ўрнатилди, демак, ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар – товар-пул муносабатлари капиталистик укладининг ташкил топиши, миллий буржуазия ва миллий интелигенциянинг шаклланиши ҳам олдинроқ бошланди. Негроид ирқи ўз муаммоларини мустақил ҳал қилишга қодир эканлигини исботлаган Либериянинг мавжудлиги Африка халқларининг ижтимоий онги ўсишида муҳим роль ўйнади. Айнан шу ерга, Фарбий Африкага Буюк Британиядан, Шимолий ва Жанубий Америкадан келган африкалик-реэмигрантлар янги билим ва янги қадриятларни олиб келдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан «оқ танлиларнинг устунлиги» белгиси остида Фарбий Африкада мустамлака империялари кенгайгани сари, африкаликларни камситиши жараёни ҳам кучайиб борди. Айрим ўқимишли кишиларнинг мустамлакачилар уларга европаликлар билан тенглашиш имкониятини беради, деб қилган умидлари сароб эканлиги тезда маълум бўлиб қолди. Энди умид норозилик, қаршилик, мустамлака тузумини танқиди билан алмашди ва жамиятдаги мустамлакачилик, африкаликлар ирқининг «нотавонлиги», европача ва африкача маданиятларнинг даражаси ва аҳамияти каби ҳолатларга жавоб излаш жамиятнинг илғор кишиларини кўпроқ ташвишга соларди.

Дастлабки маърифатпарварлар – Самюэль Кроутер, Жеймс Хортон, Эдвард Блайден кабилар Африка миллатчилиги ғоясининг арбоблари бўлиб, улар асосан Британиянинг Гарбий Африкасидан эдилар. Улар африкалик халқлар ижтимоий фикрида, миллий гоя шаклланишида катта из қолдирдилар.

\* \* \*

XIX аср 70-йилларида Африка қитъасининг фақат 10,8% и европаликларга тегишли эди. 30 йилдан камроқ вақт ўтиб, 1900 или Африканинг 90,4% худуди Европа давлатларининг мустамлакасига айлантирилди. Империалистик давлатларнинг Африкани бўлиб олиш жараёни якунланди. Ўз ватанини ва мустақилигини ҳимоя қилган юз минглаб африкаликлар мустамлакачилар билан бўлган тенгсиз жангларда ҳалок бўлдилар. Мустамлакачилар эса қитъанинг табиий бойликларини талаш, ахолисини шафқатсиз эксплуатация қилиш натижасида чексиз бойликлар ортириб, Европани юксалтиришга хисса қўшдилар.

## **XXVI боб бўйича саволлар**

1. Қул савдоси ва қулчилик африкаликлар учун қандай демографик, ижтимоий, иқтисодий ва психологик оқибатларга эга бўлди?
2. Европаликлар томонидан Африканинг ички худудларини тадқиқ қилиш қандай мақсадларда амалга оширилди?
3. Африканинг мустамлакага айлантирилишида Брюссель ва Берлин конференцияларининг қарорлари қандай аҳамиятга эга бўлди?
4. Мустамлакаларни бошқариш тизимини шакллантириш орқали қандай мақсадларга эришиш кўзланган эди?
5. Тропик Африка халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши тўғрисида нималарни биласиз? Кураш йўлбошчилари кимлар эди?
6. Африкада миллий-озодлик мафкурасининг шаклланишида диний ва маданий омиллар қандай роль ўйнади?

## VI БҮЛІМ

### XX АСР БОШЛАРИДА ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИ

#### **XXVII БОБ. XIX АСР –XX АСР БОШЛАРИДА ХАЛҚАРО ЗИДДИЯТЛАРНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ**

XX аср бошларига келиб дунё таракқиётнинг асосий белгиларидан бири илғор индустрисал давлатларнинг нотекис ривожланиши, ташки сиёсатда капиталистик монополиялар ва молия олигархияси манфаатларининг устуворлиги, дунёни қайтадан бўлиб олиш учун бу давлатлар ўртасида курашнинг кучайиши бўлиб қолди.

*Метрополиялар, мустамлакалар ва қарам мамлакатлар.* XIX аср бошларида биринчи индустрисал давлат, «дунё устахонаси» Буюк Британия эди. Унинг ортидан Франция индустрисал таракқиёт йўлига кирди.

XIX асрнинг охирги 30 йилида ривожланиш суръатлари кескин тезлашган АҚШ ва Германия ҳам илғор индустрисал давлатлар қаторига кириб олдилар. Улар жадал суръатлар билан ривожланаб, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва жаҳон бозоридаги роли бўйича рақибларини бирин-кетин ортда қолдириб борди. Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида Буюк Британиянинг ҳиссаси 1860 йили 36% бўлса, 1913 йилга келиб 14% гача тушиб кетди. Франциянинг ҳиссаси шу даврда 12% дан 6% гача пасайди. 1860 йили жаҳон саноат маҳсулотларининг 17% ини ишлаб чиқарган АҚШ 1913 йилга келиб ўз ҳиссасини 36% гача оширди. Германия эса 16% лик кўрсаткични муқим эгаллаб олди.

Уларнинг ортидан бораётган Россия ва Япония сингари мамлакатлар иқтисодиёти аграр-индустрисал бўлиб қолаётган бўлсада, бу мамлакатларда саноат тараққиётининг, индустрлаштиришнинг суръатлари анча жадал эди. Шунингдек, индустрисал янгиланиш йулидан Италия ва Австро-Венгрия ҳам бораётган эди. Бельгия, Голландия, Скандинавия мамлакатлари ҳам индустрисал дунёга киради.

Умуман, XX аср бошларида дунёning 1 млрд 680 миллионлик аҳолисидан 700 млн киши индустрисал ва аграр-индустрисал

мамлакатларда яшарди. 600 млн га яқин киши мустамлакаларда (жумладан, 393 млн киши Буюк Британия мустамлакаларида) яшарди. Ахолиси 380 млн кишига яқин бир гурух давлатлар расман мустакил ҳисоблансаларда, амалда кучли давлатларга қарам ёки ярим мустамлака ҳолатида эди. Булар қаторига Хитой, Эрон, Туркия, Сиам (Тайланд), Миср, Кореяни киритиш мүмкін. Ярим мустамлака мақомининг белгилари қилиб, одатда, ушбу давлатлар хукуматлари томонидан имзоланган тенг бўлмаган савдо шартномалари, чет эл фуқароларига алоҳида имтиёзларнинг берилиши, жумладан, жиноят содир этганда маҳаллий судлар томонидан суд қилинмаслик (экстерриториаллик) кабиларни кўрсатиш мүмкін. Кўпчилик ҳолларда эса ярим мустамлака давлатлар худудида кучли давлатларнинг қўшинлари, ҳарбий-денгиз базалари жойлаштирилади. Ҳарбий-техник қолоқлик, марказий ҳокимиятнинг кучсизлиги туфайли мустамлакачи империяларга қаршилик қила олмайдиган, аммо турли сабабларга кўра тўлиқ забт этилишдан кутулиб қолган давлатлар ярим мустамлакаларга айлантирилар эди.

Вужудга келган шароитда гўёки турли тарихий даврларда яшаётган, ҳар хил анъаналар ва одатларга эга бўлган, турли хил динларга эътиқод қилувчи халқларнинг бир-бирлари билан яқин алоқалари табиий равишда улар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқарар эди. Аммо XX аср бошларига келиб жаҳон тараққиётидаги зиддиятларни кескинлаштирган бошқа жиддий сабаблар ҳам пайдо бўлди.

*Иқтисодий инқирозлар ва халқаро майдондаги рақобат.* Зиддиятлар кескинлашувининг энг муҳим сабаби – саноат тараққиёти суръатларининг жадаллашуви, индустрисал мамлакатлар сонининг ошиши бўлди. Ҳатто Англия асосий саноат мамлакати, «дунё устахонаси» бўлган даврда ҳам у ошикча маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ инқирозларга учраган эди. 1825, 1836, 1847 йиллардаги инқироз Англиянинг умумий бозори унинг саноати ишлаб чиқарган маҳсулотларни «ҳазм қила олмаганидан» келиб чиққан эди. 1857 или биринчи жаҳон саноат инқирози юз бериб, у Англиядан ташқари модернизация йўлига кирган бошқа мамлакатларни ҳам қамраб олди. Бу мамлакатларнинг саноат капиталлари ўртасида ташқи бозор учун кураш бошланди, зеро индустрисал давлатларнинг хотиржам ривожланиши ушбу бозорларни эгаллаш билан боғлиқ бўлиб қолаётган эди.

Жаҳон бозорининг ҳажми секинлик билан кенгая борди. Биринчидан, бу индустрисал мамлакатларда ахоли яшаш даражасининг

ўсиши билан боғлиқ эди. XX аср бошларида энг катта ва ривожла-наётган бозор АҚШнинг ички бозори ҳисобланарди. Иккинчидан, аста-секин мустамлака ва қарам мамлакатлар худудида ҳам товарпул муносабатлари ривожланди, жаҳон капиталистик ҳўжалик тизими ушбу мамлакатлар ҳисобига кенгайиб борди.

Шунга қарамасдан, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тобора ўсиб бораётган имкониятлари бозорлар ривожланишидан олдинлаб кетаётган эди. Бу ҳол иқтисодий инқирозларнинг чукурлашувига олиб келди. Бирин-кетин келаётган инқирозларнинг орасидаги вақт ҳам қисқариб борди. Шундай инқирозлар 1866, 1873, 1882, 1890, 1900, 1913 йиллари содир бўлиб, бутун жаҳон ҳўжалик тизимини қамраб олди.

Инқирозлар капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашувини жадаллаштириди, кам фойда берадиган корхоналарнинг синишини тезлаштириди. Шу нуқтаи назардан инқирозлар иқтисодиётнинг ривожланишига, унинг рақобатбардошлигини оширишга қўмаклашди. Айни пайтда ишсизлар сони ошиб, ижтимоий зиддиятлар кескинлашди, улар индустрисал цивилизация жамияти учун жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

Инқирозлар индустрисал давлатларнинг ҳукмрон доираларини ўз ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ташқи экспансия ҳисобига ҳал қилиш йўлини ганлашга унадди.

Жамиятда барқарорликни таъминлашга масъул бўлган давлат билан кўпроқ фойда олиш йўлларини ахтараётган йирик капиталнинг манфаатлари ҳар доим ҳам мос тушавермасди. Ўз миллий бозорларида ҳукмронлик қилаётган йирик молия-саноат гурухлари ўзларининг чет эллардаги рақиблари билан учинчи мамлакатлар бозорларини таъсир зоналарига бўлиб олиш түғрисида ҳукуматлар иштирокисиз келиша бошладилар. Айни пайтда, йирик капиталистлар ўз давлатининг дипломатик ва ҳарбий кучига таянган ҳолда, унинг қурдати ёрдамида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга интилдиilar.

Ҳар бир давлат ўз капиталини қўллаб-қувватлашга, миллий иқтисодиётга маблағ киритишни рафбатлантиришга, жаҳон бозорларида унинг мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Натижада турли давлатларнинг ҳаракатлари бир-биридан фарқ қилса-да, улар интилишларининг умумий йўналиши битта эди. Бу йўналиш ўз корхоналари учун маҳсулотларни сотишнинг мавжуд бозорларини, капитал киритиш соҳаларини, табиий ресурслардан фойда-

ланишни, арzon ишчи кучи манбаларини сақлаб колиш ва кенгайтиришдан иборатдир. Бунда рақобатлашаётган давлатлар кучайиб кетишининг олдини олишга, мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг озодлик учун интилишларини бостиришга алоҳида эътибор қаратилди.

***Мустамлакачилик ва индустрисал мамлакатлар учун унинг оқибатлари.*** Индустрисал давлатларнинг ташқи сиёсати ўз саноат ва молия капиталининг экспансиясини қўллаш мақсадларига бўйсундирилгани сари уларнинг мустамлакачилик сиёсати фаоллашди, илгор давлатларнинг жаҳон миёсида рақобатлашуви кучайди. XX аср бошларига келиб улар ўртасидаги қарама-қаршилик яна-да кескинлашди. Бу кескинлашув индустрисал давлатлар ўртасида дунёнинг бирламчи бўлиниши асосан якунланлиги, кенг мустамлака империялари шаклланлиги билан боғлиқ эди.

Бу даврда иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг байналмилаллашуви натижасида дунё бир бутунлик касб этди, аммо бу адолатли бутунлик эмасди: куруқликнинг 55% ини мустамлакалар ташкил қиласди, у ерлардаги халқлар зўрлик йўли билан, баъзан очиқчасига варварлик усуллари воситасида Европа цивилизациясига жалб қилинаётган эди.

Мустамлакачилик экспансияси йўлига биринчи бўлиб кирган Буюк Британия ишғол қилишлар, алдашлар, маҳаллий ҳукмдорлар ва қабилалар йўлбошчиларини сотиб олишлар эвазига дунёда энг катта мустамлака империясини шакллантириди. Бу империяда ер юзи аҳолисининг чорак қисмидан кўпроғи, барча мустамлакалар аҳолисининг эса 70% и яшарди, босиб олинган ҳудудлар Буюк Британиянинг ўз ҳудудидан қарийб юз марта катта эди. Дунёда иккинчи мустамлакачи давлат Шимолий ва Экваториал Африкани, Ҳиндихитойни бўйсундирган, барча мустамлакалар аҳолисининг 10%и устидан ҳукмронлик қилаётган Франция бўлди.

Кенг мустамлакаларга эгалик қилиш метрополиялар тараққиётига турлича таъсир кўрсатди. Мустамлакалардан арzon аграр маҳсулотлар ва хомашё манбаи, маҳсулотларни сотиши бозори сифатида фойдаланиш учун улар иқтисодиётини минимал микдорда бўлсада ривожлантириш зарур эди. Коммуникациялар тармоғини қуриш, ер ости бойликларини қазиб олиш саноатини, плантацияларни яратиш, маҳаллий ишчиларни тайёрлаш – буларнинг ҳаммаси капитал йўналтиришни талаб қиласди. Метрополияларнинг ўзлари-

дан иш топмаган камбағаллар, ишсизлар мустамлакаларга күчіб кетишиар ва бунга мустамлакалардаги олмос ва олтин қидириш жазасы, имтиёзли асосда ерларнинг тарқатилиши турткى бўлаётганди.

Мустамлакалардан окиб келаётган бойлик, у ерлардаги бозорларга монопол әгалик қилиш ва катта бойликлар олиш натижасида метрополияларнинг фақат хукмрон доиралари эмас аҳолининг кенг катламлари ҳам бойиб борди. Ортиқча ишчи кучининг мустамлакаларга доимий күчіб туриши камбағаллар ва ишсизлар сонини камайтириб, ижтимоий кескинликни юмшатарди.

Капиталнинг доимий четга чикиб кетиши ва ишлаб чиқарилаётган товарлар ассортиментини янгилаш учун рағбатлантирувчи омилнинг йўқлиги (монополиялаштирилган мустамлака бозорлари товарларнинг сифати ва ассортиментига кўп ҳам талабчан эмасди) метрополиялар гуллаб-яшнашининг бошқа томонини ташкил қиласди. Метрополияларда яшаш даражасининг юқорилиги бу ерда ишчи кучининг қимматлашувига олиб келди ва метрополиялар иқтисодиётига капитал киритишни фойдасиз қилиб қўйди. Британия банкирлари пулларини мустамлакаларга, доминионларга<sup>1</sup> ва АҚШ иқтисодиётига жойлаштиришни афзал кўрдилар. Француз капитали асосан чет элларнинг давлат заёмларига жойлаштирилган бўлиб, бу ҳам катта фойда келтиради.

Аввало энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида турғунлик ҳолатлари кўзга ташланиб, улар ўз жўшқинлигини йўқотди, ўсиш суръатлари пасайди. Аксинча, кенг мустамлака империяларини яратмаган (ёки яратишга улгурмаган) АҚШ, Германия, Япония сингари давлатларда капиталнинг асосий қисми ўз миллий иқтисодиётини ривожлантиришга сарфланди. Индустрисиал тараққиёт йўлига кейинроқ кирган бу давлатлар яратилаётган саноатни энг илғор технологиялар билан қуроллантирди, бу эса уларга рақобатда устунлик қилиш имкониятини яратди. *Бу давлатларнинг жадал ривожланиши натижасида уларнинг ҳарбий-иктисодий имкониятлари билан дунёning таъсир доираларига бўлиншии ўртасида номутаносиблик вужудга келди.*

<sup>1</sup>Доминион – аҳолиси асосан метрополиядан чиққан ва ўз-ўзини бошқариш хукукини олган мустамлакалар: Канада – 1867 йил, Австралия – 1901 йил, Янги Зеландия – 1907 йил. Улар 1947 йилгача Британия империяси таркибида кирган, формал жиҳатдан мустакил давлат бўлган.

ХХ аср бошларига келиб бу жүшқин ривожланаётган мамлакатлар ўз рақибларининг таъсир доираларига кириб бориш орқали янги мустамлакаларни ва бозорларни забт этишга интила бошлади. Янги даврнинг биринчи империалистик уруши Испания – АҚШ уруши бўлиб (1898 й.), унинг натижасида АҚШ Филиппинни, Пуэрто-Рико ва Гуам оролларини босиб олди, Кубага мустақиллик олиб берди. *Дунёни қайтадан бўлиш учун кураш жаҳон сиёсатининг мазмунини белгиловчи энг муҳим омилга айланди.*

Метрополиялар билан мустамлакалар ва қарамамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршилик муҳим аҳамият касб эта борди. Бу мамлакатларда ҳам товар-пул ва бозор муносабатлари ривожланди, улар ҳам жаҳон капиталистик хўжалик тизимига кириб борди. Европада таълим олган миллий буржуазия ва маҳаллий зиёлилар қатлами шаклланди. Уларнинг мустамлака мақомига қарши норозилиги мамлакатни модернизациялашга интилиш билан қўшилиб кетди. Айни пайтда мустамлакачиликка қарши ҳаракат кўпчилик ҳолларда рақобатлашаётган, рақибини кучизлантириб, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган индустрисал давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Масалан, АҚШ Испания билан уруш арафасида Филиппин ва Кубадаги озодлик ҳаракатларини қўллади, аммо Испания устидан ғалаба қозонгандан сўнг ушбу давлатларни ўз таъсир доирасига қўшиб олишдан торгинмади.

*Индустрисал давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик ва Биринчи жаҳон уруши.* ХХ аср бошларига келиб ҳалқаро муносабатларнинг ҳолатини иқтисодий ривожланган ва ҳарбий жиҳатдан кудратли бўлган бир гурӯҳ давлатларнинг сиёсати белгилаб берди. Бу давлатлар қаторига одатда Буюк Британия, Германия, АҚШ, Россия, Франция ва Японияни киритишади. Бу давлатлар ҳиссасига, улар назоратидаги мустамлакалар билан қўшиб ҳисоблаганда, ер юзи аҳолисининг 2/3 қисми, жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 80% и тўғри келарди.

XIX асрда кенг тарқалган қараашларга биноан савдолашаётган миллатлар, бозор иқтисодиётiga эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар «барчанинг барчага қарши кураши» қабилидаги рақобатчилик билан тавсифланади. Давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик жаҳон тараққиётини белгилайди, деган қарааш XX асрнинг бошларида кенг оммалашган геосиёсий назарияларнинг ҳам

мазмунини ташкил қилган. Бу назарияларга мувофиқ, этноснинг (халқнинг) ўзига хос маданияти, хўжалик фаолиятининг устувор типи каби хусусиятлари у яшаётган географик муҳитнинг мухим жиҳатлари билан белгиланади. Давлат – маълум ҳудуднинг сиёсий ташкиллаштирилган шаклигина эмас, у ўзига хос тирик организм, инсон каби туғилади, улгаяди, ӯлади. Бу назарияларда давлатнинг улғайиши унинг ривожланиши учун зарур бўлган янги ерларни, бойликларни босиб олиш билан боғлиқ қилиб қўйилади.

Халқаро майдонда давлатларнинг эркин рақобати шароитида уларнинг ҳар бири бошқаларнинг кучайиб кетишидан, кучлар мувозанатининг бузилишидан хавфсираб туради. Шундан келиб чикиб, асосий вазифаси ўзининг бўлғуси рақибларини бир-биридан ажратиш, бир-бири билан уриштириш, уларни яширин келишувлар ва мажбуриятлар билан боғлаш, хушёrlигини сусайтириб, ўзининг имкониятларини оширишдан иборат, деб тушунилган дипломатия санъати такомиллашади.

Уруш билан кўрқитишига ва урушга XIX асрда ҳам, XX аср бошларида ҳам кўзланган мақсадга эришишнинг дипломатик усуллари тугаганда давлатнинг манфаатларини химоя қилишнинг қонуний ва қабул қилинган воситаси сифатида қаралган. Айни пайтда демократик мамлакатлар ўз сиёсатида маданийлашган давлатлар бир-бирлари билан умумий тил топишга қодир, дейишга ўрганиб қолган ижтимоий фикр билан ҳисоблаша бошлаган эди. Бироқ дунёдаги тартибининг ташқи барқарорлигига қарамасдан, 1914–1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушига олиб келган, ҳал қилинмаётган муаммолар йиғилиб бораётган эди.

**Узок Шарқ ва Болқондаги зиддиятлар.** XX аср бошида дунёнинг шундай ҳудудлари белгиланди, уларнинг геосиёсий ва иқтисодий мухим аҳамияти туфайли бу ерлар устидан назорат ўрнатиш учун кураш алоҳида кескинлик касб этди. Биринчи жаҳон уруши арафасида шундай ҳудудлар сифатида Хитой ва Болқон яримороли ажралиб турарди.

Хитой ва унинг портлари устидан назорат ўрнатиш кенг бозорга, ресурсларга кириб бориш, жаҳон тараққиётида роли тобора оргиб бориши тахмин қилинаётган Осиё-Тинч океани минтақасида гегемонлик ролини эгаллаш имкониятини берарди.

XX аср бошларида дунёнинг кучли давлатларидан ҳеч бири Хитой устидан ҳал қилувчи таъсирга эга эмасди ва улар ўртасида

ўзига хос мувозанат шаклланган эди. 1900 йилги қўзғолонни бостириш пайтида Россия қўшинларининг Манжурияга кириши билан бу мувозанат бузилди. Манжурия худудидан Порт-Артурга борадиган темир йўл утганди.

Манжурия устидан назоратга таяниб Россия ҳукумати Кореяга ҳам таъсир ўtkаза бошлади ва Ялуцзян дарёси қирғогида ўрмондан фойдаланиш ҳукуқини олди. Бу ҳол Англия, АҚШ ва Японияни ҳавотирга солди, чунки Россия Хитой билан қуруқлик орқали умумий чегарага эга бўлган ягона буюк давлат эди. Темир йўлларнинг ри-вожланиши натижасида эса Россия ўзининг Узоқ Шарқдаги экспансиясини йирик қуролли кучлар билан давом эттириш имкониятига эга бўлди. 1902 йили Англия билан иттифоқчилик шартномасини имзолаган Япония айниқса қаттиқ ғазабланаётган эди. Яқиндагина ўз мустамлака империясини тузишга киришган Япония учун Корея ва Хитойни экспансия қилиш ягона мумкин бўлган йўналиш эди. Айнан шу ҳол Япония хукмрон доираларининг таваккал қилиб, ҳарбий жиҳатдан кучли ҳисобланган Россия билан урушга киришишига сабаб бўлди.

1904–1905 йиллардаги рус-япон урушида Япониянинг ғалабаси, унга Англия томонидан кўрсатилган иқтисодий ва дипломатик ёрдам Россияяда инқиlobнинг бошланишига катта таъсир кўрсатди. Айни пайтда Япониянинг Хитойдаги позицияси кучайишидан ҳавотирланган Англия ва АҚШ Россия билан Япония ўртасида муросали келишувнинг имзоланишига эрищдилар. Япония томонининг унга Сахалин оролини тўлиқ бериш ва Россиянинг товоң тўлаши тўғрисидаги талаби Англия ва АҚШ томонидан маъқулланмади. 1907 йили Англия воситачилигида Россия билан Япония ўртасида Хитойдаги таъсир доираларини белгилаш тўғрисида келишув имзоланди. Россия жанубий Манжурия ва Кореяни Япониянинг манфаатлари доираси деб тан олди. Бу келишув минтақадаги зиддиятларни вақтингча юмшатди, холос.

Зиддиятларнинг янада мураккаб тугуни Болқон яриморолида пайдо бўлди. XVIII асрда Россия ва Австриянинг умумий душмани бўлган Усмонийлар империясининг кучсизланиши билан стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Босфор ва Дарданелл бўғозлари ва уларга яқин худудлар устидан назорат ўрнатиш учун кураш авж олди. Бу ерга Россия, Австро-Венгрия бевосита, Англия билвосита қизиқиши билдираётган эди. XX аср бошларида бевосита манфаатдорлар қаторига Германия ҳам кўшилди. У Туркия билан алоҳида му-

носабатлар ўрнатиб, Болқон мамлакатлари орқали Истамбул, Бағдод ва Басрага чиқувчи темир йўл қуриш режасини амалга оширишни бошлаб юборди. Бу Германияга энг қисқа йўл орқали Ҳинд океанига, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бозорларига чиқиш имкониятини берар эди.

Болқон мамлакатларида катта таъсирга эга бўлган Россия 1912 йили улар ўргасида Болқон иттифоқининг тузилишига эришиди. Иттифоқ тузилиши биланоқ унинг аъзолари (Сербия, Болгария, Греция, Черногория) Туркияга уруш эълон қилдилар. Урушда Туркия мағлубиятга учраб, ўзининг Европадаги деярли барча худудларидан айрилди. Уларни бўлиб олиш масаласини тинч йўл билан ҳал қилишнинг имкони бўлмади: 1913 йили Болгария билан унинг собиқ иттифоқчилари Сербия ва Греция (уларни Руминия билан Туркия қўллаётган эди) ўргасида иккинчи Болқон уруши бошланди. Натижада Болқон иттифоқи тарқалиб кетди, мағлубиятга учраган Болгарияга ва Туркияга Германиянинг таъсири кучайди.

*Марказий давлатлар иттифоқи ва Антанта.* Буюк давлатларнинг манфаатлари кесишган минтақаларда ракобат тобора кучайиб бораётган бўлса-да, ҳали урушнинг бошланиши муқаррар эмасди. Аммо бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг пайдо бўлиши билан мавжуд муаммоларни тинч йўл билан, дипломатик воситалар орқали ҳал қилиш имкониятлари кескин камайди. Қарама-қарши иттифоқлар тизимининг яратилиши фавқулодда ҳолатларда дипломатик воситачиликнинг имкониятларини камайтирди, арзимаган можаронинг умумевропа урушига айланиб кетиш хавфини кучайтирди.

Европанинг иккита ҳарбий блокка ажralиб кетишининг асосий сабаби 1879 йилдан бери Австро-Венгрия билан иттифоқда бўлган Германия<sup>1</sup> қудратининг жуда тез ўсиши бўлди. Ушбу икки Марказий Европа давлатларининг қитъада гегемонликни қўлга олиш хавфи Россия ва Францияни 1893 йили иттифоқ шартномасини тузишига унлади. Шартномани имзолаган давлатлардан бирига Германия ҳужум қилган тақдирда иккинчисининг ҳарбий ёрдам кўрсатиш мажбурияти кўзда тутилган эди.

Англия – Германия зиддиятлари ҳам кескинлашди. Германиянинг мустамлакачилик экспансиясига интилишлари Англияни безовта қилаётган эди. Европада қуруқликдаги энг кучли армия-

<sup>1</sup> Бу иттифоқка 1882 йили Италия ҳам кўшилди ва Учлар иттифоқига айланди.

га эга бўлган Германия ўзининг ҳарбий-денгиз флотини қуриш дастурини қабул қилди ва бу ҳол ўзини «денгизлар маликаси» деб ҳисоблаб келаётган Англияning ушбу мақомига хавф сола бошлади. Натижада Англияning хукмрон доиралари қитъада ўзларига иттифоқчи излай бошладилар.

1904 йили Англия-Франция келишуви имзоланиб, тарихга Антантани тузиш ҳақидаги шартнома бўлиб кирди (Антанта французча entente – розилик, лекин шунчаки розилик бўлмасдан, иттифоқдан яқинроқ, чин дилдан розиликни билдириб, бу сўз XX аср дипломатиясининг асосий ибораларидан бирига айланди<sup>1</sup>). Ушбу шартномага Англия ва Францияning таъсир доираларини ўзаро ҳурмат қилишлари тўғрисидаги мажбурият киритилган бўлиб, шартнома ҳарбий иттифоқ билан тенг кучга эди.

1907 йили худди шундай шартнома Буюк Британия билан Россия империяси ўртасида ҳам имзоланди. Россия Афғонистонда Англия манфаатларининг устуворлигини тан олди, Тибет эса нейтрал деб эътироф этилди. Эрон таъсир зоналарига бўлиб олинди. Бу келишув Россияning инглиз-француз Антантасига кўшилганлигини билдиреди.

Германия ўзининг бўлғуси душманларини айриш учун бир неча бор уриниб курди. 1904 йили рус-япон уруши даврида Германия императори Вильгельм II Россия императори Николай II га Англия ва Японияга қарши иттифоқ тузишни таклиф қилган эди. 1905 йил иккала императорнинг Бьюрке ороли ёнидаги денгиз сайрида Германия билан иттифоқ тузишга Николай II розилигини билдиреди. Бироқ вазирлар кабинети Россияning энг йирик кредитори бўлган Франция билан дўстона алоқаларни сақлаб қолишни муҳимроқ деб ҳисоблади. Икки императорнинг ўзаро иттифоқ тўғрисидаги шартномаси амалга ошмай қолди.

Германия Англия билан ҳам келишишга ҳаракат қилиб курди. У ҳатто Антанта шартномаси бекор килиниб, Португалияning Африкадаги мустамлакалари бўлиб олинган тақдирда (Германия Анголага дъаво қилаётган эди), Германия ўзининг ҳарбий-денгиз дастурини амалга оширишни тўхтагади, дея ваъда ҳам берди. Бу масалалар бўйича музокаралар Биринчи жаҳон уруши бошлангунча давом этди ва ҳеч қандай натижада бермади.

<sup>1</sup> Қаранг: Хидаятов Г.А. Дипломатия XX века. – М., 2011. С.17.

Шу тарика XX асрнинг бошларида вужудга келган халқаро вазият, ривожланишнинг империалистик босқичига ўтган давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий устунлик учун кураши, улар ўртасида урушни мұқаррар қилиб қўйди.

## XXVII боб бўйича своллар

1. XX аср бошларида халқаро муносабатларда вужудга келган кескинликнинг асосий сабаблари нималардан иборат эди?
2. Мустамлакачилик индустриал давлатлар учун қандай аҳамиятга эга бўлди?
3. XX аср бошларида дунёning қайси ҳудудларида зиддият ўчоқлари вужудга келди?
4. XX аср бошларига келиб индустриал давлатлар ўртасида ҳалқилинмаётган қандай асосий зиддиятлар мавжуд эди?

## XXVIII БОБ. БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ

*1914–1915 йиллардаги уруши ҳаракатлари.* Австро-Венгрия таҳтининг вориси эрцгерцог Франц-Фердинанд 1914 йил 28 июнда ҳарбий машқларни кузатиш учун Босниянинг маркази Сараево шаҳрига келди. Бу ташриф Эрцгерцогга ҳамроҳлик килган расмий кишилар айттаётганидек, шунчаки сайр эмасди. 28 июнь сербларнинг мотам куни бўлиб, 1389 йили шу куни турклар серб армиясини тор-мор қилганидан сўнг, мамлакат бир неча асрга турклар зулми остида қолган эди. Айнан ана шу мотам куни Сербия чегараларида ҳарбий машқлар ўtkазилишининг ўзи жанжалга олиб келиши олиндан кўзда тутилган иғво эди. Франц-Фердинанднинг бундай иғвогарона ҳаракати серб миллатчи доираларини ғазабга келтирди. Эрталаб соат 11 га яқин Миляцка дарёси кирғоғида серб миллатчи ташкилоти «Млада Босна» («Ёш Босния») нинг аъзоси, 20 ёшли террорчи Гаврила Принцип томонидан отилган ўқлар таҳт ворисини ва унинг хотинини ўлдирди. Гаврила Принципнинг бу қилмиши мудҳиши оқибатларга олиб келди. Австро-Венгрия императори Вильгельм II ўз ҳукуматидан бу қотилликка жавобан уруш эълон қилишни талаб қиласар экан, умумий ҳолатни «Ҳозир ёки ҳеч качон!», деган сўзлар билан изоҳлади.

23 июнда Австро-Венгрия Сербияга шундай ультиматум эълон қилдики, уни қабул қилиш Сербия учун ўз мустақиллигини йўқотиш билан баробар эди. Шунга қарамасдан, Сербия деярли барча талабларни қондиришга рози бўлди, аммо 18 июль куни Австро-Венгрия Сербияга уруш эълон қилди.

Сербияни аниқ ҳалокат ҳолатида ташлаб қўйиш Россиянинг империячилик манфаатларига зарар етказибгина қолмасдан, славян ва православ бирдамлиги анъаналарига ҳам хилоф эди ва Россиянинг бу ҳалқлар ўртасидаги обрўсига путур етказар эди. Шу сабабли Россияда умумий сафарбарлик эълон қилинди. Германия ҳукумати Россияга ультиматум эълон қилиб, сафарбарликни тўхтатиши табаб қилди. Россия бу ультиматумга жавоб бермади. Шундан сўнг, Германия 1 август куни Россияга, 3 август куни эса Францияга уруш эълон қилди. 4 август куни Англия Германияга уруш эълон қилди.

Уруш умумевропа характеристига эга бўлиб, тезда Европа чегараларидан чиқиб кетди. Япония урушдан Хитойни бўйсундиришда, Тинч океанидаги Германия мустамлакаларини эгаллаб олишда ҳамда Узоқ Шарқда ўз ҳукмронлигини ўрнатишида фойдаланмоқчи бўлди. 1914 йил августда Япония Германияга уруш эълон қилди. Германия ва унинг иттифоқчилари томонда Туркия ҳам урушга кирди. Уруш шу тариқа кенгайиб, Европа, Осиё ва Африкада умумий майдони 4 млн кв км бўлган ҳудудни, 1,5 млрд аҳолига эга бўлган 38 та давлатни қамраб олди ва жаҳон урушига айланди. Илгари анъанавий бўлган қуруқликдаги қуролли жангларга авиация ва сув ости кемаларининг қуролли ҳаракатлари қўшилди, кимёвий уруш ҳам олиб борилди.

### **Буюк давлатларда мунтазам армия сонининг ошиб бориши (минг киши)**

Йил	Учлар иттифоқи			Антанта					
	Германия	Австро-Венгрия	Италия	Буюк Британия	Франция	Россия	АҚШ	Япония	
1870	403	247	334	302	380	700	37	70	
1890	487	337	262	355	502	647	27	74	
1914	812	424	305	381	846	1300	98	250	
1914	1541			2527					

*Урушнинг характери ва давлатларнинг мақсадлари.* Биринчи жаҳон уруши ўзининг келиб чиқиши, характери ва натижаларига кўра Сербия, Черногория, Бельгия ва озодлик кураши олиб бораётган бошқа халқлардан ташқари барча унда қатнашаётган давлатлар учун империалистик, босқинчилик характеридаги уруш эди.

Бундай характер уруш олиб бораётган давлатларнинг мақсадларидан келиб чиқади. Германия Европанинг катта қисми ва Яқин Шарқни, жумладан, ўзига иттифоқчи бўлган Туркияни босиб олишни, Англия, Франция ва Бельгиядан уларнинг мустамлакаларини, Россиядан – Украина ва Болтиқ буйини тортиб олишни мақсад қилиб уруш олиб бораётган эди.

Австро-Венгрия мустақил славян давлатлари – Сербия, Болгария ва Черногорияни бўйсундириш, Болқон яриморолида, шунингдек, Қора, Адриатика ва Эгей денгизларида ўз ҳукмронлигини ўрнатишни мақсад қилган эди.

Англия ўз мустамлака империясини сақлаб қолиш ва асосий рақиби – Германияни кучсизлантириш мақсадини кўзларди. Бундан ташқари Англия Туркиядан Месопотамияни, Фалаstinни тортиб олиш ва Мисрда муқим ўрнашиб олишни ҳам хоҳлаётган эди.

Франция ундан 1871 йили Германия тортиб олган Эльзас билан Лотарингияни қайтаришни, шунингдек, кўмир конларига бой Саар вилоятини ҳамда Рейн дарёсининг чап кирғоғида жойлашган бошқа немис ерларини босиб олишни кўзлаётган эди.

Россия Германия ва Австрияни Турсия ва Болқондаги таъсирини йўқотиш, шунингдек, унинг Қора денгиз қирғоқларидаги стратегик манфаатларини ҳимоя қилиш ва савдони ривожлантиришга имкон берувчи қулай режимга эришишни кўзлаётган эди. Австро-Венгрияниң қисми бўлган Галицияни босиб олиш ҳам Россия ҳукуматининг режасига киради.

*Уруш ва халқ.* Миллий-озодлик муаммоларининг ҳал қилинмаганлиги урушни оммавийлаштириб юборди. Айниқса оммавий ахборот воситаларидаги таргибет-ташвиқот урушда қатнашаётган барча халкларда ватанпарварлик ҳиссиётларини жунбишга келтирди. Мамлакатни, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳаракат немислар ва австрияликларни, руслар ва венгерларни барчани қамраб олди. Сафарбарлик эълон қилган Россияда чакирув пунктларига ҳарбий хизмат ёшидаги аскар ва офицерларнинг

95% дан зиёди келди. Немис солдатлари бу армияга хос бўлган фақат катъий тартиб туфайли эмас, ўз ватанларини севганликлари учун ҳам Зигфрид линиясини катта жасорат билан французлардан ҳимоя қилдилар. Ўз навбатида, французлар ҳам Франция манфаатлари учун жонларини ҳам аямадилар.

Шунга қарамасдан урушга муносабат аҳолининг ҳамма қатламларида бир хил эмасди. Зиёлilarнинг катта қисми: Францияда Анри Барбюс, Россияда Максим Горький, Чехияда Ярослав Гашек, Сербияда Бранислав Нушич ва зиёлilarнинг бошқа машҳур вакиллари урушга қарши чиқдилар. Россияда большевиклар ўз ҳукуматининг мағлубиятини ёқлаб чиқдилар, шу йўл билан мамлакатдаги мавжуд режимни ўзгартиришга ва биродаркушлик урушини тўхтатишга умид қилдилар.

Урушнинг охирига келиб уни тўхтатиш учун ҳаракат Франция ва Англияда фаоллашди, Германия ва Австро-Венгрияда дастлаб уруш учун кредит ажратишга овоз берган социал-демократларнинг бир қисми энди ғолиб ва мағлубларсиз сулҳ тузишни («ок тинчлик» деб аталган) ёқлаб чиқдилар. Бу ҳаракатлар албатта урушнинг охирида кучайди. Ҳозирча, 1914 йилда, ҳамма ғалаба учун жанг қиласарди.

**«Шлиффен режаси».** Германиянинг уруш режаси уни ишлаб чиқишига раҳбарлик қилган бош штаб бошлигининг номи билан «Шлиффен режаси» деб аталган. Бу режа урушни икки фронтда – Франция ва Россияга қарши олиб боришнинг муқаррарлигидан келиб чиқсан эди. Шунингдек, режанинг асосий ғояси имкон қадар тезроқ битта фронтдан қутилиш, рақибларига нисбатан одам ресурслари, хомащё ва озиқ-овқат заҳираси кам бўлган Германиянинг мағлубиятини муқаррар қилиб қўядиган урушнинг чўзилиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган эди.

Шу тариқа «шиддатли уруш» режаси пайдо бўлди. Франция – Бельгия чегаралари мустаҳкамланмаганлиги сабабли Шлиффен Францияга бетараф Бельгия ҳудуди орқали бостириб киришни тақлиф қилди. Франция яшин тезлигига тор-мор қилингандан кейин бутун куч билан Россияга хужум қилиш режалаштирилган эди. Германия бош штабида Россия армиясининг сафарбарлик тезлиги паст бўлганлиги учун у уруш эълон қилинганидан камида олти ҳафта кейин жанговар ҳолатга келади ва бу вақт ичida Франция забт этилган бўлади, деб ҳисоблаган эди. Аммо Шлиффен XX аср

бошларидаги урушларда Россия армияси анчагина тажриба орттирганини инобатга олмаган эди. Шунга қарамасдан Германия ҳарбий кўмондонлиги Шлиффеннинг стратегик мақсадини кўзлаб ҳаракат килишда давом этди.

Бельгияга ҳужум бошлаган немислар бельгияликларнинг қаршилигини енгиб, жуда тезлик билан Франция – Бельгия чегараларига яқинлашди. Франция пойтахти хавф остида қолди.

Дастлабки ғалаба немисларни эсанкиратиб қўйди. Улар гарбдаги урушда ғалаба қилганларига ишончлари комил эди. Вильгельм II: «Барглар тўкилгунча ортга қайтамиз», – дея ишонтириди.

Аммо кутилмаганда ҳали тўлиқ тайёр бўлмаган иккита рус армияси Англия ва Франциянинг талабига кўра Шарқий Пруссияда ҳужумга ўтди. Немислар бу ҳужумни тезда қайтарган, руслар катта талафот кўрган бўлсалар-да, Германия ўзининг Ғарбий фронтдаги кучларининг бир қисмини жалб қилишга мажбур бўлди. Бу ҳол урушнинг кейинги тақдирида катта роль ўйнади. Немисларнинг Парижни шимолидан айлануб ўтишга кучлари етмади ва улар йўналишни жанубга томон ўзгартириб, Марна дарёсига чиқдилар. Бу ерда ахвол француздар фойдасига ўзгарди. Энди француздар Германия армиясининг ўнг қанотига хавф сола бошлади. Парижнинг барча шаҳар транспорти сафарбар қилинди, хусусан, француз армиясининг қисмларини таксиларда ҳам олиб кела бошладилар. Кейинчалик, Марна ёнидаги жангда Париж шофёрлари ғалаба қилдилар, дея айтиб юришган.

5–9 сентябрь кунлари Франция пасттекисликларида 6 та инглиз-француз армиялари билан 5 та герман армиялари иштирокида асосий жанглар бўлиб ўтди. Бу жангларда иккала томондан 6 минг енгил ва 600 оғир артиллерия қуроллари билан 1,5 млн ҳарбийлар қатнашди.

Биринчи куни ёқ фронтнинг қатор қисмларида немислар ҳимояга ўтишга мажбур бўлдилар. Кун сайин уларнинг ахволи қийинлашиб борди. 9 сентябрь куни генерал Мольтке немис қўшинларига Марна дарёсининг ортига чекиниш ҳақида буйрук берди. Шу куни кечкурун немис қўшинлари Эна ва Вель дарёларидан ҳам ортга чекинишга мажбур бўлдилар.

Марна соҳилидаги жанг натижасида томонлар узоқ чўзилган позицияли урушга ўтдилар ва бу ҳол Германия учун ҳалокатли бўлди. «Марна жангининг натижаларига кўра, умуман олганда, уруш бой

берилди», – деб баёнот берган эди герман армияси бош штабининг бошлиғи генерал Фалькенгайн.

1914 йил сентябрда иккала томон ҳам Швейцария чегараларидан Эна дарёсигача бўлган ҳудудда ўз позицияларини мустаҳкамлаб олдилар. Окоплар, ертулалар казилиб, тиконли симлар тортилди. Бутун Фарбий фронт бўйлаб шиддатли жанглар ўз ўрнини артиллерия отишмаларига бўшатиб берди. Узоқ чўзилган позицияли уруш бошланди.

Айни пайтда рус армияси Галицияда австро-венгерлар устидан йирик ғалабани қўлга киритди. Германия ўз иттифоқчисини қўллаб-куватлаш учун зудлик билан у ерга қўшин жўната бошлади.

Агар куруқликдаги уруш харакатларида томонларнинг деярли тенглиги кузатилса, денгизда Антанта сўзсиз устунликка эга эди. 1914 йили Германия ҳарбий-денгиз флоти бир қатор жиддий мағлубиятларга учради. Шимолий денгизни Англия флоти эгаллаб олган, Ўрта Ер денгизи ҳам Англия ва Франция флотлари назорати остида, Кора денгизда эса Россия флоти хўжайинлик қилаётган эди.

Урушнинг биринчи кунларида ёқ қуролнинг янги тури – сув ости кемаларининг катта аҳамияти сезила бошлади. 1915 йил февралгача немис сув ости кемалари рақибларининг битта линкорини<sup>1</sup>, 5 та крейсерини<sup>2</sup>, авианосецини<sup>3</sup>, канонерка<sup>4</sup> ва битта сув ости кемасини гарк қилдилар. Ўзлари еттига сув ости кемасини йўқотдилар.

**Италияning урушга қўшилиши.** Узоқ чўзилган уруш томонларни янги иттифоқчилар излашга мажбур қилди. Италия илгари австро-герман иттифокига қўшилган бўлсада, уруш арафасида ўз бетарафлигини эълон қилган давлатлар қаторига кираади. Уруш бошлангандан сўнг Италия агар урушга киришса қандай манфаат кўриши тўғрисида урушаётган томонлар билан савдолаша бошлади. Музокаралар кўп ойлар давом этди.

Германия ва Австро-Венгрия қўшинлари Марна соҳиларида, Польшада ва Галицияда мағлубиятга учраганларидан сўнг «шиддатли уруш» режаси барбод бўлганлиги маълум бўлиб қолди. Италия ҳукумати Антанта томонидан урушга киришишга қарор қилди. Улар урушдан сўнг Болқондан бир қатор ҳудудларни қўшиб олиш-

<sup>1</sup> Линкор – катта линия кемаси.

<sup>2</sup> Крейсер – линкордан енгилроқ, лекин тез юрар ҳарбий кема.

<sup>3</sup> Авианосеу – самолётлар учиши ва қўниши учун мослашган ҳарбий кема.

<sup>4</sup> Канонерка – кичик ва енгил, тез юрар ҳарбий кема.

ни мүлжаллаган эдилар. 1915 йил майда Италия Австро-Венгрияга уруш эълон қилди ва уруш ҳаракатларини бошлади.

**Шарқий фронтдаги уруши ҳаракатлари.** Ғарбий фронтда вужудга келган позицияли уруш ҳолатидан чиқиши учун Германия қўмондонлиги асосий уруш ҳаракатларини Шарқий фронтга кўчиришга мажбур бўлди. 1915 йил 2 май куни немислар Горлица ва Тирново оралиғида русларнинг ҳимоя чизигини ёриб ўтди. Июлда эса улар Польша ва Литвада йирик ҳужум операциясини бошладилар. Августда Варшава забт этилди. Шу ерда руслар немис қўшинларини тўхтатишга муваффақ бўлдилар. Бу ерда ҳам узоқ чўзилган позицияли уруш бошланди.

1915 йили Ғарбий фронт Германия учун асосий эмасди. Фаол ҳужум ҳаракатлари Бельгиянинг Ипр дарёси ёнидаги жанглар билан чегараланди.

Бу ерга немислар жуда катта эҳтиёткорлик билан кўплаб газ тўлдирилган баллонларни олиб келиб, фронт бўйлаб 6 км масофага жойлаштириб чиқдилар. Баллонларда нафасни бўғувчи газ – хлор бор эди. Немислар кулай вазиятни узоқ кутиб, 22 апрель куни инглиз ва француз қўшинлари томонга шамол эсган пайтда ўзлари ҳимоя ниқобини тақиб олиб газ баллонларининг жўмракларини очдилар. Баллонлардан яшил-сарик рангли туман аста-секин тарқала бошлади. Газ ҳужуми натижасида душман томоннинг 15 минг аскари сафдан чиқарилди, шулардан 5 минги вафот этди.

Кимёвий қуролни урушаётган ҳар икки томон қўллай бошлади. Урушнинг бошида ўз бетарафлигини эълон қилган Болгария, герман блокини қўллаш тўғрисида хуфия келишиб олган эди. 1915 йили австро-герман қўшинлари Шарқий фронтда муваффақиятга эришгандан сўнг баъзи қўшни давлатларнинг ерларидан қўшиб олишга умид боғлаган Болгария Антантага қарши урушга киришишга карор қилди. Натижада Германия, Австро-Венгрия, Туркия ва Болгариядан иборат Тўртлар иттифоки вужудга келди.

**1915 йили денгиздаги уруши ҳаракатлари.** 1915 йили герман флотининг ҳаракатлари асосан Болтиқ денгизидаги кичик операциялар билан чекланади. Айни пайтда Германия сув ости кемаларини кенг қўллай бошлайди. 1915 йил февралда Вильгельм II томонидан имзоланган фармонда шундай дейилади: «Буюк Британия ва Ирландия атрофидаги сув ҳавзалари, Ла-Манш бўғози билан бирга ҳарбий зона деб эълон қилинади. 18 февралдан бошлаб ҳарбий

зонада учраган барча савдо кемалари йўқ қилинади». Шафқатсиз қарокчилик уруши бошланиб, немис сув ости кемалари ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ҳатто бетараф давлатларнинг кемаларини ҳам чўкира бошлади. 1915 йил 7 май куни немис сув ости кемаси инглизларнинг «Лузитания» пароходини чўкириб юбордилар. Унинг бортида 2 минг йўловчи бўлиб, факат 764 киши кутқариб олинди. 1195 киши ҳалок бўлди, шундан 286 нафари аёллар, 94 нафари болалар эди.

Германия томонидан олиб борилаётган сув ости уруши АҚШнинг Антанта давлатлари билан савдосига катта зарар етказаётган эди. «Лузитания» чўкирилгандан сўнг АҚШ Германиядан бу ҳаракатларни тўхтатишин талаб қилди. Германия қўмондонлиги ён беришга мажбур бўлди. Йўловчи кемаларни огоҳлантиришларсиз чўктирмасликка буйруқ берилди.

*Уруши ва иқтисод: давлат бошқаруви.* Миллионлаб кишиларнинг армияга сафарбар қилиниши ва уруш эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши, ишчи кучининг етишмаслигига олиб келди ва хомашё, озиқ-овқат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш кескин камайиб кетди.

Урушда қатнашаётган давлатларнинг бирортаси фронт ва фронт орти эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имкониятига эга эмасди. Урушаётган давлатларнинг хукуматлари ҳалқ хўжалигини тўлиқ уруш эҳтиёжларига бўйсундирдилар. Бу мақсадлар учун саноатда ва бутун хўжалик ҳаётида давлат бошқаруви жорий қилинди. Хомашё заҳиралари давлатнинг қатъий назоратига олинди. Ҳарбий корхоналарни ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида барча урушаётган мамлакатларда ялпи мажбурий меҳнат жорий қилинди.

*1916–1918 йиллардаги уруши ҳаракатлари. Урушнинг якунлашиши. «Вердендаги қирғин».* 1916 йилнинг бошига келиб ҷузилиб кетган уруш Германияни мукаррар ҳалокатга олиб келаётганлиги аниқ бўлиб қолди. Мамлакат ичкарисида ҳам унсиз норозилик хукм сурарди.

Анатантага қарши ҳал қилувчи жангни қаерда бошлаш керак? Үтган йил кўрсатдики, Шарқий фронтда бунинг иложи йўқ. Германия барча эътиборини яна Фарбга қаратишга мажбур бўлди. Аммо бутун фронт бўйлаб умумий операция үтказиш учун энди Германиянинг кучи етарли эмасди. Шунда немислар битта муҳим жойда француzlарга зарба беришга қарор қилдилар.

Шундай жой французлар ҳимоясининг муҳим бүгини бўлган Верден эди. Бу ерда немис қўмондонлигининг фикрича, француз дивизияларини худди тегирмондек «майдалаб» ташласа бўлади.

Верденда катта кучларни тўплаган немислар 1916 йил 21 февралда ҳужум бошладилар. Немисларнинг оғир артиллерияси французлар позициясини аёвсиз бомбардимон қилдилар. Қалин ўрмон ўрнида синган ёғочлар уюми қолди, холос. Французлар фронтнинг бошқа қисмларидан дивизияларини Верденга жўнатишга мажбур бўлдилар. Верден французлар учун урушнинг асосий жангига айланди. Верден қалъасига келадиган йўлни француз аскарлари «муқаддас йўл», «жаннатга йўл» деб атадилар. Чунки бу йўлдан келган жангчилардан жуда озчиликларига тирик қолиш насиб этди.

Октябрь ойига келиб французлар 400 та батареядан немислар позициясini ўқса тутдилар. Немисларнинг позицияси ер билан яксон қилинди. Верденда Германия 600 минг кишисидан айрилди, французлар эса 360 минг кишисини йўқотдилар. Вердендаги ўн ойлик жанг мақсадсиз кирғиннинг рамзига айланаб қолди.

Май ойида Австро-Венгрия Трентинода ҳужумга ўтиб, Италия армиясини қақшатқич мағлубиятга учратди. Антанта Россияга мурожаат қилди. 1916 йил 4 июнь куни генерал Брусилов бошчилиги даги русларнинг Жануби-Гарбий фронти Австро-Венгрия армияси га қарши ҳужум бошлади. Бу жанг тарихда «Брусилов ёриб ўтиши» номи билан қолди ва 1914–1918 йиллардаги жаҳон урушининг энг ёрқин воқеаларидан бири бўлди.

Австро-Венгрия қўшинлари қурол-аслаҳаларини ташлаб тартибсиз қоча бошладилар. Германиянинг ёрдамисиз Габсбурглар империясининг тор-мор бўлиши аниқ бўлиб қолди. Германия омадсиз иттифоқчisinи кутқариш учун Гарбий фронтдан 11 та дивизияни олиб, австрияликларга ёрдамга ташлашга, Верденда ҳужумни тўхтатишга мажбур бўлди.

Брусилов армиясининг муваффакияти инглиз-француз армиясининг 1916 йил 1 июлда Сомма дарёсида қарши ҳужумга ўтиши учун имконият яратди. Дастреба ҳужумнинг кутилмагандан бошланганлиги ва артиллериянинг кучли ёрдами туфайли инглиз-француз қўшинлари муваффакият қозондилар. Аммо муваффакият ўз вактида ривожлантирилмаганданлиги сабабли немислар қўшимча кучларини жалб қилиб, аҳволни ўзгартиришга эришдилар. Уруш бу ерда ҳам узоқ чўзиладиган характер олди. Окопларда ўтирган

немис солдатлари улар томон пулемётдан ўқ узиб, юриб келаётган баҳайбат темир машиналарни қўркинч ва ҳайрат билан кузатдилар. Бу биринчи танклар эди. Улар ҳали мукаммал бўлмаса-да, инглизлар бундан олдин 35 кун жанг қилиб ололмаган муҳим пунктларни эгаллаб олдилар. Аммо биринчи танклар жуда кучсиз ва кам сонли бўлганлиги сабабли урушнинг боришига катта таъсир ўтказиши мумкин эмасди.

Ноябрнинг охирида жанг бутунлай сўнди. Ҳар иккала томондан 1 млн 300 минг киши ҳалок бўлди. Инглиз ва француз қўшинлари 200 км<sup>2</sup> худудни эгаллаб олишга эришдилар. Немисларнинг мустаҳкам ҳимоя чизиги ёриб ўтилмаган бўлса-да, Сомма жангига уруш тақдирида катта роль ўйнади.

**Ютланд денгиз жанги.** Инглиз ва герман флотлари ўртасида бутун уруш давомидаги ягона йирик денгиз жанги 1916 йил Шимолий денгизда бўлиб ўтди. Германия денгиз қўмондонлиги инглиз флотини қисмларга бўлиб тор-мор қилиш режасини ишлаб чиқди. 1916 йил 31 май – 1 июнь қунлари Ютландия кирғоқларида иккала флотларнинг крейсерлар эскадралари тўқнашди. Инглизларнинг кучи баланд келганлиги сабабли немис флоти қўмондони Шеер зудлик билан ўз базаларига чекиниш тўғрисида буйруқ беришга мажбур бўлди.

Жангда инглизлар 14 та кемаларини йўқотди, немислар эса 11 та, аммо жанг инглизлар фойдасига ҳал бўлди. Шу жангдан кейин немис флотининг асосий кучлари уруш охиригача очиқ денгизда бошка кўринмади.

**Руминиянинг урушга қўшилиши.** Жануби-Гарбий фронтда рус қўшинларининг ғалабаси таъсири остида 1916 йил 28 август куни Руминия Антанта томондан урушга қўшилди. Бухарестда тузилган маҳфий шартномага қўра Антанта давлатлари Руминияга Трансильванияни, Буковинанинг бир қисмини ва Банатни қўшиб беришни ваъда қилдилар.

1917 йили Греция ҳам Антанта томонидан урушга қўшилди.

**Урушнинг якуний босқичи.** 1917 йил баҳорда Антанта давлатлари урушда бурилиш ясаш учун самараасиз ҳаракат қилдилар. Уруштаётган томонларнинг ҳолдан тойғанлиги аниқ бўлиб қолган эди. Урушнинг бошидаги ватанпарварлик хиссиятлари урушга қарши кайфият билан, ҳалқларни қонли ва бесамар урушга жалб қилган хукуматларга қарши ғазаб билан алмашди. Германияда уруш-

га қарши чиқишлиар бошланиб кетди. Россияда 1917 йил Февраль инқилобидан сүнг армияда жанговарлик сусайиб кетди, 1917 йил ёзда Франция армиясида ҳам тартибсизликлар бошланди. Англия, Франция, Италияда ишчилар урушга қарши шиорлар билан чиқа бошладилар.

Бундай вазиятда АҚШнинг Антанта томонидан урушга кириши катта аҳамиятга эга бўлди. 1914–1916 йиллари АҚШ Антантанинг энг йирик кредиторига айланган эди. АҚШ Россиядаги 1917 йилги Февраль инқилобидан сүнг анча сусайиб колган ўз қарздорларининг мағлубиятига йўл қўя олмасди.

АҚШнинг урушга қўшилиши учун баҳона етарли эди. Германия Англияга қарши сув ости уруши эълон қилган бўлиб, бир неча бор АҚШ кемалари ҳам бу урушнинг курсонига айландилар. Айниksa, йўловчи ташувчи «Лузитания» кемасининг чўқтирилиши АҚШнинг катта норозилигига сабаб бўлди. АҚШ президенти В.Вильсоннинг сулҳ гузишда воситачилик қилиш таклифи Марказий давлатлар иттифоқи томонидан рад этилди, бу эса АҚШга 1917 йил 6 апрель куни уларга қарши уруш эълон қилиш учун асос бўлди.

1917 йил Октябрь давлат тўнтаришидан сүнг Россия амалда урушдан чиқди. 1917 йил 2 декабрь куни Брест-Литовскда Совет Россияси билан Германия ўртасида яраш сулҳи имзоланиб, тинчлик тўғрисида музокаралар бошланиб кетди. 1918 йил марта Брест тинчлик сулҳи имзоланди. Тинчлик шартномасининг шартлари Россия учун жуда оғир бўлди. Германия Польшани, Болтиқ бўйини ва Белоруссиянинг бир қисмини босиб олган эди. Рус қўшинлари Украинадан, Финляндиядан, шунингдек, Туркияга берилиши лозим бўлган Ардагандан, Карсдан ва Батумдан олиб чиқилиши лозим эди. Совет Россияси Германияга 6 млрд марка контрибуция (товоң) ҳам тўлайдиган бўлди. Россиянинг урушдан чиқиши билан Германия битта – Фарбий фронтда уруш олиб борадиган бўлди.

1918 йилнинг ўрталарига келиб АҚШ Европага 1 млн га яқин қўшин киритган эди. АҚШ қўшинлари Англия ва Францияга немисларнинг сўнгги хужумларини қайтаришга ёрдам берди. Россиянинг урушдан чиққанлиги ва Германия билан яширин сулҳ тузганлигидан фойдаланган немислар ва уларнинг иттифоқчилари урушда бурилиш ясашга ҳаракат қилиб кўрдилар. 1917 йил охирида Каперетто ёнида мағлубиятга учраган Италия ҳам ҳалокат ёқасига келиб қолган эди. 1918 йил ёзида Германия Фарбий фронтда кенг

миқёсли хужум ташкил қилди, аммо унинг кўшинлари бир неча ўн километрга силжий олди, холос. Бу охирги уриниш бўлди, Марказий давлатларнинг силласи куриган эди. Август ойида Антанта давлатлари ташаббусни ўз кўлларига олиб, барча фронтларда хужумга ўтдилар.

1918 йил сентябрда Болгария урушдан чиқди, шу йил октябрда Антанта ва Туркия ўртасида яраш сулҳи тузилди. Австро-Венгрия империясининг тарқалиш жараёни бошланди. Чехословакия ва Венгрия ўз мустақилликларини эълон қилдилар, 3 ноябрда Австрия ва Венгрия урушдан чиқдилар. Бундай шароитда ўзи ҳам инқилобий ҳаракат ўчогига айланган Германия иттифоқчиларнинг шартлари асосида улар билан сулҳи тузишга мажбур бўлди.

### **Биринчи жаҳон урушининг муҳим кўрсаткичлари**

Урушнинг давомийлиги	4 йил-у 3,5 ой	Сафарбар қилинган кучлар сони	74 млн дан зиёд
Урушда қатнашган давлатлар сони	38	Ҳалок бўлғанлар ва ярадор бўлиб ўлғанлар сони	13,6 млн дан зиёд
Урушаётган давлатларда аҳоли сони	1,5 млрд	Яраланган ва ногирон бўлғанлар сони	20 млн дан зиёд
Уруш ҳаракатлари олиб борилган худуд	4 млн кв км дан зиёд	Моддий йўқотишлар. Жумладан, ҳарбий харажатлар.	360 млн \$ 208 млн \$

1918 йил 7 ноябрь куни Германия делегацияси ўтирган автомобиллар оқ байроқларини ҳилпиратиб фронт линиясини кесиб ўтди. Делегацияга католик марказ партиясининг лидери Эрцбергер бошчилик қилди. Улар ўтирган поезд Компъен ўрмонидаги Ретонд станциясига келиб тўхтади. Бу ерда француздарни Фош немисларга ярашиш шартлари ёзилган шартнома нусхасини топширди.

1918 йил 11 ноябрь куни Германия делегацияси Антанта давлатлари томонидан кўйилган шартларни имзолади. Эрталаб соат 11 да артиллериядан 101 марта салют берилиб, уруш якунланганлиги эълон қилинди.

\* \* \*

1914–1918 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши шу тариқа якунланди. Германия ва унинг иттифоқчилари мағлуб бўлдилар. Голиб

давлатлар томонидан Германиянинг таланиши, уни тиз чўқтириш учун қилинган ҳаракат унга қарши реакция сифатида реваншизмнинг пайдо бўлишига олиб келди ва фашистларнинг ҳокимиятга келишини осонлаштирди. Аслида миллионлаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган, катта миқёсдаги ҳалокатга олиб келган урушдан деярли ҳеч бир давлат тўғри хулоса чиқармаган эди. Бу эса биринчи сидан ҳам даҳшатли гуманитар ҳалокатга – Йиккинчи жаҳон урушига олиб келди.

### **XXVIII боб бўйича саволлар**

1. Биринчи жаҳон уруши унда иштирок этган давлатларнинг мақсадларига кўра қандай характерга эга эди?
2. Урушаётган давлатларда ҳалқ урушга қандай муносабатда бўлди?
3. «Шлиффен режаси» қандай режа эди?
4. Биринчи жаҳон уруши олдинги даврлардаги урушлардан қайси жиҳатлари билан фарқ қиласди?
5. Биринчи жаҳон урушининг якунлари асосан қайси давлатларнинг манфаатларига мос эди?
6. Урушдан давлатлар ва ҳалклар қандай хулосалар чиқардилар?

## ХУЛОСА

Биз 100 йилдан зиёдрок давр тарихига назар солдик. Хуш, индустрисал цивилизация қарор топган ва гуллаб-яшнаган бу даврда қандай ўзгаришлар юз берди?

Аввало, янги давр кишиси шаклланди. XVIII асрда пайдо бўлган инсоннинг табиий ва узвий ҳукуклари тўғрисидаги таълимот жамият ҳаётида янада кенгроқ намоён бўла бошлади. Сиёсий тузумлар ўзгарди, абсолют монархиялар ўтмишда қолиб кетди ва ўрнини чекланган (конституцион) монархияларга ва республикаларга бушатиб берди.

Парламент фаолияти қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари бир-биридан ажратилган ҳукукий давлатнинг шаклланишига кўмаклашди. Бундай давлатларда шахс ҳукуки кафолатланди, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи ўрнатилди.

Ҳукукий давлат фуқаролик жамиятининг ривожланишини таъминлади: шахсий эркинликлар кенгайди; феодал қарамлиқдан озод бўлиш жараёни давом этди; маҳаллий бошқарув органлари шаклланди; иттифоқлар ва сиёсий партиялар ташкил қилинди; аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳукуқлигини таъминлаш учун кураш олиб борилди; виждан эркинлиги эълон қилинди ва кафолатланди.

XIX аср – XX аср бошларида диннинг инсон онгига таъсири сусайди, кўплаб мамлакатларда дунёвий таълим йўлга кўйилиб, диний муассасалар давлатдан ажратилди. Жамиятда фаннинг роли ортди, энди унинг ёрдамисиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш мумкин бўлмай қолди. Фандаги ихтиrolар саноат ва қишлоқ хўжалигига жорий қилинди. Темир йўллар, пароходлар, автомобиллар, самолётлар, электр ёриткичлар, телефон, телеграф ва бошқа кўплаб ихтиrolар инсон ҳаётини ўзгартириб юборди.

Саноат тўнтаришининг якуланиши эркин рақобатли капитализмга, унинг кейинги ривожланиши эса «ташкиллаштирилган капитализм»га – империализмга олиб келди. Йирик корпорациялар пайдо бўлди, монополиялар ташкил топди, айни пайтда майда ва ўрта корхоналар ҳам сақланиб қолди.

Жамиятнинг ижтимоий таркибида ўзгаришлар юз берди: аристократиянинг иқтисодий қудрати ва сиёсий ҳокимияти сусайди, буржуазиянинг қудрати ошди; дәхқонларнинг сони камайиб, унинг ўрнига фермерлик келди; турли касб эгаларидан иборат ўрга синф шаклланди, улар орасида зиёлилар етакчи ўринни эгаллади.

XIX аср Европада инқилоблар даври бўлди. Аммо бу даврдаги инқилоблар тажрибаси улар жамиятдаги барча муаммоларни ҳал қилишнинг энг тўғри ва ягона йўли эмаслигини кўрсатди.

XIX аср охирига келиб илғор мамлакатларда хукуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиб, Англия, Германия, Франция, АҚШ каби давлатларда бир қатор ижтимоий ислохотлар ўtkазиш учун имкониятлар яратилди.

Миллатлар ва миллий онгнинг шаклланиши миллий чегараларни кенгайтириш ва миллий давлатлар тузиш учун курашни авж олдирди. Индустрисал давлатлар мустамлака империяларини яратиб, Осиё, Африка ва Лотин Америкасини таъсир зоналарига бўлиб олиш учун интилдилар, бу эса урушларга олиб келди.

Бу даврда ҳам инсоният ўз олдида турган муаммоларни тинч музокаралар орқали ҳал қилишнинг йўлларини топа олмади.

## ГЛОССАРИЙ

Амъен тинчлик сулҳи	1802 йили 27 март куни бир томондан Франция, Испания, Батав республикаси (Голландия), иккинчи томондан Англия ўргасида имзоланди.
«Атлантик инқилоб»	XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида Атлантика океанининг иккала томонида юз берган инқилобий воқеалар алоҳида жараёнини акс эттиради деган ғоя.
«Атлантик цивилизация»	Хозирги кунда Гарб цивилизацияси деб аталадиган тушунча дастлаб шундай номланган.
Бур	Голландчасига «дехкон» дегани.
«Воқеалар кундалиги»	1832 йилдан турк тилида нашр қилина бошлаган биринчи газета.
Декаденс	Буржуа жамиятидан нафратланадиган, лекин унга қарши ҳар қандай курашдан бош торган турли йўналишдаги талантларни ўзида бирлаштирган мурракаб ва зиддиятли ҳодиса.

«Дзиюто»	Япония либерал партияси.
«Дранг нах Остен»	Вильгельм II нинг «янги курси». Бу Европада ҳукмронликка интилиш, Африка, Осиё ва Океанияда таъсир доираларини қайта бўлиш, Болқонда, Якин, Узок ва Ўрта Шарқда мустаҳкам ўнашиб олиш учун кураш курси эди. Бу сиёsat «Дранг нах Остен» (Шарқка шиддатли юриш) номини олди.
«Ер лигаси»	1879 йили тузилган ирланд дехконлари ташкилоти.
Имперессионистлар	К. Маненинг «Таассурот. Қуёш чиқиши» асаридан олинган (таассурот французчасига impression булади).
«Инсон ва фуқаро ҳукуқлари декларацияси»	1789 йили Францияда қабул қилинган ҳужжат.
«Зя Лонг кодекси»	Вьетнамда 1812 йили эълон қилиниб, у XV асрдан бери амалда бўлган конунлар мажмуаси ўрнига жорий қилинди.
«Кайсито»	Япония ислохотлар партияси.
«Катта учлик»	XIX асрнинг охирида АҚШда шаклланган – Рокфеллар (нефть), Морган (молия), Карнеги (пўлат) – монопол бирлашмалар.
«Калта қиличлар» жамияти	1853 йилнинг сентяброда Шанхайдаги исён кўтариб, 1885 йилгача шаҳарни эгаллаб турган кўзғончилар жамияти.
«Культуркампф»	Маданият учун кураш.
Люневиль тинчлик сулҳи	1801 йил 9 февраль куни Австрия билан имзоланиб, унга кўра Франция чегараси Рейнгача чўзилди.
«Мидҳат конституцияси»	1876 йил 23 декабрда қабул қилинган бўлиб, унга кўра Туркия конституцион монархия деб эълон қилинган.
«Миллий республикачилилар»	1820-йилларда АҚШда республикачилар партиясининг ичida саноат буржуазияси манфаатларини ифода этувчи гурӯҳ.
Муқаддас иттифоқ	Европада миллий-озодлик ва инқилобий ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишига қарши бирлашиб кураш олиб боришни кафолатлаш мақсадида Муқаддас иттифоқ тузилди.
«Мэйдзи» инқилоби	Император Мацухито ҳукмронлиги расман Мэйдзи деб аталиб, айнан «маърифатли бошқарув»ни англатарди.

Натуралистлар	Табиат қонунларини механик равишда кишилик жамиятига татбиқ қиладиганлар ўзларини реалистлар деб агадилар.
«Оқ рожалар»	Бу сулола Саравакни Йиккинчи жаҳон урушигача бошқарган.
«Рад этилган асарлар салони»	1863 йили император Наполеон III рад этилган асарлар кўргазмасини ташкил қилишни буюрди ва уни шундай атадилар.
Скваттерлик	Инглизча squatting – ноқонуний эгаллаб олиш – ташлаб кетилган ёки кўчидан келинмаган жой ёки бинони унинг мулкдори ёки арендатори бўлмаган, шунингдек, фойдаланиш учун бошқа бир рухсатномага эга бўлмаган шахс томонидан эгаллаб олиниши. Инглизча сўзлашувчи мамлакатларда кичик ер эгаси ҳам шундай деб аталади.
«Ташвиқот ҳаракати»	Испанияга келиб ташвиқот олиб борган Филиппинлик мухолифатчилар гурухи.
«Тохнаклар қўзголони»	1893 йили Кореяда содир бўлган дехқонларнинг оммавий ҳаракати.
«Тузем кодекси»	Жазоирда маҳаллий аҳоли билан европаликлар муносабатини тартибга солувчи қонунлар мажмуаси (1881 йил).
«Халқ хартияси»	(хартия инглизчасига – «чартер») ушбу дастур Англияда сиёсий тузумни босқичма-босқич демократизациялашни назарда тутган эди.
«Шарқий экспресс»	XIX асрнинг 80-йиларида Лондон билан Константинопол ўргасида қатнай бошлаган машхур темир йўл алоқаси.
«Шлиффен режаси»	Германиянинг биринчи жаҳон урушидаги режаси уни ишлаб чикишга раҳбарлик килган бош штаб бошлигининг номи билан шундай аталган.
Энжумен	Табризда ташкил қилинган Эрондаги биринчи сайланадиган инқилобий орган.
«Янги уйғунлик»	Индиана штатида Сен Симон томонидан ташкил қилинган меҳнат коммунаси.
«Ўз-ўзинни кучайтириш» («цзи цян» ) сиёсати	Хитойнинг хукмдор доираларида ғарб мамлакатларининг даромад манбаига айлантириш хавфини солиб турган ёқимсиз ҳолатдан чикишга уриниш.

«Қора бургут»	Пруссиянинг олий мукофоти.
«Күтқарув иттифоқи»	Россияда 1816 йили тузилган ёш дворян офицерларнинг биринчи махфий ташкилоти.
«1814 йил хартияси»	Францияда конституцион монархия режимини ўрнатган янги конституция.
«1812 йил фарзандлари»	1812 йилги урушдан кейин дворянлар орасида шаклланган ижтимоий-сиёсий оқим тарихда декабристлар ҳаракати қатнашчилари ўзларини шундай атаганлар.

## ХРОНОЛОГИЯ

1799 йил	Францияда янги конституция қабул қилинди.
1800 йил	Модслей томонидан металлдан ясалган биринчи замонавий токарлик станоги ихтиро қилинган.
1801 йил	Париждә 150 та заводнинг маҳсулотлари намойиш қилинган кўргазма бўлиб ўтди.
1801 йили	Грузия Россия таркибиغا қўшиб олинди.
1801 йил 9 февраль	Люневиль тинчлик сулҳи имзоланди.
1802 йили 27 март	Амьен тинчлик сулҳи имзоланди.
1803 йили	Мэтью Флиндерс қирғоқ бўйлаб сузиб, қитъанинг ҳаритасини яратди ва уни «Австралия» деб аташни таклиф қилди.
1804 йил	Наполеон кодекси қабул қилинди.
1805 йил 26 декабрь	Франция ва Австрия ўртасида Пресбург шартномаси имзоланди.
1807 йил 7 июль	Тильзит сулҳи имзоланди.
1808 йил	Жозеф Мари Жаккар тўкув дастгохини яратди.
1809 йил 14 октябрь	Альтенбург сулҳи имзоланди.
1811 йил 5 май	Венесуэлада Миллий конгресс йигилиб, мамлакат мустақиллигини эълон қилди.
1812 йили	Вьетнамда «Зя Лонг кодекси» эълон қилинди.
1812 йили	Россия ва Туркия ўртасида Бухарест шартномаси имзоланган.
1812 йил 23 июнь	Наполеон қўшинлари Россияга бостириб кирди.
1812 йил 7 сентябрь	Бородино жанги бўлиб ўтди.
1813 йили	Мексиканинг мустақиллиги эълон қилинди.
1813 йил октябрь	Россия ва Эрон ўртасида Гулистан шартномаси имзоланди.

1814 йил 6 апрель	Наполеон таҳтдан воз кечгандык түғрисидаги актга имзо чекди.
1814 йил 17 май	Норвегия ва Швеция унияга бирлашди.
1814 йил декабрь	АҚШ ва Англия ўртасида Гентда тинчлик шартномаси имзоланди.
1815 йил	Европада «Мұқаддас Иттифок» тузилди.
1815 йил 18 июнь	Брюссель яқинидаги Ватерлоо деган жойда еттинчи коалиция құшинлари Наполеон армиясини тормор килди.
1818 йили	Аахенда «Мұқаддас иттифок»нинг биринчи конгресси бұлып үтди.
1820 йили	Бахрайн билан Англия ўртасида Тинчлик түғрисида бош шартномаси имзоланди.
1821 йил 5 май	Наполеон Мұқаддас Елена оролида вафот этди.
1823 йили	Монро доктринасы әълон қилинди.
1825 йили	Биринчи темир йүл Георг Стефенсон томонидан Англиянинг Стактон ва Дарменгтон шаҳарлари ўртасида курилди.
1825 йил	Англияда аграр инқилоб якунланди.
1825 йил	Англияда биринчи иқтисодий инқизорз юз берди.
1828 йил февраль	Табриз-Техрон йүлида жойлашган Туркманчай қишлоғыда рус-эрон шартномаси имзоланди.
1829 йил 14 сентябрь	Адрианополь сұлхы имзоланди.
1832 йил	Турк тилемде биринчи газета – «Воқеалар кундалиги» нашр қилина бошлади.
1832 йили	Польша қыроллiği Россия империясининг таркибий қисми деб әълон қилинди.
1833 йил 8 июль	Хункар-Искелеси деб номланған рус-турк иттифок шартномаси имзоланди.
1837 йили	Англияда қыролича Виктория (1819–1901) ҳокимиятта келди.
1839 йили	Парижлик рассом ва физик Луи Дагер биринчи марта суратта олишнинг техник усулини яратди.
1838–1842	Биринчи инглиз-аффон уруши.
1839–1842 йиллар	Хитойда биринчи «афюн уруши».
1840 йил	Рус химиги Г.И.Гесс (1802–1850) иссиқлик қонунини кашф этди.
1845–1846 йиллар	Биринчи инглиз-сикх уруши.
1847 йил	Жазоир французлар томонидан тұлық забт этилди.

1848 йил	Эронда бабийлар құзғолони бошланды.
1848–1849 йилдар	Иккінчи инглиз-сикх уруши.
1850 йили	Америкалик Исаак Зингер томонидан тикув машинаси іхтиро қилинди.
1850–1856	Хитойда Тайпинлар ҳаракатининг биринчи босқичи.
1853 йили	Хиндистондаги биринчи темир йўл Бомбейда қурилди.
1853 йили	Уммон билан Англия ўргасида «абадий тинчлик» тўғрисида шартнома тузилди.
1855 йили	Француз муҳандиси Фердинанд Лессепс Ўрта Ер денгизи билан Қизил денгизни боғловочи «Сувайш каналини қазиш учун умумий компания» ташкил қилишга рухсат олди.
1856 йил	Анилинли кристаллар кашф қилинди.
1856 йили	Эрон билан АҚШ «дўстлик ва савдо» тўғрисида шартномани имзолади.
1856 йил март	Париж тинчлик сулҳи имзоланди.
1856–1860	Хитойда иккінчи «афюн уруши».
1858 йили	Россия ва Хитой ўргасида Айгун ва Тяньцзин шартномалари имзоланди.
1858 йил	Хўжаликнинг барча тармоқларларига ёйилган дунё иқтисодий инқизози юз берди.
1860 йил ноябрь	Пекин шартномаси номини олган келишувни Хитой билан Россия имзолади.
1861 йил	Италия бирлаштирилди.
1861 йил	АҚШда фуқаролар уруши бошланди.
1861 йил 19 февраль	Россияда крепостной ҳуқуқ бекор қилинди.
1862 йил 23 сентябрь	Бисмарк Пруссиянинг вазир-президенти лавозимига тайинланди.
1864 йил 30 октябрь	Австрия ва Дания ўргасида Венада тинчлик сулҳи тузилди.
1865 йил февраль	Конгресс конституцияга АҚШ нинг бутун худудида кулликни тақиқловочи 13-тузатишни қабул қилди.
1867 йили	Америкалик газета муҳаррири ва ношир Летэк Шоулс ёзув машинкасини іхтиро қилди.
1869 йил	Японияда «Мэйдзи тугалланмаган буржуа ин-қилоби» содир бўлди.
1870 йил 4 сентябрь	Францияда Учинчи республика таъсис этилди.

1871 йилда	Япониянинг ягона давлатта бирлашиш жарағни якунланди.
1871 йил январь	Пруссия императори Вильгельм I Германия императори деб эълон қилинди.
1871 йил 18 март	Париж коммунаси.
1873 йил 11 февраль	Испания республика деб эълон қилинди.
1875 йили	Сахалин муаммоси Россия билан Япония ўртасида имзоланган Петербург шартномаси орқали тартибга солинди.
1875–1917 йиллар	Испанияда «Реставрация даври».
1876 йили	Рус олими П.Н.Яблочков (1847–1894) электр ёйли чироқни («электр шамни») ихтиро қилди.
1876 йил 26 февраль	Канхва оролида Корея ва Япония ўртасидаги тенг бўлмаган шартномаларидан биринчиси имзоланди.
1876 йил 23 декабрь	Янги қабул қилинган «Мидхат конституцияси» Туркияни конституцион монархия деб эълон қилди.
1877 йили	Биринчи буғ билан иситиш тармоғи Американинг Лакпорт шаҳрида яратилди.
1877 йили	Томас Эдисон фонограф – инсон нутқини ёзиб оладиган аппарат яратди.
1878 йил	Англия ва Афғонистон ўртасида Гандамак шартномаси имзоланди.
1878 йил 3 марта	Сан-Стеванода сулҳ шартномаси имзоланди.
1878–1880	Иккинчи инглиз-афғон уруши.
1879 йили	Норвегиялик олимлар физик Максимилиан Гульдберг (1836–1902) ҳамда химик Петер Вааге (1833–1900) таъсир этувчи масалалар қонунини кашф этдилар.
1879 йили	Вернер Сименс узунлиги 300 м бўлган электр тортили тор изли темир йўл курди.
1881 йили	Рус химиги М.Г. Кучеров (1850–1911) ацетилен углеводлари симоб оксиди тузларининг каталитик таъсири остида гидратланиши реақциясини кашф этди.
1881 йили	Лондонда «Демократик федерация» деб номланган ташкилот вужудга келди.
1884–1889 йиллар	Буғ турбинаси ихтиро қилинди.
1885 йил	Ички ёнув двигатели ихтиро қилинди.

1885 йил	Тяньцзин шартномасидан кейин Вьетнам тарихида янги давр – Франция мустамлака империяси таркибидаги даври бошланади.
1885 йил	Инглиз Г. Бессемер ва француз П. Мартинлар пўлат қуювчи печни ихтиро қилишди.
1885 йил декабрь	Бомбейда Хиндистон тарихида биринчи нодиний, умуммиллий, амалда парламент ташкилоти – Хиндистон миллий конгрессининг (ХМК) таъсис мажлиси бўлди.
1887 йили	Швед химиги Сванте Аррениус (1859–1927) электролит диссоциация назариясини таклиф этди.
1887 йили	Франция Хиндихитой иттифоқининг тузилганлигини эълон қилди.
1887 йили	Россия ва Англия ўртасида «Афғонистонда чегараларни белгилаш» тўғрисидаги келишув имзоланди.
1889 йили	Япония конституцияси эълон қилинди.
1889–1990 йиллар	Брюссель конференцияси қул савдосини тақиқлади.
1891 йили	Россия билан Франция ўртасида Учлар иттифоқига қарши мудофаа келишуви имзоланди.
1894 йили	Саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми бўйича Америка Кўшма Штатлари барча капиталистик мамлакатларни кувиб ўтди ва дунёда биринчи ўринга чиқиб олди.
1895 йили	Швецияда Европадаги биринчи электрлашган темир йўл курилди.
1895 йил 17 апрель	Симоносеки шартномаси бўйича Хитой Корея-нинг мустақиллигини тан олди.
1896 йили	Биринчи олимпия ўйинлари Афинада бошланди.
1896 йили	Сиамни таъсир доираларига бўлиш тўғрисида инглиз-француз шартномаси имзоланди.
1896–1899 йиллар	Дизель мотор ихтиро қилинди.
1897 йил 1 ноябрь	Филиппин республикасининг Мувакқат конституцияси қабул қилинди.
1898 йил	Парижда биринчи автомобиль кўргазмаси бўлиб ўтди.
1898 йил декабрь	Америка-испан шартномаси имзоланиб, унга биноан Филиппин 20 млн доллар эвазига АҚШга сотилди.
1899–1902	Инглиз-бур уруши.

1899 йили	Турин шаҳрида «Фиат» автомобилсозлик фирмасига асос солинди.
1900 йили	Француз химиги Виктор Гринъяр (1871–1935) хилма-хил органик моддаларни синтез қилиш усулини кашф этди.
1900 йили	Граф Фердинанд фон Цеппелин (1838–1917) ўзининг бошқариладиган, 128 метр узунликдаги дирижаблини (цеппелин) фазога кутарди.
1900 йили	Австралиядаги мустамлакалар Британия империясининг доминиони сифатида Австралия иттифоқига бирлашдилар.
1902–1903 йиллари	Ака-ука Райтлар бензинли двигатель ўрнатилган планерда учдилар.
1903 йил	Аэроплан ихтиро қилинди.
1903 йили	Усмонийлар империяси ва Германия ўртасида Бағдод темир йўлини қуриш бўйича шартнома имзолади.
1904 йили	Англия билан Франция ўртасида ҳарбий иттифок тўғрисида имзоланган ва Антанта номини олган шартнома тузилди.
1905 йили	А.Эйнштейн нисбийликнинг маҳсус назариясини ўз маколаларида баён этди.
1905 йил	Россияда биринчи рус инқилоби бошланди.
1905 йили	Норвегия Швециядан ажralиб чиқди.
1905–1911 йиллар	Эронда буржуа-демократик инқилоби содир бўлди.
1906 йил 15 январдан 7 апрелгача	Альхесирасс конференцияси бўлиб ўтди.
1906–1907 йиллари	Ҳинд мусулмонларининг партияси – Мусулмон лигаси ташкил қилинди.
1907 йил август	Эрон, Афғонистон ва Тибетда таъсир доираларини аникловчи рус-инглиз шартномаси имзоланди.
1908 йили	Италияда Ж. Беллузо буғ турбинали локомотивни яратди.
1910 йил 5 октябрь	Португалияда республикачилар мамлакатни республика деб эълон қилди.
1911–1912 йиллар	Хитойда Синъхай инқилоби юз берди.
1912 йили	Сунъ Ятсен Гоминъдан («Миллий партия») партиясига асос солди.

1912 йил	Лозанна тинчлик сулҳига кўра Усмонийлар империяси Ливияни тўлиқ Италияга берди.
1914 йил 18 июль	Австро-Венгрия Сербияга уруш эълон қилиши билан Биринчи жаҳон уруши бошланди.
1918 йил марта	Брест тинчлик сулҳи имзоланди.
1918 йил октябрь	Антанта ва Туркия ўртасида яраш сулҳи тузилди.
1918 йил 11 ноябрь	Германия делегацияси Антанта давлатлари томонидан қўйилган шартларни имзолади. Уруш тугади.

## **Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:**

- Абрамова Н.Г.* Вспомогательные исторические дисциплины: Учеб. пособие. М.: «Академия», 2008.
- Абрамова С.Ю.* Африка: четыре столетия работорговли. Изд. 2-е. М.: «Наука», Гл. ред. вост. лит., 1992.
- Альперович М.С., Слезкин Л.Ю.* История Латинской Америки с древнейших времен до начала XX в. М., 1991.
- Безотосный В.М.* Наполеоновские войны. М.: «Вече», 2010.
- Бек У.* Общество риска. На пути к другому модерну. М., 2000.
- Борзова Е.П.* История мировой культуры. – СПб.: «Лань», 2002.
- Бурстин Д.* Американцы: демократический опыт. М., 1993.
- Бурстин Д.* Американцы: национальный опыт. М., 1993.
- Васильев Л.С.* Всеобщая история: Учеб. пособие: В 6 т. Т. 4. Новое время (XIX в.) М.: «Высшая школа», 2010.
- Васильев Л.С.* История Востока. М., 2003.
- Вилар Пьер.* История Испании. – М.: «АСТ; Астрель», 2006.
- Всемирная история.* Весь школьный курс в таблицах/ сост. М.Ю. Дуда. – Минск: «Современная школа: Кузьма», 2011.
- Всемирная история: учебник для вузов /Под ред. Г.С. Поляка, А.Н. Марковой.* – М.: ЮНИТИ, 2000.
- Всеобщая история/ С.В.Новиков, А.С. Маныкин, О.В. Дмитриев.* – М.: «АСТ: СЛОВО: Полиграф-издат», 2012.
- Гизо Ф.П.* История цивилизации в Европе. М.: «Территория будущего», 2007.
- Графский В.Г.* Всеобщая история государства и права. – М., 2000.
- Дворниченко А.Ю.* Российская история с древнейших времен до падения самодержавия: Учеб. пособие. М.: «Весь Мир», 2010.
- Дорогова Л.Н.* Западноевропейская культура Нового времени. – М., 2001.
- Душенко К.В.* Всемирная история в изречениях и цитатах. – М.: Эксмо, ИНИОН РАН, 2008.
- Дэвис Н.* История Европы. М.: «АСТ», 2006.

*Елисеевф В. и Елисеевф Д.* Цивилизация классического Китая. М., 2007.

*Загладин Н.В.* Всемирная история: XX век: Учебник для 11 класса общеобразовательных учреждений. – 8-е изд. – М.: ООО «ТИД «Русское слово – РС», 2006.

*Искусство нового времени.* СПб., 2000.

*История международных отношений: основные этапы с древности до наших дней:* Учеб. пособие. М.: «Логос», 2007.

*История мировых цивилизаций: учебное пособие /* коллектив авторов; под науч. ред. Г.В. Драча, Т.С. Паниотовой. – М.: КНОРУС, 2012.

*История России с древнейших времен до начала ХХI века: учебное пособие для студентов вузов /* М.М. Горинов, А.А. Горский, А.А. Данилов и др. – 6-е изд., пересмотр. – М.: «Дрофа», 2005.

*История южных и западных славян. Том 1. Средние века и новое время.* / Под ред. Г. Матвеева. – Изд-во МГУ, 2001.

*Кантемирова Р.И.* Новая история стран Европы и Америки: Учебно-методические материалы для студентов 2–3 курсов по специальности «032600 – История». – Стерлитамак: Стерлитамакский гос. пед. ин-т, 2003.

*Карл Вацелка.* История Австрии. М., 2007.

*Колесов В.П., Осьмова М.Н.* Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. М., 2000.

*Контрольно-измерительные материалы. История Нового времени: 8 класс /* Сост. К.В. Волкова. – М.: ВАКО, 2011.

*Кравцова М.Е.* История культуры Китая. – СПб., 2003.

*Культурология: История мировой культуры. Учебное пособие /* Под ред. Марковой А.Н. М., 1995.

*Ларин Е.А.* Латиноамериканская цивилизация. М., 2007.

*Ливи Баччи, Массимо.* Демографическая история Европы / Серия «Становление Европы» / Пер. с итал. А. Миролюбовой. – СПб.: «Александрия», 2010.

*Мак-Нил У.* Восхождение Запада. История человеческого сообщества. Киев; М., 2004.

*Маныкин А.С.* Новая и новейшая история стран Западной Европы и Америки. – М.: Слово; Эксмо, 2004.

*Мировые войны XX века. Кн. 1 – 4.* М., 2002.

*Национальная идея в Западной Европе в Новое время.* М., 2005.

*Новая история стран Азии и Африки. XVI–XIX вв. : Учебник для студ. высш. учеб. заведений /*(А.М. Родригес и др.); под ред. А.М. Родригеса: в 3 ч. – М.: Гуманитар. изд. центр «Владос», 2008.

*Новая история стран Европы и Америки /*(Виноградов В.Н. и др.) – М.: «Дрофа», 2005.

*Новая история стран Европы и Америки: Учебник для вузов /*Под ред. И.М. Кривогузя. – М.: «Дрофа», 2003.

*Понамарев М.В., Смирнова С.Ю. Новая и новейшая история стран Европы и Америки: Практическое пособие: Учебное пособие для студентов высш. учеб. заведений: В 3 ч.* – М.: «Владос», 2000.

*Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Мировая художественная культура.* – М., 2000.

*Сенченко А.И. Государство и право, история и культура Великобритании и США.* – М., 2005.

*Согрин В.В. История США.* – СПб.: «Питер», 2003.

*Тарле Е.В. Политика.* – М., 2011.

*Тойнби А.Дж. Постижение истории: избранное, 1934–1961.* – М.: «Айрис пресс», 2008.

*Трещёткина И.Г. Всемирная история в таблицах и схемах.* – СПб.: ООО «Виктория плюс», 2011.

*Тюлар Ж. Наполеон, или Миф о «спасителе».* – М.: Издательство АО «Молодая гвардия», 2012.

*Уэллс Г.Д. Всеобщая история мировой цивилизации.* 2-е изд. – М.: «Эксмо», 2007.

*Фергюсон А. Опыт истории гражданского общества.* – М., 2002.

*Философия истории: Учеб. пособие /*Под ред. проф. А.С. Понарина. – М.: «Гардарики». 1999.

*Фортунатов В.В. История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров.* – СПб.: «Питер», 2012.

*Фортунатов В.В. История мировых цивилизаций.* СПб.: «Питер», 2011.

*Хайдеггер М. Бытие и время.* – М., 2007.

*Хантингтон С. Становление цивилизаций.* – М., 2003.

*Хидаятов Г.А. Дипломатия XX века.* – М., 2010.

*Чубинский В.В. Бисмарк.* – М., 1988.

*Шпенглер О. Закат Европы.* – М., 1993.

*Шоню П.* Цивилизация классической Европы. – Екатеринбург, 2005.

*Элиас Н.* О процессе цивилизации. Т. 1, 2. – М.; СПб., 2001.

*Ян Мелин А.Ю., А.В. Юханссон, С. Хаденберг.* История Швеции. – М.: Изд-во «Весь Мир», 2007.

*Ясперс К.* Смысл и назначение истории. – М., 1991.

*Iberica aericans /Латиноамериканская культура в дискуссиях конца XIX – начала XX века.* – М.: ИМЛИ РАН, 2009.

[ru.wikipedia.org/wiki/Конституционная революция в Иране.](http://ru.wikipedia.org/wiki/Конституционная_революция_в_Иране)

[ru.wikipedia.org/wiki/Балканский полуостров.](http://ru.wikipedia.org/wiki/Балканский_полуостров)

[ru.wikipedia.org/wiki/История Балкан.](http://ru.wikipedia.org/wiki/История_Балкан)

[ru.wikipedia.org/wiki/История США \(1789–1849\)](http://ru.wikipedia.org/wiki/История_США_(1789–1849))

[ru.wikipedia.org/wiki/История США \(1865–1918\)](http://ru.wikipedia.org/wiki/История_США_(1865–1918))

[tssi.ru/navigator/isaa.nev.htm](http://tssi.ru/navigator/isaa.nev.htm).

<https://docs.google.com/document/d/1dyMvipfZhy/edif1hi=ru>

[www.petrsu.ru/Chairs/Histne/kurs.html](http://www.petrsu.ru/Chairs/Histne/kurs.html)

[ru.wikipedia.org/wiki/История Скандинавии.](http://ru.wikipedia.org/wiki/История_Скандинавии)

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>I БҮЛİM. ИНДУСТРИАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ</b>	
I б о б . XIX аср – XX аср бошларида дунёнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий қиёфаси .....	7
II б о б . Фан ва маданият .....	48
<b>II БҮЛİM. ЕВРОПА: САНОАТ ДАВРИНИНГ ҚИЁФАСИ ВА ЗИДДИЯТЛАРИ</b>	
III б о б . Янги Европани куришда Франциянинг роли .....	88
IV б о б . XIX аср – XX аср бошларида Буюк Британия .....	143
V б о б . XIX аср – XX аср бошларида Германия .....	161
VI б о б . XIX аср – XX аср бошларида Австрия империяси .....	184
VII б о б . XIX аср – XX аср бошларида Италия .....	199
VIII б о б . XIX аср – XX аср бошларида Испания .....	224
IX б о б . XIX аср – XX аср бошларида Португалия .....	234
X б о б . XIX аср – XX аср бошларида Россия империяси .....	238
XI б о б . XIX аср – XX аср бошларида Шимолий Европа мамлакатлари .....	267
XII б о б . XIX аср – XX аср бошларида Болқон мамлакатлари .....	274
<b>III БҮЛİM. ЮКСАЛАЁТГАН АМЕРИКА</b>	
XIII б о б . XIX аср – XX аср бошларида Америка Құшма Штатлари ..	284
XIV б о б . XIX аср – XX аср бошларида Лотин Америкаси мамлакатлари .....	308
<b>IV БҮЛİM. УЙГОНАЁТГАН ОСИЁ</b>	
XV б о б . XIX аср – XX аср бошларида Япония .....	322
XVI б о б . XIX аср – XX аср бошларида Хитой .....	341
XVII б о б . XIX аср – XX аср бошларида Ҳиндистон .....	365
XVIII б о б . XIX аср – XX аср бошларида Корея .....	384
XIX б о б . XIX аср – XX аср бошларида Жануби-Шаркий Осиё мамлакатлари .....	398
XX б о б . XIX аср – XX аср бошларида Австралия .....	418

XXI б о б . XIX аср – XX аср бошларида Туркия .....	422
XXII б о б . XIX аср – XX аср бошларида Эрон .....	445
XXIII б о б . XIX аср – XX аср бошларида Афғонистон .....	459
XXIV б о б . XIX аср – XX аср бошларида Осиёдаги Араб мамлакатлари .....	468
<b>V БЎЛИМ. XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА АФРИКА</b>	
XXV б о б . XIX аср – XX аср бошларида Африкадаги Араб мамлакатлари .....	490
XXVI б о б . XIX аср – XX аср бошларида Фарбий, Шарқий ва Жанубий Африка .....	511
<b>VI БЎЛИМ. XX АСР БОШЛАРИДА ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИ</b>	
XXVII б о б . XIX аср – XX аср бошларида халқаро зиддиятларнинг кескинлашуви .....	527
XXVIII б о б . Биринчи жаҳон уруши .....	537
Хулоса .....	550
Глоссарий .....	551
Хронология .....	554
Тавсия этилган адабиётлар рўйхати .....	561

*Ўқув нашири*

ШУХРАТ ЭРГАШЕВ

## ЖАХОН ТАРИХИ

(Янги давр. II-кисм. 1800–1918 йиллар)

Мухаррир *И. Аҳмедов*

Рассом-дизайнер *И. Юлдашев*

Техник мухаррир *Л. Хижсова*

Мусаҳхих *Ш. Шоабдораҳимова*

Кичик мухаррир *Д. Ҳолматова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.

Босишига 2015 йил 12 марта руҳсат этилди. Офсет қоғози.

Бичими  $60 \times 90 \text{ mm}$ . «Times» гарнитурасида оғсет усулда босилди.

Шартли босма табоги 35,5. Нашр табоги 35,22. Адади 2000 нусха.

Буюргма № 15-118.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**Эргашев, Шухрат**

Э-74 Жаҳон тарихи : (Янги давр. II-к. 1800–1918 йиллар) : ўқув  
қўлланма/Ш. Эргашев; муҳаррир И. Ахмедов; Узбекистон Рес-  
публикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Тошкент:  
«O‘zbekiston», 2015. – 568 б.

ISBN 978-9943-28-068-7

УЎК: 94(419)(075)

КБК 63.3(0)я73

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-068-7



9 789943 280687